O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI

"BIZNES VA IQTISODIYOTDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA" MAVZUSIDAGI ILMIY - AMALIY KONFERENSIYA

SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE ON "DIGITAL TRANSFORMATION IN BUSINESS AND ECONOMY"



21 IYUN JUNE 2023
TASHKENT

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

International scientific - practical conference

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ

БИЗНЕС ВА ИҚТИСОДИЁТДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари

2023 йил 21 июнь

ТОШКЕНТ – 2023

Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация. Республика илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент: Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2023.– 524 б.

Масъул муҳаррир: **Абдиназаров Б.Қ.** – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби директорининг биринчи ўринбосари

Таҳрир ҳайъати:

Суюнов Д.Х. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Кенжабаев О.Т. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расулова Д.В. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Бобоқулов Т.И. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Ганиходжаев Б.Ф. – техника фанлари номзоди
Қодиров Т.У. – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Алиқориев О.Ф. – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Садриддинов Б.Б. – кимё фанлари номзоди, доцент
Юсупов Р.А. – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Масъул ходимлар: **Набиева Ш.М.** – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби бош мутахассиси
Шодмонов А.Х. – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби етакчи мутахассиси

Ушбу тезислар тўпламида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармонида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, хорижий ҳамда миллий етакчи профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, рақамли иқтисодиёт, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, капитал бозори, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳалар бўйича янги фикр ва тажриба алмашиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишлари ва ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида 2023 йил 21 июнь куни **“Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация”** мавзусида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий конференция маъруза тезислари жамланган.

Материалларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Мазкур тезислар тўплами 2023 йил 5 июндаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

© Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, 2023 йил.

OPENING SPEECH

Abdinazarov B.K. *– Deputy Director of Graduate School of Business and Entrepreneurship*

DIGITALIZATION IN MODERN BUSINESS AND ECONOMY

Good morning, dear guests, colleagues, students and participants of the conference! It is my great honor and privilege to welcome you all at today's conference on "Digital Transformation in Business and Economy."

In today's rapidly evolving world, where technological advancements are reshaping every aspect of our lives, the importance of digitalization cannot be understated. Digitalization has become the *backbone* of modern businesses, revolutionizing the way we operate, communicate, and innovate. It has enabled organizations to streamline their processes, enhance productivity, and reach customers in ways we couldn't have imagined before.

Nevertheless, the development of business models of the economy as a whole with modern challenges of digitalization is an urgent problem all over the world. Forced restrictions caused by the Covid-19 pandemic caused a significant rise in the introduction of digital technologies in all spheres of society, economy and business. In Uzbekistan, the problem of this sphere has acquired special significance: in the context of challenges, the fourth industrial revolution.

The digital economy should adapt as quickly as possible to the rapidly occurring changes, introducing new competitive IT ways of doing business. After the announcement in 2011 in Germany of "Industry 4.0." as a state strategy for the introduction of the concept and technologies of the fourth industrial revolution, other countries of the world, including Uzbekistan, adopted this paradigm as a call to action, also developing state programs and development strategies aimed at digitalizing the economy as a whole and stimulating the use of digital technologies in other industries. Digital transformation is officially one of the *national development goals of Uzbekistan until 2030*. The Program for the development of the digital economy of Uzbekistan was adopted by the Decree of the President of Uzbekistan "On measures for the widespread introduction of the digital economy and e-government" No. PD-4699, April 28, 2020. This document highlights current issues related to the widespread introduction of digital technologies into the work of domestic enterprises and public services, the training of IT specialists, comprehensive support for IT entrepreneurship and many others, and its main provisions are currently being actively translated into practice.

In addition, there was the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 5, 2020 "*On the approval of the Digital Uzbekistan – 2030 Strategy* and measures for its effective implementation". This program document includes "roadmaps" for the digital transformation of priority economic sectors and regions.

One of the key aspects of digitalization is the *utilization of data*. With advancements in *artificial intelligence* and machine learning, businesses can now collect, analyze, and utilize data to gain valuable insights into customer behavior, market trends, and organizational performance. This allows companies to make data-driven decisions, enhance customer experiences, and stay ahead of the competition. Moreover, digitalization has had a profound impact on the economy as a whole. It has facilitated the growth of online marketplaces, enabling businesses of any size to reach a global audience without the need for physical presence. *E-commerce platforms*, for instance, have transformed the way we buy and sell products, providing consumers with convenience and accessibility, while giving businesses access to a vast customer base.

Additionally, digitalization has fostered *innovation*, creating new business models and disrupting traditional industries. Companies such as Uber, Airbnb, and Amazon have leveraged digital technologies to redefine the way we travel, stay, and shop. These digital disruptors have reshaped industries, challenging existing norms and forcing businesses to adapt, or risk being left behind.

Now more than ever, *banks* are faced with the challenge of providing convenient, seamless, and secure services to their customers. Digitalization has become the driving force behind redefining customer experiences, streamlining internal operations, and fostering innovation within the banking industry. It has empowered us to deliver banking services with unprecedented convenience, accessibility, and efficiency.

However, with these opportunities come challenges. As we increasingly rely on digital technologies, cyber threats and data breaches have become a pressing concern for businesses. Protecting the privacy and security of customer data has become paramount, requiring organizations to invest in robust cybersecurity measures and implement strict data protection policies. Furthermore, the rapid pace of digitalization raises questions about the future of work. As automation and *artificial intelligence* continue to advance, there may be concerns about job displacement. It is imperative that we address these concerns by focusing on reskilling and upskilling the workforce, ensuring that individuals are equipped with the skills needed for the digital age.

In conclusion, digitalization is transforming the way we do business and shaping the economy of the future. It presents immense opportunities for growth, innovation, and efficiency. However, it also brings forth challenges that we must address collectively. By embracing digitalization, harnessing its power, and adapting to the changing landscape, we can navigate the digital revolution and build a prosperous and inclusive economy.

Thank you very much!

Бобакулов Т.И. *– БТОМ, и.ф.д., проф.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инфляция даражасини 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, давлат бюджети дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмайдиган даражасига эришиш, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш[1] вазифаларининг қўйилганлиги муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши пуллар таклифини тартибга солиш соҳасидаги муҳим воқелик бўлди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юкланди.

Аммо, 2022 йилда инфляция бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичга эришилмади. пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида 2022 йил учун инфляциянинг йиллик даражасини 8-9 % даражасида бўлиши прогноз қилинган эди. Бироқ, 2022 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 12,3 фоизни ташкил этди.

2022 йилда республикамизда инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичга эришилмаганлигининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

1. Асосий озиқ-овқат ва импорт товарлари нархларининг юқори ўсиши базавий инфляция даражасини кескин ошишига олиб келди. 2022 йилда базавий инфляция даражаси 13,8 фоизни ташкил этди.

2. Иқтисодиётдаги юқори инфляцион жараёнлар, ёқилғи-энергия ресурслари, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва импорт хомашёси нархларининг ошиши 2022 йилда инфляцион кутилмаларнинг салбий бўлишига олиб келди.

3. Пул массасининг ўсиш суръатини юқори бўлди. 2022 йилда пул массасининг йиллик ўсиш суръати республикамизда 30,2 фоизни ташкил этди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида мамлакат

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда инфляция даражаси 2018-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, аммо, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-жадвал

Ўзбекистонда алоҳида олинган макроиқтисодий кўрсаткичлар[1]

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси, %	20,5	17,8	18,5	19,6	21,2
Инфляция даражаси, %	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3
ЯИМнинг ўсиш суръати, %	5,5	6,0	2,0	7,4	5,7
Тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	20,5	24,2	22,3	20,8	21,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда ЯИМнинг ўсиш суръати 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаси таҳлил қилинган давр мобайнида юқори бўлган.

Фикримизча, мамлакат иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасни ошириш учун экспансионистик монетар сиёсатни Ж.М.Кейнс томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин таклиф этилган умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган бюджет сиёсати билан уйғунлаштирган тарзда олиб бориш лозим.

Экспансионистик монетар сиёсат тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантиради ва кредитларнинг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан даражасини ошириш имконини беради. Бу эса, пул массасининг мультипликатив кенгайишини таъминлаш имконини берган ҳолда, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Фикримизча, экспансионистик монетар сиёсатни амалга ошириш учун биринчидан, Марказий банк мажбурий захира талабномаси суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрарқамларида қолдириш йўли билан банкларнинг кредитлаш имкониятини ва ликвидлилигини ошириш лозим; иккинчидан, Марказий банкнинг дисконт ва ломбард кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш билан тижорат банкларига бериладиган қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш зарур; учинчидан, тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган тижорат банклари ва компанияларнинг депозит сертифкатлари ва облигацияларини Марказий банк очиқ бозор операцияларининг объектларига айлантирган ҳолда, тўғри РЕПО ва тескари РЕПО операцияларининг ҳажмини ошириш керак; тўртинчидан, миллий ссуда капиталлари бозорини шакллантириш асносида Марказий банк томонидан

[1] Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосиа тузилган.

тижорат банклари кредитлари бозор баҳосининг паст ва барқарор даражасини таъминлашга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган бюджет сиёсатининг амалга оширилиши номинал фоиз ставкасининг пасайишига олиб келади, монетизация коэффициенти даражасини ошириш имконини беради, Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини оширишга замин яратади.

Ж.М.Кейнснинг хулосасига кўра, давлат бюджети харажатларининг ошиши пуллар таклифининг ўсишига олиб келади. Бу эса, фоиз ставкасининг пасайишига сабаб бўлади ва бунинг натижасида инвестицияларнинг муқобил қиймати пасаяди. Айни вақтда, фоиз меъёрининг пасайиб бориши билан фирма ва компаниялар ўзларининг режали инвестициялари ҳажмини оширадилар. Бу харажатлар режали харажатларнинг умумий суммаси билан қўшилиб, товар захираларининг кўзда тутилмаган миқдорда сарфланишига олиб келади. Фирма ва компаниялар эса, бундай шароитда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирадилар. Бу эса, ўз навбатида, миллий даромаднинг кўпайишига олиб келади[1].

Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришиш учун, биринчиидан, табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳолари ўсишининг юқори чегарасини белгилаш керак; иккинчидан, давлат бюджети дефицитини ЯИМнинг 3 фоизидан ошмайлиган даражасини таъминлаган ҳолда, уни ноинфляцион манбалра ҳисобидан молиялаштирилишини таъминлаш лозим; учинчидан, асосий ташқи савдо ҳамкор мамлакатлардан инфляцияни импорт қилинишўига йўл қўймаслик зарур.

Л. Катао ва М. Терронза томонидан амалга ошрилган тадқиқот кўрсатдики, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда Давлат бюджети дефицитининг қисқариш суръати билан инфляция даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, деган хулоса ҳисобланади. Ушбу хулоса аниқ ҳисоб-китобларга асосланган: инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 50 фоизга яқин бўлган мамлакатларда Давлат бюджети дефицитининг ЯИМдаги салмоғини 1 фоизли пунктга қисқариши инфляциянинг 8,75 фоизли пунктга пасайишига олиб келади. Бунда Давлат бюджети дефицити ва инфляция ўртасидаги сезиларли статистик боғлиқлик нафақат юқори инфляция шароитида, балки оқилона инфляция шароитида ҳам кузатилди[2].

Daiyon Cho (Korea) - *Handong Global University,prof.*

DIGITAL TRANSFORMATION IN BUSINESS: KOREAN COMPANIES

The reimagining of business process of using digital technologies to create new — or modify existing — business processes, culture, and customer experiences to meet changing business and market requirements.

[1] Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос, АРВ, 2012.
[2] Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation // Working Paper. 65. IMF. – P. 63 - 67.

- It transcends traditional roles like sales, marketing, and customer service.

Instead, digital transformation begins and ends with how you think about, and engage with, customers.

As we move from paper to spreadsheets to smart applications for managing our business, we have the chance to reimagine how we do business — how we engage our customers — with digital technology on our side.



POSCO – Concept of Smart factory



POSCO: Smart furnace – AI / Deep learning model
POSCO – Autonomous operating furnace



POSCO – Smart Factory Intelligent Steel Mill (AI)
LS Electric

The picture of a high-quality factory LS Electric is targeting at


3 Back-office: process innovation
Back-office Process innovation
Potential for Region-Specific Automation
immediate effect
automation possible
automation impossible
27%
57%
16%
22%
55%
23%
22%
55%
23%
Finance
HR
IT
Intelligent Process Automation
Smart contract with Blockchain
ERP as digital core
Real-time SCM


3 Back-office: convention center business
Intelligent Process Automation
Brity Works
conversation
AI Chatbot
+
automation
IPA
decision making
Workflow
MES
ERP
SCM
CRM
...
Mobile Virtual Assistant
Data gathering & Reporting
Order registration and process
System Operation
: Detection → Alarm → Action


3 Back-office: convention center business
Smart contract with Blockchain
SAMSUNG SDS
Nexledger
ABN·AMRO
DELIVER
AIG
Port of Rotterdam
Customs
Corporate Purchase Electronic Contract System
Blockchain to Blockchain Interconnectivity Guranteeing International Trade Platform



POSCO leverages artificial intelligence to drive productivity and quality improvements in the steel industry. It is building a collaboration with a local ecosystem of academia, small and medium-sized enterprises and startups.



LS Electric

Use Case 1: Automatic facility recipe change system for mass customization production



LS Electric

Use case 2: AI/Machine Learning-based product appearance vision inspection accuracy improvement

Improve quality by improving the current surface inspection with vision inspection using deep learning technology to expand the inspection area to defects in products that could not been inspected before

- No of detected defect types: 21 à 152 types
- Improvement of defect detection: 33% increase
- No of quality control staffs: 18 à 7 persons

LS Electric

Use case 3: Autonomous Mobile Robots (AMR) for logistic automation

To protect workers' safety and detect the optimal route of logistics movement in real time, LiDar sensors that are used in autonomous vehicles are used to automatically recognize surroundings to develop autonomous logistics vehicles

- No. of staffs for logistics : 18 à 11 persons
- Logistics line configuration time for layout change: 8 à 1 hour

LS Electric

LS Electric’s Smart Factory is creating actual results beyond the level of pilot deployment.

Расулова Д.В. *– БТОМ, и.ф.д.,проф.*

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ҳозирги кунда тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари умумий корхоналар сонининг 90

фоиздан зиёдини ташкил этади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортиғини иш билан таъминлайди. 2022 йилги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда меҳнат билан банд аҳолининг 74,2 фоизи шу соҳада ишлайди.

Тадбиркорлик субъектлари тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳам салмоқли ўринга эга. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳа улуши 54,9 фоиздир. Шунингдек, сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларининг ташқи савдодаги динамикасига эътибор қаратсак, 2022 йилда мамлакат умумий экспортидаги тадбиркорлик субъектларининг улуши 2010 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ошган бўлса, мамлакат импортида эса 2010 йилда 35,8 % дан 2022 йилга келиб 62,6 % га (ёки 1,7 баробар) етган. Экспорт кўрсаткичларнинг бундай кескин ўсишига асосий сабаб сўнги йилларда экспорт учун яратилаётган қулай шароитлар, валюта бўйича чекловларнинг олиб ташланганлиги, хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий саводхонлиги ошганлиги бўлса, импортдаги улушининг ошишига кичик бизнес субъектларини молиялаштириш масалаларининг янада мукаммаллашгани, “Ҳар бир оила – тадбиркор” ва “Ёшлар келажагимиз” каби дастурлар доирасида кредитлар ажратилиши ҳамда ушбу маблағлар ҳисобидан хориждан асбоб-ускуналар ва бошқа технологияларни харид қилинаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида, Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2022” ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислоҳотчи давлати қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифасидир. Ҳозирги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Бежизга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Фақат катта корхоналар қуриб, аҳоли бандлигини ва даромадини ошириш, бюджет тушумларини кўпайтириш масалаларини тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир” деб таъкидлаб ўтмаганлар.

Дунё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш давомида амин бўлдикки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларининг ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этиш, давлатларнинг жаҳон хўжалигига қўшилишини рағбатлантириш

учун самарали, туб ташқи иқтисодий сиёсат эканлигини, барқарор иқтисодий ўсишни, капитал жамғаришни, иқтисодиётда илғор технологик ва таркибий силжишлар юз беришини, ишлаб чиқариш, инвестицияларни бошқариш ва уларнинг сифатининг ошишини таъминлашидан далолат беради. Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси олиб борилаётган стратегияга ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга боғлиқдир. Шу сабабли, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳамга ушбу жараёнга кичик бизнес субектларини жалб этиш мамлакар иқтисодий ривожидаги аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатнинг имкон қадар ташқи иқтисодий фаолиятини тезроқ такомиллаштирилиши, давлат томонидан хўжалик юритувчи субектлар учун яратиладиган ма’лум иқтисодий нафни ифодалаши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2023 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиши зарурлиги тўғрисида ва 2023 йилда бу соҳада қилиниши зарур бўлса йўналишларни белгилаб бердилар.

Ривожланган давлатлар тажрибаси мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларимиз учун анча фойда келтиради. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт жараёнида рақамли иқтисодиёт технологияларидан фойдаланиш даражаси ривожланган давлатлар даражасида бўлиш зарур (2- расм).

Юқоридаги олиб борилган таҳлилий маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт жараёнларини амалга оширишда зарур бўладиган рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасининг шу атрофда бўлиши экспортни янада ривожлантиришга ва бу соҳада мавжуд техник муаммоларни бартараф этишга олиб келиши мумкин.



1-расм.Тадбиркорлик субъектлари томонидан рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланиш даражаси (бизнес соҳасидаги ташкилотлар умумий сонига нисбатан фоизда)[1]

Ҳозирги кунда жаҳон экспорти ривожланишининг глобал тенденцияси электрон сотувлар ва онлайн экспортнинг ўсиши ҳисобланади. Ташқи бозорга йўналтирилган ўз Интернет-савдо сайтини яратишдан фарқли ўлароқ, кўплаб

[1] Муаллиф ишланмаси

экспорт қилувчи компаниялар аллақачон тасдиқланган Интернет-савдо сайтларидан фойдаланишни маъқул кўришади (1-жадвал). Улар электрон тижорат савдосини бошлашда энг паст нархни таъминлайди. Ҳозирги вақтда турли хил товарлар ва хизматларни сотишни таъминлайдиган кўплаб электрон савдо майдончалари мавжуд. Энг машҳур рақамли платформалар қаторида Alibaba, Aliexpresse, eBay, Amazon, Etsy ва бошқаларни қайд этиш мумкин. Рақамли савдо технологияларидан фойдаланиш катта молиявий сармояларсиз харидорлар сонини кескин ошириши мумкин, бу бизнес учун жуда фойдали жараён ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда кўп тармоқли бозорлар мавжуд, хусусан, Alibaba.com, шунингдек, тор профилли рақамли платформалар фаолияти муайян маҳсулот ёки географик жойлашувга қаратилган. Одатда, йирик халқаро бозорлар мақсадли аудиторияни аниқлаб олиш ва миллий ўзига хосликларни ҳисобга олиш учун доменлар билан минтақавий филиалларни яратади, Булар жумласига Франция ва Буюк Британия каби давлатларни киритишимиз мумкин. Хитой онлайн сотишда етакчи ҳисобланади, у бутун дунё бўйлаб сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатадиган кўплаб бозорларга эга. Энг машҳур бозорларга:“Alibaba”, “Aliexpress”, “eBay”, “Amazon” киради. “Alibaba.com” электрон платформаси дунёдаги энг йирик электрон лойиҳалардан биридир. Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 240 та мамлакат ва минтақалардан келган 260 миллиондан ортиқ одамни ташкил этади, улар ойига 185 миллионта харидни амалга оширмоқдалар. Alibaba - ташқи бозорларга чиқишни анча осонлаштирадиган, харидорлар ва сотувчилар ўртасида асосий алоқа амалга ошириладиган онлайн дўкон, шунингдек, B2B бозор майдонларининг бизнес моделини амалга оширади. Alibaba ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва истеъмолчилар учун бутун дунё бўйлаб товарлар ва хизматларни тақдим этадиган ягона ахборот савдо майдонини ташкил этади.

1-жадвал

Интернет савдоси ҳажми 2022 йил *(млрд. доллар)*. [1]

№	Мамлакатлар	Интернет савдоси ҳажми (млрд. доллар)
1	Хитой	672,01
2	АҚШ	349,06
3	Буюк Британия	99,39
4	Япония	89,55
5	Германия	61,84
6	Франция	42,60
7	Жанубий Корея	26,83
8	Бразилия	19,79
9	Австралия	19,02

Рақамли платформада Alibaba.com сайтида дунёдаги ҳар қандай компания сотувчи сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин. EBay.com бозори B2C ва C2C

[1] B2B trade online: platforms, tools, features [Электронный ресурс] ttps://www.exportcenter.ru/upload/docs/ Handbook_B2B.pdf

бизнес технологияларини татбиқ этадиган дунёдаги энг таниқли онлайн платформалардан биридир. B2C технологияси (бизнес истеъмолчига) товар ва хизматларни истеъмолчига тўғридан-тўғри сотишни англатади, C2C (истеъмолчи истеъмолчига) истеъмолчилар ўртасида товар ва хизматларни сотишни таъминлайди. Электрон тижорат юритиш учун ҳам турли хизматлар яратилган бўлиб, улар электрон бизнесни юритишга кўмаклашади. Бугунги кунда ўз онлайн дўкон яратиш учун Bigcommerce.com, Shopify.com ва бошқа хизматлар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланиш барча соҳаларда, жумладан, маҳсулотлар экспортида туб ўзгаришларга олиб келади. Маҳсулотлар ва хизматлар экспортининг анъанавий шакллари билан бир қаторда, тўртинчи саноат инқилоби шароитида инновацион рақамли технологиялар пайдо бўлмоқда.

Рақамли платформалар анъанавий саноат тармоқларида тобора кўпроқ пайдо бўлиб, бир қатор ўзгаришларни олиб келади:

- саноат бозорлари чегаралари, таркиби ва улардаги рақобат қоидаларининг ўзгариши;
- рақамли платформалар пайдо бўлиши анъанавий бизнесдан устун келади;

Шунингдек, рақамли платформаларни ривожлантиришни рағбатлантириш воситаларига қуйидагилар киради.

- маълумотларни ҳимоя қилиш стандартлари ва қоидаларини уйғунлаштириш;
- трансчегаравий маълумотлар алмашинувини соддалаштириш;
- халқаро электрон тижоратни ривожлантириш;
- рақамли инфратузилмага сармоя киритиш;
- ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, улардан кераксиз воситачилик алоқаларини йўқ қилади, самарадорликни кескин оширади;
- халқаро бозорлар ва меҳнат унумдорлиги.

Экспортни ривожлантиришга қаратилган савдо-экспортни қўллаб-қувватлаш ва бизнес тузилмаларини ривожлантириш бўйича давлат муассасалари ўртасида яқин ҳамкорлик қилиш зарурати мавжуд. Истиқболли жиҳатлардан яна бири экспорт хизматлари эҳтиёжларига жавоб берадиган миллий рақамли платформани яратиш ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт платформаларининг ривожланиши кўплаб янги имкониятларни яратиши мумкин. Рақамли платформаларнинг ривожланиши экспорт бўйича муаммоларни ҳал қилишда, шу жумладан, иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш билан боғлиқ ҳолда амалга ошиши мумкин. Бу иқтисодий ва ижтимоий натижаларни яхшилашга ёрдам бериши ҳамда инновациялар ва маҳсулдорликни ошириш учун ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Платформалар томонидан тақдим этилган инфратузилма алоқа, операциялар, маълумот алмашиш ва ҳамкорлик самарадорлигини ошириши мумкин. Ривожланаётган мамлакатлардаги маҳаллий фирмалар рақамли платформалар томонидан тақдим этилган рақамли хизматлардан фойдалана олишса, сезиларли фойда олишлари

мумкин. Рақамли платформалар анъанавий битимларга нисбатан транзакция харажатларини камайтириши мумкин, шунинг учун, айниқса, микрофирмалар ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлар учун ички ва ташқи бозорда кенг имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги «Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-108-сон Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2022 йил 21 декабрь. – www.uza.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналиш-лари тўғрисида”ги ПФ-29-сон фармони– www.uza.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги ПФ-6306 сонли “Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони.

Suduk Kim (Korea) *- Director of AUCE, Ajou Univ. Center for Energy*

DIGITAL TRANSFORMATION & ELECTRIFICATION

Spacewell Energy

The 4th revolution, or Industry 4.0, is exploiting new smart and connected systems to improve both the flexibility and efficiency of the industry.

Essentially, this enhanced intelligence derives from

- the interconnectedness of devices, machinery and larger systems,
- both within and between industry sites and users.

Examples:

- Smart Grid
- Big Data & AI in energy management -> Optimize the **Complex Energy System**[1]

[1] Figure Source: UNIDO(United Nations Industrial Development Organization), Accelerating clean energy through Industry 4.0: Manufacturing the next revolution, 2017 Source of Discussion: Spacewell Energy, https://www.dexma.com/



8 Benefits of the Electricity Digital Revolution

1. **Grid instability and imbalance issues** (eg. intermittent renewable energy generation):

➢ Real-time data monitoring has enabled much faster corrective actions and pre-emptive processes to become mainstream.

2. **Interoperability of multiple types of assets**

➢ renewable generation, energy storage and sector coupling technologies)

3. **Identification of process inefficiencies and faulty equipment:**

➢ Replacing older models with newer and more efficient technology,

➢ Changing business practices

➢ More advanced software tools using AI can optimize energy flows.

4. By **harnessing new technologies and reducing waste,** energy consumption of just 5 industries can be reduced by 13-29%.

➢ As a result, this reduces total global CO2 emissions by an impressive 4%.

5. **The implementation of smart grids:**

➢ Significant energy savings for both consumers and utilities.

6. **Increased customer engagement through digital technologies:**

➢ Greater customer satisfaction and loyalty.

7. **Improved safety:**

➢ Remote monitoring of equipment

➢ Detection of potential hazards before they become major issues.

8. **More reliable energy supply**:

➢ Better prediction and prevention of power outages through predictive maintenance, real-time monitoring, and the use of advanced analytics.[1]

[1] Source: Spacewell Energy, https://www.dexma.com/blog-en/energy-4-0-how-digital-revolution-is-shaping-the-future-of-electricity



What is Energy System?

- A Simple Definition of System

- Energy System

- Example of the flow of Energy System?

Sankey Diagram for the process representation of Energy System



- How many energy systems do you find on the left Sankey diagram?
- What is the overall efficiency of power generation?
- What would be the cause of the difference between total power generation and delivered power to building (residential, commercial), industry and transportation?
- How could you evaluate the potential of new and renewable energy development of your country?

Uzbekistan Energy System (2020)



Korean Energy System (2020)



Key pillars of decarbonization



This ‘Electrification’ must be carbon-neutral![1]

Expected Hourly Net Load Pattern (2030, 2050, Korea)

Hourly Net Load (2030)



Hourly Net Load (2050), Net-Zero



Would ‘Electricity Digital Revolution’ guarantee Net Zero by 2050?



- Grid instability and imbalance issues,
- Interoperability of multiple types of assets,

[1] Source: Net Zero by 2050: A Roadmap for the Global Energy Sector (2021), https://www.iea.org/reports/net-zero-by-2050

- Identification of process inefficiencies and faulty equipment (in power sector),
- Harnessing new technologies and reducing waste,
- Implementation of **smart grids** and significant energy savings,
- Increased customer engagement, Improved safety, More reliable energy supply

Negative Price of Wind Power (ERCOT)

The concept of a negative price seems paradoxical: whether it's buying a new television or filling up your gas tank, you generally have to pay for it. Sure, it's possible to imagine getting things for free, but the idea that someone would pay you to take the gas or television set doesn't quite make sense.

Negative prices are in fact a periodic—if relatively uncommon—feature of the Texas electric markets for reasons that are often misunderstood. Prices in the Texas wholesale electric market are set by auction. Generators offer bids to the state's grid operator, the **Electric Reliability Council of Texas** (ERCOT), about what prices they would be willing to accept, and the lowest bids are accepted until there is enough generation to meet demand. When demand is low, such as at night, there can be much more available supply than there is need for demand, which tends to drive prices down close to zero. In some cases, prices go below zero, with generators actually offering to pay others to consume their electricity.



Negative Pricing and The Minimal Impact in ERCOT

- Negative pricing occurs either at times of high electricity output and low demand, usually overnight or when there is a transmission constraint.
- Occurrences of negative pricing attributed to wind generation have declined as a result of transmission lines built under the state's Competitive Renewable Energy Zones (CREZ), but negatice pricing has a minimal impact on the average power price in ERCOT.
- According to ERCOT, "In 2019, system-wide negative pricing occurred for 58.5 hours, or less than one percent of the year."
- Negative pricing events in ERCOT have been well correlated in some years but not others. Specifically, negative pricing events were less correlated prior to the expansion of the transmission network in 2013 (CREZ), because transmission constraints limited negative pricing events to high-wind areas in West Texas.
- Immediately after the expansion of the transmission network, the smaller number of remaining negative pricing events were well correlated across ERCOT. However, as wind capacity continued to expand in West Texas, transmission began again to be a constraining factor, causing an increase in localized negative pricing events over the last several years.
- Expanding transmission lines in Texas will be critical in limiting negative pricing events in the future.



Figure 4: Combination of storage and hybridisation in a solar plant



Source: Geyer, 2007, *SolarPACES Annual Report*.

In accordance with a Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan on the strategy for further development and reform of the electricity sector of the Republic of Uzbekistan, the Ministry is developing a programme for the development of generating facilities for the period up to 2030 providing for the implementation of major investment projects to increase generating capacity with the construction of new power units with total capacity of about 27 GW for a total of about 35 billion U.S. dollars, and the decommissioning of obsolete power units at thermal power plants with a total output of 6.4 GW

The implementation of measures in the thermal power industry will ensure the introduction of modern energy production technologies based on highly efficient steam-gas and gas-turbine units with the efficiency of power units reaching about 60%.

Special attention is being given to the construction of the country's first nuclear power plant with an output of 2.4 GW.

Also, as part of the transition to a "green" economy, priority in the electric power sector is being given to the establishment of modern solar and wind power plants with a total output of 6.7 GW.

To ensure stable supply of electricity, it is also necessary to build **2.7** thousand km of 220-500 kV transmission lines with the simultaneous construction of **9** new substations, which will require an investment of $ **2.4**bn.

Furthermore, $ **9.9**bn is required for reconstruction and modernization of **39,600** units of existing transformer substations and **140,900** km of power transmission lines in distribution grids of 110/35/10/0. 4 kV.

Naturally, the investment needed in the electric power sector cannot be made only at the expense of existing government-owned energy companies, and we will focus on attracting private investment.

There are also plans to build new power plants with a total output of **15** GW exclusively through direct investment amounting to about $ **17.3**bn. All plants, with the exception of hydroelectric, nuclear and several regulatory power plants, will be built through direct investment.

Power Industry: Ministry of Energy (Uzbekistan Gov’ t)

Carbon-Neutral ‘Electrification’ ?

Uzatom Agency: the Agency for the Development of Nuclear Energy

- **1994:** Uzbekistan became a member of IAEA.
- **7 September 2018:** an agreement between the Government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the Russian Federation on cooperation in construction of a nuclear power plant was signed. The planned output is **2,400 MW** of generation "3+" with two power units based on water-cooled **VVER-1200** power reactors.
- **19 July 2018:** Uzatom Agency was created (by the Decree of the President)
- **7 May 2019:** Working Commission headed by the Prime Minister of Uzbekistan jointly with the Scientific-Technical and Expert Council of the Uzatom Agency, having reviewed the reports of the management of the State Committee of Geology and Uzgashkliti SUE, which conducted the above mentioned engineering surveys, decided on the choice of site No. 1 as a priority. **The site is near lake Tuzkan** in the Aydar-Arnasay lakes system.
- **by the end of 2019:** Specialists of the Uzatom Agency and Rosatom State Corporation are conducting negotiations on the main contracts for the construction of a nuclear power plant, which are scheduled to be signed. (No further updates found.)

IAEA completes siting review for Uzbekistan (30 January 2023), WNN

"The team found that Uzbekistan has carried out an objective and safety-oriented site characterisation process that emphasised the safety of workers, public and environment, in accordance with the IAEA Safety Standards," said Ayhan Altinyollar, team leader for the review and Nuclear Safety Officer in the IAEA Department of Nuclear Safety and Security.

Power mix change since late 1970s (Korea) [1]



Regional Wind Direction - Wind Field on April (2010)

[1] Source: Suduk Kim, et al., The Evolution of the Korean Electricity Market, Evolution of Global Electricity Markets: New paradigms, new challenges, new approaches, ed. by Fereidoon Sioshansi, Chapter 22, Academic Press, July 9, 2013



Кенжабаев А.Т. *– БТОМ, и.ф.д.,проф.*

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”ДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш давлат ёрдами воситасида амалга оширилади. Уларда бу соҳада жуда катта ижобий тажриба тўпланган, ундан бизнинг шароитларимиз ва хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини оширишда хориж тажрибаларидан фойдаланар эканмиз, энг аввало барча ривожланган мамлакатларга хос бўлган умумий тамойилларни ҳисобга олиш зарур. Улар қуйидагича: Кўпгина ривожланган хориж мамлакатлари оёққа тураётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга махсус имтиёзли солиқлар жорий қилади. Жуда кўп ривожланган мамлакатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, энг аввало унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, яъни қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиб, ҳаётга татбиқ этади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ҳимоясига олинган. Давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бутун фаолиятидан воқиф бўлиб, бошқарув тизимини тартибга солиш ва такомиллаштиришга кўмак беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар хил молиявий ёрдам кўрсатилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат дастурлари қабул қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга биринчи навбатда имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда жамоат ташкилотлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий

химоячиси бўлиб ҳисобланади. Йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан ёрдамини аямайди.

Бозор иқтисодиётига ўтган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда биз дунёдаги иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибаларини кўриб чиқамиз:

АҚШ ва Япония, Европа давлатларидан Англия, Германия, Франция ва Италия. Бу давлатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларига эга ҳамда бу борада улкан давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Кўриб чиқилган барча давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 50 фоиздан ошади, уларнинг учдан бирида эса 70 фоиз атрофида.

Чет элда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ўтказган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ривожланган давлатларда кичик ва ўрта корхоналар жами корхоналарнинг 80 фоизини ташкил қилади. Масалан, АҚШда уларнинг сони 25 млн. тани ташкил этиб, тармоқлар бўйича улуши қуйидагича тақсимланган: қишлоқ хўжалигида - 81,9 фоиз, қурилишда – 82,2 фоиз, улгуржи савдода – 80,6 фоиз, хизматлар соҳасида – 75,6 фоизни ташкил этади. АҚШдаги кичик корхоналарда меҳнат унумдорлиги мамлакат бўйича барча меҳнат унумдорлигининг 92 фоизини, ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 70 фоизни ташкил қилади.

Япониядаги кичик бизнес корхоналари сони 10 млн.тага яқин бўлиб, миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларидан миқдор жиҳатдан устун туради. Унда 80 фоиз аҳоли банд бўлиб, меҳнат унумдорлиги йирик корхоналардаги меҳнат унумдорлигининг 67 фоизини ҳамда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 78 фоизни ташкил қилади. Италияда 4 млн.ортиқ кичик корхонанинг меҳнат унумдорлиги йирик фирмалардаги меҳнат унумдорлигининг 78 фоизини, ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса -73 фоизни ташкил қилади. 90 йилларнинг бошларида АҚШда 26,15 фоиз корхона ўта майда 28,4 фоизи – майда, Японияда мос равишда 49,4 фоиз ва 28 фоиз, Буюк Британияда – 26 фоиз ва 23 фоиз, Францияда 32 фоиз ва 28 фоизни ташкил қилади, бу ерда ўта майда корхоналарга 19 нафаргача, майда корхоналарга 99 кишигача ишчи банд бўлган фирмалар киради.

Шундай қилиб, АҚШ, Буюк Британия ва Францияда майда ва ўта майда фирмалар мамлакат иқтисодиётидаги барча корхоналар миқдорининг ярмини ёки яримидан ортиғини, Японияда 4/3 қисмини (77 фоиз) ташкил қилади. Буюк Британия, Германия, Италиядаги кичик ва ўрта корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 60-70 фоизини ташкил қилади. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ролни ўйнайди.

Европанинг кўриб чиқилаётган давлатлари бўйича кичик корхоналарда банд бўлганлар сонининг ўртача кўрсаткичи 16 млн. кишини ташкил этади. АҚШда бу кўрсаткич ўта юқори 70,2 млн. киши ҳамда жами корхоналарнинг 99,6 фоизини ташкил қиладиган кичик ва ўрта корхоналарда барча Америка ишчиларининг 3/2 қисми банддир (ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми) ҳамда 50 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Америкада кичик корхоналар йирик фирмаларга қараганда икки маротаба кўпроқ янгиликларни ўзлаштиради ва саноатдаги инновацион жараёнларнинг асосий генераторлари ҳисобланади. Бунга мамлакат майдони, аҳолининг сони, иқтисодий-географик жойлашуви каби факторлар имкон яратади.

Японияга ҳам бу соҳада банд бўлганларнинг ўта юқори кўрсаткичи хос. Яъни, 40 млн. киши. Умумий банд бўлганларнинг улуши 78 фоизини ташкил қилади. Бу давлатда кичик корхоналарда банд бўлганларнинг ортишига мулкчиликнинг кичик шаклидаги тизимининг ўрта ва йирик бизнес билан ўзаро ҳамжиҳатлик алоқалари имкон берди. Ангилия, Германия, Франция кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлганларнинг ялпи улуши бўйича АҚШ билан бир хил даражада, яъни 54 фоизни ташкил қилди. Европа Иттифоқининг 12 давлатида 1990 йилдан бошлаб ноқишлоқ хўжалигида 15,8 млн. хусусий корхоналар қайд қилинди. Улардан 14,7 млн. микрокорхоналар бўлса, қарийиб 1 млн. кичик корхоналар, тахминан 70 мингида 100 тадан 500 ходимгача ва фақатгина 1300 ида 500 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатган. Микро корхоналар ҳиссасига жами банд бўлганларнинг 31,8 фоизи, кичик корхоналарга 24,9 фоизи ва ўрта корхоналарга 15,1 фоизи тўғри келди.

Алоҳида ривожланган давлатлардаги бозор иқтисодиёти субъектларининг амал қилиши ва фуқоролик қонунларини кўриб чиқиб, кичик бизнес субъектларининг қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ажратиб кўрсатиш ва кичик бизнес корхоналари сафига киритишнинг умумий мезонларини қайд қилиш мумкин.

Якка тартибдаги корхоналар кичик бизнеснинг янада кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Кичик тадбиркорлик субъектларига бозор иқтисодиёти субъектларини киритишда асос бўладиган умумий мезон кўрсаткичлари ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма ҳажми (фойда, даромад) ва ҳ.к. ҳисобланади. Умумжаҳон банки маълумотларига кўра, корхоналарни кичик тадбиркорлик субъектларига киритишдаги умумий кўрсаткичлар сони 50 тадан ортиқ. Бироқ, янада кўпроқ қўлланиладиган мезонларга қуйидагилар киради: корхонада банд бўлган ходимларнинг ўртача сони, қоидага кўра бир йилда корхона оладиган йиллик айланма ҳамда активлар миқдори. Лекин барча ривожланган давлатларда корхоналарни кичик тадбиркорлик субъекти сафига киритишдаги биринчи мезон ишловчи ходимлар сони ҳисобланади.

Япония статистикаси кичик ва ўрта корхоналар категориясига қуйидаги корхоналарни киритади: қазиб олиш ва ишлаб чиқариш саноатида, транспортда, қурилишда, алоқада ҳамда электр, газ ва сув таъминотидаги корхоналарда 300 кишидан ортиқ бўлмаган бандлар сони билан капитал миқдори 100 млн. иенгача бўлган корхоналар киради. Улгуржи савдода бандлар сони 100 кишидан ортиқ бўлмаган ва капитал миқдори 20 млн. иенгача; чакана савдо ва хизматлар соҳасида банд бўлганлар сони 50 кишидан ортиқ бўлмаган ва капитал миқдори 10 млн. иендан юқори бўлмаган корхоналар киради.

Европа ҳамжамиятидаги ўрта корхоналарга ўз фаолият натижаларида қуйидаги кўрсаткичлар даражасидан юқори бўлмаган корхоналар киради: Банд

бўлган ходимлар сони 50 кишидан 250 кишигача; йиллик (савдо) айланмаси 16 млн. экюдан, баланс суммаси 8 млн. экюдан кам бўлган корхоналар.

Европа иттифоқи даражасида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чоралари аниқланганда кичик корхоналар қаторига киритишда бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг мазкур босқичида Европа иттифоқи комиссияси томонидан фирмаларни кичик корхоналар сафига киритишнинг бошқа мезонлари ҳам таклиф этилади. Яъни, банд бўлган ходимлар сони 100 кишидан ошмаслиги керак; хусусий асосий капитал миқдори 75 экюдан кам бўлиши талаб этилади. Бунда фирманинг низом жамғармасида йирик компаниянинг улуши 3/1 қисмдан ортиб кетмаслиги керак. КЕС 10 кишигача банд бўлган микрофирмаларни (кўпгина ҳолатларда булар якка тартибдаги ва оилавий корхоналар ҳамда фермер хўжаликларидир) ва ходимлар сони 10 кишидан 99 кишигача тебраниб турадиган кичик фирмаларни ажратади.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи иқтисодиёти ўта юқори ривожланган давлатларда ходимлар сони 19 кишигача бўлган корхоналар “ўта кичик” фирма, 99 кишигача “кичик” фирма, 100 кишидан 499 кишигача “ўрта” фирма, 500 кишидан юқориси “йирик” фирмалар сафига киритилади.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларда барча фирмаларнинг 99 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳисобланиб, иш ўринларининг манбаи (бандликнинг 40 фоиздан 80 фоизигача) сифатида ЯИМнинг 30-70 фоизини таъминлайди.

Биз тадқиқ этаётган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида аҳамиятини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кўриб чиқамиз. АҚШда ҳар бир штат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлари бўйича федерал маъмуриятнинг умумий тавсияларига асосланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги шахсий қонунларига эга. Филиаллари билан биргаликда ходимлар сони 500 кишидан ортиқ бўлмаган корхоналар (ЭВМ ишлаб чиқарувчилари учун 1000 кишидан ортиқ бўлмаган) кичик корхоналарга киради. Савдо ва хизмат кўрсатишдаги кичик корхоналар учун сотишдан тушадиган максимал тушум миқдори 3,5 млн. доллар, телевизорларни таъмирлаш бўйича ателъелар учун йилига 13,5 долларгача белгиланган.

Америкада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ЯИМнинг 70 фоизини таъминлайди. Бу секторда ҳар йили 75 фоиз янги иш ўринларини яратадиган 25 млн. кичик корхона фаолият кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацияларнинг 55 фоизи амалга оширилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмалари бўйича 35 фоиз ишларни амалга оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда юқори технологиялар соҳасида 38 фоиз иш ўринлари мувофиқлаштирилган.

АҚШда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муаммолари билан икки идора – кичик бизнес маъмурияти (КБМ) ва кичик бизнес ишлари бўйича Конгресс қўмитаси шуғулланади. Уларда 4-5 минг ходим фаолият

кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради: фақатгина кичик ва ўрта корхона муаммоларини ечиш учун мўлжалланган.

КБМ мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда турли хилдаги молиявий институтларни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратади. Унда қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилган:

кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш дастури (ўз ичига 7 та дастурни олади, “7а кафолатли кредитлар” дастури таянч дастур ҳисобланади);

инновацион кичик корхонани қўллаб-қувватлаш дастури (3 та дастурдан иборат);

маслаҳат бериш, ўқитиш, техёрдам ва ахборот хизматлари бўйича дастурлар (10 та дастурдан иборат);

табиий офатларда ёрдам дастури (6 та дастур);

кичик корхонанинг экспорт имкониятларини ривожлантириш бўйича дастур (бу йўналиш 4 та дастурни ўз ичига олади);

миллий камчил бўлган ва манфаатлари бўғиб қўйилган гуруҳларни қўллаб-қувватлаш дастури (ўз ичига 7 та дастурни олади);

аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури (3 та дастур). АҚШда кичик мулкчилик шаклини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича жами 61 та махсуслаштирилган дастур ишлаб чиқилган. Дунёнинг бошқа ҳеч қайси мамлакатида бундай қудратли амал қилувчи дастурлар мавжуд эмас. Бундан ташқари кичик ва ўрта тадбиркорликни солиқ соҳасида рағбатлантиришнинг КБМ тажрибаси ҳам диққатга сазовор. У чегарали солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайиб боришидан ва тор солиқ базасида солиққа тортишни камайтириш ҳамда солиқ имтиёзларидан кенг доирада фойдаланишни кўзда тутади. Бу эса саноатда, хизматлар соҳасида ва савдода инвестициялар оқимини таъминлайди.

АҚШда фойда солиғининг 16 минг АҚШ долларигача имтиёзли солиқ ставкалари амал қилади, 15 фоизли солиқ биринчи 50 минг АҚШ долларига ва 25 фоизли солиқ кейинги 25 минг АҚШ долларига, ушбу суммадан юқорисига максимал 34 фоизли солиқ ставкаси амал қилади. Шундай қилиб, ўта кичик, кичик ва ўрта бизнесга турлича ёндошувлар амал қилади. Корхона қанчалик кичик бўлса, солиқ имтиёзлари шунчалик катта бўлади. Бундан ташқари КБМ қуйидагиларни амалга оширади:

инвестицион солиқ чегирмаси (солиқ тўланадиган йилгача уч йил давомида ҳар йиллик сотиш суммаси 5 млн. доллардан ошмаган корхоналар учун мол-мулкка ёки иншоотларга доимий 7 фоизли чегирма);

капиталнинг бозор нархи (қиймати, баҳоси) ортиши билан солиқ тўловларидан озод бўлиш (5 йилдан кам бўлмаган компания капитали сотилганда солиқдан 50 фоизли чегирма);

банд аҳолини тиббий суғурталаш (бандларнинг ўзлари учун суғурта суммасидан 25 фоизли чегирма);

“тадбиркорлик ҳудуди”ни ташкил этиш (кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этишга мўлжалланган 50 та федерал зоналар аниқланган).

Ҳозирги вақтда Германияда 5800 йирик корхонлар билан бирга 3,3 млн. кичик корхоналар ҳамда ҳунармандчилик, саноат, савдо, хизматлар соҳасидаги якка тадбиркорлар барча солиқ тўловчи корхоналарнинг 99 фозини ташкил қилади. Бу корхоналар Германиядаги қарийб 70 фоиз иш ўринларини таъминлайди. Бу 22,2 млн. киши бўлиб, жумладан, 6 млн. киши ҳунармандчилик соҳасида, 2,6 млн. киши саноатда, 2,3 млн. киши савдода, 12,1 млн. киши хизматлар соҳасида фаолият кўрсатиб, "Эркин лавозим" вакиллари ҳисобланади. Бу корхоналарда 80 фоиз ёш мутахассислар ўқитилади (1,3 млн. киши), уларга техник, информацион технологиялар соҳасидаги мутахассисликлардан бошлаб, классик ҳунармандчиликкача бўлган 350 хилдаги турли лавозимлар таклиф қилинади. Кичик ва ўрта бизнес айланмасидан қарийб 45 фоизи тушумларни таъминлайди, немис экспортининг 30 фоизини амалга оширади. 1999 йилда кичик ва ўрта корхоналар Германиядаги ялпи инвестицияларнинг 46 фоизини амалга оширди, ЯИМнинг 57 фоизини таъминлади. 70 фоиз кичик ва ўрта корхоналар 40 ёшдан ошган шахслар томонидан бошқарилади. Гимназия ёки олий ўқув юртларини тугатган раҳбарлар улуши 50 фоизлик кўрсаткичга яқинлашмоқда.

Германиядаги ялпи капитал жамғармаларининг 36 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ҳар бир кичик ва ўрта корхона ҳар йили ўртача 56 минг евродан ортиқроқ сарфлайди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ходимлар бандлиги даражаси таҳлил қилинганда биринчи ўрин хизматлар соҳасига (54,5 фоиз) сўнгги ўрин савдо саҳасига эса (10,3 фоиз) тўғри келди. Германияда иқтисодиётнинг кичик ва ўрта корхоналарини мувафаққиятли ривожлантириш учун асосий замин ўрта синф(бўғин) сиёсати ва бандлик соҳасидаги сиёсатлар ўзаро боғлиқ вазифа ҳисобланади. Давлат кичик корхоналарининг иқтисодий жараёнларига фақатгина шундай вазиятда аралашадики, иқтисодиётнинг қайси хусусий сектори халқ хўжалигида амалдаги ёки ўзгараётган ижтимоий-сиёсий талабларга жавоб беришга қодир бўлмаган вазиятлар кўзда тутилади (Масалан, атроф муҳит муҳофазаси тўғрисида).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширувчи ташкилотларга давлатнинг ҳукумат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари киради. Кичик мулкчилик шаклидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш уларни ривожлантиришга кўмак бериш бўйича муҳим функциялар қатор молиявий институтларга, жумладан махсуслаштирилган банкларга ҳамда хусусий бизнесда ўз – ўзини тартибга солувчи ташкилотларга, масалан, савдо-саноат палатасига берилган. Германияда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг давлат тизими федерал ва минтақавий даражада 500 дастурни ўз ичига олган бўлиб, қўйидаги йўналишлар бўйича кичик ва ўрта бизнес соҳасида инвестицион фаолиятга ҳамкорлик қилишга йўналтирилган:

информацион таъминотдаги инвестицияларни қўллаб- қувватлаш (бошланғич тадбиркорлар учун барча иқтисодий ва техник консультациялар молиялаштирилади);

моддий таъминотдаги инвестицияларни қўллаб-қувватлаш (корхонани капитал билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш);

молиявий қўллаб-қувватлаш (билвосита солиқ имтиёзлари ва бевосита давлат қўшимчалари (надбавка) субсидиялар (беғараз ёрдам ва имтиёзли кредитлаш давлат томонидан кредит суммасининг 3 фоиздан 10 фоизгача дотациялар берилади);

бошланғич тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш;

кредитли қўллаб-қувватлаш – 2000 йилда федерал дастур доирасида Германияда бошланғич тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 8 млрд. евро миқдоридаги маблағ ажратилди. Бу инвестициялар кўринишидаги 30 млрд. евро атрофида жамғармаларни рағбатлантирди. 40 фоизигача инвестициялар корхоналарни ташкил этишда ўзига хос имтиёзли кредит асосида, кафолатларсиз 20 йилгача муддатга, биринчи ўн йилда қайтариш мажбуриятидан озод қилинган ҳолда тақдим этилди (кредитнинг максимал суммаси 1 млн евро). Бундай кредитлар бошланғич тадбиркорларнинг хусусий капитали ўрнини босади. Чунки кредитнинг қайтарилмаслик риски (хавфи)ни давлат тўлиқ ўз зиммасига олади;

капиталда иштирок этиш кўринишида ёрдам;

улушли иштирокнинг максимал миқдори 1,5 млн. евро, иштирок этиш муддати - 10 йил.

Юқорида қайд қилинганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, давлатнинг кичик ва ўрта корхоналар ривожланишидан манфаатдорлиги, мамлакат учун кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий аҳамиятини тушунишдан далолат беради. Германияда кичик ва ўрта корхоналар немис иқтисодиётининг ўзагини ташкил этади, улар мамлакатдаги қуйидаги ижтимоий масалаларни ечади: бандлик, янги иш ўринларини яратиш, ёш мутахассисларни ўқитиш. Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб–қувватлашни кенг қамровли функцияларни кредитларнинг реал ишлаб чиқарилган маҳсулотлари, субсидия(беғараз ёрдам), имтиёзлар, кафолатлар кўринишидаги давлат маблағларининг кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга сарфланган қисми ижтимоий натижаларни бериб, кичик ва ўрта корхоналарни янада ривожлантиришга катта имкониятлар яратмоқда.

Адабиётлар рўйҳати:

1.“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2000 йил 25 май.

2.Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.

3. Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 352 б.

4. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – “Меҳнат”, 1997. – 230 б.

5. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. – М.: Международные отношения, 1999. – 304 с.

Dr. Jinwon Ahn (Korea) *- Handong Global University, Prof.*

DIGITAL TRANSFORMATION IN BUSINESS

A Robot Coffeshop in Korea

Paradigm Shift with AI-enabled Weapons

AI-enabled Weapons

- Lethal Autonomous Weapons
- Drone Swarms with lethal antonomous attack capacity
- Killer Robots

No Arms Race Treaty on AI-enabled Weapons

- Competition on AI-semiconductor Chips
- Chip 4

Jen-Hsun "Jensen" Huang, CEO of Nvidia said that "Firms, not using AI, will disappear" in his visit to Korea (May 2023)

- "Nations, not using AI, will disappear"

Thanks for attention!

Зуҳуров К.З. *– БТОМ, докторант*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ЧАКАНА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Банк экотизимларининг ривожланиши билвосита банк гуруҳлари аъзолари сонининг ўсиши, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, кўнгилочар ва спорт билан шуғулланадиган компанияларнинг жалб этилиши, шунингдек, кредит ташкилотлари активлари улушининг камайиши билан кўрсатилади. 2020 йилда биз сўнгги бир неча йил ичида кузатган тенденция кучайди: банклар анъанавий банк иши доирасидан чиқа бошладилар. Ушбу платформалар ва иловалар ичида мижознинг эҳтиёжларини энг яхши қондира оладиган платформалари ва иловалари асосида мижозларга хизматларни таклиф қилишга интилаётган корхоналар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, биз баъзи банклар томонидан экотизим яратилаётганини кўрмоқдамиз.

Айни пайтда банк соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда, чунки бу соҳа учинчи шахслар таъсирига кўпроқ мойил бўлади. Банк секторидаги Биг Дата катта ахборот оқимларини таҳлил қилиш имконини беради. Маҳаллий амалиётда ушбу турдаги рақамли технология фақат бир нечта банкда қўлланилади: Ушбу технологиянинг маҳаллий тажрибага чекланган татбиқ этилиши малакали кадрлар этишмаслиги ва банкларда маблағларнинг чекланганлиги билан боғлиқ. Чатботлар банк мижозлари томонидан тез-тез бериладиган саволларга жавоб бериш имконини беради Биометрика банк секторидаги энг янги тенденциялардан биридир. Биометрика орқали маҳаллий банклар мижозларнинг банк карталаридаги фирибгарлик ҳаракатлари фоизини камайтирди. Шунингдек, биометрика ёрдамида мижозлар ўз шахсини тасдиқлашда банкнинг ишонч телефонига мурожаат қилиб, масофавий хизматлардан тезроқ фойдаланишлари мумкин. Маҳаллий амалиётда сунъий интенсив фойдаланиш қайд этилган разведка нисбатан яқинда қўлланила бошланди. Россиянинг "Sberbank" ОАЖ ўз фаолиятига сунъий интеллектни жорий этган Россиядаги биринчи маҳаллий банк бўлди[1]. Ушбу банк мижозларнинг онлайн хизматлардаги энг тез-тез содир бўладиган ҳаракатларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллектдан фойдаланади ва бу ҳаракатларнинг такрорланишини таклиф қилади. Маҳаллий банк муҳитида сунъий интеллектнинг диққат марказида ҳозирда хорижий банклар билан солиштирганда жуда чекланган. Бу факт, биринчи навбатда, ушбу технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун юқори харажатлар билан боғлиқ, аммо сиз билганингиздек, маҳаллий банклар эркин нақд пул билан чекланган. шакллантириш технологиялари, улар орқали банк ходимлари олишлари мумкин Ушбу платформалар ва иловалар ичида мижознинг эҳтиёжларини энг яхши қондира оладиган платформалари ва иловалари асосида мижозларга хизматларни таклиф қилишга интилаётган корхоналар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, биз

[1] Рябичева Ольга Ивановна, кандидат экономических наук, доцент кафедры финансов и кредита, Дагестанский государственный университет, г. Махачкала, Россия, ДОИ 10.47576/2712-7516_2021_6_9_896, УДК 336.7

баъзи банклар томонидан экотизим яратилаётганини кўрмоқдамиз. Шундай қилиб, сўнгги 5 йил ичида интернет-банкингдан фойдаланувчилар сони 20 фоиздан 70 фоизга ошди. Бундан ташқари, банк соҳасида жуда машҳур хизмат масофавий хизматдир. Шундай қилиб, банк соҳасида потенциал мижозлар тўғрисида масофадан туриб маълумот олиш, банк бўлинмалари ва банк мижозлари ўртасида самарали ҳужжат айланишини ташкил этиш. жисмоний шахслар, шу жумладан фирибгарлар. Мамлакатимиз банк хизматлари бозори фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш 2021- йил бошида қарийб 60 фоизни ташкил этган бўлса, хорижда банк сектори 85 фоиздан ортиқ рақамлаштирилган. Бунинг сабаби шундаки, рақамли технологияларни маҳаллий банклар фаолиятига жорий этиш жараёни хорижий давлатларникига қараганда анча кеч бошланган.

Коронавирус пандемиясининг таъсири банк секторига ўта салбий таъсир кўрсатди. Ўрнатилган чекловлар банк ходимларининг аксариятини уйдан туриб масофадан туриб ишлашга мажбур қилмоқди. Шундай қилиб, банк мижозларининг аксарияти масофавий банк алоқаси каналларидан фойдаланишга мажбур. Бу, масалан,

ликвидлик этишмаслиги ва кредит шартларини қайта кўриб чиқиш заруриятини бошдан кечираётган мижозларга қўшимча босим ўтказади. Яхши ривожланган хусусий банк инфратузилмаси (масалан,онлайн-банкинг) ҳал қилувчи роль ўйнай бошлайди. Рақамли банк хизматларига бўлган талаб ортиб бораётгани кўплаб анъанавий молия институтларини рақамли инновацион ҳаракатларни жадаллаштиришга мажбур қилиши мумкин. Бу янги масофавий молиявий хизматлар учун қўшимча ташкилий, техник ва ҳуқуқий ёрдамни талаб қилади. Банклар масофавий режимга ўтиши жадаллашди, ўз хизматларини ўзгартирмоқда ва коронавирус пандемиясига қарши курашда ривожланишда банклар рақамли хизматлани қайтадан кўриб чиқишди. Рақамли маблағларнинг жорий этилиши ва "Рақамли иқтисодиёт" лойиҳасининг ривожланиши муносабати билан йирик банклар узоқ вақтдан бери депозитларга муқобил вариантларни ишлаб чиқмоқдалар ва мижозларни сақлаб қолиш учун янги рақамли маҳсулотларни, шунингдек, мижозларнинг бепул нақд пулларини инвестиция қилишнинг муқобил турларини таклиф қилмоқдалар.

Рақамли банк хизматлари анъанавий банк фаолиятида қўлланиладиган банк хизматларига муҳим қўшимча ва такомиллаштириш ҳисобланади. Уларнинг ёрдами билан мижозларга хизмат кўрсатишни тезлаштириш (навбатларни камайтириш, операторларга юкни камайтириш), мижознинг ҳам, операторнинг ҳам инсон омили билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган хатоларини камайтириш, хизматларни мижоз учун қулайроқ қилиш мумкин (ёки. банк хизмати офисига мурожаат қилиш керак, 24/7 кун давомида ишлайдиган шаҳобчаларни тако,иллаштириш)

Анъанавий банк бизнеси молиявий индустриядаги тез технологик ўзгаришлар туфайли ўтмишда қолди. Агар илгари кенг филиал тармоғи банк учун рақобатдош устунлик бўлса, бугунги кунда рақамли жамият ривожланиши даврида бу унчалик муҳим эмас. Банклар ўзининг ўзига хос хусусиятига кўра,

банк хизматлари бозори ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини аниқ тушуниши ва мижозларнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондиришга тайёр бўлиши керак. Гарчи хизматлар ассортименти одатда стандарт бўлсада, мижозлар банклардан юқори сифатли шахсийлаштирилган хизматни кутишади. Шу сабабли, банклар янги мижозларни сақлаб қолиш ва жалб қилиш учун рақамли технологияларни жорий этишга мажбур. Банкнинг маркетинг хизматлари нафақат рақобатбардош устунликка эга бўладиган, балки идеал тарзда ўзига хос бўлган маҳсулотлар ёки хизматларни янада яратиш учун потенциал мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун банк маҳсулотлари ва хизматлари бозорини таҳлил қилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-578-сон 01.11.2019. https://www.lex.uz.
2. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. https://lex.uz/docs/4751561.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 ... Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/docs/3249651.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 февралдаги 5349-сон Фармони. [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони. www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси қарори лойиҳаси. https://regulation.gov.uz/uz/document/9413.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017
10. Рябичева Ольга Ивановна, кандидат экономических наук, доцент кафедры финансов и кредита, Дагестанский государственный университет, г. Махачкала, Россия, ДОИ 10.47576/2712-7516_2021_6_9_896, УДК 336.7

Мелиев В.П. *– БТОМ, докторант*

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ҳозирги вақтда саноат корхоналари фаолиятида эришилаётган натижалар менежерлар олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши ҳамда белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни таъминлаши билан баҳоланмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, корхоналар бошқарувида тезкор маълумот ва ахборотлар алмашинуви, муаммоларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш, бозор ҳолатини ўрганиш ва тезкор қарорлар қабул қилишда рақамли технологиялардан фойдаланиш юқори самара бермоқда.

Бугунги кунда компаниялар рақамли трансформацияни амалга ошириш орқали бизнесда муҳим янгиликларга эришмоқдалар [2]. Саноат корхоналарида инновацион бошқаришни ташкил этиш янги рақамли технологиялар, жумладан, Big Data аналитикаси, роботлар, Сунъий интеллект, IT, Blockchain, булутли ҳисоблаш ва ҳоказоларни қўллаш орқали амалга оширилмоқда [1].

Рақамлаштиришнинг асосий хусусиятларидан бири ўзгаришларнинг фавқулодда тезлиги, ўзгарувчанлиги, жисмоний, ижтимоий ва рақамли дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда яқинлашуви ортиб бораётганидадир [3].

Янги махсулотлар яратиш жараёнларини рақамли трансформациялаш истеъмолчилар талабини яхши тушунишни, рақамли моделлаштириш ва янги махсулотлар яратишни тезлаштиради [1].

АҚШ, Хитой, Германия ва Япония каби ривожланган давлатлар саноат корхоналари трансформациялашган инновацион бошқаруви натижалари тахлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мамлакатларда корхоналарни инновацион бошқариш - бу сунъий интеллектга асосланган, автоматлаштирилган ва роботлашган технологияларни жорий этиш ҳамда бошқарув тизимида ақлли тармоқлар (Smart Ubiquitous Networks, SUN), буюмлар интернети (Internet-of-things, IoT), виртуал ва кенгайтирилган кўриниш (VR, AR), улкан маълумотлар (Big Data), кенг хажмли маълумотларни қайта ишлаш (Block Chine) технологиялардан кенг фойдаланиш орқали самарадорлик, маҳсулдорлик ва сифатлиликни таъминлаш ва оширишга қаратилмоқда [4].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, инновацион бошқарувни ташкил этиш, корхоналар фаолият юритиш жараёнлари: корхона

бошқарув тизими, янги махсулотлар яратиш, ишлаб чиқариш, таъминот, маркетинг ва логистика жараёнларини автоматлаштириш ва рақамли технологияларни қўллаган холда компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш ва стратегик мақсадларга эришиш, мижозларга йўналтирилган замонавий бошқарув ёндашувларни амалга оширишдир.

Инновацион бошқарувни ташкил этишда компаниялар, бошқарув жараёни ва структурасида янги истиқболларни ва имкониятларини кашф этишлари билан бирга, потенциал хавфларга дуч келишлари каби бозордаги замонавий рақамлаштириш тенденцияларни кузатиш мумкин.

Инновацион рақамли бошқарувни ташкил этиш мижозларнинг хатти-ҳаракатлари йўналишларини аниқлайди, бизнесни ривожлантириш ва ўстириш йўлларини белгилайди.

Инновацион бошқарувда рақамли трансформациянинг муваффақиятли жорий этиш, корхона ва мижозларнинг интеграциялашувига, корхоналарнинг операцион самарадорлиги ҳамда бозорда рақобатбардошлигини оширишга олиб келади [4].

Саноат корхоналарида бошқарувни ташкил этишда рақамли трансфомациялашни амалга ошириш орқали инновацион бошқарув тузилишининг тавсифини қуйдаги 1ва 2-расмларда кўришимиз мумкин.



1-расм. Анъанавий (рақамлаштирилмаган корхона) бошқарув тизими

Юқорида келтирилган ривожланган давлатлар инновацион бошқарувни ташкил этиш жараёнларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам саноат корхоналарини рақамлаштириш ва инновацион бошқарувни ташкил этиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари 3-расмда келтирилганидек рақамлаштирилиш даражасининг қониқарли ва ўрта даражадаги рақамлаштириш бўйича дастурий таъминотлар билан таъминлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Ушбу жараён 2027 йилгача якунланиши белгиланган [7].



Саноат корхоналарини рақамлаштирилганлик даражаси қуйидаги босқичларга ажратилади[4].

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгилаб берилган вазифаларга биноан саноати корхоналари 2030 йилгача рақамлаштиришнинг олий даражасига, яъни саноат корхоналарини роботлаштириш ва аддиктив (қаватма-қават қуриш ва синтез қилиш технологияси, 3D принтер) технологияларини кенг жорий этиш режалаштирилган.

3-расм. Саноат корхоналарини рақамлаштирилганлик даражалари

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан холда, саноат корхоналарида рақамли инновацион бошқарувни жорий этишда:

- Давлат томонидан қўллаб қувватлашни таъминлаш;
- рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий базани доимий равишда такомиллаштириб бориш;
- илмий, технологик, ишлаб чиқариш натижалари бўйича ягона билимлар базасини шакллантириш;
- рақамли технологиялар билан ишлаш борасида кадрлар салоҳиятини ошириш;
- рақамли маданиятни шакллантириш;
- инновацион ташаббусларни давлат ҳамда турли фондлар ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш ёки рағбатлантириш тизимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Parida, V.; Sjödin, D.; Reim, W. Reviewing Literature on Digitalization, Business Model Innovation, and Sustainable Industry: Past Achievements and Future Promises. *Sustainability* 2019, *11*, 391.
2. Khin Ho, “Digital transformation of Business Models in the bank sector: a multiple case stady”, Johannes Kepler University Linz, october 2020 y.
3. Urbach & Röglinger, 2019; Zaki, 2019, Digitalization Cases - How Organizations Rethink Their Business for the Digital Age**,** Springer International Publishing, Cham, Switzerland ISBN: 978-3-319-95272-7

4. Акбердина В.В. Трансформация промышленного комплекса России в условиях цифровизации экономики / Journal of new economy. - 2018. - Т. 19. - №. 3. - С. 82-99.
5. Linden G. Dedrick J. Kraemer K.L. Innovation and job creation in a global economy: the case of Apple's iPod. Journal of International Commerce and Economics. -2011. № 3. https://www.rrojasdatabank.info/innovation.pdf
6. Чесбро Г. Открытые инновации. Создание прибыльных технологий/ пер. с англ. В.Н. Егорова -М.: Поколение, 2007 - 336 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида фармони.

Cheul Rhee (Korea) *- Ajou University, Ph.D.prof.*

OFFLINE FAILURE AND DX MINDSET

- Digital Transformation
- DX/DT
- Useful mindset

Offline Failure Framework

- To identify failures To find ways to alleviate the failures
- Whose failures ?
- Adding values to ?

Learning from Facebook Case

	Breadth	Display	Search
Offline failure	Hard to keep connections as time passes	Normative restrictions a gainst boasting	Normative restrictions against snooping
Alleviated by	Great reconnection featu res	Pretend you are posting for other friends	View without leaving a mark
Online activity	Reconnect with others fro m the past	Write and comment on status updates Post pictures	Check out what friend s are doing Look at pictures

Source: Havard Business Case

Fog Computing for Huge Smart farms

- Failure: huge cost for transmitting large-scare files over cloud service
- Alleviated by fog computing
- Fog computing:
- Fog computing is a decentralized computing infrastructure in which data, compute, storage and applications are located somewhere between the data source and the cloud.
- Closer to where data is created
- Activity after transformation
- Short-term analytics at the edge, while the cloud performs resource-intensive, longer-term analytics

Суюнов Д.Х. *– БТОМ, кафедар мудири, и.ф.д. проф.*

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОГИЯЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Яқин истиқболда муваффақият айнан бизнес ва иқтисодиётга рақамли технологияларни жорий қилишни такомиллаштириш масалалари йирик бизнес тузилмалар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболларининг ривожига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Айнан бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида капитал бозорини ривожлантириш макроиқтисдий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган бўлиб, хусусан, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, м**амлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш, Давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш, хорижий инвестицион фондларни капитал бозорига кенг жалб қилиш мақсадида халқаро қонунчилик ва стандартларга мос келадиган давлат ёки корпоратив «Сукук» облигацияларини фонд бозорларида жойлаштириш каби вазифалар қўйилган.

Ўз навбатида, бу йўналишда хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибасини, шунингдек, олимларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Замонавий ривожланиш кишилик жамияти олдида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, улардан иқтисодий тизимни янги “саноат инқилоби 4.0” деб номланган технологик инқилоб келтириб чиқарадиган, иқтисодий маконни рақамлаштириш жараёнида шаклланган янги шароитларга мослаштириш ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида юзага кўтарилди.

Бундай ўзгаришлар инсоният ҳаётида туб ўзгаришларни келтириб чиқаради, уларнинг асосини миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида, энг кенг доирадаги технологик ютуқлар натижасида юзага келадиган туб ўзгаришлар ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш бу ҳодисанинг асосий таркибий қисмларидан биридир[1].

Ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиёт улуши ҳар йили 15-25 фоизга ўсиб боришини таъкидлаш лозим[2], шунинг учун иқтисодий тизимларни рақамлаштириш жараёнларига мослаштириш бўйича мақбул чораларни излаш илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

[1] Электронно-цифровое общество: плюсы и минусы эпохи сетевого интеллекта / Дон Тапскотт; пер. с англ. И. Дубинского; под ред. С. Писарева. М.: Рефл-бук, 1999. 403 с.

[2] Бухт Р., Хикс Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. 2018, Т. 13. № 2. С. 143-172.

"Рақамли иқтисодиёт" атамасининг замонавий тушунчаси 1995 йилда америкалик олим Н. Негропонте[1] тадқиқотлари туфайли илмий муомалага кирди, у биринчи навбатда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши билан боғланди. Ушбу нуқтаи назар АКТнинг жамият иқтисодий ҳаётини рақамлаштиришга таъсирининг умумий тушунчасини акс эттиради ва технологик омилни ўрганилаётган ҳодисанинг кўринишини белгилайдиган асосий ҳал қилувчи омил сифатида тавсифлайди.

Кўриб чиқилаётган атаманинг янада кенг тарқалишини Канадалик тадқиқотчи Д. Тампскотт асарларида кузатиш мумкин, у одамларнинг иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни «рақамли жамият» атамаси нуқтаи назаридан тавсифлаган. Шунингдек, Н. Лейн[2] "рақамли иқтисодиёт" ни савдо-сотиқни ташкил этишда ушбу ўзгаришларни келтириб чиқарадиган ва унинг электрон компонентининг ривожланишига ҳисса қўшадиган тизим сифатида кўриб чиқади.

Худди шу даврда Л. Маржгерио[3] ўрганилаётган ҳодисанинг таркибий қисмларига аниқлик киритди (Интернетнинг кенгайиши; товарларни рақамли етказиб бериш; электрон тижорат; жисмоний товарларнинг чакана савдоси). Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг тузилиши Р. Клинг ва Р. Ламб томонидан таҳлил қилинган бўлиб, улар элементар таркиб орасида қуйидаги қисмларни аниқладилар: аралаш рақамли маҳсулотлар; рақамли технологиялар орқали етказиб бериладиган маҳсулотлар; АТ-саноат[4]. Таркибий элементларга нисбатан бу қарашлар қарама-қарши бўлмай, фақат муаллифлар тадқиқотда турли мезон белгиларидан фойдаланганликларини билдиради. Ушбу ҳолат "рақамли иқтисодиёт" атамасининг кўп ўлчовлилигини кўрсатади.

Е. Бринолфсон ва Б. Кахин[5] рақамли иқтисодиётни бошқа томондан кўриб чиқиб, уни иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган ҳаракатлантирувчи куч сифатида таърифлайдилар. Ушбу ёндашув омил омилини ҳам кўрсатади, аммо таъсир ўзаро таъсир қилади. Д. Тампскотт, Н. Лейн, Р. Клинг ва Р. Ламбнинг қарашлари АКТнинг рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига таъсирига қаратилган бўлиб, Е. Бринолфсон ва Б. Кахин томонидан олиб борилган тадқиқотларида уни иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадиган омил деб олиб чиқилади. Рақамли иқтисодиётнинг таркибий таркибий қисмини ўрганаётганда, унинг элементларини Т. Месенбург[6] ажратиб кўрсатилиб, уни учта таркибий қисмга ажратади: электрон бизнес инфратузилмаси, электрон бизнес ва электрон тижорат.

Рақамли технологияларни ривожлантириш кўлами ва уларни жамиятнинг иқтисодий ҳаётига татбиқ этиш тўғрисида McKinsey Глобал институти олимлари ҳам рақамлаштиришга олиб келадиган ўзгаришларнинг туб моҳияти ва

[1] Negroponte N. Being Digital. N. Y.: Knopf, 1995. P.243.
[2] Lane N. Advancing the digital economy into the 21st century // Information Systems Frontiers. 1999. Vol. 1, No. 3. P. 317-320.
[3] The Emerging Digital Economy / L. Margherio [et al.]. Washington, DC: Department of Commerce, 1999.
[4] Kling R. IT and Organizational Change in Digital Economies: a SocioTechnical Approach // ACM SIGCAS Computers and Society. 1999. Vol. 29, no. 3. P. 17-25.
[5] Brynjolfsson E., Kahin B. Introduction. Understanding the Digital Economy. Cambridge: MIT Press, 2000. P. 1-10.
[6] Mesenbourg T. L. Measuring the Digital Economy. U.S. Bureau of the Census. URL: http://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-papers/2001/econ/digitalecon.pdf.

аҳамиятига ишора қиладилар[1]. Саноат инқилоби 4.0 томонидан вужудга келган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, гарчи у энг умумлаштирилган хусусиятга эга бўлса-да, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлар кўлами хусусиятини белгилашга имкон беради. "Рақамли иқтисодиёт" атамасининг энг умумий таърифини россиялик олимлар Е. А. Устюжанина, А. В. Сигарев ва Р. А. Шеиннинг[2] муаллифлик талқинида кўриш мумкин. Рақамли иқтисодиёт "бу деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига у ёки бу даражада таъсир кўрсатадиган объектив шартли жараён". Жамият тараққиёти иқтисодий тизимларнинг нафақат макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада, балки глобал миқёсда ривожланиш жараёнини белгилаб берди.

Ушбу ҳолат аксарият жаҳон кучларининг иқтисодий сиёсати доирасида амалга оширилган турли стратегик давлат дастурларини яратишга асос бўлди. Қуйидаги дастурларни мисол сифатида келтириш мумкин: Рақамли Иқтисодиёт (АҚШ), Интернет Иқтисодиёт (Хитой), Индустрие 4.0 (Германия), Рақамли Иқтисодиёт (Россия) ва бошқалар. Рақамли иқтисодиёт атамасини ўрганишга ягона ёндошув мавжуд эмас.

Рақамли иқтисодиётни қуйи тизим, тизимли иқтисодиётнинг ишлаши ва ривожланишининг электрон механизми сифатида кўриб чиқиш мумкин[45], шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган такрор ишлаб чиқариш жараёни доирасида иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи моделни ифодалайди. Рақамли иқтисодиётни қуйи тизим сифатида намойиш этишнинг юқоридаги концепциясини тўлдириб, таҳлил қилинган бизнеснинг модели доирасида ишлайдиган компаниялар томонидан намойиш этиладиган иқтисодиётнинг бир қисмини кўриб чиққанн Р.Бухт ва Р.Хикснинг[3] рақамли маҳсулотлар ёки хизматларга асосланган фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бундай товарларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи рақамли технологиялар билан боғлиқ. Ушбу ёндашувда рақамлаштириш жараёнларини таҳлил қилиш ва уларнинг бошқарувнинг микроиқтисодий даражасига таъсири ҳақида гап кетади.

Жаҳон банки томонидан ўрганилаётган концепцияга бироз бошқача таъриф берилган ва "рақамли иқтисодиёт" бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлар тизими[4] деб тушунтирилган. Ушбу таъриф ўрганилаётган ҳодисани тизимли равишда идрок этишини билдиради, аммо жамият тараққиёти жараёнида пайдо бўладиган ва ўзгариб турадиган муносабатларнинг бутун мажмуасини умумий маънода белгилаш ва тақдим этиш мақсадга мувофиқроқ бўлади.

[1] Boden M., Cagnin C., Carabias V., Haegeman K. Facing the future: time for the EU to meet global challenges // European Commission Joint Research Centre Institute for Prospective Technological Studies European Union, 2010. P. 44.

[2] Устюжанина Е. В., Сигарев А. В., Шеин Р. А. Цифровая экономика как новая парадигма экономического развития // Экономический анализ теория и практика. 2017. Т. 16, № 12. С. 2238-2253.

[3] Бухт Р., Хикс Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. 2018, Т. 13. № 2. С. 143-172.

[4] Капранова Л. Д. Цифровая экономика в России: состояние и перспективы развития // Экономика. Налоги. Право. 2018. № 2. С. 58-69.

Юқорида муҳокама қилинган жиҳатларга институционал таркибни қўшган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай даражадаги иқтисодий тизимда содир бўлаётган трансформациялар (рақамлаштириш туфайли) жамиятдаги "ўйин қоидаларида" тегишли ўзгаришларни талаб қилади.

Тадқиқотларимиз натижасида турли хил ёндашувлар ва илмий жамоатчиликнинг "рақамли иқтисодиёт" атамасини аниқлашга бўлган қарашларнинг эволюцион ривожланишини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин[1]:

1-босқич (1995-2000 йй.) - "рақамли иқтисодиёт" атамасининг замонавий тушунчасининг пайдо бўлиш босқичи - асосан маълум бир омил - ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида вужудга келган ҳодиса сифатида қабул қилиниши билан тавсифланади;

2-босқич (2001-2015) - "рақамли иқтисодиёт" атамасининг шаклланиш босқичи унинг таркибий элементларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларнинг функционал йўналишини аниқлашга уриниш билан боғлиқдир;

3-босқич (2016 йилдан то ҳозирги кунгача) - "рақамли иқтисодиёт" атамасининг кейинги ривожланиш босқичи бу ҳодисани тизим таҳлили нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганишга уринишдир, бу нафақат элементлар компонентини батафсил ўрганиш, балки шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини, шунингдек иқтисодий тизимларни рақамлаштириш жараёнларини ривожланишига тўсқинлик қиладиган ёки уни рағбатлантирадиган омилларни аниқлашни ҳам назарда тутади.

Кейинги босқич ушбу ҳодисани ўзгартириш босқичи бўлди десак муболаға бўлмайди. Ушбу жараён рақамли технологияларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсири нафақат ижобий томондан намоён бўлиши, балки салбий оқибатларга олиб келиши билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун унинг салбий оқибатларини олдини олиш ёки зарарсизлантириш учун ахборот-коммуникация технологиялари таъсири қатъий тартибга солиниши керак.

Бундай ўзгартиришлар ажралмас ва рақамли иқтисодиёт бўлган ҳар қандай иқтисодий тизим эволюциясига ҳамроҳ бўлади. Эҳтимол, бу ўзгаришлар, аввалambор, институционал ёндашув нуқтаи назаридан батафсил ўрганилар, бу нафақат уларнинг мавжудлигини очиб беради, балки янги институтлар ва муассасаларнинг пайдо бўлиши зарурлигини кўрсатиб беради[2]. Тадқиқотда[3] кўрсатилган "рақамли иқтисодиёт чегаралари" аллақачон институционал ўзгаришларнинг зарурияти ва аҳамиятини намойиш этади ва шу сабабли ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг долзарблигини кўрсатади.

Шундай қилиб, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан таклиф қилинган "рақамли иқтисодиёт" атамасининг турли хил талқинларини таҳлил қилиб, нисбатан қисқа эволюцияси жараёнида кўриб чиқилаётган ҳодиса уч

[1] Аверина И. С. Эволюция феномена «цифровая экономика» // Вестник Бурятского государственного университета. Экономика и менеджмент. 2021. № 1. С. 3-9.
[2] Иншаков О. В., Фролов Д. П. Эволюция институционализма в российской экономической мысли: монография: в 4 т. М.: Экономистъ, 2007. Т. 1. 511 с.
[3] Устюжанина Е. В., Сигарев А. В., Шеин Р. А. Цифровая экономика как новая парадигма экономического развития // Экономический анализ теория и практика. 2017. Т. 16, № 12. С. 2238-2253.

босқични (келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиши) босиб ўтди деган хулосага келиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу босқичларни танлашга рақамлаштириш жараёнларининг моҳиятини ва уларнинг умуман иқтисодий тизимга таъсирини аниқлашга ёндашувларнинг ўзгариши ёрдам берди. "Рақамли иқтисодиёт" атамасининг тақдим этилган даврийлашувини мукаммал деб бўлмайди, ва кейинги даврларда манфаатдор тадқиқотчилар томонидан тўлдирилиши ва такомиллаштирилиши мумкин.

Бугунги кунда иқтисодиётни трансформация қилишнинг долзарблиги – иқтисодиётда бир текис амалга оширилаётган ижтиомий-иқтисодий ривожланиш ва трансформация жараёнларининг ўзига хос тезкор хусусиятлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ўзгаришлар билан боғликдир.

Ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тизимли таҳлил қилиш, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш босқичларини асосий йўналишлари ва саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасини батафсил ўрганиш талаб этилади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланган. Стратегия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва унда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифалари белгиланган[1].

Стратегия доирасида 2020–2022 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да тўртта асосий соҳани, яъни электрон ҳукуматни, рақамли индустрияни, рақамли таълимни ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш назарда тутилган ва унда, ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

– аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг полосали уланиш портларини 2,5 млнгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 %дан 95 %га етказилиши;

– ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилиши;

– 587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилиши;

[1] “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. https://www.norma.uz/uz/ qonunchilikda_yangi/raqamli_uzbekiston.

– иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилиши белгиланган.

Рақамли технологияларни амалда татбиқ этилиши жамият ва иқтисодиётни ривожланишининг муҳим йўналишларини аниқлаб беради ва одамлар ҳаётини тубдан ўзгаришига олиб келади. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш кўплаб мамлакатлар, жумладан иқтисодий лидер – АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япония учун ҳам устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Сунъий интеллект, роботлаштириш, “Интернет буюмлар” каби технологияларнинг янги авлодини пайдо бўлиши ижтимоий соҳа ва бизнес фаолиятида трансформация қилишни янги тўлқинини бошлашни тақоза этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича ҳудудларда, компанияларда бундай технологияларни жорий этилиши меҳнат унумдорлигини 40 фоизга оширади.

Microsoft компанияси томонидан берилган таърифга кўра рақамли трансформациянинг асосий мақсади рақобатбардошликни ошириш, доимо ўзгариб турувчи иқтисодий шароитда компанияга ўзини ривожлантириш учун имкон беришдир[1].

Рақамли трансформациянинг анъанавий автоматлаштирилган тизимдан фарқи самарадорликнинг кескин ошишида ҳисобланади. Шунинг учун трансформацияни муваффақиятли амалга ошрилиши, одатда янги бизнес моделларни яратилишига олиб келади. Шунингдек, корхоналарда корпоратив ахборот тизимларини жорий этилиши ёки модернизация қилиниши бўйича амалга оширилган ҳар қандай лойиҳани ҳам рақамли трансформация деб бўлмайди.

Microsoft компанияси рақамли трансформация лойиҳларида қуйидаги функцияларни ажратиб кўрсатади:

1. Самарадорликни кескин ўсиши: корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичлари икки баробарга яхшиланиши мумкин.

2. Тежамкор, кенг ўлчамли ва мослашувчан замонавий технологиялардан фойдаланиш (Булутли хизматлар, Сунъий интеллект, “Интернет буюмлар”, катта ҳажмдаги маълумотлар, робототехника ва бошқалар).

3. Ўзаро боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг мавжудлиги, яъни лойиҳа бизнеснинг бир неча соҳаларига таъсир кўрсатиши зарур. Мижозлар нафақат истеъмолчи бўлиши балки бизнеснинг бир қисмига айланиши, товар ва хизматларнинг сифатига таъсир кўрсатиши керак.

4. Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш: зарур билимларга эга бўлиш ва доимо таҳлил қилиб бориш. Эгалланган билимлардан корхона ходимларини жалб этган ҳолда самарали фойдаланишга олиб келади.

Рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилишни, янги бозорларга чиқиш йўналишларини белгилаб беради. Янги бизнес моделлари мижозларга йўналтирилган (customer centric) бўлиб, уларнинг структурасини тўлиқ белгилаб беради, яъни мижоз талабини олдиндан белгиланган муҳим таклифини ҳисобга олиб, харидор томонидан маҳсулотдан

[1] Баранов М. Цифровое предприятие: пришло время перемен // PC Week. 2016. № 10. URL: http: //www.peweek.ru.

фойдаланиш даврида, ўз вақтида (just-in-time) етказиб беришдан бошлаб даромад келишгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Иқтисодиётда инновацион бизнес моделларининг пайдо бўлишини ва тарқалишини рағбатлантирувчи очиқ маълумотлар платформаларини ривожлантириш энг долзарб тенденциялардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Молия соҳасида ушбу концепция учинчи томонларга маълумотларни таҳлил қилиш ёки улардан фойдаланиш, турли хил дастурлар ва хизматларни бирлаштириш, шу билан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини берадиган мужассамлашган тизим (Open Banking) эканлигини кўрсатмоқда[1] .

Янги бизнес моделларининг рақобатбардошлигини асосий параметри – янги маҳсулотни тезда бозорга (time to-market) чиқаришдир. Замонавий бизнес моделларининг энг муҳим вазифаси ҳар қандай жойда ва ҳар қандай вақтда мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун рақамли муҳитдан фойдаланиш, турли кўрсаткичлар ва маълумотларнирақамли ва жисмоний алоқа каналларинингбарчасида синхронлаштиришдан иборатдир.

Сунъий интеллект, “Интернет буюмлар” ва катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш каби рақамли технологияларнинг тарқалиши қуйидаги категорияли бизнес моделларни ривожлантиради:

– рақамли платформалар – сотувчилар, харидорлар ва етказиб берувчилар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқани таъминлайди, транзакцион ҳаражатларни минималлаштириш ва иштирокчилар ўртасида товарлар ва хизматлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда истеъмол қилиш имкониятларини кенгайтиради;

– ресурслардан фойдаланишга қаратилган сервис бизнес моделлари (жумладан: Software-as-a-Service (SaaS), Infrastructure-as-a-Service ;

– баҳони сиёсати асосида натижадорликка йўналтирувчи моделлар (outcome based models);

–ташқаридан ресурсларни жалб қилишга асосланган аусорсинг моделлари – инновациялар, маҳсулот ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш ва бошқариш ва бошқаларни жорий этишни ўз ичига олади.

Иқтисодий ривожланишнинг рақамли моделига ўтиш аҳоли турмуш фаравонлигини ошишига олиб келади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида иш бир қатор талабларни қўяди. Биринчидан, бизнесни юритиш самарадорилигини ошириш, ижтимоий соҳа ва бутун жамиятни ривожлантириш зарурлигини билдиради, бу омиллар инновацион хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришни талаб этади.

Кўплаб корхоналар бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Ресурслардан фойдаланишни самарали бошқариш ва лойиҳалаш соҳасидаги технологияларнинг эскирганлиги корхоналар фаолиятида кескин ўзгаришларни

[1] Турсунов Ф.У. Рақамли иқтисодиёт ва глобаллашув: Рақамли тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳимлиги. – Т. Иқтисодиётда инновациялар, 6-сон, 3 жилд, DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6

амалга оширишни талаб этади ва қуйидаги йўналишларда ҳаракат қилиш зарурлигини кўрсатмоқда:

– “Саноат 4.0” стратегияси лойиҳаси тайёрлаш;

– самарали логистика тизимини яратиш, бу божхона самарадорлиги, транспорт инфратузилмаси сифати, халқаро ташишларни ташкил қилиш осонлиги, соҳа мутахассисларининг билим ва салоҳияти, юкларни кузатиш имконияти ва юкларни ўз вақтида етказиш даражаси каби меъзонларни ўз ичига олади. Мамлакат ҳудудида божхона фаолияти самарадорлигини ошириш, малакали соҳа мутахассисларини кўпайтириш, тизимга инновацион ёндашувни татбиқ қилиш;

– таълим-фан-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

– нефть ва газ саноатида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, самарали режалар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда самарали бошқаришни амалга оширишга қодир мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш йўли билан трансформация қилиниши муқаррар. Бу жараённи самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун: ахборот коммункация тизимларини ривожлантиришда катта кадрлар салоҳияти эга бўлган давлатнинг таъсирини ошириш ва бутун жамият аъзоларини фаол иштирок этишини таъминлаш; кенг миқёсда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни ва технологик трансформацияларни кенг миқёсда жорий этилишини, айниқса замонавий технологияларга асосланган саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқарув йўналишларини қўллаб-қувватлаш зарур.

Фойдаларилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентинингқарори 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони
3. “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/raqamli_uzbekiston.
4. Boden M., Cagnin C., Carabias V., Haegeman K. Facing the future: time for the EU to meet global challenges // European Commission Joint Research Centre Institute for Prospective Technological Studies European Union, 2010. P. 44.
5. Brynjolfsson E., Kahin B. Introduction. Understanding the Digital Economy. Cambridge: MIT Press, 2000. P. 1-10.
6. Kling R. IT and Organizational Change in Digital Economies: a SocioTechnical Approach // ACM SIGCAS Computers and Society. 1999. Vol. 29, no. 3. P. 17-25.
7. Lane N. Advancing the digital economy into the 21st century // Information Systems Frontiers. 1999. Vol. 1, No. 3. P. 317-320.
8. Mesenbourg T. L. Measuring the Digital Economy. U.S. Bureau of the Census.

URL: http://www.census.gov/content/dam/Census/library/working-papers/2001/econ /digitalecon.pdf.

Расулова Д.В. *– БТОМ, кафедра профессори, и.ф.д., проф***.**

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар марказида аҳоли фаровонлигини ошириш мақсади яққол кўзга ташланмоқда. Мазкур мақсадга эришишда кўплаб чора-тадбирлар таркибида аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқиш ва рағбатини ошириш ўзига хос йўналишга айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз” деб белгилаб бериши мазкур соҳанинг аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги роли аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шунга кўра, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясининг” 29-мақсадида:

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «Очиқ мулоқоти»ни ўтказиш.

Ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш. Шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш.

Илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш.

2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш.

Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш. Қурилиш фаолиятида қурилиш нуқсонлари ёки муаммоларининг олдини олиш.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш. Иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу билан бир қаторда, Янги Ўзбекистон Стратегиясида: “Иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири-ҳар бир фуқаро бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса-мамлакат фаровон бўлади”-деб, таъкидланади. Бундан ташқари, мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш

ва тадбиркорлик ҳисобидан даромад топиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини, ташаббусларини рўёбга чиқариш-барча бўғиндаги давлат органларининг бирламчи вазифаси эканлигига эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа–давр ичида оилавий тадбиркорликни тартибга солиш ва унинг ривожланишини рағбатлантириш институтлари шаклланди.

Аҳоли фаровонлиги, жумладан унинг даромадларининг тадбиркорлик фаолияти билан узвий боғлиқлиги жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг янги жиҳатларини очиб бериш, фаровонлик даражасига бевосита таъсир этувчи омилларини, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳоли фаровонлиги ва турмуш тарзига таъсири йўналишларини аниқлаш, бу борада вужудга келадиган ўзгаришларни баҳолаш зарурати мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мурожаат қилсак, унда - «Тадбиркорлик - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият», деб таъриф берилади.

Бироқ, жадал ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг янги жиҳатларини очиб бериш, фаровонлик даражасига бевосита таъсир этувчи омилларини, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳоли фаровонлиги ва турмуш тарзига таъсири йўналишларини аниқлаш, бу борада вужудга келадиган ўзгаришларни баҳолаш зарурати мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги «Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-108-сон Қарорининг 2-ИЛОВАси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятининг УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ этиб:

1. «Бизнесни бошқариш» (MBA) ва иқтисодиётнинг талаб юқори бўлган бошқа мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш, шунингдек олий таълимдан кейинги таълимни амалга ошириш.

2. Замонавий иқтисодий билимлар бўйича вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, ҳоким ўринбосарлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

3. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари малакаси ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тренинг, семинар ва мастер-класслар ташкил этиш, уларга аҳоли билан самарали ишлашни ўргатиш, бир маҳаллада юқори самара кўрсатаётган тажрибаларни бошқа маҳаллаларга қўллаш амалиётини жорий этиш каби вазифалар белгиланди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида кенг кўламли вазифалар амалга ошириб келинмоқда.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш юзасидан 2022 йил давомида амалга оширилган вазифаларни таҳлил қиладиган бўлсак, Олий мактабнинг барча ҳудудий филиалларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятлари) 17 та ўқув дастури бўйича ўқув курслари ташкил этилиб келинмоқда. Ҳар бир ўқув курс программаси маъруза, мастер-класс, тадбиркорлик фаолияти билан жойига чиқиб танишиш, бизнес-режа тузиш ва уни тақдимот қилиш, тестдан ўтган тингловчиларга сертификатлар беришни ўз ичига олади.

Тингловчилар учун тадбиркорлик кўникмалари ўқув курсларида назарий билим ва кўникмалар олиш билан бир қаторда, туманлар кесимида муваффақиятли фаолият юритаётган ва юқори иқтисодий натижаларга эришган тадбиркорлар билан учрашув ва маҳорат дарслари ташкил этилиб келинмоқда. Ушбу ташрифларда маҳорат дарслари орқали тингловчилар ўзларининг саволларига амалий тарзда жавоб топиш билан бирга, ўз олдиларидаги тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ёки мавжуд фаолиятларини янада ривожлантириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Хусусан, Олий мактаб ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан 2022 йил давомида қуйидагилар вазифалар амалга оширилди:

2022 йил давомида, 22539 нафар аҳоли, ёшлар, хотин-қизлар ва тадбиркорлар тадбиркорлик кўникмаларига бепул ўқитилди. Ўқув курслари якунида тестлардан муваффақиятли ўтган 22024 нафар тингловчиларга тегишли сертификатлар тақдим этилди.

Ўқув курсларида қатнашган тингловчиларнинг 10609 нафарини ёшлар, 11415 нафарини 30 ёшдан катталар, 6834 нафарини эркаклар, 15190 нафарини аёллар, шу жумладан “Темир дафтар”га киритилган 258 нафар, “Аёллар дафтари”га киритилган 4469 нафар ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган 4161 нафар тингловчилар ташкил этмоқда.

Тизимли ишлар натижасида оилалар ва уларнинг аъзоларига даромад келтирувчи ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишда эркин фаолият юритиш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш ишлари ташкил этилди. Ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини амалиётга киритилиши билан республикада кенг миқиёсида оилавий тадбиркорликнинг турли шакллари фаолият юрита бошлади. Ҳукумат томонидан кўрилган таъсирчан чоралар туфайли ушбу соҳада аҳоли бандлиги ошди ва оила тадбиркорлигининг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссаси ошиб бормоқда. Шу билан бир вақтда, биз амалга оширган тадқиқотлар кўрсатишича, оила институти тадбиркорликни ривожлантириш учун оилалар салоҳияти унга тўлиқ жалб этилмагани аниқланди. Оилалардаги меҳнат ресурслари, билимга эга мутахассислар, турли соҳаларда вақтинчалик бандлик

ва шу каби бошқа оила активлари ҳали якка тадбиркорлик, уй меҳнати ёки оилавий корхоналар ташкил этишда тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хусусий сектор ва тадбиркорликни ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу йўналишда тадбиркорлик фаолияти шароитларини яхшилаш, инвестиция муҳити, тадбиркорларнинг тўлиқ ва самарали фаолиятига тўсқинлик қилувчи омил ва тўсиқлар бартараф этилаётгани, тадбиркорлар давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланаётгани юзасидан қизғин саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бироқ, бу борада самарали ислоҳотларни амалга ошириш учун тадбиркорларнинг ўз фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни билиш ва эшитиш, бу муаммоларни энг яхши ҳал этиш йўлида давом эттириш зарур.

Бизнеснинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Президентнинг тадбиркорлар билан учрашувида хусусий секторни IT-соҳасида ўқитиш тизимига жалб этиш, ёшларни ахборот технологиялари соҳасида ўқитишнинг модел тизимини яратиш ҳақида ҳам сўз юритилди. 31 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Замонавий Ўзбекистон иқтисодиёти модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллабай тизимидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.08.2021 йилдаги “Ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 504-сон қарори қабул қилинди. Қабул қилинган ҳужжат билан “маҳаллабай” ишлаш йўналишининг асослари белгилаб берилган:

маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш;

аҳолининг доимий даромад манбаларини янада кўпайтириш, оилавий тадбиркорликни ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятини янада кенгайтириш чораларини кўриш;

маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги бўлган ташаббускорларни бизнес асосларига ўқитиш;

хонадонларда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, даромадлилигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом-ашё билан имтиёзли кредитлар асосида таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш жараёнларини ташкил этиш учун “етакчи” тадбиркорлик субъектларини бириктириш;

тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш ва фаолиятини мониторинг қилиб бориш, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти (хизмати) бозорини топишига ёрдам бериш.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурамиз:

1. Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби - Кичик инновацион бизнес ва стартап ғояларни лойиҳа даражасига етказишда консалтинг хизматларини кўрсатиш, шу жумладан бизнес экотизимини шакллантириш, менежмент, маркетинг, бухгалтерия, ҳуқуқий масалалар ҳамда бошқа профессионал мутахассисларнинг менторлик хизматларини кўрсатиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олиши муҳим.
2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадлари базасини кенгайтириш мақсадида йирик тадбиркорларни маҳаллаларга бириктириш амалиётидан кенг фойдаланиш талаб қилинади.
3. Аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш марказлари фаолиятини янада жонлантириш, ҳар битта катта маҳаллада, ёки аҳоли сони нисбатан кам бўлган иккита-учта маҳаллада бундай марказлар фаолиятини йўлга қўйиш.
4. Таълимнинг ҳар қандай босқичида сифатни ошириш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига муросазиз муносабатни шакллантириш.
5. Жамиятда камбағалликка сабаб бўлувчи коррупция, сифатсиз инфратузилма, кўрсатилаётган турли хил ижтимоий хизматлар сифатининг пастлиги, атроф-муҳит ва ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар ва шу кабиларни чуқур таҳлил қилиш асосида камбағалликка қаршиш курашиш борасида илмий асосланган дастур ва режалар ишлаб чиқиш.
6. Ўзбекистонда аҳоли ўртасида “намойишкорона истеъмол” даражаси ҳаддан ташқари юқори ҳисобланади. Бу энг аввало, йиллаб йиғилган маблағлар эвазига серҳашам тўйлар қилиш, қимматбаҳо машиналар сотиб олиш, чиройли телефон ва автомобил рақамларига жуда катта маблағлар сарфлаш кабиларда кўринади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисининг иқтисодий хулқ-атвори “камбағаллик фалсафаси” устига қурилганлигини кўрсатади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фикрлашини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.
7. Жамият ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида рақамли технологияларнинг тобора изчил жорий этиб борилишига эришиш ва шу кабилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Самуэльсон П.Т. Экономика 1,2. – М.: Алгон, 1992. – 704 с.
2. Макконнелл К.Р., Брю С.Р. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2-х т. – Таллин, 1993.
3. Шумпетер Й. “Теория экономического развития” М. 20017 новое издание. 434 с.

4. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: MEHNAT, 2019
5. Вахабов А.В. Пандемия шароитида халқаро молия ташкилотлари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашнинг хусусиятлари Том 2 № 1 (2022): journal.tsue.uz/

Алимов Б.Б. *– БТОМ, кафедра PhD, доцент*

КОРПОРАТИВ ЛОЙИҲА МЕНЕЖЕРИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТДАГИ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Корпоратив лойиҳа менежерлари янги маҳсулотлар, хизматлар ёки бошқа таклифларни яратишни назорат қилиш учун жавобгардир. Улар ҳар бир лойиҳа ўз мақсадлари ва муддатларига мос келишини таъминлаш учун турли хил жамоалар (дизайнерлар, ишлаб чиқувчилар, маркетологлар ва бошқалар) билан ишлайди. Корпоратив лойиҳа менежерларига ўз компанияларидаги ички лойиҳаларни бошқариш ҳам топширилиши мумкин. Булар дастурий таъминот тизимларини янгилаш, ички жараёнларни такомиллаштириш ва ҳоказоларни ўз ичига олиши мумкин.

Корпоратив лойиҳа менежери[1], шунингдек, корпоратив Бош вазир сифатида ҳам танилган, уларнинг компаниясида муҳим рол ўйнайди. Уларга компаниянинг сотиш, маркетинг, самарадорлик, ишлаб чиқариш ёки бошқа элемент билан боғлиқ бўлган кўплаб мақсадларидан бирини бажариш ва бошқариш вазифаси юкланган.

Корпоратив лойиҳа менежери[2] MS Project Server ва MS SharePoint лойиҳа сайтлари билан охирги фойдаланувчини ўргатиш, қўллаб-қувватлаш, асосий муаммоларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал қилишни таъминлайди.

Компаниянинг лойиҳани бошидан охиригача муваффақиятли якунлаши учун улар билимдон кишининг назорати ва раҳбариятига боғлиқ. Бу эрда лойиҳа менежерлари[3] ташкилот ичида ўз таъсирини кўрсатадилар. Лойиҳа менежери кимлигини, лойиҳа менежери бўлиш учун қандай кўникмалар талаб қилинишини ва лойиҳа менежерининг роли ва масъулиятини тушуниш ҳақида гапирадиган қуйидаги видеони кўринг.

Лойиҳа менежерлари[4] лойиҳаларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва ёпишда этакчи рол ўйнайди. Бу эрда лойиҳа менежерининг роли, масъулияти, тегишли сертификатлари, кутилаётган иш ҳақи ва иш қидириш бўйича маслаҳатлар кўриб чиқилади.

Лойиҳа менежери[5] - бу ўз жамоаларининг барча лойиҳаларни ўз вақтида ва бюджет доирасида бажаришини таъминлаш учун масъул бўлган профессионал. Улар ҳар қандай нохуш кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш учун тафсилотларга катта эътибор бериб, ўз жамоалари учун индивидуал вазифаларни бошқариш билан бирга, доиранинг ўзгаришини олдини олади.

[1] https://www.zippia.com/corporate-project-manager-jobs/
[2] https://www.velvetjobs.com/job-descriptions/corporate-project-manager
[3] https://www.simplilearn.com/project-manager-job-description-article
[4] https://www.cio.com/article/230682/what-is-a-project-manager-the-lead-role-for-project-success.html
[5] https://resources.workable.com/project-manager-job-description

Корпоратив лойиҳа менежери лавозим вазифалари. Корпоратив лойиҳа менежерлари одатда кенг кўламли масъулиятга эга бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- мижозлар ва манфаатдор томонлар билан мулоқот қилиш, улар лойиҳа ҳолати ва ҳар қандай мумкин бўлган муаммолар ҳақида хабардор бўлишларини таъминлаш;
- лойиҳа менежерлари ва бошқа ходимлар жамоасини бошқариш, жумладан, ишга олиш, ишдан бўшатиш ва керак бўлганда янги ходимларни ўқитиш;
- лойиҳаларнинг ахлоқий тарзда амалга оширилишини таъминлаш учун хавфларни бошқариш, хавфсизлик, ахлоқ ёки экологик барқарорликка оид сиёсатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- лойиҳанинг бутун ҳаёти давомида барча қонуний талаблар бажарилишига ишонч ҳосил қилиш;
- ташқи сотувчилар ёки пудратчилар билан шартнома шартларига риоя қилишларини таъминлаш учун мувофиқлаштириш;
- лойиҳа харажатларини баҳолаш ва лойиҳанинг ҳар бир босқичи учун қанча пул мавжудлигини аниқлаш;
- лойиҳанинг кўламини бошқариш ва унинг қоидалар ва мижозлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш;
- лойиҳа давомида бюджетларни тайёрлаш ва маблағларни бошқариш;
- тараққиётни мунтазам равишда кузатиб бориш ва керак бўлганда тузатишлар киритиш орқали лойиҳа ўз мақсадларига эришишини таъминлаш.

Корпоратив лойиҳа менежери иш ҳақи ва истиқболлари. Жаҳонда етакчи мамлакатларнинг интернет маълумотларига кўра корпоратив лойиҳа менежерларининг[1] маошлари уларнинг таълим даражасига, кўп йиллик тажрибасига, компания ҳажми ва соҳасига қараб ўзгаради. Шунингдек, улар бонуслар шаклида қўшимча товон олишлари мумкин. Ўртача йиллик иш ҳақи: $105,000 (соатига $50,48), йиллик энг яхши 10% иш ҳақи: $172,000 (соатига $82,69). Корпоратив лойиҳа менежерларининг бандлиги келгуси ўн йил ичида ўртача кўрсаткичдан тезроқ ўсиши кутилган.

Компаниялар лойиҳаларни ташқи фирмаларга аутсорсинг қилишда давом этар экан, лойиҳа менежерларига талаб ортади. Лойиҳа менежерлари ушбу лойиҳаларни назорат қилиш ва уларнинг ўз вақтида ва бюджет доирасида бажарилишини таъминлаш учун керак бўлади.

Корпоратив лойиҳа менежери лавозим талаблари. Корпоратив лойиҳа менежери одатда қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:

- **Таълим:** Лойиҳа менежерларидан одатда лойиҳа бошқаруви, бизнес бошқаруви, менежмент, муҳандислик ёки бошқа тегишли соҳаларда бакалавр даражасига эга бўлишлари талаб қилинади. Баъзи иш берувчилар лойиҳа бошқаруви бўйича магистр даражасига эга бўлган лойиҳа менежерларини ёллашни афзал кўришади;

[1] https://climbtheladder.com/corporate-project-manager/

- **Таълим ва тажриба:** Лойиҳа менежерлари кўпинча бошланғич даражадаги лавозимлардан бошланади ва корпоратив лавозимга кўтарилади. Улар лойиҳа менежерининг ёрдамчиси ёки қурилиш ёки муҳандислик бўйича техник каби тегишли ролда ишлаши мумкин. Улар лойиҳа менежери бўлишдан олдин бухгалтерия ҳисоби ёки молия каби тегишли соҳада ҳам ишлаши мумкин. Иш жойида ўқитиш бошланғич лавозимдаги лойиҳа менежерлари учун мавжуд. Ушбу тренинг ролни юқори даражада бажариш учун зарур кўникма ва билимларни беради. Шунингдек, у номзодга компаниянинг муайян жараёнлари ва тартибларини ўрганишга ёрдам беради.
- **Сертификатлар ва лицензиялар:** Гарчи талаб қилинмаса ҳам, сертификатлаш лойиҳа менежерларига ўз малакаларини намойиш этишда ва даромад олиш салоҳиятини оширишда ёрдам беради.

Корпоратив лойиҳа менежери кўникмалари. Корпоратив лойиҳа менежерлари муваффақиятли бўлишлари учун қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:

- Мулоқот: Мулоқот лойиҳа менежери учун яна бир муҳим маҳоратдир, чунки бу уларга ўз жамоа аъзолари ва мижозларига маълумот этказиш имконини беради. Корпоратив лойиҳа менежери сифатида сиздан ҳар куни мижозлар ва манфаатдор томонлар билан мулоқот қилиш талаб қилиниши мумкин, шунинг учун кучли ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмаларига эга бўлиш муҳимдир. Сиз бошқа лойиҳа менежерлари билан мулоқот қилиш учун ҳам жавобгар бўлишингиз мумкин, шунинг учун бошқалар билан профессионал ва хушмуомалалик билан мулоқот қилиш қобилиятига эга бўлиш муҳимдир.
- Етакчилик: Етакчилик қобилиятлари сизнинг жамоангизни рағбатлантиришга ёрдам беради ва уларни лойиҳа мақсадларига эришиш учун биргаликда ишлашга ундайди. Сиз ўзингизнинг етакчилик қобилиятингиздан жамоангизга қийинчиликларни энгиб ўтишга ёрдам беришингиз ва уларни энгиш учун стратегияларни ишлаб чиқишингиз мумкин. Вазифаларни топшириш ва уларни бажариш учун жамоангизни рағбатлантириш учун этакчилик қобилиятларидан ҳам фойдаланишингиз мумкин.
- Вақтни бошқариш: Вақтни бошқариш лойиҳа менежери учун яна бир муҳим маҳоратдир, чунки бу уларга белгиланган муддатларга риоя қилиш ва лойиҳаларни йўлда ушлаб туриш имконини беради. Корпоратив лойиҳа менежери бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳалар учун масъул бўлиши мумкин, шунинг учун улар учун вазифаларни биринчи ўринга қўйиш ва вақтни шунга мувофиқ бошқариш имкониятига эга бўлиш муҳимдир.
- Муаммоларни ҳал қилиш: Муаммони ҳал қилиш қобилиятлари муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун эчимларни ишлаб чиқиш имконини беради. Лойиҳа менежери сифатида сиз лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун жавобгар бўлишингиз мумкин. Мисол учун, агар жамоа аъзоси касал бўлса ва ишлай олмаса, унинг ўрнини топиши ёки йўқлигининг ўрнини қоплаш учун лойиҳанинг вақт жадвалини ўзгартириш керак бўлиши мумкин.
- Жамоавий иш: Жамоада ишлаш - бу умумий мақсадга эришиш учун

бошқалар билан ишлаш қобилияти. Лойиҳа менежери сифатида сиз турли бўлимлар, жумладан, инсон ресурслари, молия, маркетинг ва ишлаб чиқариш бўлимидаги шахслар жамоаси билан ишлашингиз мумкин. Бошқалар билан ишлаш ва ижобий жамоавий муҳитни яратиш лойиҳа менежери учун муҳим маҳоратдир.

Корпоратив лойиҳа менежери иш муҳити. Корпоратив лойиҳа менежерлари одатда офис муҳитида ишлайди, гарчи улар керак бўлганда турли жойларга саёҳат қилишлари мумкин. Улар одатда мунтазам иш соатларида ишлайдилар, гарчи улар вақти-вақти билан белгиланган муддатларга риоя қилиш учун қўшимча иш қилишлари мумкин. Иш стрессли бўлиши мумкин, чунки корпоратив лойиҳа менежерлари кўпинча турли одамларнинг ишини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни ўз вақтида ва бюджет доирасида бажарилишини таъминлаш учун жавобгардир. Улар бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни бажара олишлари ва муаммолар пайдо бўлганда тез қарор қабул қилишлари керак.

Корпоратив лойиҳа менежери тенденциялари. Бу эрда корпоратив лойиҳа менежерлари қандай ишлашига таъсир қилувчи учта тенденция мавжуд. Корпоратив лойиҳа менежерлари ўзларининг малакаларини сақлаб қолиш ва иш жойида рақобатдош устунликни сақлаб қолиш учун ушбу ишланмалардан хабардор бўлишлари керак.

Кўпроқ техник лойиҳа менежерларига бўлган эҳтиёж. Корхоналар технологияга кўпроқ ишонар экан, техник лойиҳа менежерларига бўлган эҳтиёж ўсишда давом этади. Бунинг сабаби, мураккаб дастурий таъминот ёки аппарат воситаларини ўз ичига олган лойиҳалар ҳар доим ҳам топиш осон бўлмаган махсус кўникмалар тўпламини талаб қилади.

Корпоратив лойиҳа менежерлари сўнгги технологиялар ва улар қандай ишлаши билан кўпроқ танишиш орқали ушбу тенденциядан фойдаланишлари мумкин. Бу уларга ушбу маҳсулотларни ўз ичига олган лойиҳаларни яхшироқ бошқариш ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Agile PMнинг пайдо бўлиши. Agile лойиҳаларни бошқаришнинг пайдо бўлиши бизнес оламида тезда машҳурлик касб этаётган тенденциядир. Ушбу усул жамоалар тез ҳаракат қилишлари ва белгиланган муддатларга риоя қилиш учун ўзгаришларга мослашишлари мумкин бўлган мослашувчан иш муҳитини яратишга қаратилган.

Agile лойиҳа бошқаруви оммалашиб бораётганлиги сабабли, корпоратив лойиҳа менежерлари ушбу турдаги муҳитда қандай ишлашни ўрганишлари керак бўлади. Бу вазифаларни қандай бошқаришни ва жамоа аъзолари билан тезкор ўзгаришларга имкон берадиган ҳамкорликни ўрганишни ўз ичига олади.

Рискларни бошқаришга кўпроқ эътибор. Хатарларни бошқариш ҳар қандай бизнеснинг муҳим қисмидир, аммо сўнгги пайтларда унга раҳбарлар ва лойиҳа менежерлари кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Лойиҳа менежерлари энди хавфларни муаммога айланишидан олдин аниқлаш ва камайтириш учун катта масъулиятга эга. Бу лойиҳанинг кўламини ва

унинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган таҳдидларни чуқур тушунишни талаб қилади. Хатарларни бошқариш бўйича фаол бўлиш орқали лойиҳа менежерлари ўз жамоаларига муваффақиятга эришишда ёрдам беришлари ва компанияни мумкин бўлган йўқотишлардан ҳимоя қилишлари мумкин.

Қандай қилиб корпоратив лойиҳа менежери бўлиш мумкин. Корпоратив лойиҳа менежери мартаба янги саноатда ўз маҳоратингиз ва тажрибангиздан фойдаланишнинг ажойиб усули бўлиши мумкин. Сиз ишламоқчи бўлган компанияни ўрганиш ва уларнинг маданияти қандай эканлигини билиш жуда муҳимдир. Уларнинг расмий ўқув дастури борми? Улар одатда қандай турдаги лойиҳалар устида ишлайди?

Сизнинг кўникмаларингиз ва тажрибангиз ушбу янги саноатга қандай айланиши ҳақида ўйлаш ҳам муҳимдир. Янги ролингизда фойдаланишингиз мумкин бўлган кўникмаларингиз борми? Ушбу янги ролда муваффақият қозонишингизга ёрдам берадиган олдинги роллардан бирон бир тажриба келтира оласизми?

Ривожланиш истиқболлари. Корпоратив лойиҳа менежерлари кўпроқ масъулият билан каттароқ лойиҳаларни қабул қилиш орқали ўз мартабаларини оширишлари мумкин. Лойиҳаларни муваффақиятли якунлаганларида, улар малакали ва ишончли лойиҳа менежери сифатида обрўга эга бўлишади. Бу компанияда кўтарилиш ва юқори даражадаги лавозимларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, корпоратив лойиҳа менежерлари лойиҳаларни бошқариш бўйича сертификатланган мутахассислар бўлиш орқали ўз мартабаларини оширишлари мумкин.

Корпоратив лойиҳа менежери иш тавсифи мисоли. Компанияда биз турли корпоратив ташаббусларни бошқариш ва назорат қилиш учун тажрибали лойиҳа менежерини қидирмоқдамиз. Идеал номзод лойиҳани муваффақиятли бошқариш бўйича тасдиқланган тажрибага, шунингдек, ўзаро фаолият гуруҳлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлади. У лойиҳа режалари, муддатлари ва бюджетларини ишлаб чиқиш ва барча лойиҳалар ўз вақтида, бюджет доирасида ва энг юқори стандартларга мувофиқ бажарилишини таъминлаш учун жавобгар бўлади. Бундан ташқари, лойиҳа менежери лойиҳанинг бутун ҳаёти давомида барча манфаатдор томонлар билан мулоқот қилиш ва барча лойиҳа натижалари бизнес эҳтиёжларига жавоб беришини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Корпоратив лойиҳа менежерининг мажбурият ва масъулияти қуйидагилардан иборат:

- лойиҳа билан боғлиқ барча масалалар, жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, кўлам, жадвал, бюджет, хавфлар/муаммолар ва сифат учун асосий алоқа нуқтаси бўлиб хизмат қилиш;
- лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун лойиҳа ҳомийлари, бизнес эгалари ва бошқа асосий манфаатдор томонлар билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- тегишли манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда лойиҳа мақсадлари, муваффақият мезонлари ва натижаларини аниқлаш;

- лойиҳани муваффақиятли якунлаш учун зарур бўлган тадбирларни аниқлайдиган ва кетма-кетлигини белгилайдиган батафсил лойиҳа режаларини яратиш;
- лойиҳанинг кундалик бажарилишини бошқариш, шу жумладан фаолиятни мувофиқлаштириш, ҳолат ҳақида ҳисобот бериш, муаммо/хавфни аниқлаш ва ҳал қилиш, ўзгаришларни бошқариш ва манфаатдор томонлар билан мулоқот қилиш;
- лойиҳанинг режага мувофиқ ривожланишини кузатиб боринг ва ҳисобот беринг, ҳар қандай тафовутларни таъкидланг ва керак бўлганда тузатиш чораларини тавсия этиш;
- тегишли манфаатдор томонлар билан мунтазам равишда лойиҳаларни кўриб чиқиш учрашувларини ўтказишга ёрдам бериш;
- лойиҳа рисклари ва муаммоларини аниқлаш, баҳолаш, кузатиш ва бошқариш;
- лойиҳанинг барча натижалари сифат, ўз вақтида ва харажат нуқтаи назаридан кутилган натижаларга жавоб бериши ёки ошиб кетишига ишонч ҳосил қилиш;
- лойиҳа ўзгаришларини бошқариладиган ва самарали тарзда бошқариш;
- олинган сабоқлар ва энг яхши амалиётларни келгусида фойдаланиш учун ҳужжатлаштирадиган лойиҳани тугатиш ҳисоботларини тайёрлаш;
- саноат тенденциялари ва ишланмалари тўғрисидаги долзарб билимларни сақланг, тегишли манфаатдор томонлар билан тушунчаларни баҳам кўришдан иборат.

Корпоратив лойиҳа менежерида қуйидаги кўникма ва малакалар бўлиши керак: бизнес, лойиҳа бошқаруви ёки тегишли соҳада бакалавр (магистр) даражасига эга бўлиш; прогрессив масъулиятли лойиҳаларни бошқариш ролларида 10-15 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлиш; лойиҳа доирасида, ўз вақтида ва бюджет смета харажатларидан чиқиб кетмаган ҳолда муваффақиятли етказиб бериш бўйича тасдиқланган лойиҳа тажрибаларига эга бўлиш; лойиҳани бошқариш методологиясини яхши тушуниш (Agile, Waterfall ва бошқалар); ажойиб мулоқот қила оладиган, шахслараро ва тажрибали тақдимот қила олиш қобилиятига эга бўлиш; асосий манфаатдор томонлар билан муносабатларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш қобилиятига эга бўлиш; PMP ёки бошқа лойиҳаларни бошқариш сертификатларига эга бўлиш; катта миқёсли, мураккаб ва муаммоли лойиҳаларни бошқариш тажрибаларига эга бўлиш; корпоратив секторда тажрибага эга бўлиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Антонов, Г.Д. Управление проектами организации: Уч. / Г.Д. Антонов, О.П. Иванова, В.М. Тумин. - М.: Инфра-М, 2018. - 64 с.
2. Верзух, Э. Управление проектами: ускоренный курс по программе MBA / Э. Верзух. - М.: Диалектика, 2019. - 480 с.
3. Островская, В.Н. Управление проектами: Учебник / В.Н. Островская, Г.В. Воронцова и др. - СПб.: Лань, 2019. - 400 с.

4. https://www.zippia.com/corporate-project-manager-jobs/
5. https://www.velvetjobs.com/job-descriptions/corporate-project-manager
6. https://www.simplilearn.com/project-manager-job-description-article
7. https://www.cio.com/article/230682/what-is-a-project-manager-the-lead-role-for-project-success.html
8. https://resources.workable.com/project-manager-job-description
9. https://climbtheladder.com/corporate-project-manager/

Қодиров Т.У. *- БТОМ, бўлим бошлиғи, и.ф.н, доц.*
Суванова Д.Д*. - БТОМ, таянч докторант*

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар қандай корхона ўз ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ жорий фаолиятида доимий равишда қисқа муддатли пул маблағларига эҳтиёж сезади. Унинг қай даражада таъминланганлиги ёки етишмовчилиги тўғрисида ўз вақтида маълумотга эга бўлиш ва фойдаланиш билан боғлиқ самарали қарорлар қабул қилиш учун айланма маблағлар миқдори, таркиби ва унинг ўзгаришлари тўғрисида тезкор таҳлил воситаларига эга бўлишни талаб этади.

Хорижий амалиётда айланма малағларга ишчи капитал сифатида қаралиб, у корхонанинг ўз маблағлари ва турли шаклдаги кредиторлар маблағлари ҳисобига шакллантирилади. Бу икки тушунчадан айланма маблағлар ҳолатини аниқлаш ва унинг корхона молиявий бошқарувидаги ўрнига баҳо беришда фойдаланиш мумкин [2,3].

Айланма маблағларининг ижобий қийматга эга бўлишига корхона молиявий барқарорлиги мезонларидан бири сифатида қаралиб, унинг заруриятини қуйидагилар билан билан изоҳлаш мумкин:

- айланма маблағлар корхонанинг бозорда барқарор фаолият кўрсатиши учун талаб қилинадиган товар-моддий захираларнинг минимал миқдорини молиялаштиришга етиши лозим;
- истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасида товар-пул айланмалари муддатлари ва миқдорларининг нотекислиги туфайли айланма маблағлар айланувчанлигида секинлашув хавфининг мавжудлиги;
- товар-моддий захираларнинг қадрсизланиши, йўқотилиш ёки умидсиз дебиторлик қарзлари мавжуд айланма маблағлар ҳажмининг қисқариши ёки маълум бир қисмининг йўқотилишига олиб келиши мумкин;
- корхона иш ҳақи ва бошқа операцион харажатларни молиялаштириш учун қисқа муддатли банк кредитларини қоплашга етадиган айланма маблағларининг минимал ҳажмига эга бўлиш лозим ва бошқалар.

Корхона иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ресурсларини шакллантиришда айланма маблағларнинг оптимал ҳажмидан ортиқча қисмини инвестицияларга йўналтириш ёки етмаган қисмини тўлдириш учун уларни реал вақт режимида доимий равишда таҳлил қилиш ва баҳолаш механизмини жорий

этишда рақамли технологияларни самарали қўллаш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан ҳисобланади [1,4].

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун айланма маблағлар таркибини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва баҳолашда уларни икки ташкил этувчига ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

а) айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни қоплай оладиган жорий молиявий эҳтиёж (**JME**). У жорий активлар ва жорий мажбуриятлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, манфий ёки мусбат бўлиши мумкин. Мос равишда айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки ортиқча эканлигини кўрсатади;

б) пул маблағлари (**PM**).

Бунда корхонанинг айланма маблағлари (**A**) ҳажми қуйидагидан иборат бўлади:

$$A = JME + PM \qquad (1)$$

Агар **A-JME>0** бўлса, ортиқча айланма маблағларни оборотдан олиб, бошқа муҳим йўналишга инвестициялаши керак, акс ҳолда айланма маблағлар таркибида қарз капитали юқори бўлиб, унинг айланувчанлигини ошириш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш талаб этилади.

Ортиқча айланма маблағларни муомаладан озод этиш учун қуйидаги шартларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- ортиқча маблағлар пайдо бўлишининг қанчалик барқарор ва тизимли кўринишга эгалиги;
- ушбу маблағларни қай йўналишда сарфлашга реал бизнес-режанинг мавжудлиги;
- айланма маблағлар ҳажми ва жорий молиявий эҳтиёжлар ўртасидаги мувозанатнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига қандай таъсир ўтказиши ва бошқа ҳолатлар.

Жорий молиявий эҳтиёжларнинг ҳажмининг ўзгариши қуйидагиларга боғлиқ:

- айланма маблағларнинг айланувчанлиги. У қанча тез бўлса хом-ашё ва тайёр маҳсулот захиралари учун маблағлар камроқ сарфланади;
- ишлаб чиқаришнинг катта ҳажми хом-ашё, материаллар, энергия ва бошқалар учун катта маблағ талаб этади;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар мавсумийлиги ва унга мос равишда хомашё ва материалларни етказиб бериш ҳажми;
- юқори рақобат шароитида истеъмолчиларни етказиб берилган маҳсулотлар учун ҳақни кечиктириб тўлаш шаклида кредитлаш ва бошқаларни тижорат кредитининг янада қулай шартлари билан жалб қилиш зарур.

Айланма маблағларни тежашга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- самарадорликни ошириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- логистикани такомиллаштириш;
- йўқотишларни камайтириш;
- захираларни қисқартириш;

• ишлаб чиқариш объектларининг тайёргалик даражасини ошириш.

Бунинг учун биринчидан, барча харажатлар объектлари бўйича ходимларнинг жавобгарлигини ошириш ҳамда корхона иерархик тузилма поғоналаридаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш, иккинчидан маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тортиб то истеъмолчига етиб боришигача бўлган ҳар бир жараён учун харажатларнинг оптимал миқдорини аниқлаш ва олинган натижаларни стандартлаштириш амалга оширилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, корхонанинг молиявий сиёсатини шакллантиришда айланма маблағларни бошқариш сиёсати муҳим восита ҳисоланиб, уни тўғри юритиш қуйидаги натижаларга олиб келиши лозим:

- корхона ёки бизнес қийматининг ўсиши;
- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва юқори тўлов қобилиятини таъминлаши;
- рақамли технологияларни жорий этиш орқали доимий равишда айланма маблағлар таркибини таҳлил қилиш, уни молиялаштириш манбаларининг ҳажми ва таркибини ўзаро боғлиқлигини баҳолаш имкониятига эга бўлиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Безкровная Г.Д. Управление оборотными активами // Московский экономический журнал. 2022. №12.
2. Веретенникова О.Б., Лаенко О.А.Оценка эффективности использования оборотного капитала хозяйствующих субъектов // Управленец. 2011. №11-12.
3. Гехова А.А. Оборотный капитал: понятие, сущность, источники формирования в современной экономике // Экономика и социум. 2021. №12-1 (91).
4. Халлыева А,, Чюриева Г., Чолукова У. Оценка эффективности оборотных средств // CETERIS PARIBUS. 2022. №11.

***Nasirov M.I.** – BTOM, tinglovchi*

BIZNES VA IQTISODIYOTDA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA

Bugungi kunda iqtisodiyotni transformatsiya qilishning dolzarbligi – iqtisodiyotda bir tekis amalga oshirilayotgan ijtiomiy-iqtisodiy rivojlanish va transformatsiya jarayonlarining o‘ziga xos tezkor xususiyatlari o‘rtasidagi ziddiyatlarni bartaraf etishga qaratilgan o‘zgarishlar bilan bog‘liqdir. Hududlarda iqtisodiy o‘sishni ta’minlash uchun amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarni tizimli tahlil qilish, jahon iqtisodiyotining rivojlanish bosqichlariniasosiy yo‘nalishlarini va sanoati rivojlangan mamlakatlar tajribasini batafsil o‘rganish talab etiladi. Mamlakatimiz Prezidenti, Sh.M. Mirziyoev 2020 yil 29 dekabrdagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida “...Iqtisodiyotda tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirishda davlat kompaniyalarini transformatsiya qilishni jadallashtirish kerak...”

O‘zbekistonda iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining jadal raqamli rivojlanishini ta’minlash, shu jumladan elektron davlat

xizmatlarini ko‘rsatish mexanizmlarini yanada takomillashtirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 5 oktabrdagi farmoni bilan “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi tasdiqlangan. Strategiya BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari va Elektron hukumatni rivojlantirish reytingida belgilangan ustuvor vazifalardan kelib chiqib, raqamli texnologiyalarni yanada keng joriy etish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi va unda raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishning strategik maqsadlari, ustuvor yo‘nalishlari. Strategiya doirasida 2020–2022 yillarga mo‘ljallangan “Yo‘l xaritasi”da to‘rtta asosiy sohani, ya’ni elektron hukumatni, raqamli industriyani, raqamli ta’limni va raqamli infratuzilmani rivojlantirish nazarda tutilgan va unda, hudud va tarmoqlarni raqamlitransformatsiya qilish doirasida:

– aholi punktlarini Internet tarmog‘iga ulash darajasi, shu jumladan keng polosali ulanish portlarini 2,5 mlngacha ko‘paytirish, 20 ming kilometr optik- tolali aloqa liniyalarini qurish va mobil aloqa tarmoqlarini rivojlantirish orqali 78 %dan 95 %ga yetkazilishi;

– hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning turli sohalarida 400 dan ortiq axborot tizimlari, elektron xizmatlar va boshqa dasturiymahsulotlar joriy etilishi;

– 587 ming nafar kishini, shu jumladan «Bir million dasturchi» loyihasi doirasida 500 ming nafar yoshlarni qamrab olish orqali kompyuter dasturlash asoslariga o‘qitish tashkillashtirilishi;

– iqtisodiyotning real sektori tarmoqlaridagi korxonalarda boshqaruv, ishlab chiqarish va logistika jarayonlarini avtomatlashtirish bo‘yicha 280 dan ortiq axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlar joriy etilishi belgilangan.

Raqamli texnologiyalarni amalda tatbiq etilishi jamiyat va iqtisodiyotni rivojlanishining muhim yo‘nalishlarini aniqlab beradi va odamlar hayotinitubdan o‘zgarishiga olib keladi. Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish ko‘plab mamlakatlar, jumladan iqtisodiy lider – AQSh, Buyuk Britaniya, Germaniya va Yaponiya uchun ham ustuvor yo‘nalishlardan biri bo‘lib hisoblanadi. Sun’iy intellekt, robotlashtirish, “Internet buyumlar” kabi texnologiyalarning yangi avlodini paydo bo‘lishi ijtimoiy soha va biznes faoliyatida transformatsiya qilishni yangi to‘lqinini boshlashni taqoza etmoqda. Mutaxassislarning fikricha hududlarda, kompaniyalarda bunday texnologiyalarni joriy etilishi mehnat unumdorligini 40 foizga oshiradi. Microsoft kompaniyasi tomonidan berilgan ta’rifga ko‘ra raqamli transformatsiyaning asosiy maqsadi raqobatbardoshlikni oshirish, doimo o‘zgarib turuvchi iqtisodiy sharoitda kompaniyaga o‘zini rivojlantirish uchun imkon berishdir. Raqamli transformatsiyaning an’anaviy avtomatlashtirilgan tizimdan farqi samaradorlikning keskin oshishida hisoblanadi. Shuning uchun transformatsiyani muvaffaqiyatli amalga oshrilishi, odatda yangi biznes modellarni yaratilishiga olib keladi. Shuningdek, korxonalarda korporativ axborot tizimlarini joriy etilishi yoki modernizatsiya qilinishi bo‘yicha amalgaoshirilgan har qanday loyihani ham raqamli transformatsiya deb bo‘lmaydi. Microsoft kompaniyasi raqamli transformatsiya loyihlarida quyidagi funksiyalarni ajratib ko‘rsatadi:

1.Samaradorlikni keskin o‘sishi: korxona faoliyatining asosiy ko‘rsatkichlari ikki barobarga yaxshilanishi mumkin.

2. Tejamkor, keng o‘lchamli va moslashuvchan zamonaviy texnologiyalardan foydalanish (Bulutli xizmatlar, Sun’iy intellekt, “Internet buyumlar”, katta hajmdagi ma’lumotlar, robototexnika va boshqalar).

3. O‘zaro bog‘liq bo‘lgan o‘zgarishlarning mavjudligi, ya’ni loyiha biznesning bir necha sohalariga ta’sir ko‘rsatishi zarur. Mijozlar nafaqat iste’molchi bo‘lishi balki biznesning bir qismiga aylanishi, tovar va xizmatlarning sifatiga ta’sir ko‘rsatishi kerak. Raqamli iqtisodiyot an’anaviy iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilishni, yangi bozorlarga chiqish yo‘nalishlarini belgilab beradi. Yangi biznes modellari mijozlarga yo‘naltirilgan (customer centric) bo‘lib, ularning strukturasini to‘liq belgilab beradi, ya’ni mijoz talabini oldindan belgilangan muhim taklifini hisobga olib, xaridor tomonidan mahsulotdan foydalanish davrida, o‘z vaqtida (just-in-time) yetkazib berishdan boshlab daromad kelishgacha bo‘lgan davrlarni o‘z ichiga oladi.

Mamlakat iqtisodiyotini raqamlashtirish yo‘li bilan transformatsiya qilinishi muqarrar. Bu jarayonni samarali tashkil etish va rivojlantirish uchun: axborot kommunkatsiya tizimlarini rivojlantirishda katta kadrlar salohiyati egabo‘lgan davlatning ta’sirini oshirish va butun jamiyat a’zolarini faol ishtirok etishini ta’minlash; keng miqyosda iqtisodiyot tarmoqlariga innovatsiyalarni va texnologik transformatsiyalarni keng miqyosda joriy etilishini, ayniqsa zamonaviy texnologiyalarga asoslangan sanoat va qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni rivojlantirish yo‘nalishlariniqo‘llab-quvvatlash zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. https://president.uz/uz/lists/view/4057.
2. “Raqamli O‘zbekiston-2030” Strategiyasi. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/raqamli_uzbekiston.
3. Gulyamov S.S., Ayupov R.H, Abdullaev O.M., Baltabaeva G.R. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalar. – T.: TMI, “Iqtisod-Moliya” nashriyoti, 2019.
4. Tursunov F.U. Raqamli iqtisodiyot va globallashuv: Raqamli tadbirkorlikni rivojlantirishning muhimligi. – T. Iqtisodiyotda innovatsiyalar, 6-son, 3 jild, DOIhttp://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6.

***Jo‘rayeva G.I.** – BTOM, doktorant*

RIVOJLANGAN XORIJIY MAMLAKATLARDAGI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR HOLATINI TAHLIL QILISH

Xalqaro savdoda shiddat bilan rivojlanayotgan raqamli texnologiyalarning mamlakatlarning ijtimoiy-iqtisodiy faoliyati, iqtisodiy siyosati va davlat boshqaruvi tuzilishini sifat hamda texnologik jihatdan tubdan o‘zgartirishga olib kelmoqda. Chunonchi raqamli texnologiyalarning kirib kelishi va ularnning xalqaro savdoga keng tatbiq etish sur’atlarining turlichaligi oqibatida mamlakatlar o‘rtasidagi rivojlanish tafovutlarining yanada kuchayishiga sabab bo‘lmoqda. “McKinsey” ekspertlarining baholashi bo‘yicha, bugungi kunda jahon YaIMning qariyb 10 foizi raqamli aktivlarga

to‘g‘ri keladi, shu bilan birga, ularni ishlab chiqish sur’ati jahon iqtisodiy o‘sishining 30 foiziga teng. Dunyoda “raqamli iqtisodiyot” ning o‘sish sur’atlari deyarli 16% ni tashkil etadi. Taraqqiy etgan davlatlarda “raqamli iqtisodiyot” ning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 7% ga yetgan. Ular hozirning o‘zidan “raqamli iqtisodiyot” ning joriy qilinishidan katta foyda ko‘rmoqdalar. Jumladan AQSH yiliga 400 milliard AQSH dollaridan ko‘proq “raqamli xizmat” larni eksport qilmoqda. 2025-yilgacha AQSH sanoat sohasini “raqamlashtirish” dan qo‘shimcha 20 trln. AQSH dollari daromad olishi kutilmoqda.

Jahonda elektron tijorat tizimlari orqali onlayn-savdo bozori tobora rivojlanib bormoqda. Elektron tijoratning supergigantlari hisoblangan Amazon (AQSh), Alibaba va JD.com (ikkisi ham Xitoy) kabi kompaniyalar hozirda xalqaro onlayn savdoning 40 foizini nazorat qilib, jahondagi eng yirik 10 ta elektron tijorat bozorlaridan yettitasini boshqarmoqda va global logistika tarmog'ida tovarlar harakatining yo‘nalishlarini belgilab bermoqda. Elektron tijorat bozorining mahsuli — chegarabilmas turli posilkalar va mayda paketlar almashinuvining kundan-kun o‘sib borishi turli mamlakatlar pochta va bojxona xizmatlari o‘rtasidagi hamkorlikni har qachongidan ham mukammal qilishni talab qilmoqda. Yangi bozor global logistika tarmog‘ining uzluksiz, muvofiqlashtirilgan va ishonchli ishlashini ta’minlash masalasida Jahon pochta ittifoqi (JPI)ning Xalqaro bojxona va transport idoralari — Jahon bojxona tashkiloti (JBT), Xalqaro havo transporti assotsiatsiyasi (IATA), Xalqaro fuqaro aviatsiyasi assotsiatsiyasi (IKAO) bilan o‘zaro hamkorlikni kuchaytirishni talab qilmoqda.

Raqamli iqtisodiyot hozirgi mavjud sohalarning yarmidan ko‘prog‘ida beqiyos o‘zgarishlar keltirib chiqarishi ta’kidlanmoqda. Jumladan, Jahon banki ekspertlari fikricha, tezkor internetdan foydalanuvchilar sonining 10 foizga ko‘payishi milliy iqtisodiyotlar yalpi hajmini har yili o‘rtacha 0,4-1,4 foizga oshirish imkonini beradi.

Turli tadqiqotlar natijalari bo‘yicha raqamli iqtisodiyotning dunyo iqtisodiyotidagi salmog‘i 4,5 foizdan 15,5 foizgachani tashkil etadi. Jahon axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sektorida yaratilayotgan qo‘shilgan qiymatning deyarli 40 foizi va blokcheyn texnologiyalari bilan bog‘liq patentlarning 75 foizi Amerika Qo‘shma Shtatlari va Xitoy Xalq Respublikasi xissasiga to‘g‘ri keladi.

Turli mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun uchta model mavjud:

1. Raqamli iqtisodiyot rahbarlarini o‘z ichiga olgan model -Birinchi model rivojlangan davlatlarni o‘z ichiga oladi: AQSH va Yevropa Ittifoqi davlatlari. Bu mamlakatlar o‘rtasidagi o‘xshashlik bir qator sabablarga bog‘liq: ishlab chiqarish va bandlik tuzilmasini xizmat ko‘rsatish sohasi va ilmiy jihatdan intensiv ishlab chiqarish foydasiga o‘zgartirish; hosildorlikning o‘sishi asosida ishlab chiqarishni jadallashtirish; bu iqtisodlarning tashqi sharoitlardan mustaqilligini, ularning progressiv va o‘z-o‘zini ta’minlashga qaratilgan investitsiyalar va jamg‘armalarning ichki manbai; ushbu ikki mintaqaning o‘zaro bog‘liqligini dunyoning qolgan qismidan progressiv yopish fonida tezda chuqurlashtirish.

2. "Taraqqiyotga erishish" modeli -Ikkinchi modelni yangi sanoat mamlakatlari shakllantiradi. So‘nggi paytlarda Singapur va Tayvan raqamli iqtisodiyotni

rivojlantirishda katta ahamiyatga ega bo‘lmoqdalar, bu hatto ba’zi jihatdan Yaponiyadan ham ustundir. Aynan ushbu davlatlar raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo‘yicha etakchi ikkinchi guruhda hisoblanadi.

3. Axborotni ishlab chiqishning tashqi vositalarini o‘z ichiga olgan -Uchinchi model Axborot iqtisodiyoti rivojlanishining tashqi ko‘rinishlarini o‘z ichiga olgan uchinchi model, ta’limning juda past darajasi va umuman, aholining turmush darajasi pastligi, raqamli infratuzilmaning yo‘qligi yoki ahamiyatsiz rivojlanishi bilan tavsiflanadi. Bundan tashqari, ushbu model qaysidir ma’noda firma darajasida ham, davlat darajasida ham biznes jarayonlarini boshqarishning nochorligi bilan tavsiflanadi. Ushbu mamlakatlar qatoriga Afrika mamlakatlari va ba’zi Osiyo mamlakatlari kiradi.

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, raqamli iqtisodiyotning mamlakatlar yalpi ichki mahsulotidagi ulushi AQShda 10,9 foiz, Xitoyda 10 foiz, Hindistonda 5,5 foizini tashkil etadi. “Vouchercloud” portali tadqiqotchilari dunyodagi “eng aqlli” 25 davlat ro‘yxatini e’lon qildi. O‘tkazilgan tadqiqot natijalariga ko‘ra, birinchi o‘rinni Yaponiya egallagan. Kunchiqar yurt tadqiqotning asosiy ko‘rsatkichlari — Nobel mukofoti laureatlari soni, aholining o‘rtacha IQ (aql-zakovat) darajasi, maktablardagi o‘zlashtirish ko‘rsatkich bo‘yicha ham eng yuqori bahoga sazovor bo‘ldi. Keyingi o‘rinlardan Shveysariya, Xitoy, AQSh va Niderlandiya joy oldi. Xitoy aholi aql-zakovat darajasi yuqori bo‘lgani uchun uchinchi o‘rinni olgan bo‘lsa, AQShga to‘rtinchi o‘rinda joylashishiga Nobel mukofoti laureatlari soni yordam berdi. Janubiy Koreya, Tayvan va Singapur bilimli (aql-zakovatli) yoshlar soni bo‘yicha yetakchi o‘rinlarda, ammo faqatgina Nobel mukofoti laureatlari soni kamligi sababli reytingda yuqorida joylasha olmadi.

E’tiborli jihati shundaki, hozirgi kunda sun’iy intellektni rivojlantirish va bu sohaga investitsiya kiritish bo‘yicha global darajada keskin raqobat avj olmoqda. Sun’iy intellekt sohasidagi tadqiqotlarda Xitoy Xalq Respublikasi yaqqol yetakchi hisoblanadi. 2030 yilga kelib, sun’iy intellekt yaratadigan qiymatni 150 milliard AQSh dollariga yetkazish ko‘zda tutilgan. Shuningdek, sun’iy intellektga investitsiya kiritgan davlatlar o‘ntaligidan AQSh, Buyuk Britaniya, Kanada, Rossiya, Germaniya, Norvegiya, Shvetsiya, Fransiya, Hindiston davlatlari o‘rin olgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.Mirziyaev Sh.M. Мы все вместе построим демократическое и процветающее государство Узбекистан. Т., «Узбекистан», 2016
2.Mirziyaev Sh.M. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должна стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. // Народное слово, 16.01.2017.
3.Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию РУз”. 07.02.2017., № УП-4947.
4.Постановление Президента РУз от 3 июля 2017 года ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в РУз»
5.https://mininnovation.uz/oz/news/raqamli-iqtisodiyot-muammolar-va-imkoniyatlar
6.https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html

7.Nishonqulov, S. F. O. G. L., & Solidjonov, D. Z. O. G. L. (2021). Ta’lim biznesida raqamli innovatsion texnologiyalar. Science and Education, 2(6), 233-238.

Рафиқова З.А. *– Давлат Бошқаруви Академияси, таянч докторант*

ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА БОШҚАРУВНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Бугун мамлакатимизда кадрларга оид давлат сиёсати ўзгарди. Давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш ва фаолият кўрсатишнинг замонавий талаблари ишлаб чиқилмоқда. Бунда албатта, хорижий давлатлар тажрибаси, улар босиб ўтган йўл инобатга олинмоқда.

1990-йиллардан бошлаб ходимларни бошқариш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу соҳада стратегик менежментнинг аҳамияти ва аҳамияти тўғрисида хулосалар чиқарилди, ходимларни бошқариш функциялари, ташкилот фаолиятида кадрлар менежментининг роли ва аҳамияти, ташқи ва ташқи омилларнинг ушбу жараёнга таъсири батафсил ўрганилди.

соответствию кандидатов объективным критериям и преимуществам многообразия в совете. Многообразие («diversity») является важным фактором повышения эффективности совета директоров, так как позволяет получить синергетический эффект от разносторонних мнений и новых идей. Также и наши отечественные компании, не только в сфере энергетики могут заимствовать данную систему подбора кандидатов на совет директоров.

Законодательство РУз в области номинирования кандидатов на должность независимого директора несовершенно. Кроме того, наше законодательство на настоящий момент не содержит нормы, предусматривающей выдвижение самим обществом определенных квалификационных требований к членам совета директоров. Нам представляется, что компании должны иметь право выдвигать определенные требования к членам совета директоров. Другое дело, что эти требования не должны противоречить действующий законодательным актам и международным договорам. Например, нельзя ввести ограничения по полу, расе, гражданству, но было бы хорошо иметь возможность ввести требования по уровню квалификации, профилю деятельности, опыту в соответствующей сфере деятельности.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах» №УП-4720 от 24.05.2015
2. Higgs, Derek. “Review of the role and effectiveness of non-executive directors”, 2003, Par. 11.112 UK Code, Section B, B.4.

Юсупов Ф.А – *БТОМ, тингловчи*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига “корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар принциплари ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” муҳим вазифалардан бири ҳисобланади дея таъкидлаб ўтган. Корпоратив бошқарув ҳозирги кунга келиб корхоналарни бошқаришнинг нафақат замонавий фалсафасига, балки самарадорликни таъминлайдиган муҳим технологиясига айланиб улгурди.

Корпоратив бошқарувнинг мақсади инвестиция жозибадорлигини ошириш ва барча манфаатдор томонлар манфаатларининг оқилона мувозанатига риоя қилган ҳолда, амалдаги қонунчилик доирасида очиқ акциядорлик

жамиятларининг барча фаолият турларидан имкони қадар юқорироқ фойда олишдир.[1]

Корпоратив бошқарувнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибардорлигини ошириш;
- акциялар нархининг ўсиши орқали узоқ муддатли иқтисодий қийматнинг жамғарилиши;
- жамиятнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- акциядорлик жамиятлари бизнес - режаларини тасдиқлаш ва улар бажарилишини назорат қилиш ва фаолиятнинг бошқа муҳим масалаларини ҳал қилишдан иборатдир.

Республикамиз иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, Д.Н.Раҳимова, Н.М.Расулов, М.С.Саидов, Д.Х,Суюновларнинг тадқиқот ишлари корпоратив бошқарув жараёнларини илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган. Уларнинг илмий изланишларида, мулк шакллари трансформацияси, корпоратив бошқариш моделларини мукаммаллаштириш, акциядорлик корхоналарни ривожлантириш жараёнидаги масалаларда ўз ифодасини топган.[2] Жумладан, А.А.Хашимовнинг тадқиқотларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив тузилмаларни бошқаришни ривожлантиришнинг илмий- методологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Р.И.Яушевнинг илмий изланишлари интеграцион корпоратив тузилмалар ва таъсисчилар капиталида давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммоларига бағишланган. М.Б.Хамидулин фонд бозорини ривожланиши, акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти масалалари устида фикр юритган. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш масалалари Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Корпоратив бошқарувнинг замонавий хусусиятлари моҳиятан анча кенг бўлиб, бир пайтнинг ўзида ташкилотлардаги турли функцияларни, жумладан, менежмент, молия, ҳисоб, бизнес ҳуқуқи, бизнес этикаси ва иқтисодиётини мужассамлаштиради. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффофлик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Бундан ташқари, ушбу хусусиятлар ташкилотларни самарали бошқариш ва назорат қилиш учун тартиб-қоидалар, сиёсат, усуллар ва таркибий тузилмаларни белгилаб беради. Корпоратив бошқарув хусусиятининг бундай кенг қамровлилиги боис, бу борада ягона умумқабул қилинган атама мавжуд эмас.[4]

Бугунги кунда корпоратив бошқарув шароитида модернизациялаш жараёнларининг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи омиллар мавжуд:

1. Модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш учун тақозо этилувчи катта ҳажмдаги молиявий маблағларни жамлаш ва сафарбар этиш имконияти.

2. Эскирган техника ва технологияни замонавий, янги ишлаб чиқариш воситалари билан босқичма-босқич алмаштириб боришда корпоратив тузилманинг ички ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларидан фойдаланиш.

3.Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли технологик жараёнларига эга бўлган корпоратив тузилмаларда диверсификациялаш имкониятларининг кенглиги.

4. Ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва бошқарув услубларининг янги турларини яратувчи илмий лабораториялар ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш ва улар фаолиятини таъминлаш имкониятларининг кенглиги ва ҳоказолар.

Корпоратив бошқарув механизмига турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасида таниқли олимлардан бири Д.Суюновнинг фикрича, корпоратив бошқарув механизми корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир.[5] Муаллиф Т.Долгопятова фикрича корпоратив бошқарув механизмлари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқаришни таъминлашга ҳамда корпоратив назоратнинг муайян тузилмаларини шакллантиришга йўналтирилган. Европа ҳалқаро бошқарув институти олимлари Д.Денис ва Ж.МакКоннелл корпоратив бошқарув механизмларини ички ва ташқига бўлиб, корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари директорлар кенгаши ва мулкчилик структураси орқали ишлайди, унинг ташқи механизмлари эса корпоратив назоратнинг ташқи бозори (қўшилиш ва бирлашишлар бозори) ва мамлакат ҳуқуқий тизими билан боғлиқ, деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз:

Биринчидан, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида умумий кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустаҳкамлаб қўйиш.

Иккинчидан, кузатув кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш.

Учинчидан, кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш.

Тўртинчидан, кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш.

Бешинчидан, ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинадиган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларининг мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткични шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур.

Юртимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини тубдан яхшилаш, стратегик инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилишда илғор халқаро тажрибаниамалда қўллаш буларнинг барчаси ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайдиган кўплаб корхоналар фаолиятига янги туртки беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Гулямов С.С. Задачи совершенствования системн корпоративного управления в Узбекистане. //Корпоративное управление в Узбекистане. Материалн научно-практической конференции. Т.: 2004. с.143-145;
2. Рахимова, Ш.Н. Зайнутдинов. Корпоратив бошқарув асослари. - Т.: Академия, 2006.- 47б.; Беркинов Б.Б. Корпоративное управление: цели и задачи /Народное слово 15.05. 2004 г.
3. Расулов Н. М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида).08.00.13- “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2010. - 161 б.
4. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари (“Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси мисолида). Ихтисослик: 08.00.13 - “Менежмент ва маркетинг”. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2009. - 176
5. Хашимов А.А. Корпоратив бошкарув шаклидаги тузилмаларни ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Фан, 2003. - 111 б.

Суюнова Д.Д. *- мустақил изланувчи*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда акциядорлик жамиятларининг автоматлаштирилган ахборот бошқарув тизими бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилот раҳбарияти томонидан юқори сифатли, изчил ва ўз вақтида маълумот олишга максимал даражада йўналтирилган бўлиши керак. Шунинг учун акциядорлик жамиятларининг ходимларини ахборотлаштириш ва автоматлаштиришнинг бошқа масалалари қаторида унинг раҳбарияти томонидан стратегик қарорларни

тайёрлаш ва қабул қилиш билан боғлиқ бўлган иш жараёнларида самарали ахборот технологияларини жорий этишга устувор аҳамият берилиши керак, чунки бу охир-оқибат бутун ташкилотнинг ривожланиши таъминланади.

Акциядорлик жамиятлари ва унга тегишли бўлган корхоналарни бошқариш функциялари ва объектларининг бир хил бўлганлиги сабабли, уларни автоматлаштиришда фойдаланиладиган дастурий таъминотлар ҳам ўхшаш бўлади. Масалан EPR ва CRM тизимларидан йирик маълумотлар базасига ишлов бериш ва электрон ҳужжат айланишида бир хил қўлланилади. Мазкур рақамли технологияларни қўллашнинг самарадорлигинни ошириш учун бизнес жараёнлари ва корпоратив бошқарув методологияларига мослаштиришнинг мезонларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Корпоратив даражада жараённи бошқариш тизими деярли муҳокама қилинмайди, чунки техник жараёнларни тезкор бошқариш корхона даражасида амалга оширилади. Бошқа томондан, бошқарув ва хўжалик юритиш жараёнларни автоматлаштириш, уларнинг пул оқимлари бюджетини шакллантириш ва маълумотларни сақлаш учун дастурий таъминот тизимларидан тез-тез фойдаланилади.

Албатта корпоратив ахборот тизимлари (КАТ) ва акциядорлик жамиятларини бошқариш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари (КБАТ) орасида ўзига хос фарқлар ҳам мавжуд..

Оддий корхонада моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари оқимлари ҳам оддий бўлиб, корпоратив ташкилотда мураккаб ва кшп поғонали ривожланиш хусусиятларига эга. Бунлдай мураккабликлар бошқарув ва молиявий ҳисоблари объектлари таркибининг хилма-хиллиги, бошқарув тузилмасининг иерархияси, бизнес жараёнларининг турличалиги ҳамда ташкилот ривожланишининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ. Корпоратив бошқарувдаги мазкур хусусиятлар унда фойдаланиладиган ахборот тизимига қўшимча шартлар қўяди.

Бошқариш ва бухгалтерия ҳисоби объектлари таркиби ва хилма-хиллигини кенгайтириш. Корпорация таркибига жуда хилма-хил корхоналар кириши мумкин, масалан, вертикал равишда бирлаштирилган холдинг компанияси тоғ-кон саноати корхоналарини, ишлаб чиқариш саноатини, транспорт компанияларини ва бошқаларни бирлаштириши мумкин. Ҳар бир янги корхона корпоратив бошқарув методологиясига бухгалтерия ҳисоби, таснифи ва иш жараёнининг баъзи бир ўзига хос хусусиятларини киритади, бу ахборот тизимида акс эттирилиши керак.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мавжуд муаммонинг қуйидаги ечимлари бўлиши мумкин:

- автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиши тизимларида иш жараёнларини самарали амалга ошириш учун электрон почта, рақамли имзо, платформалар ва бошқалардан фойдаланилади;

- рақамлаштирилган бошқарув усуллари ёрдамида бошқарув тизими поғоналари камаяди, бошқрув тузилмалари ва ходимлари ўртасида тезкор ва доимий алоқа ўрнатилади;

Акциядорлик жамиятлари ўзининг филиалларини билан бизнес мақсадларга эришиш учун тезкор қарор қабул қилишга қодир бўлган бошқарув органига эга бўлиши керак, бироқ бошқарувни ҳаддан ташқари марказсизлаштириш ҳам тўғри бўлавермайди. Бунда энг кенг тарқалган усул автоматлаштирилган бюджетлаштириш тизимидан фойдаланишдир.

Акциядорлик жамиятларида хўжалик юритиш, бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби усулубларининг турлича бўлиши бошқарув тизими самарадорлиги ва молиявий фаолиятнинг шаффофлиги пасайишига олиб келади.

Баъзи корхоналарда самарали бошқарув услублари, самарали бизнес жараёнлари, айримларида тескариси, айримларида эса ҳар иккаласи ҳам бўлиши мумкин.

Бошқарув ва хўжалик юритишни рақамлаштириш қуйидаги стратегик вазифаларни ҳал қилиш лозим:

• энг аввало бошқарув усулларига мос келувчи рақамли технологиялар ва ахборот тизимини танлаш ва ушбу амалга ошириш.• ички ва ташқи омиллар таъсири остида стратегик ва жорий мақсадларни мувофиқлаштиришга асосланган корпорацияни мажмуавий бошқариш усуллари ва таомилларини шакллантиш;

• ахборот тизими ёрдамида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаб-қувватлаш;

Корпоратив бошқарув ва хўжалик юритишнинг бошқа жараёнларида фўлланиладиган ахборот тизимлари ва технологияларининг турлияалиги, ягона ва яхлит корпоратив ахборот тизимини яратишда маълум бир қийинчиликлар туғдиради.

Корпоратив ташкилот таркибий тузилмаси ва унинг хўжалик фаолиятини ташкил этиш мураккаб жараён бўлиб, уни доим ўзгарувчан ташқи ва ички шароитларга мослаштириб бориш лозим. Бў уз навбатида ахборот тизимининг ҳам мослашувчан ва кўп тармоқли бўлишини, рақамли технологиялар билан уйғунлигини таъминлашни талаб этади. Бу учун ахборот тизими қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак:

- корпоратив ташкилотда электрон платформанинг мавжудлиги;

-ахборот майдонинг бирлиги;

-замонавий ахборот технологияларини қўллаб-қувватлаш.

Шундай қилиб, корпоратив корпоратив ахборот тизимини яратишда юқорида кўриб ўтилган ҳолатларни ҳисобга олиш керак.

Корпоратив ахборот тизимин бошқарув қарорларини назорат қилиш ва ўз вақтида қабул қилиш буюртмаларини бажариш, учун илмий-тадқиқот ишлари, тайёр маҳсулотлар, мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар, материаллар ва уларнинг захиралари, айланма маблағлар ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни тезкор қапйта ишлаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Самарали бошқарувга ўз навбатида асосий иш жараёнлари ва жараёнларни автоматлаштириш орқали эришилади. Бу:

-маҳсулот ва инновацион ишланмалар учун ягона маълумотлар базасини шакллантири;

- ҳар бир жараён бўцича операцияларни тўлиқ ҳисобга олиш;

- молиявий оқимлар тўғрисида маълумотларини тезкор қайта ишлаш имкониятига эга бўлишни;

- инвесторлар учун бизнеснинг шаффофлигини ошириш;

- фаолият жараёнларини стандартлаштиришни;

- операцияларни тўлиқ ҳисобга тизимини ишлаб чиқишни талаб этади.

Албатта рақамли корпоратив бошқарувда маълумотларни марказлаштириш, оптималлаштириш ва бирлаштириш тамойилларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Техник жиҳатдан мазкур тамойиллар КАТ ва акциядордлик жамиятинингг барча бўлинмалари молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш етарли бўлган хўжалик юритиш функциялари ёрдамида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, КАТ ни ривожлантиришнинг асосий мақсади ягона ахборот тизими асосида корпоратив бошқарув функцияларини такомиллаштириш ва бошқарув шаффофлигига эришишдир.

Корпоратив бошқарув тизимини рақамлаштиришдаги асосий муаммолардан бири дастурий таъминот билан корхоналардаги маълумотларнинг бирлаштирилишидир. Ички муаммолар турлича бўлишига қарамай, КАТни ягона стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш лозим.

Рақамли корпоратив бошқарув тизими шакллантирилгандан сўнг қуйидаги янги вазифаларни ҳал қилиш керак:

-акциядорлик жамияти бошқарув органи ва таркиибий бўлинмалар ўртасида ҳужжат айланиши ва ўзаро алоқа самарадорлигини ошириш;

- ахборотларни марказлаштирилгшан шаклда тезкор йиғиш, қайта ишлаш ва назорат қилиш;

- алоҳида тузилмавий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш асосида маҳсулот ва хизматларни сотишни оптималлаштириш.

- корпоратив корхоналарини ривожлантириш лойиҳалари бўйича ягона маълумотлар банки ва истеъмолчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш.

-тезкор бошқарув қарорларини амалга оширишнинг самарали механизмларининг мавжуд ишлаб чиқиш.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидагилар керак:

- рақамлаштирилган корпоратив ахборот тизими ишлаб чиқиш;

- акциядорлик жамияти таркибида корпоратив ахборот технологияларини жорий этиш ва бошқариш бўлинмаси фаолиятини такил этиш. Бшлинма марказлаштирилган ва марказалаштирилмаган ҳамда аралаш ахборот тизимлари режимида ишлайди;

- корпоратив ташкилот ахборот тизимларини модернизациялаш;

- корпоратив ташкилот таркибий корхоналари ахборот тизимларини интеграллаш орқлаи ягона корпоратив ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

Корпоратив ахборот тизимини яратиш бош корхона таркибидаги бўлимларнинг ягона ахборот маконини ташкил этиб, уни бошқариш самараси бизнес жараёнларнинг такомиллашуви ва корхона рақобат устунликларининг ўсиши билан тавсифланади

Корпоратив бошқарувни рақамлаштириш самарадорлигига қуйидаги омилларни ўз таъсири ўтказади:

1) корпоратив ташкилотда ягона ахборот маконининг шаклланганлиги. Молиявий, бошқарув ва бухгалтерия, режалаштириш ва меъерлаштириш бўлимлари ягона ахборот базасида интеграллаштрилади. Бу маълумотларни киритишда параллел функцияларни бартараф этад, унинг шаффофлиги ва изчиллигини таъминлайди. КАТ платформасида кўпроқ самарали қўлланиладиган стандарт ечимларга эътибор қаратиш.

2) корпоратив тузилма мураккаблиги. Ахборот тизими ва унинг аппарат-дастурий комплекси ташкилот ҳисоботларива бўлимларнинг функционал муносабатлари асосида яратилиши керак.

3) бошқарув маълумотлари самарадорлиги. Тизим асосий бошқарув жараёнлари, ходимлар фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнларини тўғрисидаги маълуотларни онлайн етказиб бериш қобилиятига эга бўлиши лозим. Стандарт тизимларни корпоратив ташкилот фунционаллигига мослаштириш;

4)ахборот тизимининг очиқлиги. Яратилган дастурий маҳсулотлар ва тизимлар фойдаланувчилар томонидан ўзгартирилиши ва истиқболдаги ривожланиш мақсадларига мослаштириш имкониятига эга бўлиши лозим;

5) ахборот тизиминигнг миқёси. Корпоратив ахборот тизимининг функционал имкониятларини, ишончлилигини ва мослашувчанлигини доимий равишда фойдаланувчилар сонини кўпайишига олиб келиши лозим;

6) тизимнинг хавфсизлиги. Тизимда маълумотларнинг ўзгариши, йўқотилиши, электр таъминотидаги узилишлар хавфини минималлаштириш ҳамда ахборот тизимига рухсатсиз кириш ҳамда киберҳужумлардан ҳимоя қилиш.

7) тизимга сервис хизмат кўрсатиш ва профилактикадан ўтказиш имконияти. Тизимни қўллаб-қувватловчи телефон ва бошқа алоқа воситалари, малакали мутахассисларни жалб этиш имкониятлари киради.и чақириш имконияти.

3. Корпоратив ахборот тизимининг архитектураси.

Қуйидаги тизимларнинг яратилишини корпорация ахборотлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Серверлар ва алоқа тизими инфратузилмасининг хусусиятлари талаб қилинадиган ишончлилик, тармоқли кенглиги ва керакли даражани таъминлаш учун ҳимоя маълумотлари етарли бўлиши керак.

Рақамлаштирилган корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда иахборот ресурсларининг интеграллашуви ва уларга масъул бўлган ходимларга фойдаланиш ҳуқуқини беришдир. Бундай манбаларга қуйидагилар киради:

- илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар маълумоти банки;;
- электрон ҳужжат айланиш ахборот базаси;

- корхонанинг йиллик ва чораклик фаолияти натижалари ҳисоботи;
- истеъмолчиларининг маълумотлар банки;
- маҳсулот етказиб берувчилар маълумотлари банки;
- корхона ходимларининг маълумотлар фойдаланувчилари маълумотлар базаси, электрон почта манзиллари базаси ва ва бошқалар.

Жараённи бошқариш тизимлари корпоратив корхоналарида асосий ишлаб чиқариш турига жуда боғлиқ, шунинг учун улардан фойдаланишнинг аниқ илғор саноат мисолларини кўриб чиқиш керак.

Кўпгина тадқиқотчилар корпоратив ахборот тизимининг автоматлаштирилган версияси корпоратив платформа асосида амалга оширилиши мумкин, деб ҳмсоблайдилар, унинг асосий функционал тузилмаси бошқарув фаолиятини автоматлаштириш учун стандарт ечимларни ўз ичига олади.

Самарали корпоратив ахборот тизимини жорий этиш қуйидагиларни таъминлайди.

• бизнес жараёнларини ягона бошқарув тизими доирасида бирлаштириш, қарорлар қабул қилиш жараёни сифатини ва менежмент ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

• дастлабки ҳужжатлар асосида иқтисодий фаолиятни тезкор назорат қилиш ва таҳлил қилиш;

• бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва бошқарув ҳисобининг тўлиқлиги, ишончлилиги, шаффофлиги ва ўз вақтида бажарилиши;

• режалаштирилган харажатларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш;

• компаниянинг инвестиция жозибадорлигини таъминлаш.

ERP тизими бизнес жараёнларини автоматлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

• бухгалтерия, бошқарув ва молиявй ҳисобларни автоматлаштириш;

• буюртмалар портфели асосида ишлаб чиқариш режасини шакллантириш;

• инвентаризацияни бошқариш;

• маҳсулотбаҳоси, таннархини ва рентабелликни таҳлил этиш ва баҳолаш;

• ишлаб чиқариш ва сотиш режалари бажарилишини назорат қилиш;

• ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш;

• таъминот занжири менежменти (SCM) ва истеъмолчилар билан муносабатларни бошқариш (CPM) буюртмаларни самарали бошқариш, харидларни қайта ишлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва сотиб олиш, буюртмалар ва захиралар учун маҳсулотларни режалаштиришни таъминлайди.

Талабларни режалаштириш ва истеъмолчилар билан муносабатларни бошқариш қуйи тизими (CPM -Истеъмолчилар билан алоқаларни бошқариш) истеъмолчиларнинг афзалликларини таҳлил қилиш, истеъмолчилар таркибини баҳолаш учун ишлатилади, шунингдек, шартнома тизимини автоматлаштиради. У қуйидаги воситалардан фойдаланишда ифодаланади:

а) рентабеллик мезони ва истеъмолчилар гуруҳларини танлаш асосида даромадларни режалаштириш;

b) истеъмолчилар рентабеллиги омилларини бошқариш;

c) истеъмолчиларга табақалашган ёндашувни амалга ошириш;

d) маҳсулот шартлари ва сиқатиини таъсинлаш;

e) хизмат кўрсатиш тартибини берилган профилга мослаштириш орқали харажатларни минималлаштириш;

f) тарқатиш канали инфратузилмаси самарадорлигини ҳисоблаш.

Молиявий-иқтисодий ҳолатнинг асосий кўрсаткичларини кузатиш ва таҳлил қилишнинг қуйи тизими таҳлилчиларга қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

• корхоналар ҳолатини баҳолашнинг яхлит кўрсаткичлари (ликвидлик, барқарорлик, рентабеллик);

• ишлаб чиқариш ҳажмининг пул ва зарурат бўлганда моддий жиҳатдан кўрсаткичлари;

• сотувлар ҳажмининг пул кўринишидаги кўрсаткичлари ва агар керак бўлса, моддий жиҳатдан;

• маҳсулот таннархининг кўрсаткичлари ва фаолият йўналишлари рентабеллигини таҳлил қилиш;

• баҳо кўрсаткичлари;

• бошқа бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоботи.

4. Корпоратив ахборот тизимини яратиш усулини танлаш

Корпорация бошқарувини янги усулда автоматлаштириш муаммоларини ҳал қилишда, айрим корхоналар билан таққослаганда, қандай қилиб ягона автоматлаштирилган тизимни яратиш ва дастурий таъминотни танлаш мезонлари тўғрисида савол туғилади.

Стандарт дастурий таъминотни қўллаб-қувватлаш учун юқоридаги далилларга қўшимча равишда кўпинча яна бир сабаб келтирилади: корпорациянинг инвестиция жозибадорлиги ошириша, унинг капиталлашуви ва Ғарб фонд биржаларида ИПО (Инитиал Публис Офферинг) акцияларини қўйиш эҳтимоли пайдо бўлади.

Юқоридаги вариантлар орасидаги якуний танлов мезонлари, қоида тариқасида, харажатларни оптималлаштириш ва фойдани максимал даражага кўтариш қобилиятидир. Шу билан бирга, кўпинча бизнесни барқарорлаштирадиган, уни эришилган даражада ушлаб турадиган ечимларни излаш мавжуд. Қиммат, узоқ ва қийин бўлган ҳамма нарса иложи борича арзонроқ, камайтирилган ва енгиллаштирилган бўлиши керак.

Аслида, кўп ҳолларда, стандарт дастурий таъминот индивидуал дастурий таъминотга айлана бошлаганда шундай вазият юзага келади. Ғарблик йирик сотувчиларининг стандарт дастурий таъминоти кўпинча ички шароитга мос келмаслиги мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mesenbourg T. L. Measuring the Digital Economy. U.S. Bureau of the Census. URL: http://www.census.gov/content/dam/Census/library/workingpapers/2001/econ/digitale con.pdf.

2. Boden M., Cagnin C., Carabias V., Haegeman K. Facing the future: time for the EU to meet global challenges // European Commission Joint Research Centre Institute for Prospective Technological Studies European Union, 2010. P. 44.
3. Berle A., Means G. The modern Corporation and Private Property – New York: Macmillan, 1932. – 478 p; Eells R.S.F. The Meaning of Modern Business: An Introduction to the Philosophy of Large Corporate Enterprise. – New York: Columbia University Press, 1960. – 427 p.
4. Суюнов Д.Х. «Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш»/ Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. ТДИУ, 2008.
5. Суюнов Д.Х. Корпоратив менежмент. –Т: Академия, 2013 й., 216 б.
6. Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар: Монография. – Т.: Академия, 2007. – 321 б.
7. Tricker B. Corporate governance: principles, policies, and practices. 3rd edition, Oxford 2015.- 544 p.
8. Суюнов Д.Х., Хошимов Э.А., Хусаинов Ш.А. Копроатив бошқарув: муаммолар ва замонавий ечимлар. Монография.: “BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп қилинган. Монография. 2021 йил. -207 бет.

***Umarbekov B.B**. – BTOM, tinglovchi*

O‘ZBEKISTONDA ELEKTR ENERGIYASINI ISHLAB CHIQARISH LOYIHALARIDA DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK TAMOYILLARINI TATBIQ QILISH MUVAFFAQIYATLARI VA XATOLARI

2016 yil 4 dekabrda Prezident saylovlarida g‘olib bo‘lgan Shavkat Mirziyoyev oldida O‘zbekistonni rivojlantirish bo‘yicha katta muammolardan biri – elektr energetika sohasini rivojlantirish edi, chunki oxirgi 15 yil davomida O‘zbekistonda kuzatilgan elektr energiyasining taqchilligi iqtisodiyotni o‘sishiga, aholining turmush tarzini yahshilashga to‘sqinlik qilib kelmoqda edi. Sohada haqiqiy isloxotlar qilish lozimligi sababli, 2018 yilda Prezident administratsiya o‘tkazgan o‘rganishlar va konsultatsiyalardan keyin quyidagi muxim ishlar qilindi:

1. 2019 yil fevralda Energetika vazirligi tashkil topdi[1]. Buning natijasida sohada davlat boshqaruvini amalga oshiradigan alohida tashkilot paydo bo‘ldi. Oldinlari “O‘zbekenergo” AJ va “O‘zbekneftgaz Holding” AJ o‘zlariga tegishli sohalarda davlat boshqaruvini va xo‘jalik yuritishni amalga oshirishar edi.

2. 2019 yil avgustda vertikal birlashtirilgan “O‘zbekenergo” AJ elektr ishlab chiqarish, uni uzatish tarmoqlari va taqsimlash tarmoqlarida tannarx shakllanishiga shaffoflik xosil uchun “Issiqlik elektr stansiylari” AJ, “O‘zbekiston Milliy Elektr Tarmoqlari” AJ va “Hududiy Elektr Tarmoqlari” AJga bo‘lib yuborildi[2]. Eng muximi – kelajakda elektr energiyasini ishlab chiqarish sohasida xususiy investorlarni jalb qilishga poydevor yaratildi.

[1] O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 01.02.2019 yildagi PF-5646-son Farmoni
[2] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.03.2019 yildagi PQ-4249-son Qarori

3. Energetika vazirligi Jahon banki va Osiyo taraqqiyot bankining koʻmagida yollangan, xalqaro eʻtirof etilgan konsalting firmalar yordamida Oʻzbekiston elektr energetika sohasining 2020-2030 yillarga moʻljallangan rivojlanish kontsepsiyasini[1] ishlab chiqdi. Bu reja sohaga taklif qilinadigan xususiy investorlarga yoʻl xaritasi sifatida xizmat qiladi. Rejaga qarab, xususiy kompaniyalar oʻzlarining Oʻzbekistonga investitsiya qilish rejalarini tuzishadi. Bu hujjatsiz xususiy investorlarda haddan ziyod koʻp mavxumliklar paydo boʻladi va investitsiya qarorlarni qabul qilish oʻta qiyinligi sabab, ijobiy investitsion qarorlar qabul qilish ehtimoli keskin tushib ketadi.

Dunyoda elektr ishlab chiqarishni tashkil qilishning amalda 4ta yoʻli bor:

1. Xar bir iste'molchi oʻzining elektr ishlab chiqarish qurilmasini xarid qiladi – Afrikaning koʻplab mamlakatlari va hududlarida kuzatiladigan xolat. Kichik generatorlar iqtisodiy jihatdan past samaradorlikka egaligi sabab turli davlatlar oʻz mamlakatlari miqyosida yirik stantsiyalar qurishga va bu stantsiyalardan chiqqan elektr quvvatini mamlakat boʻylab tarqatuvchi elektr tarmoqlarni qurishga intilishadi.

2. Hukumat elektr stansiyalar, uzatish va taqsimlash tarmoqlari quradi. Ayrim davlatlarda korrupsiya tufayli stantsiyalar qimmatga qurilgan. Korrupsiya sababli yoki boshqa obyektiv sabablarni deb suveren qarzlari oshib ketishi oqibatida, dunyoning ayrim mamlakatlari yangi stantsiyalar qurilishini moliyalashtirolmay qolgan. Misol: AQShning koʻplab shtatlari 1970 yillar oxirida oʻzlarini shu xolatda topishdi.

3. Davlat-xususiy sheriklik tamoyillari asosida tuzilgan uzoq muddatli elektr sotib olish shartnomalariga tayanib, xususiy kompaniyalar yangi stansiyalar quradi.

DXSh modelining afzalliklari:

a. xususiy stansiyalar davlat qurgan stansiyalarga nisbatan arzonga qurildi.

b. xususiy stansiyalar davlat boshqaruvidagi stantsiyalarga qaraganda kam xarajat bilan boshqariladi.

c. DXSh loyihalar davlat suveren qarzini bevosita oshirmaydi.

DXSh modelining zaifliklari:

a. loyihalarga investorlar ochiq tenderlar bilan emas, toʻgʻridan toʻgʻri muzokaralar orqali jalb qilinsa, qimmat tarif keltirib chiqaradi(Oʻzbekiston misolida 50%gacha).

b. DXSh loyihalar davlat suveren qarzini bevosita oshirmasa-da, bilvosita kredit reytinglarga yuk boʻladi. Agar hukumat hamma stansiyalarni DXSh asosida qurdiraversa, lekin isteʻmolchilarning tariflarini xususiy investorlarga oylik toʻlovlarni toʻlay olishlik darajasidan past ushlasa, elektr ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilar oʻrtasida ulgurji elektr sotib oluvchi-sotuvchi funksiyasini bajaruvchi (yagona xaridor) davlat kompaniyasi ertami-kechmi elektr ishlab chiqaruvchilarga oylik to'lvlarni vaqtida amalga oshirolmay qoladi va natijada xususiy investorlar hukumatga defolt eʻlon qilishni boshlashi mumkin. Bu esa qor koʻchkisi effektiga olib kelib, hukumatning bankrot boʻlishiga olib kelishi mumkin. DXSh boʻyicha bilvosita majburiyatlarning prognozlarni va risklar taxlilini oʻtkazish va bu prognoz va risklarni mamlakatning uzoq muddatli makroiqtisodiy rejalari va risklar taxliliga kiritish kerak.

c. Agar davlat erkin ulgurji elektr energiya bozoriga oʻtmoqchi boʻlsa, haddan ziyod DXSh shartnomalar imzolash kelajakda yaratiladan bozorda erkin ishlab

[1] https://minenergy.uz/uz/lists/view/77

chiqaruvchilar uchun umumiy ishlab chiqarishning kichik ulushini va demakki erkin bozorda raqobat oz bo'lib qolishiga olib keladi.

4. Erkin ulgurji elektr energiya bozori tashkil qilinib, unda xususiy investorlar, biznesga aloqador risklarni o'zlarining bo'yniga olib, foyda ko'rish umidida stansiyalar qurishadi yo davlat stansiyalarni xarib qilib olishadi. Erkin bozor modelida hukumat xususiy investorlar oldida elektr tolovlarni vaqtida to'lash majburiyatini o'z zimmasiga olmaydi (bilvosita garantiyalar bermaydi).

2019 yildan beri O'zbekiston hukumati elektr stansiyalarni qurishni davlat suveren qarzlari hisobidan moliyalashni to'xtatdi. Yangi elektr stansiyalarni DXSh tamoyillari asosida xususiy investor hisobiga qurdirish modeliga o'tishga majbur bo'ldi. Chunki 2018 yilda qilingan hisob-kitoblar elektr energetika sohasini 2030 yilgacha rivojlantirish uchun sohaga 25-30 mlrd. AQSh dollari miqdorida investitsiya kerakligini ko'rsatdi. Agar bu investitisiyalar davlat suveren qarzi hisobiga moliyalashtirilsa, davlat suveren qarzi 2019 yildan 2030 yilgacha ni ikki barobar o'sishi kerakligini, yilma yil bu raqam 7%dan oshiq o'sishi kerakligini va hamma qarz faqat elektr energetika sohasiga sarflanishi kerakligini bildirardi. Hukumat davlat qarzinining maksimal darajasini Yalpi ichki mahsulotga nisbatan 60% qilib belgilaganini e'tiborga olsak, YIM ham yiliga 7%dan o'sishi keraligini taqozo qilardi. Buning amalda iloji yo'qligi va ustiga ustak boshqa davlatlarda amalda sinalgan DXSh modeli borligi sabab, O'zbekiton shunday qaror qabul qildi.

OTB 2013 yildayoq O'zbekistonga DXSh tamoyillari asosida xususiy stantsiyalar qurishni taklif qilib, amaliy yordam ham berishga harakat qilgan. Lekin u davrda hukumatda bu to'g'rida juda kam tushuncha bo'lgan va qolaversa, elektr energiyasi defitsitiga munosabat yengilroq bo'lgan.

Birinchi DXSh kelishuv to'g'ridan to'g'ri muzokara asosida, boshqa alternativ takliflar qaralmasdan, xalqaro texnik, yuridik va moliyaviy ekspertlar ishtirokisiz, ofshor zonada registratsiya qilingan Sky Power Global kompaniyasi bilan tuzildi. Tabiiyki, bu kelishuvda elektr nergiya sotish tarifi o'ta qimmat edi va kelishuv shartlari ham sifatsiz edi. Baxtimizga, sifatsizligi faqat bir tomon zarariga emas edi. Natija – loyiha xaligacha amalga oshmadi. 2018 yil aprelida imzolangan elektr sotib olish shartnomasi bo'yicha, oradan 4,5 yil o'tib ham investor tomonidan shartnomada belgilangan 1000 MW quvvatdan aqalli 1 MW beruvchi panellar o'rnatilmagan.

Keyingi loyihalar to'g'ridan to'g'ri muzokaralar, Xalqaro moliya korporatsiyasi, Osiyo taraqqiyot banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot bankining moliyaviy, texnik va ekspert ko'madiga o'tkazilgan tenderlar orqali turli investorlar orasida taqsimlandi. 31 may 2023 yil xolatiga 32ta loyiha bo'yicha jami quvvati 16,8 GW, qiymati 16,2 mlrd. dollardan oshiq bo'lgan quyosh, shamol, gaz-bug' qo'shma tsikl turbina, gaz porshenli dvigatel texnologiyalari asosida uzoq muddatli elektr sotib olish shartnomalari imzolandi. Jami quwwati 1.9 GW, qiymati qariyb 2 mlrd. dollarlik 4ta shamol va quyosh loyihalari tender va muzokaralar bosqichida. O'zbekiston davlat qarzi (e'tibor beramiz – umumiy tashqi qarz emas) 2022 yil 31 dekabr xolatiga 29,2 mlrd. dollarga chiqdi[1] va faqat elektr energetikadagi bilvosita qarz davlat qarziga nisbatan 55%dan oshdi.

[1] https://kun.uz/news/2023/03/30/ozbekiston-tarixidagi-eng-yuqori-korsatkich-davlat-qarzi-29-mlrd-dollardan-oshdi

Qilingan ishlar xalqaro taraqqiyot banklari tomonidan xalqaro maydonda juda yahshi natija deb e‘tirof etildi. Yaqin va uzoq mamlakatlar O‘zbekistonning tajribasini o‘rgangani o‘z vakillarini jo‘natmoqdalar, videokonferensiyalar o‘tkazmoqdalar.

Muvaffaqiyat sabablari bir nechta:

1. Hukumat elektr energiyasi ishlab chiqarishni rivojlantirish juda muximligini va DXShdan boshqa yo‘l yo‘qligini tushunib yetdi. Bunga President Mirziyoyevning xalqni bundan buyon elektr quvvatisiz qoldirishga boshqa toqati yo‘qligi muxim omil bo‘ldi.

2. Sohani tushunadigan mutaxassislar vazirlikka ishga olindi. Energetika va investitsiya vazirligida mavzu bilan shug‘ullanuvchi vazir o‘rinbosarlari va xodimlar chet elda o‘qigan, o‘z mutaxassisliklarida ishlagan insonlar edi.

3. O‘zbekistonda qonunchilik bunga to‘sqinlik qilmadi. Balki zarur sharoitlar bor edi. Investitsiyalar to‘g‘risidagi qonuniga o‘zgarishlar o‘z vaqtida qabul qilindi. Prezidentning kerakli qarorlari o‘z vaqtida chiqib turdi.

4. Xalqaro rivojlanish tashkilotlari kerakli vaqtda treyninglar, seminarlar o‘tkazib turishdi, konsultantlar berishdi, imkoniyatlari doirasida hamma yordamni berishdi.

5. Dunyoda bir muncha muddatdan beri davom etib kelyotgan shamol va quyosh fotoelektrik texnologiyalarining tatbiq qilib kelinishi jahon bozorlarida shamol turbinalari va quyosh panellari narxlarining juda tushib ketishiga olib kelgan edi.

6. O‘zbekistonda shamol kuchli joylar va quyosh yahshi bo‘lgan cho‘llar borligi.

Lekin bu natijani to‘liq muvaffaqiyat deb e‘tirof etib bo‘lmaydi.

Xatolar ham bir talay:

1. Birorta loyihani to‘g‘ridan to‘g‘ri muzokaralar bilan investorlarga bermaslik kerak edi, chunki bunday loyihalar tenderlarda ochilgan tariflarga nisbatan 50%gacha qimmat tarif keltirib chiqardi. 25 yil davomida esa tariflardagi farq yuzlab million dollar zarar keltirib chiqaradi. Muallifdan 2022 yil yozda O‘zbekistonda o‘tkazilgan DXSh boyicha konferensiyada “agar vaqt orqaga qaytib 2019 yilda bo‘lib qolganida nimani boshqacha qilgan bo‘lar edi?” degan savol so‘ralganida, u umuman to‘g‘ridan to‘g‘ri muzokaqa qilmaslik kerak deb javob bergan.

2. Loyihalarni investorlarga taqsimlashda O‘zbekiston hukumati sohada biror kompaniya qo‘lida haddan ziyod iqtisodiy konsentratsiya bo‘lishini oldini olish haqida qayg‘urmadi. Buni oqibatida ayrim kompaniyalar birinchi yurish utsunligini qo‘llariga kiritishdi. Va natijada sohada haddan ziyod konsentratsiya yuz berib, investorlar xilma xilligi, o‘zaro raqobat kamaydi. Masalan, Birlashgan Arab Amirliklarining Masdar kompaniyasi deyarli hamma quyosh fotoelektrik stansiya loyihalarga ega bo‘ldi. ACWA Power kompaniyasi deyarli hamma shamol loyihalariga ega bo‘ldi. Boshqa investorlar Nukus-2 shamol 200 MW tenderida qatnashishga juda past qiziqish bildirishmoqda.

3. Ayrim xolatlarda hukumat yetarlicha kuchli iroda ko‘rsatmadi. Masalan, 2021 yil may oyida uchta quyosh loyihasini yutib olgan Masdar kompaniyasi 2021 yil oxirida bu loyihalarni amalga oshirolmasligini ma‘lum qilib, moliyalash va qurilish muddatlarini uzaytirib berishni so‘raganida, hukumat muddat surmasdan, investorni jarimaga tortib, loyihani olib qo‘yib (bunday huquqlar shartnomalar doirada

hukumatda bor edi), loyihalarga qaytadan investor tanlov tenderlarini o‘tkazishi kerak edi. Bunday qilmaganlik oqibatida xalqaro investor hamjamiyati oldida O‘zbekiston obro‘si tushib ketdi va 2023 yil aprelida OTB yordamida o‘tkazilgan, G‘uzor tumanida 300 MW quyosh stansiyasi uchun investor tanlovida faqat Masdar va ACWA Power kompaniyalari qatnashdi. Masdar va ACWA Powerga bundan oldin haddan ziyod ko‘p loyihalar berilganligi sababli boshqa investorlar bu kompaniyalar bilan O‘zbekiston hukumati orasida “alohida” munosabatlar bor deb shubhalanishmoqda.

4. O‘zbekiston hukumati elektr energiyasi ishlab chiqarish loyihalarini DXSh asosida amalga oshirish hajmlarini prognozlashtirishi va kelajakda bu korsatkichning suveren kredit reytingga va boshqa muxim makroiqtisodiy ko‘rchatkichlarga salbiy ta‘sirini prognozlashtirishi kerak edi. Bunday ish hukumatga elektr energiyasining ulgurji bozorini tezroq tatbiq etishga turtki bo‘lishi kerak edi. 2019 yil iyulda o‘tkazilgan xalqaro anjumanda hukumat bozorga o‘tishni yoqlab chiqdi lekin 2020-2021 yillardan isloxotlarga aloqador hujjatlar 2021 yil yozda hukumatga kiritilganidan beri hech qanday harakat yuz bermadi. Bu hujjatlar: a. energetika vazirligi tomonidan xalqaro rivojlanish tashkilotlari konsultantlari yordamida ishlab chiqilgan, elektr energetikasi to‘grisidagi qonunning yangi taxriri; b. mustaqil bozor regulyatori yaratish boyicha Prezident qarori loyihasi; c. “O‘zMET” AJdan elektr ulgurji savdosini boshqa kompaniyaga o‘tkazib, unga faqat yuqori kuchlanish tarmog‘i operatorligini qoldirish boyicha Prezident qarori loyihasi. Hukumat bozorga o‘tishni muzlatib qo‘ydi.

Xozir hukumatning energetika sohasini moliyalash masalasidagi axvoli qorong‘i tunda ko‘zi boglangan, qulog‘iga paxta tiqilgan xolda mavxumlikka ketayotgan, oldida jarlik yo toshqin daryo borligini bilmaydigan odam axvoliga o‘xshaydi.

Максумов Н.Э. *- Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги, директори ўринбосари*

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА “КАРЬЕРА МОДЕЛИ”НИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар “Давлат фуқаролик хизмати” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ трансформация қилиб борилмоқда. Ҳозирда амалга оширилаётган ўзгаришлар ортга қайтмас жарёнга айланмоқда.

Давлат фуқаролик хизмати тизимида кадрларнинг салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифаларни амалга ошириш ҳар кунлик мавзуга айланмоқда. Давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг назарий ва амалий билимларини ҳамда касбий компетенциявий ривожланиши устида ишламас экан бугуннинг талабларига жавоб бера олмайди.

Ҳаттоки, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида давлат фуқаролик хизматчисининг ўз касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириб бориши ҳамда шу орқали юқори

лавозимларга тайинланиши алоҳида модда билан белгиланиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Шу билан бирга, давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Рақамлаштириш жараёнларида давлат фуқаролик хизматчиларининг иш фаолиятини мазкур соҳасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий «Карьера модели» электрон платформасининг вазифаси ҳам давлат фуқаролик хизматчисининг фаолият самарадорлиги, ишчанлик кайфияти, унинг назарий ва амалий билимлари, салоҳият ва савиясини тобора мустаҳкамлаб бориш ҳамда ходимнинг касбий компетенциявий ривожланиш режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича татбиқ этиладиган ахборот тизими ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизмати соҳасида Миллий “Карьера модели” электрон платформасини жорий этиш ва ундан фойдаланиш қоидалари давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенциялари, меҳнат фаолиятидаги ютуқларини холис ва адолатли баҳолаш, уларнинг малакасини тизимли равишда оширишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Карьера моделида замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар таҳлилидан фойдаланган ҳолда давлат фуқаролик хизматига энг малакали номзодларни саралаш ва танлаш жараёнларини оптималлаштирилади.

Шунингдек, мазкур ахборот тизимида:

- ходимларни баҳолаш ва ривожлантириш тизими асосида давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш, шунингдек, лавозимда (карьеравий) ўсиш имкониятларини яратиш;

- давлат фуқаролик хизмати учун кадрларни тармоқ ва соҳалар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини узлуксиз ошириб бориш мақсадида олий таълим муассасаларининг ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларининг маълумот базаларини Миллий “Карьера модели” электрон платформасига интеграциялаш;

- кадрларининг ягона марказлаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш орқали давлат фуқаролик хизматида кадрлар салоҳиятини самарали бошқариш ҳамда давлат фуқаролик хизматида ягона ташкилий-ҳуқуқий механизмларини қўллаш мақсадида таҳлиллар ўтказиш ва мониторинг қилиш амалга оширилади.

Ахборот олиш ёки муайян функцияни бажариш учун платформа хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахс платформа фойдаланувчиси ҳисобланади.

Жисмоний шахслар:

- давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг бошқарув кадрлари ва мутахассислар тоифасидаги давлат хизматчилари;

- давлат фуқаролик хизматида фаолият олиб бориш истаги бўлган барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан, олий таълим муассасалари талабалари.

Юридик шахслар:

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари;
- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;
- олий таълим муассасалари;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш давлат ва нодавлат таълим муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги (Агентлик) платформани жорий этиш, унга техник хизмат кўрсатиш, янада такомиллаштириш, шунингдек, унинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун масъул ҳисобланади.

Фойдаланувчилар платформада идентификациялашган ягона ахборот тизими (One ID) орқали авторизациядан ўтади.

Жисмоний шахс мақомидаги фойдаланувчининг шахсий кабинетида унинг шахсига доир маълумотлари электрон ҳукуматнинг идораараларо интеграцион платформаси орқали шакллантирилади.

Шахсий кабинетда:
- паспорт маълумотлари;
- таълим тўғрисидаги маълумоти;
- меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;
- сертификатлар тўғрисидаги маълумотлар (малака ошириш, тил ўрганиш ва бошқалар);
- яқин қариндошлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар билан танишади.

Юридик шахс мақомидаги фойдаланувчи шахсий кабинетида унга тегишли маълумотлар электрон ҳукуматнинг идораараларо интеграцион платформаси орқали шакллантирилади.

Идорааларо интеграция платформасидан олинган маълумотларда номувофиқлик аниқланганда ёки қўшимчалар киритиш зарурати бўлганда фойдаланувчилар уларни бартараф этади.

Платформа давлат фуқаролик хизматчисининг ўзи фаолият юритаётган давлат органидаги эгаллаб турган лавозимига нисбатан юқори лавозимларни кўрсатиб берувчи режимда ишлайди.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзи танлаган давлат фуқаролик хизмати лавозимига қўйиладиган малака талаблари билан танишади.

Платформа давлат фуқаролик хизматчиси томонидан танланган лавозим доирасида компетенциявий ривожланиш юзасидан босқичма-босқич эгаллаши мажбурий бўлган оралиқ лавозим(лар)ни тавсия этади. Тавсия этилган оралиқ лавозимларнинг сонидан қатъий назар, давлат фуқаролик хизматчисининг эгаллаб турган лавозимидан кейинги эгалланиши лозим бўлган қуйи оралиқ лавозимни танлаш мажбурий ҳисобланади.

Бунда давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг эгаллаб турган лавозимига нисбатан қуйи лавозимларни танлаши мумкин эмас.

Тенг даражадаги лавозимларни эгаллаш “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг компетенциявий ривожланиш босқичлари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- давлат фуқаролик хизматчисининг компетенциясини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижасига мувофиқ компетенция даражаси билан солиштириш;

- платформа тақдим этган тавсиялар асосида давлат фуқаролик хизматчисининг компетенциявий ривожланиш режасини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш;

- компетенциявий ривожланиш режасининг ижросини мониторинг қилиш;

- компетенциявий ривожланиш режаси ижросининг якуни бўйича давлат фуқаролик хизматчисининг компетенцияларини баҳолаш.

Юқорида қайд этилган барча жараёнлар алоҳида Низомлар билан тартибга солинади.

Платформанинг ишлашини техник қўллаб-қувватлаш учун Агентлик қуйидагиларни:

- платформанинг самарали ишлаш имкониятларини доимий ўрганиб бориш;

- платформани такомиллаштириш ва унга янги функцияларини жорий этиш;

- платформа фойдаланувчиларига ундан тўғри фойдаланиш юзасидан тавсиялар бериш ҳамда ундан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган хатоликларининг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишни таъминлайди.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъул ташкилотлар платформага кириш учун Агентликка масъул ходимлар тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда расман мурожаат қилади.

Хулоса ва таклифлар:

1. Давлат фуқаролик хизматчиларининг карьеравий ривожланиш йўлларини белгилаш имконияти яратилади;

2. Давлат фуқаролик хизматчиларининг компетенциявий ривожланиш босқичлари шакллантирилади;

3. Давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятида компетенциявий ривожланишни мониторинг қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 08.08.2022 йилдаги №788-сонли “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги” Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.10.2019 йилдаги №ПФ 5843-сонли «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Интернет-сайт: https://lex.uz/uz.

Норбеков А.Ж. *– БТОМ, тингловчи*

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти олиб борилаётган таълим ислоҳатларининг такомиллашиб боришига боғлиқдир. Бугунги кунда таълим ислоҳатларининг жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда олиб борилиши, келгусида таълим сифатининг ошишига хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади” деб алоҳида таъкидланган[1]. Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш тизимини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

Бугунги кунда таълим ва тарбия ўтмиш даврларига қараганда тезроқ ривожланиб, шахс ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида фаол намоён бўлиб, ишлаб чиқариш ва истеъмолдан тортиб маданият, фан ва таълимгача бўлган ҳаётнинг турли соҳаларига таъсир қилиб келмокда[8].

Европа таълими амалиётида дуал таълим бўлғуси мутахассиснинг муваффақиятли касбий ва ижтимоий мослашуви учун таълим ташкилоти ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро таъсирининг самараси бўлиб хисобланган.

Адам Смит ўзининг таниқли асарида таъкидлаганидек: “Дуал таълимда – иш жойида устоз шогирдга касб-ҳунарнинг анъанавий усулларини ўргатиш деб ҳисоблаш керак, чунки уста билан бирга иш олиб бориш, ёш ишчиларни касбга бўлган қизиқишларини орттириб боради” [4].

Германия – таълим ва касбга йўналтириш, илм ва илмий тадқиқотлар давлати. Кўплаб Нобель мукофоти лауреатлари, юқори даражадаги илмий изланишдаги ютуқларга эга бўлган, кўп лойиҳаларга молиявий ёрдам бериб келаётган, ҳар хил давлатлардан келган таълим олувчиларга таълим берадиган давлатдир. Германия таълим тизимидаги дуал таълим талабалар учун касб-хунарни ўрганишда мустақил ўзлаштириш имконига эга бўлиш ҳамда устозларнинг танбеҳ ва изоҳларига мослашиш учун ажойиб имкониятдир.

Mamlakatimizda 2020 yilning o‘zida transport, geologiya, ta’lim, arxiv kabi sohalarni to‘liq raqamlashtirish belgilangan va bu boradagi ishlar jadal olib borilmoqda. Zamonaviy infratuzilmaga ega bo‘lgan “IT-park”lar ham fikrimiz dalilidir. Aholi va tadbirkorlik subyektlarining davlat organlari bilan kontaktsiz aloqa shakllarini yanada rivojlantirish maqsadida Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining yangi versiyasi, Bosh vazirning tadbirkorlar murojaatlarini ko‘rib chiqish virtual qabulxonasi “business.gov.uz” portali ishga tushirilgani raqamli iqtisodiyot rivoji yo‘ldagi muhim qadamlardir.

Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarini barcha manfaatdor vazirliklar, idoralar, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlariga ko‘rib chiqish, elektron raqamli imzodan foydalangan holda kelishish (viza qo‘yish) uchun, shu jumladan bir vaqtning o‘zida keng jamoatchilik va mutaxassislar muhokamasini o‘tkazish va tezkor jo‘natish uchun vaqtni va mehnat resurslarini sezilarli darajada tejash maqsadida yagona elektron tizimi “project.gov.uz” joriy etilgani ham quvonarli.

Xulosa tariqasida uzoq vaqt davomida byudjet tashkilotlarida texnik xodim hisoblangan axborot texnologiyalari mutaxassislariga yuqori maosh berilmagani ham raqamli iqtisodiyotni joriy etishdagi muammo bo‘lgan.

Sababi malakali dasturchilar bu lavozimda uzoq qolmagan. Ular xalqaro tashkilotlar, qo‘shma korxonalar, chet ellik buyurtmachilar uchun ishlashni ma’qul ko‘rgan. Endilikda ularga ustama berish mexanizmi keng ma’noda joriy etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. https://xabibullaev.files.wordpres.
2. O‘zbekiston Respublikasining «Axborotlashtirish to‘g‘risida». Qonuni. 11.12.2003 yil. 560-II-son.
3.www.mitc.uz - O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikasiyalarini rivojlantirish vazirligi.
4. www.uzbektelecom.uz
5. www.kun.uz

Navruzov D.I. *– BTOM, mustaqil izlanuvchi* (PhD)

KUZATUV KENGASHI FAOLIYATINI NAZORAT QILISH VA BOSHQARUV ROLINI OSHIRISH

Kuzatuv kengashi aksiyadorlik jamiyatining boshqaruv tuzilmasida hal qiluvchi element hisoblanadi. Uning vazifasi boshqaruv kengashini nazorat qilish va kompaniyaning o’z aksiyadorlari manfaatlarini hisobga olgan holda boshqarilishini ta'minlashdan iborat.

Biroq so‘nggi yillarda kuzatuv kengashlari faoliyati samaradorligi borasida xavotirlar paydo bo’la boshladi. Ushbu maqola aksiyadorlik jamiyatlarida kuzatuv kengashining rolini oshirish yo‘llarini o‘rganadi.

Ma’lumki kuzatuv kengashining rolini oshirishning bir usuli uning vazifalarini aniqlashtirishdir. Buni kengashning vazifalari bo‘yicha aniq yo‘riqnomalarni belgilash va barcha a’zolar o‘z rollarini tushunishlarini ta’minlash orqali amalga oshirish mumkin.

Bundan tashqari, kuzatuv kengashining o‘z vazifalarini samarali bajarishi uchun zarur ko‘nikma va tajribaga ega bo‘lishini ta’minlash muhim ahamiyatga ega. Bu maxsus tajribaga ega yangi a'zolarni o'qitish yoki yollash bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

Kuzatuv kengashining rolini oshirishning yana bir yo‘li ochiqlik va mas’uliyatni oshirishdir. Buni boshqaruv kengashi qarorlari va xatti-harakatlari aksiyadorlar va boshqa manfaatdor tomonlarga aniq yetkazilishini ta’minlash orqali amalga oshirish mumkin.

Bundan tashqari, kuzatuv kengashi o'z faoliyatini muntazam ravishda baholab borishi va har qanday kamchiliklar uchun o'zini javobgarlikka tortishi kerak. Bu aksiyadorlar va boshqa manfaatdor tomonlar o'rtasida ishonch va ishonchni mustahkamlashga yordam beradi.

Kuzatuv kengashi faoliyati aksiyadorlik jamiyatlari uchun juda muhim mavzudir, chunki u kompaniyalarning uzluksiz ishlashini o'z ichiga oladi, bu esa pirovardida mamlakat iqtisodiyotiga ta'sir qiladi. Kuzatuv kengashining vazifasi boshqaruv kengashini nazorat qilish va kompaniyaning kelajagi bo'yicha muhim qarorlar qabul qilishdan iborat. Shu sababli, aksiyadorlik jamiyatlari adolatli va adolatli ishbilarmonlik muhitini ta'minlash uchun, ushbu tartibga solish faoliyati qonunga muvofiq amalga oshirilishini ta'minlaydi.

Kuzatuv kengashi va boshqaruv kengashi o'rtasidagi munosabatlar aksiyadorlik jamiyatining muvaffaqiyati uchun muhim ahamiyatga ega. Ushbu munosabatlarni yaxshilash uchun aniq aloqa yo'nalishlarini o'rnatish va ikkala kengashning bir xil maqsadlar sari harakat qilishini ta'minlash muhimdir.

Bundan tashqari, kuzatuv kengashi boshqaruv kengashiga yo'l-yo'riq ko'rsatishi va qo'llab-quvvatlashi, shu bilan birga ularni o'z harakatlari uchun javobgarlikka tortishi kerak. Bu kompaniyada hamkorlik va ishonch madaniyatini yaratishga yordam beradi.

Samarali bo'lishi uchun kuzatuv kengashi turli xil va mustaqil bo'lishi kerak. Bu kengash a’zolarining turli kelib chiqishi va turli nuqtai nazar va tajribaga ega bo‘lishini ta’minlashni[1] anglatadi.

Bundan tashqari, boshqaruv kengashi a’zolarining mustaqil bo‘lishini va har qanday manfaatlar to‘qnashuvidan xoli bo‘lishini ta’minlash muhim ahamiyatga ega. Bu boshqaruv kengashining kompaniya va uning aksiyadorlari manfaatlarini ko'zlab qarorlar qabul qilishini ta'minlashga yordam beradi.

Aksiyadorlik jamiyatidagi kuzatuv kengashi boshqaruv kengashi va jamiyatning umumiy strategiyasini nazorat qilish uchun javobgardir. Biroq, aksiyadorlik jamiyatida kuzatuv kengashining mavjudligining bir qancha kamchiliklari mavjud. Birinchidan, qo'shimcha nazorat qatlamining mavjudligi qaror qabul qilishda kechikishlarga olib kelishi mumkin, bu esa kompaniyaning muvaffaqiyatiga putur etkazishi mumkin. Kuzatuv kengashi takliflarni ko'rib chiqish uchun uzoq vaqt talab qilishi mumkin, bu esa kompaniya uchun imkoniyatlarni yo’qotishga olib keladi[2].

Ikkinchidan, kuzatuv kengashining barcha a’zolari ham boshqaruv kengashi faoliyatini samarali nazorat qilish uchun zarur tajriba yoki bilimga ega bo‘la olmaydi. Kuzatuv kengashi a'zolari odatda turli sohalardan ta’yinlanadi va ular kompaniya sohasi bo'yicha chuqur bilimga ega bo'lmasligi mumkin, bu esa uning asosli qarorlar qabul qilish qobiliyatiga to'sqinlik qilishi mumkin. Bundan tashqari, boshqaruv kengashi a'zolari turli aksiyadorlar guruhlarini ifodalovchi manfaatlar to'qnashuvi bo'lishi mumkin, bu esa muhim masalalar bo'yicha konsensusga erishishni qiyinlashtirishi mumkin.

Uchinchidan, agar uning a'zolarining faol ishtiroki bo'lmasa, kuzatuv kengashi ham o'z-o'zidan xotirjam yoki samarasiz bo'lib qolishi mumkin. Kengash a'zolari yig'ilishlarda qatnashishi mumkin, lekin ular muhokamalarda faol ishtirok etmasliklari xam mumkin, bu esa kengashning nazorat rolida samarasiz bo'lishiga olib keladi. Bundan tashqari, agar boshqaruv a'zolari mustaqil bo'lmasa yoki boshqaruv kengashi bilan yaqin munosabatlarga ega bo'lsa, bu manfaatlar to'qnashuvini keltirib chiqarishi va ularning nazorat qilish imkoniyatlarini cheklashi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, aksiyadorlik jamiyatining boshqaruv kengashi va umumiy strategiyasini nazorat qilishda kuzatuv kengashi hal qiluvchi rolga ega bo'lsa-da, e'tiborga olinishi kerak bo'lgan jiddiy kamchiliklar mavjud. Bularga qaror qabul qilishdagi kechikishlar, bilim va tajribaning etishmasligi, manfaatlar to'qnashuvi va samarasizlik kiradi. Aksiyadorlik jamiyatlari kuzatuv kengashini tuzish to‘g‘risida qaror qabul qilishdan oldin uning afzalliklari va kamchiliklarini diqqat bilan ko‘rib chiqishlari kerak.

Shu bois aksiyadorlik jamiyatlarida kuzatuv kengashining rolini oshirish samarali boshqaruvni ta’minlash, aksiyadorlar va boshqa manfaatdor shaxslar manfaatlarini himoya qilishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Kuzatuv kengashining rolini oydinlashtirish, shaffoflik va javobgarlikni oshirish, kuzatuv kengashi va boshqaruv kengashi o‘rtasidagi munosabatlarni

[1] https://www.norma.uz/oz/bizning_sharhlar/aj_kuzatuv_kengashining_mustaqil_azosi_kim_bulishi_mumkin
[2] https://lex.uz/uz/docs/-841616?ONDATE=15.02.2016&action=compare

mustahkamlash, xilma-xillik va mustaqillikni ta’minlash orqali biz butun kompaniyaga foyda keltiradigan ishonch va hamkorlik madaniyatini yaratishimiz mumkin.

Kuzatuv kengashini bozor iqtisodiyotni talablaridan kelib chiqqan holda takomillashtirib borish, ishlab chiqarish jarayoniga investitsiyalar jalb qilish jaxon andozalariga talabiga mos keladigan maxsulotlar ishlab chiqarish uchun zarur bo’lgan texnologiyalarni qo’llash asosida sifatli maxsulotlar ishlab chiqarishni ta’minlaydi. Bu o’z navbatida korporativ boshqaruv sub’ektlari faoliyatini moliyalashtirish darajasini yuksaltirishni ta’minlaydi. Kuzatuv kengashining moxiyati uning samaradorligi avvalo Respublikada qabul qilingan qonunlarga rioya qilishga va korporatsiyalar raxbarlari uning zarurligini yuqori samara berishini anglab yetishlariga bog’liq.

Қодиров Т.У. *– БТОМ, бўлим бошлиғи, и.ф.н,доц.*
Мелиев В.П. *– БТОМ, таянч докторант*

БИЗНЕС МОДЕЛИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Жаҳон амалиётида корхоналар фаолиятини рақамли бошқарувини ташкил этишнинг моделларини ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш асносида мамлакатимиз корхоналарининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рақамли технологияларга асосланган бизнес моделини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Бизнес модели - бу ташкилот фаолиятини режалаштириш, назорат қилиш ва мослаштириш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш, маркетинг ва сотишда ходимлар, истеъмолчилар ва ҳамкорлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи бизнес жараёнлари тузилишидир [1].

Бугунги кунда ривожланган давлатларда бизнес моделини рақамлаштириш орқали инновацион бизнес моделини шакллантириш қуйидаги расм шаклида ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Саноат корхоналарида инновацион бошқарувини ташкил этиш модели

Саноат корхоналари бизнес моделини рақамлаштириш корхона фаолиятида унинг технологик ва ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жамият ва бозор талабига мос бўлган рақамли технологияларни амалиётга жорий этиш имкониятига эга бўлиш ҳисобланади.[2]

Бугунги кун амалиётида жорий этилган рақамлаштирилган бизнес моделлари анъанавий моделларга нисбатан ахборот ва маълумотларни тезкор қайта ишланиши, инсон омили таъсирининг чекланганлиги, “истеъмолчига (бозор)” йўналтирилганлиги ҳамда очиқлиги билан ажралиб туради.[3]

Бизнес модели концепцияси режалаштириш, алоқа қилиш ва такомиллаштириш мақсадида бизнес фаолияти элементлари ўртасидаги ўзаро боғланишларни ифодалайди, чунки улар фирма стратегиясини бизнес жараёнлар билан боғлайди. Бизнес модели орқали ташкилот ўз бизнесининг "нима қилади?", "нима таклиф қилади?", "таклиф қандай тақдим этилади?" ва "яратилган қўшилган қиймат қанча?" деган саволларга жавоб бериш орқали бизнесининг табиатини очиб беради[4]. Истеъмолчилар учун тақдим этилган қиймат компанияга рақобатчилардан ажралиб туришга, истеъмолчилар билан муносабатларини яхшилашга ва рақобат устунликларини яратишга имкон беради[2].



2-расм. Бизнес модел фаолияти намунавий схемаси

Ҳар қандай корхонанинг бизнес моделини унинг элементларини қуйидаги миқдоран баҳоланадиган кўрсаткичлар асосида тавсифлаш мумкин:

- **фойда** – тақдим этилган, маҳсулотлар, хизматлар ва қийматларни ўз ичига олади;

- **истеъмолчилар** – истеъмолчилар сегментлари, каналлари ва улар билан муносабатларни ўз ичига олади;

- **қўшилган қиймат** – жалб қилинган ресурслар, жараёнлар ва кўникмаларни ўз ичига олади;

- **молиявий жиҳат** – фирмаларнинг даромадлари ва харажатларини тасифлайди;

- **ҳамкорлик** ҳамкорлар, улар билан алоқа каналлари ва шериклик муносабатларини ўз ичига олади.

Мазкур кўрсаткичлар асосида бизнес модел фаолиятининг намунавий андозасида корхона фаолиятига юқоридан пастга қараб 3 поғонага ажратган ҳолда қаралади: энг юқори поғона "режалаштириш даражаси" деб аталади, бу ерда компаниянинг стратегияси амалга оширилади, ўрта поғона компаниянинг бизнес моделини назарда тутувчи "архитектура даражаси" деб белгиланади ва энг қуйи поғона бизнес жараёнларини "амалга ошириш даражаси" ҳисобланади. Рақамлаштириш орқали ушбу поғоналарнинг барчасини юзага келган ўзгаришлар таъсирига сезгирлигини ошириш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида компаниянинг мавжуд ва потенциал истеъмолчилари учун янги қийматни таклиф қилиш орқали корхонада қиймат яратиш ва бозорни эгаллашнинг янги бизнес моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Вақт ўтиши билан ўзгарувчан бозор шароитлари ва янги рақобатчиларнинг пайдо бўлиши ҳисобига муваффақиятли фаолият юритаётган корхоналарнинг мавжуд бизнес моделлари эскириб, самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Бу эса уларни янги бизнес моделларига трансформациялашувига олиб келади. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши, симсиз алоқа, мобил инқилоби ва бошқа рақамли технологияларнинг пайдо бўлиши бизнес моделларининг рақамли трансформациясига олиб келди. "Ҳамма нарса мижоз учун" моделлари ва экотизимлари ҳамда бизнес тармоқларига эга янги платформалар яратилмоқда.

Бизнес моделининг рақамли трансформацияси турли хил модификация объектларига тааллуқли бўлиб, бутун бизнес модели сифатида, унинг алоҳида элементлари бизнес жараёнлари, қиймат занжирлари, қўшилган қиймат тармоқлари ва унинг иштирокчиларини қамраб олади. Шундан келиб чиқиб корхоналар рақамли трансформацияни қай даражада амалга ошириш ниятида эканлигини ҳал қилади: ўзгаришнинг енгил-қисман даражаси ёки фундаментал-туб ўзгаришлар. Корхоналар бизнес моделининг ўзгариши биринчи навбатда мижозлар, корхона бизнеси, рақобатчилар, саноат ва шерикларга мос сифатда янги бўлиши лозим. Шунингдек, корхона бизнес жараёни ўзгариш билан қандай тартибларни келтириб чиқариши кераклигини, яъни трансформация қандай содир бўлишини белгилаши керак. Рақамли трансформация доирасида янги хизматлар ёки иловаларни ишга тушириш учун технология ёки активаторлар қўлланилади. Бу активаторлар маълумотларни тўплаш, алмашиш ва таҳлил қилиш имконини берадиган кўникмаларни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Rothwell R. Towards the Fifth-generation Innovation Process // International Marketing Review – 1994. – Vol. 11. – № 1. – P. 7-31;
2. Kline S.J., Rosenberg N. An overview of innovation // The positive sum strategy: Harnessing technology for economic growth / edited by R. Landau and N. Rosenberg. https://www.nap.edu/read/612/chapter/18
3. Акбердина В.В. Трансформация промышленного комплекса России в условиях цифровизации экономики / Journal of new economy. – 2018. – Т. 19. – №. 3. – С. 82-99.

4. Enkel E., Gassmann O., Chesbrough H. Open R& D and open innovation: exploring the phenomenon// R&D Management. – 2009. – Vol. 39. - № 4. – P. 311-316

Комилов А.А. *– БТОМ, докторант*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунга келиб, рақамли технологиялар иқтисодиёт тармоқларининг ажралмас бир қисмига айланиб улгурди. Рақамли технологиялардан кенг миқёсида фойдаланиш ўз навбатида “Рақамли иқтисодиёт” атамасининг қўлланишига ва бу атаманинг борган сари оммалашувига сабаб бўлмоқда.

Рақамли иқтисодиёт бу миллиардлаб одамлар, бизнеслар, қурилмалар, ахбаротлар ва жараёнларнинг ўзаро алоқаларини ташкил этувчи иқтисодий фаолиятдир. Рақамли иқтисодиётнинг асоси гипербоғланишдир, бу интернет, мобил технологиялар ва буюмлар интернети натижасида одамлар, ташкилотлар ва машиналарнинг ўзаро боғлиқлигини англатади [1].

Осиё тараққиёт банки томонидан рақамли иқтисодиёт қуйидагича тавсифланади: рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари сифатида рақамли ахборот ва билимлардан фойдаланадиган иқтисодий фаолиятнинг кенг доирасини назарда тутади. Интернет, булутли ҳисоблаш, Биг Дата, финтек ва бошқа янги рақамли технологиялардан ахборотни рақамли равишда йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва алмашиш ҳамда ижтимоий ўзаро муносабатларни ўзгартириш учун фойдаланилади [2].

1-жадвал

Рақамли рақобатбардошлик индекси

Рейтинг	Мамлакат номи	Балл
1	Дания	100
2	АҚШ	99.81
3	Швеция	99.81
4	Сингапур	99.48
5	Швецария	98.23
6	Финландия	97.85
7	Нидерландия	96.60
8	Жанубий Корея	95.20
9	Гонг-Конг	94.36
10	Канада	94.15

Манба: Халқаро бошқарув ва ривожланиш институти маълумотлари

Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ривожланиш палласига кириб улгурган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бунинг яққол мисоли бўла олади. Фармонга кўра Рақамли Ўзбекистон стратегияси рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, унинг узоқ ва

ўрта муддатли вазифаларни белгилабгина қолмай, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ равишда рақамли инновация ва технологияларни янада кенг жорий этишга асос бўлади. Бу ўз ичига рақамли инфратузилмани ривожлантириш, электрон ҳукуматни ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиш, рақамли технологиялар ва хизматлар миллий бозорини ривожлантириш, ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишларини қамраб олади [3].

Иқтисодиёт рақамлашгани сари, транспорт соҳасининг аҳамияти янада ортиб боради. Ҳар қандай бизнес субъектлари омборхона ёки сотув бўлимлари мавжуд бўлган ҳудудда фаолият юритибгина қолмай, ўз маҳсулот ва хизматларини бутун дунёга таклиф этишлари мумкин. Албатта, рақамли технологиялар ёрдамида ташкил этилган мақсадли маркетинг ва виртуал дўкон воситасида амалга оширилади. Бу ўз навбатида харидорларга уйларидан чиқмасдан туриб ёки чет элга бормасдан туриб маҳсулотларнинг хилма-хил танловига эга бўлиш имконини яратади.

Транспорт ва логистиканинг аҳамиятига оид тадқиқотларда иқтисодиётни ривожлантириш учун транспортнинг аҳамияти унинг инсон фаолиятининг турли шакллари билан кўп томонлама боғланишидан келиб чиқиши эътироф этилади. Инвестициялар ва маҳсулдорликнинг ўсиши узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий шартидир. Транспорт инфратузилмасига инвестициялар иқтисодий ўсиш учун рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.Транспорт инвестицияси мамлакатда капитал ресурсларини кўпайтириш орқали бевосита иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Бундан ташқари, транспорт иқтисодий ўсишга билвосита ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Буни кўпинча транспортнинг тармоқдан ташқари самараси ҳам деб юритилади.

Транспорт компаниялари маҳсулоти сифатида такомиллаштирилган транспорт хизматлари қулайлик, бозорни ривожлантириш ва бизнес тузилмасидаги ўзгаришларнинг афзалликлари туфайли самарадорликни оширишга ёрдам беради ва улар маҳсулдорлигининг ўсиши бутун иқтисодиёт учун фойда келтиради [4]. Транспорт самарадорлигини ошириш иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ишлаб чиқариш омилларидан самаралироқ фойдаланиши ёки бир хил даражадаги ишлаб чиқариш учун камроқ ресурслар жалб этилишини англатади. Транспортнинг ишлаб чиқариш ва айирбошлаш соҳасидаги жараёнларга таъсири ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати энг юқори бўлган ривожланаётган мамлакатларда кўпроқ намоён бўлади [5].

Транспорт тизимига, хусусан, инфратузилмага инвестициялар тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатади. Биринчи тоифани аниқлаш ва унга миқдоран баҳо бериш нисбатан осон, чунки у пул оқимлари билан боғлиқ. Иқтисодий фаолликни рағбатлантирадиган, самарадорликни оширадиган, рақобатбардошликни оширадиган иккинчи гуруҳ таъсирини баҳолаш уларни интеграл ўлчов – пул кўринишига келтириш мураккаб масала ҳисобланади. Транспорт инфратузилмаси инвестицияларининг билвосита таъсири транспорт секторидан ташқарида содир бўлади. Улар ресурсларни қайта тақсимлаш,

ресурслардан самаралироқ фойдаланиш, шунингдек, атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин. Бундай таъсир, тўғридан-тўғри имтиёзларга қўшимча равишда, маълум даражада анъанавий транспортни баҳолашнинг бир қисми сифатида кенгроқ иқтисодий таъсир деб аталади [4].



1-расм. Транспорт тизимининг иқтисодиётга бевосита

Манба: Муаллифнинг ўзининг чизмалари

Макродаражадаги иқтисодий таъсирга қуйидагилар киради:

а) Минтақавий таъсирлар. Улар асосан ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлигига боғлиқ бўлган минтақалараро юк ва йўловчи оқимларини ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариши билан тавсифланади;

б) Меҳнат бозорига таъсири. Ушбу таъсирлар транспорт харажатлари камайтирилганда ушбу бозорлар жонлаши билан боғлиқ [4].

Узоқ муддатли истиқболда транспорт соҳасига инвестициялар ўзаро боғлиқ бўлган турли хил иқтисодий жараёнларни рағбатлантириш орқали иқтисодиёт ривожланишга ҳисса қўшади, бу эса маҳаллий ва минтақавий даражада синергетик самарадорликни келтирибь чиқаради.

Транспорт хизматлари транспорт инфратузилмаси билан биргаликда таклиф этилади ва “истеъмол қилинади”. Транспорт секторининг яна бир ажралиб турадиган хусусияти шундаки, унинг вазифаси, биринчи навбатда, бошқа кўплаб иқтисодий фаолиятлар учун рағбатлантирувчи фактор бўлиб хизмат қилади. Мисол учун, корхоналар маҳсулотларни тарқатиш марказлари ва чакана савдо нуқталарига ташийди; ташкилотлар ўз ходимларини мижозлар, этказиб берувчилар, тартибга солувчилар ва ҳамкасблар билан учрашиш учун юборади; одамлар ишлаш ва дам олиш учун саёҳат қилишади. [7]

Транспортни хизматларини самарали ташкил этиш, корхоналарнинг харажатларни тежашга эришиш учун ишлаб чиқариш ва тарқатиш каналларини қайта ташкил этишга қатор имкониятларни тақдим этиши мумкин. Транспорт харажатларининг қисқариши, самарадорликни ошириш, янада рақобатбардош нархларни таклиф қилиш ва узоқроқ бозорларда сотиш учун рақобатлашиш учун энг мос етказиб берувчиларни танлаш қобилияти каби бошқа имкониятларни ҳам тақдим этиши мумкин.

Рақамли технологиялар транспорт тизими фаолиятига ҳам жорий этилганда бир қатор афзалликларни беради. Улар жумласига ташиш жараёни хусусиятларининг фаол ўзгариши ва етказиб беришлар занжирининг турли бўғинларида ахборот интеграциясини таъминлаш натижасида унинг мослашувчанлиги ҳамда транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошишини киритиш мумкин. Ўз навбатида транспорт корхоналари фаолиятини рақамли трансформациялаш инновацияларни жорий этиш ва ташиш технологияларини рақамли иқтисодиёт шароитларига мослаштириш орқали хизмат кўрсатиш жараёнларини сифат жиҳатидан яхшиланишни таъминлайди

Транспорт корхонаси фаолиятини рақамлаштиршда моддий-техника салоҳияти даражаси ва уни модернизациялаш зарурати, шунингдек, корхонанинг кадрлар салоҳияти ва ходимларнинг малакавий кўникмаларини оширишни рағбатлантириш тизими имкониятларини ҳисобга олиш лозим.

Масалан, ахборот технологияларидан фойдаланиш: иш жараёнларини ўзгартиради ва ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш орқали операцион самарадорликни оширади; эксплуатацион харажатларини камайтириш ва ёқилғи тежамкорлигига эришиш; транспорт воситаларининг туриб қолиши сони ва давомийлигини камайтириш, уларнинг юкланиш даражасини ошириш; транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажми ва сифатининг ошишини таъминлайди.

Транспорт тизимида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш унинг субъектлари фаолияти ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги даражасига олиб чиқиш билан бирга, бошқарувнинг барча поғоналарида эркин ўзаро таъсир ва тайёргарликка асосланган бошқарув қарорларини қўллашга имкон беради. Чунончи, ягона электрон платформада юк ва йўловчи ташиш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, йўловчилар учун мобил иловалар, ақилли (смарт) бекатлар ва бошқалар аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун керакли ҳажмда, оқилона баҳоларда кафолатланган ва сифатли транспорт хизмати кўрсатишга эришишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги пф-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони;
2. Deliotte Digital., Telstra corporation limited., Taking leadership in a digital economy // Australia 2012. -№ 9. -p13;
3. Asian Development Bank., Capturing the Digital Economy: A Proposed Measurement Framework and Its Applications// № IV 2021. – p17.
4. Koźlak, Aleksandra. (2017). THE ROLE OF THE TRANSPORT SYSTEM IN STIMULATING ECONOMIC AND SOCIAL DEVELOPMENT. Zeszyty Naukowe Uniwersytetu Gdańskiego. Ekonomika Transportu i Logistyka. 72. 19-33. 10.5604/01.3001.0010.6873.

5. Ministry of Transport of New Zealand., Contribution of transport to economic development Economic development and transport project // New Zealand. – 2016.
6. Lakshman, T. R., The wider Economic Benefits of Transportation: an Overview // International Trasport Forum// - Boston University, USA. – 2008. pp. 3-14.
7. Chen, X.; Mao, S.; Lv, S.; Fang, Z. A Study on the Non-Linear Impact of Digital Technology Innovation on Carbon Emissions in the Transportation Industry. Int. J. Environ. Res. Public Health 2022, 19, 12432.

Шарипов Ш.Ш. *– БТОМ, мустақил изланувчи*

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАЛАРИГА ЭГА БЎЛИШИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш, Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш” асосий вазифа сифатида белгиланган[1].

Юртимизда мазкур йўналишда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари бевосита маҳаллада ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

2023 йил 25 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда бандликни таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йилги режалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда “Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили бу – аҳолини даромадли иш билан таъминлаш. Шунинг учун маъмурий ислоҳотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул 5 та идора яхлит тизимга айлантирилди. Янги вазирликка барча ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Энди, меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни маҳаллабай ривожлантириш ҳам битта вазирликда бўлади”, – деди Шавкат Мирзиёев[2].

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармони.

[2] Интернет манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий саҳифаси https://president.uz/uz/lists/view/5839

Бу борада, республика бўйича 9 445 та маҳалла кесимида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизими, бевосита маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари орқали аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

“Аҳоли бандлиги” тушунчаси Академик Қ.Х.Абдураҳмонов “Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва даромад келтирадиган фаолиятидир” деган таърифни беради[1].

Шунингдек, В.А. Пивленков таърифи бўйича, аҳоли бандлиги – бу қонунда белгиланган ёшга етган ва ҳозирги пайтда моддий ёки пул шаклида даромадлар олиб келадиган фаолият билан шуғулланувчи фуқаролардир[2].

Аҳоли бандлигини таъминлаш аҳоли доимий даромад манбаларига эга бўлишига кўмаклашишнинг муҳим омилидир. Шу мақсадда рақамли асрда яшар эканмиз, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва аҳолининг доимий даромад манбаларига эга бўлишига кўмаклашиш чора-тадбирларини белгилаб олишни тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Кенг кўламли ва самарали ислоҳотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди”[3].

Биргина мисол, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер харидлари учун истеъмол кредити ажратилиши орқали ёшларнинг ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларни амалга оширилмоқда.

Шунингдек, давлат хизматларининг рақамли платформалар асосида амалга оширилишида солиқ имтиёзлари белгиланиши ва рағбатлантирилиши, рақамли банклар фаолиятининг оммалашиши, замонавий платформалар асосида “рақамли бозор”, “виртуал бозор”лар яратилиши, аҳолининг айниқса, ёшларнинг замонавий касбларни эгаллашга эҳтиёжни оширмоқда.

Шу ўринда, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари “онлайн маҳалла” веб-платформаси орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш, шунингдек доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз

[1] Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Меҳнат. - 2009. -512 б.

[2] Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. М.: МГУ, 2004.- 584 с.

[3] Халқ сўзи газетаси: https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlis-va-ozbekiston-khalqiga-murozhaatnomasi

аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш ва ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бу борада, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар” веб-платформалари орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларига эга бўлишига кўмаклашиш механизмлари жорий этилган.

Ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни жорий этишга аллақачон киришилган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологияларнинг ривожланиши шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига рақамли иқтисодиётни ривожлантирмасдан эришиб бўлмайди.

2019 йил 24 июлда Тошкентда Ўзбекистон Республикасидаги биринчи IT-парк очилди. Ушбу қисқа вақт ичида IT-Парк 28 янги стартаплар кўринишидаги биринчи меваларини берди, ахборот технологиялари соҳасида ўнлаб лойиҳаларни яратди, шунингдек, ёшларни рағбатлантириш, ушбу соҳага қизиқиши ва аҳолида компютер саводхонлигини ривожлантириш учун тренинглар, “workshop” ва “mitap”лар яратди.

IT-парк – бу IT-компаниялар учун истиқболли бошланғич лойиҳаларни, ташқи иқтисодий зонани, шу жумладан илмий ва таълим ташкилотлари билан интеграциялашган ҳолда ишга тушириш ва бозорга чиқаришни таъминлаш учун мўлжалланган обектлар, бино ва иншоотлар мажмуаси, шунингдек IT соҳасида фаол ва иқтидорли инсонлар бухгалтерия ҳисоби, юридик, маркетинг ва таълим орқали ўз ғояларини ҳақиқий бизнес лойиҳаларига айлантириш учун ҳақиқий имкониятга ега бўладиган жой сифатида шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарорида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришвазифаси қўйилди[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон Фармони қабул қилиниб, давлат бошқарувининг барча соҳаларини босқичма-босқич рақамлаштирилади.

Кўпгина хорижий иқтисодчи олимлар рақамли иқтисодиётни яъни, бу давлат, ишбилармон доиралар ва фуқаролар ўртасидаги глобал ахборот маконида фаолият кўрсатадиган, ишлаб чиқариш ва чиқаришнинг рақамли турлари ва шаклларини яратадиган, тармоқ рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали рағбатлантируччи ижтимоий, маданий, иқтисодий ва технологик муносабатлар тизимидир деб таърифлайдилар.

А.В.Кешелеванинг фикрича рақамли иқтисодиётнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларбилан белгиланади: иқтисодий фаолият “рақамли” иқтисодиёт платмаформаларига қаратилган; шахсийлаштирилган хизмат кўрсатиш моделлари; ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарори.

ўзаро муносабатлар; баҳам кўриш иқтисодиётининг тарқалиши; алоҳида иштирокчилар ҳиссасининг роли.

Г.Г.Головенчикнинг таъкидлашича “рақамли иқтисодиёт” қуйида учта, жумладан:

биринчидан, ифратузилма, жумладан, аппарат, дастурий таъминот, телекоммуникация;

иккинчидан, виртуал бозор субъекилари ўртасидагиалоқалар доирасида компютер тармоқлари орқали амалга ошириладиган бизнес жараённи қамраб олувчи электрон хўжалик операциялари;

учинчидан, компютер тармоқлари ёрдамида амалга ошириладиган барча молиявий ва савдо операцияларини, шунингдек, бундай опрациялар билан боғлиқ бизнес жараёнларни ўз ичига олган электрон тижоратдан ташкил топади[1].

Бир сўз билан айтганда, рақамли иқтисодиёт (веб, интернет иқтисодиёти, электрон иқтисодиёт) – бу электрон бизнес ва электрон тижорат билан боғлиқ рақамли технологияларга ва улар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотиладиган рақамли товарлар ва хизматларга асосланган иқтисодий фаолиятдир[2].

Мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги “Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-108-сон қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида “Яшил иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш” лойиҳа офиси ва Бизнес инкубатор ва стартап лойиҳалар билан ишлаш маркази ташкил этилди. Бу борада, Олий мактабига “Яшил” технологияларни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш, илмий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада кадрлар малакасини оширишда етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди[3].

Шунинг учун рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига оилалар фаровонлигини ошириш ва иш билан бандлик масаласини таъминлаш даркор.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва аҳолининг доимий даромад манбаларига эга бўлишига кўмаклашиш учун қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ эътилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида турли соҳаларда дастурий веб-маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик”ни ривожлантириш;

---

[1] Головенчик, Г. Г.Цифровая экономика [Электронный ресурс]: учеб.-метод. комплекс / Минск : БГУ, 2020.

[2] Холмуродов О.Н. Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли бандлиги, фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти., “International conference on innovative development of education” 2023/21, 256.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги “Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-108-сон қарори

- аҳоли, айниқса ёшларнинг замонавий касбларга ўқиши рағбатлантириш, хорижий тилларни ўрганишиги билишни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолини рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмасини ошириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг мавжудлиги ва сифати, уларга ўз фаолиятларини бошлаб олиши учун зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлашда рақамли имтиёзли банк кредитларини йўлга қўйиш;

- зарурат туғилганда оилаларга ишчи кучи зич бўлган ҳудудлардан вакант жойлар бўлган худудларга кўчиб ўтишида субсидия ва кредитлар бериш йўли билан кўмаклашиш;

- бандлик муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик, халқаро меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш

- давлат томонидан иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни рағбатлантириш, бу эса янги иш жойларини яратишнинг асосий шарти сифатида белгилаш лозим.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари бўйича хорижий амалиётлар тажрибасини илмий тадқиқ ва таҳлил этиш мазкур давлатлар тажрибасининг илғор, республикамиз учун қулай бўлган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг самарали, истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётда қўллаш имконини беради.

Норкулов С.Т. *– БТОМ, мустақил изланувчи*

ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ХАҚИДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ФИКРЛАР

Таълим соҳасини рақамлаштириш иқтисодий адабиётда илмий мунозара объектига айланган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Таълим соҳасида рақамлаштириш дунё илм аҳлининг эътиборини XX асрнинг 90-йилларида тортди. Хорижлик муаллифларнинг тадқиқотларида дастлаб таълим соҳасидаги рақамлаштиришнинг асосий таснифий белгиларини аниқлаш, рақамли маданият тушунчасига аниқлик киритиш, таълим соҳасида қўлланиладиган рақамли технологияларнинг афзалликлари ва камчиликларини асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилди[1].

Мазкур илмий тадқиқотларнинг илмий-назарий аҳамияти шундаки, биринчидан, рақамли маданият тушунчаси иқтисодий адабиётда илмий жиҳатдан асослаб берилмаган эди; иккинчидан, таълим соҳасида қўлланиладиган рақамли технологияларнинг афзалликлари ва камчиликлари илмий асосда ўрганилмаган эди.

[1] Barglow R. The Crisis of the Self in the Age of Information: Computers, Dolphins and Dreams. London – N.Y.: Routledge, 1994. - 227 p.; Horst H.A. New Media Technologies in Everyday Life. Horst H.A., Miller D. (eds.) Digital Anthropology. London, Berg, 2012. -pp. 61-79.; Miller D., Horst H.A. The Digital and the Human: A Prospectus for Digital Anthropology. Horst H.A., Miller D. (eds.) Digital Anthropology. London, Berg, 2012.- pp. 3-38.; Smith A. Is There A Global Culture? Intermedia, 1992, vol. 20, no. 4-5, pp. 11-12.

Т.Никулинанинг хулосасига кўра, таълим соҳасидаги замонавий ахборот технологияларига қуйидагилар киради:

*катта маълумотлар;

*нейротехнологиялар ва сунъий интеллект;

*тақсимланган реестр тизимлари;

*квант технологиялари;

*саноат интернети;

*робототехника компонентлари ва сенсорика;

*симсиз алоқа технологиялари;

*виртуал реаллик технологиялари[1].

Т.Никулинанинг хулосаси республикамиз таълим тизими учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда таълим соҳасини замонавий ахборот технологиялари асосида ривожлантириш жараёни ниҳоясига етгани йўқ, иккинчидан, виртуал реаллик технологиялари таълим тизимига жорий этилмаган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, виртуал реаллик технологиялари деганда инсонга махсус қурилмалар воситасида виртуал дунёга шўнғиш имконини берадиган технологиялар мажмуи тушунилади.

А.Шариковнинг фикрига кўра, рақамли трансформациянинг технологик асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- сунъий интеллектнинг бўлғуси асоси – “катта маълумотлар”нинг мавжудлиги;

- кўп сонли фойдаланувчиларни жалб этишнинг зарурлиги;

- маконнинг иситалган нуқтасидан ахборотларни олишнинг мумкинлиги;

- маълумотларни “булут”да сақланиши[2].

Сунъий интеллект технологияси компьютерларни инсон каби фикрлашга ўргатиш технологиясидир. Ушбу технология маълумотларни турли манбалардан олади (информатика, математика, лингвистика, психология, биология, машинасозлик) ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида қарорлар қабул қилади.

Булутли ҳисоблаш (cloud computing) технологияси маълумотларни тақсимлаган тарзда қайта ишлаш технологияси бўлиб, бунда компьютер ресурслари ва қуввати фойдаланувчига интернет-сервис сифатида берилади. Бунда, фойдаланувчи сервисдан ажратилган ҳолда (удаленно) фойдаланади.

Булутли хизматларнинг асосий турлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

*почта: gmail, hotmail;

*ҳужжатлар билан ажратилган ҳолда ишлаш: Google- ҳужжатлар, Office Web Apps;

*маълумотларни сақлаш: Google Drive, OneDrive, Dropbox;

*тасвирларни таҳрир қилиш: Figma;

*иловаларнинг онлайн магазини: Google Play, App Store и Microsoft Store.

[1] Никулина Т. В. Информатизация и цифровизация образования: понятия, технологии, управление / Т. В. Никулина, Е. Б. Стариченко // Педагогическое образование в России. – 2018. – № 8. – С. 107-112.

[2] Шариков А.В. О четырехкомпонентной модели цифровой грамотности / А.В. Шариков // Журнал исследований социальной политики. – 2016. – Т. 14. – № 1. – С. 87–98.

А.Кондаковнинг хулосасига кўра, таълимни рақамлаширишнинг ахборот-таълим муҳити қуйидагиларни ўз ичига олади:

- техник ресурслар: компьютерлар, планшетлар, мобил қурилмалар, тармоқлар, видеотизимлар, интерактив экранлар;

- таълим ресурслари: дастурий таъминот, электрон-таълим ресурслари, ахборот-таҳлил порталлари, масофавий таълим тизимлари, электрон кутубхоналар, булут ресурслари, вебинарлар, телеконференциялар;

- жараёнларни бошқариш: масофавий таълим, электрон почта, ижтимоий тармоқлар, булутдаги шахсий кабинет, таълим шакллари[1].

Ю.Асташеванинг фикрига кўра, муваффақиятли рақамлаштириш учун ўқув материалларини электрон шаклга ўтказиш етарли эмас. Янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш рақамли педагогикани янада ривожлантириш учун фақат бошланғич шароит ҳисобланади, унинг баҳолаш мезони бўлиб, унинг таълим олаётганларга фойдалилиги ҳисобланади. Ўқув курсларининг мазмуни ва тузилишидаги жараёнларнинг самарадорлигини сифат жиҳатдан ўсишини таъминлайдиган янгиликларни жорий этиш, университетлардаги ташкилий ва таркибий ўзгаришлар талабаларга ҳақиқий фойда келтиради[2].

Ҳақиқатдан ҳам, муваффақиятли рақамлаштириш ўқув курсларининг мазмуни ва тузилишида сифат ўзгаришларини пайдо бўлишига олиб келиши керак.

Е.Нестеренконинг фикрига кўра, Big Data (Улкан маълумотлар) технологиясия жуда катта ҳажмдаги маълумотларни юқори тезликда ва аниқликда қайта ишлаш имконини берадиган рақамли технология бўли, унинг қуйидаги 3 муҳим белгиси мавжуд:

* Volume (Ҳажм)
* Velocity (Тезлик)
* Variety (Хилма-хиллик)[3].

А.Чеботарёвнинг хулосасига кўра, сунъий интеллект технологияси компьютерларни инсон каби фикрлашга ўргатиш технологиясибўлиб, маълумотларни турли манбалардан олади (информатика, математика, лингвистика, психология, биология, машинасозлик) ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида қарорлар қабул қилади[4].

М. Ковалев, Г. Головенчикларнинг фикрича, рақамли банк бу – мобайл ва онлайн платформадан фойдаланган ҳолда молиявий хизматларни амалга ошириш, бу банкнинг мижоз билан ишлаш сифатини яхшилайди, вақт ва харажатларни тежайди, шахсий маълумотларни хавфсизлиги ҳамда хизматлар сифати ва тезлигини оширади[5].

---

[1] Кондаков А. Образование в эпоху четвертой промышленной революции [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://press.tstu.ru/index.php/aktualnoe-intervyu/2345.

[2] Асташева Ю.В. Теория поколений в маркетинге//Вестник ЮУрГу. Серия «Экономика и менеджмент». 2014. Т. 8. № 1. С. 108-113.

[3] Нестеренко, Е. А. Направления развития цифровой экономики и цифровых технологий в России//Экономическая безопасность и качество. – 2018. – №2 (31). – С.9 –14.

[4] Чеботарев, А. Цифровые технологии настоящего и будущего//Авиапанорама. – 2018. – №4 (130). – С.4 – 11.

[5] **Ковалев М., Головенчик Г. Цифровая трансформация банков//Банковский вестник. – Москва, 2018. - №11(664). – С. 50-60с**

А. Бабкинанинг фикрича, XXI аср рақамли технологияларнинг ривожланишига асосланган ахборот инқилоби ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни билан бошланди. Жамиятдаги ва хўжалик жараёнидаги ахборотлар асосий ресурс манбасига айланди. Бу ахборотлар инсон қўлида билимга айланади, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар глобал тармоқларга кўчади. Бозор субъектлари фаолиятида рақамли трансформациянинг асосий омили бу рақамли маданиятнинг ривожланишидир[1].

А. Бабкина ушбу хулосасида рақамли технологияларнинг ривожланиши жамиятдаги ва хўжалик жараёнидаги ахборотларни асосий ресурс манбаига айлантириш имконини берганлигини ва мазкур ахборотларни инсон қўлида билимга айланишини тўғри эътироф этган, аммо, рақамли технологияларнинг трансакцион секторни ривожлантиришдаги ролини тадқиқ қилмаган. Ҳолбуки, рақамли технологиялар трансакцион секторни ривожлнтиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Таълимнинг миллий инновацион тизимнинг муҳим элементи эканлиги, унинг инновацион иқтисодни ривожидаги институционал тузилмаларнинг ўзаро алоқалари туфайли пайдо бўладиган синергетик самарани таъминлашдаги роли илмий жиҳатдан асослаб берилган[2].

Ҳақиқатдан ҳам, миллий инновацион тизим тушунчаси биринчи марта 1987 йилда К.Фриманнинг Японияда инновацион жараёнларни ташкил қилишга бағишланган тадқиқотида қўлланилган.

Миллий инновацион тизимда энг асосий масала бўлиб, инновацион фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ўқитиш жараёни ҳисобланади.

Чунки, инновациялар янги билимлар ва технологияларни ишлаб чиқишнинг предмети ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, миллий инновацион тизимлар ва уларнинг инфратузилмаси турли мамлакатларда турличадир. Шу сабабли, идеал инновацион тизимни аниқлашнинг иложи йўқ. Масалан, Японияда инновацион ишланмаларнинг асосий қисми йирик саноат корпорацияларининг лабораторияларида яратилмоқда. АҚШда эса, ушбу ишланмаларнинг асосий қисми технопарклар ва венчур фондлари томонидан яратилмоқда[3].

Е.Устюжанинг ва М.Левицкийларнинг хулосасига кўра, Россия Федерациясида таълим тизимини рақамлаштириш соҳасидаги асосий тенденциялар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

– таълим ташкилотларининг йириклашиши, уларниилмий-таълим мажмуаларига айланиши;

– ўқув материалларини тақдим қилишнинг таълим хизматларига таъсир этувчи интернет-платформа кўринишидаги янги шакллари;

– масофавий таълимга ажратилган ўқув соатлари миқдорининг кўпайиши;

---

[1] *Бабкина А.В.* **Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации.** *Монография. СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. – С. 12.*

[2] Altbach P.G., Peterson P.M. Higher Edication in the New Century//GlobalChallenges and Innovative Ideas.– Rotterdam: Sense Publishers, 2007. - pp.61-65.

[3] Федоров М.В., Пешина Э.В. Современные концепции управления знаниями//Стратегическое управление университетом. – 2012. – № 3(79). – С. 6–12.

– таълимни аҳолининг барча ёш гуруҳларини жалб этадиган узлуксиз доимий жараёнга айланиши[1].

Ҳақиқатдан ҳам, таълим тизимида рақамлаштиришнинг ривожланиши интернет-платформалардан фойдалани кўламини кенгайтиради ва таълимни узлуксиз жараёнга айлантиради.

М.Яшинанинг хулосасига кўра, таълимни рақамлаштириш ахборот технологияларини тарқатиш ва ўқитиш жараёнида маълумотларни сақлаш ва олишнинг электрон версияларига ўтиш билан чекланиб қолмайди. У ўқитувчилар ва талабаларда янги таълим компетенцияларини ўзлаштириш бўйича вазифаларни шакллантиради; замонавий талабаларнинг ижтимоий-руҳий ҳолатининг ўзига хослигини ҳисобга олишга бўлган эҳтиёжни яратади; рақамлаштириш шароитида самарали ўқитиш имконини берадиган педагогик услубларни ривожлантириш ва қидиришга имкон беради, шунингдек, таълим тизимидаги янги ижтимоий амалиётларни англашни ўргатади[2].

И. Савицкаянинг фикрига кўра, таълим соҳасини рақамлаштириш барча учун таълим сифатини, ўқувчиларга нисбатан индивидуал ёндашувни ва табақалашган ёндашувни таъминлаш йўли билан ошириш, имконини беради”[3].

А. Заурнинг хулосасига кўра, коронавирус пандемияси даврида жаҳон иқтисодиётининг илм сиғими юқори бўлган тармоқлари тадқиқотлар ва ишланмалар сегментига рекорд даражада қўшимча инвестициялар жалб қилишди; хусусий компанияларнинг рақамли иқтисодиётдаги аҳамияти ошди; пандемия даврида очиқ илм-фаннинг ижобий самараси исботланди[4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”[5]. Ўз набатида, рақамли иқтисодиёт рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётига таянади.

Замонавий банк технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, тижорат банкларининг мижозлар билан муносабатларни ривожлантириш ва индивидуаллаштириш тизими – CRM (customer relationship management) ҳисобланади. CRM технологиялари мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабларини аниқ баҳолаш имконини беради. Мижоз билан муносабатларни бошқариш тижорат банкларига қўшимча даромадлар олиш имконини яратади[6].

З.Отакузиеванинг хулосасига кўра, рақамли иқтисодиёт асосини электрон компонент ва ускуналар (hardware), дастурий таъминот (software), тармоқ ва

---

[1] Устюжанина Е.В. Цифровизация образовательной среды: возможности и угрозы//Вестник Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова, 2018. С. 3 - 12.; Левицкий М.Л. Качество образования в эпоху глобальных информационных трансформаций//Известия Волгоградского государственного педагогического университета, 2019. С. 4 - 9.

[2] Яшина М.Н. Цифровизация образования в высшем учебном заведении//Гуманитарные социально-экономические и общественные науки. Краснодар, 2021. – № 10. – С. 102-104.

[3] Савицкая И. Цифровизация образования: вызовы современности // Электронная газета “Вести образования”, 2020. – 18 мая. – URL: https://vogazeta.ru/articles/2020/5/18/vo_school_yandex/13028- tsifrovizatsiya_obrazovaniya_vyzovy_sovremennosti?ysclid=l5ktbaziug950050233 (дата обращения: 16.08.2022).

[4] Заур А.М. Ускорение цифровизации на фоне пандемии: мировой опыт и Россия//Контуры глобальных трансформаций: политика, экономика, право. – Москва, 2021. - №4. - С. 92–108.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 22 сентябрдаги “Тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида”ги нутқи. www.president.uz/uz/lists/view/3848

[6] Самсонова Е.А., Астахов В.Ю., Аджиева А.Ю. Информационные технологии как инструмент совершенствования банковского сектора//Аллея науки. – Томск, 2018. – №4. – С. 932–934.

маълумотлар узатиш хизматларини ташкил этадиган (communication), шунингдек, интеграция ва консалтинг хизматлари (services)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ тармоқлар ташкил этади[1].

Б.Усмоновнинг фикрига кўра, олий таълимнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

* кўпчилик йўналишларда заифлашган тармоқли илмий-тадқиқот институтлари тизимини янги сифат даражада алмаштиришга қобилиятли бўлган, асосан фанлараро йўналишлардаги инновацион, амалий тадқиқотчилик тармоғини ривожлантириш зарур;

* мамлакат тараққиётининг инновацион йўли, шунингдек, инновацион тадбиркорликни жиддий фаоллаштиришни, тегишли инновацион тузилмалар тузиш амалиётини кенгайтириш механизмларини амалга ошириш керак;

* корхоналар талабларига мос келувчи мутахассисларни тайёрлашнинг янгича сифатини шакллантириш лозим бўлиб, уларнинг тайёрланишини ОТМ профессор-ўқитувчиларини етакчи тадқиқотларга жалб қилишсиз, талабаларнинг бундай ишларда шахсий иштирокларини амалиётисиз амалга ошириб бўлмайди[2].

Ф.Анарбаева ва А.Қораевнинг хулосасига кўра, “таълимни рақамлаштириш биринчи навбатда, талабалар ва ўқитувчилар ўртасида онлайн кўринишдаги мулоқот интеграциясини ривожлантирса, иккинчи томондан, талабаларнинг ўз устида илғор ўқув технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил ишлаш кўникмаларини шаклантиради. Бу эса ҳозирги ривожланиш жараènида рақамлаштиришнинг янги тенденцияларини таълим жараёнига қўллашда муҳим аҳамият касб этади[3]”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига 1-илова//www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига1-илова//www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион

[1] Отакузиева З.М. Роль и место информационной экономики в вопросах внедрения современных ИКТ на предприятиях Узбекистана. Сборник докладов. Республиканской научно-технический конференции «Значение информационно-коммуникационных технологий в инновационном развитии реальных отраслей экономики». 6-7 апреля 2017 года.ТУИТ.- С.403-405.

[2] Усмонов Б.Ш. Олий таълимнинг инновацион фаолияти ва уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни//Итисодиёт ва инновацион технологиялар. – Тошкент, 2018. - №3. (электрон журнал).

[3] Анарбаева Ф.У., Қораев А.Ф. Таълим жараёнини рақамлаштириш//Таълим ва ривожланиш таҳлили. – Шеробод, 2022. №7. (электрон журнал).

ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. ҚҲММБ: 06/18/5544/1951-сон. 22.09.2019 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3662-сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ҚҲММБ:07/18/3682/1117-сон. 28.04. 2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низом//www.lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида. www.lex.uz.
8. European Commission. Digital Education at School in Europe. Eurydice Report [Электрон. ресурс]. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2019. 151 с. Режим доступа: https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/ eurydice/sites/ default/files/en_digital_education_n. pdf. (Дата обращения: 10.01.22).
9. About Academic Ranking of World Universities. – Electronic text data. – Mode of access: http://www.shanghairanking.com/aboutarwu.html (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
10. The World University Rankings 2020: methodology. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.timeshighereducation.com/ world-university-rankings/world-universityrankings-2020-methodology (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
11. What is the QS World University Rankings? – Electronic text data. – Mode of access: https://www.qs.com/rankings (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
12. The 2018 Digital University: Staying Relevant in the Digital Age. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.pwc.co.uk/assets/pdf/the-2018- digital-university-staying-relevant-in-the-digitalage.pdf (date of access: 23.11.2019). – Title from screen.
13. Цифровизация образования в России и мире. – URL: https://akvobr.ru/ cifrovizaciya _ obrazovaniya_v_rossii_i_mire.html (дата обращения: 20.04.2020). – Текст : электронный
14. Digital economy. [Электронный ресурс], онлайн: http://ec.europa.eu/growth/ sectors/digital-economy/importance/index_en.htm. (Дата обращения 1.09.2020).

Хабибуллаева Ш.Т. *– БТОМ, докторант (PhD)*

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР КОРПОРАТИВ БОШКАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ЎзбекистонРеспубликаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармони ҳамда “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активлари-ни хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғри-сида”ги 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли

Фармонлари ижросини таъминлаш [1], шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида мазкур соҳада тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг акциядор, иштирокчи ёки муассис функциясини амалга ошираётган давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижро этувчи органи ва кузатув кенгаши аъзолари корпоратив бошқарув тамойиллари асосида улар томонидан мустақил равишда сайланмоқда.

2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясида илғор хорижий тажрибани, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув бўйича тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарини бошқариш ва ислоҳ қилишнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти учун стратегик муҳим бўлган давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини, суверенитетини ва миллий иқтисодий манфаатларига риоя этилишини таъминлаш тизимини ўз ичига олган давлат активларини бошқаришга бозор тамойилларини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун:

– давлат иштирокидаги корхонага нисбатан уни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилиши керак;

– давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгаши корхонани бошқариш сиёсатини тасдиқлаши керак.

Давлат иштирокидаги корхона кузатув кенгаши корпоратив бошқарув тамойилларини, давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари ижро этувчи орган томонидан жорий этилишини назорат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 33 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилган. Бугунги кунда республикамизда 2692 та давлат иштирокидаги тижорат таш-килотлари, шундан 1133 та давлат унитар корхонаси, 1124 та масъулияти чекланган жамияти ва 241 та акциядорлик жамияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатади. Республикадаги мавжуд 599 та акциядорлик жамиятларидан 42 фоизида давлат улуши бўлиб, жами акцияларнинг 84 фоизи давлатга тегишли, аҳолининг атиги 2 фоизидан ортиғи акцияларга эгалик қилади.

2017 йилдан бошлаб иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат иштирокидаги кор-хоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, хусусий мулкнинг устувор ролини ошириш ва уни ишончли ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тасдиқланган. Хусусан, фуқаро авиацияси, энергетика тармоғида, кон-металлургия ва электротехника саноатида, йўл қурилиш соҳасида, қурилиш материаллари,

қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташки-лоти тамойиллари асосида ишлаб чиқилган Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари давлат иштирокидаги 114 та корхонага жорий этилди ва 27 та корхона раҳбарларини танлов асосида сайлаш амалиёти бошланди. Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор, иштирокчи ёки муассис функциялари Давлат активлари агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва турли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, квази-давлат кўринишидаги давлат унитар корхоналарининг тармоқ вазирликлари то-монидан бошқарилиши, айрим давлат бошқаруви органлари томонидан бир вақтнинг ўзида мулкдор ва тартибга солувчи функцияларнинг амалга оширилиши, алоҳида давлат иштирокидаги корхоналарга давлат функциялари берилганлиги ҳамда улардаги эксклюзив ҳуқуқлар хусусий сектор ва соғлом рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш соҳасида қатор тизимли муаммолар мавжуд:

– давлат мулкининг республика ва муниципал мулкка таснифланмаганлиги, давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштиришни шаффоф механизмлар орқали амалга оширишни назарда тутувчи тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат мулкини хусусий секторга сотиш Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа кўплаб қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган[2];

– давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш мезонларининг мавжуд эмаслиги сабабли хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолият юритиши ҳамда хусусийлаштиришда тизимли ёндашув амалга оширилмаганлиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги иштироки юқорилигича қолмоқда. Давлат иштирокидаги корхоналар тушуми ва активларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати тегишинча 32 фоиз ва 120 фоизни ташкил этди. Шунга қарамасдан, охирги уч йилда 477 та давлат унитар корхоналари ташкил этилган;

– давлат иштирокидаги корхоналарга имтиёз ва преференциялар берилиши ва улар томонидан давлатнинг тижорат ва нотижорат мақсадларини бажариш механизмининг очиқ-ошкора эмаслиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналар хусусий корхоналарга нисбатан устун мавқега эга бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, давлат иштирокидаги корхоналарнинг 45 фоизи томонидан Давлат бюджетига дивиденд тўлангани, ушбу дивидендларнинг 90 фоизи 5 та йирик корхонага тўғри келиши уларнинг аксарияти фаолиятининг самарадорлиги паст даражада эканлигидан далолат беради;

– корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари жорий этилмаганлиги натижасида давлат иштирокидаги корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат бошқаруви органлари аралашувининг юқори даражадалиги, кузатув кенгаши таркибида давлат хизматчиларининг кўплиги, мотивация ва жавобгарликнинг етарли эмаслиги, инсон капитали самарадорлигини ошириш заруратига бўлган муно-сабатнинг қониқарсизлиги оқибатида ижро этувчи органнинг акциядорлар олдидаги масъулияти пастлигича қолмоқда. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 210 тасида кузатув кенгаши жорий этилган бўлиб, уларнинг атиги 69 тасига 70 та мустақил аъзо киритилган;

– давлат иштирокидаги корхоналарнинг очиқлик ва шаффофлигига талаблар ўрнатилмаган, уларда расмий веб-сайт ташкил этилмаган, давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти якунлари бўйича йиғма ҳисоботлар ошкор этилмаган.

Давлат мулкини бошқариш, ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш соҳасида тўғридан-тўғри амал қиладиган қуйидагиларни назарда тутувчи янги қо-нунлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ:

“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонуни – давлат мулкини бошқаришнинг мақсади ва асосий принциплари, давлат мулкини давлат ихтиёрида сақлаб қолиш мезонлари, давлат мулкини бошқариш субъектлари, уларнинг вазифалари, ваколатлари ва мажбуриятлари, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқарадиган давлат бошқаруви органини белгилаш, давлат мулкидан фойдаланиш йўллари, шу жумладан, уни ижарага ва ишончли бошқарувга бериш.

“Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни – хусусийлаштиришнинг асосий принциплари, шакллари ва шартлари, давлат мулкини хусусийлаштириш субъектлари, уларнинг вазифалари, ваколатлари ва мажбуриятлари, хусусийлаштириш объектларининг жозибадорлигини ошириш йўллари, йирик корхоналарни сотишдан олдин тайёрлаш.

Шунингдек, давлат иштирокини чеклаш, давлат иштирокидаги корхоналар ва нодавлат юридик шахслар учун тенг шароит яратиш, давлатнинг мулкдор ва тартибга солувчи функцияларини ажратиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш ва давлат иштирокидаги корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларни ошкор этишни таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак.

Умуман олганда, давлат активлари агентлиги ўз вақтида ошкоралик ва шаффофлик асосида ҳар йили камида бир марта ўзининг веб-сайтида давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни эълон қилиб бориши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”-ги Қонуни, 1991 йил [2].
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхона-ларни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат

активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармони [1].
3. Ш.Р. Джуманиязов. Развитие цифровой экономики в Узбекистане. Международная научно-практи-ческая конференция “Теоретические и методологические аспекты совершенствования статистического анализа развития цифровой экономики” сборник научных трудов, Ташкент. 27 май 2022 г., с. 750 [3].

Каримов С.Б. *– БТОМ, етакчи мутахассис*

ХАЛҚАРО ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2022 йил охирида жаҳон фонд ва облигациялар бозорлари 30 триллион доллардан кўпроқ зарар кўрди. Бу 2008 йилда жаҳон молиявий инқирози тугаганидан бери энг юқори кўрсаткичдир[1].

Эътироф этиш жоизки, деривативларнинг замонавий бозори фонд бозорининг мустақил сегменти сифатида ривожланиб бормоқда. 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда акциялар бозорида, валюта бозорида операцияларнинг юқори суръатларда ўсганлиги деривативлар бозорининг, шу жумаладан, унинг сегментлари бўлган валюта опционлари ва валюта фьючерслари бозорининг ривожланишига сабаб бўлди.

Валюта фьючерслари бозори нормал фаолият юритишининг зарурий шартларидан бири бўлиб. ушбу бозорни юқори даражада ликвидли бўлиши ҳисобланади. Ўз навбатида, ушбу бозорнинг ликвидлилигини таъминлашда фьючерсларнинг стандартлаштирилиши муҳим ўрин тутади. Бир қатор халқаро фонд биржаларида, хусусан, Лондон халқаро молиявий фьючерслар биржасида (*LIFFE*) фақат 4 ижро муддатига эга бўлган (март, июнь, сентябрь, декабрь) стандарт фьючерслар билан савдо қилинади.

Таъкидлаш жоизки, фьючерс баҳоси фьючерсни ижро муддати яқинлашиб бориши билан спот баҳога яқинлашади. Фьючерс баҳоси форвард баҳосидан фарқли ўлароқ, биржадаги савдолар натижасида ҳар куни қайта ҳисобланади.

Фьючерс баҳоси фьючерс шартномаси ижросига қадар ўзгармаганлиги сабабли тижорат банклари учун валютанинг спот баҳосини тебраниши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, фьючерс шартномалари тузишда устуворлик номинал алмашув курсининг барқарорлик даражаси юқори бўлган валюталарда тузиладиган шартномаларга устуворлик берилади.

Клиринг палаталари валюта фьючерслари бўйича тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида иштирокчи банклардан аванс тўловлари ўтказишни талаб қилади. Ҳолбуки, валюта опционларида аванс тўловлари қўлланилмайди. Аванс тўлови миқдорини белгилашда валюта фьючерси бўйича амалга ошириладиган тўловлар ҳажми инобатга олинади.

[1] Stock and bond markets shed more than $30tn in ‘brutal’ 2022// https://www.ft.com/content/87ed8ea6-4913-4452-9135-498040ad338f.

XX асрнинг 70-йилларига қадар фьючерс шартномалари фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва табиий ресурсларга тузилган.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб халқаро биржаларда молиявий фьючерс шартномалари савдоси йўлга қўйилди. Ушбу фьючерс шартномалари хорижий валюталарга, қатъий белгиланган ставкада даромад келтирувчи қимматли қоғозларга ва бозор индексларига тузилган шартномалардир.

*2022 йил охирида жаҳон фонд ва облигациялар бозорлари 30 триллион доллардан кўпроқ зарар кўрди;

2017-2021 йилларда валюта опционлари билан Осиё минтақасида амалга оширилган валюта операцияларнинг халқаро миқёсда валюта опицонлари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган ва жуда юқори салмоқни эгаллайди.

2017-2021 йилларда дунё миқёсида валюта фьючерслари билан амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмида Осиё ва Европа минтақаларида валюта фьючерслари билан амалга оширилган операцияларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлган. Бу эса Осиё давлатларида, шу жумладан, Хитой ва Ҳиндистонда молиявий операциялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсаётганлиги ва халқаро фонд биржаларининг кўпчилигни Европа минтақасида (Лондон, Париж, Франкфурт, Брюссель, Цюрих ва ҳоказо) жойлашганлиги билан изоҳланади.

* Европа ва АҚШда ҳамда Осиёнинг бир қатор мамлакатларидаги бозорларда фақат рақамли қимматли қоғозлар билан савдо қилинаяпти. Масалан, Германияда рақамли облигациялар, Хитойда давлат банкларининг облигациялари, Россияда компанияларнинг рақамли акциялари.

***Абдурахманова М.А.** –БТОМ, тингловчи*

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Сўнгги йилларда республикада енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментни кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, унинг ҳукуқий базаси шакллантирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 93-сонли ““Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам келгуси йилларда саноат соҳасида

ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши ва тўқимачилик, тикув-трикотаж соҳасини янада такомиллаштиришни таъминлайди[1].

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2022- йилнинг январ-май ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 7,1 % ни ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажм индекси 118,7 % ни ташкил этган.

Шунингдек, 2023- йилнинг январ май ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 5,8 % ни ташкил этган, физик ҳажм индекси 4,2 % га камайган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми 1978,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланиб бораётган бир пайтда саноат тармоғининг ўрни бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Саноат соҳасини инновацион ривожлантириш, жаҳон талабларига мос келадиган даражада техника ва технологиялар билан таъминлаш, ушбу соҳада экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш замон талабларидан биридир.

Статистик тахлил натижаларига кўра, 2023 йил май ойида жами саноат маҳсулотлари ҳажми 231165,2 млрд, сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган 2022 йилга нисбатан 553 265,0 млрд, сўмга ошган. Шунингдек, базиз давр ҳисобида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ҳажми 2018 йилга нисбатан 31,6 фоизга пасайганлигини кузатишимиз мумкин (1-жадвал).

2022 йил май ойида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 105,3%ни, тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати эса, 2023 йил май ойда ўтган йилга нисбатан 109,9 %ни ташкил этди.

1-жадвал

Иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати[2]

Йиллар	Саноат маҳсулоти хажми, млрд.сўм	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %да)	Шундан,
			тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %да)
2018	337 993,6	116,6	113,3
2019	322535,8	105,0	105,3
2020	368740,2	100,7	115,4
2021	456056,1	103,7	119,5
2022	553 265,0	105,3	109,9
2023-05	231165,2	105,0	105,8

Маълумки, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми таркибига корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, яримтайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларга ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади, яъни ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар ҳамда саноат тусидаги ишлар (хизматлар) киради.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 93-сонли «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори

[2] Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил якунларига кўра, саноат тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМдаги улуши 28,5 % ни ташкил этди. 2021 йил якунларига кўра, саноат тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМдаги улуши 27,8 % ни ташкил этди. 2022 йил якунларига кўра, саноат тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМдаги улуши 26,7 % ни ташкил этди.

2022 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 888,3 трлн. сўмни ташкил этди ва 2021 йил билан таққослаганда 5,7 % га ўсди.

2-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида ЯИМ ва тўқимачилик тармоғининг ўсиш суръати (трил, сўмда)[1]

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023-05
ЯИМ трил.сўм	406,6	511,8	152,7	14,9	888,3	198,5
Саноат ишлаб чиқариш ҳажми	235,3	322,5	368,7	456,1	553,3	231,2
Қайта ишлаш саноати	189,6	254,8	305,9	378,2	460,5	190,1
Тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқариш	24,8	29,9	36,7	52,4	62,8	26,6

2023 йилнинг январ-март ойлари якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 198,5 трлн. сўмни ташкил этди ва 2022- йилнинг январ-март ойлари билан таққослаганда 5,5 % га ўсди (2-жадвал).

Бундан ташқари 2023 йил май ойида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 231,2 трил. сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан таққосланган, бу кўрсаткич 41,7 % га тўғри келади. Шунингдек, саноат соҳасида қайта ишлаш саноати ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоғи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, 2022 йилда мамлакатимизда қайта ишлаш саноатида 460,5 трил. сўмлик (2018 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп ёки 2020 йилга нисбатан 1,5% га ошган) ишлаб чиқарилди.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2022 йилнинг январ -ноябрь ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 5,8 % ни ташкил этган, физик ҳажм индекси 4,4 % га камайган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми 4561,0 млрд. Сўмни ташкил этди.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш - тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йигириш, шунингдек, тўқимачилик газламаларини ва тайёр тўқимачилик маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш, тўқмачилик маҳсулотларига ва кийимларга безак бериш, кийимлар-дан ташқари тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2-сонли Қарорига кўра, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш орқали 2023 йил якуни билан соҳанинг экспорт

[1] Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайта www.stat.uz сайта маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

салоҳиятини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини 65 фоиздан 81 фоизга ошириш, 35 мингта бўш иш ўринларини тўлдириш, жумладан ижтимоий дафтарларга кирган аҳолини иш билан таъминлаш, Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-268-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинади: “2024 йил 1 январга қадар Европа, Туркия, Марокаш, Шимолий ва Жанубий Америка, Араб, Корея ва Япония давлатларига газлама, трикотаж мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади”.

3-жадвал

Давлатлар кесимида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Давлатлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	Ўсиш суръати, %да
Хитой Халқ Республикаси	2,0	4,8	22,3	184,7	103,0	55,7
Россия Федерацияси	15,4	12,2	18,6	471,1	626,4	133,0
Туркия	2,8	8,2	10,6	288,6	179,2	62,1
Қирғиз Республикаси	4,3	4,9	9,6	185,9	136,0	73,1
Озарбайжон	2,9	3,0	3,8	6,8	10,9	160,5
Италия	0,0	0,0	3,6	23,2	15,7	67,5
Германия	2,4	1,4	2,5	12,7	9,7	76,6
Тожикистон	0,5	0,4	2,0	6,3	25,4	4,1 м.
Беларусь	0,0	0,0	1,7	13,5	22,7	168,3
Қозоғистон	2,0	1,9	1,5	23,9	32,9	137,8
Полша	1,3	0,7	1,1	35,8	28,9	80,6
Египит	0,7	0,0	0,9	8,2	7,7	93,3
Эрон	1,6	0,4	0,7	36,5	31,6	86,7
Бошқа давлатлар	1,7	5,4	3,4	56,8	33,9	59,7

Дарҳақиқат, кластер усулининг шарофати билан 350 га яқин йирик фабрика ишга туширилди. Натижада калава ипни қайта ишлаш даражаси 45 фоизга етказилди. Яқин истиқболда ушбу кўрсаткич 100 фоизга етказилиши кутиляпти. Чунки давлатимиз раҳбари томонидан кластерлар олдига четга ярим тайёр маҳсулот эмас, балки қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш вазифаси қўйилган. Президентимизнинг “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу мақсадга эришишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади, албатта.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти сўнгги йилларда енгил саноатда юқори қўшилган қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Енгил саноат иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон учун муҳим соҳа

бўлгани ҳолда, аҳоли бандлигининг юқори даражасини, шунингдек, саноат салоҳиятига ҳамда давлатимизнинг халқаро нуфузига ҳисса қўшилишини таъминлайди.

Тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмларининг ошишини бевосита пахта хом ашёсини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида қараш мумкин.

Хусусан, 2023 йил январ-июн ойлари якуни бўйича 1 618,1 млн. АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 13,3 % ини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 4,6 % га камайди. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (41,0%), ип калава (40,7%) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 542 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 54 та давлатига экспорт қилинди.

Хулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистон бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти географияси ва ҳажми кенгаймоқда. Бугунги кунда тўқимачилик саноатининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улушининг ошишга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 93-сонли ““Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2-сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-268-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 ноябрда “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятани янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5587-сон Фармони

Зуҳуров К.З. *– БТОМ, докторант*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Муомаладаги пул массасини тартибга солиш азалдан давлатнинг асосий вазифаси бўлиб келган. Жамиятнинг моддий негизида ишончли ва тартибли пул тузилиши иқтисодиётнинг жадал ривожланишига, молия тизимининг барқарорлигига, жамиятнинг институционал асослари барқарорлигига хизмат қилади. Ўзбекистон республикасида пул-кредит тартибга солишнинг шаклланиши табиий айирбошлашнинг йўқолишидан бошлаб эмиссия ва кредит механизмининг ҳозирги ҳолатигача бўлган узоқ тарихий даврни ўз ичига олади. Яна бир эволюцион янгилик энди кун тартибида — бутун дунё бўйлаб илғор ахборот ва компьютер компаниялари томонидан фаол шакллантирилаётган виртуал пул майдони. Замонавий молия тизими рақамли технологияларнинг ҳақиқий юксалишини бошдан кечирмоқда, ҳар куни электрон пулларнинг янги турлари ва улар ўртасида тўловларни амалга ошириш усуллари ҳақида маълумотлар мавжуд. Криптовалюта, уни қазиб олиш, блокчейн технологияси, контактсиз тўлов, рақамли имзо, нарсалар интернети ва уларнинг дастурий таъминоти, суперкомпютерлар, кибермакон ва киберхавфсизлик – бу тушунчалар олимлар, амалиётчилар, экспертлар, сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг кундалик ҳаётида мустаҳкам ўрин олди.

Бутун дунёда рақамли иқтисодиётнинг жадал вужудга келиши ва ривожланиши бозор муносабатларининг барча иштирокчилари фаолияти мазмунига зарурий тузатишлар киритишнинг долзарб заруратини белгилаб беради. Табиийки, жамиятнинг моддий негизини шакллантиришнинг фаол иштирокчиларидан бири тижорат банклари ҳам четда қолмади.

Анъанавий маънода банк иши ўтмишда қолди. Молиявий воситачининг кредит

ташкилоти томонидан амалга оширилган, аҳоли ва тадбиркорлик пул жамғармалари ўртасидаги боғлиқликни таъминловчи, фонд, валюта ва капитал бозорларининг турли сегментларида маблағлар миқдори ва тузилишини тартибга солувчи функцияларига айланди. Нақд пул айланмаси, кенг филиал тармоғи, инсон омилига эътибор қаратиладиган компания ичидаги хизмат, қарз олувчи билан визуал алоқани ўз ичига олган банк маҳсулотлари, кредит тарихининг барча босқичларини — олишдан то тўлашгача бўлган назоратни амалга оширувчи ходимларнинг улкан штаби кескин ривожланмоқда.

Марказий банк аҳоли ва корхоналар ўртасида пластик карточкаларни кенг жорий этиш, шу жумладан пенционерлар учун, шунингдек, хизмат кўрсатувчи тижорат корхоналари учун мажбурий эквайринг орқали аҳоли ва корхоналар ўртасида нақд пульсиз тўловлардан фойдаланишга эътибор қаратгани бежиз эмас. аҳоли юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пульсиз ҳисоб-китоблар кредит ташкилоти учун ўзига хос олтин конига айланди, комиссия даромади унинг фаолиятида биринчи ўринга чиқди. Компьютер олимлари

тижорат банклари ва молиявий брокерларнинг мижозлари учун банк маҳсулотлари учун интуитив дастур интерфейсларини ишлаб чиқмоқдалар, бу эса технологик тараққиётни тўртинчи технологик инқилобнинг кейинги ютуқлари сари йўналтирмоқда, бу мутахассислар доимий равишда этакчи иқтисодий журналлар саҳифаларида ва турли иқтисодий форумлардаги ҳисоботларда намойиш этилади. Юқорида айтилганларнинг барчаси шуни кўрсатадики, банк тизими ҳозир чуқур инқироз ҳолатида ва уни яқин келажакда туб ўзгаришлар кутмоқда. Энг узоқни кўра оладиган банклар рақамли технологияларга тобора кўпроқ ишонмоқда ва улардан ўз молиявий фаолиятида фойдаланиш кўламини доимий равишда кенгайтирмоқда, илғор банкоматлар ва сунъий интеллект элементларига эга чатботлардан фойдаланган ҳолда тўлиқ мижозларга ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўтишмоқда.

Етакчи банклар ўтган асрдаги кредит тизимининг архитектурасидан тобора узоқлашиб, стандарт бўйича ишлайдиган аксарият кредит ташкилотларининг ахборот тизимлари асосланган эскирган асосий компьютерларни архивга ўтказмоқда. Ушбу тизимларга техник хизмат кўрсатиш жуда қиммат, аммо улардан бутунлай воз кечиш учун нафақат ярим аср олдин ишлаб чиқилган деярли барча маълумотлар конфигурацияларини, балки дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва сақлаш технологиясини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Бироқ, ўйин шамга арзийди: инқилобий рақамли платформалар — булутли ҳисоблаш, микросервис архитектураси, чуқур машиналарни ўрганиш, нарсалар интернетини бошқариш марказлари, блокчейн ва коллектив киберхавфсизлик — илғор имкониятларни беради.

Етакчи банклар энди ўзларини шунчаки ихтисослашган молия институтлари сифатида эмас, балки пул операциялари билан бир қаторда ўз мижозлари учун ижтимоий шериклик функцияларини ҳам бажарадиган жами диверсификацияланган холдинглар сифатида жойлаштирмоқда. Замон билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилаётган кредит ташкилотлари қуйидаги асосий йўналишларда ривожланмоқда. Биринчидан, улар кундалик фаолиятида энг илғор рақамли технологиялардан максимал даражада фойдаланишни мақсад қилган. Юқоридагиларга ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тамойилларига асосланган видеорўйхатга олиш ва видеоконсултация тизимлари, интерактив витриналар ва сенсорли столлар, электрон кассирлар, автоматик депозитарийлар, контактсиз тўлов ва электрон имзо механизмлари ва бошқаларни қоўшишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-578-сон 01.11.2019. https://www.lex.uz.
2. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. https://lex.uz/docs/4751561.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 ...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/docs/3249651.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 февралдаги 5349-сон Фармони. [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони. www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси қарори лойиҳаси. https://regulation.gov.uz/uz/document/9413.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017. http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-SHavkat-Mirziyeevning-oliy-22-12-2017

Ибодуллаев Ш.Т. *- ТИФ Миллий банки, PhD*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ПАССИВЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Муаммоли кредитлар миқдорининг 2017-2021 йилларда ошганлиги ва муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги тижорат банклари пассивларининг барқарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди. Аслида, мамлакат банкларида ликвидлилик муаммосининг илк бора кескинлашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Чунки, мазкур Қарорда 2015 йилга бориб Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли инвестицион кредитлар

ҳажмини 2,8 баробарга ошириш вазифаси қўйилган эди[1]. Аммо, республикамиз тижорат банкларида бундай катта ҳажмдаги узоқ муддатли ресурслар ўша вақтда мавжуд эмас эди. Лекин, Президентнинг қарорини бажариш керак. Шу сабабли, тижорат банклари қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан ҳам узоқ муддатли кредит беришга мажбур бўлди. Бунинг оқибатида мамлакат банкларида ликвидлилик муаммоси кескинлашди.

Фикримизча, мамлакат тижорат банклари пассивларининг барқапрорлигини таъминлаш учун, биринчидан, кредитлардан олинадиган фоизли даромадлар билан депозитларга тўланадиган фоизли харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш йўли билан муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим; иккинчидан, регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши билан беқарор пассивларнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак; учинчидан, хориждан жалб қилинган кредитларнинг умумий ҳажмида сузувчи ставкада жалб қилинган кредитларнинг салмоғини пасайтириш зарур.

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, ТИФ Миллий банкида ва Асакабанкда 2017-2021 йилларда фоизли харажатлар миқдори ва мажбуриятлар миқдори юқори ўсиш суръатларига эга бўлди. Бу эса, фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга тўсқинлик қилади ва мазкур банклар пассивларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Ўз навбатида, фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминламаслик тижорат банкларининг муддатли депозитларни брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш имкониятини сезиларли даражада чеклаб қўяди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида кўрдикки, республикамиз тижорат банклари пассивлари ҳажмида беқарор пассивларнинг (талаб қилиб олинадиган депозитлар, банклараро кредитлар) салмоғи сезиларли даражада юқоридир. Бу эса, тижорат банклари пассивларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Республика тижорат банкларининг устав капиталини фақат миллий валютада шакллантириш тартиби жорий қилингандан сўнг мамлакат тижорат банкларининг капитал базасини барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири, яъни девальвация захираси муаммоси ҳал бўлди. Ушбу муаммонинг моҳияти шунда эдики, биринчидан, девальвация захираси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш бўйича қўйилган талабга кўра, тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган[2]. Девальвация захираси барқарор молиялаштириш манбаи

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда; 2013 й., 20-сон, 250-модда, 36-сон, 477-модда.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 6 июлдаги 2693-сонли “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги йўриқномаси//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27.- 17-29-б.

бўлмаганлиги сабабли, Базель-I стандартида уни тижорат банкларининг капитали таркибига киритиш таъқиқланган[1]. Иккинчидан, девальвация захираси тижорат банкларининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ташкил қилиниши керак. Лекин, республикамизда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори бўлганлиги сабабли, тижорат банкларида уларнинг тақсимланмаган фойдасидан кўп бўлган миқдорда девальвация захираси пайдо бўлди. Бунинг натижасида, девальвация захирасини яратиш учун зарур бўлган манбани шакллантириш имкони бўлмади. Бундай шароитда, республикамиз тижорат банклари девальвация захираси суммасини бухгалтерия балансида жойлаштириш учун валютавий позицион ҳисобрақамдан (17101) фойдаланишга мажбур бўлишди.

ТИФ Миллий банки ва Асакабанкнинг мажбуриятлари таркибини ўрганишимиз натижалари кўрсатдики, ушбу банклар орқали республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган кредитларнинг асосий қисмини сузувчи ставкада жалб қилинган кредитлар ташкил этади. Бу эса, банклар фаолиятидаги фоиз рискини кескин ошиш хавфини юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, коронавирус пандемияси оқибатларини камайиши натижасида дунё иқтисодиётида юксалиш ҳолати бошланди. Бунинг натижасида халқаро кредитларга бўлган талаб ошади. Бундай шароитда халқаро кредитларнинг фоиз ставкалари сезиларли даражада ошади.

Иқтисодиётнинг реал секторида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари учун хориждан янги техника ва технологияларни катта миқдорда олиб келинаётганлиги, асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбалари ҳажмида хорижий кредитлар ва инвестицияларни катта салмоққа эга эканлиги республикамиз тижорат банклари орқали миллий иқтисодиётга хориждан жалб қилинаётган кредитларнинг миқдорларини кўпайишига олиб келмоқда.

Ermatov D.S. *– BTOM, tinglovchi*

XORIJIY DAVLATLARIDA O‘QUVCHILARNING MOLIYAVIY SAVODXONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Moliyaviy savodxonlik masalasi doimo dolzarb bo‘lib, jahon iqtisodiyotidagi globallashuv jarayonlari moliyaviy ta’lim mavqeining yanada ortishiga jiddiy ta’sir ko‘rsatdi.

Bugungi kunda mamlakatimizda tadbirkorlikni, ayniqsa kichik va o‘rta biznesni rivojlantirish, ularning faoliyatida kelib chiqayotgan muammo va to‘siqlarni bartaraf etish, o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini oshirish masalalariga tizimli yondoshgan holda kompleks choralar ko‘rilmoqda.

Jumladan, 2021-yilning 20-avgust kuni o‘tkazilgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan “ochiq muloqoti” doirasida ko‘tarilgan tizimli muammolarning yechimiga qaratilgan taklif va tashabbuslarni amalga oshirish hamda

[1] Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. http://www.bis.org.publications.

“ochiq muloqot”da belgilangan ustuvor vazifalarni bajarish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 24-avgustdagi F-5689-son farmoyishi bilan “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan “ochiq muloqoti”da belgilangan vazifalarni amalga oshirish bo‘yicha yo‘l xaritasi tasdiqlandi.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan 2022-yildagi “ochiq muloqoti”da belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022-yil 30-avgustda PQ-364-son qarori qabul qilindi.

Umumiy o‘rta ta’lim tizimida ayrim sinflarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha alohida o‘quv dasturlar hamda fanlar joriy etilgan xolos. Bugungi kunda maktabgacha va maktab ta’limi tizimida faqatgina 8-9-sinflarda haftasiga 0,5 soatdan, o‘quv yili davomida jami 17 soat “Iqtisodiy bilim asoslari” fani, 11-sinfda haftasiga 1 soat, o‘quv yili davomida jami 34 soat “Tadbirkorlik asoslari” fani o‘qitilmoqda.

Shuningdek, umumiy o‘rta ta’lim maktablari o‘quv dasturlarida o‘quvchilarni biznes loyihalarini tuzish va ularni mustaqil amalga oshirish amaliyotlari kiritilmagan.

Bu borada xorijiy davlatlar tajribalarni tahlil qiladigan bo‘lsak, ko‘pgina iqtisodi rivojlangan davlatlarda (Angliya, Yaponiya, Janubiy Koreya, Finlandiya, AQSh) alohida fanlar va dasturlar joriy etilgan.

Ushbu davlatlarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini shakllantirish va rivojlantirish holati tahlil qilib chiqildi.

Jumladan, Finlandiya davlatida maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligiga oid tahlillar quyidagicha:

Finlandiyada bolalar maktabga asosan 6 yoshdan qabul qilinadi. Maktablarda o‘quv yili davri 12 yillik hisoblanib, bir o‘quv yili 38 haftadan iborat.

Maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning haftalik umumiy soati 222 soat, yillik umumiy soati 8 436 soatni tashkil etadi.

Maktablarda o‘quvchilarga 8 tadan 16 tagacha fanlar o‘qitiladi. Shu jumladan, maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini shakllantirish va rivojlantirish maqsadida 7-8-9-sinflarda “Uy iqtisodiyoti” fani o‘qitiladi.

Jumladan, mazkur fan o‘quvchilarga 7-8-9-sinflarda har bir sinfga haftasiga 1 soatdan, jami haftalik o‘quv soati 3 soat, yillik o‘quv soati 114 soatni tashkil etadi. Fanning yillik o‘quv soati maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning yillik umumiy soatidan ulushi 1,4 foizni tashkil etadi.

Angliyada maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligiga oid tahlillar quyidagicha:

Angliyada bolalar maktabga asosan 5 yoshdan qabul qilinadi. Maktablarda o‘quv yili davri 13 yillik hisoblanib, bir o‘quv yili 35-40 haftadan iborat.

Maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning haftalik umumiy soati 286 soat, yillik umumiy soati 11 440 soatni tashkil etadi.

Maktablarda o‘quvchilarga 11 tadan 14 tagacha fanlar o‘qitiladi. Shu jumladan, maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini shakllantirish va rivojlantirish maqsadida 5-sinfdan 11-sinfgacha “Iqtisodiyot – ishlab chiqarish” fani o‘qitiladi.

Jumladan, mazkur fan o‘quvchilarga 5-6-7-8-sinflarda har bir sinfga haftasiga 0,5 soatdan, 9-10-11-sinflarda haftasiga 1,5 soatdan, jami haftalik o‘quv soati 6,5 soat, yillik o‘quv soati 260 soatni tashkil etadi. “Iqtisodiyot – ishlab chiqarish” fanining yillik o‘quv soati maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning yillik umumiy soatidan ulushi 2,3 foizni tashkil etadi.

Yaponiyada maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligiga oid tahlillar quyidagicha:

Yaponiyada bolalar maktabga asosan 6 yoshdan qabul qilinadi. Maktablarda o‘quv yili davri 12 yillik hisoblanib, bir o‘quv yili 42 haftadan iborat.

Maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning haftalik umumiy soati 388 soat, yillik umumiy soati 14 196 soatni tashkil etadi.

Maktablarda o‘quvchilarga 13 tadan 17 tagacha fanlar o‘qitiladi. Shu jumladan, maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini shakllantirish maqsadida 5-sinfdan 9-sinfgacha “Uy iqtisodiyoti” fani o‘qitiladi.

Jumladan, mazkur fan o‘quvchilarga 5-6-7-8-9-sinflarda har bir sinfga haftasiga 1 soatdan, jami haftalik o‘quv soati 5 soat, yillik o‘quv soati 210 soatni tashkil etadi.

“Uy iqtisodiyoti” fanining yillik o‘quv soati maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning yillik umumiy soatidan ulushi 1,5 foizni tashkil etadi.

Janubiy Koreyada maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligiga oid tahlillar quyidagicha:

Janubiy Koreyada bolalar maktabga asosan 6 yoshdan qabul qilinadi. Maktablarda o‘quv yili davri 12 yillik hisoblanib, bir o‘quv yili 41 haftadan iborat.

Maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning haftalik umumiy soati 257 soat, yillik umumiy soati 10 537 soatni tashkil etadi.

Maktablarda o‘quvchilarga 9 tadan 12 tagacha fanlar o‘qitiladi. Shu jumladan, maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini shakllantirish va rivojlantirish maqsadida 7-sinfdan 9-sinfgacha “Ijtimoiy fan” (uy iqtisodiyotini yuritish) fani o‘qitiladi.

Jumladan, mazkur fan o‘quvchilarga 7-8-9-sinflarda har bir sinfga haftasiga 1 soatdan, jami haftalik o‘quv soati 3 soat, yillik o‘quv soati 123 soatni tashkil etadi.

Mazkur fanning yillik o‘quv soati maktablar uchun o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejaning yillik umumiy soatidan ulushi 1,2 foizni tashkil etadi.

AQShda maktablarda o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligiga oid tahlillar quyidagicha:

AQShda 9 - sinfni bitirgan o‘quvchilar tanlov asosida o‘rta maktabga qabul qilinadi. O‘rta maktablarda to‘rt yo‘nalishda: 1 - kasb-hunar ta’limi, 2 - biznes ta’limi, 3 - savdo va sanoat ta’limi hamda 4-qurilish ta’limi bo‘yicha kasb-hunar asoslari berib boriladi.

Yuqorida qayd etilgan davlatlarda o‘quvchilarga moliyaviy savodxonlikni rivojlantirish maqsadida amaldagi fanlar o‘quv dasturlarida o‘quvchilarni biznes loyihalarini tuzish va ularni mustaqil amalga oshirish amaliyotlari kiritilgan.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, xorijiy davlatlar tajribalaridan kelib chiqib, quyidagilar taklif etiladi:

o‘quvchilarni maktabdan davridan boshlab moliyaviy savodxonlikka o‘rgatish, ularda biznes yuritish uchun zarur ko‘nikmalarni shakllantirish;

o‘quvchi-yoshlar uchun muvaffaqiyatli faoliyat yuritayotgan, el-yurt taniydigan amaliyotchi tadbirkorlar bilan ochiq muloqot qilish imkoniyatini yaratish, shuningdek ularning o‘z bizneslarini yo‘lga qo‘yish borasidagi tajribasini va bosib o‘tgan yo‘llarini targ‘ib qilish;

umumiy o‘rta ta’limning tayanch o‘quv rejasi doirasida umumta’lim fanlari o‘quv dasturlari tarkibida bosqichma-bosqich tadbirkorlik va moliyaviy savodxonlik ko‘nikmalarini shakllantirishga qaratilgan darslar tashkil etish, ushbu darslarga tadbirkorlarni jalb etish;

umumiy o‘rta ta’limning Milliy o‘quv dasturi doirasida biznes va moliyaviy savodxonlikni shakllantirishga qaratilgan o‘quv dasturlari ishlab chiqish va unga o‘quvchilarni kichik biznes loyihalarini tuzish va ularni mustaqil himoya qilish amaliyotlarini kiritish;

maktablarda tajribali tadbirkorlarning mahorat mashg‘ulotlari tashkil etish;

maktabgacha va maktab ta’limi tizimida o‘quv yilining bir oyini “Moliyaviy savodxonlik va beznesga o‘qitish oyligi” etib belgilash.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Maktabgacha va maktab ta’limi vazirining “Umumiy o‘rta ta’lim maktablari uchun 2023-2024 o‘quv yiliga mo‘ljallangan tayanch o‘quv rejani tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2023 yil 15 maydagi 125-sonli buyrug‘i
2. https://www.iqconsultancy.ru/articles/srednee-obrazovanie

Ekhsonov J.R. *– GSBE, doctoral student (PhD),*

PROSPECTS AND SOLUTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF LOGISTICS SERVICES IN UZBEKISTAN

A relatively new industry, third-generation logistics (3PL) has grown rapidly since the advent of the global marketplace and the Internet, particularly e-commerce. Global competitiveness puts more pressure on companies to improve the efficiency of delivering products and services to customers. In order to improve the quality of the delivery service, companies have outsourced their logistics services, including packaging, warehousing (inventory management) and shipping goods to customers. Communication plays an important role in integrating activities along the logistics value chain. A literature survey and case study-based framework is proposed to help companies develop e-logistics systems to improve their competitiveness.

The development of each industry is directly related to the development of the service industry. Be it industry, agriculture, or any other sector, the service sector is the driving force that binds all other sectors together, as the product produced in each sector is delivered to the consumer through the service sector. In this context, it can be said that the transport sector connects the industry and the service sector and acts as a bridge for all sectors.

A business model in transport is one of the ways to successfully implement the organization's strategic goals. The introduction of innovative technologies and the development of electronic commerce based on the Internet global network create new opportunities for business. This leads to the search for new approaches to the formation of business models that ensure the company's market position and competitiveness. Logistics and transport companies play an important role in the economy, because the speed, price and quality of the circulation of goods depend on their consumer demand and, ultimately, on the financial results of the manufacturing company (for example, transport and logistics costs can be from 30 to 30 rubles) from % to 70% of the product price (depending on the industry). In the face of digital competition, the strategic advantages of logistics megasystems are provided by well-thought-out business models focused on change management and integration of physical and digital components of logistics activities. In this regard, the task of adapting the business models of logistics and transport companies to dynamically changing market conditions and the new opportunities of the digital economy and the technological structure of Industry 4.0 is gaining importance.

The conducted researches and the solution of the set tasks are based on the use of dialectical approach, analysis and synthesis, classification, comparison, statistics, expert assessment and graphic representation methods to study the development processes of the economic, technical and technological society.

This study was based on the fact that the process of developing logistics and transport systems in different countries has many common aspects, although, of course, different countries are at different stages of this process. It should be noted that the logistics performance index (LPI) reflects the state of logistics at the national and international levels in more detail. According to official data of 2021 (it should be noted that this index is calculated every two years), the most important competitive advantages in the global market of logistics and transport services are concentrated in German companies (official quote from the World Bank). This makes Germany's national, macro-logistics system more attractive in creating global supply chains. According to the data of 2021, the Republic of Uzbekistan occupies the 99th place in this rating.

Generalization, grouping, comparative analysis, expert assessment, deduction, induction, and systematic approach methods were used to achieve the research goal and solve the tasks.

During the analysis, the information obtained from special literature (presented by various sources: articles, books, reviews, reports) dedicated to the formation and development of business models of companies, including the logistics and transport sector, was used.



Fig-1. Comparison graph of two countries in the field of logistics

From the indicators, it can be understood that the issue of logistics in national transport can have an impact on ensuring the country's high-level ratings. At this point, it is worth noting that the use of digitization, that is, information and communication technologies and innovative logistics, in the transportation of goods in the system of transport and logistics clusters is of great importance. The nature and tasks of logistics management require that the goods movement management system achieve the most cost-effective and satisfactory level of service [1]. In this case, the management implements specific target instructions of the product manufacturing enterprises. For example, there may be instructions such as ensuring the delivery of the product at the specified time with the lowest cost, maintaining the service level at the appropriate level.

The contribution of an effective transport-logistics system to the country's development is reflected in 4 (four) directions:

- Promotion of economic growth;
- Increasing labor productivity and competitiveness;
- Support for structural changes of the economy;
- Improving the quality of life.

Broadly speaking, the national transport strategy aims to develop economic sectors through efficient transport links and more affordable transport, increase international trade, attract new companies to the country, create new jobs by increasing the level of population mobilization, reduce production costs, improve productivity and business models. In case of changes in the economic structures, the possibility of ensuring employment of the population and the developed transport system are aimed at solving tasks such as expanding the list of products and services [3].

Logistics activities such as transportation and logistics have undergone several changes in the history of world trade. All subsystems are affected by events such as industrial revolutions, new technology transition concepts, and business services. Logistics 4.0 is one of the areas affected by the Industry 4.0 paradigm.

A number of critical elements of logistics, including warehousing, transportation, distribution, supply and information services, have been forced to

change as a result of technological disruptions to improve efficiency. Although different definitions of Logistics 4.0 or Smart Logistics (Smart Logistics) are used in the literature, all studies agree on the specific characteristics of "technological development and autonomous processes".



Fig-2. Development stages of logistics

Among the developing trends in the world economy, as well as in terms of the prospective economic and social development of the world, transport services have become one of the most important sectors in recent years. In addition, the transport service contributes to the formation and development of the international labor market. Of course, the development, expansion and increase of the transport sector in the whole world is accompanied by many factors.

In the era of globalization, the increase in the volume of trade in the world arena through the development of a particular company requires the rapid movement of products and resources between different countries. It plays an important role in the organization of intermodal transportation, unlike various sectors in the transport system [4].

Table 1

Comparative analysis of the main indicators of the railway system of the Central Asian countries (as of the end of 2022)

Indicators	**Kazakhstan**	**Tajikistan**	**Turkmenistan**	**Uzbekistan**
Share of transport system in GDP (%)	8	11.5	7.3	9
Length of public railways *(thousand km)*	14.5	0.68	3.6	4.3
Density of transport routes *(road/railway, 100 sq. km/km)*	3.6/5.5	18.9/4.7	12.5/6.1	43.2/8.2
Cargo volume *(million tons)*	332	1.4	22	70
Investment volume in the transport sector *(2019-2022 yy., mln $)*	17000	210	7000	7000
Volume of transit traffic *(million tons)*	18	0.3	9	8

The nature of the transport sector poses great challenges for technological innovation, mainly due to the complexity of the system as large technical systems with interrelated sub-sectors.

The transportation business model is how the company makes money, who its customers are, how the company creates value for its customers, and how the company makes money from it. For logistics and transport companies, which play an important role in ensuring the need and competitiveness of products delivered in the digital economy, determining the time, quality and price of product delivery to consumers, I think this definition is necessary. The goals of the activities of logistics and transport organizations, in particular, should be supplemented by ensuring economic growth and increasing the market value of the company.

In conclusion, it should be noted that the transport sector of the Republic of Uzbekistan occupies a special place in the economy of the country due to geographical, historical, geopolitical and a number of other factors. Uzbekistan is one of the two countries in the world (the other is Liechtenstein) that is located far from international sea lanes through the territories of two or more countries (a landlocked country), so the costs of transporting export and import cargo, as well as transit flow becomes a decisive factor of competitiveness.

References:

1. Эҳсонов, Ж. (2022). Корпоратив форсайт технологиялари орқали электрон логистика хизматларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(3), 313-323.
2. Khoshimov PhD, E., & Makhmudaliev, F. (2020). Digital transformation of corporate governance in Uzbekistan: current state, challenges and perspectives. International Finance and Accounting, 2020(6), 30.
3. Ярашова, В. К. (2019). Перспективы и приоритеты развития интеграционных процессов транспортной системы Республики узбекистан. Большая Евразия: Развитие, безопасность, сотрудничество, (2-2), 524-527.
4. Дадабаев, К. А. (2017). Перспективы развития логистического сервиса в Узбекистане. In Актуальные проблемы теории и практики развития экономики региона (pp. 403-407).
5. Inagamov, S. (2021). Prospects for Developing System of State Promotion of Export in the Republic of Uzbekistan. Prospects, 6(1).

Маҳкамова Ш.Ю. *- бўлим бошлиғи, и.ф.н.*
Расулхўжаева Ш.М. *- бош мутаҳассис*
Душамова Ш.Қ. *- етакчи мутаҳассис*
Бюджет-солиқ тадқиқотлари инс.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: АЁЛЛАР, БИЗНЕС ВА ҚОНУН ИНДЕКСИ ҲАМДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.12.2022 йилда қабул қилинган “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-682-IV-сонли қароридаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар” дастурининг 34-бандидаги “Бюджетларни шакллантиришда аёлларнинг иштирокини ошириш” вазифалри Иқтисодиёт ва молия вазирлигига асосий ижрочи сифатида топширилган [1].

Гендер тенгликка эришиш масалалари шу жиҳатдан долзарб ҳисобланади ва чет эл тажрибаси ҳамда Ўзбекистондаги ҳолатни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, асносида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатдики, Мамлакатлар бўйлаб ўртача ҳисобда, агар гендер бандлигидаги тафовут бартараф этилса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган узоқ муддатли ялпи ички маҳсулот деярли 20 %га юқори бўлар эди. Агар гендер бандлиги фарқи бартараф этилса, ЯИМ Австралияда 11% га Швецияда эса $6 триллион долларга ошишига олиб келади [2];

Агар олий маълумотли аёллар олий маълумотли эркаклар билан бир хил даражада ишчи кучини ташкил қилса, Австралия иқтисодиёти $ 8 миллиардга эга бўлади [3];

Аксарият аёллар энг кам маош тўланадиган ишларни бажарадилар. Парваришлаш ишлари билан текинга машғул бўлишади. Бу катта харажатларни ташкил қилади - Австралияда тўланмаган парваришлаш иқтисодиёти пуллик иқтисодиётдан олти баравар катта, аёллар бажарадиган ҳақ тўланмайдиган ишларнинг тўғри тақсимланиши миллий удумларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ [4];

Корхоналарда гендер тенгилиги мавжуд бўлса ишлаш самарадорлиги ошади ва бу Мисрда 34 фоизга, Бирлашган Араб Амирликларида 12 фоизга, Жанубий Африкада 10 фоизга Японияда 9 фоизга ошиши тадқиқ этилган [5]. Оиладаги зўравонлик Виктория иқтисодиётига йилига $ 3,4 миллиарддан кўпроқ харажат олиб келади ва полиция ишининг 40% ни эгаллайди; Агар аёллар эркаклар билан бир хил даражада янги бизнесни бошласа ва кенгайтирса, иқтисодий даромад 5-6 триллион долларни ташкил қилади; камида 30% аёл раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган корхоналар 15% кўпроқ фойда келтиради; Аёллар ва эркаклар гендер тенглигига эришилиши аҳолининг генофонди яхшиланишига олиб келади.

2.06.2020 йил ПФ-6003-сонда Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси Кенгаш ишчи органлари бўйича юқорида қайд этилган вазирликка тақсимланган бўлиб, 2022 йилда 88,1 балл белгиланган, айни вақтда эса 2020 йилдаги 100 баллдан 70,6 балл ҳолатда 120-ўринда турибди.

ПФ-6003-сон га кўра, Ўзбекистон “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида 2022 йилда 88,1 балл тўплаши керак бўлсада, бироқ мамлакатимизнинг айни вақтдаги кўрсаткичи 2020 йилдан буён ўзгармай келмоқда [6]

Ўзбекистоннинг мазкур тизимдаги ўрнини яхшилашда қийинчиликларга дуч келинмоқда ва бу соҳада амалга оширилаётган уринишлар самарасиз якунланмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган бўлиб гендер тенгликни таъминлашга эътибор бери либ, янги модда киритилган: 58-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди [7].

Аёлларни бизнесга жалб қилиш учун қулайликлар, имтиёзлар, мукофотлар жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, аёллар учун онлайн бизнес пратформа яратиш мумкин. Платформа лойиҳасини яратиш учун танловлар, уни қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий инвесторлар ва профессионал дастурчиларни имтиёзлар асосида жалб этиш каби амалий чора тадбирлар ПФ-6003-сон Фармонга киритилиши мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган Онлайн бизнес платформа фақат аёллар учун мўлжалланган бўлиб, у орқали: бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган аёлларнинг учрашув ва келишувлар нуқтаси ҳисобланади; аёллар масофадан туриб бизнес шериклар топиши, маҳсулотини бозорга солиши ва бизнесга оид кўплаб операцияларни амалга ошириш имконига эга бўлади; бюджетларни шакллантиришда аёлларнинг иштирокини ошириш, очиқ ва шаффоф бюджет сиёсатини амалга ошириш орқали хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни камайтиришга эришилади; хотин-қизлар ва эркакларга манзилли давлат хизматлари кўрсатиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга оид тавсиялар шакллантирилади; давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан гендер тенгликка эришишни ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида маблағлар ажратилишини таҳлил қилиб бориш орқали хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизими такомиллаштирилади; жамиятда хотин-қизларга нисбатан шаклланган салбий қарашлар даражасини камайтиришга хизмат қилувчи механизмлар яратилади; очиқ ва шаффоф бюджет сиёсатини амалга ошириш орқали хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, хотин-қизлар ва эркакларга манзилли давлат хизматлари кўрсатиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқилади; иш билан бандлик, олий маълумотга эга бўлиш, бизнес юритишда аёллар ва эркаклар бир хил даражадалигига эришиш, оилада зўравонликни камайтириш

орқали ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишга таъсир этувчи омиллар корреляцион-регрессион таҳлили орқали юқорида келтирилган индекс билан алоқадорлик коэффициентлари ишлаб чиқилади; гендер тенгликка таъсир этувчи “миллий модел” ишлаб чиқилади; давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан гендер тенгликка эришишни ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида маблағлар ажратилишини таҳлил қилиб бориш механизмлари мониторинг қилинади.

Дастурга асосланган бюджетлаштириш орқали бюджетларда гендерни кўпроқ ҳисобга олиш учун натижаларга асосланган бюджетлаштиришдан фойдаланган ҳолда баҳолаб, бюджетларни мос равишда, Бюджет қонунига тузатиш киритиш, “2030-йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқиш, Бюджет таснифига гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, у билан боғлиқ тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Хотин-қизлар ва эркакларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизими такомиллаштирилади, жамиятда хотин-қизларга нисбатан шаклланган салбий қарашлар даражасини камайтиришга хизмат қилувчи механизмлар ишлаб чиқилади; (2023 йил 11 апрель, ЎРҚ-829-сон Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонуни «121-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг ваколатлари, 8-абзаци «қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади»; доирасида иш ҳақи сақланган ҳолда қисқартирилган иш вақти белгиланиши ва 2 ёшгача бола парвариши нафақасини аёлларга тақдим этиш ҳуқуқий нормалари киритилиши асосланиб таклиф этилади).

“2030-йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқиш, керакли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тегишли таклифлар шакллантирилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган бўлиб: Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 1 моддасига биноан, ижтимоий давлат сифатида, киритилган янгм 58-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди. Ушбу янги конституциявий ҳуқуқларни амалга ошириш доирасида ҳамда юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасиниг 21.10.2021 йилдаги 654-сон “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кам таъминланган оилалар учун болалар пули берилиши белгиланган. 2 ёшгача бўлган барча болаларга болалар нафақасини жорий этиш тўғрисида норма киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, қонуний жиҳатдан гендер тенглигини таъминлаш, бола парвариши даврида аёл бутунлай турумуш ўртоғига қарам бўлиб қолмаслигини, акс ҳолда аёллар турли оилавий ва психологик муаммоларга дуч келишини олдини олишга ва ҳақ тўланмайдиган уй ишларини бажаришини компенсациялаш, ҳамда аҳоли генофондини яхшилаш баробарида аёллар ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Бюджетларни тузишда гендер жиҳатларни ҳисобга олиш, инсон капитали аёллар ва эркакларда тенг ривожланишига эришилиши аҳолининг генофонди яхшиланишига сабаб бўлади; аёлларнинг иқтисодий, сиёсий мавқеси ошиши бола соғлиги ва тарбиясига ижобий таъсир этади; аёлларнинг бошқарув ишларига жалб этиш коррупция даражасини камайтиради; бюджетларни шакллантиришда аёллар иштирокини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришилади; гендер тенглик натижасида аёлларда ўзига ишонч ортади ва бу унинг фарзандларига ҳам таъсир этади ҳамда болада лидерлик сифатларини ҳосил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари асосидаги ҳисоб-китобларимиз, аёллар бандлиги, эркаклар бандлигига нисбатан Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни 1% га кўп оширишини кўрсатди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 2,2% ва вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратилган ялпи қўшилган қиймат “ахборот ва коммуникациялар” 2016 йилдан буён икки бараварга ошиб, 4,4 триллион сўмдан 8,8 триллион сўмга етди ва иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми "маълумот ва алоқа» 2,3 трлн сўмдан 12,9 трлн сўмга кўпайди; обуначилар сони мобиль алоқа 2016 йилга нисбатан 20 %га ўсиб, 25,4 млн кишига етди. Интернетдан фойдаланувчилар сони эса икки баробарга ошиб, 22,5 млн кишига етди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг, 28.05.2021 йилдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297-IV-сон қарорига, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, бошқа тегишли хужжатларига аёлларнинг уйда хақ тўланмайдиган ишларини, яъни менталитетимиздан келиб чиқиб белгиланган аёллик вазифаларини бажариши учун иш хақи сақланган холда иш вақтини (масалан, 8 соатдан 7 ёки 6 соатга) қисқартириш бўйича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ, шунингдек, имкон қадар онлайн ишлаш мумкин бўлган соҳаларда уни йўлга қўйиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.12.2022 йилда қабул қилинган “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга ошириш

бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-682-IV-сонли қарори. https://lex.uz/en/docs/6345528
2. The World Bank in Genger, https://www.worldbank.org/en/topic/gender/overview [02.05.2023].
3. Reasons Why Gender Equality is Important, https://www.humanrightscareers.com/issues/10-reasons-why-gender-equality-is-important/ Ш.Душамова томонидан инглиз тилидан ўзбк тилига таржима қилинган [02.05.2023].
4. The benefits of gender equality, https://www.vic.gov.au/benefits-gender-equality Ш.Душамова томонидан инглиз тилидан ўзбк тилига таржима қилинган [02.05.2023].
5. How Society Can Benefit From Gender Equality, https://www.cxomedia.id/human-stories/20221108122414-74-176976/how-society-can-benefit-from-gender-equality [02.05.2023] Ш.Душамова томонидан инглиз тилидан ўзбк тилига таржима қилинган.
6. https://mehnat.uz/uz/pages/gender-tengligi
7. https://lex.uz/docs/6445145

Шарипов Б.Ш. *– Ёшлар ишлари агентлиги, бош мутахасси*
Хамидов Д.М. *–Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази, бош мутахасси*

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ

Бозор ислоҳотлари шароитида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Чунки меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқалигина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин.

Бандлик ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай давлатнинг асосий ва долзарб муаммоларидан биридир. Биринчи рақамли деб айтилаётган мазкур муаммони ҳал қилишнинг бирдан бир йўли янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборатдир[1].

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаол аҳоли таркибида иш билан банд аҳоли сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, аҳоли, жумладан ёшлар бандлигини таъминлашда олдимизга бир қатор долзарб масалаларни қўймоқда.

Мазкур йўналишдаги ишларни тизимлаштириш ва амалга ошириш мақсадида, бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор

[1] Матжонов, Б. Р. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари / Б. Р. Матжонов, Ф. Й. Юсупова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — № 29.3 (133.3). — С. 17-19.

йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон фармони[1], “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сонли қарори[2] қабул қилинди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори[3] қабул қилинди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли фармони[4] қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида “Маҳаллабай” ишлаш тизими бўлган – ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли штат бирликлари жорий этилди. Давлат бошқарувининг энг қуйи бўғини ҳисобланган маҳаллада “кичик ҳокимят” тузилмаси яратилиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳамкорликдаги функционал вазифилар белгилаб берилди.

2023 йил 25 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда бандликни таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йилги режалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда “Камбағалликни қисқартиришнинг асосий омили бу – аҳолини даромадли иш билан таъминлаш. Шунинг учун маъмурий ислоҳотлар доирасида камбағалликни қисқартиришга масъул 5 та идора яхлит тизимга айлантирилди. Янги вазирликка барча ташкилий ва молиявий имкониятлар берилди. Энди, меҳнат ресурслари ва ишсизлик ҳисобини юритиш ҳам, бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни маҳаллабай ривожлантириш ҳам битта вазирликда бўлади”, – деди Шавкат Мирзиёев[5].

Бу борада, республика бўйича 9 445 та маҳалла кесимида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизими, бевосита маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари орқали аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган маҳаллабай ва фуқаробай иш услублари айни дамда аҳоли мурожаатлари ва жамиятдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишда жамиятимиздаги барча соҳалар учун энг самарали йўл эканлиги ўз исботини кўрсатмоқда.

Ишсиз аҳоли таркиби таҳлил қилинганда, аксарияти меҳнат ва таълим билан банд бўлмаган ёшлар қатлами эканлиги ойдинлашмоқда. Бу эса, ўз

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон фармони
[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарори
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарори
[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-81-сонли фармони
[5] Интернет манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий саҳифаси https://president.uz/uz/lists/view/5839

навбатида ёшларнинг замонавий касб-ҳунарга ўқитиш борасида олдимизга бир қатор долзарб масалаларни қўймоқда. Жумладан, таълим ва меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли, айниқса ёшларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаолларига берилган ваколатдан доирасида кўмак кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланган.

Маҳаллабай ишлаш тизимининг асосий мақсади – маҳаллада ишсизлик даражасини бутунлай йўқ қилиш ва аҳоли даромадини янада оширишдан иборатдир.

Ривожланган давлатлар билан рақобатбардошлик хусусиятини ошириб боришнинг ижтимоий шарти — бошланғич бўғинлардаги оғриқли нуқталарни аниқлаш ва уни бартараф этишда жамоавий ёндашувларни ташкил этиш ҳисобланади.

Маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, унда ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унинг қисматини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлиги билан ўлчаш каби мезонлар мавжуд.

Ушбу тизим ўз навбатида, сиёсий чақирув ҳам ҳисобланади. Унга кўра ижтимоий-иқтисодий реформалар, ички ва ташқи ресурслар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар, турли идора ва ташкилотларнинг «фаолият йўлаклари» маҳаллалар кесимида ташкил этилади.

Шунинг натижасида айни вақтда юртимиздаги барча соҳалар фаолиятида ва кечаётган ўзгаришлар моҳиятида маҳаллабай сўзининг аҳамияти кундан кун ортиб бормоқда. Республикамиздаги барча ташкилот ва идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил этаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Маҳаллабай ишлаш, бу – барча соҳа мутасаддиларининг бир мушт бўлиб, маҳаллалардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишнинг янгича механизмидир.

Бизнинг фикримизча, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ эътилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- аҳоли бандлигини таъминлаш борасида маҳалла даражасидаги барча маълумотлар базасини интеграция қилиш;

- таълим ва меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли, айниқса ёшларнинг касбий кўникмалари, ҳудуднинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, истиқболли янги иш ўринларини яратиш чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аҳоли, айниқса ёшларнинг замонавий касблар ай-ти технологияларга ўқитилишини рағбатлантириш, доимий даромад манбаларига эга бўлишларига кўмаклашиш ҳамда ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига кўмаклашувчи ўқув марказлари фаолиятини рағбатлантириш чораларини кўриш.

Мазкур йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш орқали, аҳоли иш билан бандлигини ошириш, дастурий таъминотларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали масофавий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш имконини беради.

Суванова Д.Д. *– БТОМ, докторант*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Рақамли иқтисодиёт иқтисодий ривожланиш, экологик ва ижтимоий барқарорликка ҳисса қўшиши мумкин. Рақамли иқтисодиёт ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга, аммо у бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Рақамли технологиялар бир қатор соҳаларда ривожланишни рағбатлантириши мумкин:

-даромадни ошириш ва таннархни пасайтириш;

-бозорларни кенгайтириш ва янгиларини яратиш.

Бироқ, технологик ўзгариш суръати тезлашмоқда ва технологик ўзгариш кўпинча мавжуд қонунчиликни ортда қолдиради. Бундай шароитда асосий вазифа ижтимоий-иқтисодий тизимларни рақамлаштириш моделларини ишлаб чиқишдан иборат. Рақамли инқилобдан фаол фойдаланмаслик бир қатор ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар, жумладан, мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш истиқболлари, минтақавий рақобатбардошлик, юқори қийматга эга глобал ишлаб чиқариш занжирларига қўшилиш ва юқори малакалимеҳнатни жалб қилиш каби зарарли оқибатларга олиб келади. Ривожланаётган мамлакатларучун катта қийинчилик рақамли иқтисодиётнинг қолган қисми, қурилган рақамли инфратузилманинг асосий даражасини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да “.....иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш[1]”, “капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Бундан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувни жорий этишда қонунчилик-меъёрий базасининг такомиллаштириш, давлатнинг иштирокини камайтириб бориш, акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятининг мустақиллиги ва фонд бозорларида эркин ҳаракатларини таъминлаш, акциядорлик кенгашлари фаолиятини шаффоф ва бозор тамойиллари асосида қарорлар қабул қилишини таъминлаш, корпоратив бошқарувда инновацион ечимлар ишлаб чиқиш, акциядорлик жамиятларида ижро органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кузатув кенгашлари фаолияти самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий-услубий асослари ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни янада чуқурлаштириш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

муҳи аҳамиятга эга. Бироқ, корхоналарни бошқаришда ҳали ҳам эскирган маъмурий-режали ѐндашувлар сақланиб қолиниши оқибатида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув шартларини бажаришга расмиятчилик билан қараш, кузатув кенгашлари ва улар таркибидаги қўмиталарнинг фаолияти жамиятни стратегик ривожлантиришдаги роли деярли сезилмайди, аксарият кузатув кенгашлари аъзолари етарли билим ва малакага эга эмаслар. Бу эса, кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий мехнизмларни чуқур тадқиқ этиш бу бизнес субъектлар фаолиятида бошқарув жараёнларининг самарадорлигини янада оширишнинг долзарблигини белгилайди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги мавжуд ўзгаришлар, пост-индустриал тузилмага ўтиш рақамли иқтисодиётга хос бўлган бир қатор хусусиятлар билан бирга олиб борилади ва қуйидаги фикрларда намоён бўлади:

1. Ривожланишнинг энг муҳим шарти-иқтисодий самарадорликни ошириш учун фойдаланиладиган интеллектуал ҳаракатларнинг мавжудлиги. Ҳозирги кунда инвесторлар учун энг қулай компаниялар интеллектуал ресурсларга эга бўлган компаниялардир. Бу ерда таниқли мисоллар “Google”, “Uber”, “Booking” каби интернет-иқтисод вакиллари бўлиб, улар аслида жисмоний ҳаракатларсиз рақамли платформалар ҳисобланиб, уларнинг капиталлашувида кўплаб саноат гигантларини топишади.

2. Хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишда Клоуд Компутинг афзалликлари беқиёс ҳисобланади. Клоуд компутинг ҳозирги кунга қадар янги технологияларга мослаштирилган барча шакл ва ўлчов компаниялари билан ривожланмоқда. Ишлаб чиқаришда ушбу тенденция яқин йилларда янада ўсиб боради ва янада ривожланади. Булутли ҳисоблаш, шубҳасиз, ўрта корхоналар учун катта компаниялар учун жуда фойдали. Булутли ҳисоблаш, ишлатиш, сақлаш ва янгилаш учун энг арзон нархлардаги усулдир. Клоуд технологиялари дастурий таъминот, ҳисоблаш кучи, маълумотларни сақлаш ва фойдаланиш учун имкониятлар беради.

3. Ахборот-коммуникациянинг асосий воситаси интернет ҳисобланади. Кенг тармоқли интернет, мобил интернет, интернет дастурлари ва гаджетларнинг ривожланиши одамларнинг ижтимоий хаётида мулоқот қилиш усулини тубдан ўзгартириб юборди. Веб-сайтлар, рақамли платформалар, тезкор мессенжерлардан фойдаланиш олдиндан қўлланилган алоқа воситаларидан фойдаланишдан кўра анча самаралидир.

4. Маълумотлар алмашиш жараёнининг ривожланиши глобаллашувни тақаозо этади. Глобал маълумотлар узатиш тармоғи, бозорлар ва бошқа мамлакатлар технологияларига эга бўлмаган, фақат чекланган маҳаллий бозорларда фаолият юритишга ҳаракат қилувчи иқтисодий агентлар тор доирада чекланиб, глобал рақобат курашида қатнашмайдилар ва глобаллашувнинг кейинги босқичларида анча самарали фаолият юритувчи иқтисодий агентларнинг пайдо бўлишига замин яралади.

5. Рақамли иқтисодиёт глобал миқёсда ривожланишда давом этар экан, маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш ва сотиб олиш билан боғлиқ бозорга

қаратилган хатти-ҳаракатларнинг мисли кўрилмаган яқинлашуви жараёни авж олмоқда. Рақамли ўзгаришлар бозор хатти-ҳаракатларининг бир неча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Бозорларни баҳолаш ва бозор шароитларини ўрганиш бизнес учун қийинлашмоқда. Маркетинг стратегияси билан рақамли платформанинг интеграциялашуви даражаси иқтисодий агентлар фаолиятнинг самарадорлигини баҳолайди.

6. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакат учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун рақамли платформалар ва унга мос келувчи рақмли технологияларни ривожлантириш учун зарур инфратузилмани шакллантириш талаб этилади.

Бугунги кунда глобал иқтисодий ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчиси рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдир. Мақоланинг мақсади кашф етилган ахборот технологияларининг рақамли иқтисодиётдаги бошқарув жараёни ва корхоналар фаолиятининг ўзгаришига таъсирини ўрганишдир. Замонавий муаммоларга жавобан бошқарув функциялари ўзгаришига алоҳида еътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни бошқариш ва бошқарувни рақамлаштириш билан боғлиқ муаммолар барча даражаларда жуда долзарбдир. Рақамли трансформациялар нафақат ташкилотлар, балки давлат органлари фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Рақамлаштириш ташкилот натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш учун зарур бўлиб, айрим тармоқларда у ташкилот маҳсулоти ва ишлаб чиқариш стратегиясининг асосига айланади. Рақамли технологиялар таъсири остида бутунлай янги бизнес моделлар, ишлаб чиқариш занжирлари шаклланади, янги маҳсулотлар ва инновациялар пайдо бўлади.

Кўпгина корхоналар учун рақамлаштириш самарадорликни ошириш манбаи ва юқори рақобат муҳитида тез ўсиш имкониятидир. Шу билан бирга, рақамли технологиялар таъсирида мавжуд бошқарув моделлари ўзгариб бормоқда, алоқа формати ўзгармоқда, технологиялар ва ташкилий тузилмани ўзгартирадиган янги қадриятлар шаклланмоқда. Менежментнинг янги моделлари шериклик, мижозларга йўналтирилганлик, янгилик ва синергия тамойиллари асосида қурилиши керак. Буларнинг барчаси ушбу мавзуни ўрганиш долзарблигини белгилайди.

Ҳар йили рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш суръати тобора тезлашиб бормоқда, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги бир неча йил ичида рақамлаштириш билан боғлиқ туб ўзгаришлар юз берди: ўнлаб лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди; давлатнинг турли рақамли лойиҳаларга молиявий сармоялари ҳажми сезиларли даражада ошди; рақамли иқтисодиёт учун зарур бўлган ваколатларга эга бўлган кадрларни фаол тайёрлаш тиўзими шакуллантирилди.

Ташкилотни бошқариш самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган асосий рақамли технологияларни кўриб чиқамиз. Ривожланган рақамли

технологиялар кўплаб корхона ва ташкилотлар фаолиятида туб ўзгаришларни амалга оширмоқда. Уларнинг энг кенг тарқалгани ва аҳамиятлиси: Интернет буюмлар, виртуал ва кенгайтирилган воқелик, блокчейн ва сунъий интеллектни таъкидлаб ўтиш мумкин[1].

Буюмлар интернети, шунингдек саноат Интернет деб ҳам аталадиган бу "маълумотларни йиғиш, сақлаш ва алмашишни таъминлайдиган турли хил сенсорлар ва дастурий маҳсулотлар уланган бир-бирига боғланган компютер тармоқларининг кенг тўпламидир". Буюмлар интернети инсон аралашувисиз масофадан тўлиқ автоматлаштирилган бошқариш имкониятини беради.

Саноат Интернетидан фойдаланиб, турли хил интеллектуал бошқарув тизимлари орқали фақат дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда ва Интернетга уланган ҳолда, бутун мамлакат бўйлаб ёки ҳатто бутун дунё бўйлаб таркибий бўлинмалари бўлган улкан корпорациялар устидан назорат ва бошқарувни амалга ошириш учун қарорларни онлайн қабул қилиш мумкин. Буюмлар интернети - бу мослашувчан бошқарувни амалга ошириш қобилиятига эга автоматлаштирилган бошқарув тизимларини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичидир.

Бизнинг фикримизча, саноат Интернетидан корхона фаолиятида фойдаланиш икки бараварга, йирик корхоналар таркибида еса уч баравар ёки ундан кўпроғига операцион харажатларни камайтиришга имкон беради, бу еса самарадорликнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади. корхона ишлаб чиқариш жараёни ва уни бошқариш.

Нарсалар интернети корхона ичида қарорлар қабул қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган самарали воситага айланади. Таърифланган технологияни корхона фаолиятида қўллаш натижаси турли хил жиҳозлардан тармоқ шаклида фойдаланишга имкон берадиган бизнес моделларини ишлаб чиқиш бўлади. "Нарсалар интернети" ривожланиб бораверади ва вақт ўтиши билан ундан фойдаланиб, енг кўп меҳнат талаб қиладиган ва мураккаб бизнес-жараёнларни ўтказишга имкон берадиган, қўшилган корхоналар гуруҳларидан иборат бўлган турли хил ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимларини ривожлантириш мумкин бўлади. вақт ва ресурсларни сезиларли даражада тежаш туфайли онлайн ва виртуал ҳақиқатга, шу билан бошқарувни оптималлаштиришга имкон беради.

Биз кўриб чиқадиган навбатдаги рақамли технология Интернетнинг буюмлари билан чамбарчас боғлиқ - блокчайн. Блокчаин "бу марказсизлаштиришга асосланган технология"дир[2]. Блокчейн марказсизлаштириш асосида қурилганлиги сабабли, у саноат Интернетга аниқ ва мос келади.

Блокчайн технологияси бугунги кунда деярли барча саноат тармоқларида ва корхона ва ташкилотларнинг фаолият соҳаларида кенг тарқалган ва қўлланилмоқда, аммо у криптографик шифрлаш моделига асосланганлиги

[1] Бабанова Ю.В., Орлов В.М., Антонян Р.С. Гибкие технологии управления предприятием в условиях цифровизации экономики // Известия Волгоградского государственного технического университета. 2018. № 6 (216). С. 61–66.
[2] Бабанова Ю.В., Орлов В.М., Антонян Р.С. Гибкие технологии управления предприятием в условиях цифровизации экономики // Известия Волгоградского государственного технического университета. 2018. № 6 (216). С. 61–66.

сабабли молия соҳасида кенг тарқалган. Блокчейннинг оммабоплигини ушбу технология жуда кўп сонли блокларни шифрлаш орқали маълумотларни ишончли ҳимоялашни осонликча тушунтириш мумкин.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида юқорида тавсифланган воситалар самарали эканлигига шубҳа йўқ. Уларнинг самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқ:

- бошқарув қарорлари анча тезроқ қабул қилинади;
- тактик ва стратегик даражада хатолар эҳтимоли камаяди ва инсон омилининг таъсири даражаси пасаяди;
- харажатлар камаяди;
- ходимларнинг ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилишга бўлган қизиқишини оширади.

Бугунги кунда катта маълумотларни таҳлил қилиш тизими (Big data) фаол суръатлар билан ривожланмоқда. Тузилиши керак бўлган маълумотларнинг тез суръатлар билан ўсиб бориши туфайли рақамли иқтисодиёт тизимига жуда аниқ мос келади. Катта маълумотлар тизими ёрдамида биз бозор таҳлилини ўтказишимиз, истеъмолчиларнинг таклиф этилаётган маҳсулотларга бўлган қарашлари тенденцияларини ўрганишимиз ва харидорларни демографик, жинси, ёши ва бошқа хусусиятлари бўйича батафсил тузилишини амалга оширишимиз мумкин.

Бошқарувини замонавий шароитларга мослаштириш зарур. Мослашув жараёни асосий бошқарув функцияларини ўзгартиришни амалга оширишни ўз ичига олади (1-расм):

1	Мақсадни белгилаш	Рақамли иқтисодиётда менежерлар мақсадларни белгилашда тактика эмас, балки стратегия нуқтаи назаридан келажакка аниқ қарашлари керак. Менежерлар келажакни моделлаштиришга эътибор қаратиб, мавжуд тажрибани ўтмишдан келажакка кўр-кўрона кўчиришдан қочишлари лозим.
2	Таҳлил	Корхонанинг ички ва ташқи муҳитида юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиб, менежерлар форсайт-прогнозлардан фойдаланишлари лозим.
3	Режалаштириш	Агар менежерлар стратегия нуқтаи назаридан мақсадларни белгиласалар ва таҳлил қилишда форсайт-прогнозлардан фойдалансалар, унда режалаштириш жараёни келажакдан ҳозирги кунгача қурилади. Шу билан бирга, режалаштириш пайтида менежерлар келажакда режалаштирилган натижага эришиш учун ҳозир нима қилиш кераклиги ҳақидаги саволга аниқ жавоб олишлари лозим
4	Мотивация	Рақмлаштириш шароитида мотивацияда туб ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳожати йўқ
5	Назорат	Умумжаҳон рақамлаштириш шароитида инсон омили таъсирини минималлаштириш учун бошқариш функциясини автоматлаштирилган тизимларга ўтказиш мақсадга мувофиқдир.
6	Мувофиқлаштириш	Мувофиқлаштирувчи функция мослашувчан диспетчерлик тизими ёрдамида ташкилот ходимларининг жалб қилиш даражасини ошириш орқали амалга оширилиши мумкин.
7	Ташкил этиш	Рақамли иқтисодиёт таркибий бўлинмалар ва ходимларнинг масофавий фаолияти ўртасида сезиларли масофа мавжудлигини таъсирини бартараф этиш учун янги бизнес моделларини қуришни назарда тутади.

1-расм. Рақамлаштириш шароитида бизнесни бошқариш функцияларини мослаштириш[1]

Ҳеч шубҳа йўқки, катта маълумот тизимларидан фойдаланиш айнан мижозларга кучли боғлиқ бўлган соҳаларда энг катта самарани беради: савдо, кўчмас мулк ва молия соҳалари.

Бизнинг фикримизча, кенгайтирилган ҳақиқат технологияси аввалги иккитадан кам бўлмаган қизиқарли технологиядир. Кенгайтирилган ҳақиқат технологиясидан ходимларнинг лойиҳалаштириш ва малакасини ошириш учун фаол фойдаланилмоқда. Кенгайтирилган ҳақиқат технологияси прототиплар ва маҳсулот намуналарининг сифатини, вақт ва харажатларни қисқартириш орқали олиб борилаётган тадқиқотлар ва ишланмалар самарадорлигини яхшилайди.

Сунъий интеллектга асосланган рақамли технологиялар юқори менежментни доимий қўллаб-қувватлаш орқали ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришишга ҳисса қўшади. Рақамлаштириш шароитида корхона Юқорида айтилганларни умумлаштириб, хулосага келишимиз мумкинки, юқорида тавсифланган, рақамли иқтисодиёт ривожланиши натижаси бўлган технологиялар глобал характерга эга. Рақамли технологиялардан тўғри фойдаланиш билан улар корхоналарни бошқариш сифатини сезиларли даражада яхшилайдиган самарали воситага айланиши мумкин. Аммо, мамлакатимиз ҳали фаол рақамлаштиришга киришган давлат эмаслигини унутмаслик керак, бунга фақат 2025 йилгача эришиш режалаштирилган. Бинобарин, бошқарув самарадорлигини ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш салоҳияти янада ошади.

Барча трансформация жараёнларининг мақсади жараёнларнинг мантиғини ўзгартириш, ташқи муҳитнинг турбулентлиги ва ноаниқлигини ҳисобга олиш, рақамли технологик ечимлардан фойдаланиш асосида ташқи шароитдаги ўзгаришларга мослашиш қобилиятини ҳисобга олиш, шунингдек имкониятларини кенгайтиришдир. катта маълумотларни таҳлил қилиш ёрдамида.

Дарҳақиқат, бундай ўзгариш катта маълумотлар аналитикаси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш асосида қуриладиган бошқарув қарорларини ўзгартиришни талаб қилади. Шуни таъкидлаш керакки, тез ўзгарувчан ташқи муҳит доимий ўзгаришларга, шу жумладан барча иш жараёнларини "нозик созлаш" туфайли доимий шароитда доимий фаолиятни амалга ошириш имконияти доирасида тезкор жавоб беришни талаб қилади. корхонанинг доимий ҳаётий цикли.

Ушбу жараён қуйидагилар билан тавсифланади:

- асосан маҳаллий таркибий қисмлардан иборат ишончли етказиб бериш занжири мавжудлиги;

- корхонани бир мунча вақт автоном режимда ишлашига имкон берадиган бизнес жараёнларини юқори даражада ташкил этиш;

[1] Муаллиф ишланмаси

- ишлаб чиқариш хавфсизлигининг юқори даражасини, шу жумладан иш жараёнига зарар етказмасдан ходимларнинг ижтимоий узоқлашиш имкониятини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришни роботлаштириш, яъни, ишчиларни мажбурий равишда изоляция қилиш ҳолатларида инсон иштирокисиз ишлаш имконияти (масалан, пандемия) ва бошқалар.

Рақамли трансформация, ҳар қандай ўзгаришларни бошқариш каби, барча бизнес жараёнларни қайта форматлашга олиб келадиган хатарларни ҳисобга олиши керак. Хавфни камайтириш бошқариш жараёнларига охир-оқибат технологияларни, аввалambор, катта маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни жорий қилиш орқали мумкин. Ушбу жараён, бизнес-жараёнларнинг маълумотлар базасини шакллантириш имкониятидан ташқари, вазиятнинг мумкин бўлган ривожланишини ҳисобга олишга имкон беради, бу эса ўз навбатида профилактика чораларини кўришга имкон беради. Дарҳақиқат, реао ҳолат баъзида математик моделга қараганда анча хилма-хил бўлиб, буни глобал иқтисодиётнинг аксарият қисмига таъсир қилган ковид пандемияси кўрсатди. Шу билан бирга, катта маълумотларни таҳлил қилиш мумкин бўлган хавфларни зарарсизлантириш бўйича профилактика чораларини ишлаб чиқишда катта ёрдам бериши мумкин.

Агар биз барқарор рақамли трансформация ҳақида гапирадиган бўлсак, бошқарув қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1) барча ахборот-коммуникация тизимларининг юқори сифати ва тайёрлиги;

2) корхона ичидаги барча маълумотлар бошқарувнинг барча даражаларида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлишини назарда тутадиган маълумотларни синхронлаштириш;

3) операцион моделни, ташкилий тузилмани ва ички жараёнларни янги талабларга жавоб берадиган даражада ўзгартириш (қарорларни фақат таҳлил асосида ва реал вақтда қабул қилиш).

Шубҳасиз, рақамли трансформациянинг ушбу асосий хусусиятлари тезкор бошқарув қарорлари зарурлиги сабабли компанияларда бошқарувни марказсизлаштиришга олиб келади.

Рақамли трансформация шароитида ясси ташкилий тузилма энг самарали бўлади, бу компаниянинг алоҳида бўлинмаларининг катта мустақиллигини англатади. Республика корпоратив ташкилотларида узоқ вақт давомида ягона модел қатъий марказлаштирилган бошқарув тузилиши бўлиб, шу билан бирга, қарор қабул қилиш тезлигини ошириш муаммолари компанияларнинг ташкилий тузилишини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Рақамли технологияларни жорий этиш туфайли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янада мослашувчан усуллари (масалан, виртуал ва кенгайтирилган ҳақиқат, шунингдек, 3Д моделлаштириш орқали), уларни бозорга киритиш (катта маълумотлар таҳлили) ва таъминот занжирини оптималлаштириш мумкин бўлади. Рақамли трансформацияларнинг асосий воситалари:

1) реал вақт режимида маълумотларни таҳлил қилиш асосида ташқи муҳитнинг турбулентлиги ва истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда янги бизнес моделларини яратишга имкон берадиган рақамли бизнес моделларини шакллантириш. Рақамли бизнес модели асосий параметрларнинг (таъминот, шериклар, харажатлар таркиби, тарқатиш каналлари) тез ўзгариши туфайли эгилувчан бўлиб, ташқи шароит ўзгаришига тезроқ жавоб бериш туфайли компаниянинг рақобатдошлигини оширади;

2) операцион моделни рақамли технологиялардан фойдаланишга ўтказиш. Рақамли технологиялар компаниянинг бизнес-жараёнларини оптималлаштиришга, мавжуд ваколатлар ва ресурслардан тўлиқ фойдаланишга имкон беради;

3) компаниянинг бизнес-жараёнларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш. Бу бизга келажакда компаниянинг ўсиш нуқталарини аниқлашга ва фаолиятни ютуқ йўналишларига ресурсларни жамлашга имкон беради. Платформали ечимларни ишлаб чиқиш орқали маҳсулотни ишлатиш жараёни, шунингдек уни тарқатиш соддалаштирилади.

Умуман олганда, рақамли трансформация стратегияси уч босқичда амалга оширилиши мумкин.

1. Технологик аудит ва технологик бизнес ечимлари орқали иш жараёнлари самарадорлигини оширишнинг асосий параметрларини ҳисоблаш.

2. Рақамли техлогияларни мукаммал даражада жорий этиш учун ишалаб чиқариш жараёнлари ва таркибий тузилмани қайта ташкил этиш.

3. Ўз рақамли корпоратив бошқарув тизимини яратиш ва уни умумий ташқи рақамли маконга изчил интеграция қилиш.

Биринчи босқич доирасида ташкилот аниқ мақсадларни белгилаш, уларга эришиш учун зарур бўлган ресурсларни тақсимлаш ва қарор қабул қилишда юқори даражадаги автономияга эга гуруҳларни шакллантириш ва улар учун жавобгарлик билан ажралиб туради.

Иккинчи босқич ташкилотнинг операцион модели контурини ўзгартиришни ўз ичига олади. Масалан, кўплаб корхоналар баъзи ходимларини узоқдан иш форматига ўтказилиши мумкинлигини тушуниб етишди, бу эса корхона харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Шундай қилиб, компаниянинг бизнес жараёнларида, унинг ташкилий тузилмасида ўзгаришлар юз беради. Эҳтимол, ходимларнинг масофадан ишлашга ўтказилиши сабабли компания биноларининг бир қисми кераксиз бўлиб қолиши мумкин, бу еса ўз навбатида иш жойини ташкил этишга ёндашувни ўзгартиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, капитални ошириш мақсади бизнес ва бошқарувнинг умумий вазифаси экан, унинг ҳозирги вақтда самарали тузилмаси сифатида тан олинган бизнес бошқарувининг инсоният тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда мукаммаллаштириш маълум бир шарт-шароитлар чегарасида бизнес муҳитнинг ривожланишига таъсир этувчи омил эканлиги асосланди. Иккинчидан, рақамли трансформациянинг анъанавий автоматлаштирилган тизимдан фарқи самарадорликнинг кескин ошишида ҳисобланади. Шунинг учун трансформацияни муваффақиятли амалга

ошрилиши, одатда янги бизнес моделларни яратилишига олиб келади. Шунингдек, корхоналарда корпоратив ахборот тизимларини жорий этилиши ёки модернизация қилиниши бўйича амалга оширилган ҳар қандай лойиҳани ҳам рақамли трансформация деб бўлмайди. Учиничдан, рақамлаштирилган бизнес моделларининг рақобатбардошлигини асосий параметри – янги маҳсулотни тезда бозорга (time to-market) чиқаришдир. Замонавий бизнес моделларининг энг муҳим вазифаси ҳар қандай жойда ва ҳар қандай вақтда мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун рақамли муҳитдан фойдаланиш, турли кўрсаткичлар ва маълумотларнирақамли ва жисмоний алоқа каналларининг барчасида синхронлаштиришдан иборатдир ва тўртинчидан, замонавий бизнес бошқаруви самарадорлиги рақамли моделларнинг изчиллигига ижодий ёндошишга асосланган бўлиши керак, бу уларни йўқ қилиш ва янгиларини яратиш имкониятларини истисно этмайди. Ақлий моделларни унинг фаолияти чегараларини белгиловчи компаниянинг моҳияти сифатида кўриб чиқиш керак: компания чегаралари, менталитет чегаралари, имкониятлар чегаралари, ҳам ички, ҳам интеллектуал қобилиятлардан фойдаланишнинг компаниянинг синергетик таъсирига эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Истомина Е.А. Оценка трендов цифровизации предприятия // Вестник Челябинского государственного университета. – 2018. -№12 (422). – С. 108-116.
2. Капранова Л. Д. Цифровая экономика в России: состояние и перспективы развития // Экономика. Налоги. Право. 2018. № 2. С. 58-69.
3. Карнаухов С.«Эффективность корпоративных структур» / РИСК №1-2, 2000, стр. 4; Храброва И.А. «Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика» М., 2000 198 стр., стр64.
4. Косолапова М. В., Свободин В. А. Методологические вопросы системно-цифровой экономики: взаимосвязь системной и цифровой экономик // Мягкие измерения и вычисления. 2019. № 6. С.13-19.
5. Кудрявцева Е. И. Когнитивный менеджмент. Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2013.
6. Масленников В.В., Ляндау Ю.В., Калинина И.А. Формирование системы цифрового управления организацией // Вестник Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. – 2019. - №6 (108). - С. 116-123.
7. Суюнов Д., Кенжабеав А. ва бош. “Электрон тижорат” “brok class servis” МЧЖ босмахонасида чоп қилинган. Дарслик. 2023 йил. 298 бет.

***Kurbonov S.A.** – BTOM, mustaqil tadqiqotchi*

SUG'URTA BOZORINING RAQAMLI TRANSFORMASIYASI

Sug'urta bozori raqamli texnologiyalarga o'tayotgani sababli tobora kuchayib bormoqda. Sug'urta sanoatining o'sishi kompaniyalarga butun dunyo bo'ylab axborot

xavfsizligini taklif qiluvchilar bilan raqobatlashish imkoniyatini beruvchi raqamli sug'urta texnologiyalarini samarali joriy etishga bog'liq. Maqolada raqamli texnologiyalar ta'sirida sug'urta sektorining evolyutsiyasi bilan bog'liq dolzarb tashvishlar ko'rib chiqiladi. Insho sug‘urtalanganlar himoyasini yaxshilash va raqamli iqtisodiyotda sug‘urta sanoatini rivojlantirish maqsadida raqamli texnologiyalarni sug‘urta sektoriga integratsiya qilishni davom ettirishning ahamiyatini ko‘rsatadi. Mualliflar moliyaviy sektorning barqaror va samarali o'sishi raqamli sug'urta yaratilishiga olib kelgan degan xulosaga kelishdi.

Zamonaviy moliya bozorida raqobatda muvaffaqiyatga erishish uchun faqat axborot tizimlaridan foydalanish mumkin. Ulardan foydalanish yangi mijozlarni jalb qilish, sug'urta kompaniyasining xarajatlarini kamaytirish, aktuar hisobini yanada aniqroq olib borish imkonini beradi. Aksariyat sug'urta mahsulotlari mijozning sodiqligining pasayishiga xosdir. Mijoz ko'pincha sug'urtalovchining aniq chegirmalariga, xizmat ko'rsatish sifatiga yoki zararni qaytarib olish samaradorligiga bog'liq emas. Bir sug'urtalovchini boshqasi bilan almashtirish birinchi navbatda sug'urta mahsulotining narxi bilan bog'liq. Ammo hozirgi vaqtda o'sha sug'urtalovchi mijozga ko'proq yo'naltirilgan va mijozlarning ehtiyojlarini qondiradigan yutadi. Zamonaviy dunyoni texnologik echimlarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi, shuning uchun axborot tizimlaridan kengroq foydalanish imkoniyatiga ega bo'lgan sug'urta kompaniyalari o'sishni boshdan kechiradi. Ishda sug'urta biznesida axborot texnologiyalaridan foydalanishning asosiy yo'nalishlari bo'yicha tadqiqotlar keltirilgan. Shuningdek, sug'urta kompaniyasining axborot tizimi doirasida sug'urtalovchining biznes-jarayonlarining o'zaro aloqadorligining mumkin bo'lgan sxemasi ko'rsatilgan.

So'nggi yigirma yil ichida umumiy tarzda " InsurTech startapi " deb ta'riflangan texnologik startapning bir turi sug'urta sektorida sezilarli bozor ulushini qo'lga kiritdi. Investitsiyalar 2011-yildagi 130 million dollardan 2015-yilda 2,7 milliardga yetdi. Kelgusida InsurTech platformalarining o‘sishi ko‘zda tutilmoqda, bu mablag‘ yig‘ishni 2016-yildagi 175 milliard dollardan 2021-yilda 235 milliard dollarga yetkazadi. Investitsiyalarni joylashtirish bir xilligini ko‘rsatadi. global miqyosda: barcha investitsiyalarning 46 foizi Qo'shma Shtatlarga, 40 foizi EMEA mintaqasiga (Yevropa, Yaqin Sharq, Afrika) va 14 foizi Osiyo-Tinch okeani mintaqasiga to'g'ri keladi, bu esa keyingi mintaqalarda progressiv o'sish istiqboliga ega. keyingi bir necha yil ichida. InsurTech investitsiyalarining aksariyati hayotdan tashqari bo'limda, xususan, sog'liqni saqlash va motor segmentlarida innovatsiyalarga qaratilgan. Shu bilan birga, hududlar bo'yicha diversifikatsiya o'sib bormoqda va agar investitsiyalar birinchi navbatda marketing va tarqatishda jamlangan bo'lsa, ular hali ham ustun bo'lib qolsa, endi ular talab bo'yicha tahlil va anderrayting sohasidagi echimlarga, ya'ni sotilgan siyosatlarni tanlash va xavflarni baholashga qaratilgan. polis egalariga. Ushbu tendentsiya sug'urta qiymati zanjirining barcha bosqichlariga va hatto hayotdan tashqari bo'linmaga qaraganda turli sug'urta sektorlariga aralashishdir.

Amaldagi kompaniyalarni yangi boshlanuvchilardan ajratib turadigan asosiy farqlar asosan bozorga yondashuv, sug'urtalovchi va sug'urta kompaniyasi o'rtasidagi o'zaro munosabatlar turi va ko'rsatilayotgan xizmatning xususiyatlari bilan bog'liq.

Marketing yondashuvi qabul qilingan. sug'urta kompaniyalari tomonidan mahsulotga yo'naltirilgan deb ta'riflanishi mumkin, chunki ular raqobatchilarga qaraganda yaxshiroq mahsulotni taklif qilishga qaratilgan. Sotuvchi va iste'molchi o'rtasida bilvosita aloqa o'rnatiladi; xizmatlar ko'rsatish asosan mahsulotni ishlab chiqishga va keyingi bosqichda uni tarqatishga qaratilgan. Boshqa tomondan, startaplarning marketing maqsadlari jarayonga yo'naltirilgan. Mahsulotni qabul qilishda eng yaxshi tajribani taqdim etishga e'tibor qaratiladi. Bunday holda, iste'molchi bilan munosabatlar to'g'ridan-to'g'ri bo'ladi. Jarayonlarni avtomatlashtirish ko'proq ulanish imkonini beradi: vaqt, joy va mijozlar ehtiyojlarini optimallashtirish uchun tarqatish chat-botlar va robo -maslahatchilar orqali ham amalga oshirilishi mumkin. Xizmat ko'rsatish asosan mahsulot haqidagi ma'lumotlarni kerakli odamlarga kerakli vaqtda va to'g'ri joyda tarqatishga qaratilgan. InsurTech kompaniyalari mijozlar tajribasiga asoslangan innovatsion va moslashtirilgan mahsulot va xizmatlarni ilgari surish uchun ma'lumotlarni tahlil qilish asosida qaror qabul qilish jarayonlarini qabul qila oladi. Mijoz sayohatining barcha bosqichlari va qiymat zanjiri InsurTech fenomeniga ta'sir qilishi mumkin. Haqiqatan ham, raqamli innovatsiyalarning so'l tendentsiyasi sektorda ancha barqaror holatga olib keladi, bu erda har bir qiymat taklifi turli o'yinchilarga tegishli bir nechta modullar to'plamining integratsiyasiga aylanishi mumkin. Shu bilan birga, distribyutor, yetkazib beruvchi (ba'zan boshqa sektordan), sug'urtalovchi va qayta sug'urtalovchining klassik rollari o'rtasidagi chegaralar tobora xiralashib bormoqda. Kontekst sug'urta sektorini tavsiflovchi yuqori darajadagi tartibga solishga qaramay, InsurTech ning yanada o'sishiga yordam beradigan ko'rinadi.

Aksincha, kirish to'siqlarining mavjudligi Google, Facebook va Amazon kabi global raqamli gigantlarning bozorga kirishiga to'sqinlik qiladi. Kuchli ustun mavqega ega bo'lgan o'yinchilarsiz, sektor asta-sekin va keng miqyosda rivojlanish imkoniyatiga ega bo'lib, InsurTech kompaniyasiga mablag ' to'plash va yangi echimlarni ishlab chiqish uchun vaqt va joy beradi. InsurTech startaplari odatda aniq sohalarga yo'naltirilgan va deyarli butunlay sug'urta sektoridagi innovatsiyalarga bag'ishlangan texnologik mazmunga boy juda chiziqli biznes modellarini qabul qiladi. Ko'pchilik sun'iy intellektdan, xususan, mashinani o'rganishdan foydalanadi va katta ma'lumotlarni tahlil qilish va qayta ishlash uchun katta imkoniyatlarga ega. Muhim raqamlashtirish tufayli, bu startaplar an'anaviy kompaniyalarga qaraganda bozor taqdim etayotgan imkoniyatlardan tezroq foydalana oladi. Shunday qilib, ular ko'pincha innovatsiyalarga intiladigan va hurmat qiladigan madaniyatga va ularni sektor o'zgarishida qutbli pozitsiyaga qo'yadigan mentalitetga ega. Bozorga kirishning dastlabki bosqichlarida InsurTech startaplarining innovatsion biznes modeli “ raqamli uzilish” deb nomlangan jarayon tufayli ular amaldagi kompaniyalar uchun xavf tug'diradimi yoki yo'qmi, degan xavotirlarni uyg'otdi. Biroq, startap duch kelishi mumkin bo'lgan qiyinchiliklar ko'p, shuning uchun sug'urta sohasidagi ba'zi texnologik tashabbuslar muqarrar ravishda muvaffaqiyatsizlikka uchraydi. Kamchilik omillari bozorni yaxshi bilmaslik, tegishli biznes modelining yo'qligi, shuningdek, sug'urta sohasida ko'plab murakkabliklar va yuqori darajadagi texnik tarkib bilan tavsiflangan yuqori raqobat darajasi bilan bog'liq. Agar yangi o'yinchilar odatda mijozlar tajribasi,

jarayonlarni soddalashtirish va tezligi bo'yicha kuchli ko'nikmalarga ega bo'lsa, an'anaviy kompaniyalar ushbu sohaga kirgan raqobatchilarga nisbatan sezilarli ustunlikka ega.

Sotish va tarqatish, shubhasiz, texnologik evolyutsiyadan eng ko'p ta'sirlangan qiymat zanjiri tarkibiy qismlaridir. Raqamli texnologiyalarni qo'llash xizmatlarni etkazib berish jarayonini, ulardan foydalanish usullarini va shuning uchun mijozlar bilan munosabatlarni tubdan o'zgartirdi. Aloqa usullarini yangilash va savdo faoliyatini yaxshilash maqsadida sug‘urta kompaniyalari asosiy e’tiborni mobil ilovalar, veb-saytlar va asosiy ijtimoiy tarmoqlardagi rasmiy sahifalar dizayniga qaratadi. Ular, shuningdek , yuqori texnologik tizimlar bo'lgan chat-botlar va robo -maslahatchilar orqali tarqatish usullarini va mijozlar bilan munosabatlarni boshqarishni amalga oshirishga harakat qilmoqdalar .

Raqamlashtirish tufayli o'zaro aloqa vaqtini qisqartirish orqali sug'urta kompaniyalari xarajatlarni kamaytirish va yaxshi narx siyosati orqali o'z samaradorligini oshirishlari mumkin. Bundan tashqari, ular mijozlar bilan munosabatlarni sinchkovlik bilan boshqarish tufayli bozor ulushlarini birlashtirishi kengaytirishi mumkin. Shu munosabat bilan shuni ta'kidlash kerakki, sug'urta xizmatlarini taqsimlash sug'urtalovchi va mijoz o'rtasidagi yaqin hamkorlikni nazarda tutadi, bu esa etkazib berish jarayonining ajralmas qismiga aylanadi.

Adabiyotlar ro‘yhati:

1. Civil Code of the Republic of Uzbekistan. 1996 (with changes and additions).
2. Kvon G M, Faleeva L V, Pyrkova G K, Alyakina D P, Mustafina A A, Kryukova N I, Blekus V V 2017 Eurasian Journal of Analytical Chemistry 12(7) 1099–1106
3. Sayfudinova N Z, Safiullin M R, Safiullin A R, Zainullina M R 2016 Journal of Economics and Economic Education Research 17(2) 334–346
4. Law of the Republic of Uzbekistan No. 358-II "On Insurance Activity". April 5, 2002 (as amended and supplemented).
5. Orlanyuk-Malitskaya L.A. Insurance: Textbook / L.A. Ornalyuk-Malitskaya. - M .: Yurayt, 2010 .-- 828 p
6. Mulaydinov, F., & Nishonqulov, S. (2021). Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda axborot texnologiyalarining orni-The role of information technologies in the development of the digital economy.
7. Farxodjon ogli, N. S., & Odil ogli, R. B. (2021). Raqamli iqtisodiyot almashinuvining resurslar sarfiga sakkizta tasiri. *Boshqaruv va etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali*, *1*(1), 53-56.
8. Ogli, N. S. F., & Ogli, R. B. O. (2021). The Digital Economy is The Basis For Forming A Favorable Investment Environment. *Eurasian Scientific Herald*, *1*(1), 1-5.
9. Ogli, N. S. F., & Ogli, R. B. O. (2021). In The Context of Developing the Digital Economy Modern Forms of Employment. *Eurasian scientific herald*, *1*(1), 11-16.
10. Shohruh, N. (2022). Development of small business and private entrepreneurship in the economy of the republic of Uzbekistan. *Results of National Scientific Research*, *1*(2), 216-221.

11. Shohruh, N. (2022). Uzbekistan economy: specific inter-related opportunities in energy, it and agriculture. *Involta Scientific Journal*, *1*(6), 538-544.
12. Shohruh, N. (2022). The evolution of economic analysis in Uzbekistan and digital economy features. *Boshqaruv va etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali*, 64-67.
13. Shohruh, N. (2022). Fintech and access to finance. *Innovative development in the global science*, *1*(1), 147-155.
14. Shohruh, N. (2022). A literature analysis of blockchain technology applications for industry 4.0. *Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali*, 85-90.

Норкулов С.Т. *- БТОМ, мустақил изланувчи*

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ

Б. Блум таксономияси воситасида баҳолаш ўқиш жараёнида талабалар ва тингловчиларни билим ва кўникмаларни қай даражада ўзлаштирганликларини баҳолаш имконини беради. Масалан, VR (виртуал реаллик) ва AR (қўшимча реаллик) технологиялари асосида ўқитиш натижаларини баҳолашда билимларни ўзлаштиришнинг сифати уларни қўллаш даражасига қараб амалга оширилади. Чунки, мазкур технологиялардан аниқ олинган вазиятларда ҳаракатларни юқори реалликда амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мақсадида фойдаланилади.

Таълимнинг самарадорлигини Блум модели бўйича баҳолашда билими баҳоланаётганларга 6 турдаги топшириқлар бажариш учун навбати билан берилади. Бунда ҳар бир топшириқ Блум таксономияси бўйича билимларни ўзлаштиришнинг маълум турини (эслаб қолиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, синтез, баҳолаш) акс эттиради. Ушбу тошириқларни таълим ташкилотининг ўзида, ўрганилган фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ходим қанча кўп топшириқни бажарса, унинг билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси шунчалик юқори ҳисобланади, демак, уни ўқитиш самараси юқори бўлди. Мазкур топшириқларни бажариш натижалари асосида раҳбариятга жорий этилган рақамли технологиялар анъанавий форматга қараганда маълумотларни юқори даражада ўзлаштириш имконини бердими ёки бермадими, шу ҳақда маълумот тақдим этиш имконини беради[1].

Немис олими О. Заваски-Рихтер Делфи эксперт баҳолаш усули асосида кўрилаётган соҳадаги тадқиқотларни таснифлаш схемасини таклиф қилди. У Ахборот технологияларига асосланган таълимнинг 3 даражасини ажратиб кўрсатди:

– макротизимлар ва назария (тенглик ва этика; таълимни глобаллашуви ва кроссмаданий жиҳатлар; ўқтиш тизимлари ва муассасалар; назария ва моделлар; тадқиқотлар ва билимларни узатиш усуллари);

[1] Казакова Марина Ильинична Селиванова Татьяна Владимировна Оценка эффективности обучения персонала в условиях цифровизации//Вестник Кемеровского государственного университета. – Кемерово, 2022. - № 4. – С. 435-443.

– мезобошқариш, ташкил қилиш ва технологиялар (бошқариш ва ташкиллаштириш; харажатлар ва фойда; таълим технологиялари; инновациялар ва ўзгаришлар; профессионал ривожланиш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш; таълим олувчиларни қўллаб-қувватлаш хизматлари; сифатни таъминлаш);

– микроўқтиш ва таълим (педагогик дизайн; ўқув жамиятларидаги ҳамкорлик ва мулоқот; таълим олувчиларнинг тавсифлари)[1].

В.Годин ва А.Терехованинг хулосасига кўра, ахборот-коммуникация технологияларининг таълимга ва таълим муассасаларига, уларнинг трансформациясига таъсири учта йўналишга боғлиқ:

* педагогика;

* таълим муассасаларининг инфратузилмаси;

* ўқув жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш[2].

Eurydice ахборот тармоғи Европада таълим тизимларининг ташкил қилинишини тадқиқ қилади. Унинг “Европа мактабларида рақамли таълим” мавзусидаги ҳисоботида рақамли мактаб таълимининг қиёсий таҳлили келтирилган бўлиб, унда, жумладан, европанинг кўпчилик мамлакатларида мактаб даражасида рақамли таълим стратегияларининг мавжудлиги, аммо, ушбу стратегияларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнларининг кенг тарқалмаганлиги эътироф этилган[3].

Халқаро амалиётда таълим муассасаларининг раққамлаштириш даражасини рейтинг тизими орқали баҳолашга катта эътибор қаратилмоқда. Олий ўқув юртларининг халқаро рейтингларини пайдо бўлиши олий таълимнинг глобаллашув тенденциясини акс эттиради.

Бир гуруҳ экспертларнинг фикрига кўра, олий ўқув юртларининг халқар рейтингининг аҳамиятини ошиши уни рақобат кураши ва таълим сиёсатининг инструментига айланганлиги билан боғлиқ, чунки, халқаро рейтинглар давлат сиёсатига, талабаларнинг танловига таъсир этади ва сифат ўлчови сифатида қабул қилинади. Натижада, дунё миқёсида университетлар ўртасида интенсив рақобатни яратади[4].

Ҳақиқатдан ҳам, дунёнинг энг илғор 100 та университети таркибига кириш учун университет аниқ кўрсаткичлар асосида ҳисобланадиган юқори халқаро рейтингга эга бўлиши керак.

Турли индикаторларнинг комбинациясига асосида тузилганрейтинглар университетнинг расмий мақоми, репутацияси ва тарихига асосланган ижтимоий тасаввурларга қараганда объектив баҳо беради[5].

Университетларнинг биринчи халқаро рейтинги бўлиб, “Дунё университетларининг академик рейтинги (ARWU)” деб номланган Шанхай

[1] Zawacki-Richter, O. Research areas in distance education: a Delphi study//International Review of Research in Open and Distance Learning. – 2009. – V. 10, No. 3. https://doi.org/10.19173/irrodl.v10i3.674.

[2] Годин В.В., Терехова А.Е. Современный опыт цифровизации образования//Вестник Государственного университета управления.- Москва, 2021.- № 4. - С. 37–43.

[3] European Commission. Digital Education at School in Europe. Eurydice Report [Электрон. ресурс]. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2019. 151 с. Режим доступа: https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/ eurydice/sites/default/files/en_digital_education_n. pdf. (Дата обращения: 10.01.22).

[4] Балацкий, Е. В. Международные рейтинги университетов: практика составления и использования / Е. В. Балацкий, Н. А. Екимова // Экономика образования. – 2012. – № 2. – С. 67–80.

[5] Bekhradnia, B. International University Rankings: For Good or Ill? Higher Education Policy Institute / B. Bekhradnia. – Oxford : Oxuniprint, 2016. – 30 p.

рейтинги ҳисобланади. Унинг баҳолаш методикасида қуйидаги муҳим кўрсаткичлардан фойдаланилади:

* Нобель мукофотини олган битирувчилар ва ходимлар сони;

* Филдс бўйича медаллар олган битирувчилар ва ходимлар сони;

* “Clarivate Analytics” томонидан танлаб олинган “Nature” ва “Science” журналларида эълон қилинган мақолаларга қилинган иқтибослар;

* аҳоли жон бошига тўғри келадиган университетлар сони1.

“The Times Higher Education World University Rankings” халқаро рейтинги университетларни қуйидаги 5 йўналишдаги 13 та кўрсаткич бўйича баҳолайди:

*ўқитиш (таълим муҳити);

* илмий тадқиқотлар (ҳажм, даромад ва репутация);

*иқтибос келтириш (втадқиқотларнинг таъсири);

*халқаро истиқболлар (персонал, талабалар ва илмий лойиҳалар;

* тармоқ даромадлари (билимларни узатиш)2.

Дунёдаги учинчи етакчи халқаро рейтинг тизими бўлган “Quacquarelli Symonds World University Rankings” тизими университетларнинг рейтингини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади:

* таълим муассасасининг репутацияси;

*тадқиқотчиларнинг нашрларига иқтибос келтириш индекси;

* PhD ва DSc илмий даражарига эга бўлган ходимларнинг улуши3.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёш олимларнинг тажрибасизлиги, хорижий журналларнинг нуфузи ва сифатини яхши билмаслиги, юқори рейтингли, Q1 ва Q2 квартилга эга бўлган журналларга мақола тайёрлаш тажрибаси етишмаслиги оқибатида, баъзи ҳолларда, улар томонидан «йиртқич» хорижий журналларда илмий мақолаларнинг чоп этилганлиги, кейинчалик ушбу журналлар Scopus маълумотлар базасидан чиқариб ташланганлиги салбий ҳолатлар ҳисобланади.

Eurasianet.org Ўзбекистон академиклари чет элда нашр этаётган мақолаларнинг 98 фоизи обрўси йўқ журналларда чиқади, деб ҳисоблайди.

Унинг хулосасига кўра, ўзбекистонлик олимлар "йиртқич" журналлар - ноширларга берилиб кетишмоқда. Улар яхши ҳақ эвазига тенгдошлар назорати ёки таҳрир қилиш каби энг яхши тажрибаларга эътибор бермайди. Кўпгина тадқиқодчилар, агар тўлов суммаси баландроқ бўлса, мақолаларини тез-тез чоп этишга ҳаракат қилади. Бу нарса шуни кўрсатадики, ўзбек олимлари тадқиқотларни тарқатишда жаҳон етакчиларидан бири.

Эшчанов ва унинг ҳамкасблари бу "псевдо-тадқиқот"нинг кенг тарқалишини кузатиб, Ўзбекистондаги муаммолар бири маҳаллий, бири глобал бўлган иккита кучдан келиб чиққанини аниқлаган.

Биринчидан, маҳаллий куч - бу бюрократлар. Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги академиклардан "илмий мавқеини сақлаб қолишни, тенгдошлари билан

[1] About Academic Ranking of World Universities. – Electronic text data. – Mode of access: http://www.shanghairanking.com/aboutarwu.html (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.

[2] The World University Rankings 2020: methodology. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.timeshighereducation.com/ world-university-rankings/world-universityrankings-2020-methodology (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.

[3] What is the QS World University Rankings? – Electronic text data. – Mode of access: https://www.qs.com/rankings (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.

рақобатбардошликни сақлашни ва юқори лавозимларни эгаллашни" хоҳласа, тез - тез ўз мақолаларини нашр этилишини талаб қилади. Аттестация комиссиясининг "амалда имконсиз" талабларидан бири шундаки, докторантлар камида 10 та мақола (шу жумладан чет элда) чоп этишлари керак.

Муаллифлар таъкидлаганидек, талаб асосан сифатга бўлмаган, 2010 йилда талаблар ўзгарган. Бу эса, мамлакатнинг илмий обрўсини оширмади, аксинча, унга зарар етказди. Чунки бундай талаблар илмий муҳитда қолмоқчи бўлган ўқитувчиларни сохта тадқиқотлар билан шуғулланишга ундайди. Бундан ташқари, халқаро миқёсда рақобатлашмоқчи бўлган тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш кам, Ўзбекистондаги бирорта ҳам университетда "қатъий ва пухта ишлаб чиқилган тадқиқотларни осонлаштириш сиёсати" ишламайди.

Иккинчи омил — бу очиқ журналларга глобал ўтиш, бу нисбатан янги ҳодиса эди. Шунинг учун бу "йиртқич" журналларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Эшчанов ва унинг ҳамкасбларининг ёзишича, 2000 йилларда яхши ниятли тадқиқотчилар ва нотижорат ташкилотлар бутун дунё бўйлаб илм-фанни ривожлантиришга ёрдам беришга ҳаракат қилишган, оғир тўловларни тўлаб, академик тадқиқотларга киришни демократлаштиришган. Натижада, нуфузли академик ноширлар иқтисодий юкламани ўқувчидан олимга юклаб, муаллифлардан мақолаларни қайта ишлаш учун тўлов (АПФ) деб ҳақ олишни бошлашлари маъқул бўлган. Тўловлар минглаб долларни ташкил қилиши мумкин, бу эса камбағал мамлакатларда тақиқланган. Ўзбекистондаги тадқиқотчиларнинг ойлик даромади жуда паст, улар АПФни очиқ журналлар билан таъминлай олмайди, шунинг учун тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ўз қўлёзмаларини "йиртқич" журналларга топширишади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, ҳар учала нуфузли халқаро рейтинг тизими – “Shanghai Ranking Consultancy” (SRC), “Times Higher Education” (THE) ва “Quacquarelli Symonds” (QS), аввало, олий ўқув юртининг тадқиқотлар бобида эришган ютуқларини ўлчайди, талабаларнинг таълим сифатини эмас. Улар таълим сифатини баҳолашда қўлланиоладиган кўрсаткичларниенг асосли эканлигини шубҳа остига қўйишади1.

Университетлар рақамлаштириш стратегиясини, янги технологиялардан фойдаланишга оммавий тарзда ўтишга жавоб сифтида, ишлаб чиқишмоқда, лекин, уларда умумий кўришнинг мавжуд эмаслиги рақамли технологияларни самарасиз жорий этишга олиб келмоқда. Олий ўқув юртларида рақамли технологияларни жорий этиш ходимларни ва талабалрни рақамли кўникмаларга ўқитишга қилинадиган қуйилмаларга, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш тармоқлари билан алоқадорлигига боғлиқ2.

Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳар бир олий ўқув юрти рақамли трансформациядан ўтиши керак ва ушбу жараён IT қарорларни ва бошқарувнинг мослашувчан жараёнларини жорий қилишни, корпоратив

[1] Qiang, Zh. University Rankings in Perspective / Zh. Qiang. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.insidehighered.com/blogs/ world-view/university-rankings-perspective (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
[2] The 2018 Digital University: Staying Relevant in the Digital Age. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.pwc.co.uk/assets/pdf/the-2018- digital-university-staying-relevant-in-the-digitalage.pdf (date of access: 23.11.2019). – Title from screen.

маданиятдаги ва ташкилий тузилмалардаги ўзгаришларни ўз ичига олиши керак. Бунда рақамли университетни яратишга ўтиш қуйидаги омилларга асосланиши керак:

* мақсадли аудитория томонидан рақамли коммуникациялардан (digital natives) фойдаланиш;

* янги технологияларни ўзлаштираётган университетлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши;

* бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун ички жараёнларни бошқаришни оптималлаштиришнинг зарурлиги1.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, олий ўқув юртларида таълим жараёнларини рақамлаштиришни баҳолаш қуйидаги мезонларга таяниши лозим:

1. Талабаларнинг олий ўқув юртининг электрон кутубхона ресурсларидан ва хорижий электрон базалардан (SCOPUS, WoS ва бошқ.). фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

2. Олий ўқув юртнинг сайтида талабанинг шахсий кабинетини мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

3. Талабанинг шахсий кабинетида ўқув-методик материалларни тақдим этиш коэффициенти.

4. Олий ўқув юртнинг сайтида “дарс жадвали-курснинг аннотацияси боғлиқлигининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги. Курснинг аннотацияси деганда қисқа матнли аннотация ёки кириш маърузаси (видео- ва аудиоматериал) тушунилади.

5. Курс бўйича ҳисобот материалларини таълим олувчининг шахсий кабинетида юклаш имкониятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

6. Талабалар учун таълим курсларида e-learning и АКТ коэффициентини қўллаш: талабалар қатнашиш имконига эга бўлган ва мазкур технологиялар қўлланиладиган курсларнинг курсларнинг умумий сонига нисбати.

7. Курсларни/модулларни масофавий ўташ имкониятлари нисбий кўрсаткичи коэффициенти курсларнинг умумий сонига нисбатан.

8. Олий ўқув юртининг сайтида барча таълим дастурлари талабалари учун амалиёт базалари каталогини, шу жумладан хорижий амалиёт базалари, талабаларни иштирок этиш шартлари тўғрисидаги ва мазкур амалиётларга талабаларни тайёрлаш ва аризаларни расмийлаштиришга маъсул бўлган шахслар билан мулоқот маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

9. Онлайн-таълим платформаларида оммавий очиқ (бепул) курсларни тақдим этишнинг нисбий мезони.

10. Олий ўқув юртида масофавий таълимни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

[1] Сидоров, Г. Цифровой университет: применение цифровых технологий в современных образовательных учреждениях / Г. Сидоров. – Электрон. текстовые дан. – Режим доступа: https://www.itweek.ru/ digitalization/article/detail.php?ID=192831 (дата обращения: 23.11.2019). – Загл. с экрана.

11. Олий ўқув юртининг сайтида факультет миқёсидаги маърузаларни, очиқ маърузалар, тренинглар ва мастер-классларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

12. Олий ўқув юртининг сайтида факультет миқёсидаги маърузаларни, очиқ маърузалар, тренинглар ва мастер-классларнинг онлайн-ёзувларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

13. Олий ўқув юртининг сайтида факультет миқёсидаги маърузаларни, очиқ маърузалар, тренинглар ва мастер-классларнинг онлайн-ёзувларининг сонини шундай тадбирларнинг умумий сонига нисбати кўрсаткичи.

14. Олий ўқув юртининг сайтида факультет миқёсидаги маърузаларни, очиқ маърузалар, тренинглар ва мастер-классларнинг онлайн-ёзувларининг сифат контенти кўрсаткичи. Ушбу кўрсаткич онлайн-трансляция иштирокчилари сонининг дастлабки рўйхатдан ўтган иштирокчиларнинг сонига нисбати кўринишида аниқланади.

15. Олий ўқув юртининг сайтида профессор-ўқитувчиларни рақамли тақдим этиш нисбий кўрсаткичи: ўқитувчиларнинг илмий фолияти, курсларнинг аннотацияси, нашрлар рўйхати тўғрисидаги маълумотлар акс этган шахсий саҳифаларининг олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг умумий сонига нисбати.

16. Талабалар учун илмий тадбирларнинг (илмий анжуманлар, илмий мактаблар) мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

17. Илмий анжуманлар ва илмий мактабларнинг онлайн-трансляциялари сонининг шундай тадбирларнинг умумий сонига нисбати кўрсаткичи.

18. Талабалар учун илмий анжуманлар ва илмий мактабларнинг онлайн-трансляциялари контенти сифатининг нисбий кўрсаткичи. Ушбу кўрсаткич онлайн-трансляция иштирокчилари сонининг дастлабки рўйхатдан ўтган иштирокчиларнинг сонига нисбати кўринишида аниқланади.

19. Талабалар учун бўш иш ўринлари ярмаркаларини мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

20. Бўш иш ўринлари ярмаркаларида қилинган онлайн-трансляциялар ва иш берувчиларнинг тақдимотлари сонининг ушбу ярмаркаларда иштирок этган иш берувчиларнинг умумий сонига нисбати кўрсаткичи.

21. Олий ўқув юртининг сайтида талабалар учун олий ўқув юртида ёки олий ўқув юртининг қўллаб-қувватлашида амалга оширилаётган профессионал, ижтимоий ва бошқа лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

22. Талабаларнинг илмий- таълим фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги[1].

Ушбу олимлар томонидан олий ўқув юртининг рақамлаштириш даражасини баҳолаш бўйича таклиф этилган ушбу баҳолаш тизими, фикримизча, нисбатан такомиллашган баҳолаш тизими ҳисобланади. Халқаро рейтинг

[1] Бродовская Е. В., Домбровская А. Ю., Пырма Р. В., Азаров А. А. Критерии для рейтингования уровня и качества цифровизации процесса образования в вузах РФ // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 4, История. Регионоведение. Международные отношения. – 2020. – Т. 25, № 2. – С. 268–283. – DOI: https://doi.org/10.15688/jvolsu4.2020.2.20

тизимларидан фарқли ўлароқ, ушбу баҳолаш тизимида олий ўқув юртининг илмий тадқиқот фаолияти ҳам, ўқув-методик фаолияии ҳам баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига 1-илова//www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига1-илова//www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. ҚҲММБ: 06/18/5544/1951-сон. 22.09.2019 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3662-сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ҚҲММБ:07/18/3682/1117-сон. 28.04. 2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низом//www.lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида. www.lex.uz.
8. European Commission. Digital Education at School in Europe. Eurydice Report [Электрон. ресурс]. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2019. 151.Режим доступа: https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/ eurydice/sites/default/files/en_digital_education_n. pdf. (Дата обращения: 10.01.22).
9. About Academic Ranking of World Universities. – Electronic text data. – Mode of access: http://www.shanghairanking.com/aboutarwu.html (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
10. The World University Rankings 2020: methodology. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.timeshighereducation.com/ world-university-rankings/world-universityrankings-2020-methodology (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
11. What is the QS World University Rankings? – Electronic text data. – Mode of access: https://www.qs.com/rankings (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
12. The 2018 Digital University: Staying Relevant in the Digital Age. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.pwc.co.uk/assets/pdf/the-2018- digital-

university-staying-relevant-in-the-digitalage.pdf (date of access: 23.11.2019). – Title from screen.
13. Цифровизация образования в России и мире. – URL: https://akvobr.ru/cifrovizaciya_ obrazovaniya_v_rossii_i_mire.html (дата обращения: 20.04.2020). – Текст : электронный
14. Digital economy. [Электронный ресурс], онлайн: http://ec.europa.eu/growth/sectors/digital-economy/importance/index_en.htm. (Дата обращения 1.09.2020).

***Хасанов А.И.** – БТОМ, мустақил изланувчи*

КОРХОНАЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Халқаро ҳамжамият XXI асрга кириб келганлиги билан биргаликда ахборотлашган жамият сифатида шаклланиб бормоқда. Кўпгина мамлакатларнинг табиий бойликлари қаторига олдин унчалик маълум бўлмаган ахборот ресурслари келиб қўшилди. Олимлар таъкидлаганидек, ахборотлашган жамиятга ўтишнинг ўзига хослиги ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартириш эмас, балки ахборот-коммуникация технологиялари мавжуд бўлган ҳамда тараққий этаётган жамият муҳитининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни қайта қуришдан иборатдир. Ўзбекистон республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар иқтисодиётнинг барча тармоқларини янги сифат даражасида юксалтиришни ва муҳим стратегик йўналишларда илдам қадам қўйиб боришни кўзда тутмоқда. Бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлида кенг жабҳада ишлар олиб бораётган республикамизнинг асосий ва энг муҳим масалаларидан бири - бу очиқ иқтисодиётни барпо этиш ҳамда жахон хўжалигига кириб боришнинг интеграция жараёнларини тезлаштиришдир. Унда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш ва бозорни юқори сифатли товарлар билан таъминлашда бизнеснинг янги шакллари катта рол ўйнайди. Саноати тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётининг энг ривожланаётган тармоқларидан саналган ахборот-коммуникациялар бозори худди шулар жумласига киради. Республикамизда ахборот фаолиятининг ташкил қилиниши ривожланган мамлакатларникига ўхшаш, лекин фарқи шундаки, ушбу бозор инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси анча паст.

Маъмурий тизим шароити ахборот фаолияти асосан илмий-техникавий, статистик ва қисман бошқарув ахборотлари кўринишида ташкил қилиниб, қолган йўналишлар деярли ривожланмаган эди. Республикамиз саноати маълумотлар базаси ва билимларидан фойдаланиш локал ҳамда ҳудудий тармоқларни ривожлантириш борасида анча орқада қолмоқда. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари бозорини шакллантиришнинг асосий воситаларидан ва тизимларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда ахборотлашган жамият қуриш йўлидаги асосий масалалардан бўлиб ахборот майдонининг барча таркибий қисмларини ривожлантириш ва ундаги бошқарув субъектлари фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологиялари бозорини шакллантиришнинг объектив заруриятидан келиб чиққан ҳолда халқ хўжалигининг деярли барча соҳалари манфаатларига таъсир этувчи кенг миқёсдаги иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ечимларни ҳал қилишни талаб қиладиган «ахборотлаштириш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ҳозирги кундаги реал иқтисодий шароит нафақат давлат ресурсларини, балки манфаатдор корхона, хусусий шахс, ички ва ташқи сармоядорларнинг маблағларини жалб этишни талаб қилмоқда.

Республиканинг мавжуд илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шартлари ва башоратлардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган мазкур қонун қуйидагиларни кўзда тутади:

- турли мулк шаклидаги муассаса, корхона, фуқаро, давлат ва жамият ташкилотларининг ахборот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондириш;
- ахборотларни стандартлаштириш, унификациялаш, ягона ахборот майдонини яратиш ва республикамизнинг жахон ахборот ҳамжамиятига киришини таъминлаш;
- республикамизда яратилаётган ва импорт асосида келтирилаётган техник, дастурий ва технологик ахборот воситалари ҳамда ресурсларини сертификациялаш;
- ривожланган, тўлиқ ва ишончли ахборот инфратузилмаларини шакллантириш;
- республикамизда ишлаб чиқариш, бошқарув, илмий, ижтимоий соҳаларда янги электроника воситалари, ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларини тарқатиш ҳамда тадбиқ этиш;
- ахборотлаштириш дастурлари учун давлат манбаидан ресурсларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;
- давлат ахборот ресурсларини йиғиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;
- ахборотлаштиришнинг жамият ривожланишига таъсир даражасини баҳолаш, ўрганиш ва хоказо.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз ахборот-коммуникация технологиялари бозорини ривожлантириш учун ягона мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати олиб борилмоқда, яъни:

а) олий таълим муассасалари ва академик институтлар томонидан дастурлаш соҳасида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурий маҳсулотларни эркин тарқатиш, прототип (ўхшаш) дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот ташкилотларининг муҳим илмий изланишларини рағбатлантириш;

в) дастурлаштириш соҳасида мутахассис ходимлар тайёрлашни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ахборот технологияларининг янги ўқув курсларини яратиш;

г) республиканинг дастурий маҳсулотлар бозорини тартибга солиш ва иқтисодий рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

д) мамлакат ҳудудида ахборот тизимлари фойдаланувчилари ва дастурий маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-консалтинг хизмат маркази тармоқларини ривожлантириш.

Республикамиз ахборот-коммуникация технологиялари паркининг йиллар бўйича индексларда ифодаланиши ва ўзаро таққосланиши муҳим аҳамиятга эга. Унинг доимий ўсиб бориши ушбу соҳанинг қай даражада ривожланишидан ва уларга сармояларни жалб қилишнинг иқтисодий имкониятлари кенглигидан далолат беради. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқарувчилар учун яхши истиқболлар очилмоқда. Шу билан биргаликда, ахборот технологияларининг энг устун йўналишлари давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Давлат меъёрий-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни ҳам таъминламоқда.

Охирги йилларда мамлакатимиз фанни ахборотлаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда, яъни ахборот-коммуникация технологиясининг фан сифатида шаклланишига пойдевор яратмоқда. Шу билан биргаликда республика миллий иқтисодининг ушбу соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатаётганини қайд этиш керак:

а) ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг шаклланиш масалалари бўйича амалий ишланмалар ва назарий тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги;

б) ахборот маҳсулотларини йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш техник базасининг жахон даражасидан ортдалиги;

в) бозор ахборот инфратузилмаси элементларининг ривожланмаганлиги;

г) ахборот технологияларига оид услубий, ташкилий ва функционал таъминот жараёнларини такомиллаштиришнинг сустлиги.

Умуман олганда мазкур соҳанинг ривожланишига бир қатор омиллар тўсқинлик қилаяпти. Хусусан, илмий-техник адабиётларнинг жуда камлиги, боз устига компьютер тармоқларимизнинг жахон ахборот марказлари билан яхши алоқа ўрнатмаганлиги шундай сабаблар сирасига киради. Бошқа томондан олиб қарасак, республикамиз кутубхона, олийгоҳ, илмий тадқиқот институтлари ва вазирликларда тўпланган катта миқдордаги ахборот ресурсларига эга. Бироқ ушбу манбаларга интеграциялашган ҳолда кириш усули ҳали йўлга қўйилмаган. Чунки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг янги даражасига ўтиш, жахон ахборот маҳсулотлари ва хизматларига чиқиш юқорида келтирилган манбаларга турли аҳоли гурухларининг тез суратда кириб боришини ташкил қилиш мумкин эмас. Республикамизда ахборотлар соҳасининг ривожланишига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқда, жумладан жамиятни ахборотлаштиришнинг паст даражадалиги, ахборот технологиялари ривожланиши учун зарур ресурсларнинг

етарли даражада эмаслиги, ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, ЭҲМ локал ва ҳудуд тармоқларини қўллаш ва ривожлантириш борасидаги қолоқлик технологик маълумотлар ва билимлар базаларининг суст қўлланилишидир. 1.6-расмда рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича қўлланилиш соҳалари келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, дастурий маҳсулотлар уч соҳада, яъни илмий-техникавий (33%), иқтисодий (42%) ва таълим бериш (25%) масалаларини ечишда қўлланилиб келинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ахборот индустриясининг тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Масалан, Ғарбий Европа ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг ўсиш суръати умумий иқтисодиётга нисбатан (7,2 %) юқори бўлди. АҚШ иқтисодиётида ҳам ахборотлар секторининг ўсиш суръати (9,8 %) доимо юқори бўлиб бормоқда. аммо, ахборот-коммуникация технологиялари бозори кўпроқ Жанубий Корея, Тайван, Гонконг ва Сингапур мамлакатларида тезкор суратларда ривожланиб бораяпти.



1-расм. ЎзР.да дастурий маҳсулотларнинг қўлланилиш соҳалари

* назарий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Ахборот ресурслари кириб келган асримизнинг асосий миллий бойлиги бўлиб ва улардан саноат эксплуатациясида самарали фойдаланиш мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаб беради. Турли хилдаги ахборот ресурслари жамият истеъмолчиларининг талабини қондиришга қаратилган хусусиятлар мажмуасига эга. Ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган талаб даражасини қондириш - уларнинг сифат даражаси билан аниқланади.

Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши иш сифатини, меҳнатга талаб даражасини, меҳнат унумдорлигини, мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ва кишилар ҳаётини тубдан ўзгартиради. Бундан ташқари, барча соҳа ва даражадаги бошқарув меҳнатини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш бошқарув аппаратининг ҳаддан зиёд кенгайиб кетиш жараёнини тўхтатади. Шу билан биргаликда тўлиқ ва аниқ ахборотлар ҳисобига бошқарув қарорлари сифати ҳамда самарадорлиги ошади.

Мирзаев З.З. *– БТОМ, мустақил изланувчи*

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонии билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **и**қтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозорини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Мамлакатимиз фонд бозори ривожланишини таъминлаш мақсадида 2008 йил июль ойида “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Шунингдек, 1999 йилда давлат корхонаси шаклида тузилган Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига берилди.

2022 йилда биржа савдолари иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб бўлган 10 та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари билан амалга оширилди.



1-расм. “Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажми, млрд. сўм[2]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, “Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажми 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Фонд биржаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири молиявий барқарор жамиятларнинг қимматли қоғозларини янада кўпроқ биржа савдоларига жалб қилиш, уларга қулай ва кам харажатли биржа операциялари орқали инвестиция маблағларини йўналтириш ҳисобланади. 2015 йил 13

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.
[2] Биржевое обозрение за 2022 год//analytics@uzse.uz.

мартидан кучга кирган “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунга кўра, биржанинг котировкалаш варағи, яъни биржа листинги тартиб-таомилидан ўтган қимматли қоғозларгина биржа савдоларига қўйилиши белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ ҳамда “Тошкент” республика фонд биржаси савдоси қоидаларига биноан, листинг компанияларининг қимматли қоғозлари доимий котировка қилинади. Бу эса листингдаги қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини аниқлаш имконини беради.

Uzbekistan composite index (UCI) бу “Тошкент” Республика фонд биржасининг композит индекси бўлиб, у ўзида биржа котировкалар варағига киритилган акция эмитентларининг умумий ҳолатини акс эттиради. UCI индекси, Ягона дастурий-техник мажмуа (кейиги ўринларда - ЯДТМ) савдо платформаси орқали автоматик тарзда, реал вақтларда амалга ошириладиган савдолар натижасида шаклланадиган нархларга асосан ҳисобланади. Биржа савдо куни давомида тузилган битимлардаги акцияларнинг нархлари хар бири UCI индексга ўз таъсирини кўрсатади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида акциялар бозорининг капиталлашув қиймати, трлн. сўм[1]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, республикамизда акциялар бозорининг капиталлашув қиймати 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, акциялар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Эмитентларнинг жами капиталлашуви акцияларнинг ёпилиш нархига қараб, яъни савдо кунида амалга оширилган сўнги битим бўйича савдо тизими томонидан ҳисобланади ва шунга кўра UCI индексининг умумий вазнида ўз оғирлиги эга бўлади. Эмитентнинг UCI индексидаги оғирлиги ўзгариши бевосита эмитент капиталлашувига боғлиқ.

2022 йил мобайнида UCI индексида қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

*2022 йилнинг 5 январ санасида 1 059,85 бандни кўрсатган UCI индекси 10 феврал санасигача умумий ҳолатда 13,18% га ўсишни кўрсатган. Биржа капиталлашуви ҳам, ушбу саналар оралиғида мос равишда 55,72 трлн сўмдан 64,57

[1] Биржевое обозрение за 2022 год//analytics@uzse.uz.

трлн сўмга (+15,89%) ўсган. Ушбу холатда, биржа котировкалар варағида мавжуд бўлган акция эмитентларининг савдо нархи 3,73% га ўсган.

* 2022 йилнинг 10 феврал санасидан 16 февраль санасигача UCI индекси 1 199,53 поғонадан 1 065,64 поғонагача (-11,16%) пасайишни қайд этган. Индекснинг сезиларли даражада пасайишига асосан банк соҳасидаги эмитентларнинг таъсири катта бўлиб, кўрсатилган давр мобайнида “Agrobank” АТБ, “Trastbank” ХАБ ва “Turonbank” АТБ оддий акциялари нархлари мос равишда 36,63%, 42,40% ва 52,00% га пасайшни қайд этган ва биржа капиталлашувининг 11,10% га камайишига олиб келган;

*2022 йил 18 апрелда UCI индекси 1 211,62 кўрсаткичдан, 2022 йил 22 апрелда 737,56 бирликка, яъни, 39,13%га пасайди. Биржа капиталлашуви ҳам мос равишда 151,53 трлн сўмдан 89,95 трлн сўмга тушди. Ушбу даврдаги ўзгаришлар “O'zmetkombinat” АЖнинг оддий ҳамда имтиёзли акцияларининг сони 1 акцияга нисбатан қўшимча 10 та акция чиқарилиши билан кўпайтирилган ва ўз навбатида сўнгги савдо жараёнидаги мазкур акцияларнинг нархига нисбатан ҳисобланганда эмитент капиталлашуви миқдори ЯДТМ тизми томонидан индекс хисоблаш жараёнига ўз таъсирини кўрсатган. Бунда, 14 апрель санасида “O'zmetkombinat” АЖнинг 5,99 трлн бўлган капиталлашуви ҳажми, 15 апрель куни ЯДТМ тизимига қўшимча чиқарилган акциялар сони қўшилганидан сўнг 68,19 трлн сўм сифатида акс эган. Биржа томонидан қўшимча чиқарилган акциялар сонига нисбатан акцияларнинг нархи коррекция қилингунига қадар индекс кўсаткичида сезиларли даражадаги ўсиш қайд этилган (1 211,62). Ўз навбатида “O'zmetkombinat” АЖ акцияларининг нархи 1/11 нисбатда коррекция қилинганидан сўнг капиталлашув ҳажми ва унга параллел равишда индекс кўрсаткичида пасайиш кузатилган. Шундан сўнг, жамиятнинг капиталлашуви 6,82 трлн сифатида биржа маълумотларига мос равишда мувофиқлашган. Шу билан бирга, мазкур даврда яъни 22 апрель куни, “Тошкент” РФБ томонидан биржа листинг шартларига тўғри келмаган (биржа листинг талабларига номувофиқ) ва “Транзит” категориясига ўтказилишига розилик билдирмаган, умумий капиталлашуви 0,7 трлн сўм бўлган 35 та эмитент қимматли қоғозлари биржа котировкалаш варағидан чиқариб юборилган (делистинг) ва шулар таъсирида индекс 737,56 кўрсаткичка пасайган;

* 2022 йил 20 майдан, 3 июн санасигача UCI индексида 732,57 ва 981,84 кўрсаткичлари оралиғида тебранишлар кузатилди.

Фикримизча, қимматли қоғозлар бозорини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш орқали қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг самарадорлигини ошириш лозим.

Замонавий молиявий технологиялар қуйидаги учта муҳим ўлчовга эга:

* турли хил этказиб бериш каналлари ва тўлов тизимлари орқали фаолият юритиш ва иқтисодиёт субъектларига хизмат кўрсатиш учун тегишли техник воситалардан фойдаланиш ҳамда шу билан боғлиқ дастурий таъминот замонавий молиявий технологияларининг бир ўлчовидир;

* молиявий хизматлардан фойдаланувчиларни туркумлаш ва молиявий хизматлар бозорини таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал қилиш учун

замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилади. Ушбу ўлчов банклар учун маълумотлар омборини бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш имконини беради;

* барча турдаги хатарларни миқдорини аниқлаш, ўлчаш, юмшатиш ва бошқариш замонавий молиявий технологияларнинг учинчи муҳим ўлчовини ташкил этади. Ушбу ўлчов кредит хатарини, бозор ҳавфини ва операцион ҳавфни ўлчаш ва бошқариш жараёнини қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки, замонавий технологиялардан бири – бу Internet Banking технологиясидир.

Ушбу технология орқали компания интернет орқали ўз банк ҳисоб рақами бўйича ҳисоб баланси сўровига кириш, тўловларни амалга ошириш, пул ўтказмалари, халқаро пул тўловлари, доимий тартиб ва тўғридан-тўғри дебет тўловларини яратиш ва янгилаш ҳамда сўнгги операцияларни текшириш имкониятига эга бўладилар. компания веб-сайтга шахсий компьютер ёки ноутбук орқали киради ва ҳисоб маълумотларига дунёнинг исталган нуқтасидан кириш мумкин. Интернетда қуйидаги хизматлардан фойдаланиш мумкин;

* ҳисоб баланси бўйича сўров;

* ҳисобварақлар ўртасида пул ўтказмаси,;

* доимий буюртма ва тўғридан-тўғри дебет тўловларини яратиш ва янгилаш;

* пул ўтказмалари;

* ҳисоб-китобларга умумий нуқтаи, ҳисоб тарихи, кредитни тўлаш, олдиндан тўланган картани тўлдириш ва паролни ўзгартириш.

2. Рақамли молиявий активлардан қимматли қоғозлар бозорида фойдаланиш амалиётини жорий қилиш зарур.

Халқаро банк амалиётида рақамли молиявий активларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

* пуллик талаблар;

* эмиссион қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқни амалга ошириш имконияти;

* ёпиқ акциядорлик жамиятларининг устав капиталида иштирок этиш ҳуқуқи;

* эмиссион қимматли қоғозларни узатишни талаб қилиш ҳуқуқи.

Ҳозирги даврда рақамли молиявий активлар бозори Европа ва АҚШда ҳамда Осиёнинг бир қатор мамлакатларида мавжуд.

Ҳозирча ушбу бозорларда фақат рақамли қимматли қоғозлар билан савдо қилинаяпти. Масалан, Германияда рақамли облигациялар, Хитойда давлат банкларининг облигациялари, Россияда компанияларнинг рақамли акциялари.

2021 йил июнь ойида Лондон фонд биржасининг ва Италия фонд биржасининг листингига никель ва мис билан таъминланган рақамли биржа инструменти қўшилди.

Muhammad B.H. *– O‘zR. Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi O‘quv Markazi, o‘qituvchi*

IQTISODIYOTNING RAQAMLI TRANSFORMATSIYASI SHAROITIDA G‘AZNACHILIK TIZIMI

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi sharoitida davlat moliyaviy munosabatlarini huquqiy tartibga solishdagi o‘zgarishlar, shu jumladan moliya, g‘aznachilik va budjet sohasidagi ijro va nazorat vakolatlarini amalga oshiradigan respublika darajasidagi vakolatlarni huquqiy tartibga solish muhim hisoblanadi. Tegishli o‘zgarishlar respublika G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi tomonidan qo‘shimcha huquqlar, majburiyatlar va vazifalarning paydo bo‘lishiga olib keladigan yangi axborot tizimlari va xizmatlaridan faol foydalanish, shuningdek, jamoatchilik bilan aloqalarni raqamlashtirishga umumiy tendensiyani taqozo etmoqda.

Raqamli texnologiyalarni rivojlantirishning yuqori tezligi tufayli G‘aznachilik tizimining yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish munosabati bilan moliyaviy munosabatlarni huquqiy tartibga solishni yanada takomillashtirish va rivojlantirish taqozo etmoqda. So‘nggi yillarda qonunchilikdagi o‘zgarishlar bilan bog‘liq holda, O‘zbekistonda iqtisodiyotni axborotlashtirish va raqamlashtirish jarayonlari amaliyotga keng joriy etilmoqda.

Shunday qilib, O‘zbekistonda qonunchilik jarayonlarini rivojlantirishning keyingi yo‘nalishlarini, xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 6.10.2020 yildagi “«Raqamli O‘zbekiston - 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.04.2020 yildagi “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4699-son qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 13.12.2018 yildagi “O‘zbekiston Respublikasi davlat boshqaruviga raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat hamda axborot tizimlarini joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5598-son farmonlari raqamli iqtisodiyotni tartibga solishdagi huquqiy normalar hisoblanadi.

Respublikamiz 2020-yilda duch kelgan “COVID-19” pandemiyasi raqamli texnologiyalarni rivojlantirish uchun turtki bo‘ldi. Ayrim davrlarda jismoniy shaxslarning harakatlanishi va jamoat joylarida bo‘lishi, shu jumladan mehnat vazifalarini bajarishi bilan bog‘liq jiddiy cheklovlar joriy etilishi munosabati bilan raqamlashtirish iqtisodiyotni rivojlantirishning eng muhim, umumiy yo‘nalishi ekanligi ayon bo‘ldi. Hozirda raqamlashtirish jarayonlari budjet ijrosi munosabatlariga ham ta’sir qilgani allaqachon ko‘rinib turibdi.

O‘zbekistonda ham raqamli budjet tushunchasi shakllantirilmoqda, raqamli budjet uchun me’yoriy-huquqiy baza ishlab chiqilmoqda; shakllar, registrlar, tasniflagichlar, biznes-jarayonlardan tashkil topgan budjet tizimining portali texnik jihatdan shakllantirilmoqda; budjet ijrosi jarayonida davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, shuningdek davlat muassasalari uchun tovarlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatishga buyurtmalar berishda amal qiladigan ochiq raqobat rejimi yaratilmoqda;

budjet jarayonining barcha bosqichlari bo‘yicha ma’lumotlar aholining barcha toifalari uchun ochiqligi ta’minlanmoqda. Shu bilan bir qatorda, davlat sektorini yanada keng ko‘lamli raqamli transformatsiya qilish uchun shart-sharoitlar allaqachon shakllantirilgan.

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida qabul qilingan huquqiy va dasturiy hujjatlarni o‘rganish ham amaliy, ham ilmiy-nazariy nuqtai nazardan talabga ega, chunki ularning sohadagi tashkilotlarni o‘zgartirishga ta’siri muhim ahamiyatga ega. Raqamlashtirish jarayonlari nafaqat moliyaviy va budjet munosabatlarini rivojlantirishning umumiy vektoriga konseptual ta’sir ko‘rsatdi, balki O‘zbekiston G‘aznachiligi tomonidan qonun bilan berilgan vakolatlarni amalga oshirishga bevosita ta’sir ko‘rsatdi.

Axborot texnologiyalari va raqamli resurslar keng tarqalgan va jadal rivojlanayotganligi sababli, G‘aznachilik tizimi ushbu axborot tizimlaridan foydalanishga asoslangan yangi boshqaruv modeliga o‘tish imkoniyatiga ega. Aslida, G‘aznachilik tizimi takomillashtirilayotgan, ishlab chiqilayotgan va yangilanayotgan turli xil axborot tizimlaridan foydalangan holda dastlabki, joriy nazoratni amalga oshiradi.

Budjet ijrosi jarayonlariga zamonaviy axborot texnologiyalarni keng joriy qilish G‘aznachilik mijozlariga elektron hujjat almashuvi bo‘yicha xizmat joriy qilinishi natijasida:

- transport va xo‘jalik xarajatlarini kamaytirishga erishilgan (qog‘ozga xarajatlar – 90%, transport xarajatlari – 100% ga kamaygan);
- to‘lovlarni amalga oshirish muddati 3 amaliyot kunidan 1 amaliyot kunigacha qisqargan.
  - 2016-yilning 1-yanvaridan boshlab budjet tashkilotlari tomonidan moliyaviy hisobotlarni g‘aznachilik bo‘linmalariga faqat elektron tarzda yuborish;
  - 2017-yilning 1-yanvaridan ish haqi so‘rovnomalari va to‘lov topshiriqnomalarini elektron tarzda g‘aznachilik bo‘linmalariga yuborish va to‘lovlarni amalga oshirish tartibi joriy etilishi hisobiga budjet tashkilotlarining to‘lov hujjatlari va hisobotlarini elektron shaklda g‘aznachilik idoralari tomonidan “elektron g‘aznachilik – elektron budjet tashkiloti” usulida ijro qilinishiga zamin yaratildi. Shunday qilib, O‘zbekistonda davlat moliyasini boshqarish sohasida yetarli axborot muhiti shakllangan.

Davlat moliyasini raqamlashtirish, birinchi navbatda, davlat boshqaruvi, davlat moliyaviy nazorati, sog‘liqni saqlash va ta’lim sohalari, aqlli shahar loyihalariga ta’sir ko‘rsatadi. So‘nggi yillarda mamlakatimizda “Elektron hukumat” tizimini rivojlantirish, raqamli infratuzilmani takomillashtirish, aholini onlayn sohaga jalb etish borasida sezilarli yutuqlarga erishildi. 2020-yilda elektron hukumatni rivojlantirish bo‘yicha O‘zbekiston 193 davlat orasida 87-o‘rinni egalladi.

Davlat sektori umuman axborot texnologiyalari sanoati rivojlanishining harakatlantiruvchi kuchi hisoblanadi. Biroq, davlat moliyasini boshqarish sohasida raqamlashtirishni rivojlantirish cheklangan bo‘lishi mumkin:

- byurokratik tartib-qoidalar tufayli axborot tizimlari va quyi tizimlarini ishga tushirish muddatlarini buzish;

- axborot tizimlarida turli bo‘limlar tomonidan ma’lumotlarni yangilashning kechikishi (sabablari: huquqiy normalarning nomukammalligi, texnik imkoniyatlarning etishmasligi);

- eskirgan texnik va texnologik yordamdan foydalanish;

- texnik va texnologik ta’minot uchun katta xarajatlar;

- xodimlarni yangi tizimlar va quyi tizimlar bilan ishlashga o‘z vaqtida o‘rgatmaslik (qo‘shimcha xarajatlar va o‘quv dasturlarining o‘zini eskirganligi).

Yuqoridagilardan kelib chiqadiki, iqtisodiyotni raqamlashtirish jarayonlari maqsad va vazifalarini tuzishda O‘zbekiston G‘aznachiligi tomonidan har yili zamonaviy axborot texnologiyalar, Davlat moliyasini boshqarish axborot tizimi (DMBAT), “UzASBO” budjet tashkilotlarida avtomatlashtirilgan buxgalteriya hisobi dasturiy majmuasi, davlat xaridlari (xarid.uzex.uz) axborot tizimlarini yangilash va takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishi sifatida qaralishi kerak.

Umuman olganda, axborot tizimlaridan foydalanish respublika G‘aznachiligiga budjetlarga tushumlar, budjet mablag‘larining sarflanishi, dastur loyihalarni amalga oshirish xarajatlari, budjet investitsiyalarini amalga oshirish, shuningdek, budjetga tushumlarni nazorat qilish uchun onlayn ma’lumotlarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri kirishni ta’minlaydi va natijalarni joylashtirib boradi. G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi tomonidan o‘z faoliyatida foydalaniladigan axborot resurslarini yanada rivojlantirish ushbu tizimga nazorat funksiyalarini imkon qadar to‘liq va minimal vaqt xarajatlari bilan amalga oshirishga imkon beradi.

Yuqorida aytilganlardan kelib chiqqan holda, G‘aznachilik tizimining funksiyalariga nafaqat yangi nazorat vakolatlarini taqdim etish, balki davlat budjeti boshqaruvini avtomatlashtirish uchun mo‘ljallangan yangi axborot tizimlarini joriy etish, axborot tizimlarining funsional imkoniyatlarini kengaytirish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi “Budjet kodeksi”. 2013 yil 13 dekabr. O‘RQ-360-son.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”. 2021-yil 22-aprel. O‘RQ-684-son.
3. O‘z.R. Prezidentining 6.10.2020 yildagi “«Raqamli O‘zbekiston - 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son farmoni.
4. O‘z.R. Prezidentining 2.03.2020 yildagi “2017 - 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasini «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi PF-5953-son farmoni.
5. www.mf.uz –O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy sayti.

Алимбеков Ш.Р. *– ВШБП, независимый соискатель*

О РАЗВИТИИ ЭЛЕКТРОННОЙ КОМЕРЦИИ В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

За последние 20 лет электронная коммерция изменила традиционные способы торговли по всему миру, сделав онлайн-покупки доступными, удобными и безопасными, а также способствуя предпринимательству, предоставляя равные условия для компаний.

Так, по данным международной консалтинговой компании «KPMG» глобальный объём электронной коммерции в 2021 г. вырос почти на 50% по сравнению с 2019 г. По прогнозам «KPMG» ожидается, что к концу 2023 г. оборот электронной коммерции в мире достигнет **$6 трлн**., составив 22% от общего объёма розничных продаж по всему миру [1].

Уверенному росту электронной коммерции способствует развитие мультиканальных продаж и персонализированных предложений.

По оценкам компании «Alibaba», её платформа электронной коммерции создала более 30 млн. рабочих мест в КНР. Компания «Amazon» утроила количество пунктов выдачи продуктов в США и зафиксировала 200 процентный рост онлайн-продаж продуктов.

Электронная коммерция стала уникальным инструментом, способствующим экономическому развитию стран. В развитых странах до 5% ВВП генерируется электронной коммерцией B2B и B2C (business-to-consumer).

Наряду с этим, Центральная Азия благодаря своему важному геополитическому расположению между Азией, Европой и Ближним Востоком, всё больше привлекает к себе внимание со стороны глобальных игроков, как развивающийся рынок с высоким потенциалом роста и возможностями. Согласно оценке аналитиков «KPMG», общерегиональный розничный товарооборот в 2021 г. достиг более **$60 млрд**.

Аналитики отмечают, что электронная коммерция наиболее развита в Казахстане, где её доля в общем объёме розничных продаж достигла **10%**.

По данным международной исследовательской компании «Euromonitor International», общий объём электронной торговли в Казахстане по итогам 2022 г. составил около **$2,8 млрд**, что на **20,2%** больше по сравнению с 2021 г. [2].

Прогнозируется, что к 2025 г. оборот электронной коммерции в стране может превысить **$5 млрд.** Основными факторами роста остаются высокоскоростной и доступный Интернет, широкое проникновение смартфонов и планшетов, а также развитая банковская система.

Топ 4 компаний электронной коммерции, работающих на рынке Казахстана – это «AliExpress», «Kaspi.kz», «Wildberries» и «Ozone», которые и формируют конкурентную среду, заставляя компании постоянно расширять и улучшать свои услуги.

По оценкам экспертов ЦАРЭС, в Кыргызстане на сегодня **80%** населения пользуется Интернетом, и только **8%** из них совершают покупки онлайн. По

данным международного платежного сервиса «Freedom Pay» объём электронной коммерции в стране достиг **150 млн**. в 2022 г. [3].

Что касается платёжных инструментов, то в стране доступны разнообразные способы: карты, электронные кошельки, Интернет и мобильный банкинг, оплата с помощью мобильных телефонов, банкоматов и терминалов, QR-кода и т.п.

Одной из ведущих платформ электронной коммерции в стране является «Svetofor». Другие известные платформы – это «Lalafo», «Tez» и «Яндекс такси», всё чаще предоставляют онлайн-услуги по вызову такси и доставке еды в Бишкеке.

Однако, несмотря на малое количество пользователей, совершающих онлайн покупки, рынок электронной коммерции Кыргызстана имеет большой потенциал роста. Создающаяся инфраструктура и самый дешёвый Интернет могут поспособствовать развитию электронной коммерции в стране.

Согласно рейтингу «Worldwide mobile data pricing 2022», Кыргызстан занимает 6-е место среди 233 стран мира и первое место в регионе по дешевизне Интернета. Средняя стоимость 1 Гб мобильного Интернета в стране составляет $0,17 (Узбекистан – 15-е – $0,37, Казахстан – 16-е – 0,37, Таджикистан – 131-е – $1,94 и Туркменистан – 227-е – $14,3) [4].

Рынки электронной коммерции в Таджикистане и Туркменистане находятся на ранней стадии развития и остаются практически незначительными по своим объёмам.

Одной из ключевых причин этого является низкий уровень цифрового подключения в обеих странах, при этом общее проникновение Интернета в Таджикистане и Туркменистане составляет **40%** и **33,2%** соответственно.

Другой причиной эксперты определяют высокую стоимость и ограниченную скорость Интернета в Таджикистане и Туркменистане, где обе страны занимают последние позиции в мировых рейтингах.

По данным глобального индекса «Speedtest», на январь 2023 г. Таджикистан занимает 134-е место среди 138 стран по скорости мобильного Интернета, по Туркменистану данные отсутствуют (Казахстан – 91-е место, Кыргызстан – 102-е), а по скорости фиксированного Интернета, Таджикистан на 109-м месте среди 179 стран, а Туркменистан практически в конце рейтинга - на 177-м месте (Кыргызстан – 84-м и Казахстан – 100-м) [5].

Несмотря на это, эксперты отмечают, что за последнее 10-лет в сфере электронной коммерции в Таджикистане используются сайты онлайн-магазинов, включая, такие как «Alif Shop», «Somon.tj» и др., в Туркменистане – такие как «Vestniktm», «Emlak» и др.

Узбекистан, в свою очередь, является наиболее быстрорастущим рынком электронной коммерции, который имеет огромный потенциал к расширению. Объём онлайн-рынка Узбекистана в 2022 г. составил порядка **$1 млрд**. Количество активных онлайн-пользователей в Узбекистане в настоящее время составляет около **10 млн. человек.**

По прогнозам экспертов, ожидается, что выручка на рынке электронной коммерции к концу 2023 г. достигнет **$1,6 млрд**. При этом, годовой темп роста выручки составит **14%**, что приведёт к объёму рынка в размере $2,6 млрд. к 2027 г. Количество пользователей на рынке электронной коммерции к этому периоду составит около 16 млн. человек.

Отмечается, что такой ускоренный рост может быть достигнут за счёт усиления ключевых факторов, которые ранее были недостаточно развиты, таких как Интернет (доля проникновения Интернета – **76,6%**, с планами по установке 5G по всей стране), его скорость и доступность, проникновение смартфонов и совершенствование мобильного банкинга.

Преобладающее молодое население (48% молодого поколения в возрасте от 15 до 45 лет) со средним возрастом 28 лет является решающим фактором для дальнейшего развития электронной коммерции.

Чтобы поддержать участников электронной коммерции, в Узбекистане введены специальные налоговые льготы, например, взимается налог всего в **2%** с онлайн-доходов по сравнению со ставкой в **4%** для традиционной торговли. В стране активно функционируют крупные компании электронной коммерции, такие как «Wildberries», «ZoodMall», «Uzum market», «OLX» и другие, которые формируют конкурентную среду.

Учитывая анализ состояния рынка электронной коммерции в странах ЦА можно выделить следующие сдерживающие факторы:

Первое – устойчиво высокая инфляция, сдерживающая инвестиции для развития электронной коммерции (годовая инфляция за 2022 г. в Казахстане–20,7%, Кыргызстане–14,7%, Таджикистан–4,2%, Туркменистан–данные отсутствуют);

Второе – повышение цен на энергоносители, сбои в глобальных цепочках поставок, вынужденные изменения традиционных маршрутов способствуют удорожанию перевозок по всему миру и росту цен на товары (по данным журнала «Nature Energy» за последние годы в мире расходы на транспорт и логистику в структуре стоимости товаров в среднем выросли от 20% до 50%) [6];

Третье – растущие цены на продовольствие сказываются на покупательской способности населения и приводят к снижению среднего чека покупок (в 2022 г рост цен на продовольственные товары в Казахстане составил 25,3%, в Кыргызстане – 17,1%, Таджикистане – 5,2%, Туркменистан – данные отсутствуют);

Четвёртое – недостаточная цифровая грамотность, что создаёт разрыв между доступом и фактическим использованием Интернета (по последним данным уровень цифровой грамотности в Казахстане – 87%, Кыргызстане – 50%, Таджикистане – 35%, Туркменистане – 33%).

Вместе с тем, по данным Всемирного банка, страны ЦА страдают от плохого качества Интернета и дорогостоящего подключения, низкого уровня частных инвестиций, ограниченной региональной интеграции в области электронной коммерции[7].

Для этого многими экспертами предлагается создание единой региональной платформы электронной коммерции, которая может придать мощный импульс развитию сферы онлайн-покупок в регионе.

При этом, активное сотрудничество стран ЦА в этом направлении будет в целом стимулировать создание новых рабочих мест, внедрение передовых технологий, укрепление торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества.

В свою очередь, эксперты отмечают важность дальнейшей кооперации стран региона в сфере электронной коммерции по следующим направлениям:

Первое - продвигать в региональном масштабе инициативу по унификации законодательства в сфере защиты прав потребителей;

Второе - организовать на основе государственно-частного партнёрства распределительные склады в каждой стране региона, что позволит максимально сократить сроки доставки;

Третье - принять меры по устранению двойного налогообложения в рамках трансграничной электронной торговли между странами ЦА;

Четвёртое - проработать вопрос создания единой региональной электронной торговой площадки поставщиков товаров и услуг с внедрением единой платежной системы (или принять взаимное признание своих местных платежных карт, а также выпуск мультивалютных карт с возможностью беспрепятственной оплаты «в том числе и онлайн» на территории ЦА).

Список литературы

1. Данные международной консалтинговой компании «KPMG» https://kpmg.com/uz/ru/home/services/consulting.html .
2. По данным компании «Euromonitor International», объемы электронной торговли в Казахстане по итогам 2022 г. выросли на 20,2% https://profit.kz/news/64383/Elektronnaya-torgovlya-v-Kazahstane-prodolzhaet-rasti/
3. Электронная коммерция в странах ЦАРЭС: развитие инфраструктуры https://www.carecprogram.org/?publication=e-commerce-in-carec-countries-infrastructure-development
4. Согласно рейтингу «Worldwide mobile data pricing 2022», https://www.cable.co.uk/mobiles/worldwide-data-pricing/
5. По данным глобального индекса «Speedtest», на январь 2023 г. https://www.speedtest.net/global-index
6. «Nature Energy» ежемесячный рецензируемый научный журнал, издаваемый Nature Portfolio https://www.nature.com/nenergy/
7. Навас-Сабатер, Хуан (2019). Региональные цифровые программы Всемирного банка в Центральной Азии: пример региональной программы Digital CASA/https://www.unescap.org/sites/default/files/The%20example%20of%20the%20Digital%20CASA%20regional%20program%2C%20World%20Bank.pdf.

Ilxomov B.I. *- O‘zR. Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi O‘quv markazi, kafedra dotsenti v.b.*

RAQAMLI TRANSFORMATSIYA TEXNOLOGIYALARI: BIZNES VA IQTISODIYOTDA SU’NIY INTELEKT VA BIG DATA IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH

Mamlakatimizda raqamli industriyani jadal rivojlantirish, tarmoqlar va sohalarda shuningdek, davlat boshqaruvi, ta’lim, sog‘liqni saqlash va qishloq xo‘jaligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, elektron hukumat tizimini takomillashtirish, turli axborot tizimlari bilan integratsiyalashgan geoportalni ishga tushirish, jamoat transporti va kommunal infratuzilmani boshqarishning axborot tizimini yaratish, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantirish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish va hokazo.

Raqamli transformatsiya texnologiyalari biznes jarayonlari va tashkiliy modellarni o‘zgartirishda, shuningdek tashkilotlarning raqobatbardoshligi va o‘sishini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Zamonaviy dunyoda sun’iy intellekt, internet buyumlar, bulutli hisoblash, ma’lumotlar tahlili va boshqalar kabi raqamli texnologiyalar jadal rivojlanmoqda. Ushbu texnologiyalar biznes va iqtisodiyot uchun yangi imkoniyatlarni taklif etadi va jarayonlarni avtomatlashtirish, samaradorlikni oshirish, mijozlarning o‘zaro aloqalarini yaxshilash va innovatsion mahsulotlar va xizmatlarni yaratish imkonini beradi. Bugungi kunda iste’molchilar tobora raqamli bo‘lib bormoqda va raqamli texnologiyalar imkoniyatlari sabali vaqt va masofa yengib o‘tilmoqda. Raqamli transformatsiya tashkilotlarga jahon bozorida ishlash, butun dunyodan mijozlar va sheriklarni jalb qilish, xalqaro tanlovlarda ishtirok etish va o‘z mamlakatidan tashqarida o‘z ishtirokini kengaytirish imkoniyatini yaratmoqda. Korxonalar, sheriklar va mijozlar raqamli texnologiyalar tufayli masofaviy hamkorlikni amalga oshirishlari, samarali muloqot qilishlari, virtual konferensiyalar va savdo operatsiyalarini o‘tkazishlari mumkin. Shuningdek, raqamli transformatsiya tendensiyalari bilan hamnafas bo‘lmagan korxonalar uchun ortda qolish, o‘sish va rivojlanish imkoniyatlarinining kamayish xavfi mavjud.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 05.10.2020-yildagi PF-6079-son “Raqamli O‘zbekiston - 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Farmoni bilan tasiqlangan “Raqamli O‘zbekiston - 2030” strategiyasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari, raqamli texnologiyalar milliy bozorini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari belgilanib, raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi va ularning biznes amaliyotiga ta’siri va yangi raqamli xizmatlar yoki mahsulotlar paydo bo‘lishi ta’sirini hisobga olgan holda qonunchilik bazasini takomillashtirish mexanizmlarini shakllantirish maqsad qilingan.

Raqamli transformatsiya korxonalarga innovatsion va moslashuvchan bo‘lishga imkon berib, o‘zgaruvchan bozor sharoitlariga tezda moslashish, yangi

texnologiyalarni joriy qilish, yangi biznes modellari bilan tajriba o‘tkazishlari mumkin. Umuman olganda, raqamli transformatsiya biznes va iqtisodiyot uchun dolzarb mavzudir, chunki u yangi imkoniyatlar ochadi, tashkilotlarning samaradorligi va raqobatbardoshligini oshiradi, mijozlar bilan o‘zaro munosabatlarini o‘zgartiradi va doimiy innovatsion rivojlanishni talab qiladi. Raqamli transformatsiyani muvaffaqiyatli amalga oshiradigan korxonalar muvaffaqiyatga erishish va o‘z sohalarida yetakchi bo‘lish uchun ko‘proq imkoniyatga egadirlar.

Raqamli transformatsiya texnologiyalari biznes jarayonlari va tashkiliy modellarni o‘zgartirishda, shuningdek tashkilotlarning raqobatbardoshligi va o‘sishini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Raqamli transformatsiya doirasida qo‘llaniladigan ba’zi asosiy texnologiyalarni ko‘rib o‘tsak:

Bulutli hisoblash (Cloud Computing): bulutli hisoblash tashkilotlarga mahalliy hisoblash resurslaridan foydalanish o‘rniga uzoq serverlarda ma’lumotlarni saqlash va qayta ishlashga imkon beradi. Bu sizga biznes-jarayonlarning moslashuvchanligi va ko‘lamini oshirish, shuningdek ma’lumotlar mavjudligini yaxshilash va infratuzilma xarajatlarini kamaytirish imkonini beradi.

Internet buyumlar (Internet of Things, IoT): IoT -bu ma’lumot almashish va bir-biri bilan o‘zaro ta’sir qilishi mumkin bo‘lgan, internetga ulangan jismoniy obyektlar tarmog‘i. IoT texnologiyalaridan foydalanish katta hajmdagi ma’lumotlarni to‘plash va tahlil qilish, jarayonlarni avtomatlashtirish va yangi xizmatlarni yaratish imkonini beradi.

Katta ma’lumotlar va tahlillar (Big Data and Analytics): katta ma’lumotlar maxsus ishlov berish va tahlil usullarini talab qiladigan juda katta hajmdagi ma’lumotlarni anglatadi. Data analytics sizga katta hajmdagi ma’lumotlardan qimmatli tushunchalarni olish, tendensiyalar va naqshlarni aniqlash, mijozlarning xatti-harakatlarini bashorat qilish va biznes jarayonlarini optimallashtirish imkonini beradi.

Mashinani o‘rgatish va sun’iy intellekt (Machine Learning and Artificial Intelligence): mashinani o‘rgatish va sun’iy intellekt kompyuter tizimlariga ma’lumotlardan mustaqil ravishda o‘rganish va qaror qabul qilish imkoniyatini beradi. Ushbu texnologiyalar vazifalarni avtomatlashtirish, tabiiy tilni qayta ishlash, chatbotlar yaratish, biznes jarayonlarini bashorat qilish va optimallashtirish uchun ishlatiladi.

Jarayonlarni robotlashtirish (Robotic Process Automation, RPA): RPA dasturiy robotlar yordamida muntazam va takrorlanadigan biznes jarayonlarini avtomatlashtirishga imkon beradi. Bu xatolarni kamaytirish, vazifalarning samaradorligi va tezligini oshirish, shuningdek, xodimlarni ko‘proq strategik va ijodiy vazifalarga e’tibor qaratishlari uchun monoton operatsiyalardan ozod qilish imkonini beradi.

Kengaytirilgan reallik (Augmented Reality, AR) va virtual reallik (Virtual Reality, VR): AR va VR texnologiyalari foydalanuvchilarning idrokini boyitib, mahsulot va xizmatlarni vizualizatsiya qilish, mijozlarga xizmat ko‘rsatish, o‘qitish va boshqa ko‘pgina narsalarni taqdim etadigan virtual yoki kengaytirilgan muhitlarni yaratishga imkon beradi.

Bular raqamli transformatsiyada muhim hisoblangan ko‘plab texnologiyalarning ayrimlari bo‘lib, aniq texnologiyalarni tanlash va qo‘llash har bir tashkilotning o‘ziga

xos ehtiyojlari va maqsadlariga asoslanishi, shuningdek, ularning faoliyati kontekstini hisobga olishi kerakligini ta’kidlash muhimdir.

So‘nggi yillarda raqamli texnologiyalar sohasida ko‘plab yutuqlar kuzatilmoqda. Raqamli transformatsiyaning biznes va iqtisodiyot uchun dolzarbligini belgilovchi asosiy omillardan biri bu raqamli vositalar va platformalar tomonidan taqdim etilayotgan imkoniyatlarning eksponensial ravishda o‘sishidir.

Eksponensial o‘sish[1]- bu biror narsaning miqdori yoki qiymati tobora ortib borayotgan jarayonni tavsiflovchi matematik atama. Oddiy ma’noda, agar biror narsa eksponent ravishda o‘ssa, bu uning progressiv miqyosda ikki baravar ko‘payishini anglatadi - 1, 2, 4, 8, 16, 32 va hokazo.

Sun’iy intellekt, mashinani o‘rgatish, internet buyumlar, bulutli hisoblash, blokcheyn va boshqalar kabi raqamli vositalar biznes jarayonlarini yaxshilash, resurslarni optimallashtirish, samaradorlikni oshirish va yangi qadriyatlarni yaratish uchun katta imkoniyatlar yaratmoqda. Ijtimoiy tarmoqlar, elektron tijorat, to‘lov tizimlari va onlayn bozorlar kabi raqamli platformalar kompaniyalar, mijozlar va bozorning boshqa ishtirokchilari o‘rtasida o‘zaro hamkorlik uchun yangi qulayliklarni bermoqda. Raqamli imkoniyatlarning eksponensial o‘sishi biznes va iqtisodiyotdagi o‘zgarishlarning tezligi va miqyosiga ham ta’sir qilib, oldin amalga oshirib bo‘lmaydigan g‘oyalar va tushunchalar raqamli texnologiyalar tufayli haqiqatga aylanmoqda. Bozorda markazlashtirilmagan biznes modellari va innovatsion mahsulotlar bilan yangi tadbirkorlarning paydo bo‘lishi, raqobatning kuchayishiga va an’anaviy tarmoqlarni qayta ko‘rib chiqilishiga olib kelmoqda.

Bugungi kuda sun’iy intellekt tobora ommalashib bormoqda. Sun’iy intellekt doimiy ravishda o‘rganadigan ma’lumotlar asosida mashinaga qaror qabul qilishni ishonib topshirish imkoniyatidir. Qaror qabul qilishning to‘g‘riligi ma’lumotlar miqdoriga bog‘liq bo‘lib, ma’lumot qanchalik ko‘p bo‘lsa, algoritm uchun aniq va to‘g‘ri xulosalar chiqarish osonroq bo‘ladi. Sun’iy intellekt (AI) - bu insonning intellektual qobiliyatlarini talab qiladigan vazifalarni bajarishga qodir tizimlar va algoritmlarni ishlab chiqish va yaratish bilan shug‘ullanadigan kompyuter fanlari sohasi bo‘lib, uning maqsadi ma’lumotlarni tahlil qilish, tajribadan o‘rganish va asosli qarorlar qabul qila oladigan kompyuter dasturlari va modellarini yaratishdir.

Sun’iy intellekt sohasidagi asosiy tadqiqotchilardan biri bo‘lgan amerikalik olim Djon Makkarti tomonidan 1956-yilda tashkil etilgan konferensiyada "sun’iy intellekt" atamasi birinchi marta foydalanishga kiritilgan. Djon Makkarti Lisp (LISt Processing) dasturlash tilini ishlab chiqqan bo‘lib, Lisp sun’iy dasturlash tillarining birinchilaridan hisoblanadi va bu sun’iy intellekt sohasidagi tadqiqotlar uchun muhim vosita bo‘ldi. Shundan boshlab sun’iy intellekt tibbiyot, moliya, marketing, ta’lim va boshqa sohalarda jarayonlarni avtomatlashtirishda ulkan salohiyatga ega bo‘lgan rivojlanayotgan sohaga aylandi.

Biznesda sun’iy intellektdan foydalanishning yaqqol misollaridan biri mijozlarga xizmat ko‘rsatish uchun chatbotlardan foydalanishdir. Chatbotlar-bu matnli xabarlar orqali foydalanuvchilar bilan o‘zaro aloqada bo‘lishga qodir dasturlar. Ular

[1] Britannica, T. Editors of Encyclopaedia. (2020, August). "Exponential growth". Encyclopedia Britannica. Retrieved from https://www.britannica.com/science/exponential-growth

mijozlarning savollari va so‘rovlarini tushunish va tegishli javoblar va yechimlarni taqdim yetish uchun mashinani o‘rganish algoritmlari va tabiiy tilni qayta ishlashdan foydalanadilar. Masalan, mijozlarning hisob balansi, kredit foizlari, pul o‘tkazmalari va boshqa bank xizmatlari haqidagi savollariga javob bera oladigan bank chatboti bo‘lishi mumkin. Chatbot mijozlarga kredit olish uchun arizalarni to‘ldirishda yoki yangi hisob ochishda ham yordam berishi mumkin. Mijozlarning so‘rovlarini tushunish va aniq va foydali ma’lumotlarni taqdim yetish uchun neyron tarmoqlar va tabiiy tilni qayta ishlash algoritmlaridan foydalanishi mumkin.

Moliya sektoridagi chatbotlar, ko‘pincha fintex botlar yoki moliyaviy chatbotlar deb ataladi, ularning funksiyalari va ularni yaratagan kompaniyalarga qarab turli xil nomlarga ega. Jumladan:

Eva (Electronic Virtual Assistant) - bu AI chatbot HDFC Bank tomonidan 2017-yilda Hindistonda ishlab chiqilgan va amalyotga kiritilgan bo‘lib, Hindiston bank sektoridagi birinchi AI yordamchi hisoblanadi.

Erica - Bank of America tomonidan o‘z mijozlariga xizmat ko‘rsatish uchun ishlab chiqilgan virtual ovozli yordamchi bo‘lib, 2018-yilda ishga tushirilgan va mijozlarga o‘z mablag‘lariga osonroq va qulayroq kirishni ta’minlash uchun ishlab chiqilgan. Erika yordamida mijozlar hisob balansini tekshirishlari, to‘lovlarni amalga oshirishlari, xarajatlari haqida bilib olishlari va tranzaksiyalar tarixini ko‘rishlari mumkin. Erika, shuningdek, moliyaviy menejment bo‘yicha maslahat berishi va mijozlarga xarajatlari va jamg‘armalarini optimallashtirishni taklif qilishi mumkin. Erika mijozlarning so‘rovlarini tushunish va ularga dolzarb ma’lumotlar va maslahatlar berish uchun sun’iy intellekt va katta ma’lumotlarga asoslangan o‘rganishdan foydalanadi. U mijozlar bilan ovozli buyruqlar yoki matnli xabarlar orqali muloqot qilishi mumkin.

Plum-sun’iy intellekt yordamida ishlab chiqilgan moliyaviy menejmentning raqamli yordamchisi bo‘lib, 2016-yilda Buyuk Britaniyada yaratilgan. Plum yordamida foydalanuvchilar mablag‘larini tejashlari, joriy hisoblarini optimallashtirishlari, xarajatlarni nazorat qilishlari va mablag‘larini sarflashlari mumkin. Bot foydalanuvchilarning daromadlari va xarajatlarini tahlil qiladi va turli fondlarga sarmoya kiritish imkoniyatini ham taklif etadi. Bu foydalanuvchilarga nafaqat mablag‘larini tejash, balki jamg‘armalarini ko‘paytirish imkonini beradi.

Moliya sohasida sun’iy intellektdan foydalanishning misollaridan biri investitsiyalar sohasida avtomatlashtirilgan qarorlar qabul qilishdir. Kompaniyalar va investorlar katta hajmdagi ma’lumotlarni tahlil qilish, bozor tendensiyalarini bashorat qilish va optimal investitsiya strategiyalarini aniqlash uchun mashinani o‘rgatish va sun’iy intellekt algoritmlaridan foydalanishlari mumkin. Sun’iy intellekt avtomatlashtirilgan savdoda ham qo‘llaniladi, bu yerda mashinani o‘rgatish algoritmlari real vaqt rejimida bozor ma’lumotlarini tahlil qilishi, tendensiyalarni aniqlashi va foyda olish uchun operatsiyalarni amalga oshirishi mumkin. Bu inson omilining ta’sirini kamaytiradi va savdo operatsiyalari samaradorligini oshiradi. Moliya sohasida sun’iy intellektdan foydalanishga yana bir misol bu avtomatlashtirilgan kredit skoring tizimlaridir. Banklar va moliya institutlari mijozlarning kreditga layoqatliligini baholash va kredit berish to‘g‘risida qaror qabul

qilish uchun mashinani o‘rgatish va sun’iy intellekt algoritmlaridan foydalanadilar. An’anaga ko‘ra, kredit skoringi jarayoni arizachining kredit tarixi va moliyaviy barqarorligini baholashga asoslangan. Sun’iy intellekt yordamida banklar bu jarayonni avtomatlashtirishi va turli ma’lumotlar va omillarni tahlil qilish uchun mashinani o‘rgatish algoritmlarini qo‘llamoqdalar.

Zamonaviy biznesda Big Data tashkilotlarga o‘z faoliyatini rivojlantirish, mijozlarga xizmat ko‘rsatish va qaror qabul qilishda yordam beradi. Big Data - katta ma’lumotlar an’anaviy ma’lumotlarni qayta ishlash usullari bilan ishlov berish uchun juda katta yoki murakkab bo‘lgan hajmdagi tizimlashgan va tizimlashmagan ma’lumotlarni tavsiflovchi atama. Katta ma’lumotlar "3V" deb nomlanuvchi uchta asosiy xususiyat bilan tavsiflanadi: hajm (volume), tezlik (velocity) va xilma-xillik (variety). Bugungi kunda Big Data texnologiyalari ko‘plab sohalarda foydalanilmoqda. Big Data ma’lumotlaridan biznesda foydalanishning ba’zi usullarini ko‘rib o‘tsak:

Mijozlar tahlili: big data tashkilotlarga o‘z mijozlarini yaxshiroq tushunishga yordam beradi. Bunga tranzaksion ma’lumotlarni tahlil qilish, veb-saytlarni ko‘rish ma’lumotlari, ijtimoiy tarmoqlar va mijozlarni segmentlash, mijozlarning xatti-harakatlarini bashorat qilish kabilar kiradi.

Operatsion samaradorlik: big data tashkilotlarga operatsion ma’lumotlardagi tendensiyalar asosida o‘z faoliyatini optimallashtirishga yordam beradi. Bunga ishlab chiqarish, logistika, energiya iste’moli va boshqalar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni tahlil qilish kiradi.

Xavf va firibgarlik: tashkilotlar potensial xavf va firibgarlik faoliyatini aniqlash uchun murakkab va tizimlashmagan ma’lumotlar to‘plamlarini tahlil qilish uchun big datadan foydalanishlari mumkin. Masalan, banklar va moliya institutlari operatsiyalarni kuzatish va shubhali xatti-harakatlarni aniqlash uchun big data ma’lumotlaridan foydalanadilar.

Katta ma’lumotlardan foydalanganda ma’lumotlarni himoya qilish va maxfiylik qonunlariga rioya qilishni ta’minlash muhimdir.

Zamonaviy biznes va iqtisodiyot rivojlanishiga sezilarli ta’siri bo‘lgan raqamli transformatsiya *faoliyat* va *o‘zaro* ta’sirning yangi usullariga o‘tishni anglatadi. Raqamli transformatsiya biznes modellari, korporativ madaniyat va mijozlarning o‘zaro munosabatlarini tubdan qayta ko‘rib chiqishni nazarda tutadi. Katta ma’lumotlar, sun’iy intellekt, bulutli hisoblash va blockchain kabi texnologiyalar o‘zgarishlarning drayverlari bo‘lib, yangi biznes imkoniyatlarini yaratmoqda. Ular tez o‘zgaruvchan raqamli kontekstda operatsion samaradorlikni oshirish, mijozlarga xizmat ko‘rsatish sifatini oshirish, yangi daromad manbalarini ochish va raqobatbardosh ustunlikka hissa qo‘shadi. Shuningdek, raqamli transformatsiya bir qator muammolardan ham holi emas. Jumladan: texnik qiyinchiliklar, o‘zgarishlarni boshqarish, ma’lumotlarni himoya qilish va maxfiylik, shuningdek xodimlarni qayta tayyorlash masalalari. Raqamli transformatsiyani muvaffaqiyatli amalga oshirish strategik yondashuvni, boshqaruvchilarning faol ishtirokini, aniq konsepsiya va moslashuvchan korporativ madaniyatni talab qiladi.

Raqamli transformatsiya bir martalik loyiha emas, balki uzluksiz jarayon ekanligini ta’kidlash muhimdir. Texnologik taraqqiyot va mijozlarning o‘zgaruvchan

ehtiyojlarini hisobga olgan holda, tashkilotlar raqamlashtirish davrida raqobatbardosh bo‘lib qolish uchun doimiy ravishda o‘zgarishlarga moslashishi va yangilanishi kerak. Xulosa qilib shuni ta’kidlash kerakki, raqamli transformatsiya biznes va iqtisodiyotning ajralmas qismiga aylanib, mahsuldorlik, o‘sish va barqaror rivojlanishga katta hissa qo‘shmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.05.2023-yildagi PQ-162-son “Raqamli xizmatlar qamrovi va sifatini oshirish hamda soha, tarmoq va hududlarni raqamli transformatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 05.10.2020-yildagi PF-6079-son “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni.
3. Britannica, T. Editors of Encyclopaedia. (2020, August). "Exponential growth".
4. Piter Vayl, Stefani Vorner. (2018. “Sifrovaya transformatsiya biznesa” Izmeneniye biznes-modeli dlya organizatsii novogo pokoleniya.
5. Siebel, T. M. (2019). Digital Transformation: Survive and Thrive in an Era of Mass Extinction. RosettaBooks.
6. Westerman, G., Bonnet, D., & McAfee, A. (2014). Leading Digital: Turning Technology into Business Transformation. Harvard Business Review Press.
7. Venkatraman, V. (2017). The Digital Matrix: New Rules for Business Transformation Through Technology. LifeTree Media.
8. Raskino, M., & Waller, G. (2015). Digital to the Core: Remastering Leadership for Your Industry, Your Enterprise, and Yourself. Bibliomotion.

Darvishov S.R. *– Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi test markazi, o’qituvchi – metodisti*

IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISH JARAYONIDA SUD-BUXGALTERIYA EKSPERTIZASINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

XXI asr – raqamli texnologiyalar asri bo‘lganligi sababli, bugun jamiyat hayotining hech bir jabhasini raqamli texnologiyalarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. So‘nggi yillarda mamlakatimizda raqamli transformatsiya barcha sohalar kabi iqtisodiyotning ko‘plab sohalarini qamrab oldi va bu jarayon jadallik bilan rivojlanib bormoqda. Ilgari iqtisodiyotga raqamli texnologiyalarni joriy qilish iqtisodiy rivojlanishga imkoniyat, sabab sifatida e’tibor qaratilgan bo‘lsa, bugun esa bu zamon talabiga aylandi. Chunki, bugun raqamli transformatsiya iqtisodiy rivojlanishning asosiy omillaridan biri hisoblanadi. Iqtisodiyotda raqamli transformatsiya borasida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev “Raqamli iqtisodiyotsiz mamlakat iqtisodiyotining kelajagi yo‘q” [5] deya ta’kidlaganlar.

Mamlakatimizni 2030 yilga borib dunyoning 50 ta eng ilg‘or mamlakati qatoriga kiritishga erishish maqsadida, iqtisodiyotni raqamli transformatsiya qilish borasida ham keng ko‘lamli tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan,

2020 yil “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb nomlanib O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 2 martdagi “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni qabul qilindi. Mazkur davlat dasturida mamlakatimizda “Raqamli iqtisodiyotni” inson faoliyatining barcha sohalariga keng joriy qilish, uni rivojlantirish borasida amalga oshiriladigan ishlar belgilab berildi. Shu asosda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 28 apreldagi “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4699-son qarori hamda 2020 yil 5 oktyabrdagi “Raqamli O‘zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son farmoni qabul qilindi.

Iqtisodiyotni raqamlashtirish borasida olib borilgan islohotlar natijasida bugun buxgalteriya sohasini raqamlashtirish yo‘nalishida ham sezilarli o‘zgarishlar yuz bermoqda. Ayniqsa, buxgalteriya hisobini raqamlashtirish borasida yangi 1S, 1UZ, BEM, UzASBO, ESTAT kabi dasturiy ta’minotlar, Bank-klient, internet-banking kabi tizimlar hamda elektron hisobvaraq-fakturalar tizimining ishlab chiqilgani va ularni muntazam takomillashtirilib borilishi bunga yaqqol misol bo‘la oladi [2]. Shular qatorida buxgalteriya hisobini raqamlashtirish jarayonida elektron shaklda tuzilgan buxgalteriya hujjatlarining tasdiqlanishi ham elektron raqamli imzo bilan amalga oshirilishi va u qo‘lda qo‘yilgan imzo bilan bir xil ahamiyatga ega ekanligini qonunchilik hujjatlari bilan e’tirof etilgan. Mazkur jarayonda mamlakatimiz iqtisodiyotida raqamli transformatsiya buxgalteriya hisobi sub’ektlariga juda ham ko‘p yengilliklar hamda qulay imkoniyatlar yaratib kelmoqda.

Biroq mamlakat iqtisodiy rivojlanishini ta’minlashda uning iqtisodiy xavfsizligi masalasi ham dolzarb muammolardan hisoblanadi. Ayniqsa, buxgalteriya hisobini yuritish bilan bog‘liq bo‘lgan iqtisodiy huquqbuzarliklar o‘z navbatida mamlakat iqtisodiy xavfsizligiga asosiy tahdidlardan biri sanaladi. Bu borada Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev “Islohotlarimizga jiddiy to‘sqinlik qilayotgan “yashirin iqtisodiyot”ga barham berilmas ekan, sog‘lom raqobat ham, qulay investitsiya muhiti ham shakllanmaydi” [3] deya ta’kidlab o‘tganlar.

Statistik raqamlarga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, sudlangan shaxslar tomonidan sodir etilgan jinoyatlardan birgina “O‘zlashtirish yoki rastrata yo‘li bilan talon-toroj qilish” jinoyati 2020 yilda 1528 ta, 2021 yilda 3883 ta, 2022 yilda esa 5891 tani tashkil qilib yildan-yilga sezilarli darajada o‘sish tendensiyasini kuzatish mumkin [4]. Mazkur turdagi, ya’ni buxgalteriya hisobiga oid nizolar shuningdek, buxgalteriya hisobini yuritish bilan bog‘liq turli xil suiiste’molliklar, talon-tarojliklar, xo‘jalik hamda mansab bilan bog‘lik bo‘lgan iqtisodiy huquqbuzarliklarni tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov va sud muhokamasida ko‘rishda maxsus iqtisodiy bilimlar keng qo‘llaniladi. Maxsus iqtisodiy bilimlar orasida nihoyatda keng tarqalgan turlaridan biri bu – sud-buxgalteriya ekspertizasidir. Uni o‘tkazish zarurati tergovga qadar tekshiruv, surishtiruv, dastlabki tergov va sud muhokamasida yuzaga keladigan buxgalteriya hisobiga oid nizolarni adolatli hal qilishda maxsus buxgalteriya hisobiga oid bilimlar keng qo‘llanilganda vudujga keladi.

Umuman olganda, sud-buxgalteriya ekspertizasi fuqarolik, iqtisodiy, jinoyat va ma’muriy sud ishlarini yuritishda ish holatlarini aniqlashga qaratilgan hamda ekspert-buxgalter tomonidan buxgalteriya sohasidagi maxsus bilimlar asosida sud-ekspert tekshirishlarini o‘tkazish va xulosa berishdan iborat bo‘lgan protsessual harakatdir. Sud-buxgalteriya ekspertizasining maqsadi tergovga qadar tekshiruvni amalga oshiruvchi organ mansabdor shaxsining, surishtiruvchining, tergovchining, prokurorning yoki sudyaning qarori, sudning ajrimi, advokatning so‘rovida qo‘yilgan savollarga asoslantirilgan xulosa berish uchun buxgalteriya hisobi sub’ektining buxgalteriya hisobi va moliyaviy hisobotni tashkil etishning to‘g‘riligi, xo‘jalik faoliyatining ishonchliligini aniqlashdan iborat.

Sud-buxgalteriya ekspertizasining ob’ektlari umumiy va maxsus turlarga bo‘linadi. Umumiy turiga boshlang‘ich va yig‘ma hujjatlar, buxgalteriya hisobi registrlari, moliya va soliq hisobotlari hujjatlari, inventarizatsiya materiallari, tashkiliy-ma’muriy hujjatlar va boshqa buxgalteriya hujjatlari kiradi. Maxsus turiga hujjatli taftish dalolatnomasi, boshqa soha ekspertlarining xulosalari, hujjatlarni olib qo‘yish to‘g‘risidagi bayonnomalar va ularni ishga ilova qilish to‘g‘risidagi qarorlar, turli sud jarayonlarining bayonnomalari (so‘roq qilish, yuzlashtirish, tintuv va olib qo‘yish) kiradi [1].

Bugungi kunda buxgalteriya hisobi sub’ektlari tomonidan buxgalteriya hisobi avtomatlashtirilgan sharoitda turli xil dasturiy ta’minotlarda olib borilayotganligi sababli sud-buxgalteriya ekspertizasi ob’ektlarining umumiy turlariga nafaqat qog‘oz shaklda taqdim etilgan hujjatlar, balki elektron tarzda tuzilib, kompyuter xotira qurilmalarida saqlanadigan, ma’lumotlar tarmoqlari orqali uzatiladigan hamda elektron imzo bilan tasdiqlanadigan hujjatlar ham kiradi.

Demak, elektron hujjatlar ham huddi qog‘oz hujjatlari kabi bir xil kuchga ega. Shu bilan birga raqamlashtirilgan buxgalteriya hisobi orqali iqtisodiyot sohasidagi huquqbuzarliklar amalga oshirilsa elektron buxgalteriya hujjatlari ishlarni ko‘rib chiqish uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lgan axborot manbai bo‘lib xizmat qiladi hamda o‘z navbatida ular ham sud-buxgalteriya ekspertizasi ob’ekti bo‘lib hisoblanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni xulosa qilish mumkinki, bugungi kunda mamlaktimizda buxgalteriya hisobi sohasiga raqamlashtirish texnologiyalarini keng joriy qilinishi jadallashib borayotgan bir paytda sud-buxgalteriya ekspertizasini sifati va samaradorligini yanada oshirish uchun quyidagilarni:

ekspert-buxgalterlar buxgalteriya hisobini raqamlashtirish borasidagi normativ hujjatlar to‘g‘risida muntazam ravishda bilimlarini oshirib borishlari;

ekspert-buxgalterlar tomonidan avtomatlashtirilgan buxgalteriya hisobida qo‘lda kiritilgan o‘zgartirishlar orqali yuz bergan noqonuniy hatti-harakatlarni aniqlash uchun ekspert-buxgalterlarda buxgalteriya hisobiga doir dasturiy ta’minotlarda ishlash bo‘yicha amaliy ko‘nikmalarni shakllantirish hamda doimiy ravishda takomillashtirib borishlari;

raqamlashtirilgan buxgalteriya hisobi ma’lumotlari bo‘yicha sud-buxgalteriya ekspertizasi tadqiqotini o‘tkazish metodikasini ishlab chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati
1. Е.С.Дубоносов Судебно-бухгалтерская экспертиза: учебник для бакалавриата и магистратуры / Е. С. Дубоносов. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2019. С.-70-71.
2. S.R.Darvishov Buxgalteriya hisobini raqamlashtirishda sud-buxgalteriya ekspertizasi. Toshkent moliya instituti “Iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasida sun’iy intellektni rivojlantirishning asosiy tendensiyalari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari 2022 yil 25 mart. 138-140-B.
3. https://president.uz/uz/lists/view/3324
4. https://stat.sud.uz/file/2023/03.05/sayt%20jinoyat%202023%20yil%203%20oy.pdf
5. https://president.uz/uz/lists/view/3848

Ғойипназаров С.Б. *- ТДИУ, кафедра мудири,*

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШ

Сунъий интеллектни жорий этиш меҳнат унумдорлиги, иш билан бандлик, ялпи ички маҳсулот каби энг муҳим иқтисодий кўрсаткичларга глобал даражада таъсир кўрсатади. Сунъий интеллект технологиялари иш хусусияти ва иш жойларини ўзгартиради. Машиналар ҳозир одамлар томонидан бажарилаётган ишларнинг катта қиммини ўз зиммасига олади, ҳатто улар уддасидан чиқа олмаётган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлади.

Аммо сунъий интеллект меҳнат унумдорлигини кескин оширадиган бўлса ҳам ходимларнинг иш билан тўлиқ бандлиги ёки иш ҳақи масалаларида жиддий муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бу масалалар сунъий интеллектнинг иш кучига талабни камайтирадиган автоматлаштиришга хизмат қилиши билан боғлиқдир. Шунингдек, сунъий интеллектни қўллаш меҳнат унумдорлигининг иш билан бандлик ва иш ҳақи билан боғликлигини ҳам савол остида қолдиради.

Назарияда ушбу муаммолар хусусида турли фикрлар билдирилишига қарамасдан, кейинги ўн йил давомида сунъий интеллектга асосланган маълумотлар кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам иш билан бандлик ва иш ҳақи камайиши ғоясини тасдиқламади. Айрим тадқиқотлар сунъий интеллектнинг иш ҳақига ижобий таъсирини назарда тутади, бунда ана шу иш ҳақининг ортиши юқори иш ҳақи оладиган касблар ва таълим даражаси юқори бўлган ходимларда кузатилади. Ана шу ходимлар ўз меҳнати натижасига қўшимча равишда сунъий интеллектдан фойдаланганолда ушбу самара келтирган фойдага шерик бўлади.

Сунъий интеллект бўйича иқтисодий адабиётларнинг кўпчилиги чиқимларни (шу жумладан фирмаларга иш кучини арзон капитал билан алмаштириш имкониятини тақдим этиш орқали) меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятига эътиборни қаратади. Меҳнат унумдорлиги сўнгги ўн йил давомида сунъий интеллект соҳасида ва бошқа технологияларда жиддий

тараққиётга эришилаётганига қарамасдан унинг суръатлари ҳозирча ҳаммани ҳам қаноатлантираётгани йўқ [1]. Тадқиқотчилар талаб қилинаётган меҳнат унумдорлигига эришиш сабабларини тушуниш учун сунъий интеллект унинг ортишига қандай таъсир қилиши ҳақида якдил фикрда эмаслар.

Таҳлиллар иқтисодиётда рақамли технологияларни бир текис жорий этилмаслиги меҳнат унумдорлиги пасайишининг муҳим ҳолати эканлигини тасдиқлайди, рақамлаштириш билан меҳнат унумдорлиги ўртасидаги фарқ самарали ёки самарасиз фирмалар ҳолати билан боғлиқдир. Чунки самарасизроқ фирмалар учун рақамли технологияларни жорий қилишга самарали ёрдам кўрсатадиган кўникмаларга эга ходимларни жалб этиш мураккаб бўлиши мумкин.

Сунъий интеллектнинг меҳнат унумдорлигини ошириш салоҳиятини баҳолашдаги муаммолардан бири шундан иборатки, хоҳлаган пайтда бундан икки йил кейин меҳнат унумдорлиги даражасини олдиндан башорат қилишнинг мураккаблиги, айниқса бу режаланаётган меҳнат унумдорлиги мутлақо янги технология кашф этилишига ёки уларни жорий этишга боғлиқ бўлса.

Иқтисодчилар сунъий интеллект иш кучига талаб камайган, иш ҳақи ортмаган ҳолатда меҳнат унумдорлигини қандай қилиб оширилиши мумкинлиги назарий асосни таклиф қилишди. Ана шу концепциядаги чегаралашлардан бири унинг автоматлаштириш технологиясини кўриб чиқишда сунъий интеллектнинг ҳам саноат роботлари ва автоматлашган жиҳозлар каби бошқа технологияларига ўхшаш деб ҳисоблайдилар. Буни сунъий интеллект имкониятларини эътиборга олмасдан исботлаш талаб қилинади.

Таҳлилчиларнинг ҳисобоашича, 2025 йилга бориб жаҳонда сунъий интеллектнинг ҳажми 23 триллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги 17,1 фоиз дан 24,3 фоизга ошади. Рақамли ўзгаришларни рағбатлантириш учун уланишлар, яъни булутли технологиялардан фойдаланадиган корхоналар сони 85, сунъий интеллектдан фойдаланувчилар 86, рақамли катта маълумотлар билан ишловчи муассасалар 80 фоизга етади. Ҳозирги даврда рақамли технологиялар корхоналарни бошқаришни ҳам тубдан сифат жиҳатидан ўзгартириб, улар ишлаб чиқариши рентабеллигини ва бозордаги рентабеллигини оширади.

Роботлаштириш ва меҳнатнинг сунъий интеллектлашуви инсон меҳнатига муқобил равишдалигини намоён этиб, иқтисодий жиҳатдан самарадор қилмоқда. Бу автоматлаштириш даражасининг иш соатига нисбатида ҳам ўз ифодасини топган

Агар 2018 йилда инсон-соат ва машина-соат нисбати тегишли равишда 71,0 % 29,0 % ни ташкил этган бўлса, WEF экспертларининг ҳисоблашича 2025 йилда ушбу нисбат 48,0 % инсон-соатни ва 52,0 % машина-соат бўлиши кутилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бўлаётган барча жараёнларнинг ажралмас қисмидир. Ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларининг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун

симли ва мобил алоқани таъминлаш, маълумотларни узатиш тармоқларини ташкил қилиш, компьютер ва тармоқ инфратузилмасини яратиш, технологик жараёнларни ахборот тизимлари ва автоматлаштирилган бошқариш тизимларини жорий этиш зарур. Бу иқтисодиёт учун катта фойда келтириш баробарида ишчилар учун қатор қулайликларни ҳам яратмоқда.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришда сунъий интеллектнинг биринчи авлоди топширилган дастурнинг ўзини бажара оладиган дастурлаштириладиган роботлардир. Уларнинг иккинчисига – сенсорларга эга ва уларнинг ёрдамида атрофдаги муҳитдан маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва зарурат бўлганда ўз вазифалари ва ишлашига тегишли ўзгартиришларни қўша оладиган мослашувчан роботлар киради. Учинчи авлоднинг аксарияти эса интеллектуал роботлардан ташкил топган, улар атроф-муҳитдаги объектларни фарқлай олади ва муайян ҳаракатларни мустақил амалга ошира олади.

Саноатга жалб қилинган барча роботлар роботлаштирилган технологик комплексларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Улар техниканинг жамланмаси ҳисобланади ва кўпинча миқёс жиҳатдан йирикроқ амалиётларни бажариш учун қўлланилади, яъри буюмни ушлаш, фавқулодда вазиятлардаги вазифаларни бажариш (масалан, сув остида), ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларининг кечиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқаришни роботлаштириш маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жойдан-жойга кўчиришда фойдаланиладиган инсон ресурсларининг ўрнини босиши зарур. Кўпинча ишлатилаётган механизмлар олдига, улар бир кунда бир неча марта бажарадиган оддий вазифалар қўйилади. Маҳсулотларни ўраш, юклаш ва корхонанинг турли ҳудудлари ўртасида ташиб етказиш каби ишларда роботлар жуда зарур. Буюм ва анжомларни ишлаб чиқишда ҳозирча қийинчиликлар кузатилмоқда, чунки фақат ўта қиммат турадиган техника чизмалар бўйича буюмларни аниқ ишлаб чиқиши мумкин, ундан фойдаланиш эса, ҳозирча аксарият корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан бефойда ҳисобланиб келмоқда.

Робот техникаси мавжуд бўлган компания шубҳасиз устунликка эга бўлади – унинг цехлари узлуксиз ҳолатда кўп соатлар давомида ишлай олади. Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши тўғри ташкил қилинган ҳолда ҳар ойда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори кескин кўпаяди. Бундан ташқари, инсон ресурсларининг робототехника билан алмаштирилиши иш ҳақига тўланадиган маблағларнинг сарфланишини камайтиради. Барча жараёнларни амалга ошириш учун, барча тизимларни назорат қила оладиган бир нафар операторнинг ўзи кифоя бўлади.

Сифатли товарларни ишлар чиқариш зарурати –ишлаб чиқаришни роботлаштиришга ундайдиган бизнеснинг яна бир эҳтиёжи, бундай техникадан фойдаланиш афзаллиги тайёрланадиган буюм ва анжомларнинг аниқ чиқишидан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнида яроқсиз материаллар миқдори анча камайтирилади, бу бир жиҳатдан инсон омили ҳисобдан чиқарилгани сабабли ҳам рўй беради. Баъзи ишлаб чиқариш соҳаларида иш шароити одам организми учун жуда ҳам зарарли, айнан шундай жойларда робот техникаси асқотади.

Уларга пайвандлаш ишлари, пўлат қуйиш саноатидаги ишлар, материалларни бўяш ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, цехда жойлаштирилган робот ўз иш ҳудудига эга бўлади. Сунъий интеллектга эга бўлган роботлар эса иш ҳудудини қисқартиришга имкон яратади. Саноат корхоналарида ишлатиладиган ускуналар замонавий редукторлар ва анжомлардан таркиб топган бўлади, уларни тайёрлашда чидамли материаллардан фойдаланилади, шунинг учун уларга хизмат кўрсатиш осонлашади.

Жаҳон иқтисодий анжуманининг президенти Клаус Мартин Шваб сунъий интеллектни тўртинчи саноат инқилоби деб тахрифлаб, бу тўлиқ автоматлаштириш даври бўлиб, инсон интеллектининг сунъий интеллекти билан рақобатини туғдиради, деб таъкидлаган[2].

Бугунги кунда рақамли технологиялар корхонани бошқариш усулларининг ўзгариши билан бир қаторда фойда олишни кўпайтиради ҳамда бозорда янги имкониятларни туғдиради. Роботлаштириш ва меҳнатни сунъий интеллектуаллаштириш инсон меҳнатига самарали муқобил иқтисодиёт сифатида шаклланмоқда. Бунда саноат тармоқларининг автоматлаштириш даражасининг иш соатига нисбати 1-расмда тасвирланган.

Ўз навбатида янги вазифалар мутлақо янги ҳолатларни шакллантиришга олиб келмоқда. 2025 йилга бориб технологияларнинг тараққий этиши жаҳонда 75 миллионта иш жойлари йўқ бўлиши кутилаётган бўлса, шу билан бирга 133 миллионта янги иш жойлари ташкил этилиши башорат қилинмоқда.



1-расм. Саноат тармоқларини иш турлари бўйича автоматлаштириш даражасининг иш соатларига нисбати (%)[3]

Янги воқеликлар бевосита узлуксиз технологик ўзгаришлар билан боғлиқ улар ходимлардан иш кучи эга бўлмаган янги малакаларни талаб қилади. Масалан, бу ностандарт вазифаларни ҳал қилиш ёки маълумотларни таҳлил этиш. Саноат тармоқлари иш турларини автоматлаштириш даражаси 1-расмда кўрсатилган.

Ривожланиб бораётган рақамли иқтисодиётда асосий ишлаб чиқариш омиллари ахборот, билим ва рақамли технологиялар ҳисобланади. Олимларнинг фикрларига кўра, мавжуд бўлган “олим – муҳандис – ходим – истеъмолчи”

занжирини ҳозир иккитага: “олим – истеъмолчи”, келажакда эса биттага - “истеъмолчи” қисқартириш мумкин. Бунда корхона инсон капиталини бошқаришда сўзсиз ҳисобга олиш керак.

Янги вазиятлар узлуксиз давом этаётган технологик ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу ходимлардан янги малакаларни талаб қилади, аммо машиналарга ўрнини бўшатиб бераётган иш кучи бундай қобилиятларларга ҳамиша ҳам эга бўлмайди. Бунинг оқибатида бизнес эҳтиёжи билан иш кучининг малакаси ўртасидаги катта фарқ компанияларнинг энг жиддий муаммоларидан бирига айланади[4].

Шу билан бирга инсон меҳнатининг салоҳиятини машиналар ёрдамида ошириш имкониятлари бор, бу технологиялар инсоннинг ўрнини эгалламасдан, балки тўлдирганида рўй беради. Агар машина ўз зиммасига бир маромли, зерикарли жараёнларни олса, ходимда бевосита инсон сифатларини намоён этиш имконияти пайдо бўлади. Натижада компанияда меҳнат унумдорлиги ва рақобатбардошлик ортади.

2-расм. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича автоматлаштирилган меҳнат улуши[5].

Бозорнинг айрим секторлари таҳлил қилинадиган бўлса, экспертларнинг фикрича меҳмонхона ва ресторан бизне СИда роботлаштириш жараёнларининг 75,0%ни автоматлаштириш мумкин. Бу фойдали минералларни қазиб олишда 63%ни ташкил этади.

Сунъий интеллекдан фойдаланган ҳолда жорий этилаётган технологиялар харажатларни камайтиришдан мижозларга нисбатан янада аниқ мақсадни кўзлаган ва яккама-якка ёндашув асосида фойдаланиши мумкин. Ана шу ўзгаришлар натижасида бизнес эҳтиёжлари ва мавжуд иш кучи малакаси ўртасидаги фарқ компаниялар учун жиддий муаммо туғдирмоқда. Шу билан бирга технологиялар инсон ўрнини эгаллаб эмас, балки уни тўлдирган ҳолда меҳнатни автоматлаштириш салоҳиятини алоҳида таъкидлаш керак. Агар машиналар ўз зиммасига оддий зерикарли ишларни олса, ходимларда меҳнат самардорлиги ва рақобатбардошлигини оширадиган соф инсоний сифатлар такомиллашиб боради.

Шунга қарамасдан ҳали кўпгина компаниялар бизнесда СИдан фойдаланиш бўйича ўз стратегияларини ишлаб чиқмаганлар. Маълумотларга кўра, ҳозир фақат беш компаниядан биттаси сунъий интеллектни ўз иш

жараёнларига жалб қилган. Сунъий интеллектни жорий қилишнинг асосий мураккабликларидан бири улар билан ишлай оладиган мутахассисларни топишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Абдурахманов К.Х. Искусственный интеллект – основа устойчивого развития экономике. – Москва: ФГБОУ ВО “РЕУ им. Г.В.Плеханова”, 2023, - 356 с.
2. Абдурахманов К.Х., Кадиров Ш.М. и др. Дистанционные трудовые отношения в цифровой экономике. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021
3. OECD «Digital Economy Outlook, 2017» тадқиқотлари асосида
4. Agrawal, A., J. Gans and A. Goldfarb (2019), “Artificial Intelligence: The Ambiguous Labor Market Impact of Automating Prediction”, The Journal of Economic Perspectives, Vol. 33/2, pp. 31-50, http://dx.doi.org/10.2307/26621238 Cockburn, I., R. Henderson and S. Stern (2018), The Impact of Artificial Intelligence on Innovation, NBER, http://dx.doi.org/10.3386/w24449
5. Cowen, T. (2016), “Why Innovation Isn’t Over”, Foreign Affairs, https://www.foreignaffairs.com/reviews/review-essay/2016-02-15/innovation-over

Алланиязов П.А. *- ҚДУ, тадқиқотчи*

ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Жаҳон амалиётида, турли мамлакатларда (Европа иттифоқи) инновацин лойиҳаларнинг 50 фоизи марказлашган фонди маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Шу боис, ривожланган давлатларда инновацион жараённинг давомийлиги 5-6 йилни, ўртача ривожланган ва ривожланиб келаётган мамлакатларда эса 15-20 йилни ташкил этади.

Айтиш лозимки, хорижий мамлакатларда парранда маҳсулдорлигининг камайиши тухим ва гўшт етиштириш масштабларини кўчайтириш ҳисобига бўлса ҳам, экологик нуқтаи-назардан кўпроқ ҳавфсиз технологияларга ўтиш, ижтимоий ўзгаришлар ва инновацион фаолият билан фаол шуғилланадиган корхоналар учун давлат томонидан солиқ имтиёзлари яратилиши мақсад қилинган.

Жаҳон паррандачилигини ривжланиш даражаси хом-ашё, моддий, молиёвий ва меҳнат ресурслари ҳисобига ҳал этилади. Шунингдек, миллий анъаналар, демографик омиллар, табиий-иқлим шароитлари, парранда гўшти ва тухимини етиштириш ҳамда уни истеъмол қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлик даражаси билан бирга боғланган ҳолда амалга оширилади.

Хорижий давлатларда паррандачилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкилий-иқтисодий, ижтимой ва бошқа омиллар таъсирларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Масалан, иссиқ иқлимли мамлакатларда (Таиланд, Бразилия) паррандахоналар кучли вентиляция ва совитиш тизими билан

жиҳозланган. Америкада паррандахоналарнинг деворсиз алоҳида конструкциясидан фойдаланилади. Бу эса уларни шамоллатишда электр энергиясини тежаш имконини беради. Россиянинг кескин иқлим шароитларида эса паррандахоналарни иситиш зарур.

Бутун жаҳонда қишлоқ хўжалик паррандалари генофондини сақлаш муаммоси ўта долзарб бўлиб турибди. Чунки кўплаб ноёб парранда зотлари йўқолиб кетиш арафасида турибди. Дунёдаги энг йирик «генетик банк» Россияда жойлашган бўлиб, унинг коллекциясида 75 та парранда зоти бўлиб, уларнинг 23 таси ғозалар, 8 таси ўрдаклар, 5 таси цесаркалар, 8 таси бедана турларини ташкил этади [1].

Паррандаларнинг кам сонли турларини сақлаш ва генли инженерияни ривожлантириш ажойиб гўшт таъмига, юқори даражадаги сертухумликка ва турли касалликларга чидамлиликка, қимматли сифатлар ва фойдали белгиларга эга бўлган парранда турини яратиш имконини беради. Масалан, камёб «куланги» наслидан бўлган товуқлар генди инженерияда самарали қўлланилиши мумкин (паррада суягини мустаҳкам бўлишида, бу насл хўрозлари эса 7 кг гача тош босади) [2].

Жигарранг тухумга бўлган талабининг ортиши жаҳон тенденциясига эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бельгияда паррандачиликда инновацион фаолиятни ривожлантириш ишлаб чиқариш ҳажмини 70 фоизга, Англияда-85 фоиз, Италияда-79 фоиз, АҚШ, Японияда эса 20 фоизгача ошшишига олиб келади. Оч сариқ рангли наслчилик маҳсулоти бўлган тухумни эса, жаҳон бозорига Австралия, Польша, Чехия ва Канаданинг 10 га яқин фирмалари етказиб беришади.

Саноати ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Япония, Ғарбий Европанинг етакчи мамлакатлари, Россия) инновацион йўналиш сифатида инсон учун фойдали бўлган қатор озуқавий моддаларининг юқари концентрацияси билан ажралиб турадиган функционал тухумлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган [3].

Маҳсулот ассортиментининг камлиги ва унинг сифати талаб даражасига жавоб бермаслиги маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади. Паррандачилик корхоналарида инновацион фаолиятни давлат томанидан қўллаб-қувватланиши, жумладан божхона-тариф сиёстни туфайли таъминлаш имкониятини беради [4].

Парранда маҳулотларини қайта ишлаш бўйича инновацион ишланмаларни ишлалаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобига, мамлакатда паррандачилик тармоғининг рақобатбардашлиги ошиб бормоқда. Шу туфайли, сўнгги ўн йилликда бройлер ишлаб чиқаришида маҳсулотнинг кенг ассортиментини ишлаб чиқарадиган йирик қайта ишлаш заводлари ва паррандаларни сўйиш цехлари яратилди. Шу туфайли, мамлакатнинг бройлер етиштириш паррандачилигида сўнгги ўн йилликда маҳсулотнинг кенг ассортименти яратиб, сўйиш цехлари яратилди. Шу туфайли, маҳсулотнинг кенг ассортименти яратилиб, ишлаб чиқарадиган ва йирик қайта ишлаш заводлари ҳамда парранда сўйиладиган цехлар яратилди [5].

Россия мамлакатида озиқ-овқат саноти учун керак бўлган суюқ тухум маҳсулотлари, юқори кўпирадиган тухум оқи, ферментланган тухум сариғи, туз, шакар ва зираворлар қўшилган тухум маҳсулотлари, тухум сариғи ва мелиж каби инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, озиқ-овқат саноати эҳтиёжлари учун кукунли тухум маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Қуритилган тухум пўчоғи эса ўғит сифатида, озуқавий қўшимча сифатида қўлланилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, паррандачилик корхонасига янгиликни киритиш жараёни киритилаётган янгилик ҳақида маълумот олиш, янгилик ва унинг хусусиятларини таҳлил қилиш, инновацион лойиҳани татбиқ этиш давомида паррандачилик корхонасининг бозардаги ўрнини аниқлаш, янгиликни татбиқ этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, инновацияларни паррандачилик корхоналарида татбиқ этиш каби босқичларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Рахматалиев М.Э.Қишлоқ хўжалигида инновациялардан фойдаланишнинг хорижий давлатлардаги устувор йўналишлари // Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлашнинг тежамкор технологиялари ва уларнинг инновацион ечимлари республика илмий ва илмий техник анжумани материаллари ФарПИ, 2017 йил 20-21 апрел 449-450б.
2.Рахматалиев М.Э. Thends and problems of development of regional poultry //World science problems anf innovations: сборник статей XXIV Международной научно-практической конференции.-Пенза,30 сентября 2018 г.83-85с.
3.Rakhmataliyev M. Development of the poultry industry on the basis of innovative activities //Modern scientific challenges and trends. A collection scientific works of the international scientific (7-9 april,2021)- Warsaw Sp.zo.o. Science, 2021.Part 2-230p.
4.Серегин А.В. Оценка эффективности управления отраслью птицеводства // Актуальные вопросы развития аграрного образования и науки: материалы международной научно-практической конференции. Часть 1/Рос.гос. аграр.заоч. ун-т.М.,2010 346 с.
5.Авсянников Н.М.Инновационный менеджмент-Москва, 2002 174 с.

Тўраев А.Н. *– ТДИУ, профессор - и.ф.д.*
Сувонов Б.Б. *– ТДИУ, таянч докторант*

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МЕҲНАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ МОҲИЯТИ

Ходимларнинг пассивлиги молиявий фаровонликка, шунингдек, компаниянинг обрўсига салбий таъсир қилади, шунинг учун вақти-вақти билан меҳнат кўрсаткичларини таҳлил қилиш керак. Ушбу кўрсаткичлар орасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари энг асосийлари ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари – булар ходимларнинг ишни бажаришдаги самарадорлиги кўрсаткичлари. Улар ходим учун энг муҳим хусусиятлар тўпламини ифодалайди.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ташкилотда ишлайдиган мутахассисларнинг ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланилишини тушунишга ёрдам беради. Одатда, меҳнат унумдорлигини баҳолаш қуйидагилар учун зарур:

меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш учун асос яратиш;

баҳолаш предметини аниқлаштириш;

ходимларни ўз вазифаларини тегишли даражада, шунингдек компаниянинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бажаришга йўналтириш;

эгаллаб турган лавозимига мувофиқ талаблар тизимини тартибга солиш;

ходимларни самарали ва самарали ишлашга ундаш; ходимларни баҳолашни барча ходимлар учун очиқ ва тушунарли қилиш.

Йирик ташкилотларда тўғридан-тўғри ўлчовлар ва амалий тадқиқотлар асосида ходимларнинг ишлаш кўрсаткичларини баҳолаш кўпинча мураккаб. Ходимларни баҳолашда миқдорий мезонлар кенг тарқалган бўлиб, улар орқали:

- ходимларнинг ўз лавозимига мувофиқлик даражасини аниқлаш;
- ҳар бир ходимнинг компания фаолиятига қўшган ҳиссасини аниқлаш;
- иш натижаларига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш ва қўшимча рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- ходимларни якуний натижага қаратиш орқали индивидуал даромад даражасини ошириш;
- малакавий бўшлиқларни тўлдириш орқали профессионалликни ривожлантириш;
- иш услублари билан бир қаторда усулларни ҳам такомиллаштириш мумкин.

Агар ходимларнинг қониқиш даражаси, фаолият самарадорлиги, даромадлари, рентабеллиги баҳоланса, меҳнат самарадорлигининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш мумкин[1].

Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари савдода ва офис ходимлари учун меҳнат самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларига ажратилади (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳнат самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асоси
Савдода ва офис ходимлари учун меҳнат самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари	товарлар ёки хизматларни сотишдан олинган умумий тушум; фойда; ҳисобдан чиқарилган товарлар; харажат нархи; компания заҳираларининг нархи; айланма маблағлар.

[1] https://www.hr-director.ru/article/66732-qqq-17-m6-pokazateli-effektivnosti-truda

Ишлаб чиқаришда меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари	кундалик харажатлар; меҳнат унумдорлиги; тугалланмаган жараёнларнинг улуши; ташкилот харажатлари; товарларни сақлаш харажатлари; ускуналарни таъмирлаш харажатлари.

**жадвал муаллиф ишланмаси*

Меҳнат самарадорлигининг миқдорий кўрсаткичларини баҳолашнинг асосий афзалликлари аниқ мезонлар, натижаларни юқори даражада исботлаш ва ходимларни рағбатлантириш ҳисобланади. Бироқ, камчиликлар истисно қилинмайди, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

баҳолаш мезонларини, шунингдек, тегишли воситаларни ишлаб чиқиш зарурати;

натижаларни ҳисобга олиш бўйича ишларнинг катта ҳажми туфайли баҳолашнинг мураккаблиги ва машаққатлилиги;

тақсимлаш, ходимларнинг жамоавий фаолият шаклларидаги иштирокини баҳолаш муаммоларининг мавжудлиги;

мутахассислар салоҳиятини, уларнинг ички захираларини аниқлай олмаслик.

Баъзи замонавий ташкилотларда самарадорлик ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари сифат нуқтаи назаридан баҳоланади. Аммо барча компанияларда ёки тўлиқ бўлмаган миқдорда баҳолашни амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниш зарур. Шу билан бирга, кадрлар ишининг самарадорлигини пасайтирадиган омилларни ҳисобга олиш керак: хом ашё сифати пастлиги, эскирган ускуналар, ходимларнинг ортиқча юкланиши.

Меҳнат унумдорлигининг асосий турлари уч гуруҳга ажратилади:

Ҳақиқий вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини кўрсатадиган кўрсаткичлар. Масалан, бир ишчи кунига қанча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқарди.

Нақд (ёки аниқ) - бу кечикишлар бартараф этилса эришиш мумкин бўлган кўрсаткич: савдо гуруҳи ушбу чоракда қанча янги мижозларни сотиб олиши керак.

Потенциал меҳнат шароитлари яхшиланса, қанча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлигини аниқлайди: янги дастурий таъминот билан бир ойда қанча маҳсулотни сотиш мумкин.

Меҳнат самарадорлигини ҳисоблаш учун ишлаб чиқариш ёки меҳнат зичлиги ҳисобга олинади. Танлов бизнеснинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ: агар иш бир хил турдаги ва узлуксиз бўлса, ишлаб чиқариш, бошқа ҳолатлар учун эса меҳнат зичлиги ҳисобга олинади. Улар махсус формулалар бўйича ҳисобланади.

1). Биринчиси, танланган вақт учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг маълум бир миқдори. Кўрсаткич бажарилган иш ҳажмини ҳисоблаш ва сифатни баҳолаш учун керак. Формула бўйича ҳисобланг:

$$B=Q/T$$

Бу ерда Q - товар ёки бажарилган иш ҳажми, Т - бажариш учун сарфланган вақт.

Ўлчовлар маълум бирликларда қайд этилади: дона, килограмм, литр. Масалан, битта менежер иш кунида 50 та товар сотади, иккинчиси эса атиги 20. Бу биринчисининг меҳнат унумдорлиги иккинчисидан юқори эканлигини билдиради. Бундай кўрсаткич ўртача қийматни кўрсатиш ва қолганлар томонидан унга риоя қилиш учун зарурдир.

2). Меҳнат интенсивлиги

Ушбу кўрсаткич чиқишни ҳисоблаш қийин бўлганда керак бўлади. Мисол: автосервисда усталар машиналарни маълум вақт ичида таъмирламайдилар, шунинг учун улар сменада қанча машинани таъмирлашлари кераклигини аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолда, бузилишни тузатиш вақтини ҳисоблаш яхшироқдир. Меҳнат интенсивлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$T_r = T/Q$$

Т - топшириқни бажариш учун сарфланган вақт, Q - кўрсатилган товарлар ёки хизматлар ҳажми[1].

Меҳнат интенсивлиги беш турга бўлинади:

технологик - ишлаб чиқариш ходимларининг иши;

хизмат кўрсатиш - хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг иши;

ишлаб чиқариш - асосий ходимлар ва барча хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иши;

бошқарув - менежерлар ва топ-менежерларнинг меҳнат харажатлари;

тўлиқ - компаниянинг барча шахсларининг иши[2].

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Ташқи жараёнларга мамлакат иқтисодиётидаги глобал жараёнлар: қонунлардаги ўзгаришлар, молиявий инқироз, меҳнат бозори ҳолати киради. Компаниядаги ички жараёнларга: раҳбариятнинг ўзгариши ёки иш ҳақи тизимининг ўзгариши.

Шунингдек, унга қуйидагилар ҳам таъсир қилади:

янги технологияларни қўллаш;

ускунани сотиб олиш ёки эскириш;

ходимларнинг тажрибаси ва малакаси;

менежернинг бошқарув услуби ва жамоа мотивацияси;

Табиий ресурслар.

Хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

компютерлар, дастгоҳлар ва асбоб-ускуналарнинг ишга яроқлилигини текшириб туриш;.

KPI, бонуслар орқали ходимларни самарали ишлашга рағбатлантириш ва уларнинг фикрини инобатга олиш;

Логистикани оптималлаштириш ва етказиб бериш жараёнларини соддалаштириш;

[1] https://www.hr-director.ru/article/66732-qqq-17-m6-pokazateli-effektivnosti-truda

[2] https://www.bitrix24.ru/journal/pokazateli-proizvoditelnosti-truda-chto-eto-takoe-kak-ikh-rasschitat-i-dobitsya-uvelicheniya/

Ходимларни ўқитишга сармоя киритиш, уларнинг малакаси ва тажрибасини ошириш;

Ҳар бир ходим ва бўлим учун мақсадлар аниқ белгилаш;

Иш шароитларини яхшилаш;

Ходимларнинг интизомини назорат қилиш ва уларнинг иш сифатини ўз вақтида текшириш;

Маълумотларни қайта ишлаш жараёнини тезлаштирадиган автоматлаштирилган дастурларни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://www.hr-director.ru/article/66732-qqq-17-m6-pokazateli-effektivnosti-truda
2. https://www.hr-director.ru/article/66732-qqq-17-m6-pokazateli-effektivnosti-truda
3. https://www.bitrix24.ru/journal/pokazateli-proizvoditelnosti-truda-chto-eto-takoe-kak-ikh-rasschitat-i-dobitsya-uvelicheniya/

Суванова Д.Д. *– БТОМ, таянч докторант*

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРПОРАТУВ БОШҚАРУВ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рақамли корпоратив маданиятнинг юқори даражасига эришишнинг асоси-кадрларни тегишли тарзда тайёрлаш ҳисобланади. Ходимларни ўқитиш бўйича ишлар рақамли трансформация жараёнларида умумий иштирок этишга, менежер ва ходимлар ўртасидаги фаол ўзаро таъсирга, ўзаро фаолият функцияларига, мотивациянинг тўғри даражасига ва малака оширишга бўлган умумий истакларга эришишга қаратилган бўлиши керак. Рақамли иқтисодиётни бошқаришнинг инновацион жараёнларига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш даражаси муҳим ва компаниянинг рақамли трансформациясини рағбатлантириши ва унинг динамикасини чекловчи омилга айланиши мумкин.

Жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, ривожланиш ва фаолият даражаси турлича бўлган компанияларнинг аксарияти учун инфокоммуникация технологиялари соҳасидаги мутахассисларни юқори сифатли тайёрлаш ва зарур кўникмаларни эгаллашнинг ягона муаммоси мавжуд. Ишчиларнинг пенсия олди тоифасига тайёргарлик кўришдаги қийинчиликлар айниқса характерлидир. Рақамли ва АКТ компетенцияларини яхшилаш устида ишлаётган мутахассислар бозор ўзгаришларига жавоб бериш учун самарали ҳаракат қилиш учун зарур мослашувчанлик ва ишончга эга. Улар бошқарув кластерида янги имкониятлар, янги воситалар ва технологиялардан самарали фойдалана оладилар. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, ахборот технологиялари соҳасида ходимларни доимий равишда тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлигини англатади[1].

Шунингдек, корпоратив бошқарувни рақамлаштириш суръати компания ҳажмига боғлиқ бўлиши мумкин. Бир томондан, йирик компаниялар илғор

рақамли технологияларни жорий этиш учун кўпроқ имкониятларга эга. Бошқа томондан, активларни бирлаштиришга асосланган йирик компаниялар тармоқланган бошқарув тузилмаларига эга бўлиб, уларнинг ҳар бир кластерининг ўзига хос муаммолари ва ривожланиш хусусиятлари мавжуд. Бундай компаниялар рақамли трансформацияни амалга оширишда кўпроқ қийинчиликларга дуч келишади. Агломерат компанияларининг характерли муаммолари кўп йиллик ўсиш стратегиясини амалга ошириш натижасида интенсив ривожланиш стратегиясининг йўқлигидир. Умумий гуруҳнинг бир қисми бўлган трансмиллий компанияларнинг сезиларли ҳудудий бўлиниши билан глобаллашувнинг сезиларли салбий таъсири ва турли мамлакатлар қонунчилиги ва бозорининг ўзига хос хусусиятларида фарқ қилувчи турли гуруҳлар аъзоларининг мажбурий ўзаро таъсири бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда Рақамли корпоратив бошқарувнинг хусусиятларини 1-расм орқали кўришимиз мумкин бўлади



1-расм. Рақамли корпоратив бошқарувнинг хусусиятлари[2]

Кўпгина замонавий компанияларда бошқарувнинг барча даражаларини автоматлаштириш, ресурсларни режалаштиришни амалга ошириш, етказиб бериш, етказиб берувчилар ва мижозлар билан ўзаро алоқа қилиш, сотиш жараёнлари ва истеъмолчилар талабини тартибга солиш ва жорий бошқарувнинг бошқа масалалари учун ахборот технологиялари тизимлари кенг қўлланилади, улар моҳиятан ягонадир, ақлли конвейер. Шу муносабат билан бутун дунёда бундай тизимларнинг ишлашига асосланган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва сотиш соҳаси доимий равишда ўсиб бормоқда ва тегишли дастурий таъминотни сотиб олиш ва ўзлаштириш харажатлари компаниялар корпоратив бюджетининг ажралмас қисмига айланмоқда. Масалан, бугунги кунда халқаро йирик компанияларда рақамли ресурс базасини режалаштириш технологиялари жуда муваффақиятли қўлланилмоқда, бу эса самарадорликни ошириш ва бизнес жараёнларини бошқариш жараёнларини (логистика операциялари, сотиш ва етказиб бериш) автоматлаштириш имконини беради. бу саноатда режалаштириш тартибларини соддалаштириш. Мижозлар базаси, етказиб берувчилар, харидорлар билан алоқа жараёнларини автоматлаштириш билан мижозлар билан ихтисослашган алоқа тизими (CPM) муваффақиятли ишлайди[3].



2-расм. Рақамли технологияларни бошқарувда қўллаш тушунчалари[4]

Рақамли корхона — бу ўз фаолиятининг барча соҳаларида: ишлаб чиқариш, бизнес жараёнлари, маркетинг ва мижозлар билан ўзаро муносабатларда рақобатдош устунлик сифатида ахборот технологияларидан (ИТ) фойдаланадиган ташкилот.

Анъанавий компания рақамли ўзгариш йўлидан ўтиб, рақамли тафаккурга эга компанияга айланмоқда. Бундай корхона бозорга таклиф қилаётган маҳсулотнинг ўзи ҳам рақамли бўлади. Рақамли технологияларни ташкилотга жорий этиш заруратга айланиб бормоқда, чунки бу имкон беради корхонага ишлаб чиқариш ва хизматлар бозорида рақобатбардошликни сақлаб қолиш имконини беради. Шунингдек, бошқарув жараёни содда ва шаффоф бўлиб, бошқарувнинг ижобий натижаларига олиб келади. Корхонани рақамлаштириш анча узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос нуансларга эга. Бу кўп йиллар давомида ишлаб чиқилган янги ходимларни бошқариш тизимлари билан боғлиқ ва аниқ натижаларга эришиш учун ташкилотларда босқичма-босқич жорий этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кузина Г. П., Крылов А. Н. Трансформация корпоративного управления в условиях цифровизации экономики //Актуальные проблемы управления-2019. – 2020. – С. 304-308.
2. Муаллиф ишланмаси
3. Кузина Г. П., Крылов А. Н. Трансформация корпоративного управления в условиях цифровизации экономики //Актуальные проблемы управления-2019. – 2020. – С. 304-308.
4. Муаллиф ишланмаси
5. Муаллиф ишланмаси
6. Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-578-сон 01.11.2019. https://www.lex.uz.
7. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. https://lex.uz/docs/4751561.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/docs/3249651.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 февралдаги 5349-сон Фармони. [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [Электрон ресурс]: www.lex.uz.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони. www.lex.uz.
13. Янковский Р. М., Ендуткин С. Н. Корпоративное управление ближайшего будущего: децентрализованные компании, управляемые алгоритмами //Национальный доклад по корпоративному управлению. – 2020. – №. XII. – С. 206.

Жоллыбеков В.Б. **-** *ҚҚХАИ, мустақил изланувчи*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ

Бугунги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиёт ривожи даврида банк хизмат турларини замоновий технологияларни қўллаш орқали кўрсатишни тадқиқ қилиш каби масалаларга эътибор кучайиб бормоқда. Бу соҳада банк хизмат турларини самарали бошқаришнинг замонавий интегралашган ахборот тизимларини жорий этиш, тизим маълумотларининг шаффофлиги ва ҳимояланишини таъминлаш, рақамли технологияларини қўллаш ҳамда ахборот тизимларининг ўзаро ахборот интеграциясини самарали равишда амалга ошириш методикасини такомиллаштириш масалалари асосий тенденциялардан ҳисобланади. Рақамли технология ва инновацияларнинг кенг ривожланиши тижорат банклари томонидан хизмат турларини ахборот тизимларини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда[1].

Ўзбекистонда ҳам банк хизмат турларини ривожлантириш хусусан, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади[2].

Жумладан, банклар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқарувчиларига кўрсатиладиган ҳизматларни яхшилаш рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар банк хизматлари бозорида катта имкониятлар эшигини очмоқда[3].

1-жадвал кўрсаткичларига кўра, Жанубий Корея, Норвегия ва Исландия биринчи учталикни эгаллаб турибди. Россия эса етакчилик қилаётган Жанубий Корея давлатидан 27,7 кўрсаткичга ортда қолмоқда, аммо Хитой, Чили, Туркия, Бразилия ва Мексика давлатларидан юқори поғоналардан жой олган. Умуман, Россия бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёнида юқори потенциалга эга давлат, деб тан олинади.

1-жадвал

2020 йил учун I-DESI субиндекслари[5].

Мамлакатлар	**Рақамли (I-DESI) индекси**	**Боғланиш даражаси**	**Инсон капитали**	**Интернетдан фойдаланиш**	**Рақамли технологияинтеграцияси**	**Рақамли давлат хизмат**
Жанубий Корея	75,2	79,8	75,6	74,5	63,8	83,0
Норвегия	73,0	75,8	69,1	85,2	65,8	72,5
Исландия	72,7	72,4	80,2	75,9	75,7	53,7
Япония	68,5	72,5	69,7	73,9	53,0	75,0
Австралия	67,8	56,8	80,5	57,8	57,3	88,9
Канада	67,0	59,6	67,3	66,2	65,4	81,5
АҚШ	66,7	71,3	56,2	71,0	61,8	79,0
Янги Зеландия	65,8	55,4	79,3	58,2	55,6	81,6
ЕИнинг 28 давлати	58,9	62,9	58,0	59,7	51,3	63,1
Исроил	55,6	54,3	57,4	58,5	45,2	65,4
Россия	47,5	38,9	64,1	48,7	29,8	56,8
Хитой	45,3	47,8	40,5	45,3	40,7	58,6
Чили	44,9	47,8	42,6	32,9	40,5	61,4
Туркия	41,5	43,3	53,1	35,9	27,7	43,2
Бразилия	39,7	39,5	39,2	33,8	27,8	62,4
Мексика	43,1	45,5	41,6	30,0	33,7	67,2

“The Boston Consulting Group” (2016) маълумотларига кўра, Хитойдаги электрон тижоратни ривожлантиришнинг юқори даражаси эътиборни тортмоқда. Бунда Хитойнинг электрон тижорат айланмаси 18 миллиард долларни ташкил этиб, ушбу даврда Хитойлик истеъмолчилар интернет сотиб олиш учун тахминан 750 миллиард доллар сарфлайдилар, бу АҚШ ва Буюк Британия кўрсаткичларини бирга қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпроқ. Умуман, Хитой Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йил охиригача мамлакатнинг халқаро электрон тижоратда улуши 39,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатда 2016-2020 йилларда қабул қилинган тармоқни ривожлантириш дастурига мувофиқ, электрон тижорат ҳажми 5 йил ичида 5,8 трлн. АҚШ доллари. “McKinsey & Company” (2016) институтининг тахминларига кўра 2025

йилга келиб рақамли технологиялар Хитой ялпи ички маҳсулотининг 22 фоизга, Россия учун эса 34 фоизгача ошишига олиб келади. 2025 йилгача АҚШда рақамли технологияларнинг яратилишидан кутилаётган ҳаражатлар 1,6-2,2 триллион АҚШ доллари даражасига етиши мумкин кўрсатиб ўтилган[4].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқарувчиларига берилган кредитларни бонификация қилишнинг зарурлиги уларнинг тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги сабабли, бошқа банкларни қишлоқ хўжалигини кредитлашдан манфаатдор эмаслиги билан изоҳланади[6].

Россияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитларнинг 70 фоиздан ортиқ қисми икки банкнинг – Россельхозбанк ва Сбербанкнинг ҳиссасига тўғри келади. Шундан ҳам билса бўладики, бошқа тижорат банклари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлашдан манфаатдор эмас[7].

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни ўрганиш натижаларига асосан:

- биринчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан, шу жумладан, молиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишда қийинчилик туғдириши хусусидаги хулоса республикамиз учун муҳим амалий аҳамият касб этади;

- иккинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги давлатнинг ушбу жараёнга аралашувини зарурий ҳолатга айлантиради;

- учинчидан. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва тармоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархлари ўсиши ўртасидаги диспаритет уларнинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади;

- тўртинчидан, тижорат банкларида имтиёзли кредитлар бериш учун зарур бўлган арзон ресурсларнинг мавжуд эмаслиги туфайли қишлоқ кредит кооперативларини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини ташкил этиш мақсадида банклар томонидан берилган инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини бонификация (давлат томонидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаш) қилиш каби илмий-назарий қарашлар амалий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита//Вопросы экономики. – Москва, 2005. – №6. – С. 25.
2. Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. – Алма-Ата: Кайнар, 1992. – С. 434-437.
3. Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России//Вопросы экономики. – Москва, 1997. - №8. – С. 156.

4. Тошматов Қ.Ф. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали қишлқо хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф..– Тошкент, 2010. – Б. 14.
5. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни//“Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Молия, 2009. – Б. 22.
6. Гулямов С.С., ва бошқ. “Рақамли иқтисодиётда блокчаей технологиялари”.Ўқув қўлланма 21-22 бетлар.ТМИ 2019 йил -447 бет;
7. Российская экономика в 2016 году. – М.: ИЭП, 2017.
8. (Фармон 2018) “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.
9. (Қарор 2018) “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

Матекеев А.А. *- ҚДУ, мустақил изланувчи*

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бугунги иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фаол инвестиция фаолиятини таъминлаш, бу борада инвестиция муҳитини яхшилаш муҳим вазифалардандир. Таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг иқтисодий тармоқларига тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш, иқтисодий ҳудудлар инфратузилмасини яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018-йил 2-августдаги ПФ-5495-сон Фармонида ҳам инвестицион муҳитни яхшилаш борасидаги вазифалар белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда республикамизда инвестицион муҳитни яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1]. Хусусан, Ўзбекистонда иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибадорлигини таъминлаш борасида қатор солиқ имтиёзлари жорий этилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хорижий иқтисодчи олимлардан профессор Г.П. Подшиваленконинг таъкидлашича, “Инвестицион муҳит - бу мамлакат, минтақа, иқтисодий ҳудуд саноатдаги инвестиция муҳитининг асосий характеристикаси. Фақатгина инвестиция муҳитининг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда, инвесторга маълум бир объект ёки инвестиция лойиҳасининг инвестицион жозибадорлигини баҳолашга киришиши тавсия этилади.” [2]

Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан эса қуйидаги фикрлар

билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади” [3].

Фикримизча инвестицион муҳит мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, сиёсий, экологик шарт-шароитлари билан таъминланган иқтисодий ҳудудга жалб этиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини таъминловчи омиллар мажмуаси. Умумий қилиб айтадиган бўлсак, инвестицион муҳит яхши ривожланишида инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаолликнинг уйғунлашуви ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юқоридаги иқтисодиёт тармоқлари кесимида махсус иқтисодий зона(МИЗ)лар таркибига кирувчи 22 та эркин иқтисодий зона(ЭИЗ)лар, 400 дан ортиқ кичик саноат зона(КСЗ)лари ва 7 та технопарк(ТП)лар ҳамда 415 та саноат кластер(СК)лари фаолият юритиб келмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра, юқорида келтириб ўтилган ҳудудий тузилмалар фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда тадбиқ этилган солиқ имтиёзларининг самарали таъсирини ўрганиб таҳлил қилиб чиқдик.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган махсус, кичик саноат зоналари, технопарк ва саноат кластерлари тўғрисида маълумот [4]

Ишлаб чиқариш ҳудудий тузилмалари	**Ишлаб чиқариш ҳудудий тузилмалари сони**		**Ишлаб чиқариш ҳудудий тузилмалари таркибидаги корхоналар сони**	
	2019	**2022**	**2019**	**2022**
Эркин иқтисодий зоналар	16	22	405	513
Кичик саноат зоналари	63	417	1317	1869
Технопарклар	3	7	49	56
Саноат кластерлари	117	415	117	425

Келтирилган маълумотлар асосида кўришимиз мумкинки, 2019-йилда 405 та корхонани ўз ичига олувчи 16 та эркин иқтисодий зоналар фаолият юритган бўлса, 2022-йилга келиб 513 та корхонани ўз ичига олувчи 22 та эркин иқтисодий зоналар фаолият юритиб келмоқда. Кичик саноат зоналари борасида 2019-йилда 63 та КСЗ 1317 та корхонани ўз таркибига олган бўлса, 2022-йилда 417 та КСЗ 1869 та корхонани ўз таркибига олмоқда. 2019-йилда фаолият юритган 49 та корхонадан ташкил топган 3 та технопарклар сони 2022-йилда 56 та корхонани ўз таркибига олиб 7 тани ташкил этмоқда. Саноат кластерлари 2019-йилда 117 тани ташкил этиб, 117 та корхонани ўз ичига олган. Ҳозирги вақтда эса 425 та корхонани ўз ичига олувчи 415 та саноат кластери фаолияти юритиб келмоқда (1-жадвал).

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки мамлакатнинг инвестицион муҳитини яхшилаш, инвестицион жозибадорликни ошириш, мамлакатга хорижий, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини яратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

мақсадида жорий этилган солиқ имтиёзларининг аҳамияти сабабли 2008-йилдан буён эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, технопарклар ҳамда саноат кластерлари фаолиятида жами 2.9 млрд. АҚШ доллари (шу жумладан, 0.9 млрд. АҚШ доллари тўғридан-тўғри инвестициялар) миқдорида 43000 та иш ўринли 539 та инвестицион лойиҳа мувоффақиятли амалга оширилган.

Инвестиция фаолиятида инвестицион лойиҳаларни фаол ташкил етиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Осиё тараққиёт банки маблағларини жалб қилиш орқали “Замонавий иқтисодиёт учун кўникмаларни ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” [5]. 2022-йил 2-февралдаги 51-сонли Қарори яққол мисол бўла олади. Ушбу қарор меҳнат бозори ва профессионал таълим тизими ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда профессионал таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш, шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш каби мақсадларни ўз ичига олади. Мазкур қарорда 2022-2026 йиллар учун мўлжалланган “Замонавий иқтисодиёт учун кўникмаларни ривожлантириш” лойиҳасини молиялаштириш учун Осиё тараққиёт банки имтиёзли ресурслари ҳисобидан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 25 йилда қайтариш шарти билан 93 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши белгилаб қўйилган. Кўриб чиқилган ҳолатлар юзасидан мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш, ривожланган мамлакатлар билан халқаро алоқаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув мақсадида қўйилган вазифаларга замин яратувчи асосий омиллардан бўлган инвестиция муҳитини яхшилаш ва уни фаол ташкил этиш борасида махсус солиқ имтиёзларига эга махсус иқтисодий зоналар омилиги қўлланилиши ўз навбатида юқорида келтирилган мақсадларга эришишда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти шароитида инвестиция фаоллигини ошириш, юқори самарали инвестицион лойиҳаларни фаол ташкил етиш мамлакат иқтисодиётини ривожланишида ўз самарасини беришини кузатишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 01.08.2018 йилдаги ПФ-5495-сон
2. Подшиваленко Г.П. (2010) Инвестиционный климат и инвестиционная привлекательность // Финансовая аналитика: проблемы и решения. № 15. С. 7.
3. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралийев Т.М. (1993) Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. Тошкент: “Иқтисод-молия”. 232-б.
4. Электрон ресурслар орқали муаллифлар томонидан тузилди. Манба: https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/18083-o-zbekiston-respublikasida-maxsus-iqtisodiy-zona-kichik-sanoat-zona-texnopark-va-klasterlar-faoliyati
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Осиё тараққиёт банки маблағларини жалб қилиш орқали “Замонавий иқтисодиёт учун кўникмаларни

ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022-йил 2-февралдаги 51-сонли Қарори Манба: https://lex.uz/docs/-5846087

Байжанов.Д.С. *- ККДУ, мустакил докторант*

ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда жаҳонда ислом молия инструментлари орқали молиялаштириш тармоғи тез ривожланиб бораётган ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади. Маълумки, инвестиция лойиҳалари катта харажатларни талаб қилади. Аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган давлатлар учун ислом молияси тармоқни ривожлантириш, айниқса, долзарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИҲТТ) **“Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш тизими”** мамлакатларнинг гуруҳи ИҲТТга аъзо давлатларнинг экспортни кредитлаш агентликлари (ЭКА)

томонидан баҳолаб боради. Мазкур индекс бўйича 2019 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси 6-гуруҳ мамлакатлари орасидан 5-гуруҳ сифатида баҳоланган. “Мамлакатларга хос хатарларни таснифлаш тизими” доирасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати Италиянинг “**SACE**”, Буюк Британиянинг “**UKEF**”, Германиянинг “**Euler Hermes**”, АҚШнинг “**US Eximbank**”, Австриянинг “**OeKB**” ва бошқа ЭКАларнинг кредит хатарларни баҳолаш жамоалари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб келади.

Ўзбекистоннинг савдо сиёсати, тарифли ва тарифсиз тўсиқларни оптимизациясининг (тариф кўрсаткичларини пасайтириш, божхона ва назорат тўсиқларини енгиллаштириш) дастлабки кўрсатгичларга кўра, **“Иқтисодий эркинлик индекси”**нинг *“Эркин савдо”* назорат кўрсаткичида 20,2 баллга яхшилашга имкон берди. Республика 2021 йилдаги 55,4 баллга қараганда, 2022 йилда 75,6 баллни қўлга киритди. Ушбу рейтингда мамлакат АҚШ, Япония, Хитой ва Россия сингари давлатларни ортда қолдирди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 2021 йилдаги 163-ўриндан анча юқорилаб, 67-ўринга кўтарилиб олди ва бу кўрсатгич билан Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) томонидан юритилади. 2020 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси мазкур индексга биринчи марта киритилди. Ўзбекистон Республикаси ушбу рейтингда **0,068 балл** билан **83 та** давлат орасида юқори ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон Республикаси индексда МДҲ давлатлари орасида **4-ўринни** (Грузия, Арманистон ва Молдавиядан кейин) ва Марказий Осиё минтақасида эса **1-ўринни** эгаллаб турибди.

Инсон камолоти индекси (Human Development Index) БМТ Тараққиёт Дастури томонидан 1990 йилдан бери юритилади ҳамда ҳар йилнинг охирида ҳисобот йилидан олдинги йилнинг якунлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Инсон камолоти индекси 189 та давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий ўсишининг инсон капиталини (узоқ умр, таълим, фаровон ҳаёт кўрсаткичлари орқали) ривожланишига таъсирини ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини таҳлил қилади.

Инсон камолоти индексини шакллантиришда БМТ Тараққиёт Дастури UNDESA (туғилишдаги умр кўриш давомийлиги индикатори), UNESCO, UNICEF (ўртача ва кутилаётган таълим давомийлиги) ҳамда World Bank, United Nations Statistics Division (аҳоли жон бошига ЯМД (харид қобилияти паритети бўйича) томонидан юритиладиган статистик маълумотлардан фойдаланади.

“Иқтисодий эркинлик индекси” “Мерос” (Heritage Foundation) жамғармаси “Wall Street Journal” билан ҳамкорликда 1995 йилдан буён юритилади ва Ўзбекистон бўйича ўрганишлар 1998 йилдан бошланган, бир йилда бир маротаба чоп этилади.

Мерос жамғармаси таҳлилчилари Қонун устуворлиги, Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни, Тартибга солиш самарадорлиги ва Бозор очиқлиги каби

гуруҳлар таркибига кирадиган 12 та компонентлардан (48 та субиндикаторлар) фойдаланиб “Иқтисодий эркинлик индекси”ни шакллантиради.

Индекс натижалари - Жаҳон иқтисодиёт форуми, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, “Credendo Group”, “Transparency International”, World Justice Project, Deloitte, PricewaterhouseCoopers, Asian Development Bank, Economist Intelligence Unit, World Development Indicators, U.S. Department of Commerce, U.S. Department of State ва х.қ. каби халқаро ташкилотларнинг рейтинг ҳисоботлари натижаларига ва давлат органлари томонидан расмий эълон қилинган очиқ маълумотларга асосланади.

“Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда халқаро рейтинг агентликлари ресурсларини жалб этишнинг истиқболли модели” мавзусидаги илмий тадқиқотимиз доирасида “Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги”, уни ишлаб чиқувчи халқаро ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш назарда тутилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 190 дан ортиқ мамлакатларда электрон хизматларни жорий этилиши, инсон ресурсларини ва телекоммуникация инфратузилмаси ривожлантириш даражасини баҳолайдиган **Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги** шакллантирилади.

Рейтинг ҳар икки йилда БМТ томонидан чоп этилади ва электрон ҳукумат соҳасидаги вазиятни баҳолайдиган ягона кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

2020 йилнинг 10 июлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган “Рақамли ҳукуматни барқарор ривожланиши йўлидаги ўн йиллик ҳаракат” номли ҳисоботида **2020 йил учун дунёда электрон ҳукумат ривожланишининг баҳолаш натижалари** тақдим қилинди.

Мазкур рейтингда Ўзбекистон кўрсаткичлари барқарор ўсишни кўрсатишига қарамай[1] 193 та мамлакат орасида 87-ўринни (*2018 йилда 81-ўрин, 6-поғонага тушган*) эгаллади ва электрон ҳукумат ривожланишининг юқори даражасига эга мамлакат мақомини сақлаб қолди[2].

Хусусан, мамлакатимизни рейтингнинг компонентлар бўйича кўрсаткичлари қуйидагича:

“Электрон хизматлар” - **0.78 (-0.01)** индекс билан **47-ўринни;**

“Инсон капитали” – **0.74 (+0.01)** индекс билан **90-ўринни**;

“Телекоммуникация инфратузилмаси” – **0.47 (+0.14)** индекс билан **84-ўринни** эгаллади.

Яна бир муҳим кўрсаткич - **Электрон иштирок индекси** бўлиб, бу фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан мулоқотини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ўлчайди.

2020 йилда Ўзбекистон ўзининг кўрсаткичини **0,80 (+0,05)** гача ошириб, умумий рейтингдаги ўрнини **13 поғонага** кўтарди ва **46 – ўринни** эгаллаб (*2018 йилда - 59-ўрин*), **электрон иштирок индексининг жуда юқори ривожланиш даражасига эга мамлакатлар рўйхатига кирган**.

[1] энг юқори 1.00 кўрсаткичдан 0,66 кўрсаткични олган, бу 2018 йилга нисбатан 0,04 га юқори

[2] Маълумот учун: Дания (1), Қозоғистон (29), Россия (36), Беларусь (40), Озарбайжон (70), Қирғизистон (83), Тожикистон (133) ва Туркманистон (158).

Бундан ташқари, Ўзбекистонга **очиқ маълумотлар бўйича энг юқори балл** берилган.

Телекоммуникация инфратузилмаси бўйича:

– Маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанликк қобилияти вилоят марказлари даражасида **400** Гбит/с гача, туман марказлари даражасида **60** Гбит/с гача оширилган.

– Мобил алоқа қамровини кенгайтириш мақсадида **14,0 минг** мингдан ортиқ база станциялар ўрнатилди ва жами таянч станциялар сони **45** мингдан оширилди**.** Натижада аҳоли масканларида юқори тезликдаги мобил интернет қамрови **28 фоиз** дан **95 фоиз** га етказилган.

– Барча ижтимоий соҳа объектлари (**10 218** та халқ таълими объектлари, **6 279** та мактабгача таълим объектлари, **3 456** та соғлиқни сақлаш объектлари) юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланган.

– Халқаро Интернет тармоғига уланиш тезлиги **120** Гбит/с дан **1 800** Гбит/с гача оширилган.

Бугунги кунда «Электрон ҳукумат» тизимини марказлаштириш учун маълумотлар сақлаш марказини барпо этиш инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ва мазкур лойиҳа республикамизнинг ушбу рейтингдаги кўрсаткичларини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳусусан, **Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги** бўйича мамлакат кўрсаткичларини яхшилаш учун бир қатор ислоҳотлар амалга оширилганлигин кўришимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг 2020-2022 йилларга истиқболли режалари белгилаб берилди ҳамда “Электрон ҳукумат” тизимининг янги архитектураси тасдиқланган.

Шунда 2020-2022 йилларда “Электрон ҳукумат” доирасида 42 та вазирлик ва идора томонидан 104 та, иқтисодиётнинг реал секторида 35 та хўжалик бошқаруви органлари томонидан 87 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур портал орқали бугунги кунда 300 дан ортиқ электрон шаклдаги хизматлар тақдим этилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари порталнинг Мобил иловаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиб бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат хизматларни тақдим этилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида, ҳудудларда 928 дан ортиқ почта алоқаси бўлинмаларида Ягона интерактив давлат хизматлари портали платформасидан фойдаланган ҳолда 33 турдаги давлат хизматларини тақдим этиш йўлга қўйилган.

Электрон давлат хизматлар сонини ошириш бўйича ҳам давлат ва ҳўжалик органлари билан тизимли ишлар олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин. Электрон ҳукумат рейтингида мамлакатимизни юқори поғоналарга кўтариш мақсадида Жанубий Корея, Эстония, Буюк Британия, Қозоғистон, Россия, Беларус каби қатор давлатлар билан халқаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида Сеулда шаҳрида 2017 йил 22 ноябрда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро Англашув меморандуми имзоланган.

Ўзбекистон ва Кореянинг тегишли вазирликлари ўртасидаги меморандум доирасида Вазир маслаҳатчиси ва айни вақтда Ўзбекистон-Корея эксперт гуруҳи раҳбари жаноб Ко Таэк Жин томонидан “TG” компаниясининг 3 нафар экспертини жалб қилган ҳолда қўшма ишчи гуруҳ тузилган.

Мазкур ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси:

— БМТнинг “Электрон ҳукумат” рейтингида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш;

— Сунъий интеллект соҳасида Миллий стратегияни ишлаб чиқиш;

— IT-парк қошидаги Рақамли технологиялар ўқув марказларини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

— инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан таълим дастурлари бўйича ҳамкорлик йўналишларида ўз тажриба алмашишдан иборат.

Шу билан бирга, **Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги**нинг баҳолаш методикасидаги мамлакатимизнинг паст кўрстакичли индикатор ва суб-индикаторлар бўйича мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кейинги йил давлат дастурларига киритиш орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларда улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003 сон Фармони.
2. Брагин А.И., Кузнецов Е.Н., Анализ значений суверенного кредитного рейтинга и его моделирование. Российский внешнеэкономический вестник, 13-2017
3. Уварова А.Э., Хорошаева А.С. Индекс экономической свободы. ГОУ ВПО «Донецкий национальный университет», 2018 — С.
4. https://lex.uz/pdfs/4838762
5. https://hdr.undp.org/data-center/human-development-index#/indicies/HDI
6. https://my.gov.uz/ru
7. https://data.egov.uz/rus

Nabiyeva S.S. *- "UNICON.UZ" DUK, 1-toifali muxandis*

RAQAMLI TRANSFORMATSIYALASH DAVRIDA KRIPTOLOGIYANING ROLI

Hozirgi davrni raqamli texnologiyalarsiz tasavvur etish mushkul. Chunki u kundalik zarur ehtiyojimizga, har bir tarmoqning rivojlanish mezoniga aylanib bormoqda. Hatto ilg‘or mamlakatlarda ham bu jarayon tugallanmagan va raqamlashtirish darajasi tarmoqdan tarmoqqa qadar juda kuchli o‘zgarib boradi.

Raqamli transformatsiyaning muhim tarkibiy qismi sifatida, axborot xavfsizligi yo‘nalishi ham dolzarblashib bormoqda. Konfidensial va o‘ta maxfiy axborot oqimlari uchun zamonaviy raqamli texnologiyalar qulayliklar bilan bir qatorda yangi muammolarni o‘rtaga qo‘ymoqda. Chunki axborot bazalarida saqlanadigan va telekommunikatsiya tizimlarida aylanayotgan axborot xavfsizligiga tahdid keskin oshdi. Bu o‘z navbatida kriptologiyani rivojlantirish vazifalarini dolzarb muammolar qatoriga qo‘ydi, chunki hozirgi kunda bu yo‘l axborot xavfsizligini ta’minlash sohasida asosiy yo‘ldir.

Kriptografik faoliyat to‘g‘risida so‘z ketganida uning nafaqat ilmiy yo‘nalish sifatidagi o‘rni, balki uzoq o‘tmishdagi siyosiy o‘yinlar, jahon urushlarida muhim qarorlar qabul qilish uchun rejalashtirishda hal qiluvchi salohiyatga ega faoliyat turi sifatida ta’kidlash zarur. Kriptografiya asosan urushlar zamonida va terrorizm avjiga chiqqan davrlarda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo‘lgan. Bu kriptografiyani rivojlantirish borasida keng miqyosli tadbirlar amalga oshirilishiga turtki bo‘lgan.

Birinchi jahon urushi yillarida rus armiyasining mag‘lub bo‘lishiga armiyada foydalanilgan shifrlash vositalarining zaifligi sabab bo‘lgan. Rus armiyasida foydalanilgan shifr tizimi ko‘p alifboli shifr almashtirishlarga asoslangan bo‘lsa-da, shifrtelegrammalar aslida bitta alifbo bilan shifrlangan harflar guruhidan iborat bo‘lib, kriptobardoshligi past bo‘lgan.

1917 yil oktabr inqilobi Rossiya kriptografiya xizmatining batamom izdan chiqishiga olib keldi. Sababi ko‘pchilik soha xodimlari kriptograflar, kriptotahlilchilar xorijga chiqib ketishgan. Ular xorijda o‘z xizmatlarini taklif qilishgan. Masalan, Buyuk Britaniyada Hukumat kriptografiya maktabi sifatida tashkil etilib, hozirgi kunda ham o‘zning dolzabligini yo‘qotmagan holda, Hukumat aloqalari shtab-kvartirasi nomi bilan faoliyat yuritayotgan va Jahon tarixida birinchi mustaqil kriptografik tashkilot bo‘lib, ish natijalari to‘g‘ridan-to‘g‘ri Britaniya hukumati rahbariyatiga yetkazilgan, shu tashkilotga chor Rossiyasida yetakchi kriptotahlilchilardan bo‘lgan Ernst Fetterleyns ishga olinadi. Ernest Fetterleyns har qanday shifrini hech qanday qiyinchiliksiz ocha olar edi.

Ikkinchi jahon urushi davrida Rossiya Armiyasi shifrlash xizmati asosan “qayta shifrlash kodlari”dan foydalangan. Qayta shifrlash maxsus kod kitobidan foydalanishga asoslangan bo‘lib, unda har bir so‘z raqamlar kombinatsiyasi bilan almashtirilgan. Masalan, “Batariya - o‘t och!” buyrug‘i va shunga o‘xshash buyruqlar uchun bu qulay, “ataka”, “diviziya” so‘zlari 032, 1458 kodlari bilan almashtirilgach, kodga biror gamma qo‘shish (XOR amali asosida) orqali u qayta shifrlanib ratsiya

orqali uzatilgan. Radioaloqalarning muhimligi va radioushlashlarni oddiyligidan kelib chiqib ikkala tomon ham kodlash va shifrlashga katta ahamiyat qaratgan. Natijada kriptografiya va kriptotahlil nazariy va amaliy jihatdan sezilarli darajada rivojlandi.

Shuningdek ikkinchi jahon urushi davrida kodlarni buzish bo‘yicha “Enigma” shifrining buzilishi eng muhim voqea bo‘lgan. Birinchi marta “Enigma” shifri 1932 yil atrofida Polsha shifrlash byurosi mutaxassislari tomonidan buzilgan. 1938 yil nemis mutaxassislari uskunani takomillashtirishdi. Biroq inglizlar tomonidan takomillashtirilgan talqini ham buzilgan. Shu tariqa urush yillarida ma’lumotlar maxfiyligini saqlash, maxfiy ma’lumotlarga ega bo‘lish maqsadida “Enigma” shifri mashinasi va uni deshifrlash uchun bir qancha shifrapparaturalar ishlab chiqilgan.

Hozirgi davrda ko‘pchilikni havotirga solayotgan, butun dunyo bo‘ylab harakatlanayotgan terrorchi guruhlarni kuzatishga e’tibor qaratilgan. Butun dunyo bo‘ylab ularga qarshi kurashishning barcha samarali usullaridan foydalanilmoqda. Sohadan kelib chiqqan holda, terrorchilarni amalga oshirishi mumkin bo‘lgan harakatlarning oldini olish maqsadida radioushlash stansiyalari uchun statsionar punktlardan tashqari, maxsus shifratorlar foydalaniladi.

Bugungi kunda hukumat organlarining ko‘pchiligi internet tarmog‘iga ulanganligi hisobiga, kiberhujum va kibertahdidlarga qarshi turish chora-tadbirlarini ishlab chiqish bugungi kundagi dolzarb vazifalardan biriga aylangan. Zamonaviy kriptobardoshli shifrlash algoritmlarini ishlab chiqish, takomillashtirish, hukumat va harbiy soha axborotlarini xavfsizligini ta’minlash uchun milliy himoyalash uskunalarini ishlab chiqish, hukumat va harbiy soha aloqa kanallaridagi axborotni muhofaza qilishda zamonaviy kriptografik algoritmlarni ishlab chiqish hamda ularni dasturiy va apparat amalga oshirishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. A.V. Stefanovich. Istoriya sozdaniya i stanovleniya Agentsva bezopasnosti svyazi armii SSHA (1914-1945 gg.).
2. Informatsionno-metodicheskiy jurnal INSIDE ZASHITA INFORMATSII №1 2020 y. yanvar-fevral
3. https://en.wikipedia.org/wiki/World_War_II_cryptography

Қайтаров В.Р. *– БТОМ, таянч докторант*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида масофавий банк хизматларини кўрсатиш йилдан йилга ривожланиб бораётган бўлсада, ушбу хизматларнинг янада тараққий топишида муаммолар йўқ, деб бўлмайди. Масофавий банк хизматларида юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва дастурда қулайликлар яратиш орқали мижозлар сонининг ортишига эришиш мумкин. Бугунги кунда банклар мижозларининг сони ортиб бориши, кўплаб

мижозларни жалб қилиш ва уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш натижасида ўзларининг даромадини ҳам кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «Банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, тижорат банклари кредитларининг ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш»[1] мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Банклар мижозларига масофадан банк хизматларини кўрсатиши замонавий банк тизими тараққиётининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади ва уни ривожлантиришга бир қатор омиллар таъсир этади. Масофавий банк хизматларини жорий этишда бу хизматларга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларида мижозларнинг транзакциялари учун турли транзакцион моделлар ва янги банк хизматлари орқали қулайликлар яратилмоқда, пировардида банк мижозлари вақти тежалади, харажатларни камайтиришга хизмат қилади ҳамда банк хизматларининг тезлиги, шаффофлиги, мобиллиги ошиши тобора яхшиланади. Хукуматнинг бу каби банк хизматларига нисбатан давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиши албатта келгусида ўз ижобий натижасини беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли фармонида ҳамда 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида фармонларида оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлигини 170 минг км га етказиш**,** 2022 йил якунига қадар ҳар бир аҳоли пункти 10 Мбит/сдан кам бўлмаган маълумотларни узатиш тезлигидаги Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминлаш ўз ифодасини топган бўлсада, бироқ инновацион ва рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд:

- масофавий банк хизматлари ва интернет банкингдан фойдаланаётганда мижозларнинг тизимдан фойдаланишда етарли билим ва кўникмаларга эга эмаслиги;

- коммуникацион инфраструктурани вилоятларнинг чекка ҳудудларида яхши ривожланмаганлиги;

- халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган рақамли технологиялардан – Big data ва Data basing технологиялари республикамиз банклари амалиётига жорий этилмаганлиги;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

- банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами ва самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимининг шакллантирилмаганлиги;

- банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи қонунчилик асосининг мавжуд эмаслиги. Банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш амалиётини тартибга солувчи қонунчилик асоси бўлмаса, давлат Марказий банк орқали ўзининг назорат функциясини тўлиқ амалга ошира олмайди.

2023 йилнинг июл ойи ҳолатига кўра, Ўзбекистонда интернет тезлиги ўтган йилга нисбатан тушган.

Хусусан, Speedtest Global Index таҳлилининг асосий мезонлари мобил ва кенг полосали интернет тармоқлари учун юклаб олиш ва юклаш тезлиги ҳисобланади. Speedtest маълумотларига кўра, мобил интернет тезлиги бўйича мамлакатлар рейтингида Ўзбекистон 5 поғонага пастлади ва 112-ўринни эгаллаб турибди (1-жадвал).

Мамлакатимизда ўртача юклаш тезлиги - 20,33 Мбит/с. Қўшни мамлакатлар билан таққосланса: Қозоғистон 64-ўринда (33,91 Мбит/с), Қирғизистон 84-ўринда (26,92 Мбит/с), Тожикистон 137-ўринда (9,73 Мбит/с), Туркманистон бўйича маълумот йўқ. Тадқиқот натижаларига кўра, дунёдаги энг тез мобил интернет Бирлашган Араб Амирликларида (205,77 Мбит/с) ҳисобланади. Иккинчи ўринда Қатар (186,35 Мбит/с). Кувайт кучли учликни якунлайди (160,87 Мбит/с).

2-жадвал. Дунёда мобиль интернет тезлиги бўйича етакчи давлатлар ва Ўзбекистон рейтинги[1]

N	Country	Mbps
1-	United Arab Emirates	205.77
2-	Qatar	186.35
3-	Kuwait	160.87
4+4	Uruguay	149.08
5+1	South Korea	140.49
6-2	Norway	122.72
7-2	Brunei	120.84
8-	Iceland	109.28
9-	Netherlands	106.27
10-3	Denmark	101.19
112-5	Uzbekistan	101.19

3-жадвал. Дунёда оптик толали интернет тезлиги бўйича етакчи давлатлар ва Ўзбекистон рейтинги[7]

N	Country	Mbps
1-	Singapore	247.44
2+2	Hong Kong (SAR)	242.99
3-	Chile	240.34
4-2	United Arab Emirates	238.28
5+1	Thailand	211.28
6+1	United States	207.32
7-2	China	193.66
8-	Denmark	192.68
9-	Spain	178.94
10+13	Taiwan	177.43
87-2	Uzbekistan	51.6

Интернетга кенг полосали уланиш (симли интернет) билан боғлиқ вазият бироз яхшироқ — Ўзбекистон жаҳон рейтингида 87-ўринни эгаллади. Мамлакатда ўртача юклаш тезлиги - 51,61 Мбит/с. Қўшни мамлакатлар билан таққосланса: Қирғизистон 86-ўринда (51,95 Мбит/с), Қозоғистон 95-ўринда

[1] https://www.speedtest.net/global-index

(46,33 Мбит/с), Тожикистон 130-ўринда (22,01 Мбит/с), Туркманистон 180-ўринда (4,06 Мбит/с). Тадқиқот натижаларига кўра, дунёдаги энг тез кенг полосали интернет Сингапур (247,44 Мбит/с), Ҳонгконг (242,99 Мбит/с) ва Чилида (240,34 Мбит/с) қайд этилган (2-жадвал).

1-расм. Дунё бўйича аҳолининг интернетдан фодаланувчилари сони (2023 йил 30 июнь ҳолатига)[1].

World Regions	Population (2022 Est.)	Population % of World	Internet Users 31 Dec 2021	Penetration Rate (% Pop.)	Growth 2000-2023	Internet World %
Africa	1,394,588,547	17.6 %	601,940,784	43.2 %	13,233 %	11.2 %
Asia	4,352,169,960	54.9 %	2,916,890,209	67.0 %	2,452 %	54.2 %
Europe	837,472,045	10.6 %	747,214,734	89.2 %	611 %	13.9 %
Latin America / Carib.	664,099,841	8.4 %	534,526,057	80.5 %	2,858 %	9.9 %
North America	372,555,585	4.7 %	347,916,694	93.4 %	222 %	6.5 %
Middle East	268,302,801	3.4 %	206,760,743	77.1 %	6,194 %	3.8 %
Oceania / Australia	43,602,955	0.5 %	30,549,185	70.1 %	301 %	0.6 %
WORLD TOTAL	7,932,791,734	100.0 %	5,385,798,406	67.9 %	1,392 %	100.0 %

Масофавий банк хизматларининг ривожланишга сабаб бўлувчи омиллардан бири бу интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони ошиб бориши ҳисобланади. Халқаро телекоммуникация жамияти маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 67,9%и интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг сони ҳозирги кунда 5,4 миллиарддан ошганлигини кўришимиз мумкин (1-расм). Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, интернет фойдаланувчилари сони 2023 йилда 2000 йилга нисбатан 1,4 фоизга ошган.

Ўзбекистон аҳолисининг интернет хизматидан фойдаланувчилари сони 31 миллиондан ортди. Шундан 31 миллион интернет фойдаланувчиларининг 29,5 миллиони мобил интернетдан фойдаланади. Шунингдек, сўнгги икки йилда 22 300 та қўшимча таянч станцияси ўрнатилиб уларнинг умумий сони 54,0 мингтага етказилган.

Республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил Интернет қамрови 98 фоизга етказилган[2].

Хусусан, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони қарийб 32 миллион нафарни ташкил этган. Шундан аҳоли ихтиёрида бўлган мобил алоқа воситалари сони 27 млн донани ташкил этган. Мобил алоқа билан таъминланганлик кўрсатгичи ҳар 100 кишига 75 бирликни ташкил этган[3].

Ўзбекистонда мобил алоқа воситалари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ҳар 100 кишига тўғри келадиган абонентлар сони (1 январь ҳолатига):

2019 йил - 65 та;
2020 йил - 69 та;
2021 йил - 71 та;
2022 йил - 73 та;

[1] https://www.internetworldstats.com/stats.htm
[2] https://qalampir.uz/news/uzbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni
[3] https://t.me/statistika_rasmiy/3256

2023 йил - 75 та.

Умумжаҳон статистика маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда ҳар 100 нафар аҳоли сонига нисбатан энг кўп мобил алоқа воситалари қайд этилган давлатлар орасида қуйидагилар бор: Макао - 430 та, Гонконгда - 291 та, Сейшеллда - 186 та, БАА да - 185 та, Таиландда - 166 та, Россияда - 163 та, Японияда - 154 та, Германия - 126 та, АҚШ -106 та ва бошқалар.

Интернет ва мобиль алоқанинг барча фойдаланувчилари банклар учун истиқболли мижозлар ҳисобланади ва масофавий хизматларнинг қулай томонларини кўрсатиб бериш йўли билан ушбу бўлажак мижозларни банкка жалб қилиш фақат ушбу банкнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ, холос. чунки ўз маблағларини банкда сақлаган жисмоний шахс масофавий банк хизматлари орқали нафақат ўз ҳисоб рақами тўғрисидаги ахборотларни олиши, балки мобиль алоқа, интернет, телевидение, коммунал хизматлар ва шу каби кўплаб хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Юқоридаги масофавий банк хизматларининг ривожланишига таъсир этувчи омиллардан ташқари яна бир қанча муаммоли ҳолатларни бартараф этиш лозим.

Биринчидан, маҳаллий аҳоли банкларда ўз операцияларини амалга оширганда кўпроқ банк ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни афзал кўришади ва амалга оширилган ҳар бир операция бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни олишга одатланиб қолишган. Бундай ҳолат аҳолининг менталитетини ўзгартириш учун аҳолига масофавий банк хизматларининг имко ниятлари ва хавфсизлиги борасидаги тушунти- риш ишларини олиб боришни талаб этади.

Иккинчидан, кўплаб инсонлар янги масофавий банк хизматлари бўйича тушунчаларининг камлиги сабабли янги замонавий технология ва тизимдан биринчи бор фойдаланиб кўришда чўчишмоқда, чунки ҳар бир янги дастурий технологиялар даставвал фойдаланишда бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. шунингдек, банклар доимий равишда ўз дастурий тизим- ларида хизмат турларини такомиллаштириб борадилар.

Учинчидан, Республикамизнинг чекка туманларида электр энергиясининг тез-тез ўчиб туриши ва бунинг натижасида мижозларга вақтида алоқа хизмати ва бошқа молиявий хизматларни кўрсатиб бўлмайди. Бундай жойларда интернет тезлиги жуда паст эканлиги масофавий банк хизматларидан фойдаланишда ҳар хил тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Ушбу ҳудудларда банк мижозлари ҳали ҳам ўз банк амалиётини тўлиғича банкда амалга оширмоқда. шундай экан, банклар ушбу ҳудудларда ҳам масофавий банк хизматларини жорий этишга эътибор қаратиши лозим.

шунинг учун алоқа ва интернетнинг кун давомида 24 соат ишлашини инобатга олиб, банкларда алоҳида платформа яратиб, операцион кун бўлмаган вақтда ҳам автоматик равишда масофавий банк хизматларида тўлов амалиётларини амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқиш лозим. Бу айниқса иқтисодиёт рақамлашиб, тўлов тизими йилдан-йилга тезлашиб ва банк мижозлари сони ортиб бораётган бир пайтда амалга оширилиши талаб

этиладиган муҳим вазифалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан харажати нисбатан кам бўлган электрон рақамли технологияларга асосланган молиявий хизматларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмини яратиш, республикамиз бўйлаб барча банк филиалларида 24/7 режимидаги смартофисларни очиш ҳамда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш орқали банк мижозлари ва мамлакатимиз аҳолиси учун қулай хизмат- ларни таклиф этиш бугунги куннинг долзарб масаласи саналади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги-Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. http://www.speedtest.net/global-index/uzbekistan.
4. https://www.strategyanalytics.com/strategy-analytics/blogs/smart-phones/2016/12/21/44- of-world-popula-tion-will-own-smartphones-in2017#.
5. http://ccitt.uz/uz/ -Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги расмий веб сайти маълумотлари.
6. Okla компанисининг Speedtest Global Index статистик маълумотлари.
7. Internet world stats маълумотлари.

Норкулов С.Т. *– БТОМ, мустақил изланувчи*

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Кўпчилик экспертлар томонидан Жанубий Кореянинг таълим тизими дунёдаги энг зўр таълим тизимларидан бири ҳисобланади. Масалан, PISA тадқиқотлари натижаларига мувофиқ, Жанубий Корея талабалри кучли учликка киради[1].

Жанубий Кореянинг таълим тизимини рақамлаштириш борасидаги муваффақиятли лойиҳаларидан бири - бу Смарт-мактаблар лойиҳасидир. Смарт-мактаблар – бу тўлиқ компьютерлашган умумтаълим муассасалари бўлиб, уларда ўқувчилар ахборот ресурсларидан фойдаланишни ўрганадилар[2].

[1] Джанг Д.-Х., Йи П., Син И.-С. Изучение эффективности использования цифровых учебников в обучении студентов в Южной Корее: метаанализ. Исследователь Азиатско-Тихоокеанского Образования, 2015.

[2] Кондаков А.М., Вавилова А.А., Григорьев С.Г. и др. Концепция совершенствования (модернизации) единой информационной образовательной среды, обеспечивающей реализацию национальных стратегий развития Российской Федерации// Педагогика. – 2018 – № 4 – с. 98– 125.

Жанубий Корея кенг полосали интернет ва овозли алоқадан фойдаланувчи юқори технологияли мамлакат сифатида етакчи позицияга эга бўлган давлат ҳисобланади. Мамлакатда рақамлаштириш дастурларини амалга оширишда таянч ролни давлат ўйнайди. Бунда муваффақиятнинг гарови бўлиб, хусусий компанияларнинг рақамлаштириш жараёнларига фаол жалб этилганлиги ҳисобланади. Жанубий Кореяда “Келажак мактаблари” лойиҳаси мактаб ўқувчиларини адаптивлик, ўзгаришларга тайёр бўлиш руҳида тарибиялаш, улкан ахборот оқимларига йўналтирилган электрон таълим, рақамли технологиялар билан ишлашга йўналтирилган лойиҳа ҳисобланади[1].

Рақамли қарорларни давлат даражасида интеграциялаш учун стратегик сиёсат ва режалар тасдиқланди ва уларнинг талабларига риоя қилиш барча умумтаълим мактаблари учун мажбурий қилиб қўйилди. “Ақлли таълим” лойиҳаси эса, анъанавий қоғоз дарсликлардан электрон дарсликларга ўтиш имконини берди[2].



1-расм. Жанубий Кореяда рақамли дарсликнинг мазмуни[3]

1-расм маълумотларидан кўринадики, рақамли дарсликнинг мазмуни 4 асосий элементдан ташкил топган.

Жанубий Кореянинг “Келажак мактаблари”да мактаб таълимининг барча йўналишларини тўлиқ такомиллаштирилиши ўқувчиларга қуйидаги имкоониятларни берди:

– мактабдаги компьютер синфлари базасида интерактив таълим олиш имконияти;

[1] Джанг Д.-Х., Йи П., Син И.С. Изучение эффективности использования цифровых учебников в обучении студентов в Южной Корее: метаанализ. Исследователь Азиатско-Тихоокеанского Образования, 2015.
[2] Сео И. Умное образование в Корее: инициатива по созданию цифровых учебников[Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.koreaittimes.com.
[3] Гладилина И.П., Ермакова Ч.П. Цифровая трансформация образования: зарубежный и отечественный опыт//Современное педагогическое образование. – Москва, 2021. - №3. – С.8-12.

–ўқитувчилар томонидан ўқув дастурлари доирасида яратиладиган мультимедиа врситаларидан фойдаланиш имконияти;

– электрон таълим элементларини қўллаш имконияти;

– бошқа мактабларнинг ўқитувчиларининг масофавий маърузаларини эшитиш имконияти;

– Интернет тармоғидаги турли хилдаги ахборот ресурсларидан (электрон кутубхоналар, кўргазмалар, экспозициялар) фойдаланиш имконияти;

– масофавий маслаҳатлар олиш имконияти.

Жанубий Корея ҳукумати томонидан 2005 йилда ишга туширилган уйда таълим олиш бўйича электрон тизим ўқувчиларга уйда ўтириб таълим олиш имконини яратди. Бундан ташқари, мамлакатдаги мактабларда симсиз тизимнинг жорий қилиниши таълим муҳитини шакллантириш имконини беради. Ушбу таълим муҳитига ўқувчи ўзининг логин ва пароли билан дунёнинг исталган жойидан, исталган электрон қурилма воситаасида кириши мумкин.

Умуман олганда, Жанубий Корея таълим тизимини рақамлаштириш жараёнларида қўлланилган ёндашувларнинг умумий тавсифи сифатида рақамли активларни ва рақамли сервисларнинг яратилишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларга ахборот-таълим муҳити доирасида шакллантирилган ва таклиф этилган қуйидаги рақамли таълим маҳсулотлари киради:

*онлайн курслар;

*видео-маърузалар

*таълим дастурлари;

*таълим платформалари[1].

«University of the People», университети тўлиқ рақамлаштирилган университет бўлиб, у таълим жараёнларини Moodle платформаси орқали рақамли маконга олиб чиқиш имконини берди. Ўқитувчилар ва талабалар ушбу платформа орқали тўлиқ ва эркин мулоқотни амалга ошириш имкониятига эга бўлиб, барча дарс машғулотлари ушбу платформа орқали амалга оширилади[2].

Эътироф этиш жоизки, таълимни рақамлаштириш ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларнинг ишловчиларнинг умумий сонидаги улушини ошириш имконини беради. Тараққий этган мамлакатларда ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларнинг ишловчиларнинг умумий сонидаги улуши 3-5 фоизни ташкил этади, Россмияда эса, ушбу кўрсаткич 1,5 фоизни ташкил этади[3].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, ҳозирги даврда Россияда кўпчилик олий ўқув юртлари икки компонентли ахборот-таълим муҳитидан фойдаланмоқда. Мазкур муҳитда, асосан, қуйидаги платформалардан фойдаланилмоқда:

- Coursera;

- edX;

[1] Брускин С.Н. Методы и инструменты продвинутой бизнес-аналитики для корпоративных информационно-аналитических систем в эпоху цифровой трансформации//Современные информационные технологии и ИТ-образование. 2016. Т. 12. № 3–17. - С. 234–239.

[2] Петрова Н.П., Бондарева Г.А. Цифровизация и цифровые технологии в образовании//Мир науки, культуры и образования. -2019. -№5. – С.353 Режим доступа: https://cyberleninka.ru/article/n/18311714.

[3] Цифровизация образования в России и мире. – URL: https://akvobr.ru/cifrovizaciya_ obrazovaniya_v_rossii_i_mire.html (дата обращения: 20.04.2020). – Текст : электронный

- XuetangX;
- Udacity;
- FutureLearn[1].

АҚШ иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми (33фоизи) рақамли технологиялари таъсири остида ва АҚШ молия секторининг катта улуши (60 фоизи) рақамли асосга ўтказилган, шунинг учун АҚШ молия сектори дунёда энг ривожланган ҳисобланади. Унга яқин алоқа соҳаси бўлиб, у узоқ муддатли ривожланиш учун замонавий, барқарор рақамли платформани яратишга ва унинг аҳамиятини сезиларли даражада оширишга интилмоқда. Рақамлаштириш соҳасида Америка Қўшма Штатларининг асосий рақобатчиси Хитой ҳисобланади, 2018 йилда унинг B2C (Business-to-consumer) рақамли бозори даромади 765 млрд. доллардан ортиқни ташкил этди ва шу тариқа, мамлакатни жаҳон бозори етакчисига айлантирди. 2018 йилда рақамли бозор АҚШда $700 млрд.дан ортиқ даромад келтирди, Европанинг 5та мамлакати (Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания)да эса рақамли бозор даромади 500 млрд. доллардан ортиқ бўлди[2].

Рақамли технологиялар интернет орқали савдо ва хизматлар кўрсатишда ўзларини ёркинроқ намоён этди. Хитой Alibaba Group компанияси интернет-тижоратни ривожлантириш бўйича дунёда етакчи ҳисобланади. Интернет хизматларини ривожлантириш бўйича – Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия – рақамли саноатни ривожлантиришда қизиқувчи ишлаб чиқарувчиларни кенг жалб қилиш орқали инновацион ечимлар ривожланишини таъминлайдиган инфратузилмани фаол яратишда илғор ҳисобланади. Европа комиссияси маълумотларига кўра, рақамли иқтисодиёт “Катта йигирматалик” гуруҳи мамлакатларида 3.2 трлн. еврога баҳоланмоқда ва ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 8 фоизни ташкил этиб, ривожланиш ва иш ўринларини яратишни рағбатлантирмоқда. Бундан ташқари, Интернетда яратилган қўшимча қийматнинг 75 фоиздан ортиғи анъанавий тармоқларга тегишли бўлиб, бу эса улар юқори меҳнат унумдорлиги билан боғлиқдир[3].

Канада тажрибаси электрон ҳукумат концепциясини муваффақиятли амалга оширишда қизиқиш уйғотади. Давлат органлари веб-сайтларининг ахборот ва интерактив тизими туфайли Канада энг яхши электрон ҳукумат учун ўтказилган норасмий танловда дунёда биринчи ўринда туради. Канада ҳукумати мамлакатда электрон тижоратни кенг ёйиш ҳамда давлат хизматларида АКТни жорий этилиши масалалари билан анча аввалроқ шуғулланишни бошлаганлар. 1998 йилдаёқ Миллий фойдаланувчиларни Интернетга улаш бўйича тегишли дастур тасдиқланди. Канада ҳукуматининг электрон тижорат соҳасидаги стратегияси интернет орқали тижорат операциялари учун қулай муҳитни таъминлайдиган муайян асосий шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Канада статистика бошқармаси энг илғор статистик тадқиқот усулларидан

[1] Сафуанов Р.М., Лехмус М.Ю., Калганов Е.А. Цифровизация системы образования// Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия экономика. № 2 (28), 2019.- С. 108-113.
[2] Е. Б. Стародубцева, О. М. Маркова. Цифровая трансформация мировой экономики.// Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика, 2018.-с.124-129.
[3] Digital economy. [Электронный ресурс], онлайн: http://ec.europa.eu/growth/sectors/digital-economy/importance/index_en.htm. (Дата обращения 1.09.2020).

фойдаланиш мамлакатда интернет иқтисодиёти ва электрон тижорат ривожланиши ҳақида ноёб маълумотларни тўплаш, ахборот маҳсулотлари истеъмолчилари истакларини ҳисобга олиш ва давлат органлари функцияларининг бир қисмини виртуал алоқа соҳасига ўтказиш орқали ҳукумат фаолиятини янада самарали қилиш имконини берди. Эндиликда Интернетда Канаданинг ягона электрон ҳукумат манзилини ёзиб, нафақат комплекс равишда турли маълумотларни олиш, балки интерактив тартибда давлат органлари билан мулоқот қилиш ҳам мумкин бўлиб қолди[1].

Жаҳонда рақамли иқтисодиётни миллий даражада ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солиш борасида анча тажриба тўпланган. Бунда фақатгина жаҳон тажрибасида АҚШ, Канада, Япония ва Европа Иттифоқи каби етакчи давлатларининггина амалиётлари етакчи ҳисобланмайди. Қатор ҳолатларда Хитой ёки Ҳиндистон каби ривожланаётган давлатлар ҳам миллий хўжалик юритишининг рақамли иқтисодиёт ривожида ютуқларга эга бўлиб, улар нафақат халқаро меҳнат тақсимотида аутсорсинг бўйича бозорни эгалламоқдалар, балки, ўзлари ҳам, масалан, Хитой каби, аста-секин етакчи мамлакатларга АКТни ривожлантириш бўйича стандартларни қўйишни бошламоқдалар.

Эътироф этиш жоизки, рақамли технологияларнинг ривожланиши рақамли активлар муомаласини ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Рақамли актив (digital asset) – бу фақат рақамли шаклда муомалада бўладиган актив ёки бошқа активнинг электрон кўринишидаги шаклидир.

Криптоактив (crypto asset) – бу криптографиядан фойдаланган ҳолда чиқарилган рақамли активдир.

Тақсимланган реестр – бу бир нечта тармоқ бўғинлари ёки ҳисоблаш қурилмалари ўртасида тақсимланган маълумотлар базасидир.

Реестрни ҳар бир нусхаси бўйича овоз бериш ва розиликка эришиш консенсус дейилади.

Тақсимланган реестрнинг асосий хусусияти – бу ягона бошқарув марказининг йўқлигидир.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, университетларда талим соҳасини рақамлаштиришда технопарклар муҳим ўрин тутади.

Финландияда университетлар нафақат ўқув семинарлар дастурларида, балки янги техника ва технологияларни тижоратлаштиришда ҳам фаол иштирок этади.

Масалан, Хельсинки Технология университети илмий тадқиқотлар олиб боради, фан ва бизнес ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Жумладан, хусусий компаниялар билан ҳамкорликда инновацион технологияларни сотишни ва битирувчиларни ишга жойлаштиришни ташкил қилади.

Гейдельберг технопарки Германиянинг Гейдельберг университетининг базасида ташкил этилган бўлиб, технопарк ва Университет ўртасида илмий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

[1] Ксенофонтов М.Ю.Теоретические и прикладные аспекты социально- экономического прогнозирования. Монография. М.: Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН, 2002.-312с.



2-расм. Рақамли технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари[1]

2-расм маълумотларидан кўринадики, рақамли технологиялар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, жумладан, бир-бирига боғлиқ бўлган фаолият турларининг электрон интеграциялашувига имкони беради.

Ҳар бир бўғин бошқа бўғинлардан маълумотларни қабул қилади ва реестрнинг тўлиқ нусхасини ўзида сақлайди. Ҳар бир бўғин реестрга ўзгаришни ўзи киритади ва кейин уни бошқа бўғинларга билдиради.

Бундан ташқари, Гейдельберг технопарки бошқа университетлар билан ҳам илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу эса, кўплаб биргаликдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Университетларнинг технопарклар фаолиятидаги муҳим ролига яна бир мисол қилиб Силикон водийсини кўрсатиш мумкин.

Силикон водийсида кўплаб нуфузли университетларнинг илмий марказлари, ўқитиш марказлари жойлашган:

* Сан-Хосе университети
* Санта-Клара университети
* Стэнфорд университети
* Калифорния университети
* Карнеги-Меллон университети ва бошқалар.

Европа Иттифоқи давлатларида олий таълим муассасалари харажатларининг қарийб 80 фоизи давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ва фақатгина 12 фоизи таълим учун пуллик тўловлар ҳисобидан молиялаштирилади. Пуллик тўловлар миқдори мамлакатларда ўзаро кескин фарқ қилади. ИИҲТга аъзо мамлакатларнинг ярмидан кўпида резидент талабалар учун йилига ўртача 1500 долларни ташкил этади. Шимолий Европа мамлакатлари – Финландия, Норвегия, Дания, Швецияда ҳамда Австрия ва

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Грецияда давлат олий ўқув юртларида бакалавриат таълим йўналишида таълим олиш бепулдир. Дания ва Кипрда тўғридан-тўғри ассигнованияларнинг улуши сезиларли даражада паст, чунки, ушбу моддадаги харажатларнинг 30 фоиздан 60 фоизгача бўлган қисми талабаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Греция, Испания, Франция, Португалия, Руминия, Словакияда олий таълимни молиялаштиришга ажратилган давлат маблағларининг 90 фоиздан ортиқ қисми бевосита олий таълим муассасаларининг бюджетига тушади. Болгария, Буюк Британия, Исландия ва Нидерландияда барча олий ўқув юртларида, мулк шаклидан қатъий назар, талабаларнинг ўқиши пулликдир[1].

АҚШ тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатадики, олий ўқув юртларининг инновацион фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бэй-Долл қонунида олий ўқув юртларининг тадбиркорлик функциясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Бунинг натижасида, АҚШ олий ўқув юртлари ўзларининг илмий-инновацион ва тадқиқот фаолияти натижаларидан бевосита манфаат олиш имконига эга бўлдилар[2].

АҚШнинг Калифорния технология институтида давлат космик агентлиги (НАСА) учун космик қурилмалар ишлаб чиқарилади. Бу эса, ушбу олий ўқув юртининг жуда юқори инновацион салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Чунки, космик қурилмалар технологик жиҳатдан энг мураккаб ҳисобланади. Институтда 280 та профессор, 130 та илмий ходим ишлайди ва 900 та бакалвр, 1100 та мутахассис таҳсил олади[3].

АҚШнинг Стэнфорд университети Силикон водийсига яқин жойлашган бўлиб, унинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари юқори илмий-инновацион тадқиқотларни амалга ошириш салоҳиятига эга. Университетда профессор – ўқитувчилар сони 1934 кишидан иборат бўлиб, талабалар ва аспирантлар сони 15 мингдан ошади.

Канадада 1972 йилдан бошлаб, Таълим учун жамғармалар Федерал дастурига (Registered Education Savings Plan) мувофиқ, махсус жамғарма ҳисобарқамларига тушадиган маблағлар солиқдан озод қилинган. 1008 йилдан бошлаб, таълим учун жамғармаларга нисбатан қўшимча солиқ имтиёзлари жорий қилинди: махсус жамғарма ҳисобрақамига қўйилган суммага нисбатан давлат бюджетидан 20 фоизли устама берилади[4].

Шуниси аҳамиятлики, инглиз тилида сўлашувчи мамлакатларда – АҚШ, Буюк Британия ва Австралияда университетлар таълим учун тўловлар шкалида келиб тушган қўшимча молиялаштириш маблағларини юқори малакали ва юқори маош тўланадиган ўқитувчиларни жалб қилиш, замоанвий асбоб-ускуналар сотиб олиш ва университетнинг инфратузилмасини ривожлантириш учун ишлатадилар[5].

---

[1]Чепыжова О.К. Государственное финансирование высшего образования: современные тенденции//Вестник МГУПИ. – Москва, 2012. – №39. – С. 202.

[2] A tip of the hat to the best university TTO's. http://www.ipadvocat.org/forum.

[3] Technology transfer at Caltech. http://www.monash.edu/au/research.

[4]Немова Л А. Канада: политика государства в сфере образования // США-КАНАДА. Экономика. Политика. Культура. 2006. - № 9.- С. 82-103.

[5]Салерно К. Распределение затрат в высшем образовании: экономическая опасность для развивающихся стран // Экономика образования, 2006. - № 4. - С. 120-123.

Илмий-тадқиқотларни молиялаштиришнинг япон моделига хос бўлган асосий хусусият бўлиб, икки ёқлама молиялаштириш ҳисобланади. Яъни, давлат олий ўқув юртлари ҳам, хусусий олий ўқув юртлари ҳам талабалардан таълим учун пуллик тўловлар ундиради ва ҳукумат субсидиялари олишади. Аммо, давлат ассигнованиялари ҳажмлари ўртасида катта фарқ мавжуд: давлат олий ўқув юртларида бюджетнинг 60 фоизи ҳукумат ассигнованияларидан ташкил топса, ушбу кўрсаткич хусусий олий ўқув юртларида 15 фоизни ташкил этади[1].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига 1-илова//www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига1-илова//www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. ҚҲММБ: 06/18/5544/1951-сон. 22.09.2019 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3662-сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. ҚҲММБ:07/18/3682/1117-сон. 28.04. 2018 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низом//www.lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида. www.lex.uz.
8. European Commission. Digital Education at School in Europe. Eurydice Report [Электрон. ресурс]. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2019. 151 с. Режим доступа: https://eacea.ec.europa.eu/national-policies/ eurydice/sites/default/files/en_digital_education_n. pdf. (Дата обращения: 10.01.22).
9. About Academic Ranking of World Universities. – Electronic text data. – Mode of access: http://www.shanghairanking.com/aboutarwu.html (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
10. The World University Rankings 2020: methodology. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.timeshighereducation.com/ world-university-rankings/world-

[1] h t t p ://w w w.n e w s e d u c a t i o n .r u/news/2/20040413/6101.shtm

universityrankings-2020-methodology (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
11. What is the QS World University Rankings? – Electronic text data. – Mode of access: https://www.qs.com/rankings (date of access: 27.11.2019). – Title from screen.
12. The 2018 Digital University: Staying Relevant in the Digital Age. – Electronic text data. – Mode of access: https://www.pwc.co.uk/assets/pdf/the-2018- digital-university-staying-relevant-in-the-digitalage.pdf (date of access: 23.11.2019). – Title from screen.
13. Цифровизация образования в России и мире. – URL: https://akvobr.ru/cifrovizaciya_ obrazovaniya_v_rossii_i_mire.html (дата обращения: 20.04.2020). – Текст : электронный
14. Digital economy. [Электронный ресурс], онлайн: http://ec.europa.eu/growth/sectors/digital-economy/importance/index_en.htm. (Дата обращения 1.09.2020).

Қурбонов С.А. *– БТОМ, мустақил тадқиқотчи*

СУҒУРТА МАҲСУЛОТЛАРИНИ БЕВОСИТА СОТИШ УЧУН ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ

XX аср охири-XXИ аср бошларида жаҳон иқтисодий ривожланишининг асосий тенденцияси саноат ва постиндустриал иқтисодиётдан "рақамли иқтисодиёт" ёки ахборот-коммуникация технологияларидан тармоқли фойдаланишга асосланган иқтисодиётга ўтишдир.

Ички суғурта бозорини рақамлаштиришни кенгайтириш орқали суғурта соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик секторига айлантириш, Ўзбекистон Республикаси шароитида суғуртани янада самарали ҳимоя қилиш тизимига айлантириш суғурталовчилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг ва тегишли бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар биргаликдаги ишини талаб қилади. Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси республика иқтисодиётини жадал рақамлаштиришни назарда тутади, бу эса иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг асосий тоифалари ва тамойиллари ва тизимларининг ўзгаришига, ушбу муносабатларнинг алоҳида субъектларининг роли ва аҳамиятини қайта тақсимлашга олиб келади.

Суғурта бизнесининг рақамли трансформацияси суғурта муносабатларининг барча субъектларига янгича очилиш имконини беради, лекин айни пайтда янги вазифаларни қўяди, янги қалтисликларни келиб чиқишига сабаб бўлади, чунки сунъий интеллект, зарарларни масофадан туриб ҳал қилиш, рақамли суғурта хизматлари, интернетдан фойдаланган ҳолда илғор бизнес моделлари аллақачон амалда қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу эса ҳаётни суғурталашнинг узоқ муддатли турларини сотиш канали учун потенциал аудиторияни яратмоқда. Мамлакатда ахборот-

коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бутун республика бўйлаб ахборот технологияларидан фойдаланувчилар сонининг кўпайишини ва уларни ўқитишни таъминлайди.

Ўзбекистондаги суғурта компаниялари томонидан интернетдан фойдаланишда қуйидаги асосий ёндашувлар ажралиб туради. Аксарият маҳаллий суғурталовчилар корпоратив веб – сайтларни фақат реклама воситаси-мижозни қизиқтириш, уни савдо нуқталарига жалб қилиш ёки унга суғурта агентини юбориш воситаси деб билишади.

Замонавийроқ усул - бу маҳсулотларни Интернет орқали тўғридан-тўғри сотиш. Схема жуда оддий: мижоз компания веб-сайтида ўзини қизиқтирган суғурта хизматни танлаб, ўрнатилган веб-калкуляторда нархни ҳисоблаб чиқади ва ариза шаклини тўлдиради.

Кейинги қадам суғурта мукофотини тўлаш, суғурталовчи тайёр ҳужжатларни мижозга агент ёки курьер ёки Интернет орқали етказиб беради. Агар суғурта маҳсулоти ностандарт бўлса, мижоз суғурта компаниясига расмийлаштирилган сўров-анкетасини юборади ва мутахассислар суғурта нархини (суғурта мукофоти миқдорини) ҳисоблашади.

Потенциал суғурта қилдирувчи учун қўшимча ижобий томони - бу суғурталовчи билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти: у қизиқтирган савол ёки қўнғироқ билан электрон почта хабарини суғурталовчига юбориши мумкин ва суғурта мукофотини тўлашни монитордан турмасдан тугмачани босиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Суғурта компанияси нуқтаи назаридан ушбу савдо каналидан фойдаланиш харажатларни сезиларли даражада камайтириши мумкин (30% гача). Бундан ташқари, онлайн сотувлар комиссия юки бўйича агентлик савдосидан фарқли арзонроқ, шунингдек, компания ходимлари учун вақтни тежаш имконини беради.

Веб-сайт суғурта маҳсулотлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга, бу эса мижозларнинг мумкин бўлган саволларини камайтиради. Бундан ташқари, суғурта қилдирувчи ҳужжатларни электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг бир қисмини бажаради. Мижознинг маҳсулотни қўшимча куч сарфламасдан ва минимал вақт билан олиш истагини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Интернет орқали сотиб олиш сиёсатининг ижобий тажрибасига эга бўлган мижоз автоматик равишда "тавсия этувчи"га айланади, қариндошлари, дўстлари ва танишлари ўртасида сотиб олишнинг афзалликлари ҳақида маълумот беради, ва янги мижозларни жалб қилади.

Интернет орқали сотишни ташкил қилишни режалаштираётган суғурта компанияси учун психологик омиллар ҳақида эслаш керак: аксарият мижозлар маҳсулотни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин сотувчи билан тўғридан-тўғри визуал алоқани афзал кўришади. Улар суғурталовчи ким эканлигини, унинг қандай офиси борлигини, ходимларини кўришни хоҳлашади. Бу холатда брендни илгари суриш бўйича ишлар биринчи ўринга чиқади ва

онлайн суғурта маҳсулотларни сотиш ижобий имидж (бренд) бўлган компанияларда самарали бўлиши мумкин.

Интернет умуман сотиб олиш учун суғурталовчининг харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради (25% гача), шунингдек, тармоқнинг фаол фойдаланувчилари туфайли потенциал мижозлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда суғурта маҳсулотини амалга ошириш суғурталовчи ва потенциал суғурта қилдирувчи ўртасида бевосита алоқада содир бўлиши, унинг географик жойлашувидан қатъи назар, суғурталовчига суғурта хизматларини республика бўйлаб қўшимча харажатларсиз сотиш имкониятини беради. Шу билан бирга, инклюзив суғуртани жадал амалга ошириш ва янги истеъмолчиларни, шу жумладан кичик суғурта компанияларини жалб қилиш имкониятлари тобора ортиб бораётгани шубҳасиз.

Мижозларга хизмат кўрсатишнинг ушбу шаклининг улкан истиқболли салоҳияти ривожланган мамлакатларда ҳозирги кунда суғурта полисларининг 20% дан ортиғи Интернет орқали чиқарилаётганидан далолат беради.

Ўз навбатида, суғурта маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш учун интернетдан фойдаланиш қуйидаги хавфларга олиб келиши мумкин:

- суғурта полисини сотиб олаётганда улардан фойдаланган суғурта қилдирувчиларнинг тўлов воситалари тўғрисидаги маълумотларга жиноий фойдаланиш имконияти;

- суғурта қилдирувчиларнинг банк ҳисоб варақлари тўғрисидаги маълумотларга жиноий ҳолатда кириш ва уни рухсатсиз ўзгартириш имконияти;

- мижознинг тижорат сири бўлган маълумотларни ошкор қилиш.

Интернетдан фойдаланган ҳолда суғурта шартномаларини тузишда юқоридаги қалтисликларни ҳисобга олинганда электрон полислар нархининг сезиларли даражада ошишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М. Мирзиёев. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису - 24 января 2020 г. Режим доступа: http://uza.uz/nj/politics/ poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeevas-24 -1-2020.
2. Закон Республики Узбекистан «Об электронной торговле» от 29.04.2004 г. № 613-П (Закон принят в новой редакции в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 22 мая 2015 г. № ЗРУ-385 «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об электронной торговле».
3. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронная коммерция: учебник / Л.В. Лапид. - М.: ИНФРА-М, 2018 - 479 с. http://znanium.coni/catalog/product/947029
4. Исламов Б.А., Исохужаева М.Я. Актуальные вопросы и направления совершенствования системы электронной коммерции в Республике Узбекистан. «Международные отношения» №4,2019 г., УМЭД, Ташкент.
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 14.12.2020 г. № 780 “О дополнительных мерах по совершенствованию порядка оказания

электронных страховых услуг”. // https://lex.uz/ru/docs/5163140

Хомидов К.К. *- ФГУ, независимый исследователь*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТИЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОТРАСЛИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫМИ КАДРАМИ ПРИ РАЗВИТИИ ТУРИСТИЧЕСКОГО БИЗНЕСА В РЕГИОНАХ

Растущая глобализация и быстрые процессы обмена информацией, происходящие в мире, крайне необходимы высококвалифицированным кадрам в условиях жесткой конкуренции между странами, компаниями и корпорациями, фирмами и предпринимателями. В таких условиях туристический сектор также рассматривается сегодня как важнейшая задача всех развитых и развивающихся стран, связанная с обеспечением квалифицированными кадрами, радикальным повышением качества персонала за счет внедрения передовых инноваций в практику работы, превращением современных знаний в главный фактор экономического роста, эффективность научных исследований и приобретение новых.

За годы независимости особое внимание уделялось вопросам подготовки квалифицированных кадров в рамках проводимых в нашей стране реформ по подготовке квалифицированных кадров для туристического сектора, в частности, подготовке кадров в системе среднего специального профессионального образования (ОЭСР) в высших учебных заведениях институты (ОЭСР). 15 июня 2022 года под председательством Президента Шавката Мирзиеева состоялось совещание с использованием видеопроектора, посвященное мерам по подготовке населения к профессии и совершенствованию деятельности мономаркетов[1], и оно показало необходимость установления качественно новых отношений сотрудничества между профессиональными учебными заведениями и предприятиями. Одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня является эффективное использование потенциала квалифицированных кадров в туристическом секторе страны, повышение эффективности мероприятий, связанных с подготовкой квалифицированных кадров в высших и средних специальных учебных заведениях, совершенствование механизма процессов подготовки квалифицированных кадров в системе подготовки квалифицированных кадров для туристического сектора.

Указ Президента Республики Узбекистан от 5 июня 2018 года "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых в стране комплексных реформах"PQ-3775, "О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике" Республики Узбекистан"№ 5611 от 6 апреля 2021 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в, Указ PQ-5270 "О мерах по дальнейшему совершенствованию непрерывной системы подготовки квалифицированных

кадров в области культурного наследия и музееведения", PF-60 от 28 января 2022 года "о стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы" о реализации задач, изложенных в PF-60 и другие нормативно-правовые акты, относящиеся к этой сфере, будут в определенной степени служить.

Индустрия туризма является одним из крупнейших работодателей в мире, в котором занято большое количество людей, непосредственно профессионалов, от индустрии туризма до перевозок работников, жилых зданий и огромного разнообразия развлекательных заведений и многого другого. В современных условиях инновации являются необходимым элементом индустрии гостеприимства и главным критерием сервисной деятельности. На основе активного использования передовых информационных технологий и сервисов оцифровки, с помощью инноваций туристы, с одной стороны, с точки зрения качества обслуживания, получают информацию, которая делает их отдых более доступным и желанным, ожидаемым. В развитии этой отрасли важное значение в Бормоке приобрело появление новых современных технологий. Именно эти процессы создают условия для большого количества свободного времени у человека.

В документах, регулирующих развитие индустрии туризма, также отмечаются специальности, которые являются частью средней отрасли отрасли, к которым относятся "гиды-переводчики, инструкторы-наблюдатели, официанты, бармены, прислуга, организаторы отдыха и другие специальности". Соответственно, современные образовательные технологии должны обеспечивать трансформацию знаний в методы деятельности, повышающие уровень удовлетворенности собственного и социального эгоизма индивида (таблица 1).

1-таблица

Середина туристских предприятий в структуре туристских комплексов занимает позиции профессионального образования

Вид деятельности	**Рабочая категория**	**Позиция**
Экскурсия-турагентство - гостиничный туроператор	Специалист	Организатор тура
		Менеджер по туризму (выезд, въезд, внутренний туризм)
		Менеджер по бронированию и продажам
		Руководитель туристической группы
		Агент по бронированию
		Туристический агент (выездной, въездной, внутренний)
		Помощник по формированию экскурсионных (туристических) групп
		Менеджер по работе с корпоративными клиентами
		Культуролог-аниматор
		Специалист по обработке заказов
		Инструктор по туризму-стилист
	Вереск	Агент по приему заказов на экскурсии
		Администратор офиса

По данным Международной туристической организации, в 2020 году, по сравнению с 2019 годом, количество международных туристов сократилось в 2-5 раз, в зависимости от мер по прекращению пандемии и крайнего срока открытия границ между странами. В 2018 году вклад туризма в ВВП Узбекистана составил 2,2 процента и составил 1,2 миллиарда долларов США. В то же время, к 2025 году доля туризма в ВВП Узбекистана составит до 4,0 процента, в то время как занятость в индустрии гостеприимства в 2025 году прогнозируется на уровне 5,1 процента или 900 тысяч рабочих мест.

В теории и практике дополнительного профессионального образования специалистов среднего звена в сфере туризма, с одной стороны, существует контраст между спросом туристической индустрии на выпускников колледжей с соответствующей дополнительной профессиональной квалификацией и недостаточным развитием теоретических знаний в сфере туризма, что происходит, когда разрабатываются методологические основы для подготовки специалистов среднего звена в сфере туризма. одновременное формирование дополнительных профессиональных квалификаций

Литература:

1. Касб-ҳунар ўрганиш учун шароитлар кенгайтирилади./Халқ сўзи, 2022 йил, 16 июнь. №125. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.
2. Мирзаев, А. Т. (2019). Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили. Иқтисодиёт ва таълим, 6, 194-199.
3. Мирзаев, А. Т. (2019). Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов. Бюллетень науки и практики, 5(2), 127-134.

Умаров Ж.Т. *–Ғазначилик хизмати қўмитаси, бошқарма бошлиғи ўринбосари, и.ф.ф.д., (PhD)*

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР: СОҲАНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сўнги йилларда давлат харидлари соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат буюртмачилари ҳамда **тадбиркорлик субъектлари учун қулайликлар яратилмоқда**, соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш орқали инсон омили иштирокини камайтиршга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

Давлат харидларига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни қабул қилинди. Унга кўра:

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига **тенг имкониятларни таъминлаш**, давлат харидлари **субъектлари ўртасида рақобат**ни ва уларга нисбатан беғаразликни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш давлат харидларининг холислиги сифатида белгиланди;

2022 йил 1 январдан бошлаб энг яхши таклифларни **танлаш ва тендер** харид қилиш тартиб-таомиллари мажбурий тартибда тўлиқ **электрон шаклда ўтказилиши белгиланди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони билан 2023 йил 1 апрелдан бошлаб жами даромади 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун давлат харидларида **20 фоизлик квота** жорий этилиши ва ушбу харидлар доирасида бюджет буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларда **50 фоиз миқдорида олдиндан тўлов**ни амалга ошириш назарда тутилиши белгиланди[1]. Бугунги кунда, ушбу Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди ва амалиётга жорий этилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, давлат буюртмачиларига электрон кооперация биржаси порталида рўйхатдан ўтган, ишловчи ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш бўйича **тўғридан-тўғри шартномалар тузиш** имконияти яратилди.[2]

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-390-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан давлат буюртмачиларига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўргазма ярмаркалари давомида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни **уч**

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони 2-банди.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 4-банди.

йилгача муддат давомида кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди[1].

Давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш юзасидан:

1. 2022 йил 1 январдан бошлаб энг яхши таклифларни **танлаш ва тендер** харид қилиш тартиб-таомиллари мажбурий тартибда тўлиқ **электрон шаклда ўтказиш амалиёти жорий этилди**.

Мазкур жараёнда иштирокчиларнинг таклифларини давлат харидларининг электрон тизими орқали электрон тарзда тақдим этиш имконияти яратилди ҳамда харид комиссияси томонидан таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш жараёни тўлиқ электронлаштирилди.

2. Давлат харидларига оид барча маълумотларни бир жойда жамлаш, уларни доимий таҳлил қилиш ва мониторингини юритиш мақсадида Давлат харидлари **марказий ахборот портали** яратилди. Бу борада **Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки** ҳамда **Франция тараққиёт агентлиги** билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

3. Давлат харидлари соҳасида фойдаланиладиган товар (иш, хизмат)лар **классификатори ишга туширилди**.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида **2022 йилда** республика бўйича жами **204,5 трлн.** сўмлик давлат харидлари амалга оширилди. Бу эса, **ЯИМ**нинг **23 фоиз**ини ташкил қилади. Шундан, қарийб **75 трлн.** сўм қийматдаги харидлар (жами харидларнинг **37 фоизи**) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **14,3 трлн.** сўм маблағлар **иқтисод қилинишига эришилди.**

2023 йилнинг I чорагида эса республика бўйича жами **79,2 трлн.** сўмлик давлат харидлари амалга оширилди. Шундан, **25,5 трлн.** сўм қийматдаги харидлар (жами харидларнинг **32 фоизи**) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **1,7 трлн.** сўм маблағлар **иқтисод қилинишига эришилди**[2].

Барчамиз гувоҳи бўлаётганимиздек, тадбиркорлик субъектларини давлат харидларига кенг жалб қилиш орқали уларни қўллаб-қувватланяпти, улар ўртасида рақобат муҳити оширилмоқда.

Амалга оширилган саййи ҳаракатлар натижасида **2023 йил 1 июн ҳолатига** келиб **213 мингдан** ортиқ тадбиркорлик субъектлари давлат харидлари бўйича электрон тизимларидан рўйхатдан ўтди[3].

Шу билан бирга, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларни ҳам давлат харидлари соҳасида қўллаб-қувватлаш мақсадида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Таҳлилларга кўра, аксарият ҳолатларда давлат буюртмачилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида етарли

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-390-сон Қарори 3-банди.

[2] Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди. https://mf.uz/activity/markaziy-apparat/davlat-xaridlari-departamenti

[3] Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда давлат харидлари электрон тизими операторлари маълумотлари асосида тайёрланди.

даражада маълумотга эга эмаслиги натижасида улар билан шартномалар тузиш салмоғи пастлигича қолган.

Шу сабали, 2022 йилнинг **22-23 июн** кунлари Молия вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазма ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу кўргазма ярмаркада **100 га яқин** корхоналар ўзлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари билан иштирок этди. Кўргазма ярмаркаси давомида давлат буюртмачилари билан қарийб **95,0 млрд** сўмлик шартномалар имзоланди[1].

Шу билан бирга, давлат харидлари соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар тўғрисидаги **маълумотларни кенг оммага етказиб бориш** мақсадида доимий равишда вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимой тармоқларидаги саҳифалари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали пресс-релизлар, мақолалар ва интервю шаклидаги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. Қуйидаги линклар орқали батафсил танишиш мумкин.

https://api.mf.uz/media/budget_files/1_18.pdf

https://api.mf.uz/media/budget_files/1chorak_2023.pdf

http://tcmf.uz/ru/pages/view?q=%2Fpages%2Fview&slug=spravochnik-finansovogo-rabotnika-2-fevral-2022

https://youtu.be/CJOSAVrq3aw

https://www.youtube.com/watch?v=6Oqam-R63QY

https://www.youtube.com/watch?v=wPzB4OO2HxA

Шунингдек, Давлат органлари, корпоратив ташкилотлар, хўжалик жамиятлари ва корхоналарининг, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари соҳасидаги мутахассисларини малакасини ошириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида **Масофавий таълим платформаси** (*masofa.tcmf.uz*) яратилди.

*Маълумот учун, **2022 йилда** Ўқув маркази томонидан давлат буюртмачилари ва етказиб берувчиларнинг **3 590 нафар** давлат харидлари бўйича масъул мутахассисларнинг билим ва кўникмалари оширилган бўлса, шундан, **2 923 нафар**и масофавий таълим платформаси орқали амалга оширилган*[2].

Давлат харидлари соҳасига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш, рақобат муҳитини янада ошириш, соҳада очиқлик ва шафофликни таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишларда тизимли ислоҳотларни давом эттириш таклиф этилади:

1) Маҳаллий тадбиркорлик субъектларини хорижий давлатларнинг давлат харидларида иштирокига кўмаклашиш;

2) Тадбиркорлик субъектлари доимий равишда билим ва кўникмаларини ошириб бориш мақсадида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва ўқув курсларини ташкил этиш;

[1] https://mf.uz/news/category/yangiliklar/post-591

[2] Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

Тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз иқтисодиётини ўсишига, ялпи ички маҳсулотда миллий маҳсулотни улушини ошишига шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг рақобат муҳитини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ-390-сон “Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига тегишли ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
5. imv.uz
6. mf.uz
7. tcmf.uz

Hotamov A. *– TATU, Samarkand filiali dotsenti*
Abduqodirova M. *– TATU, Samarkand filiali talabasi*

INFRATUZILMA PROVAYDERLARI

Infratuzilma xizmat koʻrsatish sohasiga koʻra ishlab chiqarish infratuzilmasi (ishlab chiqarish ga xizmat koʻrsatuvchi sohalar — yuk tashish transporti, elektr va issiqlik ta’minoti, yoʻl xoʻjaligi, suv xoʻjaligi, ombor xujaligi, ilmiy konstruktorlik xizmati, axborot xizmati va boshqalar) va ijtimoiy-maishiy infratuzilma (aholiga xizmat koʻrsatib, uning ehtiyojini qondiruvchi sohalar — maorif, sogʻliqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport, maishiy xizmat va boshqalar) ga ajraladi. Infratuzilma xizmati tovar boʻlganidan oldi-sotdi etiladi.

IaaS—Infrastructure as a Service bu xizmat sifatida infratuzilmadir. Infratuzilma hisoblash resurslarini oʻz ichiga oladi: vertual serverlar, saqlash, tarmoqlar. Bu siz har qanday narsani oʻrnatishingiz mumkin boʻlgan vertual "kompyuterlar" ga oʻxshash narsa: operatsion tizim, dasturiy ta’minot, ilovalar.

IaaS provayderi (xizmat sifatida infratuzilma) yoki bulutli provayder allaqachon hamma narsani sotib olgan va yigʻilgan, serverlarni elektr va Internet bilan

ta’minlagan. Siz faqat ushbu hisoblash imkoniyatlariga Internet orqali ulanishingiz va ulardan o‘z maqsadlaringiz uchun foydalanishingiz kerak.

IaaSga quyidagilar kiradi:

1. Turli xil dasturlarni o‘rnatish mumkin bo‘lgan Vertual serverlar (VPS/VDS)). Ba’zan provayder bir vaqtning o‘zida operatsion tizimlarga ega serverlarni taklif qiladi, shunda kerakli dasturlar ularga tezroq joylashtirilishi mumkin.

2. Vertual serverlarning bir-biri bilan, mijoz kompaniyasiga tegishli tashqi serverlar va Internet bilan aloqa o‘rnatishga imkon beradigan tarmoq sozlamalari.

Bularga quyidagilar kiradi:

- bir-birlari uchun va tashqi tarmoq uchun serverlarning mavjudligi, serverlarning tarmoq ulanishlarini yo‘naltirish;

- yuk balanslagichlari ular orasida kiruvchi trafikni taqsimlash orqali serverning ortiqcha yuklanishini oldini oladi;

- VPN -bulut va uning jismoniy ma’lumotlar markazi o‘rtasida kompaniya tomonidan uzatiladigan ma’lumotlarni shifrlash texnologiyasi;

3. Foydalanuvchiga kirishni boshqarish. Masalan, siz induvidual vertual mashinalarga kirishni cheklashingiz yoki ma’lumotlarni ko‘rishga ruxsat berishingiz mumkin, lekin ularga o‘zgartirish kiritishni taqiqlashingiz mumkin.

4. Fayllarni, ma’lumotlarni yoki zaxira nusxalarini saqlash uchun bulutli saqlash. Ular induvidual foydalanuvchilar bilan shug‘ullanadigan odatiy bulutli disklardan farq qiladi, deyarli cheksiz saqlash hajmi va ma’lumotlarga tezkor kirish tezligi.

5. Shaxsiy tugunlari ishlamay qolganda sizning infratuzilmangizni avariyalar va ma’lumotlar yo‘qolishidan sug‘urta qiladigan zaxira va tabiiy ofatlarga chidamlilik xizmatlari.

Xizmat sifatida infratuzilma (IaaS) - bu provayderning umumiy bulutida hisoblash resurslarini ijaraga olish, bu yerda mijoz maxsus resurslar havzasini oladi: hisoblash quvvati, xotira, disk maydoni va operatsion tizim. IaaS ko‘pincha o‘z ma’lumotlar markazlarini qurish va saqlash zaruratidan xalos bo‘lishni istagan kompaniyalar tomonidan qo‘llaniladi.

Mijozga server uskunasini sotib olishning hojati yo‘q, chunki u uni provayderdan ijaraga oladi. Xizmat ko‘rsatuvchi provayder boshqaruv paneli orqali hisoblash resurslarini taqdim yetadi, masalan, VMware dastur platformasi. Bu sizga har xil bulutlarda va ko‘p sonli qurilmalarda har qanday dastur bilan ishlash imkonini beradi.

IaaS misollari:

- Amazon Web Services (AWS);
- Cisco Metacloud;
- Microsoft Azure;
- Google Compute Engine (GCE).

IaaS qanday ishlaydi?

Xizmatning barcha xususiyatlari, tomonlarning huquq va majburiyatlari xizmat ko‘rsatish darajasi to‘g‘risidagi SLA — shartnomada belgilanadi. Ammo buyurtmachi va pudratchi o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarning asosiy prinsipini quyidagicha ta’riflash mumkin:

* mijoz provayderning bulutli resurslariga kirish huquqini oladi, ulardan foydalanadi va pay-as-you-go, modeliga muvofiq to‘laydi, ya’ni faqat o‘zi ishlatgan resurslar miqdori uchun;

* bulutli provayder mijozning infratuzilmasini uskunada o‘z yoki sherik ma’lumot markazida joylashtiradi. U biznesning to‘liq ishlashi uchun tayyor bulutli muhitni ta’minlaydi, uskunalar va dasturiy ta’minotga texnik xizmat ko‘rsatishni to‘liq o‘z zimmasiga oladi.

Bulutli xizmat ko‘rsatuvchi provayderlar turli xil vazifalar uchun allaqachon sozlangan vositalarni (platformalarni) taqdim yetishlari mumkin.

Bunday vositalar PaaS deb ataladi. **PaaS —Platform as a Service**, bu xizmat sifatida platforma, xizmat sifatida platforma. PaaS va IaaS o‘rtasidagi asosiy farq shundaki, bu yerda sizda ma’lum vositalar mavjud, masalan: ma’lumotlar bazasini boshqarish tizimi, mashinani o‘rganish yoki katta ma’lumotlarni qayta ishlash muhiti, sanoat IoT. Ular kompaniyaning ehtiyojlariga moslashtirilishi kerak, ammo noldan qurmang. Bu ishlab chiquvchilarning vaqtini tejaydi-masalan, ular ma’lumotlar bazasini yaratish bilan bezovtalanishning hojati yo‘q, siz unga ma’lumot yuklashingiz va ishlashingiz mumkin.

Xizmat sifatida platforma (PaaS) ishlab chiquvchilar uchun moslashtirilgan muhitni ta’minlaydi. Mijoz Internet orqali ilovalarni yaratish uchun platformaga yoki vositalar to‘plamiga kirish huquqiga yega bo‘ladi. PaaSx izmatlari yordamida ishlab chiquvchilar mobil va veb-ilovalar va ixtisoslashtirilgan biznes dasturlarini yaratadilar.

PaaS Misollari:

- AWS Elastic Beanstalk;
- Windows Azure;
- Google App Engine;
- OpenShift.

PaaS ning afzalliklari Xizmat sifatida platforma yaxshi, chunki u darhol ishlashga tayyor. Rivojlanish guruhi har qanday o‘lcham va murakkablikdagi loyihalarni osonroq va yeng arzon narxlarda amalga oshirishi mumkin, chunki provayder platforma va o‘rta dasturni joylashtirishni o‘z zimmasiga oladi. PaaS bilan dasturlarni ishlab chiqish, sinovdan o‘tkazish va yetkazib berish tezligi oshadi. Bulutli texnologiyalar, agar kerak bo‘lsa, hisoblash resurslarini tezda oshirish yoki kamaytirish imkonini beradi. Bir nechta foydalanuvchilar bir vaqtning o‘zida turli xil veb-xizmatlar va ma’lumotlar bazalari bilan ishlay oladigan platforma yordamida loyihaga kirishlari mumkin.

SaaS — Software as a Service, bu xizmat sifatida dasturiy ta’minot, xizmat sifatida dasturiy ta’minot. SaaS xizmatlari uchun IaaS va PaaS infratuzilma va ishlab chiqish va joylashtirish muhiti vazifasini bajarishi mumkin: dasturiy ta’minot ishlab chiquvchilari SaaS dasturlarini ishlab chiqish, ishga tushirish va saqlash va foydalanuvchilarga ularga kirishni ta’minlash uchun bulutli quvvatdan foydalanadilar.

SaaS misollari Internetdagi xizmatlarning aksariyati: elektron pochta, CRM-tizimlari, vazifalarni rejalashtiruvchilar, veb-saytlar yaratish uchun veb-dizaynerlar, blog platformalari. Ya’ni, aniq vazifalarni hal qilishga imkon beradigan barcha bulutli dasturlar.

Xizmat sifatida dasturiy ta’minot (SaaS) mijozlarga Internet orqali turli xil biznes vazifalari uchun allaqachon sozlangan dasturlarni taqdim yetadi. CRM-, ERP, ITSM-tizimlari, vazifa trekerlari va boshqa dasturlar SaaS yechimlari sifatida taqdim yetilishi mumkin.

SaaS misollari:

- Salesforce;
- Service Now;
- Google Workspace;
- SAP;
- Cisco WebEx;
- 1S v oblake;
- SimpleOne

Bulutli hisoblashdagi xizmat modellaridan biri, unga ko‘ra asosiy axborot texnologiyalari resurslari obuna orqali iste’molchilarga taqdim etiladi - ma’lum hisoblash quvvatiga ega virtual serverlar, operatsion tizim (ko‘pincha provayder tomonidan shablondan oldindan o‘rnatilgan) va tarmoqqa kirish. IaaS yaratish uchun mashhur dasturiy yechim Open Stack hisoblanadi.

IaaS obunasida iste’molchi odatda virtual protsessorlar va virtual xotira soniga ko‘paytiriladigan server vaqtini, shuningdek saqlash maydonini (ishlashiga qarab har xil narxda bo‘lishi mumkin), ma’lum tarmoq o‘tkazish qobiliyatini, ba’zi hollarda tarmoq trafigini sotib oladi.

IaaS bulutli xizmat modellari orasida eng past darajada, RaaS modelidan farqli o‘laroq (provayder tayyor o‘rta dastur, ishlab chiqish vositalarini taqdim etadi) va SaaS (amaliy dasturiy ta’minotni taqdim etadi), IaaS o‘rnatilgan xizmat ko‘rsatuvchi provayder tomonidan nazoratni ta’minlamaydi. dasturiy ta’minot, u faqat jismoniy va virtual infratuzilmani boshqaradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mell, Piter va Grens, Timoti. Bulutli hisoblashning NIST ta’rifi (inglizcha). Milliy standartlar va texnologiyalar institutining tavsiyalari. NIST (2011 yil 20 oktyabr). Data obrashcheniya: 6 noyabr 2011 yil. Arxivirovano 21 mart 2012 yil.
2. Bulutli hisoblash: prinsiplar, tizimlar va ilovalar / Nik Antonopulos, Li Gillam. - L .: Springer, 2010. - 379 b. — (Kompyuter kommunikatsiyalari va tarmoqlari). — ISBN 9781849962407.
3. Ziolkowski, R. W.; Lin, Chia-Ching; Nielsen, Jean A.; Tanielian, Minas H.; Holloway, Christopher L. (August–September 2009). "Design and Experimental Verification
4. Shelbi, R. A.; Smit, D. R.; Shuls, S. "Refraksiyaning salbiy indeksini eksperimental tekshirish". Fan. 292 (5514):: 2001...292...77s.

Салиев Х.А. *– «НКМК» АЖ, Маркази бошлиғи,т.ф.н.*

ТОҒ-КОН ВА МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА СОҲАДАГИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётнинг барча жабҳаларига фаол жорий этилишини тақозо қилмоқда. Телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб, аҳолининг рақамли кўникмалари ошиб, инновацион технологияларни ривожлантириш учун қулай муҳит шаклланмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз рақобатбардошлигини ошириш борасидаги ишлар муваффақиятли амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори саноатда ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенг фойдаланишга туртки бўлди. Стратегия муаллифлари Ўзбекистон фан-техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди [1]. Бунда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида устувор йўналишларда фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб боришга, иқтисодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик технологиялари, сунъий интеллект, криптография, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва булутли ҳисоблашдан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб, амалиётда қўллашга, истиқболли инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни амалга ошириб, тижоратлаштиришга, шунингдек, технологиялар трансферини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишди.

Рақамлаштириш натижасида ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари ижобий ўзгаради. Бунда меҳнат унумдорлиги ошиб, таннархлар таркиби оптималлашиб, тармоқ технологиялари кенг тарқалади. Ушбу жараёнлар “Саноат 4.0” концепциясини шакллантириш учун асос бўлади. Мазкур концепцияни Smart Manufacturing яъни “ақлли ишлаб чиқариш” деб ҳам аташади.

Ақлли ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари, қуйидагиларни ўз ичига олади: буюмларнинг саноат интернети (IIoT – *Industrial Internet of Things*), ишлаб чиқариш ва корхоналарни бошқариш учун ахборот тизимлари, виртуал ва тўлдирилган реаллик, катта маълумотлар (BigData) ва бизнес-таҳлил, "булутли технологиялар", автоном роботлар, ахборот хавфсизлиги, аддитив ишлаб чиқариш, рақамли лойиҳалаш ва компьютерда моделлаштириш, эксперт тизимлари ва сунъий интеллект [2].

“Навоий кон-металлургия комбинати” Акциядорлик жамиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2020 йил октабр ойида «НКМК» АЖ раҳбарияти комбинатнинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган жами 307,6 млрд. сўмлик рақамли трансформация

дастурини тасдиқлади. Дастур бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш, компьютер ва телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш, шунингдек, ходимларни рақамли технологиялар бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби йўналишлардан ташкил топган. Дастурнинг амалга оширилиши комбинатнинг деярли барча соҳаларини рақамлаштириш имконини беради - бухгалтерия ҳисоби, кадрлар, омбор ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, кончилик, геология, маркшейдерлик, лойиҳалаш ва транспорт соҳаларида рақамли технологияларни жорий этиш имконияти пайдо бўлади.

“НКМК” АЖ Марказий кон бошқармаси Ахборот коммуникация технологиялари марказининг Дастурий таъминот бўлими томонидан 2021 йилда ишлаб чиқилган “Товар-моддий бойликларни, асосий воситалар ва узоқ муддатли активлар ҳаракатини ҳисобга олиш” ахборот тизими ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди. Ҳисобчи ва омбор мудирлари иш жойларини ташкил этишга мўлжалланган ушбу ахборот тизими маълумотлар базасини юритиш, дастлабки ва чиқувчи ҳужжатларни киритиш, чоп этиш, каталогларни юритиш, ҳисобот шаклларини яратиш, маълумотларни кўриш ва қидириш воситаларини тақдим этади.

2022 йил январ ойидан бошлаб эса Марказий кон бошқармасида “НКМК” АЖ Ахборот коммуникация технологиялари бошқармаси билан ҳамкорликда "1С: Корхона 8. Иш ҳақи ва ходимларни бошқариш" ахборот тизими ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Дастурда ходимларни бошқаришнинг барча асосий жараёнлари: ходимларни ҳисобга олиш, иш ҳақини ҳисоблаш, солиқлар ва суғурта тўловини ҳисоблаш, давлат органлари ва ижтимоий жамғармаларга ҳисобот ва сертификатлар бериш, меҳнат ҳаражатларини режалаштириш жараёнлари киритилди. Мазкур дастурда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, корхоналар фаолиятининг ҳақиқий иш тажрибалари ва ходимларни бошқариш ёндашувларни ривожлантиришнинг жаҳон тенденциялари истиқболлари ҳисобга олинган. Дастурда Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонуни талаблари ҳам инобатга олиниб, шахсий маълумотлар билан ишлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган ҳодисаларни автоматик равишда қайд қилиш имкони кўзда тутилган.

"ТМБ, АВ ва УМА ҳаракатини ҳисобга олиш" ва “1С: Корхона 8. Иш ҳақи ва ходимларни бошқариш" ахборот тизимлари "НКМК" АЖда шаклланаётган "1С: Холдингни бошқариш" ERP-тизимига муваффақиятли интеграция қилинди.

Ахборот коммуникация технологиялари марказининг Дастурий таъминот бўлими томонидан амалиётга татбик қилинган лойиҳалардан яна бири “Темир йўл транспорти бошқармаси диспетчерлик хизмати” автоматлаштирилган тизимидир. Мазкур дастур темир йўл транспорти бошқармаси диспетчерларининг ишини автоматлаштиради ва локомотив ҳаракати тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, тепловозлар ҳаракатини бошқаришни экранда намоён қилиш имконини беради. Масалан: тепловознинг оғирлиги, ишга тушиш, тугаш ва жўнаш вақти, манзил станциялари, локомотив ҳаракати

пайтида содир бўлган ҳодисалар ҳақида маълумотлар, ёнилғини ҳаракат йўналишига қараб ҳисоблаш ва локомотивнинг ишлаши бўйича индивидуал ҳисоботларни тузиш имконини беради.

"Е-талон" автоматлаштирилган тизими МКБ Ахборот коммуникация технологиялари маркази томонидан ишлаб чиқилган яна бир дастурий восита бўлиб, даво ва профилактик овқатланиш (ДПО) билан таъминлашнинг ҳисобини юритиш ва назорат қилишни автоматлаштириш учун мўлжалланган дир. Тизим ДПО қоғоз талонлари тизимидан бутунлай воз кечишга ва талонларни қалбакилаштириш, уларни учинчи шахсларга бериш ва бошқа турдаги суистеъмолликлар ҳолатини бартараф қилишга имкон беради. Тизим мувоффақиятли ишлаши учун корхона ходимларига махсус идентификатор яъни шахсий электрон карта берилади. Ходимнинг даво ва профилактик овқатланиш ҳуқуқи, рационини белгилайдиган барча керакли маълумотлар марказий серверда сақланади. Маълумотлар автоматик равишда ҳар бир ошхонанинг ҳисоб-китоб ва касса бўлинмасига тақдим этилади. Тизим шахсий электрон карталарни рўйхатдан ўтказишга, турли хил озиқ-овқат рационларини шакллантиришга, ходимларнинг ишлаш табелига мувофиқ овқатланиш жадвалларини юритишга, шунингдек, ДПО талонларидан мақсадли фойдаланишни таҳлил қилиш учун мўлжалланган турли хил ҳисоботларни шакллантиришга имкон беради.

Марказий кон бошқармасининг гидрометаллургия заводларида ҳам автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий қилиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида 2-гидрометаллургия заводида 4-тегирмон блоки, 7-гидрометаллургия заводида 2- ва 3-тегирмон блоклари, 5-гидрометаллургия заводида 3 та тегирмон блоки ва 1та тегирмон фойдаланишга топширилди.

Қўшимча тегирмон блокларининг ишга туширилиши 2-ГМЗда йиллик рудани қайта ишлаш ҳажмини қарийб 4 миллион тоннага ошириш имконини берди. 2022 йил охирига келиб заводнинг бу кўрсаткичи 51 миллион тоннадан ошди. (1-расм.)

1998 йилда “Мурунтов” конида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида биринчилардан бўлиб GPS технологияси асосида автотранспорт воситаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилган эди. Бугунги кунда “Автотранспорт воситаларининг сунъий йўлдош мониторинги тизими асосида ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича ахборот тизимини жорий этиш” («Ёқилғи-мойлаш материалларини назорат қилиш» АТ)” лойиҳаси корхонадаги ҳамма транспорт воситаларини, шу жумладан темир йўл транспорти, барча ёрдамчи техника, суғориш, ёқилғи қуйиш, йўл қурилиш техникаси, юк кўтарувчи ва булдозерларни қамраб олган [3].

2015-2022 йилларда “Ёқилғи-мойлаш материалларини назорат қилиш” ахборот тизимининг жорий этилиши жами 12,8 млрд. сўмлик 36.6минг тонна турли хил ёқилғиларни тежаш имконини берди.



1-Расм. 2-сонли Гидрометаллургия заводида 2017-2022 йилларда маъданни қайта ишлаш хажмининг кўрсаткичлари

Автотранспорт бошқармасида ўрнатилган дастурий восита катта юк транспортининг таъмирлаш ишларини тезкор бошқаришни автоматлаштириш учун мўлжалланган ва автосамосваллар паркнинг бир қатор техник-иқтисодий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш учун турли хил ҳисоботларни яратишга имкон беради. Таъмирлаш учун қайтган автомашиналар ҳақидаги киритилган маълумотлар асосида автопаркнинг шу дақиқадаги ҳолатини график ва диаграмма кўринишлари экранга чиқарилади. Бунда тўпланган маълумотлар асосида ҳар бир ускунани таҳлил қилиш, бажарилган ишларнинг сифатини ошириш, муайян қисмлар ва агрегатларнинг ишлаши ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкони мавжуд. Бу ўз навбатида таъмирлаш хизмати ишига тамоман ўзгача ёндашишга олиб келди. 2021 йилда Автомобил транспорти бошқармаси дастурий таъминотни такомиллаштирди ва бир қатор муҳим ўзгаришларни амалга оширди. Дастур веб-интерфейсга ўтказилди. “Технологик транспорт сервис хизмати”(Technological Transport Service) деган янги ном олди, таъмирлашни бошқариш, объектларнинг геолокацияси, техника, агрегат, туриб қолиш ҳолатлари, мойлаш ва ҳоказоларни ҳисобга олиш учун янги модуллар ишлаб чиқилди. Тизим, шунингдек, бутун паркни колонналар кесимида, туриб қолиш вақтларини ва таъмирлаш жараёнини таҳлил қилиш, объектларнинг техник ҳолати тўғрисида турли кўринишдаги ҳисоботларни шакллантириш имконини беради.

Ташқи сув таъминоти бирлашган энерго хизматида тезкор диспетчерлик бошқарувининг автоматлаштирилган тизими жорий этилган бўлиб, ушбу тизимни жорий этиш натижасида технологик жараённи оператив бошқариш ва ҳудудий масофавий насос станцияларининг ишлашини автоматик назорат қилиш имконияти яратилди. Тизим нафақат фавқулодда вазиятларнинг юзага келишини минималлаштириш, балки ускунанинг ишлашини тезда барқарорлаштириш имконини беради.

«НКМК» АЖ мавжуд ва янги қурилаётган электр таъминоти объектлари учун оптик толали алоқа линияси ва алоқа тизими объектларини қуриш” лойиҳаси доирасида Марказий кон бошкармаси электр тармоқлари объектлари ўртасида узунлиги 350 км дан ортиқ бўлган оптик толали алоқа линияларини

ётқизиш ҳамда ушбу корхоналарни комбинат локал тармоғига улаш ишлари якунланди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида энергетика хизмати ҳамда АКТ хизмати учун мавжуд ускуналар модернизация қилинди. Лойиҳани амалга ошириш ихтисослаштирилган бошқарув сигналларидан фойдаланган ҳолда энергетика объектларининг нимстанциялари ускуналари ишлашини назорат қилиш, реле ҳимояси ва авариявий автоматлаштириш сигналларини узатишни таъминлаш, объектларининг видео кузатувини таъминлаш, технологик жараёнлар учун маълумотларни узатиш тармоғини яратиш, электр таъминоти объектларининг Тезкор диспетчерлик бошқарувининг автоматлаштирилган тизимларини ташкил қилиш, корхона объектлари ўртасида маҳаллий тезкор диспетчерлик алоқасини ташкил этиш имконини берди. Бундан ташқари, маълумотларни узатишни ташкил этиш, умумий фойдаланишдаги тармоққа ва чет истеъмолчиларига идоравий телефон алоқаларини ташкил қилиш учун телекоммуникация тармоғи яратилди.

Олтин конларидан олинган намуналарни таҳлил қилишда аниқлик даражаси ўта юқори бўлиши шарт. “Мурунтоғ” конининг Гамма-активлаштирилган таҳлил марказий лабораториясида электронларни чизиқли тезлатгичда тормозланган гамма нурлари орқали таҳлил қилиш ишлари олиб борилади. Лаборатория ташкил топганида ЛУЭ-8-5А чизиқли тезлатгичида электронларга таъсир қилиш натижасида биринчи гамма-квантлар нурини олиш технологияси жорий қилинган эди. 2017 йилда олтин учун геологик намуналарни экспресс гамма-фаоллаштириш таҳлилининг миқдори ва сифатини ошириш, шунингдек, 0,2 г/т гача бўлган паст чегарадаги олтиннинг миқдорини аниқ ўлчаш ва қўлланилаётган усулнинг сезгирлигини таъминлаш мақсадида УЛЕВР-8-8А ўлчов-бошқариш мажмуаси модернизация қилинди. 2018 йилда эса янги турдаги чизиқли тезлатгич - УЭЛР-8-10А ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Натижада 2021 йилда лаборатория рекорд миқдордаги-1,635,000 дона таҳлилларни амалга оширишга эришди. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай ҳажмдаги таҳлилни дунёдаги мавжуд саноат физик лабораторияларининг ҳеч бири амалга ошира олмайди, яъни лаборатория ҳалигача ноёб эканлигини исботлаб келмоқда.

Гамма-активлаштирилган таҳлил марказий лабораторияси ходимлари томонидан яратилган компьютерли кўриш технологиясига асосланган ўзгача дастурий восита ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Тахлил учун келтирилган маъданлар махсус рақамланган қутиларга жойлаштирилиб, гамма-квант нурлари билан таъсир кўрсатилади ва тахлил натижасида қутидаги маъдан тилла заррачаларининг миқдори аниқланади. Жорий қилинган тизимда қутилардаги рақамлар камера орқали суратга олиниб, махсус алгоритм ёрдамида қайта ишланиб, деярли бир зумда идентификация қилинади. Аниқланган рақам ва шу рақам билан белгиланган қутидаги олтин миқдори, маъдан олинган участка, бўлинма ва корхона номлари билан биргаликда маълумотлар базасига киритилади. Компьютерли кўриш технологиясига асосланган ушбу дастурий восита ўтказилаётган тахлил натижаларини маълумотлар базасига киритишдаги

хатоликларни бартараф қилишга, маълумотларни қайта ишлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш тезлигини оширишга имкон берди.

“Мурунтов конини ўзлаштиришнинг V босқичи” лойиҳаси доирасида кон-транспорт мажмуасини автоматлаштирилган бошқарув (КТМ АБ) тизимини жорий этиш лойиҳасига кўра, самосвал, экскаваторларга, бурғулаш дастгоҳларига ва бошқа техникаларга бошқарув ускуналари, кон чегарасида эса объектлар геолокациясини 10 см гача аниқликда белгиловчи дифференциал тузатиш станцияси ўрнатилади. Лойиҳада қатнашувчи объектлар учун “Мурунтов” кони бўйлаб юқори тезликдаги Wi-Fi симсиз тармоғи қурилади. Бу лойиҳада қатнашувчи объектлар, ишлаб чиқаришни назорат қилиш диспетчерлик биноси ва маълумотларни қайта ишлайдиган дастурий-аппарат комплекси ўртасида тўлиқ маълумот алмашиш муҳитини яратади. Шу билан бирга турли манбалардан яъни бурғулаш техникаси, самосвал, экскаваторлар, кон-геология, маркшейдерлик, ишлаб-чиқариш техник ва режалаштириш бўлимларидан келаётган маълумотларни йиғиш ва сақлашни амалга оширади. Ҳисобот модули ёрдамида олинган маълумотларни қайта ишлаш ва график шаклда тақдим этишни таъминлайди.

“Мурунтов” конида КТМ АБТ тизимини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш натижасида кон самосвалларининг экскаваторлар ўртасида тақсимланишини яхшилаш орқали 2-сонли гидрометаллургия заводига етказиб бериладиган маъданнинг сифат кўрсаткичини барқарор ушлаб туриш имкони яратилади. Маъданни конвейр ёки автомобил транспорти ёрдамида кон юзига олиб чиқиш, юклаш жараёнини назорат қилиш, ишламай қолган конвейер ёки юклаш ва ташиш техникаси ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида мутасадди ходимларга етказиш, тўхташларни таҳлил қилиш механизмларини жорий қилади. Агрегатларнинг ишлаш муддати ва режалаштирилган профилактика таъмирлаш ишларининг самарадорлиги ошади ва оптимал тезкор бошқарув учун шароит яратилади.

2022 йил 28 декабр куни «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ тарихида биринчи бўлиб, Марказий кон бошқармасининг кон қазиб олиш ишлари, ташиш ва қайта ишлаш жараёнларининг асосий ишлаб чиқариш объектларининг технологик схема ва кўрсаткичларини бирлаштирган ва у ердаги вазиятларни тўла-тўкис ёритиш имконини берувчи Ишлаб чиқариш вазиятларини назорат қилиш ягона маркази ўз фаолиятини бошлади. Ушбу Марказда Мурунтоғ ва Ауминзо-Амантой конларинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, Автомобил транспорт бошқармаси паркининг ҳолати, Амударё-Зарафшон сув етказиб бериш тизимининг кўрсаткичлари, МКБнинг жами гидрометаллургия заводларининг технологик схемалари ва кўрсаткичлари онлайн тарзда Марказда ўрнатилган видеоэкранда ёритиб борилади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш корхоналарига ўрнатилган видеокузатув тизимлари тасвирлари ҳам айнан шу видеоэкранга узатилади.

Турли ишлаб чиқариш объектлари ҳақидаги маълумотларни бир жойда жамланиши ва фойдаланувчи учун қулай тарзда схема, диаграмма ёки график кўринишда тасвирлаб берилиши корхонани янада мукаммал бошқарилишига,

юзага келиши мумкин бўлган турли авария ҳолатларини олдини олиш, фавқулодда вазиятлар вужудга келганда тезкор бартараф қилиш имконини берувчи тизим яратилди. Келажакда ахборот базасига киритилаётган кўрсаткичлар асосида турли хил тахлилий маълумотларни, вужудга келиши мумкин бўлган прогноз маълумотларни ҳам фойдаланувчиларга етказиб берилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, кон-геология соҳасида ва гидрометаллургия заводларида рақамли технологияларни татбиқ этилиши – қазишма ишлари тобора мураккаблашиб бораётган шароитда олтин ишлаб чиқариш самарадорлиги ва хавфсизлик даражасини ҳамда корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, йиллар давомида йиғилган технологик жараёнларни бошқариш тизимларида мужассамланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда корхонада сунъий интелект тизимини жорий қилиб, «Саноат 4.0» концепциясини шакллантиришга, мавжуд саноат қувватларидан янада оқилона фойдаланиб, қўшимча ишлаб чиқариш объектларини жорий қилмасдан маҳсулот таннархини камайтиришга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябридаги ПФ-6079-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 4-сон (956), 2020 йил 12 октябрь,15-35 бетлар.
2. Лукичёв С.В. Цифровое прошлое, настоящее и будущее горнодобывающих предприятий. Горная промышленность. 2021;(4):73-79. D0110.30686/1609-9192-2021-4-73-79.
3. Салиев Х.А. «Опыт внедрения системы спутникового мониторинга в горнотранспортном предприятии (на примере Центрального Рудоуправления НГМК)», Материалы семинар-совещания на тему «Эффективное и рациональное использование топливно-энергетических ресурсов в Навоийском ГМК и в отраслях экономики», г. Зарафшан, 23-24 октября 2015 г. С. 16-18.

Акбарова Х.С. *– Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти, бош мутахассис*

ИҚТИСОДИЁТДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рақамли технологияларнинг тобора ривожланиб бориши айниқса COVID-19 пандемиясидан сўнг жадаллашган. Ҳеч кимга сир эмаски, рақамлаштиришни иқтисодиётга тадбиқ этиш иқтисодиётда сифатли таркибий ўзгаришларга олиб келади.

Ҳусусан, юртимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022 йил 5 октябрда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон фармонида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарорида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш белгиланган.

Шунингдек, 2023 йил 24 апрелда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сон қарори ишлаб чиқилди. Қарорда 2023-2024 йилларда «Рақамли ҳукумат» ва «Рақамли ҳудуд» дастурлари доирасида амалга оширилиши режалаштирилган жами 300 та устувор лойиҳалар белгиланган.

Рақамли технологияларнинг ривожланиб бориши “Рақамли иқтисодиёт”, “Рақамли трансформация”ларни пайдо бўлишига олиб келган бўлса-да, ҳеч бир адабиётда уларнинг ягона бир яхлит таърифи мавжуд эмас.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларига, АКТ инфратузилмаси, бизнес муносабатларида АКТдан фойдаланиш, катализатор бўлиши мумкин бўлган ёки иқтисодиётдаги ўзгаришларни секинлаштирадиган бизнес муҳити, рақамли ваколатлар киради (Денескен, 2015) [1].

Рақамли трансформацияни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий даражаларда қўллаб-қувватлаш зарур, чунки рақамли иқтисодиёт ва жамият инновациялар, ўсиш, бандлик ҳамда Европа рақобатбардошлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Рақамли иқтисодиёт саноат ва давлат хизматларининг ҳар бир соҳасига тааллуқли бўлиб, одамларнинг кундалик ҳаётига чуқур таъсир кўрсатади (Пеппард ва Уорд, 2016).

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини рақамлаштиришни фақат унинг ҳудудидаги аҳоли ва корхоналар учун АКТ тармоқлари ва тегишли хизматлардан

фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали тўлиқ амалга ошириш мумкин.(ЕТБ 2019)[2].

Бугунги кунда, дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларида рақамлаштиришни ўлчаш учун кўплаб индекслар мавжуд. Улардан бири Рақамли Иқтисодиёт ва Жамият Индексидир[3]. Европа Комиссияси 2014-йилдан бери аъзо давлатларнинг рақамли ва чоп этилган йиллик Рақамли Иқтисодиёт ва Жамият Индекси (Digital Economy and Society Index - DESI) ҳисоботлари бўйича тараққиётини кузатиб боради.

Ҳар йили DESI аъзо давлатларга устувор ҳаракатларни талаб қиладиган соҳаларни аниқлашда ёрдам берувчи мамлакат профилларини, шунингдек, сиёсат қарорлари учун асосий рақамли соҳалар бўйича Европа даражасидаги таҳлилларни таклиф қилувчи тематик бобларни ўз ичига олади.

DESI 3 даражали тузилишга эга бўлиб, улар: ўлчов, кичик ўлчов, индикаторлардир. Ўлчов даражасида DESI Рақамли Компас 2030 учун тўртта асосий сиёсат соҳаси Инсон капитали, Алоқа, Рақамли технологиялар интеграцияси, Рақамли давлат хизматларини кўриб чиқади.

Маълумот учун: Комиссия 2021-йил март ойида Европа Иттифоқининг 2030-йилга мўлжалланган рақамли амбицияларини аниқроқ шартларга айлантириш учун ***рақамли компасни*** *таклиф қилган. Рақамли Компас Кўникмалар: Рақамли малакали фуқаролар ва юқори малакали рақамли мутахассислар, Инфратузилмалар: Хавфсиз, самарали ва барқарор рақамли инфратузилмалар, Бизнес: бизнеснинг рақамли трансформацияси, Ҳукумат: давлат хизматларини рақамлаштириш кабиларни қамраб олган.*

Рақамли Компас (Digital Compass)нинг тўртта ўлчови бир хил аҳамиятга эга, бу ҳар бир ўлчамнинг тенг вазнларда акс этади (яъни, ҳар бирининг вазни 25% тенг). Масалан, С мамлакати учун юқори даражадаги DESI балл қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

DESI(C) = Инсон капитали(C) * 0,25 + Алоқа(C) * 0,25 + Рақамли технологиялар интеграцияси(C) * 0,25 + Рақамли давлат хизматлари(C) * 0,25

Австрия Рақамли Иқтисодиёт ва Жамият Индекси (DESI) 2022 йилги нашрида Европа Иттифоқига аъзо 27 давлат орасида 54,7 балл билан 10-ўринни эгаллади. 2017 йилдан 2022 йилгача мамлакат DESI кўрсаткичлари бўйича ўртача йиллик нисбий ўсиш суръати 8 фоиз пунктга эришди, бу Европа Иттифоқининг ўртача даражасига мос келади[4]. Белгия Европа Иттифоқига аъзо 27 давлат орасида 16-ўринни эгаллади. Мамлакатнинг рақамли нисбий ўсиши, унинг бошланғич нуқтасини ҳисобга олган ҳолда, Европа Иттифоқидаги энг паст кўрсаткичлардан биридир[5]. Польша 24-ўринни эгаллаган бўлса-да, 2017 ва 2022 йиллар оралиғида Польшанинг умумий DESI кўрсаткичи Европа Иттифоқининг ўртача кўрсаткичидан бироз кўпроқ ўсди, бу Польша Европа Иттифоқининг қолган мамлакатларига етиб олаётганидан далолат беради[6]. Швеция яхши натижаларга эришиб, умумий Европа Иттифоқи ўртача кўрсаткичидан юқори балл тўплаган ҳамда 4-ўринни эгаллаган бўлса-да, ўсиш суръати аввалгидек тез эмас [7].

Қуйидаги жадвалда 2017 йилдан 2022 йилгача Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Швеция, Австрия, Белгия, Польша учун йиллик жами рақамли иқтисодиёт ва жамият индекси (DESI) баллари келтирилган.

1-жадвал.

2017 йилдан 2022 йилгача Европа Иттифоқига аъзо давлатлар учун йиллик жами рақамли иқтисодиёт ва жамият индекси (DESI) баллари

Мамлакатлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Швеция	45,7	50,3	51,9	55,7	60,4	65,2
Австрия	36,3	38,4	41,2	43,6	50,5	54,7
Белгия	35,7	38,0	40	44,2	46,7	50,3
Польша	24,9	27,1	29,7	33,2	36,5	40,5
Манбаа: https://www.statista.com/statistics/1372137/eu-digitalization-desi-member-states/						

Евростат маълумотларига кўра, 2020 йилда АКТ секторининг ЯИМга нисбатан улуши Швецияда 7,09 %ни, Австрияда 3,63 %ни, Белгияда 4,32%ни, Польшада эса 3,77%ни ташкил этган[8].

Статистика маълумотларига мувофиқ юртимизда 2022 йил якунига кўра ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 1,7 фоизни ташкил этди. Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг 66,5 фоизи алоқа хизматлари, 19,4 фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, 7,0 фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, Web-порталлар, 4,7 фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари, қолган 2,4 фоизи дастурий таъминотни ишлаб чиқариш ҳиссасига тўғри келган [9].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни рақамлаштириш ва иқтисодий ўсиш ўзаро бир-бирига чамбарчас боғликдир. Жаҳон ялпи ички маҳсулотига катта ҳисса қўшишга қодир давлатлар, иқтисодиётнинг йирик ва ривожланган рақамли секторига эга, шунингдек, бошқа соҳаларда рақамли технологияларни жорий этадилар. Бу эса ўз навбатида, рақамлаштириш замонавий дунёда иқтисодий ўсишнинг энг кучли омили эканлигининг яққол исботидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The impact of digital transformation on European countries: insights from a comparative analysis https://www.researchgate.net/publication/353037872_The_impact_of_digital_transformation_on_European_countries_insights_from_a_comparative_analysis
2. Цифровой потенциал стран – участниц ЕАБР
3. Digital Economy and Society Index (DESI) 2022. Methodological Note https://www.knjiznice.si/wp-content/uploads/2023/01/DESI_Full_European_Analysis_2022.pdf
4. Digital Economy and Society Index (DESI) 2022 - Austria https://ec.europa.eu/newsroom/dae/redirection/document/88693
5. Digital Economy and Society Index (DESI) 2022 – Belgium https://ec.europa.eu/newsroom/dae/redirection/document/88691

6. Digital Economy and Society Index (DESI) 2022 – Poland https://ec.europa.eu/newsroom/dae/redirection/document/88719
7. Digital Economy and Society Index (DESI) 2022 – Sweden https://ec.europa.eu/newsroom/dae/redirection/document/88713
8. https://ec.europa.eu/eurostat/databrowser/view/tin00074/default/table?lang=en
9. https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/34612-0akt-xizmatlarining-yalpi-ichki-mahsulotdagi-ulushi-qanchaga-ortdi-2

Кодирова Ш.А. *- Академии государственного управления при Президенте РУз., Старший преподаватель*
Вахидова С.А. *- Центр содействия экономическому развитию регионов, эксперт*

ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СИСТЕМ: ОСНОВЫ И ПРЕИМУЩЕСТВА

На сегодняшний день, можно сказать, что каждый человек почувствовал, как пандемия изменила жизнь, и ускорила развитие цифровой среды. Оказавшись в самоизоляции, общество быстро осознало необходимость в новых технологиях, диджитализации, дистанционной работе, доставке товаров и услуг. Коронавирусная инфекция (короновирус) подтолкнула множество организаций к цифровой трансформации. Стало понятно, что те компании, которые не могут быстро приспособиться к цифровой среде и изменениям в мире, проигрывают более эволюционным компаниям и исчезают из рынка.

Под председательством Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева 22 сентября 2020 года состоялось видеоселекторное совещание по вопросам внедрения цифровой экономики, где Президент предвидел данную ситуацию – «Главы регионов и отраслей обязаны осознать, что без цифровизации не будет результата, не будет развития. Руководители всех уровней должны определить этот вопрос как свою повседневную задачу…» [1]. На основе этого на сегодняшний день гражданам предоставляются около 400 электронных государственных услуг в режиме онлайн посредством портала интерактивных государственных услуг «my.gov.uz». Что в свою очередь, привело к внедрению в системе государственного управления принципа «единое окно» при осуществлении взаимоотношений с заявителями; повышению качества оказания государственных услуг путем создания прозрачных и общедоступных механизмов, сокращения сроков и централизованного контроля за исполнением порядка их оказания; сокращению издержек населения, субъектов предпринимательства и государственных органов при получении государственных услуг [6].

Таким образом, в период пандемии каждой организации пришлось использовать цифровые технологии не только во внешней среде, но и во внутренней. При этом, появилась проблема, связанная с аспектом корпоративной культуры, а точнее: сохранение мотивации и поддержание эффективности

сотрудников в условиях удаленной работы, нестабильной эпидемиологической ситуации, всеобщего стресса, сокращений и банкротства компаний. Собрания, планерки и тимбилдинги пришлось организовывать в режиме «онлайн», без контактного взаимодействия, что, поначалу, приводило к ряду трудностей. В результате, многим компаниям удаленная работа пошла только на пользу: сократились расходы на аренду офиса, работу столовой, коммунальные услуги. Сотрудники перестали тратить деньги на проезд, а также перестали терять время на дорогу.

Как мы считаем, вышеперечисленные новые обстоятельства, появившиеся в результате мировой эпидемиологической ситуации, позволило процессу цифровизации внедриться во все сферы жизни общества в быстром темпе. При этом, без понимания сущности и основ данного процесса, невозможно им целостно управлять.

Понятие «цифровая экономика» было введено в 1995 г. Н. Негропонте, после чего появилась масса толкований термина, но содержание понятия остается размытым [7]. Большинство определений перечисляет сервисы, технологии и устройства, которые связаны с понятием “цифровая экономика", четко не определяя, какую часть экономики можно отнести к цифровой. Наиболее часто “цифровая экономика” определяется как набор экономических и социальных видов деятельности, которые обеспечиваются информационно-коммуникационными технологиями, такими как Интернет, мобильные и сенсорные сети, включая осуществление коммуникаций, финансовых транзакций, образования, развлечений и других видов бизнеса на базе использования компьютеров, телефонов и других устройств.

Цифровизация процессов актуальна для всех отраслей, так как в современных реалиях этот путь развития единственная возможность соответствовать стремительно меняющимся условиям окружающего мира. Благодаря этому цифровая трансформация промышленности, розничной торговли, государственного сектора и других сфер уже сегодня меняет жизнь каждого человека и каждой организации.

Автоматизация представляет собой «одно из направлений научно-технического прогресса, использующее саморегулирующие технические средства и математические методы с целью освобождения человека от участия в процессах получения, преобразования, передачи и использования энергии, материалов, изделий или информации, либо существенного уменьшения степени этого участия или трудоёмкости выполняемых операций». В новых экономических условиях все субъекты экономики, стремящиеся к устойчивому функционированию вынуждены проходить через процесс цифровой трансформации.

Роль цифровой трансформации в деятельности промышленных предприятий как экономических систем, нельзя недооценивать. «Цифровая трансформация открывает принципиально новые возможности создания добавленной стоимости для всех отраслей и секторов экономики» [2].

Основными преимуществами, которые несет цифровая трансформация социально-экономическим системам:

1. Оптимизация процессов. Новые технологии позволяют предприятиям автоматизировать более простые процессы и исключать промежуточные этапы в более сложных процессах. Благодаря этому повышается гибкость предприятий, которые теперь могут гораздо эффективнее использовать свои ресурсы;

2. Поиск новых потоков доходов. С появлением новых технологий открываются новые способы получения прибыли, которые ранее могли быть недоступны;

3. Создание персонализированной и привлекательной инфраструктуры обслуживания. Современные заказчики ожидают, что предприятия будут прислушиваться к их мнению и удовлетворять их специфические потребности. Современные технологии развиты настолько, что могут решить все эти задачи.

Цифровая трансформация бизнеса – это внедрение современных технологий в бизнес-процессы предприятия. Этот подход подразумевает не только установку современного оборудования или программного обеспечения, но и фундаментальные изменения в подходах к управлению, корпоративной культуре, внешних коммуникациях. В результате повышаются производительность каждого сотрудника и уровень удовлетворенности клиентов, компания приобретает репутацию прогрессивной и современной [3]. Этот процесс также означает постепенный отказ от устаревших технологий, обслуживание которых может дорого обходиться предприятиям, а также изменение культуры, которая теперь должна поддерживать ускорение процессов, обеспечиваемое цифровой трансформацией.

В термине «цифровая трансформация» ожидаемо наибольшие затруднения для традиционного бизнеса вызывает именно «трансформация» – последовательная осознанная перестройка. Тот, кто не справится с ней, безнадежно отстанет. Сегодня цифровая трансформация разными темпами проникает во все отрасли экономики. Надо отметить, что эффект цифровой трансформации в разных отраслях различный. Очевидно, что проще всего цифровой трансформации поддаются высокотехнологичные отрасли. Однако, несомненно, что цифровая трансформация коснется всех отраслей экономики.

Таким образом, цифровая трансформация для современных экономических систем – это:

1. Двигатель роста, обеспечивающий построение цифровых бизнес-моделей посредством: стимулирования роста в рамках и за рамками основного бизнеса предприятия; выявления и создания новых цифровых моделей бизнеса; обеспечение долгосрочной конкурентоспособности;

2. Инструмент повышения эффективности на основе трансформации операционной модели бизнеса на цифровые технологии за счет:

• оптимизации бизнес-процессов всех уровней и сокращения затрат;

• рациональное использования имеющихся компетенций и инфраструктуры;

• перевод всей цепочки создания стоимости на цифровые технологии и модернизация архитектуры информационных технологий;

3.Базис для прорывных инноваций, являющийся основой создания корпоративного инкубатора и венчурного капитала путем:

• выявления перспективных возможностей для роста в будущем;

• заблаговременного создания условий для доступа к новейшим и дополняющим технологиям;

• позиционирование в качестве партнера в долгосрочной перспективе [3].

Важность трансформации бизнеса заключается и в том, что «Цифровая трансформация предполагает фундаментальное переосмысление того, как работает организация и как она взаимодействует с окружающей средой» [4]. Главным драйвером изменений выступает современный потребитель – бизнес меняется под воздействием новых факторов. Именно поэтому цифровая трансформация – это не услуга консалтинговых компаний, а неизбежный процесс, который переживает мировой бизнес, адаптируясь к новым условиям и предпочтениям общества цифровой экономики. В.Р. Месропян дает следующее определение цифровой трансформации: «это революционные изменения бизнес-моделей на основе использования цифровых платформ, которые приводят к радикальному росту объемов рынка и конкурентоспособности компаний» [5].

В процессе изучения вопроса можно выделить важность цифровой трансформации не только для бизнеса и государственных секторов, но и для граждан. Так как digital-трансформация – это высокие технологии, а также это большой двигатель изменения мышления в новых условиях новой цифровой экономики. В связи с этим основное значение имеет понимание и восприятие потребителями, в первую очередь гражданами, долгосрочных преимуществ от использования цифровых технологий. Достижение такого понимания определяет запрос на овладение цифровыми технологиями и повышение уровня цифровой грамотности. Что приводит к повышению уровня образованности и квалифицированности всего общества.

Положительные эффекты цифровой трансформации, проявляются на всех уровнях экономической системы – от отдельного потребителя, до страны в целом. Руководителям всех отраслей рекомендуется не только внедрять новые технологии, а также обеспечить сотрудников качественным образованием цифровой грамотности. В результате это приведет к благоприятному климату в организации, а также увеличит эффективность и продуктивность всей организации.

Можно сделать вывод, что цифровая трансформация обеспечивает максимально полное раскрытие потенциала цифровых технологий через их использование во всех аспектах – процессах, продуктах и сервисах, подходах к принятию решений. Важно отметить, что для цифровой трансформации никогда не будет достаточно только лишь наличия технологии как таковой. Для того чтобы процесс цифровой трансформации был полноценным, необходимы четко сформулированные бизнес-задачи и данные, а также подготовленность и потенциал сотрудников. Таким образом, цифровую трансформацию возможно

рассматривать только на пересечении четырех измерений - сформулированных бизнес-задач, наличия данных, собственно технологий и кадров.

Список использованной литературы

1. Президент Ш.М. Мирзиеёв: «Без цифровой экономики нет будущего у экономики страны» [Электронный ресурс]: https://president.uz/ru/lists/view/3848 (дата обращения: 22.05.2023).
2. Банке Б., Бутенко В., Котов И. Россия онлайн; «Догнать нельзя отстать». [Электронный ресурс]: http://russiaonline.info/ (дата обращения: 02.05.2023).
3. Грибанов Ю.И., Шатров А.А.: «Сущность, содержание и роль цифровой трансформации в развитии экономических систем». Вестник Алтайской академии экономики и права. 2019. № 3-1. С. 44-48.
4. Китова О.В., Брускин С.Н.: «Цифровая трансформация бизнеса». Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова. 2018. [Электронный ресурс]: http://digital-economy.ru/images/ easyblog_articles/320/kitova.pdf (дата обращения: 02.05.2023).
5. Месропян В.Р.: «Цифровые платформы – новая рыночная власть». Москва, 2018. [Электронный ресурс]: https://www.econ.msu.ru/sys/ raw.php?o=46781 &p=attachment (дата обращения: 22.05.2023).
6. Сайт Единого портала интерактивных государственных услуг. [Электронный источник]: https://my.gov.uz/ru/pages/about (дата обращения: 05.06.2023).
7. Nicholas Negroponte. Being digital. Vintage book, 1995.

Джаматова Д.М. - *“UNICON.UZ” ДУК, етакчи муҳандис*

БУЮМЛАР ИНТЕРНЕТИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Стандартлаштириш қурилмалар ва иловалар ўртасида ҳақиқий ўзаро мувофиқлик учун умумий қабул қилинган спецификациялар ва протоколларга эришишнинг асоси бўлиб хисобланади. Стандартлардан фойдаланиш: ечимларнинг мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Сўнгги йилларда Буюмлар Интернети (IoT) машҳурлиги сезиларли даражада ошди. Бу эса истеъмолчиларни ўзига жалб қилган Интернетнинг асосий хусусиятлари, яъни унинг иш унумдорлигини ошириш, самарадорликни сақлаш (ва яхшилаш) ва тез натижаларга эришиш қобилияти билан боғлиқ. IoT маълумотни бир қурилмадан иккинчисига ўтказишни осонлаштиради. IoT ёрдамида телевизор, микротўлқинли печ, музлатгич ва бошқаларга маълумот юбориш мумкин [1].

IoT қурилмаларидан фойдаланишнинг тўлиқ имкониятларини очиш учун хавфсизлик стандартлари, экотизимларни қуриш архитектураси, қурилмаларни улаш учун каналлар ва протоколлар билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал қилиш керак. Бугунги кунда дунёда NIST, ETSI, IEEE, ISO/IEC ва бошқалар каби йирик ташкилотлар ишлаб чиқилган қурилмаларни стандартлаштириш,

хавфсизлик ва архитектура масалаларини ҳал қилишда катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. IoT нинг барча сатҳларида энг фаол иш стандартлаштириш соҳасида амалга оширилмоқда.

Ҳар бир ҳудуд учун уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз стандартлари ишлаб чиқилиши керак. Қуйидаги жадвалда Буюмлар интернети IoT билан боғлиқ IEEE стандартлари келтирилган.

Буюмлар интернети IoT билан боғлиқ IEEE стандартлари

IEEE 802.15.4 ™ -2011	Маҳаллий ва шаҳарлар тармоқлари учун IEEE стандарти. 15.4-қисм: Паст тезликли симсиз шахсий тармоқлар (LR-WPAN)
IEEE 802.15.4f ™ -2012	Маҳаллий ва шаҳарлар тармоқлари учун IEEE стандарти. 15.4-қисм: Паст тезликли симсиз шахсий тармоқлар (LR-WPAN). Фаол частотали идентификация (RFID) тизимининг физик қатлами.
IEEE 802.16 ™ -2012	Кенг полосали симсиз уланиш тизимлари ҳаво интерфейси учун IEEE стандарти
IEEE 802.16p ™ -2012	Кенг полосали симсиз уланиш тизимлари ҳаво интерфейси учун IEEE стандарти. Ўзгартиришлар: “машинадан машинага” иловаларни қўллаб-қувватлаш учун такомиллаштиришлар
IEEE 1609.2 ™ -2013	Автомобил муҳитида симсиз уланиш учун IEEE стандарти. Иловалар ва бошқарув хабарлари учун хавфсизлик хизмати.
IEEE 1703 ™ -2012	Маҳаллий тармоқлар/кенг тармоқлар (LAN/WAN) учун IEEE стандарти. Коммунал саноат сўнгги қурилма маълумотлар жадвалларига қўшимча равишда тугун алоқа протоколи.
IEEE 1888 ™ -2011	Ҳамма жойда тармоқни бошқариш учун IEEE стандарти.
IEEE 1902.1 ™ -2009	Узун тўлқин узунлигидаги симсиз тармоқ протоколи учун IEEE стандарти.
IEEE 1905.1 ™ -2013	Гетероген технологияли конвергед рақамли уй тармоғи учун IEEE стандарти
IEEE 2200 ™ -2012	Медиа-мижоз қурилмаларида оқимни бошқариш учун IEEE стандарт протоколи
IEEE 2030.5 ™ -2013	IEEE Smart Energy 2.0 дастур протоколи стандартини қабул қилиш.
	Сенсорлар учун ақлли конвенторлар интерфейси учун IEEE стандарти. Радиочастотани аниқлаш тизимидаги конверторлар. Алоқа протоколлари ва конвенторлар.

Бугунги кунда стандартлар IEEE (Электротехника ва электроника муҳандислари институти) ва ISO/IEC (Халқаро электротехника комиссияси) каби йирик ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилмоқда [2, 3].

2014 йил ўрталарида IEEE P2413 нинг биринчи ишчи гуруҳи “Internet of Things (IoT) Architectural Framework Standard” ни ишлаб чиқишни бошлади, унда ушбу гуруҳнинг асосий масалалари қурилмаларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш эди. 2015 йил декабр ойида киберхавфсизлик соҳасида стандартлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузилди, унинг мақсади киберхавфсизлик соҳасидаги масалаларни халқаро даражада мувофиқлаштиришдир. Ушбу стандарт IoT киберхавфсизлиги учун мақсадлар, хавф ва таҳдидларни тавсифлайди. Ушбу лойиҳага асосланиб, Миллий стандартлар ва технологиялар институти (NIST) буюмлар интернетини 5 та функционал соҳага ажратишни таклиф қилади [4]:

1. Уланган қурилмалар;
2. IoT истеъмолчи даражаси;

3. Соғлиқни сақлаш соҳасида қўлланиладиган тиббий ускуналар ва асбоблар;

4. “Ақлли” бинолар;

5. «Ақлли» ишлаб чиқариш (шу жумладан технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари).

2018 йил охирида ISO Халқаро стандартлаштириш ташкилоти мутахассислари IEC Халқаро электротехник комиссиясидаги ҳамкасблари билан биргаликда ISO/IEC 30141:2018 Internet of Things (IoT) - Reference Architecture стандартини нашр этдилар. Ушбу ҳужжат Интернет орқали уланган миллиардлаб ақлли қурилмаларни ўз ичига олган мураккаб тизим бўлган буюмлар интернети учун ягона дунёдаги биринчи стандартга айланди. Стандартнинг тарқалиши ва қўлланилиши IoT экотизимини анча самарали, бардошли ва хавфсизроқ қилиши кутилмоқда.

ISO/IEC 29161:2016 ISO/IEC 29161:2016 Information technology - Data structure - Unique identification for the Internet of Things. Ушбу халқаро стандарт мавжуд ва ривожланаётган маълумотлар тузилмаларига асосланган IoT учун ноёб идентификация схемасини ўрнатади. Ушбу халқаро стандарт турли хил калит идентификаторлари ўртасида тўлиқ ўзаро мувофиқликни таъминлаш учун зарур бўлган ягона идентификация қилишнинг умумий қоидаларини белгилайди.

ISO/IEC 27400:2022 Cybersecurity – IoT security and privacy – Guidelines. Ушбу халқаро стандарт IoT тизими ечимлари учун хавфсизлик ва махфийлик хавфлари, тамойиллари ва бошқарувлари бўйича йўриқномани тақдим этади.

Ўзаро алоқа, алоқа, махфийлик ва хавфсизлик бўйича стандартларни ривожлантириш ва шакллантириш учун бир нечта консорциумлар ва алянсларни келтириш мумкин. Ушбу уюшмалар IoT стандартлаштириш соҳасидаги вазиятни яхшилашга ҳисса қўшди. Аммо муаммонинг ўзи йўқолмади ва унинг ечими катта саъй-ҳаракатлар ва фаол ҳамкорликни талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу уюшмаларга турли ташкилотлар - ақлли қурилмалар ишлаб чиқарувчилари қўшилади ва ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлайди. Улардан баъзиларини келтириб ўтилади [5, 6]:

1. AllSeen Alliance – IoTстандартларини ишлаб чиққан биринчи LG, HTC, Panasonic, Haier, Silicon Image, Microsoft и TP-Link. Аляснинг асосий мақсади Интернетга улана оладиган уйдаги барча ақлли қурилмаларни бирлашишга имкон берувчи очиқ тузилмани яратишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун AllJoyn очиқ кодли фреймворк ишлаб чиқилган.

2. The Open Interconnect Consortium (OIC) - Технология соҳаси етакчилари Samsung Electronics, Atmel, Broadcom Corporation, Dell, Intel Corporation и Wind Riverлар янги саноат консорциумини яратиш учун бирлашди, бундан мақсад IoT ни ташкил этувчи миллиардлаб қурилмалар учун уланиш талабларини белгилаш ва функционал мослигини яхшилашдир. Open Interconnect Consortium (OIC) симсиз уланиш ва шахсий компютерлар ва янги IoT қурилмалари ўртасида, шакл-фактор, операцион тизим ёки хизмат кўрсатувчи провайдердан қатъи назар, ақлли оқимни бошқариш учун саноат стандарти технологиялари асосида умумий алоқа асосларини аниқлашга қаратилган.

3. Industrial Internet Consortium (IIC) - AT&T, Cisco, General Electric, IBM каби таниқли компаниялар томонидан асос солинган йирик консорциум. Консорциум 2014 йил март ойида саноат Интернетининг ўсиш суръатларини ошириш учун зарур бўлган технологияларни яратиш ва илгари суриш билан шуғулланадиган ривожланиш ташкилотларини бирлаштириш учун ташкил этилган. IIC аъзолари илғор IioT технологияларини тижоратлаштиришни тезлаштириш учун биргаликда ишламоқда. Консорциум учун энг устувор йўналишлар махфийлик ва хавфсизликдир.

4. Hypercat Alliance — саноат ва шаҳарлар учун барқарор ва хавфсиз IoT инфратузилмасини тақдим этишга бағишланган глобал нотижорат ташкилот. HyperCat дан фойдаланиб, ишлаб чиқувчилар кўчма дастурларни ёзиш ва маълумотлар силосларидан қочиш имкониятига ега бўладилар. Ташкилот аъзолари технология компаниялари ва телекоммуникатсия хизматлари провайдерлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ҳокимият ва тадқиқот муассасалари.

5. LoRa Alliance - технология соҳасида энг йирик ва энг тез ривожланаётган иттифоқ. Унинг аъзолари яқиндан ҳамкорлик қиладилар ва LoRaWAN протоколини LPWAN - IoT тармоқларида хавфсиз уланишни таъминлаш учун етакчи очиқ глобал стандарт сифатида ривожлантириш ва рағбатлантириш бўйича тажриба алмашадилар.

IoT қурилмаларини ишлаб чиқиш ва яратиш жараёнида стандартларга риоя қилиш керак бўлади. Стандартлар ривожланиш жараёнларини узлуксиз ишлашини ёки ўзаро мувофиқлигини таъминлайди ҳамда компанияларга мустаҳкам асос яратадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Джаматов М.Х., Джаматова Д.М. Актуальность проблемы обеспечения информационной и киберезопасност интернет вещей // «Кибермаконда содир этилаётган жиноятларга қарши кураш: муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция, 2022 йил 24 февраль, 351-355 бет.
2. IEEE Internet of Things https://iot.ieee.org/
3. https://www.iso.org/standard
4. NIST: Internet of Things https://www.nist.gov/topics/internet-things-iot
5. Намиот Д.Е., Куприяновский В.П., Зубарева Е.В. HYPERCAT – Структура и модели применения.
6. https://www.tadviser.ru

Саатова Л.Э. *- ЎзР. Олий ҳарбий авиация билим юрти, кафедра доценти, и.ф.ф.д.(PhD), доц.*
Райимов А.Р. *– ЎзР. Олий ҳарбий авиация билим юрти, мустақил тадқиқотчи*

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРИОТИДА АУСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРИН

2020 йилнинг биринчи ярмида яқин хорижий давлатларда доимий ходимларни ёллаш бозори деярли икки баравар камайди. Бунинг сабаби хорижий компаниялар ходимларни ёллашни тўхтатаётганини ва тобора кўпроқ ауцорсерларга мурожаат қилаётганликлари кўришимиз мумкин.

Аутсорсинг - бу компаниянинг асосий бўлмаган функцияларини учинчи шахсга ўтказиш демакдир. Мисол учун, баъзи фирмалар учун мавсумий ишчиларни ёки ўзларининг хавфсизлик хизматини ходимларда ушлаб туриш ҳар доим ҳам фойдали ва қулай эмас. Кейин улар хусусий хавфсизлик компанияларига ёки тозалаш компанияларига мурожаат қилишади - улар ходимларни танлаш, ўқитиш ва рўйхатга олишда ўз пул маблағлари ва вақтларини тежашади шу билан бирга бажарилиши керак бўлган вазифани ёпишади.

Аутсорсинг (инглизча outsourcing: (outer-source-using) – ташқи манба – ресурсдан фойдаланиш – компаниянинг шартнома асосида маълум бизнес-жараёнлар ёки ишлаб чиқариш функцияларини тегишли ихтисосга эга бошқа компанияга хизмат кўрсатиш учун беришиига айтилади. Бир марталик, эпизодик, тасодифий характерга эга бўлган ва бошланиш ва тугаш билан чегараланган сервис ва қўллаб-қувватлашдан фарқли равишда, одатда узоқ муддатли шартнома асосида алоҳида тизимлар ва инфраструктуранинг иш қобилиятини тўхтовсиз қўллаб, қувватлаш мақсадларида аутсорсингга берилади (1 йилдан кам бўлмаган муддатга). Бизнес-жараённинг мавжудлиги аутсорсингнинг бошқа хизмат кўрсатиш ва абонент хизмати кўрсатиш хизматларидан фарқли жиҳати ҳисобланади.

Замонавий шаклда аутсорсинг 1930-йилларда АҚШда Форд ва Генерал Моторс ўртасидаги қарама-қаршилик пайтида пайдо бўлган. Генерал Моторс раҳбари Альфред Слоун компания қулаш арафасида турган пайтда унинг бошқарувини эгаллади. У аутсорсинг тизимини ишлаб чиқди ва бу тизим - тор профилли ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими ихтисослашган фирмалар қўлига ўтказилди. Шундай қилиб, Слоун ўзининг компаниясини нафақат тиклаб олишини, балки рақибидан сезиларли даражада ўзиб кетишга ҳам муваффақ бўлди. Кейинчалик,

Аутсорсинг ғояси 2020 йилнинг биринчи ярмида Россия давлатига кириб кела бошлади. Масалан, ҳатто СССРда ҳам ошхона трестлари - совет корхоналарида озиқ-овқат билан таъминланган алоҳида компаниялар уюшмалари мавжуд бўлган. Россияда аутсорсинг замонавий шаклларни фақат 1990-йилларда бозор иқтисодиёти пайдо бўлиши илк аусорсингнинг илк куртаклари ривожлана бошланди.

Фриланс - хусусий мустақил мутахассисни компания ходимларига рўйхатдан ўтмасдан жалб қилишига айтилади. Аутстаффинг деярли бир хил, асосий ташкилотдан фақат фрилансерлар ёлланади.

Меҳнат муносабатларининг ушбу шакллари ўртасидаги иш миқдори, ҳамкорлик қилиш вақти ва жавобгарликни тақсимлашдаги фарқлар билан ажралиб туради. Фрилансерлар маълум бир муаммони бир марта ҳал қилиш учун жалб қилинади. Мисол учун, компания маълум бир лойиҳа учун маълум миқдордаги расмларни чизиш учун дизайнерни ёллаши мумкин. Бундай мутахассислар билан улар шартнома, хизматлар кўрсатиш ёки муаллифнинг буйруғи асосида хизмат кўрсатадилар.

Аутсорсинг ва аутстаффинг ўртасидаги чегаралар унчалик аниқ эмас. Иккала ҳолатда ҳам бу узоқ муддатли муносабатлардир. Фақат биринчи ҳолатда, иш берувчи компания чекланган миқдордаги иш учун ҳақ тўлайди ва хизмат кўрсатиш шартномасини тузади. Буюртмачига топшириқлар билан ким ва қаерда шуғулланиши муҳим эмас, асосийси улар самарали ва ўз вақтида бажарилишидир. Масалан, аутсорсер фирмага доимий равишда бухгалтерия хизматларини кўрсатиши мумкин. Ҳаммаси тўғри ишлаётган бўлса, у буни ким, қаерда ва қандай қилишига аҳамият бермайди.

Аутстаффинг пайтида компаниялар ходимлар билан таъминлаш тўғрисида шартнома тузадилар. Бундай ҳолда, мижоз маълум бир иш жойи учун аниқ мутахассислар учун тўлайди. Шундай қилиб, иш берувчининг дўконида кассада турадиган аутстаффер сотувчини топиш имконини беради. Бу ерда ходимнинг қанча мижозга хизмат қилиши эмас, балки ҳафтада неча соат ва кун иш билан банд бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ауцорсинг пулни тежашга, юқори малакали кадрларга эга бўлишга ва штатда ходимларни ёллашда юзага келадиган одатий муаммоларни ечишга ёрдам беради. Шу билан биргаликда аусорсинг ўзининг бир қатор меҳнат муносабатларининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Улар қуйида келтирилган

- **Ишлаб қиқариш харажатларини камайтириш**. Ишга қабул қилувчи компания ходимларни ауцорсинг бўйича ўқитиш учун пул тўлаши, ускуналар ва дастурий таъминот сотиб олиши, мотивацияни қўллаб-қувватлаш, бонуслар ва бонусларга пул сарфлаши шарт емас;
- **Ижтимоий мажбуриятлардан халос бўлиш**. Аутсорсер компанияси ходимларнинг касал бўлиб қолган кунлари ва таътиллари учун ўзи тўлайди ва солиқ, пенсия жамғармаси ва тиббий суғурта фондига ажратмаларни ўтказиб беради;
- **Вазиятларда мустақиллик**. Тузилган шартнома доирасида аутсорсер ўз вақтида хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади. Агар компаниянинг мустақил ходимлари ишдан кетса, касал бўлиб қолса, туғруқ таътилига чиқса ёки таътилга чиқса ҳам иш ўз вақтида белгиланган муддатда якунлайди;
- **Асосий бўлмаган хизматлар сифатини яхшилаш.** Буюрмачи тажрибали юқори ихтисослашган ташкилотнинг интеллектуал капиталига ва ўз бизнесини биладиган мутахассисларга кириш ҳуқуқини олади;

➢ **Компаниянинг асосий бизнесига эътибор қаратиши.** Компания учун асосий бўлмаган жараёнларни бошқариш учун зарур бўлган ресурслар харажатлари камаяди ва кадрлар гуруҳининг қўшимча вақти ва кучлари озод этилади.

Юқорида санаб ўтилган афзалликлар қаторида аутсорсинг ўзига яраша бир қатор камчиликлари мавжуд. Ауцорсерлар билан ишлаш маълум хавфларга эга, аммо уларнинг аксарияти олдиндан башорат қилиниши ва шартномада тегишли шартлар билан таъминланиши мумкин.Улар куйида келтирилган:

➢ **Қарам бўлиб қолиш**. Рақобат бўлмаса, аутсорсер хизматлар сифатини пасайтириши мумкин ва уни алмаштирадиган ҳеч ким бўлмайди. Худди шундай ҳолат Бошқирдистоннинг чекка ҳудудларида ҳам содир бўлди, у ерда ижтимоий институтлар пудратчиларга озиқ-овқат таъминотини топширдилар.

➢ **Инсофсизлик.** Ёлланаётган компанияни диққат билан ўрганишингиз керак. Инсофсиз компаниялар ўз ходимларининг иш ҳақини кечиктириши ва шартнома шартларини бузиши мумкин, бу эса муаммоларни келтириб чиқаради. Шартномада муддатларни бузганлик ва хизматлар сифатини пасайтирганлик учун аниқ жазоларни кўрсатиш оқилона бўлади.

➢ **Махфий маълумотларни ошкор қилиниши**. Бирор бир бозорига консалтинг хизматларини кўрсатувчи компанияни мамлакатнинг миллионлаб фуқароларининг маълумотларини тармоққа тарқатишлиши. Бундай маълумотларни ошкор қилмаслик ва шартномада кўрсатилган қоидабузарликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги бандлар бундан ҳимояланишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда хорижда штатдаги ходимларни таъминлашдан кўра аутсорсинг хизматларидан ва айниқса, аутсорсинг бухгалтерия, юридик маслаҳат хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Беларусда - 30%, Европада - 86%, АҚШда - 92%, энг юқори кўрсаткич эса - Исроилда бўлиб, 96% ни ташкил этади [2].

Ўрта ва кичик корхоналар учун аутсорсинг бухгалтерия хизматлари ҳисобни юритишнинг энг оптимал усулидир. Бундай ҳолатда корхона юқори малакали, масъулиятли, фақатгина бухгалтерия соҳасида эмас, балки кадрлар бўйича, юридик ҳамда солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар олиш имконига эга бўлади.[4]

Иқтисодиёт, юридик ва ахборот технологиялари соҳасига ихтисослаштирилган ОТМлар ва факулътетларда аутсорсинг(бухгалтерия, ҳуқуқий маслаҳат, IT хизматлари), билан бир қаторда бозорда талаб юқори бўлган ўрта ва кичик корхоналар учун бошқа кўплаб хизматларни сотиш билан даромадларини маълум даражада оширишга эришиш мумкин[5]. Тошкент шаҳридаги 120 та кичик тадбиркорлик субъектларидан ўтказилган сўров натижаси шуни кўрсатдики, кичик тадбиркорлик субъектларида юқоридаги аутсорсинг хизматидан ташқари қуйидаги хизматларга ҳам юқори даражада талаб мавжуд:

- Бухгалтерия ҳисобини тиклаш;
- Солиқ хисобини юритиш;
- Кадрлар хисобини юритиш;

- Тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа кўринишдаги хуқуқий маслахатлар бериш;
- Тадбиркорлик субъектини ташкил қилиш бўйича ҳуқуқий ва амалий маслаҳатлар бериш;
- Тадбиркорлик субъектларини онлайн (https://fo.birdarcha.uz/ сайти, YAIDXP portalining tadbirkorlik subyektlarini ro‘yxatidan o‘tkazish moduli орқали) давлат рўйхатидан ўтказишга кўмаклашиш;
- Кредит олиш учун “Бизнес режа” тузишга кўмаклашиш;
- Давлат бошқарув органлари ва судга мурожат қилишга (хат ва даъво аризаси ёзишга) кўмаклашиш;
- Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби хақида хуқуқий маслахатлар бериш ва унга кўмаклашиш;
- IT технологиялари хизматлари (сайт яратиш, уни доимий ривожлантириш, ижтимоий тармоқларда муассаса фаолияти ёритиб бориш);

“YAIDXP portalining tadbirkorlik subyektlarini ro‘yxatidan o‘tkazish moduli”да берилган статистик маълумотларга кўра тадбиркорлик субъектларини “Давлат хизматлари маркази” орқали рўйхатдан ўказиш жорий қилинган вақтдан бошлаб жами 671 916 та руйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг атига 82 515 таси ёки 12,3 фоизи онлайн режимда рўйхатдан ўтган[3]. Ушбу кўрсаткичнинг паст даражада эканлиги шуни кўрсатадики, тадбиркорлар ушбу тизим орқали рўйхатдан ўтишда турли кўринишдаги тушунмовчиликларга учрамоқда. Бу эса тизим орқали рўйхатдан ўтказишга кўмаклашиш хизматига бўлган талабни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари бозорда талаб юқори бўлган бошқа хизматларни, хусусан, лицензия талаб қилувчи аудит ва баҳолаш хизматларини хам амалга ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ауцорсинг компанияси қандай хизмат кўрсатиши ҳамда унинг афзаллик, камчиликлари эканлиги аутсорсинг хизматидан ташқари бир неча хизматларга ҳам юқори даражада талаб мавжудлиги ва иложи борича мустақил юртимизда ана шундай хизмат турларини кўпайтиришимиз зарур. Ушбу хизматлари кўпайтириб аҳоли мушкулини енгил қилишга имконият яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-6079-сонли қарори.
2. https://kun.uz/13375754
3. “YAIDXP portalining tadbirkorlik subyektlarini ro‘yxatidan o‘tkazish modul” статистикаси. Манба: https://fo.birdarcha.uz/s/uz_landing
4. https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон

Dushamova Kh. *- WIUT, Associate Lecturer*
Dushamova Sh. *- Institute for Fiscal Research, Leading specialist*

WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN

Women entrepreneurs in Uzbekistan report difficulties in access to finance as a major barrier to starting, sustaining and growing their businesses. There are problems with availability of loans for women entrepreneurs, as well as unfavorable terms of those loans that are available, such as high interest rates, high collateral requirements and short duration. Low property ownership among women is also a hindrance when it comes to providing collateral. In addition, even when subsidized loans and/or grants are available, it still does not mean that women entrepreneurs have access to them because qualification criteria for those loans and/or grants is often not transparent and those who truly qualify for them or are in need of those loans and/or grants are not the ones, who actually get them. Last but not least, financial illiteracy is a major setback not only for women entrepreneurs but for population as a whole.

Firms and entrepreneurs in Uzbekistan often identify difficulties in access to finance as a major barrier to starting, sustaining and growing their businesses.

The official definition of an SME is reflected in the legal framework of the State Committee on Statistics, which in 2016 adopted a nationwide qualifier of economic activity types based on the European Union's statistical classification (NACE): "A micro firm hires from 1 to 20 employees annually. A small business subject hire from 21 to 50 annually [1]." The government has not yet developed an official definition of women's businesses and women's entrepreneurship. Thus, it is not clear whether to classify a women's business as (i) a private firm/company registered in the name of women; (ii) an enterprise managed by women; (iii) an enterprise that hires women; or (iv) the involvement of self-employed women in various activities, including farming. The Business Women Association of Uzbekistan provides a slightly different definition: "The business is considered 'women's' if a woman is its founder, co-founder, or manager."

Overview of banking sector - Uzbekistan has a two-level banking system: at the upper level there is the Central Bank, the main regulator of the financial and monetary policy, and at the lower level there are commercial banks, micro-finance and micro-credit organizations. By the end of 2017, 26 commercial banks—including 3 state banks, 5 banks with foreign capital, 11 JSC banks, and 7 private banks—were registered in Uzbekistan. In addition, foreign banks have six accredited representative offices in the country [2].

Small and medium enterprises (SMEs) have a predominant share of Uzbekistan's gross domestic product (GDP)—a share that has grown slowly, from 56.1% in 2016 to 56.9% in 2018. In January–June 2017, SMEs accounted for 46% of GDP and established more than 16,000 small businesses. Industry and construction had the largest number of SMEs (34%).Further, the SME sector is a leading formal employer in the national economy, accounting for 78.2% of all employed people in

2016. Women's share of the total number of micro, small, and medium enterprise (MSME) employees, including farm workers, also grew slowly, from 21.7% in 2014 to 22.5% in 2016. Uzbekistan has achieved near gender parity in large companies and nongovernment organizations (NGOs) [3].

Key Recommendations

Policy and Procedure	
Lending Institutions	We should establish specific goals for our loan officers and encourage them to focus on lending to women-owned small and medium enterprises (SMEs). To ensure accountability, we can monitor and evaluate their progress annually using performance management tools.
	Encourage and reward loan officers who successfully achieve lending targets for small and medium-sized enterprises owned by women, both with current and prospective clients.
	As a way to provide additional support and services to women business owners, it may be beneficial to offer women-only sections or assign dedicated banking professionals to cater to their specific needs. This can be done on a case-by-case basis, depending on the individual requirements of each client
Government	To promote a healthy exchange of ideas between the public and private sectors, it is essential to involve businesswomen's organizations in discussions related to economic and regulatory policies as well as funding for economic development. This will ensure that the views and interests of women entrepreneurs are adequately represented and considered in decision-making process
	It is crucial to prioritize the inclusion of women-owned small and medium enterprises (SMEs) in national development strategies and SME laws and policies.
	Implement policies to ensure transparency for loan and/or grant qualification.
	Empower women to own and utilize their assets as collateral by addressing concerns related to property, housing deeds, bank accounts, and inheritance.
	It is important to make sure that laws, policies, and financial opportunities supported by the government that have an impact on women business owners are accessible and easy to understand for the public.
	Create an environment which allows for smart financial investments from a broad spectrum of sources
Women's Business Associations	There should be support and encourage the involvement of women entrepreneurs in economic decision-making processes
	Advocate for changes in laws and procedures which pose barriers to the growth of women owned SMEs
Finance	
	Create loan products tailored to the needs of small and medium-sized enterprises operating in sectors where women are running expanding businesses, specifically in the service industry and in the production of durable and non-durable goods.
	To secure long term financing, it is recommended to collaborate with institutions that offer loan guarantees or risk sharing facilities. These partners can be International Financial Institutions (IFIs) or Uzbekistan Government.

Lending Institutions	Consider exploring new methods for assessing risk, such as psychometric screening created by the Entrepreneurial Finance Lab at Harvard University. This approach evaluates an entrepreneur's risk level based on their personality, intelligence, and character instead of solely relying on their credit history. It's worth offering interest rates that align with these new risk profiles.
- Raqamli akseleratorlar raqamli yuqori malakali mutaxassislar bo‘lib, ular kompaniya uchun muhim va mos bo‘lgan raqamli ko‘nikmalarni uch oylik o‘quv kurslarida o‘rganadilar. Ushbu trening PwC Germaniyada 2019 yil oxirida joriy etilgan.

- Raqamli akademiyalar ko'plab sug'urta va soliq xodimlari tugatgan ma'lumotlarni tahlil qilish akademiyalarining muvaffaqiyati asosida qurilgan. Raqamli Akademiyalarning bir qismi sifatida taqdim etiladigan kurslar xodimlarning

ma'lumotlarni tahlil qilish, avtomatlashtirish va vizualizatsiya qilish sohalarida ko'nikmalarini rivojlantirish uchun strategik tarzda ishlab chiqilgan. Ular ikki kun davomida amalga oshiriladi va butun mamlakat bo'ylab mavjud. Kurslar xodimlarga Tableau, UiPath va Alteryx kabi texnologiyalar bo‘yicha amaliy mashg‘ulotlar o‘tkazadi, bu esa barcha xodimlarning malakasini oshirishda muhim ahamiyatga ega.

- har oy PwC mutaxassislari “Tech While You Trek” podkastlarida asosiy raqamli mavzularni muhokama qiladilar.
- shaxsiy trenerlar raqamli ravishda o'qitilgan PwC murabbiylari bo'lib, ular individual mashg'ulotlarda sheriklarga o'z maqsadlariga erishishda yordam berishlari kerak. Dastur hozirda tanlangan bozorlarda tajriba bosqichida. bozorda muvaffaqiyatli va raqobatbardosh bo'lish uchun tegishli raqamli ko'nikmalar va fikrlash bilan qurollantirishni maqsad qilgan.
- Quvvatni yoqing! Trivia - bu asosiy raqamli ko'nikmalar va biznes strategiyalari haqidagi bilimlarni baholovchi mobil ilovada o'ynaladigan jonli viktorina o'yini.
- ta'lim to'plamlari raqamli ma'lumotlarni tushunishni rivojlantirish uchun kompyuter yoki mobil telefonlarga yetkaziladigan qisqa, ijodiy va qiziqarli ma'lumotlardan iborat.
- Raqamli kvestlar - bu to'rtta qiziqarli, interaktiv, mijozlarga yo'naltirilgan vaziyatlar to'plami bo'lib, unda xodimlar muhim raqamli mavzular bo'yicha o'z mahoratlarini namoyish etishlari kerak. Barcha to'rtta stsenariyning bajarilishi va bajarilishi hamkorlarga va umuman barcha xodimlarga “Digital Acumen Knowledge Badge” nishonini olish imkonini beradi.
- raqamli laboratoriya raqamli yechimlar uchun kompaniyaning onlayn resursi bo'ladi.

Xulosa qiladigan bo’lsak, raqamli transformatsiya bugungi kunimizning aktual mazmuniga aylanib ulgurdi. Bu yo’nalishda hal qiluvchi jihatlar bo’lib, infratzlimani rivojlantirish uchun qilinayotgan investitsiyalar va kadrlar salohiyati hisoblanadi. Shu nuqtayi nazardan kadrlar salohiyatini oshirish ham doimiy kun tartibidagi masalalardan biri bo’lmog’i lozim. PwC kompaniyasining o’z sohasi bo’yicha dunyo reytinglarida yetakchi o’rinlarda turishini inobatga olsak, raqamli tranformatsiyaga berilishi kerak bo’lgan e’tibor yanada tushinarli bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Henkel (2019, March 28) Henkel starts worldwide digital upskilling initiative. Henkel Press. https://www.henkel.com/press-and-media/press-releases-and-kits/2019-03-28-hen kel-starts-worldwide-digital-upskilling-initiative-923688
2. Sethi B, Stubbings C, Gratton L, Brown J (2018) Preparing for tomorrow’s workforce, today. PwC. Retrieved from https://www.pwc.com/gx/en/people-organisation/pdf/pwcpreparing-for-tomorrows-workforce-today.pdf
3. Juo J (2020, February) How EY is preparing its people for the future of work. Udemy. Retrieved from https://www.udemy.com/blog/how-ey-is-preparing-its-people-for-the-fut ure-of-work/

Xolov A.X. *- Davlat boshqaruv akademiyasi, kafedra mudiri, i.f.f.d., dots.*
Shamsiyeva Y.O. *- Davlat boshqaruv akademiyasi, doktorant*

BANKLARDA TRANSFORMATSIYA JARAYONLARI VA XIZMATLARNI RAQAMLASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI

Bugungi kunda axborot tizimlarining sezilarli darajada o‘zgarishi asosida jamiyatda, iqtisodiyotda, biznesda va bank sohasidagi tub o‘zgarishlarni kuzatishimiz mumkin. Jumladan, iqtisodiyot va aynan bank sohasiga texnologiyalarning ta’sirini raqamli banklar misolida ko‘rishimiz mumkin.

Raqamli banklar faoliyatida amalga oshirilayotgan islohotlar va ularning iqtisodiyotga ta‘sirini anglashimiz uchun avvalo raqamli iqtisodiyot tushunchasiga to‘xtalib o‘tish joiz. Raqamli iqtisodiyot – bu xo‘jalik faoliyatini yuritish bo‘lib, bunda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdagi asosiy omil raqamlar ko‘rinshidagi ma’lumotlar bo‘lib, katta hajmdagi axborotlarni qayta ishlash va shu qayta ishlash natijasini tahlil qilish yordamida har xil turdagi ishlab chiqarish, xizmat ko‘rsatish, texnologiyalar, qurilmalar, saqlash, mahsulotlarni yetkazib berishda oldingi tizimdan samaraliroq yechimlar tatbiq qilishdir. Boshqacha qilib aytgancha, raqamli iqtisodiyot bu onlayn xizmatlar ko‘rsatish, elektron to‘lovlar amalga oshirish, internet savdo, kraudfanding va boshqa turdagi sohalarni raqamli kompyuter texnologiyalarini rivojlanishi bilan bog‘langan faoliyatdir. Raqamli transformatsiya iqtisodiyot uchun ko‘plab imkoniyatlarni ochib beradi. Avvalo, banklar tushumini o‘sadi. Bu mahsulot va xizmatlarning yangi tur va yo‘nalishlarini ishga tushirish hisobiga yuz beradi. Bundan tashqari operatsion xarajatlarning kamayishi va jarayonlar samaradorligi oshishiga ham erishiladi. Buxgalteriya, soliq va kadrlar hisobini yuritishni avtomatlashtirish axborotning katta hajmini tez va sifatli boshqarish imkonini beradi. Ma’lumotlarni “Big Data” usuli bilan qayta ishlash maqsadli mijozlarni muayyan mezonlar bo‘yicha o‘ta aniqlik bilan ajratib olish (targetlash) imkoniyatlarini ochib beradi. Bu esa marketing tadbirlarining muvaffaqiyatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga, boshqaruv qarorlarining sifati ham oshadi. Rahbar endi mas’ul bo‘limlar to‘playdigan hisobotlarga bog‘liq bo‘lib qolmaydi, balki tizimni ochishi va umumiy ma’lumotlardan aniq ko‘rsatkichlarga o‘tishi, olingan natijalarni esa darhol oldingi davr natijalari bilan solishtirishi mumkin bo‘ladi. Jarayonlarni avtomatlashtirish tufayli prognoz modellari ancha aniq va soddalshib boradi. Bundan tashqari, ma’lumotlarning tartibga solinganligi va shaffofligi tufayli korxonaning xorijiy investorlarni jalb qilish imkoniyatlari oshib, xalqaro loyihalarda ishtirok etish uchun sharoit yaratiladi. Raqamli banking iste’molchilarga yaratadigan eng yaxshi qulayligi bu navbat kutishning hojati yo‘qligi ya’ni keksa odam, ish bilan band bo‘lgan ishchi yoki tashrif buyurishni istamaydigan oddiy odam bo‘lsin, o‘z uyida qulaylik bilan bank funksiyalaridan foydalanishlari imkonini beradi va bu 24/7 (kun davomida 24 soat, haftaning 7 kunida) kechayu kunduz bank xizmatlarini amalga oshirish imkonini beradi.

Tijorat banklarining mijozlar bilan ishlash jarayoni quyidagi to’rtta muhim vazifaga yo’naltiriladi:



Yuqoridagi vazifalarni amalga oshirish uchun banklar raqobatbardosh bo’lishi va mijozlarga xizmat sifatini oshirib, ularni jalb qilish yo’llarini amalga oshirish kerak. Iqtisodchi olim Piter Druker ta’kidlashicha: “Banklar uchun yangi mijozlarni jalb etish shuning uchun zarurki, u bilan bog’liq faoliyatni rivojlantirish va shuningdek, bank faoliyatini yaxshilash muhimligi buni taqazo etadi. Darhaqiqat, banklarni jalb qilinadigan mablag’ hajmi bilan birgalikda yangi mijozga bank xizmati va mahsulotini sotishdan keladigan naf (reklama) ham qiziqtiradi”.[1]

Biznesda raqamli transformatsiyani muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun mijozlarning umumiy tajribasini farqlash juda muhim ahamiyatga ega. Buning uchun banklar maqsadli bozorni ya’ni bozor segmentini va mijozlar xohish istaklarini chuqur tushunishlari kerak. Mijoz tajribasini farqlashning ba’zi usullari quyidagilardir:

- Mijozlarni tushunish uchun ijtimoiy tarmoqlarni o‘rganish. Bank mijozlari qayerda qanoatlanayotganini va qayerda xizmatlar ular talabiga javob bermasligini yaxshiroq tushunadi. Shu tarzda u zaif tomonlarini yaxshilaydi va kuchli tomonlarini mustahkamlaydi.

- Raqamli axborot vositalari orqali kompaniya brendlarini (mahsulot/xizmatlarini) ilgari surish. Veb-saytlar, facebook, instragram kabi ijtimoiy tarmoqlar orqali reklama potensial va mavjud mijozlar o‘rtasida bank bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqani yaratadi.

- Mijozlarning sodiqligini mustahkamlash uchun yangi onlayn hamjamiyatlarni qurish. Mijozlar bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri muloqotni rivojlantirish ularda yuzaga keladigan har qanday muammo yoki so‘rovlarni hal qilishga yordam beradi.

- Yuzma-yuz muloqotni yaxshilash uchun texnologiyadan foydalanish. Texnologiyaning evolyutsiyasi biznesga mijoz bilan bir daqiqada (Messenger, chat qutisi orqali) muloqot qilish imkoniyatiga ega bo‘lishga yordam beradi.[2]

Demak, moliyaviy xizmatlarning ijobiy o’zgarishi ya’ni, raqamli transformatsiyasi bank mijozlari uchun keng imkoniyatlar yaratib, moliyaviy faollikni oshirish uchun muhim bosqich sanalishi bilan birga, mijozlarning iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beradi. Ya’ni, raqamli banklarning istiqbollaridan biri, bu bank tarmoqlarni raqamlashtirish evaziga xizmatlar tannarxi 40-60 foizgacha pasaytirilishiga erishiladi. Mijozlar bankka tashrifi, hujjatlarni rasmiylashtirish uchun ketadigan vaqt hamda mablag’larini tejashiga imkon yaratadi.

[1] Питер Друкер. «Эффективный руководитель». Пер. с англ. О. Чернявской. –М.: Манн, Иванов и Фербер, 2012. – 240 стр
[2] https://en.wikipedia.org/wiki/Digital_economy

Ammo, moliyaviy institutlar doimiy ravishda o’zgarib turadigan landshaftga moslashish uchun iloji boricha talabga javob beradigan bo’lsa-da, “raqamli” har doim ham mijoz uchun eng yaxshisini anglatmaydi. Hozirgi vaqtda banklar sof raqamlashtirishdan tashqari samarali va avtomatlashtirilgan tizimlarni mijozlarga yuqori darajadagi markazlashtirilganlik va shaxsiylashtirish bilan to’ldirishga harakat qilishlari zarur. Mijozlarning taqdim etilayotgan xizmatlar bilan qanday ishlashini to’liq tahlil qilish banklarning faol ishlashiga va bank muvaffaqiyatiga sabab bo’ladi. Foydalanuvchilar tajribasini oshirish orqali ular nafaqat mijozlarning ishonchini qozonadilar, balki yaxshi qo’llab-quvvatlanadigan mijozlar va uzoq muddatli manfaatli munosabatlarni o’rnatish imkoniyati orqali o’z bizneslariga ham foyda keltiradilar.

Hozirgi kunda tijorat banklari tomonidan taqdim etilayotgan xizmatlarning yangi turlari shubhasiz, axborot texnologiyalari va telekommunikatsiya sohasidagi o‘zgarishlar tufayli yaratilgan. Avtomatlashtirilgan bankomatlar mobil banking va internet-banking bu yangi yetkazib berish kanallaridir. Bular orasida keng qo‘llaniladigan va hozirda amaldagi eng ko‘p qo‘llanilayotgan tarqatish usuli bu bankomatlar va mobil ilovalardir. Banklar kelajakda raqamli bank xizmatlarini yaratishda mobil ilovalar hamda smart bankinga ko‘proq e’tibor berishlari kerak. Mijozlar filial an’anaviy bank xizmatlaridan foydalanishda bugungi kunda noqulaylik his qilishni boshladi, sababi insonlar uchun hammasidan ham vaqt masalasi muhimligini hisobga olsak, bank xizmatlaridan foydalanishda vaqt sarfi yuqori. Raqamli bank strategiyasini muhim omillaridan biri bu bank xizmatlari turini ko‘paytirgan holda mobil ilovalarga joylashtirishdir. Bunda bankning operatsion xarajatlari kamayadi hamda mijozlarga xizmat ko‘rsatish sifati ijobiyga o‘zgaradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasining «To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida»gi Qonuni. O‘RQ-578-son 01.11.2019. https://www.lex.uz.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmoniga “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasi
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” https://www.lex.uz
4. Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. “Iqtisodiyot nazariyasi” Toshkent, 2017.
5. O.M.Abdullayev, A.A.Fattaxov, K.Axmedov “Raqamli iqtisodiyot”, Toshkent, 2018.
6. R.H.Ayupov “Raqamli iqtisodiyot va elektron tijoratda yangi texnologiyalar”, O’quv qo’llanma, 2020.

Berdiqulov Q.G‘. *– Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar instituti, mustaqil izlanuvchi (PhD)*

AGRAR SOHADA AMALGA OSHIRILAYOTGAN RAQAMLI TRANSFORMASIYA JARAYONLARINING STATISTIK TAHLILI

Keyingi yillarda mamlakatimiz qishloq xo‘jaligini isloh qilish, xususan sohada davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish, bozor munosabatlarini keng joriy qilish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtiruvchi, qayta ishlovchi va sotuvchi sub’ektlar o‘rtasidagi munosabatlarning huquqiy asosini mustahkamlash, sohaga investitsiyalarni jalb qilish, resurstejamkor texnologiyalarni joriy etish hamda qishloq ho‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarni zamonaviy texnikalar bilan ta’minlash borasida muayyan ishlar amalga oshirilmoqda.

Qishloq xo‘jaligi mamlakatimizning yetakchi tarmoqlaridan biri sifatida nafaqat aholini oziq-ovqat mahsulotlari hamda sanoatni esa xom ashyo bilan ta’minlashda, balki iqtisodiyotning boshqa sohalarini rivojlantirishda ham muhim o‘rin egallaydi.

Xalqimizning turmush farovonligini oshirish, hozirgi kundagi eng dolzarb masalalardan biri hisoblangan oziq-ovqat xavfsizligini va aholi bandligini ta’minlash, eksportdan qo‘shimcha daromad olish, barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda qishloq xo‘jaligining o‘rni juda katta.

Qishloq xo‘jaligining mamlakat iqtisodiyotidagi tutgan o‘rni hisobga olinsa, bu sohada innovatsion texnologiyalardan keng foydalanish, korxonalarni modernizatsiya qilish, natijada, ishlab chiqarish omillari samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mamlakatimizda qishloq xo‘jaligi sohasida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Xususan qishloq xo‘jaligi ekinlaridan yuqori va sifatli hosil olish, sohaning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, zamonaviy texnikalar bilan ta’minlashga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Qishloq xo‘jaligi sohasidagi o‘zgarishlar 2017-yildan boshlab O’zbekiston hukumatining keng islohotlar dasturining muhim tarkibiy qismiga aylandi.

Xususan, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-son Farmoniga asosan ishlab chiqilgan “2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi”da beshta ustuvor yo‘nalishning bittasi qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirishga qaratildi. Bunda qishloq xo‘jaligini yanada rivojlantirishning yangi yo‘nalishlari belgilab berildi [1].

Bundan tashqari, qishloq xo‘jaligi iqtisodiyotning asosiy “o‘sish nuqtasi” va drayveri bo‘lishi va sohada yangi ish o‘rinlarini yaratish, shuningdek aholining real daromadini oshirish maqsadida, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktyabrdagi PF-5853-son Farmoniga muvofiq, qishloq xo‘jaligiga bozor mexanizmlarini va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, shuningdek, ilm-fan yutuqlaridan samarali foydalanish maqsadida Qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasi qabul qilindi [2].

Davlat tomonidan agrar sohani qo‘llab-quvvatlash, iqtisodiy manfaatdorligini oshirish bo‘yicha amalga oshirilgan tizimli tadbirlar natijasida, dastlabki ma’lumotlarga ko‘ra 2022-yilda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining umumiy hajmi 364,5 trln.so‘mni tashkil etib, 2017-yilga nisbatan 14,7 % ga oshdi [4].



O’z navbatida, yalpi ichki mahsulot tarkibida qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligining ulushi 25,1 % ni tashkil qildi. Ayni paytda qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida 3,6 million kishi mehnat qiladi. Bu respublika iqtisodiyotida band bo‘lganlarning 27 foizini tashkil etadi [6].

2022-yilda qishloq xo‘jaligi mahsulotining eng yuqori hajmi Samarqand (43,9 trln. so‘m), Andijon (37,4 trln. so‘m), Toshkent (35,2 trln. so‘m) va Buxoro (34,1 trln. so‘m) viloyatlarida qayd etildi. Aksincha nisbatan kam hajmga ega hududlar Sirdaryo viloyati (12,3 trln. so‘m), Qoraqalpog‘iston Respublikasi (14,4 trln. so‘m) va Navoiy viloyati (16,1 trln. so‘m) to‘g‘ri keldi [5].

Fermer hamda dehqon va tomorqa xo‘jaliklari qishloq xo‘jaligida asosiy ishlab chiqaruvchi kuch bo‘lib, nafaqat mazkur sohani, balki butun mamlakatimiz taraqqiyotini yuksaltirish, xalqimizning turmush darajasini oshirish, yurtimizni har jihatdan obod va farovon qilishda ulkan ishlarni amalga oshirmoqdalar. Fermer hamda dehqon va tomorqa xo‘jaliklariga yanada qulay sharoitlar yaratilib, ekin maydonlaridan foydalanish samaradorligini oshirish, ularning qonuniy huquq va manfaatlarini himoya qilishga alohida e’tibor qaratilayotganligi natijasida, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari umumiy hajmining 62,2 % – dehqon va tomorqa xo‘jaliklari hamda 31,4 % – fermer xo‘jaliklari hissasiga to‘g‘ri kelmoqda.

Respublikada boshoqli don ekinlaridan yuqori hosil yetishtirishni rag‘batlantirish tizimi joriy etilgani o‘zining ulkan ijobiy samarasini berdi. Jumladan, 2022-yil yakunlariga ko‘ra respublika bo‘yicha jami 8,0 mln. tonna – don va dukkakli don ekinlari yetishtirildi.

Respublika hududlarida meva-sabzavot, poliz, kartoshka va uzum mahsulotlarini ko‘paytirish, agrotexnik tadbirlarni o‘z muddatida o‘tkazish, ulardan yuqori sifatli, eksportbop mahsulot yetishtirish bo‘yicha tizimli ishlar olib borilganligi, shuningdek bog‘dorchilik va uzumchilikni rivojlantirish maqsadida zamonaviy texnologiyalar asosida intensiv mevali bog‘ va tokzorlarni barpo etish bo‘yicha tizimli ishlarni amalga oshirilishi natijasida respublikada 11,2 mln.tonna - sabzavotlar, 3,4 mln. tonna - kartoshka, 2,4 mln.tonna - poliz, 3,0 mln. tonna - meva hamda 1,8 mln.tonna - uzum yetishtirildi [6].

Respublikada yetishtirilgan asosiy turdagi dehqonchilik mahsulotlari

ming tonna

	2017 y.	**2018 y.**	**2019 y.**	**2020 y.**	**2021 y.**	**2022 y.**	**2022 y. 2017 y.ga nisbatan %**
Don ekinlari	7 288,5	6 535,5	7 437,8	7 636,0	7 634,6	7 994,9	109,7
Paxta	2 853,9	2 285,6	2 691,7	3 064,0	3 372,9	3 500,7	122,7
Kartoshka	2 793,7	2 911,9	3 089,7	3 143,8	3 285,6	3 441,7	123,2
Sabzavot	10 219,9	9 760,3	10 215,1	10 431,4	10 850,2	11 163,0	109,2
Poliz	2 031,0	1 837,0	2 068,7	2 134,4	2 285,3	2 420,7	119,2
Meva	2 614,9	2 706,2	2 752,7	2 812,6	2 852,5	2 983,5	114,1
Uzum	1 625,5	1 589,8	1 603,3	1 606,9	1 695,3	1 760,6	108,3

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish, barcha tarmoqlar, shu jumladan, qishloq xo‘jaligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Qishloq va suv xo‘jaligida raqamli va geoaxborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini oshirish maqsadida O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 17-dekabrdagi 794-son qarori qabul qilingan bo‘lib unda agrar sohasini raqamlashtirishning quyidagi ustuvor yo‘nalishlari belgilab berilgan [3]:

- qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yerlardan, suv resurslaridan samarali foydalanish va ekinlar holatini nazorat qilishning idoraviy va idoralararo axborot tizimlarini joriy etish;
- agrosanoat majmuidagi tashkilotlar tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlarni, shu jumladan, davlat xizmatlarini to‘liq elektron shaklga o‘tkazish;
- qishloq xo‘jaligi sohasida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish uchun davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida maqsadli loyihalarni amalga oshirish;
- suv omborlari va irrigatsiya tizimlarida suv resurslaridan foydalanishni “onlayn” rejimida nazorat qilish texnologiyalarini joriy etish;
- suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish, suvdan foydalanish va suv iste’moli hisobini yuritish hamda ma’lumotlar bazasini shakllantirish;
- biznes-startap loyihalarni amalga oshirish va innovatsion faoliyat natijalarini tijoratlashtirish uchun agrar sohadagi tadbirkorlik sub’ektlariga ko‘maklashish.

Shuningdek, mazkur qarorga muvofiq, Qishloq xo‘jaligi vazirligi huzurida “Agrosanoatni raqamlashtirish markazi” davlat muassasa tashkil etilgan bo‘lib,

Markaz agrosanoat majmuida “Raqamli qishloq xo‘jaligi” axborot tizimini yuritilishi uchun mas’ul tashkilot sifatida faoliyat ko‘rsatib kelmoqda.

“Raqamli qishloq xo‘jaligi” axborot tizimi qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtiruvchilar, ta’minotchilar hamda qayta ishlash tashkilotlari o‘rtasida o‘zaro iqtisodiy hamkorlikni amalga oshirish imkoniyatini beruvchi platforma bo‘lib xizmat qilmoqda.

Bugungi kunda “Raqamli qishloq xo‘jaligi” axborot tizimi doirasida agrosanoat va oziq-ovqat sohasiga oid ma’lumotlar bazasi kengaytirilmoqda, agrosanoat majmuidagi barcha vazirlik, idora va tashkilotlar hamda xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning ma’lumotlar uzatish tarmog‘i loyihalashtirilmoqqda, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish va sotish jarayoniga elektron tijorat amaliyotini joriy etish jarayonlari davom ettirilmoqda.

Shuningdek, “Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalarini joriy etish uchun texnologik sharoitlar yaratish, agrosanoat majmui uchun maxsus dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqish va tatbiq etish, integratsiyalashgan yagona axborot tizimi ish faoliyatini tashkil etish hamda belgilangan tartibda ochiq turdagi ma’lumotlardan foydalanishni ta’minlash kabi yo‘nalishlarda jadal ishlar olib borilmoqda.

Shu bilan birga, ushbu qaror bilan “Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalarini rivojlantirish Strategiyasi tasdiqlangan bo‘lib, unda quyidagi uzoq muddatli asosiy yo‘nalishlari amalga oshirish belgilab berilgan:

- qishloq xo‘jaligi yerlaridan foydalanishda raqamli va geoaxborot texnologiyalarini joriy etish;
- zamonaviy kompyuter texnologiyalarini tatbiq etish orqali suv resurslarini boshqarish va undan foydalanish;
- intensiv bog‘larni tashkil etish va bog‘dorchilik mahsulotlarini yetishtirishda avtomatlashtirilgan boshqarish texnologiyalarini joriy etish;
- issiqxona xo‘jaliklarida avtomatlashtirilgan, kompyuterlashtirilgan intellektual texnologiyalarni joriy etish;
- chorvachilik va parrandachilik sohasiga avtomatlashtirilgan texnologiyalarni tatbiq etish;
- qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini saqlash va qayta ishlash jarayonlariga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlangan logistika va savdo markazlarini tashkil etish;
- qishloq xo‘jaligining barcha yo‘nalishlari uchun “Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalari bo‘yicha malakali kadrlar tayyorlash va kadrlar malakasini oshirib borish;

“Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalarini joriy etishning normativ-huquqiy bazasini shakllantirish.

Ushbu Strategiyaning amalga oshirilishi hisobiga quyidagi natijalarga erishiladi:

- boshqaruv samaradorligi oshiriladi;
- resurs tejaydigan texnologiyalar, xususan, aniq uyalab ekadigan seyalkalar, GPS uskunalar bilan jihozlangan qishloq xo‘jaligi texnikalaridan foydalanishga o‘tiladi;

- suv resurslari, mineral o‘g‘itlardan samarali foydalanishni nazarda tutuvchi suvni tejaydigan, avtomatlashtirilgan sug‘orish texnologiyalari qo‘llaniladi;

- chorva mollarini parvarishlash va sut sog‘ish bo‘yicha avtomatlashtirilgan texnologiyalar joriy etiladi;

- raqamli shakldagi ma’lumotlar almashinuviga o‘tiladi, hisobot turlarini qisqartirish orqali ishtirokchilar o‘rtasida va davlat bilan o‘zaro hamkorlik samaradorligi oshiriladi;

- qishloq xo‘jaligi sohasining quyi tarmoqlari va hududlari uchun umumfoydalanishga qaratilgan bilim va texnologiyalar bazasi yaratiladi;

- qishloq xo‘jaligi ekinlarining iqlim o‘zgarishiga moslanuvchanligi va chidamliligi oshiriladi;

- ichki bozor va eksportga yo‘naltirilgan raqobatbardosh qishloq xo‘jaligi shakllantiriladi;

- oziq-ovqat xavfsizligi mustahkamlanadi va atrof-muhitni muhofaza qilish kuchaytiriladi;

- davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida davlat xarajatlari samaradorligi oshiriladi;

- xorijiy analoglarga mos keladigan “Aqlli qishloq xo‘jaligi” texnologiyalari joriy etiladi;

- innovatsion yechimlarni joriy etish orqali qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarning logistika infratuzilmasi samaradorligi oshiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-son Farmoni. 2017-yil 7-fevral;
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853-son Farmoni. 2019-yil 23-oktabr;
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Respublikasi agrosanoat majmui va qishloq xo‘jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 794-son qarori. 2020-yil 17-dekabr;
4. Berdiqulov Q.G‘., “Respublikada qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi tarmog‘ining rivojlanish holati va uning tendensiyalaridagi o‘zgarishlarni statistik baholash” ilmiy maqola. Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar institutining “O‘zbekiston statistika axborotnomasi” ilmiy elektron jurnali. 2023-yil, 1-son.
5. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi to‘plami. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. Toshkent - 2022 y.
6. http://www.stat.uz - O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining rasmiy sayti.

Садикова Д.Р. *- ТДЮУ, магистрант*

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИНГ ЎРНИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.”

Сўнгги йилларда рақамли технологиялар мамлакатлар ва интеграциялашган макроминтақаларнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда, натижада рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисодиётдан бир неча баробар тезроқ ўсиб бормоқда. Бу ўсишнинг кўп қисми замонавий технологиялар, жумладан, жадал ривожланаётган ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган.

Рақамли иқтисодиёт бу - рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланган, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолиятдир. Рақамли иқтисодиёт йирик саноат объектлари иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Қолеверса, ишлаб чиқариш ва бизнесни рақамлаштиришнинг потенциал иқтисодий фойдаси катта, бу - биринчи навбатда, янги даромад манбаларини шакллантириш ва мамлакат иқтисодий имкониятлари чегараларини кенгайтириш учун йўл очиб беради ва ўз навбатида иқтисодий тикланиш - глобал рақобатбардошликнинг ошишига ва аҳоли учун турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида айнан янги рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш - рақамлаштириш учун инфратузилма ва ҳуқуқий муҳитни шакллантириш, малакатларнинг бизнес ва иктисодиётдаги рақобатбардошлик даражасини белгилаб беради ҳамда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш учун замин яратади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистоннинг яқин йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётини рақамлаштиришнинг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари рақамли иқтисодиётга фаол ўтишни кейинги беш йил учун асосий устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб бердилар. Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилаш учун барча соҳаларга инновацион ечимлар, ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни жорий этиш чора-тадбирларини изчил ва жадал амалга ошириш белгилаб берилди ва амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга доир бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, унда мазкур тизимни тараққий эттиришга доир кўплаб қилиниши лозим бўлган вазифалар ва амалий чоралар белгилаб берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3832-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-6079-сонли қарорларига биноан республикада рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, яқин истиқболда барча тармоқ ва соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари кўйилган.

Ўзбекистонда "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастурини ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, энг аввало, пухта ва мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, қолаверса, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштиришнинг ҳуқуқий асослари батафсил кўрсатиб ўтилган. Зеро қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, мамлакатда "ахборотлашган жамият" муҳитини яратишга хизмат қилади.

"Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясида юқорида кўрсатиб ўтилган асосий масалалар билан бир қаторда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгилаб берилган. Қайд этиш жоизки, айнан рақамли иктисодиёт ривожланишига оид миллий индикаторлар мажмуасининг яратилиши учун меъёрий-ҳуқуқий асос мавжудлиги ҳам кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқишга пойдевор бўлди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун, шу жумладан бир вақтнинг ўзида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасини ўтказиш ва тезкор жўнатиш учун вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли даражада тежаш мақсадида ягона электрон тизими "project.gov.uz" жорий этилгани, соҳа ривожи учун қўйилган яна бир жиддий қадам бўлди.

2013 йилдан ишга туширилиб шакллантирилиб бошланган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун "ягона ойна" режимида давлат интерактив хизматларини кўрсатувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали "my.gov.uz" давлат – бизнес ва аҳоли муносабатларини мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Бугунги кунга келиб, 425 турдаги давлат хизматлари ушбу портал орқали кўрсатилаётганлиги ҳамда аксарият хизматларнинг онлайн тарзда давлат идораларига ташриф буюрмасдан олиш имконияти фуқароларимиз учун қулайликлар яратмоқда.

Бизнес ва иқтисодиётни рақамлаштириш борасида сўз брар экан, рақамлашув ва киберхавфсизлик тушунчалари доимо ёнма-ён келишини таъкидлаб ўтишимиз даркор. Чунки барча тизим ва жараёнларни рақамлаштириш билан бирга, уларнинг техник жиҳатдан мукаммал ва бехато ишлашини, хавфсизлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қанчалик эътибор қаратилаётган бўлса, киберхавфсизликни таъминлаш ҳам шунча долзарблик касб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, 2020–2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегия ва “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Киберхавфсизликка доир меъёрларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши ниҳоятда зарур ва ўз ўрнидаги тадбирдир. Рақамли олам ҳали-ҳамон ҳуқуқий жиҳатдан ўз мақомини аниқ белгилай олгани йўқ. Бу борада янги кун сайин таҳдидларнинг янги тур ва шакллари пайдо бўлмоқда, уларни қонунчиликда акс эттириш зарур. Киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ишлаб чиқиш миллий кибермаконда жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солади.

Шунингдек, 2020–2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегияга кўра киберхавфсизликнинг ягона тизими ва муҳим ҳисобланган инфратузилмани киберҳужумлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий база шакллантирилди. “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунда эса ахборот коммуникация ва технологиялари тизимини замонавий кибертаҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли даражадаги тизимлар учун киберхавфсизлик бўйича замонавий механизмларни жорий этиш, мазкур соҳада давлат органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар акс этиши кутилмоқда. Зеро, бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш зарурати сезилаётган эди. Юртимизда олиб борилаётган барча ислоҳотлар замирида халқимизга қулайликлар яратиш мақсади ётибди. Киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши рақамли имкониятлардан ишончли ва хавфсиз тарзда фойдаланишга замин бўлиши билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг киберхавфсизлик глобал индексида ўз позициясини мустаҳкамлаб боршига асос бўлиб хизмат қилади.

Рақамлаштириш жараёни виртуал оламда рўй беришини, бу эса ўз навбатида электр таъминотисиз амалга ошмаслигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Дунёда илғор фан техника ривожи ва глобал рақамлашув жараёнининг кенг суръатларда ўсиб бораётгани энергия таъминоти барқарорлигига бўлган талабнинг ошишишга сабаб булмоқда. Рақамлашув жараёни узлуксиз фаолият олиб бориши учун энергия таъминоти ҳам узлуксиз ва хавфсиз бўлмоғи даркор.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги кунда Республикамизда электр энергиясига бўлган эҳтиёж тез суръатларда ўсиб бораётган саноат ва ишлаб чиқариш соҳалари, рақамлашув ва аҳоли эҳтиёжлари учун мамлакатда мавжуд анъанавий энергия

ресурларининг етишмовчилигига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларини яратиш, узлуксиз фаолият олиб бориши шарт бўлган соҳаларни арзон ва экологик тоза энергия билан таъминлаш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, соҳа ривожига оид қатор қонунлар ва қонуности хужжатлари қабул қилинган. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаган ҳолда эркинлаштириб, соҳага ҳусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш масаласи алоҳида таъкидлаб ўтилган. Тараққиёт стратегиясидаги иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш. Бунда, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, 2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 30 миллиард киловатт соатга ошириб, жами 100 миллиард киловатт соатга етказиш вазифалари қўйилган.

2022 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда ўтказилган “Шанхай Хамкорлик Ташкилотининг” навбатдаги саммитида кўтарилган масалалар орасида “рақамлатириш ва яшил энергия” мавзуси хам кўриб чиқилди. ШҲТ мамлакатларида электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт ва АКТ соҳасида таълимни ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишда **рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнларни соддалаштиришга кўмаклашмоқда.**

Биринчидан, фотоэлектр станцияларни ўрнатиш ишларининг бориши, хизмат кўрсатиш ишлари ва фойдаланиш самарадорлигини кузатиб бориш мақсадида, Божхона қўмитаси дастурчилари томонидан “Яшил энергия” ахборот тизими ишлаб чиқилган. Мазкур ахборот тизимида якуний маълумотлар “Ўрнатилган объект – ҳудудий электр тармоқлари – туман ва вилоят ҳокимликлари – Қурилиш вазирлиги ва Энергетика вазирлиги” занжири асосида нафақат қайси объектга қуёш панеллари ўрнатилганлиги, балки улардан чиқаётган электр энергияси ҳажми, фойдаланилаётган ва сотилаётган энергия ҳажми ҳам реал вақт режимида кўринади.

Иккинчидан, ушбу тизимнинг солиқ органлари мобил иловаси билан боғланиши ортиқча энергияни тизимга етказиб берганлик учун тўловларни бевосита амалга ошириш имкониятини яратади. Вазирлар Махкамасининг 247-сонли қарорига мувофиқ “Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъктлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўз эҳтиёжидан ортиқча қисмини сотиш тратиби тўғрисидаги низом”да “яшил энергия” мониторинги 2023 йилнинг 20 июнига қадар интеграция қилинадиган “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг ҳисоб “Электрҳисоб”дастури Божхона қўмитасининг “Яшил энергия” ва солиқ қўмитасининг “Солиқ”тизимлари орқали рақамлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Яъни электр энергияси ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги ҳуқуқий (шартнома тузиш) ва иқтисодий (ҳисоб-китобларни амалга ошириш) муносабатларининг барчаси рақамлаштирилган тартибда амалга оширилади. Бу эса

ўз навбатида аҳолига вақт, йўл харажатлари, навбат кутиш ҳамда ортиқча оворагарчиликларнинг тежалиши кўринишида қулайликлар яратади. Натижада юридик ва жисмоний шахсларнинг тегишли давлат органлари ва коммунал хўжаликлари билан бўладиган фаолиятлари контактсиз, рақамлаштирилган ҳолда электрон иловалар орқали, тез ва осон амалга оширилади. Давлат ва жамият ўратисида тез, экологик, самарали, ишончли, шаффоф (инсон омилисиз, хатосиз) ва рақамлаштирилган яна бир хизмат тури яратилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланишда ахборот-коммуникация технологияларининг барқарор, узлуксиз ва сифатли фаолиятини таъминлаш, тайёргарлик босқичлари ва хавфсизлик маслаларига алоҳида эътибор бериш зарурати мавжуд. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат сиёсатида ҳар бир йўналишнинг ҳуқуқий асослари бўлгани каби, иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича хам қатор меъёрий ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган ва улар тизимнинг барча сохаларини амалдаги қонунчилик билан тартибга солади. Хусусан, муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқларини, мулкий ҳуқуқларни, шартнома ҳуқуқларини, шунингдек киберхавсизликка оид ҳуқуларини ҳимоя қилади. Бундан кўриниб турибдики рақамли трансформация жараёнларида муқобил энергиянинг ўрни мухим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПК-6079-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5030957
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3832-сонли қарори. https://lex.uz/ru/docs/3806053
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кеенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699-сонли қарори. https://lex.uz/docs/4800657
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020-йил 21- январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва Сенатига Мурожаатномаси. http://turkiston.uz (мурожаат санаси: 16.03.2020)
5. Ўзбекистон Республикасининг 15.04.2022 йилдаги “Киберзавфсизлик тўғрисидаги” 764-сонли Қонуни. https://lex.uz/uz/docs/5960604
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.06.2021 йилдаги “Рақамли иқтисодиётни ва электрон ҳуукматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллшатириш тўғрисида”ги 373-сонли қарори. https://lex.uz/ru/docs/5458249
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.06.2023 йилдаги “Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартибини белгилаш тўғрисида”ги 247-сонли қарори. https://lex.uz/ru/docs/5458249

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2023 йилдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-57-сонли қарори. https://lex.uz/uz/docs/6385716;

Рўзиев А.О. *– БТОМ, докторант, и.ф.н.*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШНИНГ МИҚДОРИЙ ВА АХБОРОТ ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида рақамли технологиялар тўлиқ кириб бораётган бир шароитда рақамлаштириш унинг тузилишини ўзгартирган ва янги сифат ҳолатига ўтказган ҳолда жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тенденциясига айланмоқда. Иқтисодий ўсиш тобора кўпроқ технология ва билимга асосланиб, уларни асосий ишлаб чиқарувчи кучга айлантирмоқда. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт ва унинг ютуқлари истиқболда жаҳон хўжалик субъектлари фаровонлигини таъминлашнинг асосий манбасига айланади [7].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз глобал билимлар иқтисодиётида яшаяпмиз, унда билим ва илмий кашфиётларни маҳсулотга айлантира оладиганларнигина келажаги бўлади. Инновациялар, мослашиш ва янги технологиялардан фойдаланиш ҳам миллий, ҳам жаҳон иқтисодиёти учун ўсишнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётни ривожланиши йўналишда халқаро рейтингларда кўриб чиқилган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш кўрсаткичлари алоҳида гуруҳларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатнинг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантирилганлигини баҳолаш барча индексларда эътиборга олинганлиги билан бир вақтда, институционал база ва инновацион муҳит даражасини (рақамлаштириш жараёнларини рағбатлантирадиган сиёсий ва ишбилармонлик муҳити) баҳолаш, таннархи бўйича ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти, аҳолининг билим даражаси ва АКТдан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни ривожлантириш, аҳоли томонидан интернетдан фойдаланиш ва бизнесда рақамли технологиялардан фойдаланиш йўналишлари, АКТ соҳасининг ривожланиши, АКТнинг иқтисодиёт ва жамиятга таъсири, етакчи рақамли технологиялар ривожланиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлари таҳлил қилинади [5].

Мавжуд халқаро индексларни таҳлил қилиш натижасида келтирилган индексли кўрсаткичлар таркибий қисмларининг тузилиши ва асосий гуруҳлари ҳамда кичик гуруҳлари сони, шунингдек рақамли параметрларнинг қийматларини ҳисоблаш методологияси бўйича бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Шу билан бирга, барча индекслар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ жиҳатларни акс эттиради. Бундан ташқари, уларнинг барчаси қандайдир

(тизимлаштирилмаган) тарзда ахборот-телекоммуникация технологияларининг ривожланишини ҳисобга олади. Шундай қилиб, бир томондан, бу индекслар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса, бошқа томондан, уларда “рақамлаштириш” тушунчасини талқин қилишда турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади.

Юқорида кўрсатилган фикрлардан кўриш мумкинки, рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги кундаги жадал ривожланишига қарамай уни таърифлаш, таснифлаш ва ўлчаш жараёнлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Анъанавий ва рақамли иқтисодиёт ўртасидаги аниқ фарқларни кўрсатиб бера олмайдиган таърифларни мавжудлиги ўз-ўзидан рақамли иқтисодиётни таққослаш ва таҳлил қилишда, ривожланишини баҳолаш жараёнларида мураккабликларга олиб келади. Жумладан, агарда рақамли иқтисодиёт фақат компанияларда фойдаланилаётган технологияларга асосланган ҳолда таърифланса, умумдавлат иқтисодиётининг катта қисмини қамраб оладиган рақамли технологияларни эътиборга олмаслиги мумкин [7]. Табиийки, рақамли иқтисодиёт ёки рақамли секторнинг умумэътироф этилган таърифининг мавжуд эмаслиги, шунингдек, интернет-платформалар ва улар билан боғлиқ хизматлар учун иқтисодий тармоқлар ва маҳсулотлар таснифининг ишлаб чиқилмаганлиги рақамли иқтисодиётни тўлақонли баҳолашга тўсқинлик қилади [6]. Рақамли технологиялар туфайли амалга оширилаётган иқтисодий фаолият турлари сонининг ортиб бораётганлиги ва бунинг натижасида уларнинг иқтисодий аҳамияти ортиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, рақамли иқтисодиётни ўлчаш асосий масала ҳисобланади [1].

Мавжуд халқаро индекслар ва рейтинг кўрсаткичлари, улардаги микро индекслар, субиндекс ва композит индексларни шакллантириш методологияси, афзаллик ва камчиликлари, умумийлиги ва фарқларини таҳлил қилиш истиқболда мамлакатларнинг рақамли иқтисодиётга тайёрлик даражаси ва рақамли глобаллашув даражасини акс эттирувчи янги муаллифлик индексларини шакллантиришда фойдаланиш имконини беради.

Рақамли технологиялар ва ахборот жараёни бевосита рақамли иқисодиёт бўйича келтирилган турли тушунчаларга мос равишда таъсир этади. Бу ерда энг муҳим жиҳат шундаки қай даражада асосланган тушунча бўлишига қараб рақамли иқтисодиётнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари аниқланади.

Бу мезонларни ишлаб чиқиш зарурияти эса иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини белгилаши билан асосланади. Бунга сабаб эса рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг миллий индекслари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг халқаро индекслари мавжудлиги бўлиб, уларни турли тамойиллар асосида ишлаб чиқилишидир.

Бу тамойиллар иқтисодий ресурслардан қай даражада самарали фойдаланишини белгилашидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки иқтисодий ресурслар турли мамлакат ва минтақаларда турлича тақсимланган ва бу ўз навбатида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни баҳолаш мезонларини тўғри белгилаш билан боғлиқ масалани ўртага қўяди.

Бунинг учун иқтисодиётни рақамлаштириш назарияси ва амалиётида

биринчи марта киритилаётган тушунча – “Ахборот ресурслари рақамлаштирилишида уларнинг иқтисодий функционаллик индекси”ни (АРРИФИ - биз томондан киритилмоқда) умумметодологик характери ҳамда амалий жиҳатини кўриб чиқиш учун қуйидаги чизмани (схемани) таклиф этамиз (1-чизма).

Миллий иқтисодиёт иқтисодий ресурслари тўплами (мавжудлиги) ҳар қандай иқтисодий жараён ва ижтимоий муносабатлар асоси эканлигини инобатга олиб уларни биз меҳнат, табиий, ахборот ва капитал ресурслар кўринишида тасаввур этамиз.



1-чизма. Ахборот ресурслари рақамлаштирилишида уларнинг иқтисодий функционаллик индекси (АРРИФИ)

Бу схемадан кўриниб турганидек, бу индекснинг асосий мантиқий-узвий боғлиқлик даражасини ифодаловчи элементлар келтирилган. АРРИФИни биз тизимлашган категория сифатида қарайдиган бўлсак, унда “Ахборотнинг потенциал қиймати”ни рўёбга чиқариш масаласининг ечими, бу тизимлаштирилаётган категориянинг негизи ҳисобланади.

Айни пайтда шуни таъкидлаш жоизки, бундай потенциал қийматнинг мавжудлиги объективдир; барча муаммо эса, ана шу объективликни рўёбга чиқаришда. Бу мақсадда рақамлаштирилаётган ахборотлар мавқеи ва аҳамияти бошқа ахборотлар билан ўзаро боғлиқлиги тўғри ва тескари алоқалар билан ифодаланади.

Таҳлиллар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда турли халқаро композит индекслар ёрдамида рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини баҳолаш учун етарлича кенг аппарат шакллантирилган. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ривожланишини баҳолашнинг халқаро усуллари ҳам камчиликлардан холи эмас, улар асосан АКТ инфратузилмаси ва аҳолининг интернет тармоғига жалб этилганлик даражасини баҳолашни қамраб олади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида рақамлаштириш жараёнининг

муаммоли соҳаларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва шу билан турли глобал рақамли рейтинглардаги ўрнини яхшилаш имконини берувчи рақамли иқтисодиётни ривожланиш индексини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Инновацияларсиз рақамлаштиришни тўлиқ амалга ошириб бўлмагани каби рақамалаштиришсиз ҳам замонавий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни амалга ошириб бўлмайди. Демак, иқтисодиётнинг рақамлашувига инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини белгилаб берувчи асосий омил сифатида қараш зарур. Бу эса иқтисодий тизимларнинг рақамли ва инновацион ривожланиш даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради. Кейинги навбатда рақамлаштириш ва инновацион ривожланишни баҳолаш учун тавсия этилган кўрсаткичларни батафсил ўрганиш, шунингдек, ташкилий баҳолаш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш йўналишида тадқиқотлар олиб бориш долзарблилик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bukht R., Heeks R. Defining, Conceptualising and Measuring the Digital Economy // International Organisations Research Journal. – 2018.
2. Maskus, K. Private Rights and Public Problems : The Global Economics of Intellectual Property in the 21st Century / K. Maskus. - Peterson Inst. for Intern. Economics, 2012. - P. 1.
3. Measuring the Digital Economy: A New Perspective. – Paris : OECD Publishing, 2014.
4. Measuring the Digital Economy. www.imf.org/ en/Publications/Policy-Papers/Issues/2018/04/03/022818-measuring-the-digital-economy.
5. Рўзиев А.О. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда рақамлаштиришни баҳолаш халқаро амалиёти. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ 4 (3)-2023. ISSN: 2181-1342 (Online) https://scienceproblems.u 60-74 б.
6. Смирнов, Е. Н. Эволюция инновационного развития и предпосылки цифровизации и цифровых трансформаций мировой экономики / Е. Н. Смирнов // Вопросы инновационной экономики. - 2018. - Т. 8. - № 4. -С. 553-564.
Keyingi yillarda xalq ta’limi tizimi oldida turgan muamolar bartaraf etilib, salmoqli islohotlar amalga oshridi. Xususan, 2020-2021 o‘quv yilidan tajrib- sinov tariqasida 12 ta yo‘nalishda variativ o‘quv rejalari joriy etildi. Iqtidorli yoshlar uchun mutlaqo yangi turdagi 4 ta Prezident hamda 9 ta ijod maktablari tashkil etildi. Fan olimpadalarda ishtirok etib, g‘olib bo‘lgan oquvchilarga 200 baravardan 500 baravargacha bir martalik pul mukofotlari joriy etildi.

Bugunga kelib 2000 nafardan ziyod imkoniyati cheklangan bolalar uchun inklyuziv ta’lim xizmati tashkil etildi. Hozirda 5900 dan ortiq umumta’lim maktabida inklyuziv ta’lim bilan 64658 nafarga yaqin o‘quvchi qamrab olingan. 11 yillik ta’limga o‘tish munosabati bilan bo‘shab qolgan 383 ta kasb-hunar kolleji maktabga aylantirib qo‘shimcha 221 mingta o‘quvchi o‘rni yaratildi. [8-104-105] Bugunga kelib sohada raqamlashtirish ishlari ham jadal ketmoqda. Masalan, *kundalik.com, erp.maktab.uz, xt.uzedu.uz, attestat.uzedu.uz* platformlari yo‘lga qo‘yilib, foydalanuvchilar uchun qulayaliklar yaratilmoqda.

Yana bir e’tiborlisi shuki, O‘zbekistonda yangi professional ta'lim joriy etilib, birinchi marta har bir mutaxassisning xalqaro me'yorlarga mos malaka darajasini belgilab berishga asos bo‘ladigan hujjat — Milliy malaka tizimi qabul qilindi. Unga ko‘ra, 340 ta kasb-hunar maktabi, 147 ta kollej va 143 ta texnikum tashkil etilib, mehnat bozorida o‘rta bo‘g‘in kasblari ishlab chiqidi. 2020/2021 o‘quv yilidan boshlab O‘zbekiston Respublikasida **Ta’limning xalqaro standart tasniflagichi** [9] (keyingi o‘rinlarda – Xalqaro tasniflagich) darajalari bilan uyg‘unlashgan yangi boshlang‘ich, o‘rta va o‘rta maxsus professional ta’lim tizimi hamda tabaqalashtirilgan ta’lim dasturlari joriy etiladigan ta’lim muassasalari tarmog‘i tashkil etildi.

Demakki, samarador inson resursini shakllantirish maktabdan boshlanadi. Shunday ekan ta’lim dargohlarining munosib shart-sharitlar bilan jihozlanish, malakali peadgog-kadrlar bilan ta’minlanishi maktab o‘quvchilarni munosib va sifatli ta’lim berish mamlakatning keyingi istiqoblida muhim rol o‘ynaydi hamda mehnat bozorida ehtiyoj bo‘lgan o‘rta bo‘g‘in kasblarining ham joriy etishi bilan bog‘liq ta’limiy reforma bir tomondan ta’lim berishni, ikkinchi tomondan ularning bandligini ta’minlashda ahamiyatlidir.

Talabalar – oliy ta’lim tizimida o‘qiyotgan inson resurslaridir. Talabalar xar bir davlatning ijtimoiy jihatdan eng harakatchan, faol, faoliyati ilmiy soha bilan bog‘langanligi tufayli innovatsion, kreativ tafakkur shakliga ega qatlam xisoblanadi. Ular ilm-fan bilan bevosita shug‘ullanganliklari tufayli intellectual elitadir. Talabalar ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni nazariy, amaliy jihatdan o‘rganadigan, jamiyatning yaxlit manzarasini idrok eta oladigan qatlamdir. Mazkur qatlam mamlakatning ishlab chiqarish (iqtisodiy,siyosiy, ma’naviy, ijtimoiy) jarayoniga tayyor kadr bo‘lib boradigan, siyosiy tizimning muhim komponentlaridan biridir.

Davlat statistika qo‘mitasi xabariga ko‘ra, 2021/22-o‘quv yili boshiga respublikadagi oliy ta’lim muassasalarida ta’lim olayotgan talabalar soni 808,4 mingtani tashkil etgan.[10]

Keyingi yillarda talabalar elitasini davlat tomonidan jiddiy qo‘llab-quvvatlanib kelmoqda. Xususan, oliy ta’limda tahsil oluvchilarning qamrovi oshirildi, tabaqalashtirilgan kontrakt to‘lov tizimi joriy etildi, nufuzli xorijiy ta’lim muassasalarida tehsil olish uchun mo‘ljallangan institutsional tizimi shakllantirildi (El-yurt umidi jamg‘armasi) hamda tizimninng yildan-yilga raqamlashtirilib borilmoqda. Biroq, e’tirof etish kerakki, mavjud oliy ta’lim va xususiy olim ta’lim muassasalarining bitiruvchilarning mexnat resusrsi sifatida mexnat bozorida o‘rin egallay olmayotgani og‘ir nuqtalardan biridir. Bir tomondan, raqobatga asoslangan bozor munosabatlarida zamonaviy bilimlar, tanqiqdiy, tahliliy, kreativ tafakkurga ega bo‘lgan bitiruvchilarning aksar qismi ma’lum bir mexnat faoliyati bilan band bo‘lmoqda. Ko‘pchilik qismi esa teskari proporsianllikda gasterbayterlarga aylanmoqda. Ikkinchi tomondan, mavjud mexnat bozorida halol raqboatga asoslangan tanlov asosida ishga kirishning yangicha tizimi ya’ni o‘z salohiyati va bilimi orqali meritokratiya tamoyillari asosida ishga joylashishning o‘ziga xos tizimi ham joriy etild. Endilikda bitiruvchilar to‘g‘ridan-to‘g‘ri Davlat xizmatini rivojlantirish agentligi byurokratik to‘siqlar, ovorgarchiliklarsiz ishga joylashish imkoniyati mavjud.

Xulosa qilib aytganda, mamlakatning innovatsion va raqamli rivojlanish davrida inson resurslariga har qachongidan e’tibor qaratish lozim bo‘ladi. Bu esa ta’limning quyi pog‘onasidan tortib, to yuqori akademik faoliyatga qadar bo‘lgan jarayonni o‘z ichiga oladi. Samarador inson jamiyat taraqqiyotining muhim omili va komponenti bo‘lsa, sifatli ta’lim esa inson kapitalini yuzaga chiqarishdagi bosqich ekaligini bugungi kunning o‘z tasdiqlab turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. To‘ychiyeva I. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tayyorlov guruhi bolalarining fikrlash faolligini rivojlantirish. Falsafa fanlari doktori (PhD) dissertatsiyasi – Toshkent, 2020.- B.12.
2. O‘zbekiston Respublikasining “2023-yil uchun O‘zbekiston Respublikasining davlat budjeti to‘g‘risida”gi qonuni ijrosini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida Prezidentining qarori, 30.12.2022 yildagi PQ-471-son (https://lex.uz/docs/-6333357)
3. Детский сад в Японии: Опыт развития детей группе.М, 2012
4. Sh.Asadov “O‘zbekistonda 2017-2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi natijalari Factbook” byulleten, T: Baktria press, 2021, 98-99-betlar
5. https://galitravel.ru/doshkolnoe-obrazovanie-v-yaponii/
6. To‘ychiyeva I. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tayyorlov guruhi bolalarining fikrlash faolligini rivojlantirish. Falsafa fanlari doktori (PhD) dissertatsiyasi – Toshkent, 2020.- B.31.
7. https://www.bookyourstudy.com/ru/osobennosti-doshkolnogo-obrazovaniya-v-germanii

8. https://kun.uz/uz/news/2022/11/19/ozbekiston-oliy-talim-muassasalarida-talim-olayotgan-talabalar-soni-malum-qilindi

Davlatova S.T. *- millatlararo munosabatlar va xorijiy mamalakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi, Markaz rahbari, t.f.d.*

IQTISODIY RAQAMLI TRANSFORMATSIYA JARAYONLARIDA MILLIY HUNARMANDCHILIKNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

Raqamli transformatsiya hozirgi kunda jamiyatni yanada modernizatsiya qilish va milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladigan alohida islohotlardan biridir. Ta'kidlash joizki, global pandemiya davrida raqamlashtirish va raqamli transformatsiya zaruratini ko'rsatib, IT sohasidagi dolzarb masalalarni bartaraf etish hamda barqaror rivojlanishni ta'minlash maqsadida O'zbekistonning raqamlashtirish strategiyasi qayta ko'rib chiqildi va takomillashtirildi. Qolaversa, respublikaning Taraqqiyot strategiyasi doirasida barcha asosiy sohalarni raqamlashtirish hamda mamlakatda haqiqiy axborot jamiyatini barpo etish salohiyatiga ega tarmoqlardan hisoblanadi.

“2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi” va “Raqamli O'zbekiston - 2030” da milliy iqtisodiyot, sanoat va umuman jamiyatda raqamli transformatsiyani amalga oshirishga qaratilgan bir qator chora-tadbirlar ko'zda tutilgan[12]. Shuningdek, Taraqqiyot strategiyasida muhim sohalarni raqamlashtirilishga alohida e'tibor qaratilib, davlat xizmatlari, sud tizimi, huquqni muhofaza qilish organlari, yo'l harakati boshqaruvi tizimi, sog'liqni saqlash tizimi, ijtimoiy xizmatlar, bank va qishloq xo'jaligi tarmoqlari va milliy iqtisodiyotning boshqa asosiy sohalariga yangi texnologiyalarni joriy qilish belgilangan. “Raqamli O'zbekiston - 2030” strategiyasini muvaffaqiyatli amalga oshirishning eng muhim shartlari esa sohaning moliyaviy ta'minoti va aholining raqamli savodxonligini oshirishdan iborat.

Mustaqillik yillarida O'zbekistonda hunarmandchilik an'analarini saqlab qolish, tiklash, rivojlantirish va ularni kelajak avlodga yetkazish maqsadida keng ko'lamdagi ishlar amalga oshirildi. Hunarmand ustalarning ijtimoiy mavqei sezilarli darajada yuksaldi. O'zbek xalqining milliy qadriyatlarini asrash, an'anaviy hunarmandchilikning unutilayotgan sohalarini tiklash va targ'ib qilish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi hamda qator uyushma, tashkilotlar tuzilib, viloyatlarda hududiy bo'limlari tashkil qilindi. Milliy hunarmandchilikning huquqiy asoslarini mustahkamlashga ham alohida urg'u berildi. O'zbekiston hududlarida hunarmandchilik markazlarini tiklashga e'tibor qaratilib, yog'ochga ishlov berish, zargarlik, kandakorlik, to'quvchilik, shishasozlik, gilamchilik, kashtado'zlik, kulolchilik, to'quvchilik va boshqa hunar turlarini qayta tiklash yuzasidan hunarmand va korxonalar faoliyati davlat tomonidan rag'batlantirildi[1].

So'nggi yillarda O'zbekistonda milliy hunarmandchilik sohasining rivojlanishi hamda taraqqiy etishi uchun muhim iqtisodiy va ma'naviy zamin yaratildi. Mustaqillik yillarida o'tkazilgan islohotlar tufayli barcha hududlarda zamonaviy, jahon andozalariga

mos keladigan korxonalar qurildi, mavjudlari qayta ta'mirlanib, zamonaviy texnika va asbob-uskunalar bilan jihozlandi. Shuningdek, korxonalar o'zini-o'zi tiklash imkoniyatiga ega bo'lib, bozor talabida mahsulot ishlab chiqarish va sotish evaziga texnik jihatdan qayta jihozlash ishlari yo'lga qo'yildi. Aytib o'tish kerakki, bu soha tubdan modernizatsiya qilindi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Hunarmandchilik modernizatsiyasi jamiyat taraqqiyoti davomida urbanizatsiyalashuvning kuchayishiga (shaharlarning mavqeini oshishi), jumladan, hunarmandlar uchun turar joy va ustaxona-do'konlarning yaratib berilishi, hunarmandchilik mahsulotlarini qo'lda tayyorlash, jahonga yuz tutishi va dunyo hunarmandlari bilan bellasha olishi, texnika taraqqiyoti va sanoatlashuvning yuzaga kelishi (industrializatsiya) jarayonlari kuzatiladi[2]. Buni bugungi dunyoqarash nuqtai-nazaridan olib qarasak, texnik jarayonlarning yuzaga kelishi hunarmandchilikning beixtiyoriy yo'qolishiga olib keladi[8]. Hunarmandchilik ham xuddi yirik sanoat ishlab chiqarishiga o'xshab, sanoat inqilobi va uning ketidan modernizatsiya davrida, raqobatni surib chiqaruvchi doimiy o'zgarish va transformatsiyalarga bardosh berib taraqqiy etib borgan[7]. Modernizatsiya nazariyasi zamonaviylikning yangi qarshiliklariga moslashuvi yuqori bosqichini ko'rsatdi. Modernizatsiya tushunchasi zamonaviylikni ikki ko'rinishini: “ko'p miqdorda” modernlar nazariyasi va refleksif (holat aksi, oqibati) modernizatsiyaga bo'linadi hamda iqtisodiy rivojlanish davrida hunarmandchilikda uning o'rnini topish kerak. Oqibatda hunarmandchilik zamonaviy sharoitlarga ham o'zining yuqori moslashuvini ko'rsatdi va G'arb davlatlarida keng tarqalishiga erishdi[5; 6].

Sovet davrida qoloq deb e'tirof etilgan mamlakat iqtisodiyotida jahon andozalariga to'g'ri keladigan mahsulotlarning yangi turlari ishlab chiqarilib, kichik va o'rta biznesni rivojlantirish ishlari amalga oshirildi. Yangi ishchi o'rinlari yaratildi, milliy hunarmandchilik namunalarining xorijiy davlatlarda keng ko'lamda namoyish etilishi uchun keng yo'l ochildi. Mahalliy xom ashyodan tovar ishlab chiqarish va jahon bozoriga chiqarishga alohida e'tibor qaratildi. Hunarmandchilik nafaqat milliy an'ana va qadriyat, balki daromad keltiruvchi soha sifatida xalq xo'jaligida o'zining o'rniga ega bo'la boshladi. Qolaversa, bozor iqtisodiyoti sharoitida hunarmandchilikdagi transformatsiyalar kasanachilik, bozor turizmi, kichik biznes va tadbirkorlik ko'rinishlarida namoyon bo'ldi. Respublika hududlari iqtisodiyotida turizm infrastukturasini rivojlantirish va bozor iqtisodiyoti sharoitida milliy hunarmandchilik buyumlarini ishlab chiqarish bozori shakllandi. Hunarmandchilik mahsulotlari sovg'abop buyumlar bozori negizini, ya'ni hunarmandchilik tijorati asosini tashkil qiladi[1].

Shu munosabat bilan hunarmandchilik sohasini raqamli iqtisodiyotda asosiy «drayver» sohaga aylantirib, 2026 yil oxiriga qadar unda tovar ishlab chiqarish hajmini oshirish, bunda dasturiy mahsulotlar industriyasi hajmini eksportini ham oshirib, shuningdek, iqtisodiyotning real sektorida hamda moliya va bank sohalarida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini yetarlicha oshirishni ko'zda tutadi. Bundan tashqari, shaharlarni raqamlashtirish va «Aqlli shahar» kontseptsiyasi doirasida o'ziga xos tarzad rivojlantirishga ustuvor ahamiyat berish

lozimdir. Bu esa o'z navbatida hunarmandchilik markazlarining rivojlanishi va qayta tiklanishiga xizmat qiladi.

O'z o'rnida savol tug'ilishi tabiiy. Xo'sh raqamli tranformatsiya nima o'zi? Raqamli transformatsiya - bu biron bir korxona yoki kompaniyaning biznes jarayonlariga yangi texnologiyalarni joriy etish usuli bo'lib, unda raqamli texnologiyalaridan biznes faoliyatini o'zgartirish va yaxshilash uchun foydalaniladi. Albatta buning evaziga kompaniyaning miqyosi kengayib, yanada samarali va daromadliroq bo'ladi. Ya'ni bir so'z bilan aytganda, raqamlashtirish emas, balki kompaniyani raqamli makonda targ'ib qilishga qaratilgan tadbirlarning katta to'plami bo'lib, turli tajribalarga tayyorgarlik, iqtisodiyotda eski biznes jarayonlaridan voz kechish va biznesni kengaytirish uchun zamonaviy texnologiyalardan foydalanish tushuniladi.

Biznesning raqamli transformatsiyasi yangi texnologiyalarni qo'llash orqali mijozlarga xizmat ko'rsatish sifatini oshirishga qaratilgan. Biroz oldin biznes sohasiga ijtimoiy tarmoqlarning joriy etilishini inqilob deb atash mumkin edi. Bugun esa bu yetarli emas bo'lib qoldi. Kompaniyalar takomillashtirish va rivojlanish uchun zamonaviy texnologiyalarga muhtoj. Biznesni yuritishning an'anaviy strategiyalaridan raqamli biznes strategiyalariga inqilobiy o'tish tufayli kompaniya raqobatchilarga nisbatan sezilarli afzalliklarga ega bo'ladi. Biroq, qat'iy harakat qilish zarur. Yangi jarayonlarning ba'zilari tez va samarali ishga tushiriladi, boshqalari esa uzoq muddatli o'zgarishlarga olib kelishi va hatto qisqa masofalarda buzilishlarni keltirib chiqarishi mumkin. Biroq raqamli transformatsiyaga to'g'ri yondashish va samarali vositalarni joriy etish kompaniyani «raqamlashtirish» va uning imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beradi.

Ijtimoiy taraqqiyotning har bir tarixiy davri o'zgarishi bilan hunarmandchilikning noyob mahsulotlari, qo'l mehnati durdonalari, mehnat qurollari, ashyolar, turar joy va inshoatlar yo'q qilib tashlanmaydi, balki ular yangi ijtimoiy davr uchun xizmat qilaveradi. Chunki, hunarmandchilik kishilar o'rtasida ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy munosabatlardan iborat bo'lib, ular jamoaviy tarzda ishlab chiqarish qurollarini yaratganlar.

Masalan, Amerika Qo'shma Shtatlari o'zining Xalqaro taraqqiyot agentligi (USAID) orqali Afg'oniston va Markaziy Osiyo mamlakatlarida an'anaviy hunarmandchilik bilan shug'ullanuvchi ayollar uchun alohida «Ayollar hunarmandchilikda: o'zaro hamkorlik va raqamli savdo imkoniyatlari» deb nomlangan vebinarlarni o'tkazilib kelinayotganligi fikrimiz dalilidir.

Mazkur vebinarlar Birlashgan Millatlar Tashkilotining Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti ko'magida USAIDning «Markaziy Osiyoda raqobatbardoshlik, savdo va yangi ish o'rinlarini yaratish» loyihasi hamda AQSh Savdo vazirligining «Tijorat huquqini rivojlantirish» dasturi tomonidan tashkil etildi[9].

Madaniy merosning qadriyatlari va milliy kiyimlar, gilamchalar va hunarmandchilik buyumlarini tayyorlash an'analari bilan marketing, o'zaro aloqalar, elektron tijorat va onlayn savdo maydonchalaridan foydalanish sohalarida zamonaviy bilimlarni uyg'unlashtirishga imkon berdi. Yigirma yildan buyon butun mamlakat bo'ylab 200 dan ortiq hunarmandlarga o'z mahsulotlarini sotishda yordam berib

kelayotgan O'zbekistondagi «Human House» galereyasining asoschisi Lola Sayfi: Biz hunarmandchiligimizni olg'a siljitish uchun yangi imkoniyatlarni faol o'rganmoqdamiz va hamkorlik qiladigan barcha hunarmandlarning vakili sifatida sheriklikka tayyormiz hamda «ushbu vaziyatdan chiqish yo'llarini topishda ularga yordam beramiz deb umid qilamiz" - degan edi o'z nutqida[11].

Toshkent shahridagi Inha Universiteti binosida "Uzum", Novica.com, Mato.uz kompaniyalari vakillari tomonidan yosh hunarmandlarga "Uzum", "ETSY", "Amazon", "EBAY" kabi elektron tijorat platformalarida ishlash, elektron savdo platformalarining imkoniyatlari, ichki va tashqi bozorlarda xaridorlar topish, mahsulotni dunyo bo'ylab sotish va boshqa qo'shimcha ko'nikmalar o'rgatilib kelinayotganligi ham sohani rivojlantirishga ko'maklashadi.

Raqamli texnologiyalar vazirligi hunarmandlar uchun elektron tijorat platformalarida daromad topish bo'yicha bepul ta'lim dasturini e'lon qilgan edi. Dasturdan asosiy maqsad - hunarmandlarni yirik xalqaro va mahalliy elektron tijorat platformalarida o'z mahsulotlari bilan savdo qilib, daromadga chiqishga ko'maklashishdan iborat. Dasturga 100 ga yaqin hunarmand yoshlar ro'yxatdan o'tgan bo'lib, ulardan belgilangan talablarga mos keluvchi 30 nafari saralab olindi[9]. Bepul ta'lim dasturi doirasida Telegram ijtimoiy tarmog'ida maxsus guruh ishga tushirilib, ishtirokchilar qamrab olindi.

Tadbirda Raqamli texnologiyalar vaziri maslahatchisi Kamola Sobirova, Raqamli industriya va IT-eksportni rivojlantirish bo'limi rahbari, Novica.com elektron savdo maydonchasining O'zbekistondagi vakolatxonasi rahbari Diego Chacon, Elektron tijorat bo'yicha xalqaro ekspert Lola Sayfi kabi o'z sohasining professional vakillari o'z nutqlari bilan ishtirok etdilar[11].

Ta'kidlash joizki, dunyo xalqlarining o'ziga xos amaliy san'ati, hunarmandchilik an'analarini saqlab qolish va rivojlantirishda Jahon Hunarmandlar Kengashi (World Craft Cjuncil) hamda YuNESKOning Madaniy rang-baranglik bo'yicha umumjahon deklaratsiyasi doirasida amalga oshirilayotgan xalqaro miqyosdagi tadbirlar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu jarayon har bir xalqning hunarmandchilik an'analarining milliy va lokal xususiyatlarini tarixiy ilmiy jihatdan xolisona o'rganish hamda insoniyat sivilizatsiyasining madaniy merosi sifatida saqlab qolish zarurligini taqozo etmoqda[4].

Raqamli transformatsiyaga investitsiya kiritish shunchaki kelajakka qadam emas, balki butunlay yangi, zamonaviy va ilg'or mijozlar bilan munosabatlarini shakllantirish zaruratidir. Bozorni batafsil o'rganib, tahlil qilib va yangi texnologiyalarni joriy etish strategiyasi ishlab chiqish talabi hisoblanadi. Masalan, Marg'ilon shahrida Turizm va madaniy meros vazirligi, UNESCO ishlari bo'yicha O'zbekiston Milliy komissiyasi, UNESCO va UNFPA ning O'zbekistondagi vakolatxonasi va «Hunarmand» uyushmasi tomonidan «Atlas bayrami» V xalqaro an'anaviy to'qimachilik festivali 2015 yildan buyon har yili an'anaviy tarzda o'tkazilib kelinmoqda. Bu ham bitta yo'l.[9].

Bundan tashqari, hunarmandlik mahsulotlariga QR-kod qo'yish orqali mahsulot brendi individualligini oshirish va xorijiy sayyohlarni jalb qilish uchun axborot platformasini yaratish borasidagi takliflarga ham yechim topiladi. Jumladan, turizm

sohasida milliy hunarmandlik mahsulotlari onlayn savdosini shakllantirish, xorijiy sayyohlarni jalb qilishda milliy mahsulotlarga qo'yilgan stikerlar orqali ko'rgazmalilikni oshirish imkoniyatini paydo qiladi. Bunga erishish avvalo, milliy hunarmandichilik mahsulotlari to'g'risidagi ma'lumotlarning foto, audio, video, 3D formatdagi grafik, brend dizayner ishlanmalari tayyorlanadi, platformada iste'molchilar uchun qulay mobilь ilovalar yaratiladi. Shundagina hunarmandlar o'z mahsulotlarini mazkur tizimga joylashtirishib, jarayonni nazorat qilishi ham mumkin bo'ladi. Qolaversa, mahsulotlar ishlab chiqaruvchilarning ma'lumotlar bazasi, Milliy mahsulotlar klassifikatori, onlayn platformalar orqali hunarmandchilik ilovalari yaratiladi.

Mazkur yaratilgan dastur orqali statistik kuzatuvlar, hunarmandlarga buyurtmalar yuborish va qabul qilishni nazorat qilish imkoni ham paydo bo'ladi. Ijtimoiy tarmoqlarga (Facebook, Instagram, Telegram, Youtube va h.k.) integratsiya qilish orqali stikerli hunarmandlik mahsulotlari targ'iboti va reklamasi amalga oshiriladi. Ayni vaqtda bunga erishgan hunarmandlarimiz ham talaygina[9].

«Marg'ilon va unga tutash tumanlarda mato va gilam to'qimachiligi, milliy libos va milliy poyabzal tayyorlash bilan 3 mingga yaqin, Rishton tumanida an'anaviy kulolchilik bilan 5 mingdan ortiq, Qo'qon shahri va unga tutash hududlarda yog'och o'ymakorligi, zargarlik kabi hunarmandchilik turlari bilan 10 mingga yaqin oilalar shug'ullanadi», - dedi Hayrullo Bozorov[9]. Shundan so'ng ochilish marosimi doirasida Marg'ilon shahriga «Jahon hunarmandlari shahri » maqomi berildi. Bu yesa Marg'ilonning World Crafts Council - Jahon hunarmandchilik kengashi tarmog'iga kiritilishini ta'minlaydi. Bugungi kunda dunyoning 4 ta qit'asidan 57 ta shahar bunday e'tirofga sazovor bo'lgan. Mazkur maqom Marg'ilonning o'zbek hunarmandchiligini asrab-avaylashdagi muhim rolini yanada oshiradi. Shuningdek, tadbirda UNESCOning O'zbekistondagi vakolatxonasi rahbari Sara Noshadi ham onlayn ishtirok etib, nutq so'zladi[11].

Albatta buning uchun turizm sohasida faoliyat yuritayotgan hunarmandlar mahsulotlariga QR-kod generatsiya qiluvchi dasturiy ta'minot ishlab chiqishga erishiladi. Maxsus stikerlar shakllantiriladi va hunarmandlik mahsulotiga stiker qo'yiladi hamda har bir mahsulotning onlayn sotuvini amalga oshirish bo'yicha uslubiy ko'rsatma yaratiladi. Stikerli hunarmandlik mahsulotlari sotuvi amalga oshirilganda yoki qayta skaner qilinganda, iste'molchining ma'lumotlar bazasi avtomatik ravishda yangilanib boriladigan tizim ham yo'lga qo'yiladi.

Xorijiy iste'molchilar milliy hunarmandlik mahsulotlari stikerini skaner qilganida to'g'ridan-to'g'ri O'zbekiston turizm salohiyatini targ'ib qiluvchi ma'lumot beradigan reklamaga o'tiladi. Dastur turizm sohasida faoliyat yurituvchi tashkilotlar bilan bog'lanish imkoniyatini beradi. Milliy brend mahsulotlar ishlab chiqaruvchi hunarmandlar va tashkilotlar ma'lumotlari (manzillari, telefon raqamlari, geolokatsiya va h.k.) hamda mahsulotlar hisobini yurituvchi integratsion yangilovchi elektron baza shakllantirib boriladi. Unda turizm sohasida faoliyat yuritayotgan hunarmandlar ishtirokidagi festivalь, yarmarka va ko'rgazmalar to'g'risidagi e'lonlar ham beriladi[9].

Mazkur yangi raqamli loyiha davlat tilida yaratiladi va rus, ingliz tillariga tarjima qilinadi. Bu esa hunarmandlar mahsulotlarining dunyo hamjamiyatida davlat tilida

raqamlashtirilgan ma'lumotlar integratsiya qilinadi. Raqamli elektron platformada maxsus kod orqali mahsulotni to'liq nazorat qilish hamda to'lovlarni amalga oshirish modeli yaratiladi. Mahsulotlarni onlayn do'kon orqali sotish va sotilgan tovarlarni yetkazib berish uchun veb-sahifa to'liq davlat tilida bo'ladi. Sotilgan mahsulotlar va talablar bazasi, statistik hisobotlarni generatsiya qiladigan dasturiy ta'minot ham davlat tilida bo'lishi yanada dolzarbdir.

Milliy hunarmandchilik mahsulotlarini eksport qilish ham O'zbekistonga turizm jozibadorligini oshiradi. Xorijda milliy hunarmandchilik mahsulotlarini sotib olgan iste'molchilar, albatta mamlakatga kelishga, milliy hunarmandchilik mahsulotlarini o'z yaratilgan joyidan sotib olishga, ularning tayyorlanishini tabiiy o'z ko'zi bilan ko'rishga qiziqadi[3].

USAID ham Markaziy Osiyo va Afg'oniston hunarmand ayollari yaratgan ajoyib hunarmandchilik buyumlari bilan kengroq tanishishga yordam beruvchi elektron katalogini yaratadi. Bu yangi biznes modellari va elektron platformalar orqali bozorga kirishni kengaytirishga imkon berib, mahalliy an'analarni saqlab qolish, mahsulot sifatini ko'tarish va innovatsion texnologiyalarni qo'llash orqali atrof-muhitga ta'sirini kamaytirishga yordam beradi. Umuman olganda, ushbu sa'y-harakatlar mintaqadagi hunarmandlar faoliyatining uzoq muddatli iqtisodiy barqarorligini mustahkamlashga xizmat qiladi, deb xabar beradi AQshning O'zbekistondagi elchixonasi[11].

Xalqaro miqyosda milliy hunarmandlik mahsulotlari brendi keng yoyilishi va individualligi oshishiga olib keladi, turizm jozibadorligini oshirib, sayyohlarni yanada ko'proq jalb qilish hamda turizm xizmatlari va milliy hunarmandlik mahsulotlari savdosini rivojlantirish imkoniyati paydo bo'ladi. Chunki O'zbekistonga sayyohlarni jalb qilish hamda turizm sohasini rivojlantirishga qaratilgan ko'plab loyihalar mavjud. Biroq turizm sohasida hunarmandlik qay darajada rivojlanganini ko'rsatib beradigan loyihalar yo'qligi sababli ham mazkur yo'nalishlarga bugun ehtiyoj bor.

Hozirgi kunga kelib milliy hunarmandchilikda samaradorlikni oshirish uchun amalga oshirilayotgan keng ko'lamdagi ishlar tahsinga sazovor. Hunarmandlarga onlayn savdoni rag'batlantirish uchun sharoitlar yaratish, har bir mahsulotlarga QR kodini ta'minlash va bu orqali turizm sohasini rivojlanitirish lozim deb o'ylaymiz. Bu borada ham qilinayotgan ishlar talaygina.

Xulosa qilib aytganda, Yangi O'zbekistonda milliy hunarmandchilik va turizm sohalarini rivojlantirish uchun davlat tomonidan keng ko'lamdagi shart-sharoitlar yaratilgan bo'lib, ulardan oqilona foydalanib ish yuritilsa, samaradorlik ham yuqori bo'lgan bo'lar edi. Bugungi kunda milliy hunarmandchilik mahsulotlari nafaqat xorijiy mehmonlarda, balki mahalliy san'atga qiziquvchilarning ham diqqati-e'tiborini qaytadan ko'proq tortishi kuzatilmoqda. O'zbekistonga keladigan har bir sayyoh avvalo, bizning madaniyatimiz va yashash sharoitimizga qiziqib turist sifatida tashrif buyuradi hamda yana takror kelishni afzal deb biladi. O'z vataniga qaytayotganida turist yoki xorijlik mehmon o'zi uchun shu iliq hislatlarni eslatuvchi biror bir suvenir sotib olib ketish ilinjiga tushishi ham tabiiy.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:
1. Davlatova S.T. O'zbek an'anaviy hunarmandchiligi transformatsion jarayonlar kontekstida (O'zbekistonning janubiy hududlari misolida XIX asr ikkinchi yarmi - XXI asr boshlari). - Tashkent: “Yangi nashr”, 2018. 368 s.
2. Davlatova S.T. Hunarmandchilik modernizatsiyasining nazariy jihatlari // Yosh sharqshunoslarning U. Karimov nomidagi XV ilmiy-amaliy konferentsiyasi tezislar to'plami. - Toshkent, 2018. - B. 74-76.
3. Davlatova S.T O'zbek hunarmandchiligi: davlat siyosati, tamoyillar va rivojlantirish modellari // O‘zMU xabarlari. - №1/4. - Toshkent, 2020. - B. 19-24.
4. Davlatova S.T. O'zbekistonda turizm infrastrukturasini rivojlantirishda hunarmandchilikning o'rni // O'zbekistonda etnologiyaning rivojlanishi tarixi va istiqbollari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. - Toshkent, 2020. - betlar. -Toshkent, 2020. - B. 189-191.
5. Egorov V. G., Chistova S. M. Gorodskoe remeslennoe proizvodstvo Rossii v otechestvennoy istoriografii. M. : GOU VPO MGUL, 2009. - S. 222
6. Kaufhold K. H. Das Handwerk zwischen Anpassung und Verdrängung // H. Pohl (Hg.). Sozialgeschichtliche Probleme der Hochindustrialisierung (1870-1914). Paderborn, München, Wien, Zürich : Schöningh, 1979. S. 103-141.
7. Keller A. Gorodskoe remeslo v kontekste teorii modernizatsii: k postanovke problemы //Quaestio Rossica. -T. 5, 2017. - № 1. -S. 3. .
8. Fischer W. Wirtschaft und Gesellschaft im Zeitalter der Industrialisierung. Aufsätze - Studien - Vorträge. Göttingen : Vanderhoeck & Ruprecht, 1972. - R. 3.
9. O'zbekiston Respublikasi “Hunarmand” uyushmasi joriy arxivi. 1999-2022 yillar.
10. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2019 yil 3 oktyabrdagi PF-5841-son “Xalqaro hunarmandchilik festivalini o'tkazib borishga oid chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoni. <https://lex.uz/docs/4535422>
11. <https://yuz.uz/news/usaid-tadbirkor-va-hunarmand-ayollarga-raqamli-tijoratni-kengaytirishda-yordamlashish.> Ko'rilgan sana:06.06.2023
12. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi (www.lex.uz),2021 yil 30 dekabr.

Абруева Х.Ш. *– БТОМ, таянч докторант (PhD)*

ЎЗБЕКИСТОН РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИОН МОДЕЛИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Замонавий дунёда глобал миқёсда жадал ўзгаришлар рўй бермоқда, халқаро майдонда янги кучлар мувозанати шаклланмоқда. Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг олдида янги вазифалар пайдо бўлиб, давлатларни юзага келаётган муаммоларни ҳал этишнинг адекват йўлларини излашга, сиёсий ва иқтисодий стратегиясини янгилашга мажбур қилмоқда.

Умумжаҳон тамойил ва меъёрларга асосланган халқаро ҳамкорликнинг замонавий тизими сезиларли даражада барбод бўла бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири глобал миқёсдаги чуқур ишонч инқирози бўлиб, бу ўз

навбатида геосиёсий қарама-қаршиликни ва блокли фикрлаш стереотипларини қайта тиклаш хавфини келтириб чиқаради. Ушбу ўзаро истисно жараёни глобал иқтисодиётнинг қайта тикланишини ва глобал таъминот занжирларининг тикланишини қийинлаштиради.

Ҳамма ва ҳар бир инсон манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорликни кўп томонлама институтларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Муайян камчиликларга қарамай, улар минтақавий ва глобал даражада давлатлараро ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим дирижёрлари бўлиб хизмат қилишда давом этмоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар мамлакатларга келишмовчиликларни бартараф этиш ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдони кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашинувларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Айни пайтда дунёнинг 15 дан ортиқ мамлакатларида рақамлаштириш миллий дастурлари амалга оширилмоқда. Миллий иқтисодиётни рақамлаштиришда етакчи давлатлар Хитой, Сингапур, Янги Зеландия, Жанубий Корея ва Дания ҳисобланади. Хитой ўзининг Интернет Плюс дастурида иқтисодиётнинг анъанавий тармоқлари билан рақамли саноатни интеграция қилмоқда, Канада Торонтода АКТ марказини яратмоқда, Сингапур ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги “ақлли иқтисодиёт”ни қурмоқда, Жанубий Корея ижодий соҳани ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Иқтисодиёт дастури инсон капитали, тадбиркорлик ва ахборот-коммуникация технологияларини тарқатиш, Дания эса давлат секторини рақамлаштиришга эътибор қаратади.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш масаласи давлат даражасига кўтарилиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳужжат айланиш тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожланмоқда, электрон тижорат соҳасида яратилган меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга, ахборот технологиялари платформалари билан таъминланган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда. Бу шундай платформаларнинг янги моделларини яратишни талаб қилади.

Рақамлаштиришнинг иқтисодий трансформация жараёнларининг асосий мақсади ишлаб чиқаришни мавжуд воқеликка мослаштирилган мослашувчан ишлаб чиқаришга айлантиришдан иборат бўлиб, бу мамлакатнинг “рақамли макон”да рақобатбардошлигини оширади. Ҳозирги вақтда рақамлаштириш замонавий жамият эҳтиёжлари ва корхоналарнинг қўшимча фойда олиш эҳтиёжларига жавоб берадиган керакли натижаларни олиш воситасидир .

Рақамли трансформация замонавий давлатлар ривожланишининг асосий тенденцияларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари ва ижтимоий соҳа қиёфасини ўзгартиради. Давлат ўзининг барча вертикалларида рақамлаштиришни жорий қилмоқда. Хусусан, ижро ҳокимияти органларида маълумотларни таҳлил қилиш тизимидан самарали фойдаланилмоқда (gov.uz).

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг асосий афзалликларидан бири ҳужжатларни тайёрлашда қоғозбозлик ва бюрократияни

камайтиришдир, фаолият ёки жараёнга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали яратилади. Рақамли иш ўринлар одатда инсоннинг келажакдаги иш қобилиятини оширадиган ахборотга асосланган вазифаларни бажаришни ўз ичига олади.

Рақамли трансформация, ўтиш даври иқтисодиётини ўзгартиришнинг методологик ва амалий муаммолари, хусусан Ўзбекистон Республикаси Саноатни ривожлантириш моделидан постиндустриал, корпоратив иқтисодий тизимларни шакллантиришга ўтиш босқичида Ўзбекистон республикада шаклланган иқтисодий муносабатларнинг жаҳон иқтисодиётига мослашувини таъминлаш учун ўзининг ижтимоий йўналтирилган миллий устуворликларини белгилаши зарур, дунёдаги энг муваффақиятли ва рақобатбардош мамлакатларнинг элита когортасида миллий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда. АКТМ соҳасида инновацион имкониятларни амалга ошириш, шунингдек, юқори технологиялар афзалликларидан фойдаланиш давлатдан рақамлаштириш соҳасида трансформация сиёсатини амалга оширишни, қонунчилик базасини тартибга солишни, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни талаб қилади. рақамли иқтисодиёт, замонавий воқеликларни ҳисобга олган ҳолда, бу мамлакатнинг миллий иқтисодиёт анъаналарини ва иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг ички консепсияларини ҳисобга олган ҳолда ўз тараққиётига кенг ўтишдан иборат.

Иқтисодиётни рақамлаштириш ўртасидаги фарқларни аниқлаш зарур. Рақамли трансформация – ривожланиш стратегиялари, маркетинг сиёсати ва мақсадлари, моделлари, жараёнлари ва операциялари, шунингдек, рақамли технологиялар ёрдамида тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматларни ўзгартириш орқали иқтисодиётни бошқаришнинг бутун тизимини комплекс ўзгартириш. Рақамлаштириш – бу АКТ, реинжиниринг ва оптималлаштириш технологияларини жорий этиш, шунингдек, аниқ иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун катта маълумотлар база таҳлилидан фойдаланиш орқали мавжуд жараёнларни такомиллаштиришдир.

Мавжуд трансформация "қуйидаги моделлар билан ифодаланади:

- товар (хизмат)ларга киришни тезлаштириш ва истеъмол нархларини пасайтириш имконини берувчи рақамли экотизимлар ва рақамли платформалар;
- рақамли молиялаштириш тизимлари ва рақамли пуллар, шу жумладан биткоин ва краудфандинг, бу истеъмолчиларнинг нақд пул ҳисоб-китобларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини оширади;
- маҳсулот (хизматлар) таклифининг мақсадлилигини, шу жумладан индивидуал нархларни белгилашни ва маҳсулот (хизматларнинг) индивидуал пакетларини ишлаб чиқишни таъминловчи профиллар ва истеъмолчиларнинг шахсий маълумотларини рақамли монетизация қилиш;
- маълум ресурсларни тақдим этувчи рақамли хизмат ресурс моделлари (Bank-as-aService – BaaS; Infrastructure-as-a-Service – IaaS ва бошқалар"[1].

Бутун дунёда рақамли технологияларга талаб доимий равишда ўсиб бормоқда, улардан турли фаолият турларида фойдаланишнинг афзалликлари яққол кўриниб бормоқда, чунки уларнинг афзалликлари яққол кўриниб турибди:

маҳсулотлар, хизматлар ва хизматлар уларни қўллашда содда ва тушунарли; уларнинг ривожланиши учун катта вақт ва ресурсларни талаб қилади.

Рақамли технологияларга бўлган талабнинг ўсиши инновацион ишланмалар учун муддатларнинг қисқаришига олиб келди. Бундан ташқари, бозорда инновацияларни тижоратлаштириш истиқболлари венчур капитал қўйилмаларидан фойдаланишни оширади.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши глобал рақамли технологик тенденцияларда миқдорий ва сифат ўзгаришларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. 2020-йилдан бошлаб рақамли технологиялардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди, улар одамлар ҳаётида сифат жиҳатидан қайта баҳоланди: асосий эътибор инсоннинг кундалик эҳтиёжларига қаратилган. Ижтимоий масофалар, масофавий иш ва 2020 йилдаги бошқа " пандемиядан кейинги " муаммолар рақамли ва жисмоний ҳақиқатни бирлаштириш тенденциясини амалга оширди (фигиталнинг янги концепцияси)[2].

Иқтисодиётнинг рақамли трансформациясининг асосий афзалликлари:

- Компаниянинг бизнес жараёнларини оптималлаштириш;
- Янги даромад оқимларини ташкил этиш ва излаш;
- Шахсийлаштирилган ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини шакллантириш.

Инновацион технологиялар асосида бизнес-жараёнларни оптималлаштириш компанияларга бизнес-жараёнларнинг бутун мажмуасини автоматлаштириш ва мураккаб бизнес жараёнларида қўшимча босқичларни бартараф этиш имконини беради. Бу корхоналар фаолиятининг мослашувчанлигини оширади, ўз ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш имконини беради[3].

Рақамли технологияларга асосланган компаниянинг янги даромад оқимларини ташкил этиш ва излаш қўшимча даромад олиш, фойда олишнинг илгари мавжуд бўлмаган янги усулларини олиш имкониятини беради.

Фаолиятни таъминлаш учун мослаштирилган ва қулай инфратузилмани шакллантириш истеъмолчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондириш йўллари кенгаймоқда.

Рақамли трансформация жараёнини баҳолаш нуқтаи назаридан баҳолашнинг миқдорий жиҳатларига тўхталиб ўтиш керак:

−ташкилот тузилмаси (бошқарув, ташкилий ва операцион жараёнлар);

−ахборот маълумотларини бошқариш сифати;

−янги рақамли технологиялардан фойдаланиш ва жорий этишни ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолият;

−рақамли технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилган ёки кўрсатилаётган маҳсулот ёки хизматлар сифати;

−рақамли инфратузилма ва ахборот маълумотларининг хавфсизлиги;

−рақамлаштириш харажатларини молиялаштириш;

−янги рақамли технологиялардан фойдаланишга нисбатан ижтимоий ва ахлоқий таъсирлар”[4].

Шундай қилиб, рақамли технологиялар ва жараёнлар трансформациясини ривожлантириш ташкилот ва корхона (минтақа, давлат) учун ўз-ўзидан мақсад эмас, балки барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш воситаси сифатида ишлайди. Рақамли трансформация - бу ривожланиш стратегиялари, маркетинг сиёсати ва мақсадлари, моделлари, жараёнлари ва операциялари, шунингдек, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматларни ўзгартириш орқали бутун иқтисодиётни бошқариш тизимини комплекс ўзгартириш, рақамлаштириш эса рақамли технологияларни такомиллаштиришдир. АКТ, реинжиниринг ва оптималлаштириш технологияларини жорий этиш орқали мавжуд жараёнлар, шунингдек, аниқ иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун катта маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш давлатнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган қадамдир. Унинг айрим элементлари Ўзбекистонда аллақачон муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бугунги кунда ҳужжатлар ва алоқаларни рақамлаштириш, электрон имзоларни ҳал қилиш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам виртуал платформага ўтмоқда.

Айни пайтда умумий ахборот ва технологик янгиланишлар оқимига киришиш ва уларни барча ижтимоий ва иқтисодий соҳалар амалиётига самарали татбиқ этишга ҳаракат қилиш зарур. Технологик тараққиётга эришиш учун барча имкониятлар мавжуд - муносиб таълим даражаси, тегишли тайёргарлик билан ҳар қандай "рақамли гигант" билан рақобатлашадиган кўплаб ёшлар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасида “Рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантиришда туб бурилиш ясаш, яъни: илмий ютуқларнинг электрон платформасини, мамлакатимиз ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш; қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, соғлиқни сақлаш, таълим, кадастр ва архив ишларини тўлиқ рақамлаштириш. Рақамли маркалаш ва онлайн назорат-касса машиналарини жорий этиш лойиҳасини алоҳида назоратга олинг. “Рақамли Ўзбекистон -2030” дастурини ишлаб чиқишни якунлаш[5].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тармоқларнинг рақамли трансформацияси: бошланғич шартлари ва устувор йўналишлари: ҳисобот. ХХИИ апрелгача интл. илмий конф.
2. Иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантириш муаммолари бўйича, Москва, 13-30 апрел. 2021 йил / Г.И. Абдраҳмонова, К.Б. Бйховский, Н.Н. Веселицкая, К.О. Вишневский, Л.М. Гоҳберг ва бошқалар/
3. URL:https://conf.hse.ru/mirror/pubs/share/463148459.pdf;https://www.elibrary.ru/item. asp?id=45825610EDN:https://www.elibrary.ru/wppbqj.
4. Colin N. The digital economy / N. Colin, A. Landier, P. Mohnen, A. Perrot. 2015. № 26. P. 1–12.
5. Schrage M. (2016, April 11). Rethinking the Value of Customers in a Digital Economy. Available at: https://sloanreview.mit.edu/article/rethinking-the-value-of-customers-in-a-digital-economy (accessed 22.02.2022).

6. Message from the President of the Republic of Uzbekistan to Parliament dated 01.24. https://clck.ru/RMRV3

Алимов Б.М. *– БТОМ, мустақил изланувчи*

КРЕДИТ РИСКИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Иқтисодиёт ривожи ҳар доим ҳам бир хил тарзда давом этмайди. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишнинг бир текисда бўлмаслиги яққол намоён бўлади. Талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш ва истеъмол, даромад ва харажат каби бир қатор мувозанатларнинг бузилиши натижасида иқтисоднинг инқирозга юз тутиши муқаррар бўлади. Бунга мисол қилиб охирги йилларда юзага келган инқирозни мисол қилишимиз мумкин.

“Т.Валев банк назоратчилари ва ташқи аудиторларнинг кредитни рискини олдини олиш бўйича ўз вақтида, зиммасига тушадиган бухгалтерия танлови ва регуляторлар ҳамда аудиторлар ўртасидаги мумкин бўлган низолар билан боғлиқ қарамақаршиликлар мавжудлиги кредит рискининг юзага келишига сабаб бўлади деб таъкидлайди”[1]. Шунинг учун кредит операциялари бўйича риск даражаси юқоридир.

Кредит риски турли омиллар билан боғлиқ. Ҳар бир тижорат банки кредит рискига таъсир қилувчи мана шу омилларни еътиборга олиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу омилларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз. Шундай қилиб, кредит рискига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- Макроиқтисодий омиллар;
- Мижозлар билан боғлиқ омиллар;
- Банк билан боғлиқ омиллар;

Макроиқтисодий омилларга қуйидагиларни киритамиз:

1) Иқтисодий инқироз ва соҳалар бўйича ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши. Иқтисодиётнинг инқироз ҳолати, умумиқтисодий ишлаб чиқаришининг пасайиб кетиши, ишлаб чиқаришнинг камайиши ва уларни реализация қилишнинг умум иқтисодий таъсирларида камайиб кетиши, (маҳсулот ийетказиб бериш ва уларни реализация қилиш тизимининг бузилиши, бозорларда нобарқарорлик, ички ва ташқи бозорларда ехтиёжларнинг камайиши).

2) Инфлация даражаси. Инфлация натижасида пуллар қадрсизланади, қарз олувчи ўз қарзини қайтарганда, активлар олдинги реал қийматини йўқотади.

3) Буджет ва молия инқирози. Маҳаллий ва давлат бюджетларининг даромад қисми тўла қонли тўлмаслиги сабабли давлат органлари, давлат ташкилотлари ўз вақтида қайтариб беролмайдилар; молия бозорлари ва нобарқарор пул тизими ҳам салбий таъсир кўрсатади.

4) Тўловлар риски ва нақдсиз ҳисоб-китоблар алмашуви. Тўловлар кризиси, нақдсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш жараёнида тўланиши керак бўлган маблағлар сотувчи ёки иш бажарувчи ҳисоб-китоб счетига ўз вақтида келиб

[1] www.Sciencedirect.com,T.ValevCorporateGovernance and Bank Insolvency Risk:International Evidence This draft:July 2022.

тушмайди. Бу ўз навбатида бошқа корхонанинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, нотўловлар кетма-кетлиги юзага келади.

5) Қонунчилик базаси ва уларни амалга ошириш механизмининг йўқлиги. Қонунлар ишлаб чиқилмаганлиги ёки такомиллашмаганлиги; кредит битими тузган томонларнинг хўжалик муносабатлари ва мулкий жавобгарлиги ҳуқуқий томондан қониқарсиз тартибда олинганлиги, меъёрий базаларида кескин ўзгариш, еркин тадбиркорлик ишларини ташкил етиш етарли даражада такомиллашмаганлиги юзага келади.

6) Суғурта тизимининг ривожланмаганлиги. Мамлакатда ривожланган суғурта тизимининг йўқлиги, шу жумладан, табиий офатлар ва суғурта хизматларининг ҳаддан ташқари қимматлиги, кредитнинг қайтмаслиги ҳолатида суғурта тўловларининг тўлиқ тўланишига кафолат йўқлиги кредит операцияларининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

7) Маълумотлар бозорларининг ривожланмаганлиги. Аниқ маълумот олиш муаммоси, мунтазам кредит олувчилардан маълумотларни олиш, баҳолаш ва йиғиш учун ихтисослаштирилган ташкилотларнинг йўқлиги; банк билан мижоз молиявий фаолияти тўғрисида маълумотлар алмашуви; тўловга лаёқасизлиги, гаровга қўйилган мулк ҳажми тўғрисидаги маълумотлар ривожланмаганлиги, мижоз тўғрисидаги керакли маълумотлар банк томонидан йиғилиши бу кўп вақтни олади.

8) Тўловга лаёқатлиликнинг қисқариши, баъзи бозорларда нохуш ўзгаришлар. Реал даромадлар ва тўловга лаёқатлиликнинг қисқариши, айрим бозорларда ва умум иқтисодий вазиятда нохуш ўзгаришлар, ишбилармонликнинг паст даражаси.

Мижозлар билан боғлиқ омиллар:

1) Ҳуқуқ ва қобилият йўқлиги риски.

2) Мижознинг ҳуқуқий мақоми аниқ емаслиги, фаолиятини лицензиясиз амалга оширилаётганлиги ёки унинг фаолият муддати ўтганлиги.

3) Молиявий нобарқарорлик, тўловга ноқобиллик, дебитор ва кредиторлик қарзларининг мавжудлиги, пул оқимларининг муддатига боғлиқ емаслиги. Қарз олувчилар молиявий ҳолати сустлиги, унинг молиявий барқарорлик ва тўловга қобиллигининг пастлиги, зарар натижасида ўз капиталини йўқотиш, пул оқимининг заифлиги.

4) Ишлаб чиқариш технологияси риски. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг жуда ескириб қолиши ва бунинг натижасида брак махсулотларнинг кўпайиши, авария натижаси ишлаб чиқаришни тўхтаб қолишига туртки бўлади.

5) Мулкий рисклар. Мижознинг гаровга қўйилган мулкка шахсий ҳуқуқи йўқлиги.

6) Тижорат рисклари, бозор вазияти алмашув рисклари. Товарлар рақобатбардошлик даражаси пастлиги, бозорда бир хилдаги товарлар мавжудлиги, уларни сотиш учун олдиндан аниқлаш қийинлашади. Махсулот сифати пастлиги, таннархнинг баландлиги ва сотишдан тушган тушумнинг

7) Маълумотлар нотўғрилиги риски. Қарз олувчилар томонидан ҳисоб-китоб ва ҳисобот маълумотларини нотўғри берилиши ва ҳисоботларни нотўғри баҳоланиши. Таҳлил учун берилган маълумотларнинг аниқ кўрсатмаслик, балансда оборот маблағларининг ноликвидлиги.

8) Олинган кредитдан мақсадли фойдаланмаслик. Кредитларни бизнес-режасига мувофиқ ишлатмаслиги ва бундан банк хабардор бўлмаслиги.

9) Корхоналарда молиявий таҳлилнинг сустлиги. Молиявий ва режали таҳлилнинг сустлиги, келажакда корхона доимий равишда ривожланиши учун керакли дастурнинг йўқлиги. Кредит олиш учун ўтказилган тадбирларнинг Етарли даражада иқтисодий асосланмаганлиги. Дебитор мажбуриятлари бажарилмаслиги. Риск фаолияти фондлар тўхтаб-тўхтаб айланишига алоқадор, бу айланишларнинг самарадорлиги тугамаслигига имкон яратади. Бундай рискни таҳлил етилиши кредитнинг қайтишини Етарли даражада прогноз қилади. Риск фаолияти шунингдек, асосий қонунлар камчилиги, кредит битимларининг бажариши, битимларининг тугаши ва мижозлар соҳасининг хусусиятига боғлик.

Кредит рискига таъсир етувчи банк билан боғлиқ омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) Банкларда муаммоли активларнинг кўпайиши натижасида юзага келган хатарларни бартараф етиш учун банкларни капиталга бўлган талабининг ортиши. “Ингилиз олимларидан Ҳакенес ва Счнабел капиталга қўйилган қаттиқ талаблар индивидуал кредитлар рискини оширади ва банк дефолти еҳтимолини оширади деб ҳисоблайди”[1]. Чунки бу талаблар кредит бўйича рақобатни кучсизлантиради ва шу орқали банк секторини нобарқарорлашувига олиб келади.

2) Кредитлашга оид меъёрий ҳужжатлар мукаммал емаслиги. Ички меъёрий ҳужжатлар базасининг етарли емаслиги, кредитлашга доир ёзма равишда аниқ андоза ва услубларнинг йўқлиги; йўриқномалар, кредит операцияларини ўтказиш бўйича регламентлар, кредит ҳужжатлари, мижоз молиявий ҳолатини таҳлил етишда меъёрий услубий таъминлаш; ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун инвестицион лойиҳалар бизнес-режасинниг сифатини баҳолаш, аниқ кредит сиёсатининг йўқлиги.

3) Қарз олувчилар кредитга лаёқатлилигини баҳолашда талабнинг сустлиги. Кредит олувчи мижознинг фаолиятини мукаммал баҳоланмаслиги, тўловга лаёқатлилик даражасига талабларнинг сусайиши; мижоз тўғрисидаги маълумот етарли ёки ишончли емас ва кредит тарихи йўқ. Олинган кредитлардан фойдаланиш бўйича назорат мавжуд бўлмаганлиги сабабли кредитлар ва уларнинг фоизларини қайтармаслик еҳтиёт чоралари кўриш имкони бўлмайди. Олинган кредитда етарлича таъминот йўқ. Гаровга қўйилган нарсанинг нархи етарли емас ва бозорда уни сотиш қийинлашади. Таъминотга қўйилган

[1] www.Sciencedirect.com Jacob Oduor, Kethi Ngoka, Maureen Odongo “Kapital requirement, bank competition and stability in Africa” Review of Development Finance 7(2022) p.46

предметни тез қийматини йўқотиш гаров нархини ошириб кўрсатиш ҳолатлари ва гаров қўювчининг шахсий ҳуқуқи текширилмаган.

4) Ҳуқуқий рисклар. Банк ходимлари етарли даражада ҳуқуқий билимларга ега бўлмаслиги боис кредит шартномаси, гаров шартномаси ва бошқа кредит ҳужжатларини тузишда хатога йўл қўйилади. Бу мижозга вазифасини бажармасликка қонуний шароит ва хўжалик судининг ишни кўриб чиқмаслигига шароит яратади.

Skillshare относится к числу известных образовательных платформ, ориентированных на предоставление практических курсов для динамичного круга студентов. Она в первую очередь ограничена как образовательная видеоплатформа, где учителя и преподаватели объясняют тему в серии роликов. Skillshare – это платформа, основанная на сообществе, то есть каждый потенциально может стать преподавателем, и на форуме сообщества легко получить обратную связь и поддержку. В отличие от EdX или Coursera, Skillshare фокусируется на обучении прагматичным навыкам, помогающим создать онлайн присутствие (полезно в эпоху маркетинга в социальных сетях), поддержать малый бизнес или просто развлечься.

Thinkific. Будучи хорошо продуманной платформенной системой LMS, которая делает создание учебных курсов осуществимым и простым, Thinkific предлагает множество шаблонов и графических элементов для облегчения разработки собственного курса. В основном она ориентирована на предпринимателей, преподавателей онлайн, тренеров и инструкторов, которые хотят расширить свой охват и, возможно, обновить свои образовательные инструменты. К сожалению, Thinkific не является бесплатным, и для доступа к полному набору инструментов дизайна и маркетинга требуется ежемесячная подписка.

LinkedIn Learning – это образовательная платформа, ориентированная в основном на бизнес и технологические области. Курсы на платформе предоставляются в видео формате на семи различных языках, что делает ее достаточно доступной, в зависимости от вашего географического положения. LinkedIn Learning является премиум функцией для пользователей LinkedIn с обновленными профилями и нацелена на предоставление новых, более высоких квалификаций для тех, кто ищет новые возможности на рынке труда. LinkedIn Learning – это хорошее место для обучения, но более сложное для преподавания, поскольку для того, чтобы стать тренером, требуется приложить немало усилий. Качество курсов не всегда легко оценить заранее, и для этого необходимо провести исследование.

Система Moodle - среда дистанционного обучения с открытым исходным кодом. Преимуществами этой системы являются возможность произвольно выбирать время, место, длительность процесса обучения, преподаватель может своевременно изменять курсы в соответствии с потребностями учащихся, поддерживать связь с учащимися. Существует возможность преобразования текстовых значений в мультимедиа и гипертекстовое представление.

Система ориентируется больше на вузы, колледжи и другие образовательные учреждения. Большинство плагинов создаются именно под образование. Для коммерческой сферы у Moodle не хватает гибкости и масштабируемости. Чтобы интегрировать систему с нужными бизнесу решениями, придется приложить немало усилий и привлечь опытных специалистов.

В Узбекистане также активно начали внедрять различные образовательные платформы, которые позволяют эффективно управлять образовательным процессом. Как например, ГУП «Центр инноваций, технологий и стратегии» при МНО разработал дополнительный электронный контент для полезных онлайн ресурсов, платформ и порталов.

В частности, на платформе дистанционного образования Maktab.uz разработанной для телеканалов «Онлайн мактаб», размещены более 7500 видеоуроков по школьной программе 1-11 классов, и более 2400 презентаций к ним.

Kitob.uz является бесплатной онлайн библиотекой, включающей в себя около 4000 электронных и аудиокниг. Количество посетителей портала составляет 16 000 человек.

В рамках проекта **EduKids** созданы и размещены на странице в Telegram свыше 100 научно-популярных анимационных дайджестов.

EduKids — это сборник, состоящий из более чем 100 научно-популярных анимационных дайджестов, направленных на достижение успеха в будущем и работе над собой.

Проект **Smartland** является интерактивной виртуальной образовательной платформой, включающей в себя 136 игр на русском и узбекском языках по 15 предметам и 2008 упражнений. Также разработано его мобильное приложение для операционных систем iOS и Android.

Uzbekcoders.uz - веб-платформа предоставляет возможность бесплатно на узбекском и английском языках освоить профессии по 4 направлениям в области информационных технологий. Курсы проекта представлены одной из ведущих компаний IT-образования в мире — Udacity (США).

MorEng.uz - онлайн-школа английского языка с интерактивными лекциями и тестами, которые работают на любом устройстве. Доступны также дискуссии с куратором курса, который в любое время сможет разъяснить спорные моменты и ответить на все вопросы.

Prep.uz - онлайн видео-уроки и тесты на русском и узбекском языках. Языковые курсы, а также уроки по точным и гуманитарным наукам от квалифицированных преподавателей. Во время карантина все занятия бесплатны.

Xanakademiyasi.uz - портал **Khan Academy Uzbek** создан на базе крупнейшей бесплатной международной образовательной платформы и переведен на узбекский язык. Проект дает возможность получить дополнительное бесплатное дистанционное образование на уровне мировых стандартов.

Tutorials.uz - Бесплатные видеоматериалы по программированию на узбекском языке. На портале представлены курсы от азов информатики до глубоких знаний в области программирования.

Учитывая вышеизложенное, хотелось бы выделить основные ключевые направления развития образования, которые требуют тщательного анализа и применения инновационных решений.

Прежде всего это адаптивное обучение. Адаптивное обучение (на англ. adaptive learning) – это технология обучения, основанная на построении индивидуальной учебной траектории для обучающегося с учетом его текущих знаний, способностей, мотивации и других характеристик.

В данном случае сложность, последовательность и темп обучения учебного курса и предметов подбираются на основе сильных и слабых сторон обучающего. На выходе мы получаем персональный план обучения для каждого студента.

Про адаптивное обучение первым заговорил американский психолог, изобретатель, писатель, профессор Гарвардского университета - Беррес Фредерик Скиннер в 1954 году. В ходе своего эксперимента он разработал механическое приспособление, напоминающего коробку, которое «скармливало» бы студентам вопросы. Правильные ответы вознаграждались новым академическим материалом, неправильные — приводили к повторению старого вопроса. Это мотивировало студента быстро адаптироваться и учиться отвечать правильно.

Основными преимуществами адаптивного обучения являются сокращение времени на обучение разнородной группы, повышение вовлеченности обучаемых и более тщательный автоматический контроль усвоения.

Алгоритм разработки образовательной программы с технологией адаптивного обучения состоит из четырёх шагов.

Шаг 1 - Определить цели обучения. Необходимо определить знания и умения, которые программа нацелена сформировать. Это можно сделать, используя Таксономию Блума.

Справочно: ***Таксономия Блума*** *— это теория, которая поможет проверить глубину знаний сотрудников по учебным материалам из электронных курсов, вебинаров и тренингов. Оценка по* ***таксономии Блума*** *показывает, какие темы даются ученику с трудом, и готов ли он применить полученные знания на практике.*

Шаг 2. Структурировать предметную область. Необходимо создать карту знаний. Для этого важно детально описать темы обучения, выделяя несколько уровней сложности и связи между ними. Для подробного структурирования предметной области требуется выделить минимум 3 уровня.

Шаг 3. Создать контент для достижения целей обучения. Карту знаний из шага 2 нужно наполнить единицами микро знаний контента, которые образуют логическую структуру.

Шаг 4. Разработать банк контрольных вопросов. Для каждого уровня знаний необходимо разработать от 3 до 10 вопросов, сформулированных строго на основании целей обучающей программы. Работа адаптивного алгоритма зависит от корректной оценки уровня сложности вопросов. Можно диагностировать не только ожидаемый уровень компетентности, но и оценивать степень уверенности в правильности своего ответа. Тесты должны обеспечивать контроль знаний для достижения целевого уровня слушателей.

Персонализированное обучение – На основе этой технологии лежит индивидуализация учебного процесса и направленность образовательных ресурсов на одного человека исходя из компетенции, уровня знания студента, а также других когнитивных показателей. Персонализированное обучение «в чистом виде» применяется очень редко. Так как человек — это часть общество, и он должен взаимодействовать с другими участниками общества. Поэтому такой подход применяется в исключительных случаях, а также при проектировании онлайн и дистанционных учебных курсов.

Важно отметить, что последние годы с появлением онлайн платформ и виртуальных университетов персонализация образовательного процесса часто применяется разработчиками и проектировщиками учебно образовательного контента. Также стали применять элементы искусственного интеллекта и нейронных сетей для того, чтобы подстроить программу учебного процесса под потребности индивидуального человека.

Под дифференциацией понимается способ организации учебного процесса, при котором учитываются индивидуально типологические особенности личности. К ним относится способности, интересы, склонности, особенности интеллектуальной деятельности и др. Данный подход предполагает создание групп, где такие свойства как цели, содержание, методы, формы и результаты различаются друг от друга.

Обучение на основе компетенций начинается с определения конкретных компетенций или навыков и позволяет учащимся развивать мастерство в каждой

компетенции или навыке в своем собственном темпе, обычно работая с наставником. Учащиеся могут развивать только те компетенции или навыки, которые они считают необходимыми (за это они могут получить "значок" или какую-либо форму подтвержденного признания), или объединить весь набор компетенций в полную квалификацию, такую как сертификат, диплом или, все чаще, полная степень.

Применение элементов искусственного интеллекта и нейронных сетей позволит повысить качество образования, ускорить процесс освоения новых технологий, адаптировать сложные процессы под нужды каждого человека и эффективно управлять процессом. Конвергенция искусственного интеллекта в образовательный открывает безграничные возможности обучающимся эффективно и качественно освоить учебный материал и стать высококвалифицированным специалистом.

Использованная литература:

1. A. Bhutoria, «Personalized education and Artificial Intelligence in the United States, China, and India: A systematic review using a Human-In-The-Loop model,» *Computers and Education: Artificial Intelligence,* т. 3, № 3, p. online, 2022.
2. H. D. Xiaojuan Chen, «Research on Personalized Recommendation Methods for Online Video Learning Resources,» *Applied Science,* т. 1, № 11, p. 804, 2021.
3. K. P. N. Lumbardh Elshani, «Constructing a personalized learning path using genetic algorithms approach,» *A PREPRINT,* т. 1, № 1, p. 15, 2021.
4. O. A. O. Oluwatoyin C. Agbonifo, «Genetic Algorithm-based Curriculum Model For Personalised E-Learning System,» *I.J. Modern Education and Computer Science,* т. 5, № 5, pp. 27-35, 2018.
5. X. Duan, «Automatic Generation and Evolution of Personalized Curriculum Based on Genetic Algorithm,» *iJET,* т. 14, № 12, pp. 1-27, 2019.
6. H. A. C. Елтунова Инга Баировна, «Использование алгоритмов искусственного интеллекта в образовании,» *Cyberlinka,* т. 1, № 1, pp. 150-154, 2021.
7. S.S.P.D.R.S.S.N.B.S. Ravi Kokku, «Augmenting classrooms with ai for personalized education,» *IBM Research,* 2018.
8. K. Raouna, «27 Best Online Learning Platforms,» 24 01 2022. [В Интернете]. Available: https://www.learnworlds.com/online-learning-platforms/.
9. J. P. D. Brian Turner, «Best online learning platforms of 2022,» 8 09 2022. [В Интернете]. Available: https://www.techradar.com/best/best-online-learning-platforms.
10. I. Bouchrika, «50 Online Education Statistics: 2021/2022 Data on Higher Learning & Corporate Training,» 11 10 2022. [В Интернете]. Available: https://research.com/education/online-education-statistics.

Ибодуллаева М.Т. *– ТДИУ, доц., PhD*

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАБР МАСАЛАЛАРИ

Тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга оширишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланилмаётганлиги бу борадаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг ички ва ташқи валюта бозорларидаги операциялари ҳажми жуда катта бўлиб, унинг деривативлар сегментидаги операциялар ҳажми тобора ошиб бормоқда. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жаҳон валюта бозорларида валюта фьючерслари билан амалга оширилган операциялар ҳажми 2776 млрд. АҚШ долларини, валюта опционлари билан амалга оширилган валюта операциялари ҳажми эса. 11 64 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди[1].

Бу қадар катта ҳажмдаги маълумотларни тижорат банкларининг мутахассислари мавжуд технологиялар асосида сифатли қайта ишлай олмайди. Бунинг учун замонавий рақамли технология ҳисобланган “Катта маълумотлар” технологиясидан фойдаланиш зарурияти юзага келади.

Шунингдек, валюта операцияларининг риск даражаси юқори бўлганлиги сабабли, валюта риски билан боғлиқ бўлган барча маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлашга тўғри келади.

“Катта маълумотлар” базасидаги маълумотларни таҳлил қилишда қуйидаги техникалардан ва методлардан фойдаланилади:

– Data Mining;
– Краудсорсинг;
– Маълумотларни аралаштириш ва интеграллаш;
– Сунъий нейрон сетлари;
– Прогнозли таҳлил;
– Объектни англаш;
– Имитацион моделлаштириш;
– Маконли таҳлил;
– Статистик таҳлил;
– Таҳлилий маълумотларни визуаллаштириш[2].

Блокчейн технологияси маълумотлар базасини сақлаш ва узатишнинг тақсимланган криптографик технологияси ҳисобланади. Шуниси аҳамиятлики, ушбу технология келгусида конфиденциал маълумотларни ишончли ҳимоя қилиш имконини берадиган истиқболли технология бўлиши мумкин.

Бир қатор иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, Биткойн (Bitcoin) ва Эфериум (Ethereum) криптовалюталари орқали ҳар қандай рақамланган маълумотни ишончли ҳимоя қилиш мумкин.

Эътироф этиш жоизки, криптовалюталар муомаласи юқори рискли ҳисобланади ва уларнинг юқори рисклилиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

[1]FIA releases annual trading statistics shoving record ETD volume in 2020. www.futuresindastry.org.downloads/FIA_Annual_Volume_Survey.
[2]Nazarenko Y. L.Technology review "big data" and software facilities applicable for it analysis and processing nazarenko yu.l. (russian federation) email: nazarenko431@scientifictext.ru//European Science, 2017. – №9. – P.27.

– ҳеч қандай таъминотга эга эмас;
– операциялар шаффоф эмас;
– марказлашган тарзда тартибга солишнинг иложи йўқ;
– курсларининг тебраниш диапазонлари катта.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, республикамизда блокчейн технологиясидан фойдаланишга расман рухсат этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш, крипто-активлар бўйича фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, рақамли иқтисодиётда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида фаолият кўрсатадиган юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган холда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш вазифаси қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, блокчейн технологияларини нафақат валюта операцияларида, балки кредит операцияларида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, Европа мамлакатлари банкларининг амалиётида кредитлашнинг блокчейн технологиясига асосланган “Peer-to-Peer” рақамли технологияси қўлланилмоқдаа[1].

Гадоев С.Ж. *– ТДУ, кафедра мудири*

КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИНГ МУҲИМ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Кредит механизмининг асосий методологик масалаларидан бири бўлиб, кредитларнинг фоиз ставкасини шаклланиши ва уларнинг барқарор даражасини таъминлаш ҳисобланади.

Кредитларнинг фоиз ставкасини шаклланишининг бозор механизми миллий ссуда капиталлари бозорининг тўлақонли шаклланган бўлишини тақозо этади. Яъни, миллий ссуда капиталлари бозорининг ҳар иккала сегментида (пул бозори ва капитал бозори) операцияларни амалга ошириш механизмлари такомиллашган бўлиши керак.

Кредитларнинг фоиз ставкаларини шакллантириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш масаласининг марказий масалаларидан бири бўлиб, мувозанатлашган фоиз ставкасини шакллантириш ҳисобланади.

[1]Винья П., Кейси М. Эпоха криптовалют. Как биткоин и блокчейн меняют мировой экономический порядок.–М.: Манн, Иванов и Фербер; 2018. – С. 78.

Мувозанатлашган фоиз ставкаси концепциясини амалда қўллашнинг биринчи фундаментал муаммоси шундаки, бу объект амалда кузатилмайдиган объект ҳисобланади. Исталган даврда ҳақиқатда кузатиладиган фоиз ставкаси (номинал ёки реал) мувозанатлашган ставка ҳисобланади, чунки, иқтисодиёт ҳар бир даврда маълум мувозанат ҳолатида бўлади. Бироқ, мувозанатлашган фоиз ставкаси деганда махсус шароитларда шаклланадиган баъзи фоиз ставкалари тушунилади. Аммо, реал ҳаётда бундай фоиз ставкаларини шаклланишига қатъий ишониш қийин.

Нейтрал/мувозанатлашган фоиз ставкасини аниқлашнинг стандарт ёндашувида мувозанатлашган ставка маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва инфляция мувозанат ҳолатида бўлганда шаклланади. Номлари қайд этилган олимларнинг фикрича, мувозанатлашган ставка, молиявий циклнинг молиявий барқарорликка таъсири оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, фақат ишбилармонлик цикли ҳисобга олинган моделларга қараганда, юқори бўлиши керак [1].

Иккинчи мураккаблик шундаки, ҳатто битта концепция доирасида ҳам (масалан, неокейнсча) мувозанатлашган ставка қайси модел (очиқ ёки ёпиқ иқтисодиёт; молиявий таранглиқка (сиқув))эга иқтисодиёт ёки тарангликсиз иқтисодиёт) кўриб чиқилаётганига қараб турли даражага эга бўлиши мумкин[2].

Ушбу концепцияни амалий қўллашнинг иккинчи муаммоси бўлиб, нейтрал ставкани баҳолашнинг қийинлиги ҳисобланади. Даллас Федерал захира банкининг бошлиғи Р.Каплан таъкидлаганидек, пул-кредит шароитларининг нейтраллигига мос келувчи фоиз ставкасини баҳолаш турли омилларнинг кенг жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб қиладиган фандан кўра, кўпроқ санъатдир[3].

Ҳ.Рэйнинг хулосасига кўра, мувозанатлашган ставкани баҳолашнинг прицпиал имконияти ўзига хос шартни бажарилиш имкониятига, яъни, пул сиёсатининг трилеммаси эмас, балки дилеммасининг ҳаракати билан боғлиқ[4].

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, қисқа муддатда фоиз ставкасини баҳолаш учун РБС моделлардаги умумий мувозанатда барча уч шарт бир вақтнинг ўзида кўриб чиқилади[5].

Шунинг учун қисқа муддатда мувозанат тезлигини баҳолаш учун биз нарх қатъийлигисиз (мослашувчан нархларда) ёки РБС моделини умумий мувозанат модели қурилади. Ушбу моделда иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, иқтисодиётнинг очиқлиги ёки кичиклиги ёки хом ашё экспортининг юқори эканлиги. Мақсадлар учун иқтисодиётнинг уч тармоқли тузилмасини умумий мувозанатда (энергия ишлаб чиқарувчи сектор учун, мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқарадиган сектор ва чет элда маҳсулот ишлаб чиқарадиган сектор учун) кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу моделда биз нафақат қисқа муддатли мувозанатдаги фоиз ставкаси даражасини тиклашдан, балки фоиз ставкасининг бир узоқ муддатли мувозанатдан иккинчисига ўтиш динамикасини ҳам ўрганишимиз зарур. Бунда, биз фоиз ставкасини баҳолаш учун кенг қўлланиладиган филтрлардан бирини -

Laubach va Uilyamsni қўллаймиз. Ушбу ҳисоб-китоблар қисқа муддатли мувозанатли фоиз ставкасини баҳолашни акс эттиради[6].

Бейер ва Уиланд турли усуллар билан олинган мувозанат фоиз ставкалари ҳисоб-китоблари жуда юқори ноаниқлик билан тавсифланади, бу эса ушбу ҳисоб-китобларнинг пул-кредит сиёсати мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга[7].

Фоиз ставкалари тебранишидаги ноаниқликлар турли омиллар, жумладан, молия бозори иштирокчиларининг кутилмаларига боғлиқ бўлиб, фоиз ставкаларини прогнозлашда инобатга олинадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

АҚШ иқтисодиёти мисолида мувозанат ставкасини аниқлаш бўйича ёндашувларнинг умумий кўриниши Ж.Ҳамилтон, И.Харрис, С.Граф, Ҳ.Линдвалл ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида келтирилган[8].

Мувозанатли фоиз ставкаси иқтисодиётнинг узоқ муддатли мувозанатига мос келадиган ставка сифатида Ҳе ва бошқаларда ўрганилган[9].

Реал мувозанат ставкасини аниқлаш концепцияси капитал активлари нархини белгилашнинг истеъмол моделига асосланади. Ушбу моделнинг асосий башоратлари амалда аниқ тасдиқни топа олмайди[10].

Иқтисодий адабиётда кредит маблағлари таклифи (жамғармаси) ва уларга бўлган талаб (инвестициялар) ўртасидаги мувозанатнинг тавсифий моделлари кенг ёритилган. Улар талаб ва таклиф омиллари орқали қарзга олинган пул нархини ўрганади. Бу моделлар турли назарий моделларнинг алоҳида натижаларига таянади ва реал фоиз ставкаси даражасини эмас, балки унинг ўзгариш йўналишини баҳолайди[11].

Мувозанатли фоиз ставкаларини баҳолашнинг муҳим йўналиши молиявий барқарорлик рискларининг мумкин бўлган тўпланиши туфайли мувозанат ставкаларининг стандарт таърифида иқтисодиётнинг номутаносиблигига йўналтирилган ишлар билан ифодаланади[12].

Кредит механизмининг муҳим методологик масалаларидан бири бўлиб, кредит рискини баҳолаш ҳисобланади.

Базель-1 тизимига биноан:

* риск даражасини ўлчаш стандарт коэффициентлари активларнинг кенг тоифаларига, чунончи: давлат (суверен), банк ва корпоратив активларга берилади. Масалан, корпоратив рискни қоплаш учун қарз олувчининг кредит сифатидан қатъи назар капиталга 8% (яъни рискни ўлчаш коэффициентининг 100%) миқдорида ажратмалар қилиш назарда тутилади;

*тижорат банклари томонидан мижозларга берилган ҳар қандай кредитнинг риск даражаси 100 фоизга тенг;

*кредитлар риск даражасига кўра, бир-биридан сезиларли даражада фарқланади.

Базель-II стандартида кредит рискини баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

-мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;

-банкнинг рейтинги;

-кредит олган мижознинг рейтинги;

-банк операциясининг тури.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатига олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражасининг пасайишига хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммасининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффициенти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдорининг камайишига ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келади[14].

Таъкидлаш жоизки, халқаро банк амалиётида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида кредитларни таснифлаш ва улар бўйича захиралар ташкил қилишда Базель қўмитасининг талаблари қўлланилмоқда.

Кредит механизмининг методологик асосларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

– кредитларнинг фоиз ставкасини шаклланишининг бозор механизми миллий ссуда капиталлари бозорининг тўлақонли шаклланган бўлишини, яъни, миллий ссуда капиталлари бозорининг ҳар иккала сегментида операцияларни амалга ошириш механизмлари такомиллашган бўлиши керак.

– кредитларнинг фоиз ставкаларини шакллантириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш масаласининг марказий масалаларидан бири бўлиб, мувозанатлашган фоиз ставкасини шакллантириш ҳисобланади ва мувозанатлашган фоиз ставкаси концепциясини амалда қўллашнинг муаммолари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– объектни амалда кузатилмайдиган объект ҳисобланиши;

–ҳатто битта концепция доирасида ҳам (масалан, неокейнсча) мувозанатлашган ставка қайси модел (очиқ ёки ёпиқ иқтисодиёт; молиявий тарангликка (сиқув))эга иқтисодиёт ёки тарангликсиз иқтисодиёт) кўриб чиқилаётганига қараб турли даражага эга бўлиши мумкин.

– турли усуллар билан олинган мувозанат фоиз ставкалари ҳисоб-китоблари жуда юқори ноаниқлик билан тавсифланишини кўрсатди ва ушбу

ҳолат мазкур ҳисоб-китобларнинг пул-кредит сиёсати мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга;

– Базель-II стандартида кредит рискини баҳолашнинг янги усули таклиф қилинди ва ушбу усулда кредит риски даражаси кредит олувчининг кредит рейтингига боғлиқ равишда белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Barsky R., Justiniano A. and Melosi, L. The Natural Rate of Interest and Its Usefulness for Monetary Policy. American Economic Review, 2014. – 104(5), – P. 37–43.; Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. International Journal of Central Banking, 2017. –13(3). – P. 55–89.
2. Wynne M. A. and Zhang R. Estimating the Natural Rate of Interest in an Open Economy. Empirical Economics, 2018. – 55(3). – P. 1291–1318.; Eggertsson, G. B. and Krugman P. Debt, Deleveraging, and the Liquidity Trap: A Fisher-Minsky-Koo Approach. Quarterly Journal of Economics, 2012. – 127(3). – P. 1469–1513.; Caballero R. J. and Krishnamurthy A. A Dual Liquidity Model for Emerging Markets. American Economic Review, 2002. – 92(2). – P. 33–37.
3. Kaplan R.S. The Neutral Rate of Interest. An Essay, 2018. Available at: https://www.dallasfed.org//media/Documents/news/speeches/kaplan/2018/rsk181024.pdf [accessed on 2 September 2019].
4. Rey H. Dilemma not Trilemma: The Global Financial Cycle and Monetary Policy Independence. NBER Working Paper, 2018. – N 21162. – P. 1-42.
5. Mendoza E. Real Business Cycles in a Small Open Economy. American Economic Review, 1991. – 81(4. – P. 797–818.; Guo, J.-T. and Janko, Z. (2009). Reexamination of Real Business Cycles in a Small Open Economy. Southern Economic Journal, 2009. – 76(1). – P. 165–182.
6. Laubach T. and Williams J. (2003). Measuring the Natural Rate of Interest. Review of Economics and Statistics, 2003. – 85(4). – P. 1063–1070.
7. Beyer R. C. M. and Wieland V. (2019). Instability, Imprecision and Inconsistent Use of Equilibrium Real Interest Rate Estimates. Journal of International Money and Finance, 2019. – 94. – P. 1–14.
8. Hamilton J., Harris E., Hatzius J. and West K. The Equilibrium Real Funds Rate: Past, Present and Future. IMF Economic Review, 2016. – 64(4). – P. 660–707.; Grafe C., Grut S. and Rigon L. Neutral Interest Rates in CEEMEA – Moving in Tandem with Global Factors. Russian Journal of Money and Finance, 2018. – N 77(1). – P. 6–25.; Beyer R. C. M. and Wieland V. Instability, Imprecision and Inconsistent Use of Equilibrium Real Interest Rate Estimates. Journal of International Money and Finance, 2019. – 94. – P. 1–14.; Lundvall H. and Westermark A. (2011). What Is the Natural Interest Rate? Sveriges Riksbank Economic Review, 2011. – 2. – P. 7–26.
9. He D., Wang H. and Yu X. Interest Rate Determination in China: Past, Present and Future. International Journal of Central Banking, 2015. – 11(4). – P. 255–277.
10. Giammarioli N. and Valla N. The Natural Real Interest Rate and Monetary Policy: A Review. Journal of Policy Modelling, 2004. – 26(5). – P. 641–660.; Kocherlakota,

N. The Equity Premium: It’s Still a Puzzle. Journal of Economic Literature, 1996. – 34. – P. 42–71.
11. Blanchard O., Furceri D. and Pescatori A. A Prolonged Period of Low Real Interest Rates? In: C. Teulings and R. Baldwin, eds., Secular Stagnation: Facts, Causes and Cures., 2014. – London: CEPR Press. – P. 101–110.
12. Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. International Journal of Central Banking, 2017. –13(3). – P. 55 - 89.
13. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. http://www.bis.org.publications.
14. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. http://www.bis.org.publications.

Yuldashev I.A. *- Mustaqil izlanuvchi*

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BANKLARDA TRANSFORMATSIYA

Banklar o’z faoliyatini yuritishida shiddat bilan rivojlanayotgan bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatga bardosh berishi uchun doimiy ravishda raqamli yangliklarni kiritib borishi kerak bo’ladi. Bank texnologiyalarining rivojlanishi uzluksiz davom ertib bu dunyo bank sektoriga o’z ta'sir ko'rsatib keladi.

Transformatsiyalash jarayoni banklar uchun foydani oshiradi, harajatlarni kamaytiradi, ishni shaffofligini oshiradi va riskni kamaytirish uchun xizmat qilib bu jarayon doimiy davom etadi.

Banklarni transformatsiyalashda avvalo transformatsiya tendensiyasi bilish zarur.

Bank sektorida raqamli transformatsiya tendensiyalari quyidagicha:

- Ana’naviy bank

-bank xizmatlari;

- Bozor

- bank xizmatlari;
- nobank xizmatlar;

- Ekotizim

- bank xizmatlari;
- nobank xizmatar;
- SSO + oq yorliqlar;
- to’lov texnologiyalari.

Bulardan tashqari:

Ko’proq rivojlantirish yo’nalishida:

API Getway(shlyuz) mikroservislar

Yubqa kanalli onmi -channel (market placelar , mobil applar)

KREDITLAR KARTALAR KROSS-SOTUV MCB BOSHQA



Kamroq rivojlantirish yo’nalishida

Tashqiq ko’rinishlar uchun monolitlarning standart funksionalligi API ko’rinishida taqdim etiladigan qatlam:

- CRM
- ABS (kreditlar, depozitlar, bosh kitob)
- DWH (Data Warehouse)

Banklarni transformatsiyalash jarayonida dastlab SWOT tahlil qilish asosiy o’rin tutadi. SWOT tahlil qilinganda bankning kuchli, kuchsiz tomonlari va imkoniyat hamda xatarlari o’rganilib hulosa qilinadi. O’rganish va tahlil natijasiga ko’ra raqamli tehnologiyalardan foydalangan holda transformatsiya qilish nuqtalari aniqlanadi.

SWOT Tahlil **ATB “Qishloq qurilish bank”** misolida.

Kuchli tomonlari:

- Qishloq joylarini rivojlantirish va qurilish loyihalarida katta tajriba;
- Yirik mijozlar bazasi, ayniqsa qishloq joylarda tijoriy tarmoq bilan, BHO BHKM va BHM lar bilan;
- Global ekologik loyihalarni moliyalashtirshda ishtirok etish;
- Iqtisodiyotni modernizasiyalash, leberallashtirshga xohish va istak yuqoriligi;
- Xalqaro moliya tashkilotlari bilan har tomonlama va muvaffaqiyatli hamkorlik tajribasi;

Kuchsiz tomonlari;

- Mijozlarni jalb qilish va qo’llab quvvatlash uchun jarayon hamda infratuzilmaga kam e’tibor qaratilishi(masalan ishonch telefoni yoki coll- markaz, raqamli xizmat funksiyaliyari);
- Marketing va reklamaga kam xarajat qilinishi, marketing samaradorligini tahlil qilmaslik;
- Xodimlarning mahsulot va xizmatlar haqidagi bilimi kamligi, sotuvni oshirish uchun motivatsiya va intilishning sustligi;
- O’rta va yuqori darajadagi xodimlarni bilimi, qiziqishlariga qaramay yoki iqtisodiy asoslarsiz tizimsiz almashtirilishi;
- Filiallar tarmog’i ilova va tizimli integrasiyaga bog’lanmagan, bu esa mijozlar bilan o’zaro munosabatlarni qoniqarsiz boshqarishga olib keladi hamda mijozlar yoki mansabdorlar haqidagi ma’lumotlarni o’rganishga imkon bermaydi.

Imkoniyatlari

- Raqamli mahsulotlar va xizmatlar, ko’p kanalli mijozlarga to’liq xizmat ko’rsatish;
- Tarmoqlarning operasiyalari, shu jumladan roli, formati va “tashqi ko’rinishi”ni migratsiya va raqamli kanallarni markazlashtirish uchun boshqaruv;
- Bank uchun texnologik echimlar(DWH,CRM,BMP,DMS,MSA);

- Analatik vositalar va ma’lumotlarga asoslangan qarorlar qabul qilish;
- Xavfllarni boshqarishning mustahkam tizimini yaratish;

Xatarlar:

- Ishonchsiz masofaviy va raqamli kanallar;
- Boshqa banklarning texnologiyalari/ tizimlariga va xalqaro moliyalashtirishga bog’liqlik;
- Ishlash mezonlari va asosiy ko’rsatkichlar (KPI) filial hodimlarini rag’batlantirishga imkon bermaydi;
- Cheklangan funksiyali ko’plab mobil ilovalar.
- Resurslarning yetishmasligi.

Yuqoridagi tahlil bizni harakatga keltirishi uchun amalga oshirilgan va maqsadli chora-tadbirlar dasturini ichab chiqishga boshlaydi.

Amalga oshirilgan chora-tadbirlarda IT departamentini, uning vazifalarini tubdan qayta ko’rib chiqish va tashkil qilish, hujjatlar boshqarish tizimini(DMS) yaratish, bankning veb-saytini yangilash va modernizatsiya qilish va kredit konveyr texnologiyalari, Call-center, mobil ilova dasturi joriy qilinadi va mijozlar bilan munosabatni boshqarish tizimi(CRM) yaratiladi.

Maqsadli chora-tadbirlarda ishlab chiqarishning kompetensiyaligini rivojlantirish maqsadida, xorijiy tashkilotlar bilan xamkorlik qilish orqali IT-kompaniyasini tuzish va MSA va AI tizimini joriy etish, Yagona MFOga o’tish uchun maqsadli tizilmali loyixa va ma’lumotlarni boshqarish va tahlil qilish tizimini yartatish(DWH/BI), texnologik infratuzilmani modernizasiya qilish hamda tadbirkorlik yo’nalishidagi mahsulotning rivojlanishi kabilarni qamrab oladi.

Hulosa qiladigan bo’lsak bank faoliyatini raqamlashtirish orqali yangiliklarni kiritish bu parallel(yonma-yon) ravishda iqtisodiyotning boshqa tarmoqlarida ham raqamlashtirish orqali yangi jarayonlarni olib borishni hamda aholining elektron bank xizmatlaridan foydalanuvchi qatlamini moliyaviy savodhonligini oshirishni talab qiladi, aks holda axborot almashinuvidagi uzilishlar yuzaga keladi va ko’zlangan natijaga erishilmaydi.

Adabiyotlar:

1. 2020 yil 12-maydagi PF -5992-sonli Prezident farmoni (banklarni raqamli transfornatsiya qilish).
2. QQB “Qishloq qurilish bank”ning rivojlantirish strategiyasi. – PWC, 2020 yil.
3. https://qishloqqurilishbank.uz/bank-strategiyasi
4. McAfee A., Brynjolfsson E. Machine, platform, crowd: Harnessing our digital future. – WW Norton & Company, 2017.
5. Mujinga M., Eloff M. M., Kroeze J. H. System usability scale evaluation of online banking services: A South African study // South African Journal of Science. 2018. Vol. 114. No. 3/4. URL: https://doi.org/10.17159/sajs.2018/20170065.
6. Xodjimamedov A. Bank tizimini raqamlashtirish sharoitida bank innovatsiyalarini takomillashtirish. //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2022. – T. 10. – №. 3.
7. Xodjimamedov A. Bank tizimi misolida iqtisodiyotni raqamlashtirish masalalari. //Iqtisodiyot va ta’lim. – 2022. – T. 23. – №. 3.

Баутединов М.Ж. *– ҚДУ, мустақил тадқиқотчи*

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги даврда жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш, хусусан, уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш, компанияларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига инновацион усулларни жорий этишга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мазкур мамлакатлар амалиётида инфляция даражаси ва миллий валюта номинал алмашув курси волатиллигининг нисбатан юқори эканлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига нисбатан юзага келаётган салбий таъсирни бартараф этиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашуви хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар импортини сезиларли даражада оширишга олиб келмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш” асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. [1]

Россиялик иқтисодчи олим В.Газманнинг хулосасига кўра, лизинг корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг истиқболли ва самарали шакли ҳисобланади. [2] Фикримизча, В.Газманнинг ушбу хулосаси Ўзбекистон учун амалий аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг реал секторини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш бўйича иқтисодиёт тармоқлари олдида аниқ талаблар қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини ошириш, унинг республикамиз учун нисбатан янги шакли бўлган лизинг шаклидан фойдаланиш ҳажмини оширишни тақозо этади.

Замонамизнинг таниқли иқтисодчи олимларидан бири, АҚШнинг Массачусетс технология институти профессори О.Бланшарнинг фикрича, компанияларнинг инвестицион фаолиятига инфляция кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, инфляцияни паст ва барқарор таъминлаш улар инвестицион фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.[3]

Иқтисодчи олимлар томонидан ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётининг зарур шартларидан бири иқтисодиётнинг реал сектори ва молия сектори ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади.

Ж.Тобиннинг бу хулосаси амалий аҳамиятга эга. Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатдики, макроиқтисодий ўсиш суръатлари билан монетизация коэффициенти даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Яъни монетизация даражаси 30 фоиздан паст бўлган мамлакатларда инфляция даражасининг юқори эканлиги ва реал фоиз ставкасининг салбий эканлиги кузатилмоқда.[4]

О.Бланшарнинг хулосасига кўра, иқтисодиётни ривожлантиришда Марказий банкнинг фоиз сиёсати ва ҳукуматнинг бюджет-солиқ сиёсати муҳим ўрин тутади. Марказий банкнинг фоиз сиёсати иқтисодиёт «қизиб кетиши»нинг олдини олиш имконини берса, ҳукуматнинг бюджет сиёсати орқали бюджет тақчиллигининг қисқариши иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. [5]

Гарчи О.Бланшар ўз хулосаларини АҚШ мисолида асослаб берган бўлса-да, дунёнинг бошқа қатор мамлакатларида ҳам мазкур хулосалар амалий тасдиғини топди. Масалан, Хитойда иқтисодиётнинг «қизиб кетиши» хавфи юзага келганлиги сабабли, Хитой Марказий банки тижорат банкларининг депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий заҳира ставкаларини 2011 йилда 21,5 фоизга кўтарди.[6]

А. Демиргс-Кинт, Р.Левин, М.Пагано, Д.Эйсмоглу сингари иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар молия секторининг ривожланиш даражаси билан иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиш даражаси ўртасида ижобий корреляцион боғлиқнинг мавжудлигини кўрсатди. Яъни мамлакатда молия секторининг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятининг ривожланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.[7]

“Реал сектор корхоналарнинг инновацияларни қабул қилиш жараёнини паст даражада қолаётганлиги корхоналарда илғор технологияларга бўлган талабнинг сустлашишига олиб келмоқда”. [8] Бу ўз навбатида инвестицияларни молиялаштиришни жадаллаштиришнинг ўзининг салби таъсирини кўсратади.

Индустриал жиҳатдан ривожланган давлатларда банк тизимининг ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга бўлган талабларини ўз вақтида ва тўлиқ қондириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратган. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкларидан айланма маблағлар ўрнини тўлдириш учун ҳам, асосий воситалар харид қилиш учун ҳам ўз вақтида кредит олиш имконига эгадирлар.

О.Лаврушиннинг фикрича, қайта тақсимлаш функцияси туфайли кредит корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва узлуксизлигин таъминлаш учун зарур бўлган моддий шарт-шароитларни юзага келтиради.[9]

Бироқ, О.Лаврушиннинг мазкур хулосаси бир қатор ривожланаётган мамлакатлар учун амалий аҳамият касб этмайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, ушбу мамлакатларда молия бозорларининг ривожланмаганлиги кредитнинг қайта тақсимлаш функциясини тўлақонли амал қилишига имкон бермайди, иккинчидан, инфляция даражасининг юқори эканлиги, миллий валютанинг барқарорлигини таъминланмаганлиги, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг юқори эканлиги, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги иқтисодиётнинг молия секторининг реал секторини ривожлантиришдаги аҳамиятини кучайтиришга тўсқинлик қилади.

Кредитнинг қайта тақсимлаш функцияси орқали жамиятдаги вақтинчалик пул маблағлари унга эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига қайта тақсимланади. Ушбу тақсимот банклар орқали амалга оширилади. Бунинг учун тижорат банклари етарли даражада ликвидли ва молиявий барқарор бўлиши керак. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тижорат банклари жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини маълум фоиз тўлаш асосида жалб қилади. Фоиз тўлаш учун эса, банклар етарли даражада молиявий барқарор бўлишлари керак. Иккинчидан, жалб қилинган маблағлар унга эҳтиёжи бўлган субъектларга кредит қилиб берилиши учун тижорат банклари етарли даражада ликвидли бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси” 26-мақсади.
2. Газман В.Д. Лизинг в проектном финансировании.//Финансы. – Москва, 2013. – №9. – С. 78-79.
3. Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: Издательский дом Государственного университета – Высшей школы экономики, 2010. – С. 529-530.
4. Тихонов А. Коэффициент монетизации: некоторые аспекты теории, сравнительный анализ и практические выводы//Банковский вестник. – Минск, 2000. - №25 (132). - С. 4.
5. Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ИД «Высшая школа экономики», 2010. - С. 108
6. Основные индикаторы развития денежно-кредитной системы Республики Узбекистан. Информационно-аналитический обзор. – Ташкент, 2013. - С.24.
7. Demirgbs-Kint A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. A Cross-Country Comparison of Banks, Markets and Development. MIT Press, 2004. – Ch. 4-5.; Pagano M. Financial Markets and Growth//European Economic Review. 1993. Vol. 37, № 2-3.
8. Бауетдинов, М. 2023. Корхоналарни бошқариш самарадорлигини оширишда инновацион ёндашувлар таҳлили. "Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va barqaror rivojlantirish istiqbollari" respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to‘plami. (Jun. 2023), 48–51.

9. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - с. 36.

Назаров Қ. *- ТДИУСФ, кафедра ассистенти*

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЎСИШИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЎРНИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банклари томонидан истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган [1]. Мамлакатимиз иқтисодиётини ўсишида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари тижорат банклари кредитлари ёрдамида молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инвестицион лойиҳалар асосида фаолият кўрсатувчи корхоналар ташкил этилмоқда, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар ва хизмат турлари жорий этилиб, турли хилдаги янги маҳсулот турлари яратилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш самарадорлигини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Ҳозирги даврда тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги, кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги банкларнинг кредитлаш самарадорлигини паст эканлигидан далолат беради.

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди [2].

Проф. Н.Э. Соколинскаянинг хулосасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [3].

С.Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташқил этиладиган захираларнинг даражасини муҳим ўрин тутишини эътироф этган [4].

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш ва кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади [5].

Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш асосий ўринни эгаллайди [6].

Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, гуруҳлаш ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг ахборот манби сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 281 мингдан ортиқ лойиҳага жами 48,4 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 17.0 мингта лойиҳасини молиялаштириш учун 2,9 млрд. АҚШ доллари (2019 йилда: 2,1 млрд. АҚШ доллари, 12 мингта лойиҳа) миқдорида, жумладан, тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 14.0 мингтадан ортиқ лойиҳага 2,5 млрд. АҚШ доллари (84 фоиз) миқдорида (2019 йилда: 1,57 млрд. АҚШ доллари, 74 фоиз) кредитлар ажратилди [7].



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари умумий кредитларининг ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши, % [11]

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллаган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2018-2020 йилларда рсепубликамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасида инфляция даражасининг юқори эканлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг фоиз ставкасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси[12]

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1
Миллий валютадаги инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаси	20,9	23,8	22,5

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори даражада эканлиги банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни қайтаришда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Муаммонинг моҳияти шундаки, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди.

Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бунинг устига, банклар томонидан берилган кредитларни қайтмаслиги тўловсизлик муаммосини янада чуқурлашишига хизмат қилади.

Шунингдек, инфляция даражасининг ошиши ҳам тижорат банкларини кредитларнинг фоиз ставкасини оширишга мажбур қилади. Чунки, инфляция даражасининг ошиши тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг реал қийматини пасайишига сабаб бўлади. Иқтисодиётда инфляция даражасининг юқорилиги тадбиркорлар қўлидаги молиявий ресурслар даромадлилиги ва қийматини пасайтириши сабабли улардаги тақчилликни кредит ресурслари билан қоплашдаги зарурият ва муаммоларни келтириб чиқаради. Зеро, фаолияти, асосан, жалб этилган маблағлар асосига қурилган банкларнинг тижорат иши уларни инфляция суръатидан юқори қийматда кредитлашга мажбур этадики, бу ҳолат инқироз

2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллаган. Аммо, мазкур даврда республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори даражада эканлиги банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни қайтаришда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бу эса, тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитларни ўз вақтида қайтаришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёнида юзага келадиган рискларнинг даражасини пасайтириш мақсадида, **биринчидан,** маркетинг тадқиқотлари сифатини ошириш йўли билан маҳсулотларга бўлган талабни прогнозлаш аниқлигини ошириш лозим; **иккинчидан,** лойиҳа ташабускорининг репутациясига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо бериш керак; **учинчидан,** лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида графикка риоя қилинишини доимий мониторинг қилиб бориш лозим;

2. Таснифланганинвестицион кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан инвестицион кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш мақсадида инвестицион кредитлар учун олинаётган гаров объектларининг ликвидлилигига, мижозларнинг пул оқимини барқарорлигига, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини умумий пул оқимини баҳолаш асосида аниқлаш лозим.

2016-2020 йилларда республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида инвестицион кредитлардан кўриладган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори бўлган. Бу эса, мазкур банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезон сифатида ссудалардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган меъёрий даража (1,0%) қабул қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 36-37
3. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.
4. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.].
5. www.worldbank.org – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
6. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486.

7. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 28.
8. Отамуродов Ҳ.Ҳ. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 24.
9. Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот (Б. 55-56). www.cbu.uz.
10. Тижорат банклари кредитлари. www.cbu.uz
11. Пул-кредит сиёсати. www.cbu.uz.

Абдуразакова Н.Р. *– ҚДУ, мустақил тадқиқотчи*

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистонда реал секторга йўналтирилган инвестициялар хажмини ошириш, шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, ахолининг турмуш даражасини юксалтириш, даромадларини кўпайтириш, ҳудудларнинг табиий, минерал хомашё, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, туризм, меҳнат салоҳиятидан тўлақонли, самарали фойдаланиш имкониятини яратиш, туман ва шаҳарларни, аввало, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш орқали жадал ривожлантириш эвазига худудлар ижтимоий ва иқтисодий ривожланишдаги фарқланишни камайтиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш» устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш корхоналарнинг молиявий ресурсларини оптимал шакллантириш ҳамда уларни баҳолаш инвестицион фаолият самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Инвестицияларни баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимлари корхонанинг инвестиция фаолияти кутилган даромад келтириши ва унинг стратегик мақсадларига ҳисса қўшишини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Ушбу тизимлар инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва керак бўлганда тузатишлар киритиш учун зарур назорат механизмларини таъминлайди. Улар бир нечта компонентларни ўз ичига олади.

1-жадвал

Инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолаш компонентлари[1]

Компонент	Тавсиф

[1] Иқтисодий адабиётлар асосида шаклланлитирилган муаллиф ишланмаси

Инвестицияларни баҳолаш	Қайтарилиш даври таҳлили, соф жорий қиймат (NPV) таҳлили, ички даромад ставкасини (IRR) ҳисоблаш ва риск сезувчанлиги таҳлили каби усуллардан фойдаланган ҳолда кутилаётган даромадларни ва улар билан боғлиқ рискларни аниқлаш учун потенциал инвестицияларни баҳолаш.
Стратегик мувофиқлаштириш	Инвестицион қарорлар акциядорлик жамиятининг стратегик мақсадларига мос келишини таъминлаш.
Ишлаш самарадорлигини ўлчаш	Асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ёрдамида инвестициялар самарадорлигини доимий равишда ўлчаш.
Рискларни бошқариш	Ҳар бир инвестиция билан боғлиқ рискларни диверсификация, хеджлаш ёки фавқулодда вазиятлар режаларини тузиш каби усуллар орқали аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш.
Ҳисобот ва алоқа	Акциядорлик жамияти инвестициялари натижаларини батафсил тавсифловчи мунтазам ҳисоботларни ишлаб чиқиш ва бу ҳисоботларни асосий манфаатдор томонларга этказиш.
Кўриб чиқиш ва мослаштириш	Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш учун мунтазам текширувлар ўтказиш ва керак бўлганда тузатишлар киритиш, масалан, кам бажарилган инвестициялардан воз кечиш ёки юқори самарадорликка кўпроқ ресурсларни ажратиш.

Инвестиция фаолиятининг ўзига хос даражаси, инвестиция фаолиятининг йўналишлари ва шакллари, корхона ҳаёт циклининг ҳар бир босқичи учун инвестиция ресурсларини шакллантириш хусусиятларини тавсифловчи инвестиция стратегияси корхонага инвестиция фаолиятини иқтисодий ривожланишидаги ўзгаришларга мослаштиришга имкон беради. Инвестицион стратегияни яратиш жараёни корхоналарда стратегик бошқарув объектларини аниқлаб олишни талаб этади. Бундай объектлар сифатида қуйидагилар танланади:

- корхона комплекс ҳолатда;
- иқтисодий фаолиятнинг стратегик ҳудудлари;
- стратегик марказлар.

Стратегик менежмент зонаси хом ашёга бўлган умумий талабга, корхона ичида технологиядан кенг фойдаланишга асосланган бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор тармоқлар орасида фаолият юритадиган мустақил иқтисодий сегментни акс эттиради.

Стратегик инвестиция маркази - бу, маълум стратегик вазифаларни бажариш ёки иқтисодий натижаларни кафолатлаш бўйича ихтисослашган, корхонанинг мустақил бир таркибий бўлинишидир. Замонавий рақобат муҳитида, инвестиция стратегиясини самарали рақамлаш, корхонанинг омадли ривожланишини таъминловчи асосий чоҳлардан биридир.

Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг бухгалтерия ҳисоби усуллари инвестиция лойиҳаларини дастлабки экспертизаси учун ишлатилади, фақат давр бошида ва охирида реал ҳисобланган кўрсаткичлар мавжуд бўлганда, қисқа муддатли даврда қўлланилиши мумкин. Бундай усулларнинг моҳияти фойда, харажатлар тўғрисидаги маълумотларни таққослаш ва рентабелликни ҳисоблашдан иборат. У ёки бу инвестиция лойиҳаси фойдасига танлов корхона учун аҳамиятли кўрсаткичларнинг энг мақбул қийматлари асосида амалга оширилади.

2-жадвал

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш моделларининг таснифланиши[1]

Инвестицион лойиҳаларни муддатига кўра баҳоловчи моделлар	Қоплаш муддати (Payback period, PP), дисконтланган қоплаш муддати (discounted payback period DPP)
Рентабеллик даражасига кўра баҳоловчи моделлар	Ички даромадлилик меъёри (Internal rate of return IRR), даромадлилик даражаси (Profitability index PI)
Инвестицион лойиҳанинг пул оқимларининг дисконтланган жорий қийматига кўра баҳоловчи моделлар	Соф жорий қиймат (Net present value NPV)
Инвестицион лойиҳаларнинг кутилаётган даромадлилик даражаси ва бозор рискига кўра баҳоловчи моделлар	Капитал активларининг баҳолаш модели (Capital asset pricing model CAPM)

Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг бухгалтерия ҳисоби усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади. Сотувнинг муҳим ҳажмини аниқлаш усули (бреакевен поинт). Унинг моҳияти оптимал савдо ҳажмини ҳисоблашдан иборат бўлиб, ундан тушадиган даромад ялпи харажатларни тўлиқ қоплайди. Унинг ишлатилиши инвестиция лойиҳасининг рентабеллик даражасини аниқлашга имкон беради.

Отақўзиева З.М. *- ТАТУ, и.ф.н., доц.*
Равзатов Ж.Б. *– ТАТУ, таянч докторант*

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Бугунги кунда корхоналар фаолиятини такомиллаштиришда рақамли технологияларнинг ўрни беқиёс эканлигини хорижий олимларнинг қарашларидан ҳам билсак бўлади албатта. Б.Паньшиннинг фикрига кўра, корхона миқёсидаги рақамли трасформация анъанаий IT-хизматдан (назорат қилинадиган, бошқариладиган, харажатлари кўп бўлган алоҳида вазифаларни ҳал қилишга қаратилган хизмат) инсонга йўналтирилган очиқ тизимга ўтишни англатади. Натижада, ахборот ва рақамли технологиялар корхонанинг ички ресурси ва активи вазифаси билан чекланиб қолмайди, балки товарлар ва хизматларнинг янги бозорларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим омилига айланади[1].

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг фикрига кўра, рақамлаштиришнинг иқтисодиётнинг ўсишига таъсири инклюзия механизмлари ҳисобидан, яъни фуқароларнинг максимал сони ижтимоий жараёнларга жалб қилиш, инновацияларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳисобидан таъминланади. Мазкур механизмлар савдони, капитал ва ишчи кучини ҳажмларини ошишига олиб келадики, бунинг натижасида рақобат кучаяди .

З.Басаевнинг хулосасига кўра, иқтисодиётни рақамлаштириш даражасини ошириш йўли билан технологик қолоқликка барҳам бериш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

[1] Иқтисодий адабиётлар асосида шаклланлитирилган муаллиф ишланмаси

– рақамли платформалар, маълумотларни улкан тўпламини таҳлил қилишни чуқурлаштириш, 3D-нашр, роботлаштириш, буюмлар интернети, сунъий интеллек, нейронли тармоқлар, блокчейн каби илғор бизнес-моделлар ва технологияларни жорий қилиш орқали тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– давлат билан ўзаро ҳамкорлик жараёнининг шаффофлигини ошириш орқали давлат хизматлари (жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш, рухсатномалар олиш, солиқларни декларация қилиш, бизнес учун рақамли хизматлар тизимиларини ривожлантириш, онлайн хизматлар) кўрсатиш жараёнларини соддалаштиришни кўзда тутувчи ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;

– таълим тизимини давлат томонидан молиялаштириш, рақамли технологиялар билан ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш марказларини ташкил этиш, ишдан бўшаган ходимлар учун махсус мослашиш дастурларини ишлаб чиқиш;

– тиббиёт, маданият, таълим, транспорт, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлик соҳаларида кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва қулайлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

– тартибга солиш режимини юмшатиш, синов-лойиҳалар учун махсус ҳуқуқий режимларни яратиш, рақамли технологияларни қўллаш соҳасида ягона стандартларни ишлаб чиқиш;

– рақамли инновацияларга бўлган қизиқишни рағбатлантириш ва ижобий ижтимоий самара берадиган рақамли маданиятни ривожлантириш .

З.Басаевнинг иқтисодиётни рақамлаштириш даражасини ошириш йўли билан технологик қолоқликка барҳам бериш мақсадида рақамли платформалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, рақамли технологиялар билан ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, тартибга солиш режимини юмшатиш, синов-лойиҳалар учун махсус ҳуқуқий режимларни яратиш, рақамли технологияларни қўллаш соҳасида ягона стандартларни ишлаб чиқиш, рақамли инновацияларга бўлган қизиқишни рағбатлантириш каби таклифлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини рақамлаштириш даражасини ошириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади. Аммо, рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш ва ушбу молиялаштириш жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни иқтисодиётнинг рақамлаштириш даражасини оширишнинг зарурий шарти эканлиги З.Басаевнинг эътиборидан четда қолган.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, корхоналарда бизнес фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган таҳдидлардан бири бўлиб, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Мазкур таҳдид технологик рисклар билан боғлиқдир. Бизнесни рақамлаштириш даражасини ошиб бориши билан киберҳужумлар ҳам такомиллашиб боради[2].

Л. Ватутина, Е. Злобина, Е. Хоменко томонидан амалга оширилган тадқиқотнинг натижалари кўрсатдики, янги бизнес-моделларга ўтиш мураккаб жараён ҳисобланади. Рақамли инстурментларни ўзининг бизнес-жараёнларига

фаол жорий қиладиган компаниялар бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизимига ўзгартиришлар киритиш заруриятига дуч келадилар. Рақамли технологияларни бизнес-жара ёнларга жорий қилиш ташкилий инновациялар билан параллель равишда амалга оширилиши керак[3].

Фикримизча, бизнеснинг инновацион моделига ўтишда корхона томонидан инновацион фаолиятни танлашнинг қайси усулини қўлланилишига боғлиқ.

Ҳозирги даврда корхоналар инновацион фаолиятини танлашнинг қуйидаги 3 усули мавжуд:

– Сценарий усули

– Ўйин усули

– Дельфи усули.

Инновацион фаолиятни танлашнинг Сценарий усулида инновация сценарийсини ёзишдан мақсад – инновацион жараёнларда кегусида юз бериши мумкин бўлган гипотетик ҳолатларни ёритиб бериш. Сценарий прогноз ҳисобланмайди. Сценарий ҳар доим келгусида бз бериши мумкин бўлган ҳолатларни баҳолаш мақсадида ёзилади.

Ўйин усули деганда иқтисодий, молиявий, техник ва ташкилйи жараёнларни моделлаштиришнинг бир тури тушунилади. Ўйин усулида иштирокчиларнинг ҳар бири ёки гуруҳи ўзларига юклатилган вазифаларни юқори даражада бажаришга ҳаракат қилади. Ўйин усулида иштирокчиларга белгиланган вазифаларни маълум қоидалар доирасида бажариш мажбурияти юклатилади.

Дель усулида прогноз қилишда тадқиқот жараёнида гуруҳ аъзоларининг бевосита мулоқот қилиши таъқиқланади ва ҳар бир экспертнинг келгусидаги гипотетик ҳодисалар тўғрисидаги фикрлари анкетадан фойдаланган ҳолда ёзма тарзда олинади. Бунда экспертлар зарур маълумотлар билан таъминланади.

Дельфи усулини қўллашдан кўзланган мақсад – долзарб муаммоларнинг ишончли ечимига асосланган ҳолда прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

А.Бабкиннинг фикрига кўра, корхоналар фаолиятига рақамли технологияларни жорий қилиш тўловларнинг қийматини пасайтириш ва янги даромад манбаларини очиш имконини беради, глобал бозорга чиқишни осонлаштирадиган омиллар юзага келади[1].

Ҳақиқатдан ҳам, рақамли технологиялар маҳсулотларни тўлиқ таннархини пасайтириш имконини беради. Бу эса, ушбу маҳсулотларнинг глобал товар бозорларидаги рақобатбардошлигини ошишига олиб келади.

Е.Устюгованинг хулосасига кўра, корхоналарни рақамли трасформациясини икки томондан қараш керак: биринчиси – мижозлар билан ҳамкорлик моделининг трансформацияси, яъни анъанавий сотишдан “ақлли” сотиш моделига ўтиш; иккинчиси – операций рақамлаштириш, яъни амал

[1] Бабкин А.В. Цифровая трансформация экономики и промышленности: проблемы и перспективы. – Спб.: Издательство Политехнического университета, 2017. – 807 с.

қилаётган бизнес модель доирасида корхона фаолиятининг самарадорлигини турли хилдаги рақамли инструментларни жорий қилиш йўли билан ошириш[1].

Корхоналар юқорида қайд этилган икки йўлдан бирини танлашлари керак бўлади. Одатда, корхона раҳбариятида ёши катта инсонлар ўтирган бўлса, улар янгиликни қийинчилик билан қабул қилишади. Шу сабабли, улар мавжуд бизнес-моделни ўзгартирмасликка ҳаракат қилишади.

Н.Королева ва В.Золотованинг хулосасига кўра, корхоналарнинг фаолиятини рақамли технологиялар асосий такомиллаштириш учун қуйидаги элементларнинг мавжуд бўлиши шарт:

–ривожланган замоанвий инфратузилма (интернет ва телекоммуникациялардан доимий фойдаланиш имконияти);

–давлат бошқаруви билан электрон ҳамкорлик, кадрларни тайёрлаш, маълумотлар базасини шакллантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш;

–электрон бизнес (корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий, инвестицион фаолиятини замоанвий дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда компьютер тармоқлари орқали амалга ошириш);

–электрон тижорат (товарларни интернет тармоғи орқали сотиш имконияти)[4].

Д.Конгонинг хулосасига кўра, Big Data технологиясини қўллаш орқали корхоналарда сотиш маркетингини такомиллаштириш қуйидаги афзалликларга эга:

– катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини рақамлашиши юз беради;

– турли хилдаги маълумотларни бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш имконияти бўлганлиги сабабли маълумотларни танлаб олиш инструментлари кўпаяди;

– маркетинг таклифини индивидуллаштириш имконияти юзага келади;

– мижозларнинг талабини қондиришнинг реал даражаси баҳоланади;

– етказиб берилаётган товарларнинг истеъмолчиларнинг кутишларига қай даражада мослиги баҳоланади[5].

Ҳақиқатдан ҳам, корхоналарнинг маркетинг фаолиятини Big Data технологиясини қўллаш катта ҳажмидаги маълумотларни қисқа вақт ичида таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса, қарорларни қабул қилиш вақтини қисқартиради. Маҳсулотларни сотишда эса, қарорларни тезкорлик билан тўғри қабул қилиниши муҳим амалий аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхоналарнинг фаолиятини рақамли технологияларни қўллаш орқали такомиллаштириш масаласи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг замоанвий босқичида долзаоб бўлиб турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида корхоналар фаолиятини рақамли технологияларни жорий қилиш асосида такомиллаштириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

[1] Устюгова Е. Цифровизация промышленности как инструмент повышения эффективности производства / Ъ-Приволжье-Online [Электронный ресурс] Коммерсантъ. 26.04. 2019.–Режим доступа: https://www.kommersant.ru/doc/3744965.

– саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш;

–корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқаришни таъминлаш, шунингдек, бу орқали логистика ва харид харажатларини қисқартириш;

–замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифатини яхшилаш, уларнинг таннархини, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни камайтириш, молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффофлигини ошириш;

–инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

–ишчи жойларни босқичма-босқич автоматлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини роботлаштириш, шунингдек, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

–саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, «Интернет буюмлар», «сунъий интеллект» каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш[6].

О.Литвиненконинг хулосасига кўра, йирик корхоналар фаолиятини рақамлаштиришда мураккабликлар мавжуд. Ушбу мураккабликлар маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор тизимига ўтган корхоналарда яққол сезилади.

Мазкур корхоналарнинг асосий қисми давлат маблағлари ҳисобига фаолият юритади. Мазкур корхоналарда давлат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги ва бўш молиявий ресурсларнинг мавжуд эмаслиги ишлаб чиқаришга рақамли технологияларни жорий қилишни секинлаштирадиган асосий сабаб ҳисобланади[7].

О.Литвиненконинг мазкур хулосаси Ўзбекистон корхоналари фаолиятини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, корхоналарда молиявий ресурслар жалб қилиш муаммоси мавжуд. Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, қимматли қоғозлар бозори ривожланмаганлиги сабабли корхоналарнинг қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилиш имконияти чекланган. Бунинг устига, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари юқори.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотига кўра, 2021 йилда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 20,8 фоизни ташкил этди[8]. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкалари ҳисобланади.

Республикамизда қимматли қоғозлар бозори ривожланмаганлиги сабабли Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт

стратегиясида қимматли қоғозлар бозорида операцияларнинг йиллик ҳажмини кесикн ошириш, яъни ушбу операцияларнинг йилилк ҳажмини ҳозирги 200 млн. АҚШ долларидан 2026 йилнинг охирига бориб 7 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилди[9].

Адабиётлар рўйхати:

1. Паньшин Б. Цифровая экономика: понятия и направления развития//Наука и инновации. – Москва, 2019. – №3. – С. 54.
2. Цифровая экономика: глобальные тренды и практика российского бизнеса: доклад / отв. ред. Д.С. Медовников, директор Института менеджмента инноваций НИУ ВШЭ. 2017. URL: https://imi.hse.ru/pr2017_1.; Global Cyber Risk Perception Survey. 2019. URL: https://www.mmc.com/insights/publications/2019/sep/globalcyber-risk-perception-survey-report-2019.html.
3. Ватутина Л., Злобина Е., Хоменко Е. Цифровизация и цифровая трансофрмация бизнеса: Современные вызовы и тенденции//Вестник Удмуртского университети. – Удмуртия, 2021. – №4. – С. 548.
4. Королева Н.Ш., Золотова В.Д. Проблемы цифровизации деятельности предприятия в современных условиях//Инновации и инвестиции. – Москва, 2019. – № 6. – С. 116.
5. Конго Д.М. Влияние цифровизации на эффективность коммерческого цикла продаж//Стратегии бизнеса. – Москва, 2021. – № 7.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.
7. Литвиненко О. С. Цифровизация промышленных предприятий: проблемы и перспективы / О. С. Литвиненко // СПб.: Изд-во СПбГУ, – 2017. – с. 27-30.
8. Статистика. Пул-кредит статистикаси//www.cbu.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

***Nusratullayev B.N** – БТОМ, tinglovchi*

KORXONA INNOVATSION STRATEGIYASINING SAMARADORLIGI VA UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

So‘nggi yillarda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va bunyodkorlik salohiyatini qo‘llab-quvvatlash orqali aholiga munosib hayot sharoitlarini yaratish, ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, bandlikni ta`minlash bo‘yicha keng ko‘lamli ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Korxonalarni davlat tomonidan tartibga solish va ularga qulay shart-sharoitlar yaratib borish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida firmalar va tadbirkorlik sub`yektlarining soni yil sayin oshib bormoqda. Mamlakat iqtisodiyotining

“sog‘lomligi”ni baholashning muhim omili - korxonalarning samarali faoliyat ko‘rsatishi bo‘lib, bu ularning moslashuvchanligi va doimiy o‘zgaruvchan iqtisodiy vaziyatlarga moslasha olish ko‘rsatkichidir.

Milliy innovatsion tizimni tadqiq etishda tadqiqotchilar turli yondashuvlar va yo‘nalishlarga tayanib ish ko‘rsalarda, kontseptsiya asoschilari milliy innovatsion tizim borasida quyidagi umumiy ta`rifga to‘xtaladilar: “**Milliy innovatsion tizim** - bu milliy chegaralar doirasida ilmiy bilim va texnologiyalarni ishlab chiqarish va tijoratlashtirish bilan shug‘ullanuvchi o‘zaro bog‘liq bo‘lgan tashkilot (tuzilma)lar - kichik va yirik kompaniyalar, universitetlar, davlat laboratoriyalari, texnoparklar va inkubatorlarning umumiyligidir. Ularning o‘zaro aloqasi mustahkam milliy ildizlarga, an`analarga, o‘ziga xos siyosiy va madaniy xususiyatlarga ega bo‘lgan huquqiy, moliyaviy va ijtimoiy institutlar majmuasi tomonidan ta`minlanadi”.

MITlar kontseptsiyasining keyingi davrlardagi taraqqiyoti 1980 yilning o‘rtalarida ayniqsa avj oldi. Ushbu davrda ko‘plab olimlar o‘z ilmiy izlanishlari bilan milliy innovatsion tizimlarning rivojiga katta hissa qo‘shdilar. Mazkur ilmiy izlanishlar orasida B.Lundvall, K.Frimen va R.Nelsonlarning tadqiqotlari katta o‘rin tutadi. Qo‘yilgan masalalarni hal etishda ushbu mualliflar o‘ziga xos usul va yondashuvlardan foydala-nadilar. Xususan, B.Lundvall milliy innovatsion tizimlarning o‘ziga xos jihatlarini tadqiq etsa, K.Frimen innovatsion faoliyatning institutsio-nal jihatlariga urg‘u beradi, R.Nelson davlat tomonidan amalga oshiriluvchi ilm-fan va texnologiyalar sohasidagi siyosat masalalariga alohida to‘xtaladi [1].

B.Lundvall tadqiqotlari F.Listning “milliy ishlab chiqarish tizimlari” kontseptsiyasi va firmalar o‘rtasidagi texnologik hamkorlik yo‘lga qo‘yish bo‘yicha amalga oshirilgan ilmiy ishlarga tayanadi. B.Lundvall bir davlat ichida yangi bilim va texnologiyalar ishlab chiqaruvchilarning o‘zaro munosabatlarini o‘rganib chiqdi. Muallifning fikriga ko‘ra, firmalarning texnologik hamkorligi ko‘pincha mamlakat ichida amalga oshiriladi va uning institutsional tuzilishining o‘ziga xos xususiyatlari bilan belgilanadi. Globallashuv sharoitida xorijiy kompaniyalar bilan faol hamkorlik qilinishiga qaramay, innovatsion jarayonlar milliy tizimlar bilan uzviy aloqada bo‘ladi.

K.Frimen o‘z ishlarida T.Veblen, R.Kouz va G.Saymonning institutsional nazariyalarining xulosalariga tayanadi. Uning ishlarida innovatsion faoliyatning institutsional tarkibi asosiy o‘ringa qo‘yiladi. K.Frimen MITni faollik va o‘zaro hamkorlik darajasi yangi texnologiyalarning tarqalishiga yordam beruvchi iqtisodiyotning davlat va xususiy sektoridagi institutsional tuzilmalarning o‘ziga xos tarmog‘i ekanligini ta`kidlaydi. Ushbu muassasalar nafaqat tadqiqot o‘tkazish uchun mas`ul bo‘lgan tashkilotlarni, balki mavjud darajadagi resurslarni korxona darajasida va milliy darajada boshqarishni o‘z ichiga oluvchi harakatlar tavsifini ham o‘z ichiga oladi. R.Nelson ishidagi asosiy muammolar davlat ilmiy va texnologik siyosatini amalga oshirish va mazkur siyosatni amalga oshirishda zamonaviy MIT doirasidagi imkoniyatlar va cheklovlar R.Nelson ishidagi asosiy muammolar hisoblanadi.

Shunday qilib, R.Nelson texnik taraqqiyotning o‘ziga xos xususiyatlarini ajratib ko‘rsatar ekan, qat`iy markazlashtirilgan boshqaruv va rejalashtirish innovatsion taraqqiyotning amalga oshishiga yo‘l qo‘ymasligini, shu sababli ham davlatning innovatsion siyosatini amalga oshirishda bozor regulyatorlarining joriy etilishi bir

muncha ijobiy natijalar berishini ta`kidlab o‘tadi. Shuni ta`kidlash kerakki, turli mamlakatlar uchun davlat tomonidan tartibga solishning turli mexanizmlari xos bo‘lsa-da, qo‘yilgan maqsadlarga erishishning faqatgina, umumiy qoidalari mavjuddir. Bunday umumiy qoidalar sirasiga kontseptsiya mualliflari milliy innovatsion tizimni shakllantirish va uning samarali ishlashi uchun shart-sharoitlarni yaratib berishni kiritishadi (1-rasm).



1-rasm. Milliy innovatsion tizimning umumiy tuzilmasi

Milliy innovatsion tizimlar kontseptsiyasini ishlab chiqish quyidagi uslubiy tamoyillarga asoslanadi:

Y.Shumpeterning g‘oyalari: innovatsiyalar va ilmiy ishlanmalar - korporatsiyalar raqobatbardoshligining asosi; novator-tadbirkorning ilmiy ishlanmalarning tijoratlashuvidagi o‘rni.

F.Xayekning g‘oyalari: iqtisodiy rivojlanish sohasidagi bilimlarning alohida o‘rni (“bilim iqtisodiyoti”, “kreativ” korporatsiya).

D.Nort g‘oyalari: institutsional muhitning o‘rni - keng tarmoqli bozor munosabatlari va mexanizmlarini yaratish bozorlarning samaradorligini ta`minlaydi.

Institutsional muhit hukumatning ilmiy-texnik va innovatsion siyosatini shakllantirish borasida davlatning faoliyat yuritishi orqali ta`minlanadi. Mazkur holatlardan kelib chiqqan holda, 2-rasmda milliy innovatsion tizimni barpo etishning kontseptual sxemasi keltirib o‘tilgan.

Ta`lim, fan, biznes sohasi va ilmiy ishlanmalarning tijoratlashuviga ko‘mak beruvchi innovatsion infratuzilmaning turli elementlari milliy innovatsion tizimning eng muhim tarkibiy elementlari bo‘lib hisoblanadi. Har qanday samarali milliy innovatsion tizimining asosiy ishtirokchisi bo‘lgan davlat uning barcha tarkibiy

elementlarining faoliyatini muvofiqlashtirish asnosida innovatsiyalarning amalga oshishi uchun qulay muhit yaratilishini ta`min etadi.



2-rasm. Milliy innovatsion tizimlarni yaratishning kontseptual sxemasi

Milliy innovatsion tizimning tub mohiyatini tushunib olish uchun dunyoning barcha rivojlangan mamlakatlarida milliy innovatsion tizimni yaratishning quyidagi asosiy tamoyil va qoidalarini sanab o‘tishimiz lozim:

1. Fan (innovatsiyalarning asosiy manbai) yopiq, izolyatsiya qilingan tizim hisoblanmaydi (universitetlar va ilmiy-tadqiqot markazlari) va, aksincha, har bir yirik segment (davlat ilmiy-tadqiqot markazlari, yirik korporatsiyalarning ilmiy markazlari, kichik fan sig‘imli biznes)ning asosiy bo‘g‘ini hisoblanadi.

2. Tadbirkor, firma, davlat innovatsion jarayonning alohida elementlari sifatida emas, balki murakkab tizimning o‘zaro bog‘liq bo‘g‘inlari sifatida qaraladi.

3. Innovatsion faoliyat samarali innovatsion infratuzilma va institutsional omillarning ma`lum bir to‘plamining mavjudligi evaziga ta`min etiladi.

Bugungi kunda ko‘pgina tadqiqotchilar MITni texnologiyalarni ishlab chiqish, tarqatish va ulardan foydalanish bilan shug‘ullanuvchi muassasalar tarmog‘i va shuningdek, innovatsion jarayonlarni tartibga solish borasida hukumat tomonidan ishlab chqiluvchi va amalga oshiriluvchi institutsional chegaralarni shakllantirish sifatida tushuntirishga harakat qiladilar. Ammo, MITga oddiygina institutsional tuzilmalarning majmuasi sifatida baho berish mumkin emas, u yangi bozorlar chegarasi va milliy biznesning raqobatbardoshlik darajasini belgilab beruvchi, bilim va tajribalarni yaratish, tarqatish hamda amaliyotga izchil joriy etish borasidagi o‘zaro bog‘liq va o‘zaro ta`sirlashuvchi institutlar tizimidir.

Shunday qilib, milliy innovatsion tizimning muvaffaqiyatli faoliyat ko‘rsatishi nafaqat kuchli fan va ta`limning mavjudligini, balki innovatsion maydonda asosiy “o‘yinchilar” sifatida davlat va xususiy sektorning o‘zaro samarali hamkorligini ham talab qiladi [2]. Davlat innovatsiyalarning manbai bo‘lgan ilmiy-texnikaviy soha va

ta`lim tizimini qo‘llab-quvvatlaydi, davlat sektorida ilmiy-tadqiqotlar natijalaridan erkin foydalanishni ta`minlaydi, ulardan tijorat maqsadlarida foydalanish uchun shart-sharoitlar yaratadi, zarur innovatsion infratuzilma, malakali kadrlar tayyorlash tizimi va samarali rivojlanish uchun zarur bo‘lgan huquqiy-me`yoriy baza yaratilishi borasida tegishli shart-sharoitlar yaratib beradi. Tadbirkorlar qo‘shimcha foyda olish maqsadida innovatsion mahsulot bozorida ishlashning barcha tijoriy tavakkalchiliklarini o‘z zimmasiga oladigan bir paytda, davlat soliqlardan o‘z dividendlarini oladi, ijtimoiy muammolarni hal qiladi va jahon miqyosida boshqa davlatlarga nisbatan o‘z o‘rnini mustahkamlaydi. Me`yoriy-huquqiy bazani yaxshilash, uni yangicha shart-sharoitlarga moslashtirish, moliyaviy mexanizmlarni takomillashtirish, institutsional o‘zgarishlarni amalga oshirish innovatsion jarayonlarni davlat tomonidan tartibga solishning asosiy yo‘nalishlari hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Abduvoxidov A. va boshq. Innovatsiyalar iqtisodiyoti. Oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun o‘quv qo‘llanma. T., “Mumtoz so‘z”. - 2020. - 587 b.
2. Аллен К. Продвижение новых технологий на рынок. - М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2009. - 455 с.

Шомуродов Р.Т. *- ТМИ, кафедра доценти, и.ф.н.*

ИННОВАЦИЯЛАР ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ОЧИҚ БОЗОР ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Монетар сиёсат – миллий валюта, тўлов баланси, нархлар, пул таклифи, молия бозори, иқтисодий ўсиш, инвестицион фаоллик, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган усуллар, воситалар ҳамда чора-тадбирлари йиғиндиси бўлиб, у доимий равишда такомиллашиб боради.

Тараққий этган мамлакатларда монетар сиёсатдан, хусусан унинг воситаларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ва инвестицион фаолликни ошириш асосида иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш борасида кўп йиллик назарий, амалий ҳамда методологик тажриба тўпланиб, бу борада турли хил моделлардан самарали фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инфляция даражасини 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, давлат бюджети дефицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмайдиган даражасига эришиш, **и**қтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш[1]

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

вазифаларининг қўйилганлиги пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Дунё иқтисодиёти тарихида турли давлатларда кузатилган молиявий ва иқтисодий инқирозлар, эпидемиялар, пандемиялар, макроиқтисодий ҳамда молиявий муаммоларни ҳал этишда монетар сиёсат муҳим роль ўйнаган ва у доимо инновацион ғоялар асосида такомиллаштириб борилган. Шу сабабли, монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш молия бозори, банк тизими ликвидлилиги, миллий валюта, нархлар, тўлов баланси ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашнинг ўта муҳим зарурий шарти ҳисобланади.

Монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш масаласи иқтисодий адабиётда иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар ҳамда амалий тавсиялар шакллантирилган. Масалан, таниқли хорижлик иқтисодчи олим Ф.Мишкиннинг фикрига кўра, мажбурий захира талабномалари кўп камчиликларга эга бўлиб, жумладан, банкларда ликвидлилик муаммосини юзага келтириши мумкин[1].

Хорижлик иқтисодчи олим С.Моисеевнинг хулосасига кўра, ҳозирги вақтда очиқ бозор операциялари тараққий этган мамлакатларда монетар сиёсатнинг асосий воситаси ҳисобланади. Очиқ бозор операциялари марказий банкларга ўзининг ташаббуси билан битимлар тузиш, яъни пул-кредит операцияларининг вақтини ва ҳажмини белгилашда янада мослашувчан бўлиш имконини беради[2].

А. Симановскийнинг фикрича, монетар сиёсатнинг амалий муаммоларини ҳал қилишда қайта молиялаш орқали пуллар таклифини бошқаришнинг амалий жиҳатлари, банклар фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш масалалари, халқаро захира активларини бошқариш ва ҳоказолар муҳим ўрин тутади[3].

Таъкидлаш жоизки, Марказий банкларнинг очиқ бозор операциялари илк марта юзага келганида унинг объекти бўлиб, фақат ҳукумат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳисобланар эди. Йиллар ўтиши билан иновацион ғоялар асосида унинг объектлари сони кўпайди. Хусусан, ҳозирги даврда, депозит сертификатларидан (Нидерландия, Дания, Испания марказий банклари, Европа Марказий банки), молиявий векселлардан (Англия Марказий банки, Швеция Рикс банки, Германия Бундесбанки, Япония Марказий банки), корпоратив облигациялардан (Жанубий Корея, Чили, Россия марказий банклари) ушбу операцияларнинг объекти сифатида фойдаланилмоқда[4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати ўртасидаги мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш,

[1] Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с анл. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. -С. 490.
[2] Моисеев С.Р. Операции центральных банков на открытом рынке ценных бумаг//Финансы и кредит. – Москва, 2003. – №6. – С. 32-40.
[3] Симановский А.Ю. Банковское регулирование: революция//Деньги и кредит. – Москва, 2014. – №3. – С. 3-11.
[5] Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 737.

пул-кредит сиёсатининг ликвидлиликни бериш ва жалб қилиш операциялари бўйича қўлланилаётган фоизли инструментлардан фойдаланишни кенгайтириш каби пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш бўйича долзарб вазифалар қўйилган[1].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда монетар сиёсатни такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни ҳал қилишда бир қатор ижобий ютуқларга эришилди. Жумладан:

– 2017 йилнинг иккинчи ярмида Марказий банк томонидан қайта молиялаш кредитларини бериш амалиётининг жорий этилганлиги монетар сиёсатнинг, шу жумладан қайта молиялаш сиёсатининг самарадорлигини ошишига хизмат қилди;

– 2018 йил 1 октябрдан бошлаб мажбурий захира ажратмалари суммасини фақат миллий валютада шакллантириш тартиби жорий қилиниб, юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича захиралаш меъёрлари бирхиллаштирилди, яъни миллий валютадаги депозитлар учун мажбурий захира меъёрлари пасайтирилди ва чет эл валютасидаги депозитлар бўйича мажбурий захира меъёрлари оширилди. Хусусан, 2020 йил 1 январдан Марказий банк асосий ставкаси ва фоиз коридори, Марказий банк облигациялари ҳамда 2 ҳафталик ва 1 кунлик (овернайт) депозит, РЕПО ва своп операциялари амалиётга жорий этилди[2].

Юқорида қайд этилган ютуқли жиҳатлар билан бирга, Республикамизда монетар сиёсатни такомиллаштириш борасида айрим муаммолар мавжуд. Улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат. Жумладан, Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги, Марказий банк очиқ бозор операциялари ҳажмининг кичиклиги, мажбурий захира ставкаларининг, инфляция ва фоиз ставкаларининг юқори эканлиги.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда Ўзбекистон Ҳукумати қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажми 1,6 трлн. сўмни ташкил этди ва давлат қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажми республика тижорат банкларининг юқори ликвидли активларига нисбатан атиги 3,4 фоизни ташкил этди[3]. Бу эса, кичик ҳажмдаги эмиссия ҳажми бўлиб, Марказий банкка очиқ бозор операциялари ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини бермайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда 2017-2019 йилларда инфляция даражаси юқори бўлди. Бу эса, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини ошишига ва тижорат банкларининг миллий валютада берган кредитларининг фоиз ставкаларининг ўсишига сабаб бўлган.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли қарори. www.lex.uz.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот (Б.73)//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

[3] Давлат қимматли қоғозлари//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

1. Монетар сиёсатнинг ролини ошириш учун, биринчидан, Марказий банк томонидан тижорат банкларига бирламчи, иккиламчи ва мавсумий дисконт кредитларини бериш амалиётини жорий қилиш керак; иккинчидан, Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини жорий ликвидлилик даражаси 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банкларининг облигациялари ва депозит сертификатларини очиқ бозор операциялари объектига айлантириш орқали ошириш лозим; учинчидан, Марказий банкнинг тижорат банкларининг бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан мажбурий захира ставкасини миллий валютадаги депозитларга ўрнатилган ставка даражасида белгилаш керак. Ликвидлилик даражаси юқори бўлган тижорат банкларининг облигациялари ва депозит сертификатларини очиқ бозор операцияларининг объектига айлантирилиши Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари ҳажмини ошириш имконини беради.

2. Марказий банкнинг тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир этиш имкониятини ошириш учун, биринчидан, инфляциянинг мўътадил даражасига (йиллик даражасини 3 фоиздан ошмаслигига) эришишни таъминлаш керак; иккинчидан, Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитлари (дисконт кредити, ломбард кредити, овердрафт, муддатли кредит) бериш амалиётининг узлуксизлигини таъминлаш лозим; учинчидан, давлат қимматли қоғозларини тўғри РЕПО шарти билан жойлаштириш ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банкларига депозитлар таклифига таъсир кўрсатиш зарур.

3. Фикримизча, Марказий банкининг очиқ бозор операцияларини бошқа турдаги қимматли қоғозлардан, хусусан, тижорат банкларининг депозит сертификатлари ва узоқ муддатли облигацияларидан объект сифатида фойдаланган ҳолда, йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун етарли имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд. Яъни, тўловга қобиллиги ва ликвидлилиги талаб даражасида бўлган тижорат банклари мавжуд. Иккинчидан, тижорат банклари депозит сертификатлари ва узоқ муддатли облигацияларининг катта ҳажмдаги эмиссияси мавжуд.

4. Иккиламчи бозорни ривожлантириш мақсадида монетар сиёсат билвосита воситалари, жумладан ломбард ва овердрафт механизмлари, валюта СВОПлари, овернайт кредитлари ҳажмини, РЕПО ҳамда қайта РЕПО операцияларини кенгайтириш зарур. Бу эса, Марказий банкка муомаладаги ортиқча ликвидлиликни ва пул массасини самарали тартибга солиш асосида монетар сиёсат самарадорлигини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

2.Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с анл. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. -С. 490.

3.Моисеев С.Р. Операции центральных банков на открытом рынке ценных бумаг//Финансы и кредит. – Москва, 2003. – №6. – С. 32-40.
4.Симановский А.Ю. Банковское регулирование: революция//Деньги и кредит. – Москва, 2014. – №3. – С. 3-11.
5.Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. - С. 737.
6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли қарори. www.lex.uz.
7.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот (Б.73)//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).
8.Давлат қимматли қоғозлари//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

Амиров А.У. *– ТМИ, мустақил изланувчи*

БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ЙИҒИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Сўнгги йилларда жамиятнинг барча жабҳаларига рақамли технологияларнинг жорий этилаётганлиги ва унинг ижобий ютуқлари кўзга ташланмоқда. Технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштириш фуқароларнинг ҳам, давлат органларининг ҳам эҳтиёжларини қондиришнинг энг самарали воситасига айланмоқда. Ривожланишнинг жадаллашуви ва глобал рақамлаштириш жараёнлари давлат бюджет даромадларининг базасини ошириш учун ҳам янги имкониятлар яратмоқда. Жумладан, рақамли технологияларнинг жорий этилиши ва бошқарувнинг ягона ахборот маконининг босқичма-босқич шакллантирилиши солиқ юкини оширмаган ҳолда бюджет даромадларини ундиришни сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши ва улардан давлатнинг замонавий солиқ сиёсатида фаол қўлланилиши солиқ соҳасида давлат ва хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар векторига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бунда асосан, солиқ тўловчилар учун солиқ ҳисоботларини топшириш ва солиқларни тўлаш жараёнларининг соддалаштирилганлиги ҳамда қулайлиги, ортиқча вақт талаб этилмаслигини кўришимиз мумкин.

Биз қуйидаги таҳлилларда рақамли технологияларнинг жорий этилишини бевосита солиқларнинг йиғилувчанлигига таъсирини келтириб ўтамиз.

Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармонига

асосан мамлакатимизда онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассалардан фойдаланиш тизими босқичма-босқич жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларнинг онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассалар билан қамраб олиниши, аввало пул тушумларини ҳисоботларда тўғри акс эттирилишини яъни ҳисоб-китоблар тизимининг шаффофлигини таъминлашда муҳим рол ўйнади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон қарорига асосан 2022 йил 1 январдан бошлаб чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи «кешбэк» сифатида республика бюджетидан қайтарилиши (бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиа чипта хариди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов ҳамда ўзини-ўзи банд қилган шахслар томонидан берилган харид чеклари мустасно) белгиланди. Натижада истеъмолчилар томонидан харид чекларини талаб қилиш сезиларли даражада ошди. Бу эса тадбиркорлик субъектлари томонидан пул тушумларини кирим қилмаслик ҳолатларини бартараф этиб, уларнинг товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмасининг ошишига таъсир кўрсатди. Бунинг ижобий самараси давлат бюджети даромадлари таркибида айланмадан олинадиган солиқнинг ўсишида ҳам кузатилади (1-расм)[1].



1-расм. 2020-2022-йилларда айланмадан олинадиган солиқ тушумлари

Юқоридаги расмдан айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар 2022 йилда 2,5 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 864,0 мрлд сўмга ёки 52,3%га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Электрон ҳисобварақ-фактура тизими. Тадбиркорлик субъектларнинг электрон ҳисобварақ-фактура тизимига ўтиш натижасида улар учун иш жойидан туриб бошқа корхоналарга ҳисобварақ-фактураларни қисқа вақт оралиғида жўнатиш имкони яратилиб, йўл ва бошқа харажатлари тежалмоқда.

[1] Ушбу диаграмма www.imv.uz Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Электрон ҳисобварақ-фактура тизимига ўтишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, солиқ хизмати органлари учун тадбиркорлик субъектлари томонидан сотилаётган маҳсулот турлари бўйича товарлар (хизматлар) ҳажмлари тўғрисида маълумотларни реал вақт режимида таҳлил қилиш имконияти яратилди. Бунинг натижасида ҳар бир ишлаб чиқариш тармоғи корхоналарининг ҳисоботларида қандай нархда ва қанча миқдорда хомашё сотиб олаётганлиги ҳамда маҳсулот сотаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар аниқ кўрсатила бошланди. Солиқ ҳисоботларида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларнинг тўғри юритилиши эса фойда солиғи объектининг ошишига олиб келди. Бунга мисол сифатида сўнгги уч йилда ишлаб чиқариш тармоғи корхоналари томонидан давлат бюджетига тўланган фойда солиқлари миқдорини келтиришимиз мумкин (2-расм)[1].



2-расм. 2020-2022-йилларда ишлаб чиқариш тармоғи корхоналари томонидан тўланган фойда солиғи

Электрон тўлов тизимлари. Ҳозирда мамлакатимизда бир нечта электрон тўлов тизимлари мавжуд бўлиб, улардан энг асосийлари «CLICK», «Payme», «OSON», «U-Pay» тизимларидир. Ушбу тўлов тизимлари орқали биз кўплаб хизматлар учун тўловларни амалга оширишимиз мумкин. Жумладан, мобил операторлар ва интернет провайдерлари хизматлари, коммунал хизматлар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг кредит қарзларини сўндириш, таълим ва тиббиёт тиббиёт хизматлари, интернет дўконлари ҳамда давлат хизматлари учун, шунингдек, солиқ тўловларини ҳам амалга оширишимиз мумкин.

Ушбу тўлов тизимларининг афзаллиги шундаки, солиқ тўловчилар солиқ идораси ёки банкларга қатнашга илгари сарфлайдиган вақтини тежаш имконига эга бўлди. Солиқ тўловчилар хоҳлаган жойда ва хоҳлаган вақтда ҳеч қандай навбатларсиз солиқ тўловларини амалга оширмоқда.

Бундан ташқари солиқларни тўлаш жараёнини янада соддалаштириш ва солиқ тўловчилар учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг www.my.soliq.uz – Солиқ

[1] Ушбу диаграмма www.imv.uz Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

органларининг электрон давлат хизматлари портали ишга туширилган бўлиб, ушбу портал орқали ҳам юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ тўловлари бюджетга тўланмоқда.

Шунингдек, солиқ тўловчиларга интерактив давлат хизматларни янгича кўринишда, «Android» операцион тизимларида ишлайдиган смартфон ва бошқа замонавий мобил алоқа воситалари орқали фойдаланишда қулай бўлган «Soliq» мобил иловаси яратилган. Мазкур мобил илова орқали барча солиқ тўловчилар, жумладан, жисмоний шахслар, тадбиркорлар учун фойдали дастурлардан бири бўлиб, унда солиқ қонунчилигига оид янгиликлар, солиқ органлари, норматив ҳужжатлар, тез-тез бериладиган саволларга жавоблар, солиққа оид баҳсли ҳолатларни кўриб чиқиш ва бошқа кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Маълумот ўрнида шуни келтириб ўтамизки 2023 йилнинг беш ойлигида 30 трлн.сўмлик солиқ тўловлари электрон кўринишда давлат бюджетига тўланган[1].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, солиқ тизимига рақамли технологияларнинг жорий этилиши бевосита солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш билан бирга, қуйидаги йўналишлар бўйича ҳам ижобий натижаларни кўрсатмоқда.

1. Яширин иқтисодиёт улушини камайтириш;
2. Харажатлар самарадорлигини ошириш;
3. Солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
4. Солиқ тўловчиларнинг мотивациясини ошириш;
5. Аҳолининг ишонч даражасини ошириш;
6. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
7. Назорат самарадорлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармони.
2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир

[1] https://my.soliq.uz/

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4-октябрдаги ПҚ-5252-сон қарори.
3.С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019.
4.Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б. “Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози”: Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОДИЁТ”, 2020. – 294 б.
5.www.lex.uz
6.www.imv.uz
7.Soliq.uz
8.my.soliq.uz

Якупбаев Қ. Ж. *– БТОМ, тингловчи*

КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ КАМЧИЛИКЛАРИ

Лойиҳа ташкилотлари томонидан муаммолар лойиҳа-смета ҳужжатларини кечиктириб бериш, ишлаб чиқилаётган лойиҳада хато ва ноаниқликлар мавжудлиги, инвестиция лойиҳаларининг ушбу иштирокчилари ўртасида юзага келадиган муаммоларни бартараф етиш самарали суғурта механизмларини (инвестициялар, лойиҳа хатарлари, лойиҳанинг мулкий манфаатларини) шакллантириш каби чора-тадбирларга ёрдам бериши мумкин. Инвесторлар ва бошқалар.), аммо бу жараён республиканинг асосий корхоналарининг республика суғурта компаниялари билан самарали ҳамкорлиги йўқлиги сабабли чекланган.

Лойиҳа ташаббускорларининг дизайнерлар ва ваколатли експертиза органлари билан ўзаро ҳамкорлиги пайтида кўпинча лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва ишлаб чиқилган лойиҳани ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш пайтида мунозарали масалалар юзага келади. Уларнинг аксарияти лойиҳа-смета ҳужжатларини, шунингдек ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва тасдиқлаш тартиб-қоидаларини амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий базанинг номукаммаллиги туфайли юзага келади. Бундан ташқари, шуни унутмаслигимиз керакки, қурилишнинг маржинал қиймати ПТЕО босқичидаги ўхшаш объектлар учун ресурс усули билан белгиланади ва ниҳоят техник-иқтисодий асослаш босқичида, шунингдек, пайдо бўлиши учун замин яратадиган ўхшаш объектлар учун тасдиқланади.кўплаб мунозарали вазиятлар.

Инвестиция лойиҳалари иштирокчилари ўртасида кўплаб қийинчиликлар ва низолар лойиҳани якуний ишлаб чиқиш босқичида, ишчи чизмаларда ва ҳоказоларда юзага келади. Ушбу босқичда қурилиш қиймати кўрсатилмаган, гарчи ресурслар тўғрисидаги ҳисоботлар тузилган бўлса – да-5-шакл, бу ерда ҳақиқий иш ҳажми кўрсатилган, аммо материаллар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа ресурсларнинг нархисиз. Шундай қилиб, лойиҳанинг тахминий қиймати

ускунанинг ҳақиқий ишчи чизмалари ва техник хусусиятларига кўра эмас, балки analog объектларнинг нарх параметрларига мувофиқ тасдиқланади. Натижада, прогноз қилинаётган объектни қуришнинг тахминий қийматининг ноаниқлиги еҳтимоли ортади, чунки кўпинча ўхшаш объектлар барча харажат параметрларида прогноз қилинган объектларга тўғри келмайди. Натижада, лойиҳани ишлаб чиқувчилар ва дизайнерлар бош пудратчи учун пул ресурсларининг етишмаслиги муаммосига дуч келишади, агар қурилишнинг тахминий қиймати кам баҳоланган бўлса ёки аксинча, маблағларнинг ортиқча сарфланиши

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ йирик инвестиция лойиҳаларини комплекс експертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, МВЕСИТ, шунингдек хизмат кўрсатувчи банк ва "Ўзтязнефтегазхимпроект" институти (республика иқтисодиётининг базавий тармоқлари объектлари учун) орқали амалга оширилади.. Ваколатли експертиза органларининг ҳар бирида лойиҳани експертизадан ўтказиш муддати атиги 2 ҳафта бўлса-да, аслида техник ишларнинг кўплиги ва бюрократиянинг юқори даражаси туфайли бу муддатлар кўпинча кечиктирилади. Буларнинг барчаси комбинат корхоналарининг йирик инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва бошқариш сифатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг яна бир жиддий камчилиги бу уларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг ортиқча сарфланиши бўлиб, бунга тўртта асосий омиллардан бири сабаб бўлиши мумкин:

* умуман лойиҳанинг нархини ёки унинг алоҳида босқичлари ва таркибий қисмларини дастлабки баҳолаш;

* кутилмаган ҳолатлар туфайли дизайн чегараларини ўзгартириш;

* ишлашдаги фарқ (лойиҳа томонидан тақдим етилганидан ишлашнинг фарқи);

* инфляция туфайли асл нусхага нисбатан лойиҳа нархининг ошиши.

Инновацион лойиҳаларни венчур ва синдикатлаштирилган молиялаштиришнинг йўқлиги лойиҳани амалга оширишнинг жиддий камчиликларидан биридир.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, синдикатлаштирилган кредитлашни ташкил етиш қуйидаги мақсадларга еришишга имкон беради: қўшимча ресурсларни жалб қилиш орқали узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш; рискларни тақсимлаш; ликвидликнинг маълум даражасини сақлаб туриш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, саноатда асбоб-ускуналарнинг нисбатан юқори даражада ёмонлашиши саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида инновацион товарлар улушининг ошишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, техник audit натижалари (иқтисодиётнинг реал секторининг 500 дан ортиқ корхоналари ва улар томонидан ишлатиладиган 160 мингдан ортиқ ускуналар) ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи ескирганлигини кўрсатди, шу жумладан: електротехника соҳасида – 44 фоиз, машинасозлик-37%, кимё саноати-21%,

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда-20%, озиқ – овқат саноатида – 19%, енгил саноат-8 фоиз. Хорижий мамлакатлар тажрибаси кичик бизнес инновацион иқтисодий ривожланишни ривожлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнашини исботлади. Шундай қилиб, кичик бизнес инновацияларни жорий етишга ёрдам беради, иқтисодий қайта қуриш муаммосини ҳал қилади. Шунинг учун кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини илмий асосда ўрганиш, бизнинг фикримизча, катта амалий аҳамиятга ега.

Инновацион инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, кредит рискларини бошқаришнинг самарали воситалари Республика банк амалиётида кенг қўлланилмайди. Кредит рискларини самарали бошқариш инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг мажбурий шартларидан бири бўлганлиги сабабли. Ўз навбатида, инвестиция кредитларининг хавфсизлиги кредит хавфини камайтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Ақшда банклар кредитни тўлашни таъминлаш учун икки турдаги кафолатлардан фойдаланадилар. Агар кафилнинг молиявий барқарорлиги шубҳали ёки номаълум бўлса, кафилнинг мол-мулки гарови билан таъминланган кафолат қўлланилади, яъни кафолат гаров мажбурияти билан тўлдирилади. Кафилнинг молиявий барқарорлигига ишонган тақдирда, кафолациз кафолат қўлланилади.

Иккинчидан, кафолат олаётганда, кредит берган банк кафил ўз мажбуриятини бажаришга тайёр еканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунинг учун хорижий банклар кафолат мажбуриятини бажариш ниятини тасдиқлаш учун кафил билан мажбурий суҳбатни амалга оширадилар.

Учинчидан, кафолатлар тўғри бажарилиши ва фақат ваколатли шахслар томонидан имзоланиши керак.

Потенциал қарз олувчиларни объектив баҳолаш учун зарур бўлган кўрсаткичларни сифатли танлашда ҳам қийинчиликлар мавжуд, чунки корхонанинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш натижаси ва натижада қарз олувчилар кейинчалик тайинланадиган хавф гуруҳига боғлиқ.

Директив кредитлар ҳажмининг ошиши натижасида банкларнинг кредит портфелида ҳам ёмонлашув кузатилмоқда. Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, имтиёзли директив кредитларнинг кўплиги бошқа хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш нархининг ошишига ва банкларнинг кредит портфели сифатининг пасайишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, йирик корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқ емаслиги сабаблари шундаки, уларнинг аксарияти кўпинча маҳаллий ва ташқи бозорларнинг маҳсулотларга бўлган еҳтиёжларини етарлича чуқур ўрганмасдан ишлаб чиқилади. Marketing тадқиқотлари ҳали ҳам олиб борилаётган ҳолларда, уларни ишлаб чиқувчилар товарлар ёки хизматларнинг жаҳон бозорлари конъюнктурасидаги ўзгаришлар туфайли маълум бир маҳсулот турига талабнинг ўзгаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ташқи омилларни чуқур таҳлил қилмайдилар. Юқоридагилар Ўзбекистон металлургия саноати

корхоналари учун алоҳида аҳамиятга ега бўлиб, уларнинг нархи айнан шу омилларга боғлиқ. Шу муносабат билан, ишлаб чиқилаётган инвестиция лойиҳаларининг сифатини ошириш ва уларни корхоналарнинг мавжуд marketing сиёсатига яқинроқ мослаштириш учун уларнинг ташаббускорлари ихтисослаштирилган marketing институтларининг малакали ходимларини жалб қилишлари керак.

Сўнгги йилларда йирик инновацион лойиҳаларни амалга оширишга киришган корхоналар ўз маҳсулотларини сотиш бозорларининг ҳолатини ўрганиш ва ўз маҳсулотларининг потенциал истеъмолчиларининг ўсиб бораётган еҳтиёжларини қондириш имкониятларини реал ҳисобга олиш асосида ўзларининг рақобатбардош marketing стратегияларини ишлаб чиқишга еҳтиёж сезмоқдалар. Шу муносабат билан инвестиция лойиҳалари маҳсулотларини сотиш бозорини сифатли ва доимий равишда ўрганиш, инвестиция бўлинмалари ходимларининг ўзлари яратган маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида олтин ва уран бозорини ривожлантириш истиқболларини моҳирона башорат қилиш уларнинг кундалик инвестиция фаолиятининг зарурий атрибутига айланади.

Уни молиялаштириш учун инвестиция лойиҳасини танлаш жараёнида investor мураккаб инвестиция қарорини қабул қилади - танлов бир нечта муқобил вариантлардан танланади. Ҳозирги вақтда бундай танлов одатда портфел ёндашуви асосида амалга оширилади.

Маълумки, инвесторнинг портфели бир нечта турли хил инновацион лойиҳаларни ўз ичига олиши керак, бу сизга баъзи лойиҳаларни амалга ошириш муваффақияциз бўлса ҳам, хатарларни тақсимлаш ва умуман портфелдан даромад олиш имконини беради. Портфел ёндашуви, шунингдек, унга киритилган лойиҳаларни доимий равишда кўриб чиқишни ва агар керак бўлса, уларни янгиларига алмаштиришни назарда тутади.

Бироқ, потенциал investor учун ташкилотнинг илмий-техник фаолиятининг ҳақиқий самарадорлигини ҳисоблаш орқали аниқлаш катта амалий қизиқиш уйғотади. Ҳисоблаш илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига таваккалчилик инвестициялари, мавзулар бўйича харажатлар бўйича бухгалтерия ҳисоб-китоблари, шунингдек таҳлил қилинадиган вақтнинг бошида ва охирида прокат (тугалланмаган) ишлар бўйича йиллик балансга мувофиқ амалга оширилиши керак. Ушбу муддатни тўрт йилдан олти йилгача белгилаш мақсадга мувофиқдир, бу объектив равишда тадқиқот харажатларини фақат улар тугагандан сўнг ҳисобдан чиқариш амалиёти билан боғлиқ.

Мамбетназарова А.М. *– КГУ, соискатель-докторант*

ОЦЕНКА ЗАЛОГА В БАНКОВСКОМ КРЕДИТОВАНИИ: МЕТОДЫ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

В настоящее время банковское кредитование играет значительную роль в экономике. По данным Централного Банка Узбекистана, объем выдачи кредитов

в 2022 году увеличился на 10% по сравнению с предыдущим годом, подтверждая рост доверия потребителей к кредитным продуктам. Однако вместе с ростом кредитования увеличивается и риск неплатежей. Один из основных способов минимизации этого риска для банков - это правильная оценка залога.

Узбекистан, вторая по величине экономика в Центральной Азии, продемонстрировал стабильный экономический рост в последние десятилетия. Наряду с экономической либерализацией и политической стабильностью, банковская система страны играет центральную роль в этом успехе. Однако, несмотря на заметный прогресс, банковская система Узбекистана все еще сталкивается с определенными проблемами, которые могут ограничить ее потенциал.

Залог является важной составляющей в кредитном процессе, так как он служит гарантией возврата кредита. Важность проведения корректной оценки залога подчеркивается тем, что в случае невыплаты кредита банк вправе реализовать залоговое имущество для компенсации своих потерь. Поэтому правильная оценка залога играет решающую роль в снижении кредитных рисков и обеспечении финансовой устойчивости банка.

Но даже в этих условиях, в Узбекистане все еще существует ряд проблем, связанных с оценкой залога, включая недостаток независимых оценщиков, отсутствие стандартизированных методов оценки, а также проблемы в правовой сфере. Эти проблемы в свою очередь влияют на уровень кредитных рисков, стабильность банковской системы и в целом на экономическое развитие страны.

Цель этого исследования - проанализировать текущее состояние оценки залога для банковских кредитов в Узбекистане, выявить основные проблемы и предложить рекомендации по их решению. Это исследование важно как для банков, так и для политиков, поскольку оно может помочь в формировании более эффективной стратегии кредитования, увеличении прозрачности и снижении кредитных рисков.

Оценка залога для банковских кредитов является широко изученной областью в академической и профессиональной литературе. В рамках этого обзора мы сконцентрируемся на основных теоретических подходах и практических аспектах оценки залога, а также на проблемах и вызовах, связанных с этим процессом.

В теоретическом плане, оценка залога для банковских кредитов обычно связана с концепцией кредитного риска. Кредитный риск определяется как потенциальная утрата для кредитора в случае невыплаты заемщиком кредита (Bessis, 2010). Одним из основных методов управления кредитным риском является использование залога, который может быть продан для компенсации потерь в случае дефолта заемщика.

Кроме того, залог также связан с концепцией асимметрии информации. В ситуациях, когда банк не имеет полной информации о кредитоспособности заемщика, залог может служить сигналом о качестве заемщика (Boot et al., 1991).

На практике процесс оценки залога зависит от многих факторов, включая характеристики залогового имущества, местное законодательство и рыночные

условия (Dietrich et al., 2015). Важность точной оценки залога подчеркивается тем, что недооценка может привести к недостаточной защите кредитора, в то время как переоценка может привести к чрезмерному кредитованию.

Основные проблемы, связанные с оценкой залога для банковских кредитов, включают отсутствие стандартизированных методов оценки, недостаток независимых оценщиков и проблемы в правовой сфере. Эти проблемы могут привести к неправильной оценке залога и увеличению кредитного риска (Cerqueiro et al., 2011).

В Узбекистане, как и во многих других развивающихся странах, проблемы оценки залога еще более сложные из-за быстрых изменений в экономике, недостатка данных и непрозрачности рынка недвижимости.

В нашем исследовании мы попытаемся проанализировать эти проблемы в контексте Узбекистана и предложить возможные решения на основе международного опыта и существующих академических исследований.

Оценка залога - сложный процесс, включающий анализ состояния объекта, его рыночной стоимости, потенциальной доходности и других факторов. Однако на практике этот процесс может быть исполнен с ошибками из-за недостатка информации, изменения рыночных условий или непрофессионализма оценщиков.

Одной из проблем является отсутствие унифицированного подхода к оценке залога. Банки используют разные методы и критерии, что приводит к значительным различиям в оценке одного и того же объекта.

Другая проблема - это недостаток точных и актуальных данных о рыночной стоимости объектов. Это особенно актуально для регионов, где рынок недвижимости менее развит и прозрачен.

В свете вышеуказанных проблем, одним из возможных решений может быть внедрение унифицированной системы оценки залога на уровне государства. Также важную роль может сыграть усиление контроля за деятельностью оценщиков и повышение их квалификации.

В целом, для улучшения качества оценки залога требуются дополнительные исследования и изменения на уровне отраслевого регулирования. Несмотря на сложности, это важное направление, учитывая роль банковского кредитования в экономике.

Оценка залога для банковских кредитов является важной задачей, которая требует внимания как на уровне отдельных банков, так и на уровне государственного регулирования. Процесс оценки залога в Узбекистане сталкивается со многими проблемами и вызовами, включая быстрые экономические изменения, недостаток данных и непрозрачность рынка недвижимости.

Эффективная оценка залога может помочь банкам управлять своими кредитными рисками, улучшить качество их кредитного портфеля и, в конечном итоге, укрепить финансовую стабильность всей страны. С этой точки зрения, нужно предпринять шаги для улучшения процесса оценки залога в Узбекистане.

Существует несколько возможных подходов, которые можно использовать для этой цели. Во-первых, необходимо разработать стандартизированные методы оценки залога, которые могут быть применены во всех банках. Во-вторых, нужно обеспечить доступ к качественным, достоверным и актуальным данным о ценах на недвижимость и другие виды залогового имущества. В-третьих, полезно будет улучшить профессиональное обучение и сертификацию оценщиков залогового имущества.

Наконец, важно проводить дальнейшие исследования в области оценки залога для банковских кредитов в Узбекистане, чтобы улучшить понимание этого вопроса и разработать эффективные стратегии управления.

Референции:

1. Bessis, J. (2010). Risk Management in Banking. Wiley.
2. Boot, A., Thakor, A., & Udell, G. (1991). Secured lending and default risk: Equilibrium analysis, policy implications and empirical results. The Economic Journal, 101(406), 458-472.
3. Cerqueiro, G., Ongena, S., & Roszbach, K. (2011). Collateralization, Bank Loan Rates, and Monitoring: Evidence from a Natural Experiment. Journal of Money, Credit and Banking, 43(6), 1113-1132.
4. Dietrich, A., Wanzenried, G., & Cole, R.A. (2015). Why are net-interest margins across countries so different? Journal of Banking & Finance, 54, 67-92.

Гадоев С.Ж. *– ТДУ, кафедра мудири*

КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Кредит механизмининг самарали амал қилишининг бирламчи зарурий шарти бўлиб, унинг элементлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш ҳисобланади.

Кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан кредит механизмининг элементлари сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

– кредит шартномаси;
– кредитни бериш ва қайтариш тартиби;
– кредитнинг турлари;
– кредитлаш шакллари;
– кредитларнинг таъминоти;
– кредитларнинг фоиз ставкалари;
– кредит олувчининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартиби[1].

Кредит шартномаси тижорат банки билан кредит олувчи ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солувчи бирламчи ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли, кредит шартномасини тўғри ва ўзаро манфаатли қилиб тузиш кредит механизмининг самарали амал қилишининг зарурий шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредитлашнинг энг кенг қўлланиладиган шакли бўлиб, алоҳида ссуда счётидан бир маротабали кредитлаш шакли ҳисобланади. Аммо, ушбу кредитлаш шакли қуйидаги жиддий камчиликларга эга:

*кредитни бўлиб тўлашга рухсат этилмайди;

*кредитдан фойдаланилиши устидан назорат қилиб бўлмайди;

*кредитдан фойдаланиш самарадорлиги паст.

Англия банк амалиётида овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит риски даражасининг ошиб кетишининг олдини олиш учун кредит олган мижозга ҳар ойнинг сўнгги иш кунида жорий ҳисобрақамнинг кредитли қолдиққа эга бўлишини таъминлаш талаби қўйилади.

Пластик карталар эгаларини банклар томонидан овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит рисклари билан бир вақтнинг ўзида операцион рискка ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Бунинг сабаби шундаки, операцион риск даражасининг ошиш эҳтимоли овердрафт кредитлаш шаклида нисбатан юқоридир. Чунки, овердрафт таъминланмаган кредит бўлиб, мижозни кредитлаш лимитини катта миқдорда ошириш имконияти мавжуд.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, кредит рискини бошқариш амалиёти такомиллашган шароитда, овердрафт кредити тижорат банклари учун юқори даромад келтирувчи актив бўлиб ҳисобланади. Лекин, бошқа томондан, оведрафт кредити реал таъминотга эга бўлмаган юқори рискли актив ҳисобланади. Бу эса, кредит рискини бошқаришнинг долзарблигини оширади.

Амалиётда, кредит муносабатларида юзага келаётган муаммолар кўрсатмоқдаки, мажбурият ижросини у ёки бу усули билан таъминланганлик кредитор учун кредитни ундириш билан боғлиқ муаммо бартараф этилди, дегани эмас. Чунки, таъминланганлик тамойилига доир тадбирлар банклар томонидан қанчалик мукаммал амалга оширилган бўлмасин, мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, банклар олдида мижоз таъминотига муносабат объекти қиймати доирасида гаров объектига нисбатан эгалик ҳуқуқини олишда муаммолар юзага келмоқда. Бу муаммолардан бири, мажбурият ижросини таъминотга қаратиш жараёнида суд қарорини олиш билан боғлиқ муаммодир. Бу жараён узоқ давом этиши, ортиқча оворагарчиликлар билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг мавжудлиги билан муаммолар туғдирмоқда. Шунингдек, учинчи шахслар кафиллигини амалиётда қўллашда ҳам қатор муаммолар мавжуд.

И.Алимардонов томонидан амалга оширилган илмий – тадқиқот натижалари кўрсатдики:

*республика банклари талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмас;

кичик бизнес субъектларига республикамиз тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори;

*кичик бизнес субъектларини банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кредитлашнинг услубий асослари такомиллашмаган. Хусусан, банклар томонидан кредитлашнинг услубий асослари қайси принципларга таяниши, уларнинг нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш принципларидан фарқ қилувчи жиҳатлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топмаган[2].

Кредит олувчиларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартиби тижорат банклари ва кредит олувчилар ўртасидаги кредит муносабатларининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

АҚШ тижорат банклари мижозлари бўлган юридик шахсларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 гуруҳга мансуб бўлган кўрсаткичлардан фойдаланади[3]:

– ликвидлилик кўрсаткичлари;
– капиталнинг айланиши;
– жалб қилинган маблағлар;
– фойда кўрсаткичлари.

1-жадвал

Нью-Йорк (АҚШ) тижорат банкининг мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда қўллайдиган молиявий коэффициентлари ва уларнинг меъёрий даражалари [4]

Кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичлари	**Меъёрий даража**
Жорий ликвидлилик коэффициенти	2 : 1
Тезкор ликвидлилик коэффициенти	1 : 1
Молиявий левериж коэффициенти	1 : 1
Молиявий маржа коэффициенти	1 гача

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Нью-Йорк банки мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 та молиявий коэффициентдан фойдаланади. Республикамиз банклари амалиётида мазкур коэффициентларнинг фақат биттаси, яъни жорий ликвидлилик коэффициенти қўлланилади.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий коэффициентлар усулидан ташқари, мижознинг умумий пул оқимини баҳолаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Компаниянинг умумий пул оқими пул маблағлари кирими суммаси билан пул маблағлари чиқими суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Корхоналарда пул маблағларининг кирими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

– таҳлил қилинаётган давр мобайнида олинган фойда;
– асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ажратмалари;
– дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларига жойланган маблағларнинг бўшаб қолиши;
– кредитор қарздорлик миқдорининг кўпайиши;
– тижорат банкларидан кредитлар олиш;
– акциядорлик капитали ва бошқа пассивлар суммасининг ошиши;
– молиявий грантлар жалб қилиш.

Корхоналарда пул маблағларининг чиқими, одатда, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

– дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларга қўшимча маблағлар жойлаштириш;

– солиқлар, фоизлар, дивидендлар, бўнаклар тўлаш;

– пеня ва жарималар тўлаш;

– банклардан олинган кредитларни тўлаш;

– тижорат кредитлари бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни тўлаш;

– кредитор қарздорлик миқдорининг камайиши;

– акциядорлик капитали суммасининг камайиши.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг умумий пул оқимини таҳлил қилиш асосида унинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг икки шакли мавжуд.

Биринчи шаклда корхонанинг умумий пул оқимини барча қарз мажбуриятлари суммасига бўлиш орқали унинг кредит тўловига лаёқатлилиги аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Корхона умумий пул оқимининг унинг жами мажбуриятларига нисбатан даражасига кўра кредит тўловига лаёқатлилик мезонлари ва синфлари[5]

Умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси	**Кредит тўловига лаёқатлилик бўйича синфлар**
0,75	I
0,50	II
0,30	III
0,25	IV
0,20	V
0,15	VI

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, корхона умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг кредит тўловига лаёқатлилик даражаси шунча юқори бўлади. Бу эса, биринчидан, пул маблағларининг ликвидлилик даражаси энг юқори бўлган актив эканлиги билан, иккинчидан, тижорат банклари кредитларини корхонанинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағлари ҳисобидан тўланиши билан изоҳланади.

Фиримизча, юқоридаги муаммоларни бартараф этишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Кредитлаш шакли қуйидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш:

– кредитни бўлиб тўлашга рухсат этиш;

– кредитдан фойдаланилиши устидан доимий назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш;

– кредитдан фойдаланиш самарадорлиги ошириб бориш.

2. овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит рисклари билан бир вақтнинг ўзида операцион рискка ҳам эътибор қаратиш;

3. Мажбурият ижросини таъминотга қаратиш жараёнида кредит шартномасига асосан суд қарорисиз амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1. Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Бровкина Н.Е. Организация отдельных видов кредита. Банковское дело. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – 464 с.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.
2. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018 – 61 б.
3. Синки мл. Д. Ф. Управление финансами в коммерческом банке: пер. с англ. – М: Саталлахи. 1997. – С.182.
4. Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 367.
5. Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. Учебник. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 387.

Yuldashev I.A. *- Mustaqil izlanuvchi*

RAQAMLI BANK TIZIMI

Banklarning to‘liq internet tizimidan foydalangan holda milliy va xalqaro bank amaliyotini amalga oshirishidir. Raqamli bank tizimi quyidagi prinsiplarga vabosqichlarga asoslanadi. Jumladan:

- Aholi va mijozlarning bevosita banklar bilan munosabatlarini qisqartirish;
- Ofissiz bank;
- Xodimsiz bank;
- Mijozsiz bank;
- Pulsiz bank
- Robototexnika bo‘yicha yangi qonunlar asosida ishlovchi bank;

Ushbu raqamli bank tizimi amaliyotiga ko‘ra kelajakda banklar fizik jihatdan mavjud bo‘lmaydi, milliy va xalqaro to‘lovlarning yagona iqtisodiy tizimi yaratiladi. Barcha bank amaliyotlari internet orqali elektron tarzda bajariladi.



Ammo, Bill Geyts tomonidan ilgari surilayotgan ushbu qarash insonlarning jimoniy, aqliy va qurollanganlik nuqtai nazardan hamda iqtisodiy holatning gomogenligini talab qilganligi sababli, imkonsizdir.

Qolaversa, pul – bu majburiyatdir. Insonlar boshqalarning talablarini hisobga olgan holda o‘z majburiyatlarini vaqtida va to‘liq bajara olsalar, moddiy shakldagi alohida pul birligiga ehtiyoj sezilmaydi.

Albatta, raqamli iqtisodiyotga transformatsiya jarayoni avvalo banklardan boshlanishi va bu borada banklar ma’lum bir muvofaqqiyatga erishishini inobatga olsak, iqtisodiy islohatlarda banklar lokomativ rolini bajarishiga yana bir bor qanoat hosil qilamiz.

Bank tizimini raqamli iqtisodiyotga moslashtirishda kvant pul tizimi bo‘lgan elektron pul tizimi shakldagi blok cheyn tizimida ishlaydigan kretovalyuta tizimi yagona raqamli pul tizimini shakli hisoblanadi. Bu tizim yagona emissiya nazorati davlat qulida bo‘lmaganligi va soliq bazasiga tortilmaganligini sababli kelajakning yagona raqamli valyutasi va bank tizimining to‘lov vositasi bo‘lishigan qarshiliklar bor. Ammo kriptovalyuta tizimi bo‘yicha nazariyotchilarning (Monetarist, Neo-Keynschilar, Nyu- Kenschi, Klassiklar va Aktivistlarining) o‘z qarashlari bor. Pulning kvant nazariyasi raqamli bank tizimi uchun asos pulning kvant nazariyasiga va kipto valyuta shaklida yagona pul tizimiga asos bo‘ladi. Trnasformatsiya jarayoni shunga xizma qilishi kerak. Bu alohida nazariy fikrlardir.

Raqamli bank tizinmida rivojlanish tendensiyasi jadal bo’lishi qo’yidaglarga bog’liq bo’lib qoladi. Jumladan:

- **Biometrik texnologiyalar.** Katta ma'lumotlar hajmini (BigData) tahlil qilish texnologiyasidan foydalanish uchun mo`ljallangan bo`lib, bu orqali mijozning kredit qobiliyatini baholash va prognozini yaratish, skoring va anderrayting uchun xizmat qiladi. Ushbu texnologiya yordamida mijozning xohish-istaklari tahlil qilinadi va mijozning bank mahsuloti yoki xizmatlariga bo`lgan shaxsiy taklifi inobatga olinadi;
- **Sun’iy intelekt.** Sun'iy intelekt asosan uchta rivojlanish yo'nalishiga ega:

- Algoritmlar va sun'iy intellekt – asosiy sun'iy intellekt yoki algoritmik idrok, inson tafakkurida, qaror qabul qilishda yoki muayyan vazifalarni bajarishda har qanday elementni almashtiradi.

- **Big Data texnologiyalaridan foydalanish-** -juda katta hajmdagi bir jinsli bo'lmagan va tez tushadigan raqamli ma'lumotlar bo'lib, ularni odatiy usullar bilan qayta ishlab bo'lmaydi. Ba'zi hollarda, katta ma'lumotlar tushunchasi bilan birga shu ma'lumotlarni qayta ishlash ham tushuniladi. Asosan, analiz obyekti katta ma'lumotlar deb ataladi;
- **Data lake(ma'lumotlar ko'li) -** qayta ishlanmagan katta ma'lumotlar ombori. "Ko'l" har xil manbalardan kelgan, har xil formatda bo'lgan ma'lumotlarni saqlaydi. Bu esa odatiy relatsion ma'lumotlar omborida ma'lumotlarni aniq struktura asosida saqlashdan ko'ra arzonroqqa tushadi. Ma'lumotlar ko'li, ma'lumotlarni boshlang'ich holatida analiz qilish imkonini beradi. Bundan tashqari, "ko'l"lardan bir vaqtni o'zida bir nechta ishchilar foydalanishlari mumkin.
- **Raqamli texnologiyalardan foydalanishda risklarni boshqaruvini kuchaytirish.** Bank sohasida raqamli texnologiyalardan foydalanish ortib borayotganini hisobga olib, innovatsiyalar va risklarni boshqarishning roli ortib bormoqda. Bu tendentsiyalar bevosita iqtisodiyotni raqamlashtirish bilan bog‘liq bo‘lib, moliya sektorida, aniqrog‘i bank xizmatlari bozorida raqobatning kuchayishiga olib keladi. Shunday qilib, hozirgi bosqichda mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan tijorat banklari uchun eng muhim vosita innovatsion texnologiyalarni rivojlantirish, shuningdek, jahon tendentsiyalariga (finTech texnologiyalari, robototexnika, Big Data texnologiyalarining keng tarqalishi, risklarni boshqarish) muvofiq tarzda rivojlanish hamda raqamli iqtisodiyot evolyutsiyasini hisobga olgan holda biznes jarayonlarini o'zgartirishga yo'naltirilgan strategiyani yaratish hisoblanadi.

Respublikamizda 2023 yil 1 iyun holatiga 36 ta bank mavjud bo’lib shundan 7 ta bank to’liq raqamli bank faoliyatini ko’rsatadi. Jumladan; TBC Bank, ANOR BANK, UZUM BANK, SMART BANK, APEX BANK, HAYOT BANK va YANGI BANKlar.

Mijozlarning raqamli bank xizmatlaridan foydalanishida ijobiy va salbiy oqibatlari bo’lib bu holat foydalanuvchilarni iqtisodiy bilim ko’nikmalarni doimiy ravishda oshirib borishini talab qiladi.

Qayd etish lozimki, amaldagi qonunchilikka ko‘ra omonatchilar va qarz oluvchilar o‘zlariga xizmat ko‘rsatuvchi tijorat bankini mustaqil tanlash huquqiga egadirlar. Bugungi kunda respublikamizda bank xizmatlari bozorida tijorat banklari o‘rtasida (2023 yil 1 iyun holatiga 36 ta) kuchli raqobat mavjud bo‘lib, ushbu holat tijorat banklari doimo taqdim etilayotgan xizmat turlarini sifati va ko‘lamini oshirishga, bank xizmatlarining narxini takomillashtirib borishga, mijozlarga qo‘shimcha qulayliklar yaratishga undab kelmoqda.

Bankning biron-bir xizmat turidan foydanish haqida qaror qabul qilishdan avval, ushbu xizmat turi haqidagi ma’lumotlarni o‘rganish, yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan masalalarni aniqlash hamda o‘z majburiyatlaringizni (shu jumladan moliyaviy) anglab yetish talab etiladi.

Adabiyotlar:

1. 2020 yil 12-maydagi PF -5992-sonli Prezident farmoni (banklarni raqamli transfornatsiya qilish).

2. https://cbu.uz/uz/credit-organizations/banks/head-offices/.
3. https://www.texnoman.uz/post/big-dataning-asosiy-8-atamasi_.html
4. McAfee A., Brynjolfsson E. Machine, platform, crowd: Harnessing our digital future. – WW Norton & Company, 2017.
5. Mujinga M., Eloff M. M., Kroeze J. H. System usability scale evaluation of online banking services: A South African study // South African Journal of Science. 2018. Vol. 114. No. 3/4. URL: https://doi.org/10.17159/sajs.2018/20170065.
6. Xodjimamedov A. Bank tizimini raqamlashtirish sharoitida bank innovatsiyalarini takomillashtirish. //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2022. – T. 10. – №. 3.
7. Xodjimamedov A. Bank tizimi misolida iqtisodiyotni raqamlashtirish masalalari. //Iqtisodiyot va ta'lim. – 2022. – T. 23. – №. 3.

Назаров Қ. *– ТДИУСФ, кафедра ассистенти*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банкларининг кредит портфелини ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш миллий банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1][1]. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди" [2] . Бу эса, республика иқтисодиётини ривожлантириш учун тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва ушбу йўналишда тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, гуруҳлаш ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг ахборот манби сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотларидан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ, Ипотекабанки ва Саноатқурилишбанкининг молиявий ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилди.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли "Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси"ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь сони.

Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини таъминлашда банкларнинг ликвидлилиги, молиявий барқарорлигини ва капиталининг етарлилигини таъминлашга катта эътибор қаратилади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилиги унинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки АЖ ва Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда [2]

Банклар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ТИФ Миллий банки АЖ	10,1	19,7	17,4
Ипотекабанк	8,2	15,8	13,2

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ТИФ Миллий банки АЖда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган, аммо, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли ошган. Бу эса, Миллий банкнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ипотекабанкда регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ошган, аммо, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

2-жадвал

АТ “Ўзсаноатқурилишбанк”да активларнинг рентабеллиги ва капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичларининг даражаси, фоизда [3]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Активларнинг рентабеллиги	0,4	0,8	2,0
Капиталнинг рентабеллиги	3,8	8,3	11,3

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда 2017-2019 йилларда активларнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам, капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзсаноатқурилишбанкда капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи 2019 йилда 2017 йилга нисбатан юқори суръатда (7,5 ф.п.) ўсган.

3-жадвал

Банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки [4]

Кўрсаткич	Иқтисодиёт секторига йўналтирилган инвестициялар трлн.сўмда
2014йил	8,5
2015йил	10,2
2016йил	12,2
2017 йил	16,1
2018 йил	107,3
2019 йил	189,9
2020 йил	202,0
2021 йил	244,9

Бу эса, мазкур даврда соф фойданинг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

3-жадвал маълумотлари тижорат банклари ўз маблағларини 2014 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир лойиҳаларни молиявий қўллаб қувватлаш мақсадлари учун йўналтирган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар:

1. Тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси паст.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида активларнинг рентабеллик даражаси паст.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

2022 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, республикамиз тижорат банклари муаммоли кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5,2 фоизни ташкил этди. Бу эса, халқаро банк амалиётида умумқабул қилинган чегаравий даражадан (5 %) юқоридир.

3. Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлик даражасининг паст эканлиги.

Инфляция даражасининг юқори эканлиги ва миллий валютанинг девальвация суръатининг юқори эканлиги мамлакат тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини активларнинг рентабеллигини ошириш ҳисобига таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасини (1,25%) таъминлаш керак; иккинчидан, соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш лозим; учинчидан, тижорат банклари соф фойдасининг ўсиш суръати билан брутто активларининг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур.

2. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг уларнинг инвестицион жозибадорлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини (1,0%) таъминлаш керак; иккинчидан, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини чакана кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошириш ва кредитларни мижозларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштиришни яхшилаш ҳисобига ошириш лозим; учинчидан, давлат дастурлари ва доирасида берилган имтиёзли кредитлар бўйича кредит риски бўйича жавобгарликни тижорат банклари зиммасидан олиб ташлаш керак.

3. Тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун, биринчидан, инфляция даражасини ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш орқали банкларнинг акцияларига қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайишига чек қўйиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг тижорат банкларининг акцияларига қилинган инвестициялардан оладиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак; учинчидан, тижорат банки регулятив капиталининг рентабеллиги кўрсаткичининг меъёрий даражасини (15%) таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”ги фармони//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь сони
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик ҳисоботлари //www.cbu.uz.
5. Молиявий ҳисоботлар. www.nbu.uz; www.ipotekabank.uz.
6. ЎзСаноатқурилишбанк. Молиявий ҳисоботлар. www.uzpsb.uz.
7.Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари//www.cbu.uz. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

Тугалов Б.Қ. *- иқтисодиёт магистри*

БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИНИНГ КРЕДИТ РИСКИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАРИ

Базель-I стандартида тижорат банклари томонидан берилган кредитларга қуйидаги риск даражалари берилган:

* Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) мамлакатларида рўйхатдан ўтган банклар ва бошқа депозитар институтларнинг кредитлари, кафолатлари билан таъминланган кредитлар ва бошқа активлар ёки уларнинг қисми – 20 %;

* банкнинг халқаро кредит ташкилотларига берган кредитлари ва бошқа талаблари, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг қимматли қоғозлари билан таъминланган талаблар – 20 %;

* ипотека кредитлари – 50%;

*мижозларга берилган кредитлар – 100 %[1].

Базель-II кредит рискини ўлчаш бўйича уч ёндашувни таклиф этади:

-стандартлашган ёндашув;

-ички рейтингларга асосланган базавий ёндашув (IRB-Internal rating-based approach);

- ички рейтингларга асосланган такомиллашган ёндашув.

[1] Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. http://www.bis.org.publications.

Тижорат банкларида IRB ёндашуви асосида дефолт бўлиш эҳтимолини баҳолаш учун қуйидаги моделдан фойдаланилади:

$$PD_i = \frac{\Delta ICR_{Ti}}{ICR_{Def} - ICR_{t_1}} \times 100\%,$$

Бу ерда:

PD_i – i - мижознинг дефолт бўлиш эҳтимоли;

ΔICR_{Ti} - i - мижознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингининг ўзгариши;

$ICRD_{ef}$ - максимал дефолт рейтинги.

Ушбу моделни тузиш учун икки босқичдан ўтиш талаб этилади. Биринчи босқич - мижознинг кредит рейтингини ўзгариш тезлигини ҳисоблаш.

$$V_{\Delta CR_{Ti}} = \frac{ICR_{t_2 i} - ICR_{t_1 i}}{(t_{2i} - t_{1i})},$$

Бу ерда:

ICR_{t2i} - i-мижознинг t_2 вақтдаги кредит рейтинги;

ICR_{t1i} - i-мижознинг t_1 вақтдаги кредит рейтинги;

t_1 - i-мижознинг ҳисобот саналари ($t_2 > t_1$).

Кўрсатилган ҳисобот саналари сифатида қуйидагиларни ишлатиш мумкин:

t_1 – ҳисобот йилининг боши ёки кредитни бериш санаси (кредитланаётган мижозлар учун), агар кредит жорий йилда берилган бўлса;

t_2 – дефолт эҳтимолини баҳолашдан олдинги сўнгги ҳисобот санаси.

Иккинчи босқич – ΔICR_{Ti} – i-мижознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингини ўзгариши.

1-жадвал

Базель қўмитаси томонидан кредит рискини баҳолаш бўйича тавсия этилган стандартлашган ёндашув[1]

Рейтинг	**Рискка тортиш коэффициентлари (%)**			
	Давлат ва Марказий банклар	**Кредит ташкилотлари (1-вариант)**	**Кредит ташкилот (1-вариант) (қисқа муддатли талаблар)**	**Юридик шахс**
AAA дан A гача	0	20	20 (20)	20
A+ дан A – гача	20	50	50 (20)	50
BBB + дан BBB – гача	50	100	50 (20)	100
BB + дан BB – гача	100	100	100 (50)	100
B + дан B – гача	100	100	100 (50)	150
B – паст	150	150	150 (150)	150
Рейтингсиз	100	100	50 (20)	100

Ички рейтинглар асосидаги ёндашувда кредит риски даражаси банкнинг ички рейтингларига асосланган балларга боғлиқ равишда белгиланади. Банкларнинг ички рейтинги эса, мижозларнинг кредит тарихига асосоан белгиланади. Мазкур ёндошувда уч муҳим жиҳат мавжуд:

[1] Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. http://www.bis.org.publications.

– банк ўзининг ва ўз контрагентларининг кризис ёки банкрот имкониятларига мустақил баҳо беришни амалга оширишга қодир бўлиши лозим;

– банк рискларга интеграл баҳо бера олиши зарур;

– ички баҳолаш банк қандай маълумотлардан фойдаланишига боғлиқ бўлади, яъни банк ўз рискларини ишончли маълумотларга мувофиқ ўлчашга қодир бўлиши шарт.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, стандартлашган ёндашувда кредит олувчининг суверен кредит рейтинги қанчалик юқори бўлса, унга берилган кредитнинг риск даражаси шунчалик паст бўлади.

Саъдуллаева М. Қ. *– Ёшлар ишлари агентлиги,*
Бухоро тумани бўлими бошлиғи
Шарипов Б. Ш. *– Банк-молия академияси, магистрант*

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА РАҚАМЛИ ЁНДОШУВ МЕХАНИЗМЛАРИ, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ (Бухоро тумани мисолида)

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор – инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда Бухоро туманида аҳоли умумий сонининг салкам **23,1 %** яъни **39 545 мингдан ортиғи** кучли, шижоатга эга, ғайрати ичига сиғмаган 14-30 ёшдаги ёш фуқаролар ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда, ёшлар билан ишлаш йўналишидаги барча маълумотлар “Ёшлар дафтари” платформаси орқали рақамли интеграциялашган тизим орқали амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур қатлам ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидаги муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ёшларга оид давлат сиёсатини “маҳаллабай” амалга ошириш орқали ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизими амалиётга жорий этилди. Бу орқалиБухоро тумани бўйича жами 36 та маҳаллада Ёшлар етакчиси штат бирлиги жорий этилди. Мазкур тизим орқали ёшлар билан мулоқот қилишнинг янгича механизмлари, усул ва воситалари ишлаб чиқилди.

Энг асосий мақсад – “Жамиятда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмайди” тамойили асосида, ёшларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истаклари, уларнинг таклиф ва ташаббуслари устувор аҳамиятга эга бўлиши белгилаб олинди.

Етакчи – бу жамоанинг манфаатларини бирлаштира олган, бошқаларни маълум мақсадга етаклай билган ҳамда бунинг натижасида жамоа ишончига муваффақ бўлган шахс.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши, маҳаллада ёшлар билан ишлаш бўйича аналоги йўқ тизим ҳисобланмоқда. Зеро, доно халқимиз томонидан **“Бир болага етти маҳалла ота-она”** деган мақол бежизга айтилмаган. Айнан маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспектори ўзаро ҳамкорлиги натижасида ёшлар тарбияси, таълим олиш сифати ошиб, янги имконият йўллари кенгаяди.

Ҳозирги кунда ташаббус барча ёшларни бир маёқ атрофида бирлаштириб, аниқ маслак сари ундайди. Шунинг учун ҳар қандай мушкулот ва таҳдидларни илм, маърифат, мутолаа, шижоат, жисмоний бақувватлик, сабр-бардош билан енгиш мумкин, деган қатъиятни ёшларимизнинг онгига сингдиради.

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида “маҳаллабай” механизм асосида ҳал этилмоқда. Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган **25 та** ёрдам турлари белгилаб берилди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишининг молиялаштириш манбаси сифатида маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиш белгилаб берилди.

Етакчилар томонидан биринчи босқичда таълим ва меҳнат билан қамраб олинмаган (уюшмаган) 14-30 ёш оралиғидаги ёшлар хатловдан ўтказилиб, 5 муҳим тоифа *(бандлик, таълим, оилавий, ижтимоий ва саломатлик ҳолатлари)* асосида “Ёшлар баланси” шакллантирилмоқда.

Бунинг натижасида, маҳаллаларнинг ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш тоифалари (*қизил, сариқ, яшил*), ёшларнинг ижтимоий ҳолати ва муаммоларини аниқ белгилаш орқали ёшлар етакчилари томонидан маҳалла кўрсаткичини яхшилашга қаратилган алоҳида “маҳаллабай” Ёшлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Йил бошидан “Ёшлар дафтари”га **590 нафар** ёшлар киритилиб, “Ёшлар баланси” якунлари бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар дафтарга тўлиқ қамраб олинди.

Бугунга қадар, дафтардаги **449 нафар** ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, талабаларнинг контракт тўловлари ва муддатли сафарбарлик чақируви резерви бадалини қоплаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиб, субсидия ажратиш орқали меҳнат қуроллари билан таъминлаш учун жамғармалар ҳисобидан қарийб **675,3 млн сўм** маблағлар йўналтирилди.

Биргина мисол, **“Ёшлар дафтари” веб-платформаси** орқали Бухоро тумани бўйича **41 нафар** ёшларни ишга жойлаштирилди, **10 нафар** ёшларни ўзини ўзи банндлигини таъминлаш учун асбоб ускуна олиб берилди, **116 нафар** ёшларга тўлов контрактининг бир қисми тўлаб берилди, **15 нафар** ижтимоий ахволи оғир ёшларнинг даволаниш харажатлари қоплаб берилди, **30 нафар** иқтидорли ёшларнинг келажак касблари лойихаси доирасида ўқиш харажатлари тўлаб берилди, **14 нафар** ижтимоий шароити оғир ёшларнинг сафарбарли чақирув резерфи тўловлари тўлаб берилди, **2 нафар** ёшларнинг хайдовчилик

курси харажатлари тўлаб берилди, **77 нафар** тадбиркорлик қилиш истагини билдирган ёшларга имтиёзли кредитлар олиб берилди, **84 нафар** ишсиз ёшларга 30 йиллик шарнома асосида ер олиб берилди, **62 нафар** ёшларга бошқа турдаги ёрдамлар берилди.

Мазкур йўналишдаги ишлар тегишли маълумотлар базасининг интеграциялашуви орқали амалга оширилиши, ёшларга кўмак кўрсатишнинг маҳаллабай ишлаш тизимга мисол бўла олади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, барча масалалар маҳаллада ҳал этилиши вазифа сифатида белгилаб берилган.

Аммо, мазкур ютуқлар билан бир қаторда, ёшлар етакчилари фаолиятида ҳам маълум камчиликлар кўзга ташланмоқда. Биринчи навбатда, мазкур лавозимга танлаб олган ёшларимизда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ёшларга оид давлат сиёсатининг туб мағзини тушина олишлари, маҳалладаги ёшлар билан тизимли ишларни ташкил этиш ва ёшлар мурожаатлари билан ишлашда кўзга ташланмоқда. Бу борада, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, маҳалладаги ёшлар етакчилари учун уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш, фаолият соҳаси бўйича ишларни ташкил этиш йўриқномаларини ўзида мужассамлаштирган ўқув-услубий мажмуа ва тарқатма материллар тайёрланиб, етакчилар эътиборига ҳавола қилинди. Бундан ташқари, Агентлик, ёшлар сиёсатига масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамкорлигида ҳудудлардаги ёшлар етакчилари учун ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, сиёсий, ҳуқуқий ва молиявий билимлари, мурожаатлар билан ишлаш, шунингдек, самарали мулоқот олиб бориш, ётакчилик маҳоратини ривожлантириш, жамоани шакллантириш бўйича қисқа муддатли ўқувларни ташкил этишни режалаштирмоқда.

Шу билан бирга, ёшларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмасини янада ривожлантириш бўйича бир қатор амалий ишлар ташкил этилмоқда. Жумладан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси орқали имтиёзли кредитлар ажратиш, хорижий тил билиш сертификатига эга ёшларнинг имтихон топшириш харажатларини компенцация қилиш бериш орқали рағбатлантириш тизими жорий этилган.

Шунингдек, аҳоли, жумладан ёшларга кўрсатиладиган ижтимоий кўмак кўрсатишни ягона тизимда бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-82-сон Фармони ҳамда ПҚ-176-сонли

қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги ташкил этилганлиги жамиятда ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳот – “Инсон қадри” тамойилини илгари сурилаётганлигидан далолатдир.

Мазкур Миллий агентликнинг асосий фаолияти **саккизта йўналишда** белгилаб берилди, жумладан:

- Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналишида;
- Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишида;
- Вояга етмаган болаларни ҳимоя қилиш йўналишида;
- Аёлларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишида;
- Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш йўналишида;
- Ёшлар билан ишлаш йўналишида;
- Якка ёлғиз кексалар билан ишлаш йўналишида;
- Ижтимоий таъминот дастурлари йўналишида.

Эътиборли жиҳати, мазкур вазифалар замирида ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш белгилаб берилган.

Айнан мана шунинг учун, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларида намоён бўлади.

Ишончим комилки, бугунги ўтказилаётган “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар етакчиларининг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалага ошириш механизмлари ва нормаларининг имплементациясини янада самарали татбиқ этиш бўйича илгари сурилган янгича қараш ва таклифлар, шунингдек, мабаллабай ишлаш йўналишидаги тажрибанинг ўрни ёшлар манфаатларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. 2016 йил, 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 февраль, ПФ-60-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида. 2023 йил, 1 июнь. ПФ-82-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2022 йил, 19 январь. ПҚ-92-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида. 2023 йил, 1 июнь. ПҚ-176-сон.

Akramov A.A. *- KB-23-B02-sirtqi guruh, 1-kurs talaba*

AXBOROT TEXNOLOGIYALARI SOHASIDA KORPORATIV BOSHQARUVNING ZAMONAVIY STANDARTLARINI JORIY QILISHINI TAKOMILLASHTIRISH

Hozirgi vaqtda jahon miqyosida axborot texnologiyalari sohasida jadal rivojlanish kuzatilmoqda. Aholining hayot tarzini yengillashtiruvchi turli xil ilovalar, platformalar kundan kunga rivojlanib bormoqda. Mamlakatimizda ham amalga oshirilayotgan islohotlardan ko‘zlanayotgan asosiy maqsad axborot texnologiyalari asosida aholiga xizmat ko‘rsatish sifatini, tezligini, qamrovini oshirish va shu orqali aholi va tadbirkorlik subyektlariga raqamli xizmatlardan foydalanish uchun qulay sharoitlar yaratish, ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, byurokratik tartibotlarni qisqartirish va ularning korparativ boshqaruvi ekanligi bugungi kunda hech kimga sir emas.

Davlat boshqaruvi, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlarini hamda hududlarni raqamli transformatsiyalash yo‘lida 2023-yil 24-maydagi PQ 162-sonli “Raqamli xizmatlar qamrovi va sifatini oshirish hamda soha, tarmoq va hududlarni qaramli transformatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Prezident qaroriga ko‘ra “Raqamli hukumat” va “Raqamli hudud” dasturlari doirasida 2023-2024-yillarda amalga oshiriladigan 300 ta ustuvor loyihalar, jumladan, davlat boshqaruvini raqamlashtirish bo‘yicha 112 ta ustuvor loyihalar, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlarini raqamlashtirish bo‘yicha 51 ta ustuvor loyihalar va hududlarni raqamli transformatsiya qilish bo‘yicha 137 ta ustuvor loyihalar ro‘yxati tasdiqlandi. Ularning orasida kommunal xizmatlar uchun to‘lovlarni yagona shaxsiy hisobvaraq orqali amalga oshirishni joriy etish, elektron shifoxona va yagona elektron ro‘yxatga olish modullarini yaratish, “Onlayn mahalla” elektron platformasini takomillashtirish, aeroportlar tomonidan ko‘rsatilayotgan onlayn xizmatlarni rivojlantirish, optik tolali aloqa liniyalarini kengaytirish, keng polosali ulanish tarmoqlarini kengaytirish, mobil internet qamrovini oshirish kabi loyihalar bizning hayotimizni yengillashtirishda juda katta hissasini qo‘shadi.[1]

O‘zbekistonni keyingi yillarda IT -HUBga aylantirish maqsadida birinchi Toshkent xalqaro investitsiya forumi respublikada o‘tkazilayotgan muhim voqealardan biridir. Keng ko‘lamli tadbirda dunyoning 56 davlatidan ishbilarmon va siyosiy doiralar vakillari ishtirok etib, mutaxassis va ekspertlar O‘zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlarini muhokama qilib, istiqbolli sarmoyaviy loyihalar bilan tanishib, G2G, G2B va B2B formatlarida uchrashuvlar o‘tkazildi. Forumda malakali kadrlar tayyorlash masalalariga alohida e’tibor qaratildi.

IT-ta’lim mutaxassislar tayyorlash va davlat taraqqiyoti va farovonligi uchun bozorni yetarli ishchi kuchi bilan ta’minlashda muhim o‘rin tutadi. Shu bois O‘zbekiston ta’limga, ayniqsa IT sohasiga katta kuch sarflaydi. Sifatli ta’limsiz maqsad va vazifalarga erishib bo‘lmaydi, – dedi Raqamli texnologiyalar vaziri Sh.Shermatov.

Soha rahbari o‘z nutqida BPO va KPO xizmatlarini rivojlantirish kabi muhim yo‘nalishga ham to‘xtaldi. Shu nuqtai nazardan, IT-Park rezidenti sifatida ro‘yxatdan

o‘tgan xorijiy BPO kompaniyalari taqdim etilgan imtiyozlardan foydalanishi va O‘zbekistondan IT-mutaxassislarini raqobatbardosh shartlarda jalb etishi mumkin bo‘ladi. Bundan tashqari, ularga mamlakatda o‘z biznesini kengaytirish uchun ofis xonalari va jihozlar, kamida olti oy muddatga ijara to‘lovlaridan ozod qilish, kommunal xizmatlar, internetga ulanish xarajatlari ko‘rinishida investitsiyalar taqdim etilishi mumkin. BPO kompaniyalari uchun kadrlar tayyorlashga ixtisoslashgan BPO maktablari ham yaratilmoqda. [2]

Ta’kidlanganidek, mamlakatimiz sifatli ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlar arafasida turibdi. Va bu o'zgarishlarning lokomotivi raqamli texnologiyalardir. Mazkur forum investorlar va xorijiy IT-kompaniyalar uchun O‘zbekistonning sarmoyaviy salohiyati bilan yaqindan tanishish uchun ajoyib imkoniyatdir. [3]

O‘zbekiston Respublikasida milliy korporativ boshqaruv modelini shakllantirish jarayoni boshlang‘ich bosqichlarida turganligi sababli korporativ boshqaruvni tadbiq etish va uni kelajakda istiqbolli rivojlantirish, iqtisodiyotning u yoki bu modeli muammolarini hal etishga qaratilishi kursning asosiy vazifalaridan hisoblanadi. Bugungi kunda mamlakatni modernizatsiyalash sharoitida aksiyadorlik jamiyatlar iqtisodiy negizi keskin o‘zgarib bormoqda. Korporativ boshqaruvning samarali rivojlanishiga erishish uning asl mohiyatini chuqur anglash va tushunishni, uning ilmiy soha sifatida shakllanishiga imkon bergan ilmiy-nazariy èndashuvlarini tadqiq qilishni taqozo etadi. Demak, davlatda korporativ boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish boshqaruvning barcha sohalariga investitsiyalarni jalb etishning muhim omili hisoblanadi. [4]

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://lex.uz/uz/docs/-6472548
2. https://yuz.uz/ru/news/uzbekistan-kak-svyazuyuiy-it-xab-v-tsentralnoy-azii
3. https://yuz.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-va-korporativ-boshqaruv-boyicha-germaniya-tajribasi-organildi
4. https://rgsbm.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-va-korporativ-boshqaruv-germaniya-tajribasi

***Nasirov M.I.** – BTOM, tinglovchi*

KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI IQTISODIYOTDAGI O’RNI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev 7 fevral № 4947 farmoni bilan 2017−2021 yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasini tasdiqlab berdilar. Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va liberallashtirishga yo'naltirilgan makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo'yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini

rag'batlantirish, hududlar, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish, investitsiyaviy muhitni yaxshilash orqali mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish".Mamlakatimizda ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash bo`yicha amalga oshirilayotgan kompleks chora-tadbirlar kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish va barqaror iqtisodiy o`sish sur`atlarini ta`minlash imkonini bermoqda.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning eng muhim ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Kichik biznes kapital taqchilligi sharoitida ko‘p va yirik mablag‘ talab etmaydigan xo‘jalik faoliyati sifatida resurslar aylanmasining yuqori sur’atlarini ta’minlaydi, iqtisodiyotni qayta qurish, iqtisodiy beqarorlik va resurslar chegaralanganligi sharoitida iste’mol bozorini shakllantirish va uni to‘ldirish muammosini tez hamda tejamli tarzda hal etadi. Kichik korxonalar bozor talabining o‘zgarishiga darhol moslashadi va shu yo‘l bilan iste’mol bozoridagi zaruriy muvozanatni ta’minlaydi. Shuningdek, kichik biznes yangi ish o‘rinlarini yaratishi bilan o‘sib boruvchi ishsizlik muammosini yumshatadi.

Bu esa o‘z navbatida respublikamiz aholisining 60% dan ortig‘i qishloq joylarda yashashini hisobga olsak, ushbu sohani rivojlantirish va taraqqiy etishini ta’minlash hozirgi kunda eng muhim dolzarb ijtimoiy-iqtisodiy masala ekanligi yorqin namoyon bo‘ladi. Bu borada barqaror iqtisodiy o‘sishini ta’minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish borasida amalga oshirilgan ishlarning ko‘lamiga qaramasdan bu sohada hali o‘z yechimini kutayotgan muammolar mavjud. Jumladan iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlariga kichik biznesni rivojlantirishning ilg‘or xorijiy tajribalarini tatbiq etish, ularining o‘ziga xos ilmiy-uslubiy asoslarini o‘rganish, kelgusidagi istiqbolli rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqish hamda tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiy samaradorligini oshirishning tashqi va ichki omillarini aniqlash lozim. Shu nuqtai nazardan, respublikamizda real sektor tarmoqlarining barqaror iqtisodiy o‘sishini ta’minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini istiqboldagi izchil rivojlantirish yuzasidan ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish bugungi kunning muhim va dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Ko‘plab xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning mazmun mohiyati, uni rivojlantirishga ta’sir etuvchi omillar, kichik biznes subyektlarining iqtisodiyotdagi o‘rni hamda ahamiyati to‘g‘risida ilmiy tadqiqotlar olib borilgan. Jumladan, V.Dolyaning “Ensiklopediya biznesmena” lug‘atida «Tadbirkor degani yangi bir ishga qo‘l urish, uni bajarishga kirishish, qandaydir kattaroq ishlarni amalga oshirishdir»-deb ta’rif berilgan bo‘lsa, R.Xizrich va M. Piterslar “Tadbirkor, ya’ni o‘ylab ish ko‘ruvchi kishi - korxona ishini yurgizishga moyil, qobiliyatli, katta hajmdagi ishlarga qo‘l ura oladigan, jasur, cho‘rtkesar va bunday ishlarga botir bo‘lgan kishidir»-deb ataganlar. Rossiyalik olimlardan A.G.Aganbegyan iqtisodiyotda kichik biznes subyektlarining iqtisodiyotda mahsulotlar ishlab chiqaruvchi, boylik yaratuvchi va xizmat ko‘rsatish sohalarini o‘z ichiga oladigan soha ekanligi ammo, unga moliya-kredit, birja faoliyati kirmasligini ta’kidlagan bo‘lsa, A. Komov o‘zining “Russkoye ekonomicheskoye obshestvo”

jurnalida bergan ilmiy maqolasida kichik biznes subyektlarini iqtisodiyotning yirik tarkibiy qismi ekanligi va uning rivojlanishida kredit tizimining ahamiyati to‘g‘risida fikr yuritgan. Umuman olganda, kishining tadbirkorlik holati - bu tashabbuskorligi, novatorligi, manfaatdorligi, ishga eskicha emas, yangicha yondashishdir.

O‘zbekistonda kichik biznes korxonalarini barpo etish orqali mustaqil xo‘jalik yurituvchi mulk egalari shakllandi. Kichik biznes korxonalari bozor iqtisodiyotiga xos turli makroiqtisodiy shart-sharoitlar va talablariga moslashishi imkoniyatlariga egaligi bilan ustuvor ahamiyatga ega. Iqtisodiyotning turli tarmoqlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish milliy iqtisodiyotimiz barqarorligini ta’minlashning muhim makroiqtisodiy omillaridan biri hisoblanadi. Keyingi yillarda kichik biznes taraqqiyoti natijasida ularning mamlakatda yaratilayotgan yalpi ichki mahsulot salmog‘idagi ulushining ortib borayotganligi bilan izohlash mumkin. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish dasturi doirasida iqtisodiy o‘sishni ta’minlash, yangi ish o‘rinlarini tashkil qilish, bandlik muammosini hal etish, aholining daromadlari va farovonligini oshirishda tobora muhim o‘rin tutayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, rag‘batlantirish va qo‘llab-quvvatlashga alohida e’tibor qaratiladi.

Reference:

1. Ахунова, Ш. Н., & Абдуллаева, Б. (2015). Динамика и перспективы развития частного предпринимательства в Узбекистане. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (5), 23-25.
2. Ахунова, Ш. Н. (2015). К проблемам оптимизации налоговой нагрузки субъектов предпринимательства. Молодой ученый, (2), 246-248.
3. Кундузова, К. И., & Ахунова, Ш. Н. (2019). Пути развития дехканских хозяйств и повышения их эффективности. Известия Ошского технологического университета, (3), 273-277.
4. Kurpayanidi, K., Nabiyeva, N., Akhunova, S., & Tukhtasinova, M. (2021). Analysis of the State's Macroeconomic Policy. Revista Geintec-Gestao Inovacao E Tecnologias, 11(4), 4669-4680.
5. Ахунова, Ш. Н., & Аширалиев, Ф. (2015). К вопросам развития строительной индустрии в сельской местности Узбекистана. Молодой ученый, (6), 375-377.
6. Ахунова, Ш. (2021). Эволюционная структура и функции конкуренции. Общество и инновации, 2(2), 87-92.
7. Ахунова, Ш. Н., Мамаджанов, И. Б., & Урозова, Д. Д. (2019). Химическая промышленность Узбекистана: проблемы развития и пути их преодоления. Экономика и бизнес: теория и практика, (6-1), 34-38.
8. Ахунова, Ш. Н. (2014). Организационно-правовые механизмы формирования семейного предпринимательства. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (4-1).
9. Namanzhanovna, A. S., & Shokhsanam, T. (2021). Global trends and prospects for the development of the innovation economy in uzbekistan.

МУНДАРИЖА

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ	
Abdinazarov B.K. Digitalization in modern business and economy	3
Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг молиявий муаммолари	5
Daiyon Cho (Korea) Digital transformation in business: korean companies	7
Расулова Д.В. Тадбиркорлик субъектлари экспортини ривожлантиришда рақамли технологиялардан фойдаланиш	12
Suduk Kim (Korea) Digital Transformation & Electrification	17
Кенжабаев А.Т. “Янги Ўзбекистон”да рақамли трансформация жараёнларини ривожлантириш йўллари	25
Dr. Jinwon Ahn (Korea) Digital transformation in business	32
Зуҳуров К.З. Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларини чакана хизматларини ривожлантириш	33
Мелиев В.П. Саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ташкил этиш	36
Cheul Rhee (Korea) Offline Failure and DX Mindset	40
Суюнов Д.Х. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида рақамли техногиялар ва унинг ривожланиш хусусиятлари	41
Расулова Д.В. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўллари	49
Алимов Б.Б. Корпоратив лойиҳа менежери ва унинг фаолиятдаги бошқарув жараёнлари	54
Қодиров Т.У., Суванова Д.Д. Рақамлаштириш шароитида корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари	60
Nasirov M.I. Biznes va iqtisodiyotda raqamli transformatsiya	62
Jo‘rayeva G.I. Rivojlangan xorijiy mamlakatlardagi raqamli texnologiyalar holatini tahlil qilish	64
Рафиқова З.А. Давлат хизматида раҳбар кадрларни бошқариш ва бошқарувнинг хорижий тажрибаси	67
Зулфикаров Ф.Ю. Давлат харидларини амалга оширишда хорижий малакатлар тажрибаси	72
Низамов Ғ.А. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ логистика хизматлари соҳасида инсон омили иштирокини қисқариши амалиёти	77
Халмурадов Э.Д. Акциядорлик тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарув тизими ва уни такомиллаштириш механизмлари	79
Суюнова Д.Д. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши ва ривожланиш ҳолатининг таҳлили	84
Анваров С.Э. Energetika sohasida korporativ munosabatlar	91
Рахимова Д.Н. Опыт повышения инвестиционного потенциала страны	94
Алиев Ф. Особенности управления инновационными процессами в деятельности промышленных предприятий	97

Есипов А. Инвестиционная привлекательность предприятий	99
Усманов С.М. Внедрение основ проектного управления в энергетический комплекс	102
Халмурадов Э.Д. Роль и место рынка ценных бумаг в современной рыночной экономике	105
Akhmedov Z.K. World experience in improving the system of organization and management of small industrial zones and ways of its implementation in the KHorezm region	108
Сорокин Д.Д. Совершенствование эффективности управления государственными активами в новом Узбекистане: ответ на глобальные вызовы и тенденции	112
Одилов Т. Развитие технологий стратегического менеджмента в высшей школе	116
Исмаилов С. Управление человеческими ресурсами в коммерческих банках	118
Курбанов Ф.М. Новые изменения в корпоративном управлении акционерных обществ	121
Юсупов Ф.А. Корпоратив бошқарув тизимига замонавий стандартларни жорий қилиш йўллари	124
Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашда автоматлаштирилган ахборот бошқарув тизимидан фойдаланиш йўллари	127
Umarbekov B.B. O‘zbekistonda elektr energiyasini ishlab chiqarish loyihalarida davlat-xususiy sheriklik tamoyillarini tatbiq qilish muvaffaqiyatlari va xatolari	134
Максумов Н.Э. Давлат фуқаролик хизматида “Карьера модели”ни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш	138
Норбеков А.Ж. Профессионал таълим тизимида дуал таълимнинг ўрни ва аҳамияти	142
Каримов С.Б. Деривативлар муомаласини тартибга солишнинг долзарб масалалари	145
Azizov Sh.Sh. Raqamli texnologiyalar imkoniyatlari	148
Achilov V.E. Kiberxavfsizlik — raqamli iqtisodiyotning muhim sharti	150
Boymuratov A.B., Nazimov R. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishida axborot kommunikasiya texnologiyalarini boshqarishning ustuvor yo‘nalishlari va istiqbollari	152
Norqulov A.F. Raqamli transformasiya jarayonida bank xizmatlarini afzalligi	155
Ochilov T.Y. Raqamli iqtisodiyot – rivojlanish trendlari va xususiyatlari	157
Sarimsakov Sh.M. Raqamli iqtisodiyot: taraqqiyot sari qisqacha yo‘l	160
Navruzov D.I. Kuzatuv kengashi faoliyatini nazorat qilish va boshqaruv rolini oshirish	162
Қодиров Т.У., Мелиев В.П. Бизнес моделини рақамлаштиришдаги услубий ёндашувлар	164
Комилов А.А. Рақамли иқтисодиёт ривожланишида транспорт тизимининг аҳамияти	167

Шарипов Ш.Ш. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаларига эга бўлишида рақамли иқтисодиётнинг ўрни	171
Норкулов С.Т. Таълим соҳасини рақамлаштириш хақида илмий-назарий фикрлар	175
Хабибуллаева Ш.Т. Давлат иштирокидаги корхоналар корпоратив бошкарувини такомиллаштириш	181
Каримов С.Б. Халқаро қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг замонавий тенденциялари	185
Абдурахманова М.А. Тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятини бошқаришнинг тенденциялари	186
Зуҳуров К.З. Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларини ривожлантириш стратегияси	191
Ибодуллаев Ш.Т. Тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш имкониятлари	193
Ermatov D.S. Xorijiy davlatlarida o‘quvchilarning moliyaviy savodxonligini oshirish masalalari	195
Ekhsonov J.R. Prospects and solutions for the development of logistics services in Uzbekistan	198
Маҳкамова Ш.Ю.,Расулхўжаева Ш.М.,Душамова Ш.Қ. Гендер тенглик: аёллар, бизнес ва қонун индекси ҳамда рақамли трансформация	203
Шарипов Б. Ш.,Хамидов Д. М. Аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллабай ишлаш тизими	207
Суванова Д.Д. Акциядорлик жамиятларида бизнесни бошқариш самарадорлигини рақамлаштириш асосида ошириш йўллари	210
Kurbonov S.A. Sug'urta bozorining raqamli transformasiyasi	218
Норкулов С.Т. Таълим муассасаларини рақамлаштиришни баҳолаш услублари	222
Хасанов А.И. Корхоналарни инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини бошқариш	229
Мирзаев З.З. Қимматли қоғозлар бозорини рақамли технологиялар асосида ривожлантириш имкониятлари	233
Muhammad B.H. Iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasi sharoitida g‘aznachilik tizimi	237
Алимбеков Ш.Р. О развитии электронной комерции в странах Центральной Азии	240
Ilxomov B.I. Raqamli transformatsiya texnologiyalari: Biznes va iqtisodiyotda su’niy intelekt va big data imkoniyatlaridan foydalanish	244
Darvishov S.R. Iqtisodiyotni raqamlashtirish jarayonida sud-buxgalteriya ekspertizasining o‘ziga xos xususiyatlari	249
Ғойипназаров С.Б. Сунъий интеллектдан меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида фойдаланиш	252
Алланиязов П.А. Паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини оширишда хорижий тажирибалари	257

Тўраев А.Н., Сувонов Б.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат кўрсаткичларининг иқтисодий-ижтимоий моҳияти	259
Суванова Д.Д. Рақамлаштириш шароитида корпоратув бошқарув стратегиясини такомиллаштириш	263
Жоллыбеков В.Б. Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш механизми	266
Матекеев А.А.Эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион муҳитини ривожлантириш механизмлари	269
Байжанов.Д.С. Ислом молиясининг молиялаштиришнинг назарий асослари	272
Зарикеев Р.П. Туризм соҳасида инвестицион лойиҳалари молиялаштириш амалиёти	274
Makhmudov S.T. Some aspects of tax relations in international practice	277
Maxsudov M.I. Ways to form a strategy for the sustainable development of industrial enterprises in the conditions of the digital economy	281
Bakiyeva R.X. Davlat xaridlarida raqamlashtirish	283
Айтметов Б.Р.,Джуманов Ж.Х. Основные принципы разработки и функционирования информационной системы для ведения учета и мониторинга состояния подземных вод	286
Hasanov T.A. Davlatning ijtimoiy-soha muassasalari moliyaviy resurslarini boshqarish samaradorligini takomillashtirish	293
Тагаев Б.А. Инсон капиталининг рақамли ривожланишини баҳолаш	296
Тураев Б.Т. Цифровая трансформация: динамика развития, инвестиционные вызовы	300
Ходжаева Н.А. Совреенные индикаторы предлагаемые для оценки развития экологически ориентированного рынка труда	304
Досчанова Д.И. Халқаро рейтинглар субъектларининг тавсифи	308
Nabiyeva S.S. Raqamli transformatsiyalash davrida kriptologiyaning roli	313
Қайтаров В.Р. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш йўллари	314
Норкулов С.Т. Таълим муассасаларини рақамлаштиришда хориж тажрибаси	319
Қурбонов С.А. Суғурта маҳсулотларини бевосита сотиш учун интернетдан фойдаланиш	327
Хомидов К.К. Совершенствование процессов формирования деятельности туристических комплексов и обеспечение отрасли квалифицированными кадрами при развитии туристического бизнеса в регионах	330
Умаров Ж.Т. Давлат харидлари соҳасида тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар: соҳани рақамлаштириш ва такомиллаштириш масалалари	332
Hotamov A., Abduqodirova M. Infratuzilma provayderlari	336
Салиев Х.А. Тоғ-кон ва металлургия корхоналарида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва соҳадаги рақамлаштириш истиқболлари	340

Акбарова Х.С. Иқтисодиётда рақамли трансформация: рақамли иқтисодиёт истиқболлари	346
Кодирова Ш.А., Вахидова С.А. Цифровая трансформация социально-экономических систем: основы и преимущества	350
Джаматова Д.М. Буюмлар интернети стандартларининг асосий жиҳатлари	354
Саатова Л.Э., Райимов А.Р. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шариотида аусорсинг хизматларининг ўрин	358
Dushamova Kh., Dushamova Sh. Women's entrepreneurship in Uzbekistan	362
Рахматов Ф.Қ. Саноат кооперацияси самарадорлигини оширишда рақамли технологиялар омили	366
Расулхужаева Ш.М. Роль женщин в экономике	370
Султанходжаев Б.З. Перспективы цифровизации химической отрасли Узбекистана	373
Shodiyorov I.M., Mamanov Sh.U. Biznesda raqamli transformatsiya-“PricewaterhouseCoopers” (PwC) kompaniyasi misolida	380
Xolov A.X., Shamsiyeva Y.O. Banklarda transformatsiya jarayonlari va xizmatlarni raqamlashtirishni takomillashtirish yo‘llari	383
Berdiqulov Q.G‘. Agrar sohada amalga oshirilayotgan raqamli transformasiya jarayonlarining statistik tahlili	386
Садикова Д.Р. Рақамли трансформация жараёнларида муқобил энергиянинг ўрни ва ҳуқуқий асослари	391
Рўзиев А.О. Миллий иқтисодиётни рақамлаштиришни баҳолашнинг миқдорий ва ахборот таҳлили масалалари	396
Умарова Д.Р. Диаспора шаклланишида матбуотнинг роли: АҚШ жамиятида ўзбеклар ўзлигининг сақланиши ва интеграциялашуви	400
Акабирходжаева Д.Р. Преимущества цифровой трансформации (на примере)	405
Ашуров З.А. Основные направления цифровой трансформации экономики Узбекистана в условиях интеграции с евроазиатским экономическим союзом	407
Qudratova M.R. Ta’lim tizimida inson resursidan foydalanishga doir zamonaviy yondashuvlar	414
Davlatova S.T. Iqtisodiy raqamli transformatsiya jarayonlarida milliy hunarmandchilikni rivojlantirish omillari	419
Абруева Х.Ш. Ўзбекистон рақамли иқтисодиётининг трансформацион модели ва унинг шаклланиш хусусиятлари	425
Алимов Б.М. Кредит рискига таъсир этувчи омиллар	430
Якупбаев Қ.Ж. Корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини баҳолашда хатарларни таҳлил қилиш	434
Мамбетназарова А.М. Зарубежный опыт в оценке залога для банковских кредитов: обучение из лучших практик	438
Валиева Н.Х. К вопросу цифровизации высшей школы бизнеса и предпринимательства	440

Усманов Х.А. Кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар малакасини ошириш жараёнида рақамли технологияларни қўллашнинг аҳамияти	443
Султанов Р.Р. AI-технологии и трансформация образовательных моделей: новые пути развития	448
Ибодуллаева М.Т. Валюта операцияларини рақамлаштиришнинг долзабр масалалари	456
Гадоев С.Ж. Кредит механизмининг муҳим методологик масалалари	457
Yuldashev I.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida banklarda transformatsiya	463
Баутединов М.Ж. Рақамли трансформация шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш хусусиятлари	465
Назаров Қ. Мамлакатимиз иқтисодиётини ўсишида инвестицион лойиҳаларни ўрни	468
Абдуразакова Н.Р. Рақамли трансформация шароитида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари	472
Отақўзиева З.М., Равзатов Ж.Б. Корхоналар фаолиятини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар	474
Nusratullayev B.N. Korxona innovatsion strategiyasining samaradorligi va uni rivojlantirish istiqbollari	479
Шомуродов Р.Т. Инновациялар ва рақамли технологиялар асосида очиқ бозор операцияларини такомиллаштириш	484
Амиров А.У. Бевосита солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишда рақамли технологияларнинг ўрни	487
Якупбаев Қ. Ж. Корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини баҳолаш амалиётининг камчиликлари	491
Мамбетназарова А.М. Оценка залога в банковском кредитовании: методы, проблемы и перспективы	495
Гадоев С.Ж. Кредит механизмини самарали ташкил этиш масалалари	497
Yuldashev I.A. Raqamli bank tizimi	501
Назаров Қ. Тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш йўллари	504
Тугалов Б.Қ. Базель қўмитасининг кредит рискини баҳолаш бўйича талаблари	508
Саъдуллаева М.Қ., Шарипов Б.Ш. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлашда рақамли ёндошув механизмлари, усул ва воситалари	509
Akramov A.A. Axborot texnologiyalari sohasida korporativ boshqaruvning zamonaviy standartlarini joriy qilishini takomillashtirish	513
Насиров М.И. Kichik biznes va tadbirkorlikni iqtisodiyotdagi o’rni	514

Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари

Muharrir: Begzod Keldiyorov
Sahifalovchi: Otabek Fayzullaev
Dizayner: Vasiliy Bursev

Bosishga ruxsat etildi 25.08.2023. Formati 84x60 1/32.
«Times New Roman» garniturasida ofset usulida bosildi.
Nashr bosma tabog'i 27,7.
Shartli bosma tabog'i 27,7. Tiraji 150.
Buyurtma № 23/06

«BROK CLASS SERVIS» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, Segizbaeva ko'chasi, 28-uy.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,
100060, Тошкент, Миробод кўчаси, 25.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI